



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
и жтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1985

54-йил чиқиши

Бош редактор
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд НҶЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАҲИМ
Туроб ТҮЛА
Худойберди ТҮХТАБОЕВ
/бош редантор ўринбосари/
УЙГУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Ўнтам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ	
Рамз Бобожон. Сарлавҳасиз шеърлар	3
Азим Суюн. Замин тақдири	103
НАСР	
Мирмуҳсин. Темур Малик. Роман. Давоми	9
ПУШКИНХОНЛИК	
А. С. Пушкин. Лицинийга	110
А. С. Пушкин хатлари	112
ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР	
Павел Антокольский. Фарзанд. Достондан боблар	115
ПУБЛИЦИСТИКА	
ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ	
XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА	
Мирза-Али Муҳаммаджонов. Ерни алдаб бўлмади	122
Ўткир Ҳошимов. Нур кўпайса, соя камаяди	128
Ҳакимжон Тиллаев, Жўрабой Ҳайдаров. Тупроқ мал- ҳам сўрайди	132
САНЪАТ	
Сергей Бондарчук. Мўъжиза истаб	135
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Замонавийлик ва маҳорат. Асқад Мухтор, Ҳафиз Абду- саматов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажо- нов, Собир Мирвалиев, Нуриддин Шукуров, Норбой Худойберганов, Бахтиёр Назаров, Очил Тоғаев, Ибро- ҳим Ғафуров, Сотимхон Иномхўжаев, Хайриддин Султонов. Давра гурунги	148—172
ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ	
Анқабой Қулжонов. Олимнинг балоғат ёши	173
БОЛАЛАР ДУНЕСИ	
Ҳамидулла Ёқубов, Райим Фарҳодий, Сафар Барноев, Владимир Данко, Қамбар Утаев, Рауф Толиб, Файзи Шоҳисмоил, Ҳамза Имонбердиев, Жўра Раҳим, Одил- жон Олимов, Турсунбой Каримов. Шеърлар	176—181
ТАҚРИЗЛАР	
Тўлабой Рўзиев. Равшанлик бўлмагач	182
Низомиддин Маҳмудов. Илк қўлланма	184
Сафо Матжонов. Мақсад катта, аммо натижа-чи?	186
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Михаил Прудников. Эфирдаги бегоналар. Қисса. Охи- ри	189
ГУЛҚАЙЧИ	
Ҳийлаи шаръий	
Ғафур Ғулом. Энг расво номози аср	205
Конвертларни қайчилаганда	207

Рамз Бобожон,
Узбекистон ССР халқ шоири,
СССР Давлат мукофотининг лауреати.

**САРЛАВҲАСИЗ
ШЕЪРЛАР**



Йўқ!

Ҳайкал эмасман,

хайкал эмасман!

Менга бегонадир бепарво нигоҳ...

Балки,

тамал тошман, бир сўз демасман,

Елкамда залворни тутаман огоҳ!

Балки йўнилмаган, лекин яроқли

Бир тошман, эҳтимол, кутаман навбат...

Ўтга,

сувга солса, собит, синоқли,

Замину замоннинг белига қувват...

Эҳтимол,

харсангман, тоғлар қошида —

Илк нурга интилган бургут мисоли...

Эҳтимол, бир тошман, дарё бошида

Паридай покиза ювуқ жамоли...

Эҳтимол, қайроқи...

эҳтимол, чағир...

Қиррамда ёғдулар юлдуз ёноқли...

Балки ўхшовсизман, қоядай оғир,

Бугуним бардошли, эртама ардоқли...

Йўқ!

Ҳайкал эмасман санъаткор йўнган,

Шон-шуҳрат гангитган тақдирга гувоҳ!

Балки она-ернинг бағридан унган —

Тўпори бир тошман, кўзлардан йироқ...

* * *

Том бошида оқ-оппоқ туман —

Қиз рўмоли,

севги жамоли...

Туман аро янграрди шўхчан —

Қўшиқ бўлиб ёрим хаёли...



Қўли гул болалар ясар қорбобо,
Совға-салом билан турар толиқиб...

Паст-баланд, ҳаммаёқ уюм-уюм қор,
Оқ айиқ ястаниб ётгандай худди.
Январь хирмониға кўча бағри тор,
Торлик қилар ҳатто уфқ худуди...

* * *

Эски бир альбомни қўлимга олдим,
Таниш суратларнинг ичида қолдим:
Бири менга ўхшар, бири ўхшамас,
Бириси яхшию, бири яхшимас!
Яна бирин кўриб ақлим паришон,
Балки дилкашидан дилим пушаймон...
Яна қўлга олиб барин бирма-бир,
Суратлар қатидан топгандай бир сир,
Хаёлга ботаман, таажжуб бир ҳол,
Уйқудан ўтмишни уйғотган мисол...
Қайси бир суратга боқмай, ногаҳон
Ўзимни кўраман, кимлигим аён:
Бирида кўринса бастим соядай,
Бошқа бирисида худди қоядай...
Бирида сочларим бўлса жингалак,
Бошқасида қиров қўнгандай жиндак...
Лекин

барида бир умрим, қисматим,
Болалик ғурури, ёшлик талъатим,
Тонгги юлдуз каби ёниқдир кўзим...
Барида ўзимман,
ўзимман,
ўзим!..

* * *

Баланд ҳам кетмадим,
паст ҳам кетмадим,
Ўрта бир пардани хуш кўрдим гўё.
Бепанд чўққиларни хаёл этмадим,
Ёлғон мақтовларга бўлиб маҳлиё.

Дарвоқе, танладик икков икки йўл,
Қолбуки, бир манзил мўлжал бўлса ҳам!
Сенга мансаб деган номард келди қўл,
Менга эса ҳақгўй, дардкаш бир қалам!

* * *

Интизор соатлар этгудай адо,
Санаганинг билан етолмайсан ҳеч!
Лаҳзалар ўтади боқмасдан қиё,
Кўз очиб-юмгунча, кундуз худди кеч...

Қолбуки, баъзида қимир этмас вақт,
Сен эса шошасан ундан ўзгудай.
Мабодо кечиксанг, қўлдан кетар нақд,
Бир умр топганинг бир он тўзгудай!..



Демак, вақт ғанимат,
вақт ғаниматдир!
Вақтдан орттирилган бахт ғаниматдир!

* * *

Муз чатнади, тўнғиб ётган муз,
Муз оқади дарё ва дарё...
Сув тубига чўккандай само
Тўлқин отар тунги ғуж юлдуз.

Муз чатнади, илиқ ел эсди,
Коинотга жон кирди гўё,
Чехраларда нур бўлди пайдо,
Совуқликни ҳарорат кесди.

Муз чатнади, кўкда оқ булут
Оқ елкандай сузиб юрарди,
Шамол турса тўзиб юрарди,
Ярқ этган нур чертилган гугурт...

Муз чатнади... Фасли навбахор,
Бўғотларда эрир сумалак,
Томчиларда ўйнар камалак,
Табиатнинг қалби беқарор...

* * *

Оқшом дайдигандай кезиб юраман,
Чироқ ёқилмаган кўчалар аро.
Сенинг деразангда бир нур кўраман,
Тиниқ дилрабо...

Осмон. Юлдуз ғуж-ғуж. Олам қоронғи.
Туннинг эркатойи ойдан йўқ дарак
Ва лекин бахтимга сен борсан, сулув,
Энг олий тилак!

Сенга интиламан... Сен на шошасан,
На ғамза қиласан, на ноз, на парво...
Лекин хаёлимда тоғлар ошасан —
Бир кийикнамо...

* * *

Дарахтлар кўринар уйлاردан олдин,
Дарахтлар ортида ёнади чироқ.
Дарахтлар тагида дам олиб ҳорғин,
Остонага аста кўясан оёқ...

Дарахт хосияти эса беқиёс,
Бир боғнинг ҳусни бор битта япроқда...
Денгиз тубидан дур топгандай ғаввос,
Кўчат эккан кунинг, қалбинг тўлғоқда...

Бир кўчат экдингми, яшарасан юз,
Кўлинг дард кўрмайди, кўнглинг жароҳат!



Кўзларинг кечадан қолган жуфт юлдуз,
Нигоҳинг ниҳолда,
таажжуб ҳолат!



Ота-боболарга хос бир эзгулик
Ёддан кўтарилар гоҳи-гоҳида...
«Эк!» эмас,
«Кес!» деган хитоб кулгили.
Мунгли эшитилар дарахт оҳида...

Ҳолбуки, меваси мисли табассум,
Тангадай сояси татир оламга.
Йўқ! Мангу яшайди ҳаётбахш удум,
Бир ниҳол жилваси минг бир қаламда...

Қани, эк!
Севиб эк!
Танлаб экамиз!
Илдизига қара, бўлсин тоза, соз...
Тиргович бўлгудай кекса елкамиз,
Тиргович бўлгудай дилдаги ихлос.

* * *

Яна туман, йўл усти туман,
Туман турар жар ёқасида...
Туман ичра энтикар чаман,
Туман ётар боғ орқасида.

Туман аро қолгандай икков,
Туман аро қолди севгимиз.
Лекин қалбда ёнарди олов,
Туман аро янграр кулгимиз...

Туман аро биримиз Лайли,
Бировимиз адашган Мажнун...
Ёшлик майли — муҳаббат майли
Соҳилларга урилган тўлқин.

Кел, севгим, овла кўнглимни,
Нурсиз уйга сочгандай зиё!
Кўрсатгандай ойдин йўлимни,
Қутлуғ кўлинг чўз туман аро!

* * *

А.га

Қўй, дўстим, йиғлама, бардам бўл, бардам,
Ёмонлар, эҳтимол, дунёда кўпдир.
Аммо ёмонлардан яши эмас кам,
Ёмоннинг тақдири қуриган чўпдир,
Қўй, дўстим, йиғлама, бардам бўл, бардам!

Начора! Ҳасадгўй, балки, оз эмас,
Мабодо, олинса тилга шуҳратинг,
Эҳтимол, зил кетиб, ҳеч нима демас,

Лекин сурат этар уни суратинг.
Начора! Ҳасадгўй, балки, оз эмас!

Тантилик ҳасаддан баланддир, баланд,
Шубҳани улоқтир, бор бўлса, бошдан!
Мақтовга зор эмас йилт этган талант,
Олтин заррачаси фарқ қилар тошдан,
Тантилик ҳасаддан баланддир, баланд!

Қўй, дўстим, беҳуда тўкма ёшингни,
Бебақо ҳасаднинг азобин торта...
Ҳеч ким қорайтолмас бахт қуёшингни,
Йиғлоқи қалбдан из қолдирма ортда,
Қўй, дўстим, беҳуда тўкма ёшингни!

* * *

Олатовда янграган қўшиқ —
Акс садоси олтин водийда...
Бир балого ярак қолди-да,
Тонг отгунча тўлғанди ошиқ...

Тонг отганда сувга чиқди қиз,
Тонг отса ҳам тинмади қўшиқ...
Тонг отса ҳам ухлолмас ошиқ,
Муҳаббатдан огоҳдай ҳаргиз.

* * *

Учрашув сўнггида хайрлашув бор,
Файласуф айтгандай абадул-азал...
Қалбинг қувонади кўришсанг дийдор,
Ушандай соатга муҳаббат маҳтал.

Начора! Истасанг, истамасанг ҳам,
Баъзан кузатасан яхшилик тилаб...
Баъзан юзга тепар дилдаги алам,
Баъзан ич-ичингга ютасан йиғлаб...

Майли! Хайрлашсак, хайрлашайлик,
Лекин, ўчмаса бас юракдаги ўт!
Яна учрашайлик, ҳазиллашайлик,
Минг қатла шукрки, толеимиз бут!

* * *

Шатакка зор эмас шеърим карвони,
Ойдин йўлдан йўртиб, етар юракка!
Қайроқи мисранинг борми армони,
Туйғулар туғёни ўрлар юксакка...
Қофия каптардай қоқади қанот,
Тилга кирар, ҳатто, тиниш белгилар...
Қаламим топганда қалбимдан нажот,
Тантана қилади мунг ва кулгилар...



Мирмуҳсин

Жемур Малик

ТАРИХИЙ РОМАН¹

Ун тўртинчи боб

Бузилган ҳаловат

Нигина бениҳоя шод: қабоқлар сурмаранг, лаблар олуца... Атрофлари тиллақошдек, кумушга беҳисоб зумрад кўзлар қадалган катта, тухум шаклидаги ойна олдида анча муддат ўтириб ўзига оро берди. Ўз-ўзини томоша қилди. У яна ҳам гўзалроқ бўлиб қолгандай ҳис қилди ўзини. Узоқ йўл босгани, ҳар хил кийимларга ўралиб юрабергани учунми, у кейинги вақтда ўзини яхшироқ кўришга фурсати бўлмади. Ҳозир ёлғиз ўзи ички ҳарир кийимда каттагина кўзгу олдида жамолини обдон томоша қиларди. Йигирма беш ёшларга бориб қолганига қарамай, ҳали унинг юзлари, бўртиб чиққан кўксию оппоқ кифтлари, бўйнининг узунлиги... бениҳоя бир инсоний гўзаллик кашф этиб, ҳар қандай йигитни ҳам мафтун этмоғи аниқ. Лекин бу гўзаллик олтин безаклар қадалган ипак либослар ичида доимо яширинарди. Айниқса, султон саройида рақс қилиб, катта мансабдору шахзодаларни маҳлиё этиб юрган Нигинанинг ёқимли кулкийю табассуми, ҳазил-мутойиба сўзлари, ҳаракатлари — бебаҳо жавоҳир.

Уша куни у устод Ота Муҳаммад раҳнамолигида ўз тўдаси билан уч арава бўлиб йўлга тушишгач, икки от қўшилган, ғилдираклари паст, ичига юшоқ тўшагу пар ёстиқлар солинган, ҳамма ёғи берк мўрдак аравада энагаси билан ўтирган Нигина обдон йиғлади. «Худо мени чиройли раққоса қилиб яратгани билан бутун умрга бахтсиз инсонмен. Мен ҳам бир кимсанинг хотини бўлиб, уй юмушларини қилиб, умр ўтказгим келади. Бола туғгим келади... Мен қачонгача ҳукмдорлар дилхушлиги учун ўзимни бағишлаймен! Бир коранда ёки косиб кимса бўлса ҳам ўз эрим бўлишини истаймен. Менинг ҳам она бўлгим келади!..»

«Маликам, сабр-қаноат керак, — деди кексайган энага, — менчи, мен ҳам сенинг хизматингда умр ўтказаётирмен. Пешонамизга нима ёзилган бўлса шуни кўрамиз. Йиғлама, бебаҳо гавҳарим, йиғлама».

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

Уч арава қатор тизилиб, Хўжанддан Қистакўз қишлоғига, ундан Белисиниқ тоғи оралаб ўтиб, Лайлак дарёси ёқасига чиқди. Дарё бўйлаб икки кечаю кундуз йўл юриб Роботга, ундан Қаровшин дарёсига, Чорку орқали Воруҳга ўтишлари керак. Уч ойча бунда қолиб, наврўзи олам билан яна орқага, Сайхуну Жанд орқали бепоён Қизилқумни кечиб, Гурганжга қайтиш лозим. Саройда вазири аъзам Низом ал Мулк ҳузурда гап шундоқ бўлган эди. Бу аҳду паймонни бузиш асло мумкин эмас. Нигина ота-оналари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарларини кўриб, уларга қимматбаҳо совғалар қолдириб, яна Гурганжга қайтмоғи шарт. У, айниқса, муштипар онасини соғинар, унинг бир кеча базмида топган, бўйнига тақилган жавоҳирлар ота-онасининг бутун умр тирикчилигига етарди. Шунча қимматбаҳо тақинчоқларни нима қилади? Кимларгадир қолиб кетмаслиги, қароқчилар қўлига тушмаслиги учун у вазири аъзам Низом ал Мулк рухсати билан йўлга отланиб, устод Ота Муҳаммадни кўндириб, карвон билан Гурганждан йўлга чиққан эди. Устод ниҳоятда инсофли одам. Бу ишдан кўпларнинг хабари йўқ, ҳатто унинг қимматбаҳо буюмларини кўзлаб юрган Аёз ҳам раққосанинг йўлга чиққанини билмай қолган.

Хўжанддан чиқиб, бир йиғоч¹ чамаси Қистакўз томон отда, устод Ота Муҳаммад ўтирган биринчи арава ёнида келаётган Темур Малик, Иброҳим Дўлдай отдан тушишиб, аравалардаги хонанда, созандалар ҳамда устод билан хайрлашишди. Соябонлик аравада ўтирган раққоса ва унинг энагаси билан ҳам қўллари кўксига, таъзим ила хайрлашишди. Нигина юзларини очиб, саркардага бир қаради-да, беркитди. Гўё ярқ этиб кўринган қамар яна қора булутлар ичига кириб, кўздан йўқолди. Бу сиру синаотдан оз-моз хабардор аравакаш ҳам от устида миқ этмай қўққайиб борар, улар хижолат бўлмасин, деб орқасига бирон марта ҳам ўгирилиб қарамасди.

Нигина жим бўлиб қолди. Шу ўтирганча қош қорайиб, тун чўккангача миқ этмай кетаберди. Овқат ҳам емади, аравани тўхтатиб пастга ҳам тушмади. Нигинанинг ҳолатидан бошқа аравада кетаётганлар ҳам хабардор эдилар. Устод араваларни бир муддатга тўхтатиб, Нигина ёнига келди. Унга насиҳат қилиб, сабр-қаноат тилади, қайтишда яна Хўжандга тушишга ваъда берди. Ундан сўнг саркарда учун Воруҳ, Чорку, Конибодом томонларга келиб-кетиш ҳеч гап эмас, нома ёзиб, таширфларини сўраймиз, деди. Нигина устод ёнида ёш қизлардек ўкириб йиғлар, кўз ёшидан ёноқлари ҳўл эди. Унинг ёлғон бўлса ҳам кўнглини овлаётгани, ўз отасидек насиҳат қилиб, сабр-қаноат тилаётгани, дил андуҳларига — изтирбларига тортинмай аралашаётгани Нигинага тасалли берарди. Бу уни ҳадеб кўзёш тўкиб йиғлашдан тўхтатди. У устод ёнида ўзини қўлга олди, бари бир энг азиз кишисини йўқотган кимсадек бағри ёнарди...

Нигина арава ичида, юмшоқ кўрпача устида чўққайиб ўтириб борар, гапирмас, юзларини ҳам узун рўмол билан беркитиб олганди. У энди саркардани мутлақо кўрмайди — дарёга тушган игнадек ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади...

Учинчи кун, Воруҳга киришга яқин Исфара дарёси бўйида тўхтаб, чўпонлар ўтовида тунашди. Руҳан сўнган, емак-ичмакка ҳам хоҳиши йўқ, қандайдир фавқулодда қайғу ридосига ўралган Нигина ҳеч ким билан гаплашмас, телба бўлиб қолган кимсадек хаёл суриб, ўзи билан ўзи гаплашарди... Ёнида турган энагаси билан ҳам мутлақо иши йўқ эди. Мотамсаро Нигинанинг аҳволидан қисман воқиф йўлдошлари уни зимдан кузатишарди-ю, лекин унга бир сўз дейишмас, устод Ота Муҳаммад чин юракдан насиҳат сўзлари айтиб, ўгит берганини билишарди. Жароҳат оғриғи олти кун, аммо дил оғриғи... умрбод эканини билган энага хотиннинг юраги шиғиллаб кетди. Чунки унинг бори-жаҳони, тириклиги шу Нигинага боғлиқ эди. У ҳам ҳоким

¹ Бир йиғоч — ўн километрга яқин келади.

ҳазратларидан бағоят хафа бўлди. Гўзал Нигинани Хўжандда олиб қолишини, шу баҳона унинг атрофида хизмат қилиб юришини жуда ҳам истаган эди. Энди Нигина бамисоли жонсиз ва беҳарорат тошга айланиб қолган эди.

Сўзамол, шаддод малакнинг уч кун ичида тамоман ўзига ўхшамай қолгани йўлдошларини ўйлатиб қўйди. Айниқса, дафчи Насриддин бунга ҳайрон эди.

Тун.

Кимсасиз дашт тепасида янги ойнинг ўроғи.

Қора бахмал фалакда олтин юлдузлар шу даражада яқин чакнаб турибдики, қўл узатса етадигандай. Уч-тўрт ўтов ёнида аравалар, четан деворлар, хашак гарамлари... Йўл юриб чарчаган отлар ҳам тик турганча мудраб ухларди. Баъзан узоқ-узоқларда қандайдир бир кўшпак итнинг вовуллаши эшитилар, ўқтин-ўқтин чақалоқ бола йигисига ўхшаш чиябўриларнинг улиши ҳам тўрт томонга тарқаларди. Бу ерлик чўпонлар дашт шамоли, бўрилар улишига ўрганиб қолган, кучли, вафодор итлар молни йиртқичлардан яхши ҳимоя қилишини билардилар. Лекин бари бир ўз қўналғасида ўликдек қотиб ухлайдиган чўпон ҳам, чўлиқ ҳам бу музофотда йўқ.

Энага назарида қотиб ухлаб ётгандек кўринган Нигина аслида уйғоқ эди. У ярим тунда бўйнидаги қимматбаҳо дурлару билакларидagi тилла ҳалқа, балдоғу бармоқларидаги гавҳар кўзли узукларини — барча тақинчоқларини аста-секин ечиб, ётган ерига қўйди-да, бошига узун қора рўмолини ташлаб, ўтовдан ташқарига чиқди. Атрофига аланглади, ҳамма қотиб ухлаб ётарди. У кимсасиз даштда олис тепалик ортидаги дарё томон оёқ яланг юриб кетди. Шамол ғувиллаб, танига ўралган қора рўмолини учирай, «борма, борма!» дегандек кўкрагидан итарарди. Аммо у борган сари қадамини тезлатар, шошарди. Унинг кимсасиз ваҳимали даштда чопиб кетаётганини кўрган фалакдаги ой ҳам қўрқув ичида кўзларини юмиб олгандай... Қоронғулик ва шамол... Саҳрода бошсиз қорамтир бир нарсанинг югуриб кетаётганини кўрган тунпараст жониворлар — юмрону бўрсиқлар ҳам ин-инларига кириб ғойиб бўлди. Лекин узоқ тепаликда чўққайиб ўтирган тулки чўчимай, қора ридога ўралиб, арвоҳларга ўхшаб кетаётган Нигинани бемалол кузатиб турарди. У тепаликка яқинлашганида қўтон атрофида юрган чўпон итларидан бири «бу нима экан», деб бир-икки вовуллади. Лекин оёқларига чўкиртақлар, янтоқ тиканлари кириб қонатиб юборганини ҳам сезмаган Нигина ҳамон тепалик орқасидаги жарлик томон югурарди. Бу жарлик остида айқириб, буралиб Исфара дарёси оқиб ётарди. Болалигида бу ерларга келган, ота-оналари, укалари билан аравада Чорку, Исфара, Қонибодом томонларга борган, Қаровшин ва ундан Робот томонларга ҳам сафар қилишган эди. У бир йўла дунё ташвишларию юрак изтиробларидан қутулмоқчи бўларди. Узоқ вақт кўрмаган, ғоятда соғинган онасию укалари, қариндош-уруғларини ҳам унутди. Васваса тўзони ҳамма нарсани босиб кетди. Тепаликка етгач, тик жарлик ёқасига келиб, пастликда ялтираб турган дарёга қаради. Телбагезак¹ дардига мубтало бўлган кимсадек жарнинг чуқурлигига оёқ қўйиб, янтоқ илдизларини ушлаб пастга туша бошлади. Фақат бўрию тулкилар, даррандалар юра оладиган жарлик қияларидан тушаётган қора ридо — рўмолга ўралган нарсага кўзи тушган бир кекса қашқир нариги томондан унга тикилиб қараб турарди. Афтидан, инсонга ўхшамаган бундай жониворни биринчи кўриши бўлса керак, оч қашқир лол қолган эди. Нигина икки терак бўйи келадиган тик жарликдан пастга тушганида орқама-орқа сарпойчан келаётган бир одам жарлик тепасидан пастга қаради-ю, дарё лабида гандирақлаб турган қора ридоли Нигина томон ўзини отди. У оёқ қўядиган чуқурлигу янтоқ илдизларини қидириб ўтирмай, сурилиб, юмалаб,

¹ Телбагезак — ойпараст дарди ҳам дейилади.

баъзан боши қуйи, оёғи осмонга бўлиб пастга тушди. Нариги тепаликда чўнқайиб ўтирган оч қашқир унга ҳам эътиборсизлик билан қараб қўйди. Орқасидан кимдир келаётганини мутлақо сезмаган Нигина айқириб оқаётган дахшатли дарё ёқасида осмонга қараб пичирлаб, икки қўлини юзига тортаётганида орқасидан етиб келган кимса маҳкам ушлади.

— Маликам, бу нима иш?.. Нима қилмоқчисен?!

— Сен кимсен? Шайтонмисен? Қўлимни қўйиб юбор!

— Мен йўлдошингиз, дафчи Насриддинмен.

— Йўқ. Сен жинсен!

— Жин эмасмен, Насриддинмен. Маликам, қайтинг бу йўлдан! Онангизга раҳмингиз келмадими? Ахир, сизни бир яхши инсон деб йўлдош бўлиб Гурганждан келаётирмен. Мен сизнинг пулу садақангиз эмас, санъатингиз ошифтасимен! Бу қандай иш?! Устодни ҳурмат қилмаганингизда ҳам онангизга раҳм қилинг! Сизнинг ҳамма эркаликларингизга чидаб келаётган бўлсагу бу қандай шафқатсизлик?!

Нигина дарё ёқасида ерга ўтириб, дод солиб йиғлай бошлади. Унинг ҳуши ўзига келгандай васвасалар тўзони йўқолиб, ҳаво ёришгандай бўлди. Емон туш кўриб, босинқираган одамдай, кўзини очиб, йиғлаб, дафчи созанда Насриддинга қаради. Тепасида тик турган забардаст, елкалари кенг йигит бундан беш кун аввал Хўжандда ҳам шу аҳволга тушган эди. Темур Малик сарбозларининг ўткир қиличлари ёнига йўлломлаган дафчи Насриддин Сайхун ёқасига бир неча маротаба бориб, ўзини сувга ташлаб ўлдирмоқчи ҳам бўлган. Мана, ҳозир Нигинанинг ўзи ўша ҳолга тушганини кўриб, лол қотди. Бу қайтар дунё эканига ишонди.

— Маликам, кетдик!

— Мен қайтиб бормаймен! Қўйиб юборинг, ялинамен... Мен гуноҳкор банданинг жазоси шу!

— Йўқ! Борасиз! Сиз гуноҳкор эмассиз.

— Мен энди ёруғ дунёда туrolмаймен. Мен ўлган кимсамен.

— Йўқ! Сиз ҳаммамиздан кечган бўлсангиз ҳам, онаизорингиздан кечолмайсиз! Қайси гуноҳлари учун онаизорингизни азоб ўтига ташлайсиз? Сиз онангиз ёнига борасиз! У бечора ўз қизининг жамолини бир кўргач, кейин нима қилсангиз қилаберасиз! Унгача сизни ўз ҳолингизга қўймаймен! Мен, нодон, қандай бечорд, номард кимсага йўлдош бўлиб қолдим!.. Умримда бунчалик номардликни кўрмаганмен!

Бу гапларни эшитган Нигина ўтирган еридан туриб, Насриддинга ўқрайиб қаради. Бу очиқдан-очиқ ҳақорат Нигина кўз ёшларини музлатди. У ҳеч қачон «номард» сўзини ўзига яқин йўлатмас, бир оғиз сўз учун бўйнидаги бебаҳо дурларини кишиларга бериб кетган эди. Насриддиннинг тик турганча нописанд айтган бу сўзлари Нигинанинг эс-ҳушини жойига келтирди.

— Мени ҳақорат қилманг...

— Сизни ҳақорат қилмоқ у ёқда турсин, қаттиқроқ гапиришга ҳам ҳаддим сиғмайди. Аммо ҳозирги аҳволингизга бундан бошқа сўз айтмоқ нолойиқ. Ахир, мен сизнинг онаизорингизни кўрмаганмен, сиз ўзингиз устодга таъриф этганингизни тинглаганмен. Оназорни йиғлатган фарзандни нима демоқ мумкин?!

Нигина яна бошига қора рўмолини ёпиб, тик жарликдан тепага қараб юра бошлади. Чўкиртақлар кириб, қонаган оёқларининг оғриғи сезила бошлади. Аъзойи бадани титраб, тепаликка бемадор тирмашаётган эди, дафчи Насриддин, Нигинанинг қаршилик кўрсатишига ҳам қарамай, даст кўтариб олиб, ён томондаги сўқмоқ билан юқорига чиқиб кетди. Нигина унча оғир эмас эди, забардаст йигит учун чивиндек раққосани кўтариш ҳеч гап бўлмади. Насриддиннинг кучли билакларидан тойиб тушиб кетмаслик учун Нигина бир қўли билан Насриддиннинг бўйнидан маҳкам қучиб олди. Гўзал Нигинанинг шундоқ

нафаси нафасига урилиб, ҳаллослаб юқорига чиқаётган Насриддин ҳеч нарсани кўрмас, ўтовда ётган шериклари бу ишни сезиб қолмасликлари учун шошар, антикар, тезроқ Нигинани ўтовга, энагаси ёнига етказишга интиларди. Жарликдан юқорига чиқишди. Нариги томонда чўнқайиб ўтирган оч қашқир уларнинг «қўрқинчли дарё ёнига келиб, сув ичмай қайтиб кетаётганликлари»дан таажжублангандек эди.

Насриддин ўтовга етиб келгунча, Нигинани қўлидан қўймади. Уни ичкарига киритиб юбориб, ўзи бир муддат ҳансираб ерда ўтирди. Атроф ёққа аланглади. Ухлаб ётган шериклари тепасига бориб, барчани бир-бир кўздан кечирди. Нарироқда, намат ўтовдаги чўпонлар ҳам пишиллаб ухлаб ётарди. Яна айланиб келиб, ўтов эшигидаги пардани озгина очиб, ичкарига қаради — Нигина энагаси ёнида ётганини кўриб, яна ўз жойига қайтди...

Тонг отди.

Йўловчилар ўринларидан туришди, юз-қўлларини ювиб, нонуштага ҳозирлик кўришди. Отларга хашак ташланиб, суғорилди. Ҳамма уйғониб, ҳаракатга тушган, тезроқ гўзал Воруҳ қишлоғига етиб олиш иштиёқида юракларда завқу шавқ жўш урарди. Лекин битта одам кўринмасди. Ясаниб-тусаниб, она қишлоққа кириб бориш шавқи билан ўтовдан ташқарига чиқиб, биринчи бўлиб устодга салом берган Нигина йўлдошларини бир-бир кўздан кечириб, дафчининг кўринмаётганини сезиб, дарҳол сўради:

— Насриддин қани?

Йигитлардан бири шу лаҳза ўтовга кириб, қотиб ухлаб ётган дафчи Насриддинни уйғотди.

— Тур, сени сўрашаётир!

Насриддин кўзларини уқалаб, ташқарига чиқди. Обдастан дўсти сув қуйиб юборди, у юз-кўзларини ювди, нарироқда ясаниб ҳеч нарса бўлмагандек пинагини бузмай, кулумсираб, яшнаб турган Нигинага қараб қўйди. Бу ўзи инсонми ёки малакми? Оз бўлмаса худди шу пайт у дарё қаърига чўккан, йўқолган... йўлдошлари мотамда бўларди... Бунинг кулиб, жилмайиб туришини кўринг!

Нигинанинг энагаси уни фақат зарурат учун далага чиқиб келди, деб хаёл қилган эди. Фожиа бўлишини ҳеч ким пайқамасди.

Уч арава эрта тонгда яна йўлга тушиб, тушга яқин Воруҳ қишлоғига кириб борди. Нигина хонадонидида хурсандчилик бошланиб кетди. Онасининг ўз қизини бағрига босиб, кўзларига ёш олиб, қувонганини кўриб турган Насриддин муроду мақсадига етгандек хурсанд бўлиб, ногоҳ кўзларига ёш олди.

* * *

Нигина ўз йўлдошлари билан Воруҳда икки ойдан мўлроқ қолиб кетди. Гурганжда вазири аъзам Низом ал Мулк билан бўлган аҳдга кўра уч ойдан сўнг улар Гурганжга етиб келишлари, султон хизматида бўлишлари лозим эди. Устод Ота Муҳаммад, бу аҳдни бузиш асло мумкин эмас, «Аёзпаҳлавоннинг ханжари қонга беланмасин», деб улар яна йўлга тушишди. Нигина онасига анча тилла тангалар, қимматбаҳо тошлар қолдирди.

Улар йўл-йўлакай Хўжанддан ўтиб, Нигина илтимоси билан карвонсаройга тушганликлари ҳақида ҳокимга мутлақо маълум қилмадилар. Хўжандда бир кун тунаб, Уратепа ва Самарқанд йўли билан Гурганжга жўнадилар. Лекин Нигинанинг Хўжандга кирмай, йўлга тушгани айғоқчилар — Муҳаммад Интизом кишилари орқали ҳоким қулоғига етиб келди. У Иброҳим Дўлдай ва яна уч мансабдор билан карвон орқасидан от қўйиб, Қуркат қишлоғи яқинида уларни тўхтатди. Нигина ўтирган соябонли арава ёнига келиб, отдан тушди. Темурали Малек энтиқиб унга мурожаат этди:

— Маликам, бу нима қилганингиз?

- ...
- Карвон кетаберсин, сиз, устод, ҳамма йўлдошларингиз бунда қоласиз!
- Ҳожати йўқ...
- Нега?
- Чунки Гурганжга шошилмоқдамиз.
- Шошилишнинг ҳожати йўқ!
- Ҳожати бор!
- Бундоқ қилмоқлик мумкин эмас!
- Мумкин!
- Нега, ахир, Хўжандда тўхтамайсен?
- Саркарда, энди бу гапларни қўйинг. Мен бир бечора раққосамен... Ичимдан йиғласам ҳам ҳокимлар базми жамшидини обод қилишга одатланганмен. Мен Воруҳ қишлоғидаги бир камбағал деҳқоннинг қизимен, аслзода эмасмен. Қўйинг бу гапларни! Севиб қолиб, ҳаловатим бузилди. Энди мени тинч қўйинг. Раҳм этинг. Сиз, ишқ оташи билан ўйнашаётирсиз, бировни жизғанак қилиб куйдириб юбориш сизга нега керак! Инсоф қани? Қўйинг, улуғ саркарда! Ошиқ-мошиқлик тамом!
- Тамом эмас! Йўқ, тамом эмас!!!
- Карвон юриб кетди. Хўжанднинг шаън-шавкатли ҳокими Темур Малик отдан тушганча гилдирақлар, тасир-тусир туёқлардан кўтарилган чанг ичида қаққайган ёғочдек қотиб қолди...

Ун бешинчи боб

Фақирийнинг тарвузи қўлтиғидан тушди...

Бир зайлда кун кечираётган, елиб-югуришлар, шов-шувлардан узоқ Куркату Нав қишлоқларининг одамлари азалдан содда бўлади, деган гапга ишониш мумкин. Осуда ҳаёт кишига таъсир ўтказмай қолмас экан. Кексаликда Куркат билан Навдан нарига ўтмай юрагидан чўлоқ сарбоз—Муҳаммад Фақирий бозор кuni иттифоқо Темур Маликнинг бетоблигини эшитди. Қадрдон иниси хасталангандек юраги ачишиб кетди. У билан яқинда учрашгани, унинг «сермурувват» лиги чол юрагига меҳр солган эди. Муҳаммад Фақирийнинг султони ҳам, шоҳи ҳам, дунёдаги энг яхши инсони ҳам кейинги пайтда Темур Малик бўлиб қолган эди. У, йўрға эшаги устига икки кўзи туршагу баргак, анору нашвати, беҳининг сархили билан тўлган жундан тўқилган ола хуржунни ортиб, ўзи Хўжанд қайдасан, деб йўлга пиёда тушди. Кечга яқин шаҳри азимга кириб келди-да, одатдагидай бозорга бурилмай, тўғри ҳоким қўргонига юрди. Қалъа дарбозасининг икки томонида қурол тутиб турган сарбозлар устига хуржун ортилган йўрға эшакни етаклаб келган чўлоқ чолни тўхтатишди.

— Қаёққа?

Ҳеч нарса билмагандек ичкарига кириб кетаётган Муҳаммад Фақирий бир лаҳза тўхтади. У тўппа-тўғри Темур Малик айвонигача бориб, бемор ётган ҳокимни нашватилар билан бир хурсанд қилмоқчи бўлган эди. Ҳоким Куркатда бўлганида кадхудо — қишлоқ оқсоқоли зиёфатида нашватиларни мақтаб, сувини оқизиб еяётганига кўзи тушган. Саркарданинг юраклари куйиб турган бўлса, мана бу сершарбат нашватидан еб, юрак тапти олинар деб ўйлади. Ҳазратнинг, эҳтимол, тезда чиройлари очилиб, ўрниларидан туриб кетарлар, деган гапни ҳам дилидан ўтказди. Сарбоз йигитларнинг дарбоза олдида тўхтатганига ҳайрон қолди.

— Ҳоким ҳазратлари ёнларига кирамен. Нашвати олиб келдим. Юракнинг таптини босади.

— Ҳоким ҳазратлари нашвати емайдилар. Орқангизга қайтинг! — сарбоз чолни девона хаёл қилди.

— Ейдилар! Ўз кўзим билан кўрганмен! Ахир бу нашвати иситмага даво-ку! Қўйиб юборинглар, ҳазратни бир кўриб чиқай.

— Мумкин эмас! Бозорга боринг!

— Бозорда қиладиган ишим йўқ! Мен Навдан келдим! Бир кекса одаммен. Атайи ҳоким ҳазратларини кўрай деб келдим. Бозорда нима қиламен!

— Девонамисиз?! Қалъага кириш мумкин эмас!

— Ҳоким ҳазратлари — менинг иним. Навдан Муҳаммад Фақирий келди деб айтинглар!

Посбонлар хо-холоб кулиб юборишди.

— Йўлни очинг, қария! Эшагингизни олиб кетинг бу ердан!

— Кетмаймен!

Шу пайт қалъа ичидан қилич яланғочлаган сарбозлар қўллари орқасига боғланган ярим яланғоч бир неча маҳбус атрофини қуршаб, олиб чиқиб кетишаётганига кўзи тушди. Муҳаммад Фақирий ўз эшаги ёнида туриб, уларга бақрайганча қараб қолди. Уларнинг тани қамчиндан қабарган, юзлари қон эди.

— Четроқ тур деяпмен! — сарбозлар чолни сансанлаб, эшагини четга тортишди. — Маҳбуслар олиб кетиладур, кўзинг борми?!

— Нима гуноҳ қилғон эканлар? — чол шахдидан тушиб, посбонга мурожат этди.

Қовоқ уйиб турган сарбоз чолга жавоб қилмади. Бир лаҳзадан сўнг, йўл четида эшаги ёнида турган чолга хўмрайиб қаради.

— Қай бири ўлпонни бермаган, қай бири итоат этмаган, қай бири қўшинни ташлаб кетган...

Маҳбуслардан бири юрмай, одамларга ағрайиб тўхтагани сабабли сарбозлар қамчин билан қарсиллатиб ура кетди. Маҳбус дод солиб ўзини қўярга жой тополмасди. Бешафқат сарбозларни кўриб, Муҳаммад Фақирийнинг юраги орқасига тортиб кетди. У турган жойида қотиб қолди. Маҳбуслар олиб кетилгандан кейин у дарбозага яқинроқ келиб, ичкарига тикилди. Қўрғон ичи осуда, йўлнинг икки томонида арча, сарв дарахтлари, узоқда атиргуллар очилиб ётибди. Харсангтош ётқизилган йўлнинг икки томони ариқ, шилдираб сув оқмоқда. Бамисоли жаннат... Муҳаммад Фақирий яна эшаги ёнига қайтиб келиб, нима қилмоғини билмай хомуш турган эди, қалъа ичидан туёқ товуши эшитилди. Посбонларнинг танбеҳига қарамай, дарбозадан йигирма қадамча четда турган чол, ҳақкачовлаб олдинга бориб, отлиқларга тикилди. Улар олдида сарбаст қоматли ҳоким Темуралиқ, унинг ёнида ҳокимнинг серғайрат, келишган хизматкори Иброҳим Дўлдай ва бошқа отлиқларга кўзи тушди. Ҳокимни ҳам, Иброҳим Дўлдайни ҳам чол яхши таниди. У эшагини орқада қолдириб, турган ерида ҳокимга эгилиб, таъзим қилди. (Чолнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган дарбоза посбонлари бир-бирига қараб кулишарди.) Отда келаётган Темуралиқ ҳам, Иброҳим Дўлдай ҳам чолга қараб қўйишди-ю, парво қилмай, мағрур кета беришди.

— Муҳтарам ҳазрат, сизга нашвати олиб келган эдим... Бетобсиз деб эшитган эдим. Мен Муҳаммад Фақириймен...

Темуралиқ билан Иброҳим Дўлдайнинг қулоқларига бу гаплар етиб келдими, улар яна бир орқаларига қараб қўйдилару йўлларида виқор билан кетавердилар. Ҳоким Иброҳим Дўлдайга бир нима дегандек бўлди, у оти бошини қайириб, бир лаҳзага чол ёнига келди-да, отда турганича буйруқомуз гап қотди:

— Ҳоким ҳазратлари бетоб эмаслар! Бу гапни ким сенга айтди?! Қалъа олдида турма, Гурганждан шахзода келмоқда...

— Мени танимадингизми, сардор жаноблари, мен Муҳаммад Фақириймен. Ҳазратни бетоб деб эшитиб, атай келган эдим.

— Қишлоққа кетмоқ лозим! — Иброҳим Дўлдай яна от чоптириб, Темур Маликка етиб олди. — Анави давдираган чол... — деди ҳокимга. Улар иккови кулиб қўйишди.

Дарбоза ёнида турган сарбозлар эшаги ёнида лол бўлиб турган Муҳаммад Фақирийга илжайиб қарашди.

— Ҳей, навлик қария, ҳазратни, иним, деган эдинг, «бир туғишган ининг» сени танимади-ку?! Ха-ха-ха-ха-а!

— Навликларнинг ҳаммаси ҳам сенга ўхшаганми? Ха-ха-ха-ха-а!

— «Иним» эмиш! Ха-ха-ха-ха-а...

Мулзам чол, дарбозабонлар сўзича, эшаги ёнида эшак бўлиб қолган Муҳаммад Фақирий, яна жониворни «хих-хих»...лаб, қишлоққа жўнади. Унинг кўз олдида доимо барқарор турадиган «сермурувват», «дунёдаги энг яхши одам», «султонлар султони, шоҳлар шоҳи» — Темур Малик бир лаҳзада жинлардек ғойиб бўлиб, абадулабадга йўқолди.

Чол қишлоққа келиб, сарпойчанг, супасига чиқди. Утириб, обдан хаёлга чўмди. Уч кечаю уч кундуз шу зайлда юриб, бўлиб ўтган воқеанинг асло тагига етолмасди. Мансабдорлар вафоси мана шундақа бўлади, деди, охири, ўйлаб-ўйлаб дунёнинг тагига етаман деган нодон чол!

Ун олтинчи боб

Тўққиз аср аввалги орзу

Дарё ёқасида қурилаётган катта аспхона ишлари авж олиб кетди. Бу ерда юздан ортиқ устаю шогирдлар терлаб ишлашарди.

Пешинга бориб ҳаво жуда қизиб кетди. Яланғоч бўлиб олган Темур Малик терга ботиб, Шерюрак Шоший билан хода таширди. Пойтеша чопаетганлар ёнида турган кекса корфармо қаттиқ берилиб ишлаётган ҳокимга гап қотиб, буйруқ беришга ийманар, у бир қадар довдираб қолган эди. У, ҳокимнинг катта аспхона қуришга астойдил киришгани, фақат отга ишқибозликдан эмас, мамлакат мудофааси учун бўлаётганини сезарди. Темур Малик бунда терга ботиб ишлаётганини мабодо шундоқ биқинидаги бозор аҳли билса, битта қолмай бунга ёпирилиб келишлари, ялпи ҳашар бошланиб кетиши аниқ эди. Аммо Темур Малик фуқаро ичида ҳар хил гап тарқалмаслиги учун ҳозирча унинг бунда ишлаётганини одамларга сездирмасликни корфармога тайинлаган. Қилич солиш, отда чопиб кетатуриб найза уриш куч талаб қилади.

Терлашга обдон терладию лекин баъзилардек ҳаллослаб қолмади. Шерюрак бўлса, ҳаллослаб, йўғон ходага миниб, ҳокимга илжаарди:

— Юрагингиз ўйнаб кетдимиз, сардор?

— Сизга тенглашолмас эканмен. Бу оғир ходалар шернинг эмас, филнинг ҳам («Фил» сўзи билан у Темур Маликка ишора қилди) юрагини ўйнатиб жоборади.

— Филнинг ҳам бўладигани бўлди. Юринг, дарёда бир чўмилиб келамиз.

— Бу оқилона гап, — деди ўрнидан туриб Шерюрак, — шундай вақтда Сайхун керак бўлмаса, қачон керак бўлади. Кетдик, саркарда! Ҳозир дарё филталаб...

— Йўқ, Фил дарёталаб... — деди кулиб Темур Малик. Унга ўзини «фил» деб аташлари ёқарди. Ҳатто «малик» унвонини тушириб, «Темур-фил» деган Шоҳмурод Кўхистоний билан кучоқлашиб кетган.

Икки ўртоқ ярим яланғоч ҳолда дарё томон юришди. Масофа узок бўлмаганлиги учун на от сўрашди ва на кийинишди. Улардан эллик қадамча орқада бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз, Иброҳим Дўлдай ва яна уч навкар анжомлар, кийимлар ортилган отларни етаклаб

келишади. Ҳокимнинг дарё томон чўмилгани бориши илгари ҳам бўлганини, баъзан бунга келиб хаёл сурганини кўз олдига келтирган Аҳмад ибн Мораз дарҳол белбоғини ечиб қайнаб турган чойгумни, уч-тўрт пиёлани олди. Навкар йигитлар, бунинг нима ҳожати бор, дейишган эди, кўпни кўрган, сертакаллуф Аҳмад ибн Мораз илжайди. У дамодам ҳокимни кузатарди.

Темур Малик жимирлаб оқаётган дарё ёқасига бориб, бандликдан бир лаҳза сувга тикилди. Унинг ёнига Шерюрак билан Иброҳим Дўлдай келиб, улар ҳам дарёга тикилишди. Шоҳмурод Кўхистонийни эслашиб, унинг кечикаётганига бир оз ташвишланишди ҳам. Темур Малик этигини, чолворини ечиб, оқ иштон билан пастга тушиб, сувга ўзини отди. Ғайратига чидамай ўзини сувга ташлаган Темур Маликни чегараси элас-элас кўзга ташланиб турган азим дарё айланмалари тортиб кетмасин, деб оқсоқолнинг сўзи билан икки навкар ечиниб, шай туришарди. Ҳокимдан сўнг Шерюрак билан Иброҳим ҳам ўзларини сувга отишди. Уч баҳодир дарёда қулоч отиб, андак сузгандек бўлишди-да, кейин қирғоққа чиқишди. Юрагини ҳовучлаб, ташвишланиб турган оқсоқол Аҳмад ибн Мораз бир оз хотиржам бўлди... Тани роҳат қилиб, салқин тортиб юқорига чиққан Темур Малик бир оёқлаб сакраб, қулогига кирган сувни туширди. Дўнг ерга ўтириб, одатдагидек яна дарёга тикилди. Шу лаҳза Аҳмад ибн Мораз ҳоким кўзи олдида пиёлаларни чайқаб, чой қуйди. Ҳаммадан олдин ўзи шошиб-пишиб иссиқ чойни хўплади. Темур Малик ҳам, Шерюрак ҳам оқсоқолнинг идрокли иши таҳсинга сазовор эканини имо билан бир-бирларига билдириб, иссиқ чойдан хўплашди. Ниҳоятда чойталаб эканликларини йигитлар сезиб, улар ҳам оқсоқолга қараб қўйишди.

— Оқсоқол, ўтиринг, тик турманг, — деди Темур Малик, — айтинг-чи, шу дарёга кўприк солса бўладими?

— Ҳазрат, бу ерга илгари ҳам неча бор келиб, хаёл ичида тикилганингизни кўрганмен. Энди фаҳмладим...

Бозор оқсоқоли ўйланиб қолди. Аспхона усталарини ҳам ўзи топиб, Хўжанд бозори тимларини ҳам ўзи қурдирган одам шу оқсоқол эди. Темур Малик бу сармоядор кимсани яхши биларди. Бозорга кетган харажатларини чиқариб олган деган гапни ҳам эшитган. У уй тиклаш, тим қуриш, аспхонаю ҳаммом солиш, меъморчиликдан хабари бўлмаса ҳам, шу иншоот битгандан кейин фойда берадими ёки сармоя тамом бўлиб, харж қилган одамни синдирадими, деган нуқтаи назардан қаради. Сайхунга кўприк қуриш нега керак? Ахир катта қайиқлар сузиб турибди-ку, деди ўзига-ўзи. Ундан ташқари, нариги соҳили кўзга аранг илинаётган бу дарёйи азимга кўприк қуришни фақат ақлидан озганлар ўйлаши мумкин. Бунга ёғоч етказиб бўладими? Тошни қаердан олади? Лекин Темур Маликнинг жазм этган нарсасини қилиши, йўлида гов бўлганларни кўтариб ташлаши, шахдини қайтарган одамни ёмон кўришини сезиб, кўзини жимирлаб оқаётган сувдан олиб, ҳокимга боқди:

— Бўлади! — деди Аҳмад ибн Мораз дадиллик билан.

Хаёл суриб, кўнглидаги бу гапни айтиб юборганига андак пушаймон бўлиб турган Темур Малик ялт этиб така соқол оқсоқолга қаради.

— Бўлади, мухтарам саркарда. Сиз бир ишни жазм этиб айтдингизми, бўлади. Сиз бу гапни бекорга айтаётганингиз йўқ, мен кўп маротаба синаб кўрганмен. Бундоқ қараса, бу бир афсонага ўхшайди. Лекин кичик ариғу сою анҳорларга қурилган кўприк нечун Сайхунга қурилмасин. Ариғу сойларга биз кўприк қурамыз, дарёга сиз... Ҳар ким ўзининг қудратига яраша иш қилади... Фил ишини от қилолмайди...

— Офарин! — деди Темур Малик, иккинчи пиёладаги чойни ҳам хўплаб, — мен сизнинг шунчалик жасоратли киши эканлигингизни билмас эканмен. Сиз бозорнинг эмас, Хўжанднинг оқсоқоли бўлишга арзийсиз.

Аҳмад ибн Мораз анча йиллар илгари бозорда ўтириб, деҳқонлар олиб келган донни улгуржи сотиб олиб, устига нарх қўйиб пуллагани, гуручга, мошга майда тош қўшиб сотаётганини аҳли бозор пайқаб, анча дилгирликлар ҳам бўлган. Кимларгадир пора бериб, шов-шувни босди-босди қилиб юборган эди. Бу гапдан ҳокимнинг мутлақо хабари йўқ эди.

— Муҳтарам саркарда, мен, Хўжанд эмас, ўз жойим — бозорга муносибмен. Садоқатли қулингизни афв этинг.

— Дарёга кўприк жуда зарур, — у ёнида ўтирган Шерюракка қаради. — Бу томондан келаётган савдогарлар Хўжандга ўтиш учун жуда ҳам қийналадилар. Айниқса, Ўтрор, Шош, Туркистон... Бу томони Дашти Қипчоқ... Ундан нари — Русия ери...

Шу сабабли Сайхунга кўприк солмоқлик зарур. Қандай солинади, бу иш қандай бўлади, билмаймиз. Бунинг учун султон хазинасидан кўп ақча сарфлаш зарур.

— Офарин, — деди Аҳмад ибн Мораз.

— Бу ишнинг ниҳоятда муҳимлигини пайқаган фақат бир киши, — деди гапга аралашиб Шерюрак Шоший. — Бу киши саркарда Темур Малик.

— Ҳокимимиз омон бўлсинлар, бошимизга соябон бўлсинлар, омадингизни берсин... — деди оқсоқол, унга таъзим қилиб.

Улар учови жимирлаб оқаётган дарёга тикилишарди. Устидан оту аравалар, туя карвонлари ўтаётган узун кўприк Темур Малик кўзига кўриниб кетди. Бу кўприк шимолдаги Русия фуқароси билан Мовароуннаҳр алоқаларини яхшилади. Кўприкнинг ҳар ер, ҳар ерида катта ёғочлар қоқилган, то бошдан охиригача катта ходалар қирқиб, пойтешада текисланиб, кўндаланг ётқизилган... У бошидан бу бошигача ўн икки ғиштин пойдеворлар қўйилган бўлиб, гўё тагидан катта кемалар бемалол сузиб ўтишарди. У томони билан бу томонига йигирматадан қирқта катта ходалар миҳдек қоқилган, баъзи ерларга сепоя қилиб, хода ташланган. Тоғдан ташиб келинган харсанг тошлар кўприкнинг икки учига ганчхок билан яхшилаб девкор қилинган эди...

Темур Малик хаёлан яратган бу бўлғуси кўприкка тикилар, назарида ёнида ўтирган сардорлар ҳам кўриб тургандек эди. Арслонхон Бухорода юз газдан баланд Минораи Калонни курсая, наҳотки Хўжанд ҳокими Темур Малик Сайхунга кўприк соломаса.

Қуёш ғарбдаги чексиз қумликлар бағрига чўкаётганида улар кийимларини кийиб, отларига миниб, навкарлар ихотасида қўрғонга қайтишди.

Кунлар ўта бошлади, аммо Темур Малик хаёлидан улкан кўприкни қуриш асло кетмади.

Орадан бир ою беш кун ўтгач, Шоҳмурод Кўҳистоний Гурганждан қайтиб келди. Қалъа ҳовлисида рўбарў бўлган Темур Малик билан қучоқлашиб, омонлашгач, биринчи сўрагани: «Ўғилмисен, қизмисен?» бўлди.

— Ўғилмен, саркарда! — деди бир-бирларининг қўлларини қўйиб юбормай, — Хўжандда ўғил кўп туғилади, Гурганжда қиз... Ҳали Хоразмнинг ҳамма ёғи яхши қизларга тўлиб кетади...

— Хо-хо-хо-хо-о! Қиз ҳам фарзанд, ўғил ҳам фарзанд, — деди кўзидаги севинч ёшларини енги билан артиб Шоҳмурод Кўҳистоний, — бизга ҳозир шоҳи дорпеч, палак... тикиб бериш эмас, отда чошиб, ёвга найза соладиганлар керак.

— Гурганжда базм бўлдимми?

— Ҳа.

— Ана уни кўрдингми?

— Йўқ. Бундан бориб бетоб бўлиб қолибди. Етган эмиш...

— Устод Ота Муҳаммадни кўрдингми?

— Уйига бордим. Дардман экан. Тухфани Нигина беканинг ўз қўлига бердим. Кўзларига суртиб, йиғлади... Тезда чиқиб кетдим. Ортиқ туриш иложи бўлмади, хоразмликлар ҳар қадамимни кузатди...

Темур Малик бир лаҳза хомуш бўлди. Суҳбат ҳам тўхтаб, Дорус салтана томон юришди. Ичкарига кирибоқ Шоҳмурод Кўхистоний ёнидан икки дона заррин қутича чиқариб, Темур Маликка тутди:

— Бу, ўша Фарангистондан келтириб сотилаётган атир. Ҳар бири ўн тилло... Муҳим бўлгани учун аввал буни топширай... Султон сизнинг бошқа илтимосларингизга рози бўлди. Хазинадан озроқ ақча берилади, фуқародан йиғилсин, деди. Қўшин сонини ўн мингдан оширишга рози бўлди. Лекин яқин кунда Гурганждан бир неча киши юборамиз, деди.

Бу гап Темур Маликка ёқмади.

— Шунча жосуслари етмасмиди?..

— Майли, юборганича юбораберсин, — деди Шоҳмурод Кўхистоний, — текинтомоқлар кўпаяди, холос. Ишқилиб жаҳон Паҳлавонни-ми, Аёзними юбормаса бўлгани. Бу ярамаслар душманни эмас, ўз бошимизни олишга уста бўлиб кетганлар.

Темур Малик йўлдан келган дўстини кўп гапга солабермай, уйига жўнатди.

— Қатиқ ичиш ёддан чиқмасин!

— Хўп бўлади. Сиз менга, кўпроқ новвот чой ичгин, деган эдингиз-ку?!

— Ҳозир қантарилган отдексен, новвот чойнинг ҳожати йўқ. Икки-уч кундан кейин сўлагинг оқиб қолади, азизим. Ҳушёр бўл!

— Хо-хо-хо-хо-о! — Шоҳмурод Кўхистоний ўзини туюлмади.

Темур Малик Гурганждан олиб келинган икки чиройли қутичани шу лаҳза олиб кириб Ойчечакка берди. Ваъдага вафо қилиш хотинларга ёқади. Ойчечак ўзининг қилган ишларини, бир лаҳза бўлса ҳам, хаёлидан ўтказди. Юраги шувиллаб кетди.

Темур Малик яна маҳкамага қайтди.

Ойчечак заррин қутичаларни очиб, атиргга кўз ташлаб, қангу манг бўлиб қолди. Бу иккала қутича, унинг ичидаги шиша ва атир бундан бир ҳафта илгари бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз тухфа этган атирнинг ўзгинаси. У ҳам фарангий, бу ҳам фарангий... Эрини овора қилиб, Шоҳмурод Кўхистонийни узоқ Гурганжга йўллаганига ачинди.

Ун еттинчи боб

«Қазисан-қартасан, ахир аслинга тортасан...»

Уша куни ҳоким ҳазратларини бетоб деб эшитиб, хуржунига нашватилар солиб, Нав қишлоғидан йўрға эшагида шатиллаганча Хўжандга етиб келган кекса сарбоз Муҳаммад Фақирий қалъа ичига киролмай, дарбозабонлар билан сан-манга бориб, анча гуфтигў қилди. Ўз ҳамроҳлари билан отда қалъадан чиқиб келган Хўжанд ҳокими Темур Малик чолга қайрилиб ҳам қарамай, қаёққадир шошиб кетди. Мулзам бўлган кекса сарбоз эшаги бошини бозор томон буриб, хуржунидаги нашватиларни гадоларга улашди-да, қишлоғига қайтиб кетди. «Агар арслон оқ тишларини кўрсатиб турган бўлса, уни кулаётир, деб ўйлама, — деди ўзига ўзи Фақирий. — Мен янглишибман. Мана, оқибат!» Чол Хўжанддан чиқиб, ясси тепаликлар оша диққат бўлиб борар экан, нашватиларим ғарибларга буюрди, деб бирдан завқланиб кулди.

Қалъа дарбозасидан «қарчиғай» да шитоб билан чиқиб кетган Темур Малик, Муҳаммад Интизом, Иброҳим Дўлдай ва бошқа сипоҳлар шаҳардан ташқарида кутиб турган уч юз отлиқдан иборат

Узбек халқ мақоли.

қўшинга етиб келиб, салоҳ анжомлари шай, ер тепиниб турган отлардаги сарбозларнинг олдига ўтиб, узун сафни Ахсикат томон сурди...

Гап бундоқ бўлган: кеча тонгда Фарғона водийси томондан келган чопарлар Садриддин Музаффар-Оталиқ номасини ҳокимга етказиб, шаҳарда чилангарлар, мискарлар, аравасоз ва қайиқчилар, майда савдогарлар бош кўтариб, солиқ тўламаслик баҳонаси билан бекка қарши исён кўтарганликларини билдирган. Дарҳақиқат, Ахсида, бозорда одамлар тўпланиб, бек зулмига ортиқ чидаб бўлмаслигини, қўлларига қурол — чалғию ўроқ, сўйилу пичоқ олгани бекни бениҳоя кўрқитди. Мадраса талабалари ҳам уларга қўшилгани ваҳима бўлиб кетди. Йигитчалар тунда икки мансабдорни сўйиб кетгани, каппонга, аспбозорга кириб бўлмайд қолгани ҳам бекка етиб келди. Ахсикат қўшинидан кўплар, биз қариндош-уруғимизни чопмаймиз, у гуноҳ, дебдилар. Мансабдорлар орасида ҳам девонбеги томонидан қадимдан бериладиган ҳуқуқ пулининг бекор этилиши, идрорат¹ вақтида берилмаслиги, тасвиғат² ҳам тўланмаслиги улар ичида норозиликни кучайтирган.

Бу аҳволни эшитган Темур Малик кўз олдига таъқибдан яшириниб юрган мўътабар бек келди. «Наҳотки шундай кекса бек ярамас исёнкорлар таъқибига учраса?!» «Наҳотки таги паст кимсалар хушманзара Фарғона водийси ичра талотум этиб, беклик даъво этадурлар?!» «Ярамас исёнкорларни батамом бош кўтармайдурғон қилиб қўймоқ даркор!».

Шитоб билан Ахсикат томон бораётган Хўжанд лашкари йўлда бир кеча тунаб, эртасига эрта билан шаҳарга яқин — бир йиғоч ерда тўхтади. Темур Маликнинг ўзи қўшинга бош бўлиб келаётганини эшитган Садриддин Музаффар-Оталиқ қочган еридан беш-ўн фидоий отлиқлари билан келиб, Темур Малик рўпарасида отдан тушиб, қўзёш қилди. Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳам дарҳол «қарчиғай»дан сакраб тушиб, бекни кучди. «Ҳазрат, асло дилгир бўлманг, душманлардан ўч оламиз. Шаҳарни нотинч қилганлар пушаймон бўладилар!» деди. «Ғанимлар»нинг асосий кучи қаерда эканини, Ахсикатдаги ғалаён тафсилотини билиб олгач, бекни шаҳардан ташқаридаги боғида қолдириб, уч юз отлиқ шаҳарни батамом ўраб олди. Биронта кимсанинг Ўзгану Ўш, Андижону Хўқанд ботқоқликлари томон ўтиб кетмаслигини мўлжаллаб, Темур Малик сарбозлари шаҳар кўчалари оғзини бекитдилар. Ўзи тўппа-тўғри Дорус салтана томон юриб, бунда ташқарига чиқолмай ўтирган мансабдорларни отларига миндириб, исён ўчоғи бўлмиш — бозор четидаги чилангарлар растаси томон юрди. Бир қисм отлиқларни мадраса томон йўллади. Растанинг икки томонида қатор чилангарлик дўконлари бўлиб, Хўжанд отлиқлари келганидан хабар топган исёнчилар дўконларидаги тинимсиз тақ-туқни тўхтатиб, яроғларини қўлга олмай кўчани тўлдиришди. Аллақандай бир одам қўлидаги яроғини шеригига бериб, оломондан олдинга чиқиб келди. Афтидан у исёнчиларнинг сардорларидан бири бўлса керак. У Темур Малик билан гаплашмоқчи бўлди. Аммо кўчани тўлдириб, бекдан шикоят қилмоқчи бўлган исёнчилар «Султон бизнинг арзимизни эшитмоқ ниятида Темур Маликни юборди. Хўжанд ҳокими холис...» деган фикр улар хаёлини чулғаб, оломон отлиқлар томон юра бошлади. Бирдан Темур Маликнинг отлиқ сарбозлари қиличларини қинидан суғуриб, растада тўпланган чилангар — косиблар устига ташланиб, чопа кетдилар. Бир зумда қий-чув, тўполон, дод-фарёд кўтарилиб, бозор тўла-одамлар қашқир қирган подадек дам у томонга, дам бу томонга қочишарди. Бир неча калласи узилган жасадлар йўлларда, тор кўча ўртасида чўзилиб қолди. Баъзи сарбозлар отдан

¹ Идрорат — пенция маъносида.

² Тасвиғат — ялпи пул.

тушиб, чилангарлар дўкони ичига кириб, тўғри келган кимсани, ёшми, қарими, чопиб ташлай бошлади. «Сен ярамас исёнчилар, ҳазратни ўлдирмоқчи бўдиларингми?! Сенлар шоҳнинг қаҳрига учрадиларинг! Сенлар султон мамлакатининг душманларисенлар!» деган бақирик, «ур!» «чопиб ташла харомини!» деган совуқ нидолар авжга минди. Бир муддат ичида растаю кўчалар қонга беланиб, оломон ер тишлади...

Исёнчиларни батамом қириб ташлаган Темур Малик ўз отлиқлари ихотасида яна Дорус салтанага келди. Бекни боғдан олиб келишиб, ўз маҳкамасида барқарор ўтказиб, шу куниёқ тунда йўлга чиқишга қарор қилди. Муҳаммад Интизом бошчилигида эллик чоғлик отлиқларни қолдириб, ўзи Хўжандга қайтажагини бекка билдирди. Бекнинг унамаганига ҳам қарамай, нимаики гап бўлса сардор Муҳаммад Интизомга маълум қилишини айтиб, Хўжандга қайтди. Бек ҳовлисида истиқболига чиққан соҳибжамол Қоракўз бека қисқа мулоқотдан кейин: «Жиноятчиларни тутиш, исёнчилар сардорларини жазолаш лозим эди, авом қириб ташланди. Хатолиқ бўлди...» деди. Бу гап Темур Маликка ёқмади, юрагига ханжардек ботди. «Бекни тахтдан тобутга тортамен, деганларни йўқотсам, бу — хатоми? Мен салтанат тинчлигини сақлаш ниятида бу ишни қилдим!» деди. Қоракўз бека жим бўлиб қолди.

Темур Малик бир қисм отлиқлари билан шаҳардан чиқиб кетаётганида, девор орқасида, кимнингдир ҳовлисида йиғи овози эшитилди: «До-о-од! Уйинг куйсин, бек! Уйинг куйсин Темирмалееек! Жаллодлар дастидан до-о-о-од!» Яна нарироқда бир йигит жасадини оёқ-қўлидан ушлаб кўтариб келаётган кекса одамнинг овози келарди. «Вай, болеем, вай-болеем», сенинг ҳеч гуноҳинг йўқ эде! Фақат ўроқ сотиб олгин, деб растага юборган эдем, энди қандоқ қиламе-е-ен...»

Хўжанд отлиқлари қиличларини қонга ботириб, Ахсикатнинг манамен деган йигитларини чопиб, қайтиб кетишди. Ахсикатдан чиқиб Роботга, ундан Конибодомга етиб келмасданоқ Темур Малик орқасида қора соқолли кесик бош мингашиб, белидан маҳкам қучоқлаб келаётганини сезиб, аъзойи бадани жимирлашиб кетди. Бир шарпа тун қоронғусида гоҳ ерга тушиб, гоҳ от олдида юмаланиб, гоҳ коптоқдек сакраб келарди. У баъзан Темур Маликнинг бурнига яқин келиб, илжаяр, тилини чиқариб, оғзини каппа-каппа очиб, ҳокимни масхара қиларди.

Сафдошларининг маслаҳати билан Темур Малик Конибодомда тунаб, эртасига яна йўлга тушди. Кечга яқин Хўжандга етиб келиб, ўзини тўшакка отди. Унинг бирдан иссиғи кўтарилиб, бадани мисдек қизий бошлади...

Ун саккизинчи боб

Пистирмадан узилган заҳарли ўқ...

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Навий

— Аҳли тижоратдин хабар топдимки, Шом музофоти ва яна Баҳри муҳит мамлакатларида ҳовлисида ўрик дарахти бўлмағон кимсаларга қиз узатмас эканлар. Бу кўп ғаройиб ва ҳикмат, — деди Хўжанд ҳокими шаҳардан четда, ўрик кўчатлари экилаётган далада эътиборли зотлар даврасида, — бу ишда катта ҳикмат борлиғи кўпдан аён. Мевалар ичида ўрик неъмат бўлмоқдин бошқа кўп дардларга

даводир. Унинг таркибида тилло борлиги, дил хасталиги, қон хасталигига даво эканлиги наинки Луқмони Ҳаким, бу ҳикматни Муҳаммад Мусо ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино ҳам айтмишлар. Хўжанд, Конибодом, Исфаранинг мўътадил иқлими бошқа мевалардин мустасно, ўрикнинг ривож топмоғига кўп қулайдир. Ўрик таркибида инсон учун ҳамма фойдали унсурлар бор. У мўмиёйи асл каби бебаҳо нимарсадирки, Хўжандда унга ривож бермоқ бизга ота-бободан мерос. Хўжанд аҳлининг кўп баркамол аёллари ва яна алалхусус тоғ аёлларининг зеболиги ҳам фақат ашмалар суйи эмас, олтин ўригу анжиру анорига ҳам боғлиқдир...

— Норақ тоғлари орасидаги Элак қишлоғида духтари зебо бисёр, — деди ҳазил қилиб сардор Олабуқа. У баъзан гап орасида кулгили қочирим сўзлар айтиб туришни ёқтирарди. — Маликам устига қантак ўрикдек яна бир маликани тоғдан олиб тушгим келади-ю, катта маликам қаҳридан қўрқадурмен.

— Азизим, юракдаги ярамни тирнаманг, ахир бир Воруҳ қизи дилимни забун этди. Воруҳ ҳам тоғ оралиғида, — деди Темур-Малик паст овозда сардор Олабуқа қулоғига.

Асосий гапдан четга чиқиб кетмаслик ниятида у гапни яна ўрикзорлар хусусида юритди.

— Жаноб Шоҳмурод Кўхистоний кўринмайдилар, у зот қантак ўрикнинг қадрига етадиганлардан эди, — гапирди Шерюрак Шоший, — Қалъай Хумб томонларда макка, арпа яхши битади, қантак ўриқни қоплаб Хўжанддан олиб кетадилар...

— Хўжанд ўригини фақат Қалъай Хумб томонларда эмас, Бадахшон, Ҳисор... бу томони Самарқанду Бухоро, то Гурганжгача, бу томони то Ахсикату Ўш, Андижону Ўзгангача яхши биладилар. Қантак ўрик, оқ ўрик, кеч пишари, эрта пишари бунда кўп.

Хўжанд арбоблари кеч кузак ўрикзорларни айланишарди. Белги-ланган супага етиб келиб, андак ҳордиқ чиқардилар. Темур Малик ўтирган еридаги каттагина ўрик дарахтига суянди. Сафдошлари доира тузиб, рўпарасига — илгари тайёрланиб, ташлаб қўйилган намаг устига чўкка тушдилар. Юз қадамча нарида, деворлари пастқам чорбоғда кекса бир одам қозон қайнатиб, хўрак тайёрларди. Ўрикзорлар ичидан тутун чиқаётганини улар кўриб туришарди. Юриб чарчаб, ўриқка суянган Темур Малик кўз олдида яна Нигина пайдо бўлди. Сардор Олабуқанинг ҳазили сабаб бўлди, у яна намоен бўлди. Баъзан саркарданинг хаёлотга чўмганида ёнидаги дўстлари халақит бермасликка уринардилар. Шу лаҳза аллақачондан ногаҳоний ҳувва учиб келган бир дайди ўқ Темур Малик қулоғидан тўрт энлик нари — суяниб ўтирган ўрик дарахтига қадалди. У ялт этиб ўққа қараган эди, иккинчи ўқ ҳам унинг ўнг ёнидан ғизза ўтиб, йигирма қадамча нарига тушди. Супа рўпарасида оти жиловини ушлаб турган Иброҳим Дўлдай қоплондек сапчиб бир лаҳзада саркардани ўз қомати билан тўсди. Бургутдек атрофга олазарак боқди. Учинчи ўқ отилганда Иброҳим Дўлдай кўксига қадалиши аниқ эди. Йўқ, ўттиз қадамча нарида, ёски девор ортида яшириниб турган бир отлиқ тўсатдан шаталоқ отиб қочди. Иброҳим Дўлдай рўпарада турган сардор Олабуқа билан сардор Шерюрак Шошийга ва яна бошқаларга таажжубланиб боқиб, ўрнидан тураётган саркардани уларга топширди. Ўзи яна қоплондек бир сакраб отига минди-да, қорабайирни ниқтаб, чоптириб кетатуриб, йўл-йўлакай қиличини қинидан суғурди. Ўқ отган суворий изидан далама-дала қувиб кетди. Кўздан йўқолган суворий узоқ тепаликка кўтарилишда йўл чанги ичида кўзга ташланди, аммо у ким эканини таниб бўлмас эди. Иброҳим Дўлдай отни ниқтаб, зарда билан чу-чулай бошлади. «Чу, жонивор, чу!» Бари бир қочиб кетаётган кимсанинг кимлигини асло таниб ололмасди. Отлиқ Тапқоқ қишлоғига яқинлашиб, тор кўчага кириши билан ерга қулади. Иброҳим Дўлдай унинг тепасига етиб келганида, отдан қулаб ерда ётган нотаниш бу тоғлиқ йигитнинг кўксига ўқ қадалиб, оғзини балиқдек қаппа-қаппа очарди. Унинг

кўзлари ола-кула бўлиб, жон берар, тепасида қилич яланғочлаб турган Иброҳим Дўлдайни танимасди. Иброҳим шу лаҳза кўча бошигача чошиб борди, шу атрофдаги эшикларни очиб, ҳовлиларга кирди. Ҳаммаёқни қидирди. Қўлида ўқ-ёй ушлаган биронта эркакни кўрмади. Нима бўлаётганига тушунмасди. Рўпара келган бир кекса хотин кишидан: «Шу атрофда биронта кимсани кўрдингизми? Қўлида ўқ-ёй тутган одамни кўрдингизми?» деб сўради. Болалардан ҳам сўради. Нариги кўча майдонидаги ҳовуз бўйида ўтирган кексалардан ҳам сўради. Отнинг дукурлаб келганидан бўлак ҳеч нарсани сезмаганликларини маълум қилдилар. Иброҳим Дўлдай таажжуб ичида қолди. Баъзи ҳовлиларга қайтадан кириб чиқди. Кўчалар жимжит. Кўксига ўқ қадалган нотаниш кимса аллақачон ўлиб қолган, ерда оғзи ва кўзлари чақчайиб ётарди. Тор кўча эшикларидан чиққан ўспирин йигитлар кўмагида жасадни отга ортиб, жилови қўлда, Иброҳим Дўлдай қалъа томон кетди. Улдирган кимсадан дарак тополмай, ҳамон у ёқ-бу ёққа алангларди. Қиличи яланғоч, атрофдан кўз узмасди.

Аммо китобхонга маълум бўлсинки, бу тоғлиқ йигит, режага кўра, худди шу Тапқоқ маҳалласидаги тор кўчага кириб, бунда ўзини кутиб турган кимсага «Саркардани ўлдирдим...» деб айтиши лозим ва дарҳол ҳовлига яшириниб, унинг чопқир отида бу хабарни яна бир кимсага етказиши зарур эди. Жулдур либосдаги бу одам, саркардани ўлдирдингми, деб сўраб ўтирмай, қўлида ушлаб турган ўқ-ёйдан заҳарли ўқни тоғлиқ кўксини мўлжаллаб отади, отлиқ қулайди. Шу лаҳза у ўз эшагида айланма жин кўчалар билан бозор томон жўнади. Каппондаги яна бир кимса саркарда ўлимини эшитиши биланоқ жулдур кийимли кимсани ҳужрага яшириб, ўзи тайёр эгарлоғлик отда қалъага бориши, хуржундаги ироқи матоларни, ваъдага биноан Бинафша бекага бериши лозим эди...

Бу режа, унинг наздида ниҳоятда пухта ўйланиб, қароқчиларга икки минг тилладан ваъда этилган. Тоғлиқ қароқчи ишни бажариб, маҳалла ичида турган шеригига айтиши ҳамоно ўзи ўлдирилишини мутлақо билмади. Қассоб ҳам эшакда ўпкасини қўлтиқлаб, каппонга кириши биланоқ, бунда кутиб ўтирган кимса уни ичкарига олиб кириб, гапириб турганида қўлига бир коса муздек айрон сунди. Ўпкаси оғзига тиқилиб, юраги куйиб турган қароқчи заҳарли айрондан симирган ҳамон кўзлари ола-кула бўлиб, шу лаҳза ерга ағанаб, тил тортмай ўлди.

Кўкариб кетган кимса жасадини қопга солиб, бир неча тош ҳам ташланди. Қош қорайиши билан тепаликдан дарёга юмалатиб юбориш мўлжалланди. Бу ишлардан Иброҳим Дўлдайнинг хабари йўқ, у тоғлиқ қароқчи жасадини қалъага олиб кирганида, узоқдан унга кўзи тушган яна бир отлиқ одам секин орқасига қайтди. Тоғлиқнинг жасади ва оти қалъа ҳовлиси ўртасида, харсанг тошлар устида турарди. Бир муддатдан сўнг ўрикзордан йўлга тушган Темур Малик, сардор Олабуқа, Шерюрак Шоший ва яна бошқа арбоблар қалъага кириб келишди. Ҳовлида анча-мунча мансабдор шахслар ҳам тўпланди. Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам тезда етиб келди. Унинг тоби қочиб, ўрикзорга боролмаган эди. Шу лаҳзада «мени қора босиб, шаҳардан чиқиб кетган эдим», деб Муҳаммад Интизом ҳам етиб келди. У ниҳоятда хижолат. Шунчалик ёмон иш — ҳокимга суиқасд бўлармишу у гофил қолармиш!? Уз маҳкамасидан йигитларни чақиртириб келиб, тоғлиқ қароқчининг оти ва либосларини тинтув қилди. Мурдани қалъадан олиб чиқиб кетишди.

— Бу гап шов-шувга сабаб бўлмасин, — деди Муҳаммад Интизом, ҳоким ичкарига кириб кетгач, бу ерда қолган мансабдорларга.

— У четдан келган одамга ўхшайди, — деди айғоқчилардан бири.

— Шаҳарда уни ҳеч учратмадингларми? — Муҳаммад Интизом зарда билан сўради.

— Йўқ.

— Йўқ...

— Тафтиш этамиз! Тафтиш, тафтиш!.. Бизни гафлат босибди! Шаҳарнинг барча дарбозаларига зудлик билан одамларимиз борсин! Ҳеч ким шаҳардан чиқмасин! Унинг шериги бор, бусиз мумкин эмас...

Атрофда турган отлиқлар ўз сардорлари фармони билан шаҳарнинг дарбозалари томон шитоб билан чошиб кетишди. Кимдир бу қароқчи тоғлиқлардан эканини такрор айтгач, Шоҳмурод Кўҳистонийнинг юрагига бир нима санчилгандек бўлди. Назида ҳокимнинг совуққина хайрлашиб, ичкарига кириб кетгани ҳам юрагига ботди. Муҳаммад Интизом ўз иши билан қаттиқ банд эди-ю, аммо сардор Олабуқа билан Шоҳмурод Кўҳистонийнинг хомуш тортганини сезиб, улар билан қалъа ҳовлисида ёнма-ён юриб, чеккароққа боришди.

— Ҳазрат, бу ярамаснинг тоғлиқ эканига хижолат бўлманг. Ёмон одам ҳамма ерда бор, — деди сардор Олабуқа. — Суиқасд жуда сирли... Биринчи навбатда Муҳаммад Интизом жаноблари ғофил қолганлар. Ҳаммамиз ҳам кейинги пайтда Хўжандни обод этамиз, ўрикзорларни кенгайтирамиз, деб эҳтиётсизликка йўл қўйғонмиз. Давлат ишида юрғонлар беташвиш бўлмайди. Хижолат бўлманг. Орамизда ағёр борлиги жуда аниқ бўлиб қолди.

— Тўғри. Мен ҳам бу фикрни қувватлаймен, — деди Муҳаммад Интизом.

— Тавба... — деди Шоҳмурод, — бу кимсанинг тоғлиқ бўлгани юрагимга ханжардек санчилди. Наҳотки иним Элмурод Қалъайи Хумбда ўтириб, бундай нобакорларга бепарво бўлди экан. Мен бунда хизматда эканман, тоғлиқлар ҳеч қачон ёмон душманчиликка ружу қилмасликлари керак эди. Тушунолмаётирмен...

— Тафтиш аниқлайди, жаноб.

— Майда ҳунарманд, косиблардан шу йил эллик чоғлиқ одам салтанатга қарши исён кўтаргани туфайли зиндон этилди. Улар нафақат ҳокимга, султонга нисбатан ҳам носоз гаплар айтдилар, солиқларни тўлашдан бош тортдилар... Бу одамлар зиндонда ётгани билан шериклари, бола-чақалари бу ёқда. Улардан ҳар нарса кутмоқ мумкин. Улар тинч ётмайди. Уша ҳибс этилган исёнкорлардан иккиси тоғлиқ эди, уларнинг гуноҳини ҳокимдан сўраб, Қалъайи Хумбга жўнатиб юборган эдим. Буни ҳамма билади. Бу ишда сир йўқ. Лекин мана шу иш мени хижолат қилмоқда.

— Ҳазрат, мен сизнинг садоқатингизни яхши биламен, — деди сардор Олабуқа, — изтиробга ҳожат йўқ. Сиз билан биздан ёмон иш чиқмайди. Бизлар жонимизни тикканмиз, юрт учун жон беришга тайёрмиз.

— Саломат бўлинг, — деди сал-пал чехраси очилиб Шоҳмурод Кўҳистоний, — сиз билан биз жонимизни аямаймиз.

Эртасига Муҳаммад Интизом саркарда ёнига кириб, ўрикзорда ўқ отган кимса дарҳақиқат тоғлиқ экани, дарахтга санчилган ўқ заҳарли, тигдор пойнак Қалъайи Хумбда ясалганидан хабардор этди. Ўқ узган қотилни Тапқоқ маҳалласига қочгани, бунда пойлаб турган кимса ўқ-ёй билан ўлдиргани, ўзи қаппон томонга эшакда келиб, ғойиб бўлганини, суиқасд ниҳоятда сирли эканини, калаванинг учини топа олмаётганини маълум қилди. Узининг ғофил қолгани, бу билан ҳокимнинг ҳар қандай жазосига лойиқ эканини ҳам қайд этди.

— Қаппонга кириб, ғойиб бўлган кимсани топиш керак, — деди Темур Малик, — изни йўқотиш ниятида улар бир-бирларини ўлдирган бўлсалар эҳтимол. Ҳар қалай бу суиқасд бошида қудратли қўл борга ўхшайди.

— Тагига етурмиз, қасд қилганлар паст бўлур!

— Аввал мен зиндондаги исёнкор кимсалардан шубҳа қилдим, тоғлиқ деганимиз ва яна ўқ пойнаги Қалъайи хумбликларники деганимиздан сўнг, хаёлим бошқа ёққа кетмоқда...

Муҳаммад Интизом сукут сақлади.

— Наҳотки бу иш Қалъайи Хумбга алоқадор?

— Бир сўз айтолмаймен, саркарда. Аммо бу сирни очмагунча кўймаймен! Каллам кетади, аммо бу ишнинг тагига етмагунча ором йўқ!

— Менинг ўлимим унга нега керак?! Мен унинг гуноҳини султондан сўраб олиб, Хўжандда энг олий мартабани бердим-ку! Яна нима керак? Иниси Элмуродни Қалъайи Хумбга бек этиб тайинладик...

Муҳаммад Интизом ялт этиб Темур Маликка қаради. Ҳоким бу ишда Шоҳмурод Кўҳистонийнинг қўли бор, деб ундан шубҳа қилаётгани уни данг қотирди. Бундай хаёл Муҳаммад Интизом бошига келмаган эди. Наҳотки Хўжанднинг иккинчи буюк мансабдори суиқасд уюштира? Айғоқчилар сардорининг боши қотди.

— Исёнкорлар орасига одам қўйинг! Бу сирли ишни батамом очиш лозим.

— Бу иш очилади. Каллам билан жавоб берамен, саркарда. Агар очолмасам Интизом отимни бошқа қўямен! Аммо Кўҳистоний ҳазратларига ҳеч кўнглим чопмаётир.

— Шундай бўлсин...

Муҳаммад Интизом ўрнидан туриб, бир неча қадам орқаси билан юриб Дорус салтанадан чиқиб кетгач, ёлғиз қолган Темур Малик хаёлот дарёсига ғарқ бўлиб, шубҳалар оғусида кўкси ёнди... Бу суиқасд зиндонда ётган исёнчилар тарафидан кўра ҳам ўзи ишонган дўсти Шоҳмурод Кўҳистонийга бориб тақала бошлади. Паҳлавон Шоҳмурод унинг кўзига жирканч бир махлуққа, шер эмас, қўтир сиртлонга ўхшаб кўрина бошлади. «Наҳотки бу тоғлиққа бирон ерда ёмонлиқ қилғон бўлсам, — деди ўзига ўзи фиғон бўлиб. — Наҳотки у айнаб, хоинлик йўлига ўтса! Наҳотки тоғлиқлар билан шаҳарликлар ўртасида доимий нифоқ бўлиб, бу, то қиёмат йўқолмайди, деган бемаъни гап ҳақиқат бўлиб чиқса! Наҳотки у, дўст деб суянган кимса қалбидаги унга нисбатан садоқату ишончни сезмаса! Наҳотки ҳокимлик мартабаси унга шу даражада зарур бўлса?! Ахир ҳозир ҳам ҳоким даражасида-ку!..»

У яна ўйлаб кетди: «Шоҳмуроднинг бирон сўзи ерда қолиб кетдими? Йўқ! Бирон ишига моненьлик кўрсатдими? Йўқ! Бирон маротаба унинг обрўсига футур етадиган иш бўлдими? Йўқ! Нега бундай?!».

У бир куни ўз тоғлиқлари орасида «ҳокимнинг раққосага ошиқлиги давлат ишига футур етказмаса яхши эди...» деганини қалъа ичидаги айғоқчилар билиб, бу гап Муҳаммад Интизом орқали ҳокимга этиб келган эди. Гавдаси оғир Темур Малик отга минганида «Қарчиғай»нинг бели андак эгиларди. Қиррабурун, бургуткўз Шоҳмурод Кўҳистоний от устига захча қўнғандек енгил қўнар, саркарданинг залварли гавдаси хусусида ҳам ҳазил қилган: «отнинг бели эгилгани маъқулу аммо мамлакат бели эгилмасин...» Бўлиб ўтган бу гап ҳам Темур Малик ёдига тушди. «От»ни у раққоса Нигинага ишора қилган эди. Темур Малик ўшанда дўстининг ҳазилини тўғри тушунган.

— Узр, саркарда, узр.

Мана бу гуфтигў ҳам Темур Малик ёдига тушди. Бундан ташқари, у бултур Хўжанднинг бир неча арбоблари билан шаҳардан ташқарига чиқиб, чўпону деҳқонлар, зироат ўстираётганлар ҳузурига борган эди. Чақалоғини бўрига олдирган деҳқон ва Бўрибосар ит вафоси ҳақидаги ҳикояларнинг шоҳиди бўлган эди. Ушанда Шоҳмурод Кўҳистоний ўзини бир қадар бошқача тутиб, бу иш саркардада таажжуб уйғотгани, ҳатто Хўжандда қолишликни илтимос қилгани ҳам ёдига тушди. «Хўжандда ҳукуматни ўз қўлига олмоқчи...» деган гап ҳазил-мутойиба ичида айтилган бўлса ҳам, ҳазил таги зил... Бу гап ҳам ҳозир хаёлини қуршай бошлади. «Сирли бир иш бўлмаса бундай оғир гаплар нега тилга қалқиб чиқди экан?»

Хуллас, Темур Маликнинг боши қотди. Наҳотки ўнг қўли — Хўжанд ҳокимлигининг олий мартабадор кишиси унинг ўлимини истаса!? Шубҳадан Муҳаммад Интизомни хабардор этиб, жуда ҳушёр

бўлишга, ҳеч нимани сездирмай, доимо кўз-қулоқ бўлиб туришга чақирди. Ўзи ҳам қовоқ осиб, юрагидаги таъқибни билдириб қўймаслигу усталик билан кузатишни дилига тугди.

Оға-ини ўртасига шубҳа тушди...

Лекин орадан бир ой ўтгач, кечки пайт Дорус салтанада пайдо бўлган Муҳаммад Интизом Темур Малик қулоғига шивирлади: «сардор Шохмурод Кўхистонийнинг дахли йўққа ўхшайди. Унга нисбатан совуқ муносабат адолатсизлик бўлур. Унинг аразлаб тоққа кетиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Бу иш Хўжанд эътиборини пасайтиради...»

— Шундайми?

— Суиқасдга алоқадор бир кимса қўлга тушди. Тафтиш сардорнинг бу жинойтга алоқаси йўқлигини кўрсатмоқда. Ҳозирча гап шу.

— Мен у билан илгаригидек эмасмен, ўртада совуқлик бор... Кўзимга у малъундек кўринадир.

— Саркарда, жаноб Кўхистоний газабингизга муносиб эмас. Адолатингиздан дариг тутмаслигингизни бир қулингиз сифатида сўраймен. Шохмурод Кўхистоний ҳазратлари бундай ишга қўл урмасликлари, биз, йигирма нафар «Мехтер Бодиялдолар» анжуманида ҳаммамизни бир қарорга келтирди. Ипнинг учи бошқа ёққа кетаётир...

— Э, хайрият... — деди ҳаяжонланиб Темур Малик.

— Бари бир тафтиш давом этади. Биз, ғанимларнинг гирибонидан тутмагунча бу иш сирлигича туради... Кўхистоний хонадонини карамингиздан дариг тутманг, ҳазрат. Сардор рафиқаси ёмон хулосаларга бориб, бир тўп уруғлари билан аллақачон Қалъайи Хумбага жўнаган.

Юракни кемираётган шубҳа бир оз тўхтагандек бўлди.

Ун тўққизинчи боб

Тарих қоралаган элчи

«...Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ўрнига тантанаю дабдабозлик, манманлик, айшу ишрага муккасидан кетиб, давлатни таназзулга олиб борди. Ҳар қандай зафарларни ўз шахсиятига боғлади. Элчилар макрини фаҳмламади. «Искандари соний», «Султон Санжар монанд...», «Яратганнинг ердаги сояси...» деб хутбага қўшиб ўқиттиришлар уни ниҳоятда талтайтириб юборди, маддоҳлар сўзига ишониб, иродасиз бўлиб қолди. Ақлий ожизлиги давлат ишларини издан чиқарди.

Чингиз Мовароуннаҳрга ҳужум қилишдан аввал айғоқчилар юбориб, Хоразм қўшини аҳволини билиб, султоннинг ўз саркардаларини ўзидан бездираётганигача, фитнага ишониб, уларни жазолашларигача ўрганган эди. «Менинг мамлакатимга ҳужум қилишга ҳадди сиғадиган жаҳонда бирон давлат йўқ», деб керилиш билан бирга, бирон одам юбориб Чингизхоннинг ҳарбий қудратини кўриш у ёқда турсин, бу ишни ўзига тубанлик, деб билди...»

Садриддин АЙНИЙ

Чоршанба куни кечга яқин баъзиларнинг фикрича, «Чин мамлакатидан келган савдогарлар...» Утрор карвонсаройига тушди. Уч кимса ўз либосу хулқу киборликлари билан жуда ажралиб турарди. Сардор Муҳаммад Интизом айғоқчиларидан бу ерда «хизмат қилувчи» «Тўрғай» таҳаллусли кимсанинг ниҳоятда эътибор бериб кузатишича, ўша уч киборнинг хизматини адо этиб юрган уч одам аниқланди. Уларнинг хуфия қуроллангани, ҳалиги уч киборни холи қўймай, шаҳзодаларни қўриқлагандек бир дақиқа ҳам чалғимай, улар атрофида айланишиб юрганини пайқаган «Тўрғай» аввал, бу «уч

савдогар»ни ниҳоятда қимматбаҳо моллар ёки ақча билан йўлга чиққан, деб хаёл этди. Охирида ўша уч хизматкор ёнига «Тўрғай» ҳам тўртинчи бўлиб сингишиб кетди: чилим келтириб, бурқитиб чектирди, жаноблар нимани истасалар, шуни муҳайё қилишини маълум этди. Хизмат ҳаққига кўп сўрамаслигини ҳам қўшиб қўйди. Биринчи куниёқ — ўттиз ёшлардан ошган, новча, соқол-мўйлаби ҳам ўзига ярашган биттаси, қолган иккитаси ичида эътиборли, гўё пулдорроғи, мабодо мансабдор бўлса, юқори мансаблиси эканини, бошқалари унинг сўзи билан иш қилишликларини ҳам сизди. Унинг номи Маҳмуд эди. Семиз, юмалоқдан келган, ёши қирқларга бориб қолганининг исми Хўжа Алиакбар, учинчиси — рангпар, ориқ, қирра бурунли — Юсуф эканини чилим тутиб юриб, исмларига «мухтарам жаноб» иборасини қўшиб, аниқлаб олди. Утрор ҳокими Инолхоннинг айғоқчи кимсалари бор бўлса ҳам, «ўлик кимса» бўлиб қолгани, Хўжанд айғоқчиларининг Жандда, Туркистонда, Утрорда, бу томони — Ахсикатда, Ўзгану Ўшда пинҳоний юриши, Уратепаю Шаҳристонда ҳам борлиги сардор Муҳаммад Интизомнинг тадбиркорлигидан далолат берарди. Темур Малик ундан ақча аямасди. Баъзан неча ойлар мобайнида бир жиддий хабар етмаса ҳам, Хўжандга бўйсунмаган, аммо султон амрида бўлган қалъалардан хабардор бўлиб турарди. Султондан араз бўлиб Гурганждан чиқиб кетган қари мунший — Абдулқодир Шоший хабарини ҳам айғоқчилар ҳокимга етказишган. Қалъа ичида оғизни очиб ўтириш, қўшинлар ҳолидан хабар олмашлик, бу эса энг ишратпараст ҳокимнинг ишидирки, бундай мансабдорлар бугун бўлмаса эртага қаттиқ қоқилиб, ағдарилиб тушиши мумкин, дерди Темур Малик.

Баланд бўйли, қорақош Маҳмуд ниҳоятда ҳушёр, атрофида айланишиб чилим, чой келтирувчи «Тўрғай»га ҳам унча рўйхуш бермас, ҳатто ўз йўлдошлари тўпида ҳам шароб ичмас эди. У жуда камгап, «ичимдагини топ» тоифасидан бўлиб, чопонини ечмас, хужрага олиб қирилган қопу хуржуну қутиси ёнидан узоққа кетмасди.

Эртасига «Тўрғай» хизматкорлардан бирини «арзон яхши этик...» топиб бериши, этикдўз ёнига бошлаб бориш баҳонаси билан Сайхун томон — жарликка олиб бориб, кутилмаганда йиқитиб, таппа тагига босди. Бўғизига ханжар қадади. «Улар кимлар? Нима мақсадда Хўжандга кетаётирлар?» деб сўради. «Агар ҳақиқатни маълум қилмасанг, алдасанг, шу ерда бўғизлаб кетамен. Улигинг бўриларга ем бўлади!» деб қўрқитди. Кўзлари ола-кула бўлиб, ҳозир бўйни узиб ташланишини билган хизматкор ялина бошлади:

— Соҳиб, мени ўлдирма, ҳамма билганимни айтамен.

— Қани, айт!

— Ўлдирмаслигинга қасам ич!

— Нон урсин, ҳамма гапни рост айтсанг, ўлдирмаймен! Боз, оёғимдаги янги этигимни ҳам ечиб берамен.

— Улар уч ялавоч. Мўғул хони Темучин, яъни Чингизхоннинг элчилари. Улар Хўжандга эмас, Хўжандда икки кун тўхтаб, ундан Самарқанд, Бухоро орқали Гурганжга, Хоразмшоҳ ёнига борадурлар. Уларнинг ёнида Чингизхоннинг номаси бор. Чингизхон бу томонга қўшин сурмоқчи... Сенга ҳамма билган гапимни айтдим...

«Тўрғай» ханжарини қинига тиқди. Шу лаҳза ўрнидан турди. У хаёл ичида яна ерга ўтириб, оёқларидаги янги этигини ечиб, хизматкорга узатди.

— Этикни ол, у сеники. Розимен. Бу гапни менга маълум қилганингни шерикларингга айтма, йўлда — қум ичида каллангни узиб, ташлаб кетадилар. Мен бу ерда қолиб кетадиган кимсамен. Бор, карвонсаройга бориб, сўраган шерикларингга, этик сотиб олдим, деб айт. Бошқа гап йўқ!

— Ташаккур, соҳиб, — деди-да, хизматкор жарликдан чиқиб бозорга, ундан карвонсаройга жўнади.

Оёқяланг «Тўрғай» шу лаҳза уйига бориб, бола-чақалари хавотир олмасликларини тайинлаб; отни эгарладию хуржунни ташлаб,

тайёр йўл анжомларини хуржун кўзларига жойлаб, Хўжанд томон от чоптириб кетди. У отни шитоб билан югуртириб, қош қорайгунча Жандга, ундан бир неча ерда тўхтаб, туни билан тинимсиз йўл босиб, тонготарда Хўжандга кириб борди. У ўзига маълум бўлган икки бекатда отни ўзгартирди. Шитоб билан шаҳарга кириб келган «Тўрғай» тўппа-тўғри сардор Муҳаммад Интизом ҳовлисига тушиб, нонуштани у билан бирга қилди. Нонушта вақтида ҳамма гапни — икки кундан сўнг элчилар Хўжанд орқали Самарқандга ўтишини сардорга маълум қилди. Улар орасида Маҳмуд Ялавоч жуда маккор одам кўринишини ҳам уқтирди... У ўз хизматига лойиқ ақча ва илгариги хизматлари учун ҳам ҳақ олиб, шу кунни Хўжанд бозоридан анча-мунча нарсалар харид қилиб, эртасига яна Утрор сари жўнади.

Сардор Муҳаммад Интизом шу куниеқ бу хабарни ҳокимга етказди. Масаланинг ниҳоятда муҳимлиги, Чингизхон қўшин суриб Мовароуннахрга юриш бошлашга ҳозирлик кўраётгани, Маҳмуд Ялавочнинг келиши фақат юқоридан аҳволни билиш, аслида Чингизхон мағрибга юриш бошлаши муқаррар эканини сезиб, Темур Малик Гурганжга, султон ёнига нома билан Шоҳмурод Кўҳистонийни шошилинч йўллади. Ўзи элчиларнинг Хўжандга кириб келишини кутди. Номада Маҳмуд Ялавоч асосий шахс, Чингизхон ишончини қозонган кимса эканини маълум қилиб, султонни мўғул ҳужумидан огоҳ этди. Гап, кимсаларнинг устун томонларини ҳисобга олган ҳолда, ожиз томонларини ҳам билиб қўймоқ лозим деб тушунтирди Шоҳмурод Кўҳистонийга.

— Зарбоб чопонларини яхшилаб ўраб қопга солибди. Ёнида тилло пайза, тилло камар... Агар у барча либосу анжомларини устига ёпса тамоман тиллога бурканган, тилло бўлгон одамни кўрурсиз, — деди Темур Малик Шоҳмуродга.

— Маҳмуд Ялавоч — тиллапашша. Тиллапашша бундан учиб, Гурганжга кетади. У нима устига қўнишини билурмен, — деди қуюқ қошлари остида кўзлари чақнаб Шоҳмурод Кўҳистоний.

Гапга қулоқ солиб турган Шерюрак Шошийнинг ранги ўчиб кетди.

— Бундоқ гапни айтманг, сардор! Бошимиз кетади!

Темур Малик билан Муҳаммад Интизом индамай қолишди.

— Демак, менинг Гурганжга боришим, бир йўла бошдан ажралишим экан-да! Майли, борамен! Мен билмай гапириб юбордим, деб ўзимни нодонликка солмаймен. Бу ёшда «билмай гапирдим, оғзимдан чиқиб кетди» демакликнинг ўзи нодонлик!

— Сизга кўтарилган қилич — бизга кўтарилган қилич! Ичимизда хоин кимса йўқ, хотиржам бўлаберинг. Ҳали эсон-омон Гурганждан қайтиб келасиз. Биз кафил! Сардор Шерюрак Шоший фақат тилга эҳтиёт бўлмоғликни таъкидладилар, холос. Бундан бошқа гап йўқ!

— Сиздек бир қадрдонни ем қилиб юборадурғон кимсалар бу ерда йўқ! Билъакс, жони билан сизни ҳимоя қиладурғонлар бор. Киши баъзан дилдагини очиб юбормай, сир сақлашни ҳам билмоғи лозим. Сардор, сиз хуш кўрмайдиганни биз ҳам хуш кўрмаймиз, — деди кўзёшини енги билан артиб.

Эрта тонгда Шоҳмурод Кўҳистоний ўн чоғлиқ сарбоз отлиқлари билан қум оша Гурганж сари кетди...

* * *

Хоразмшоҳ саройидаги ўн олти устунли оқ ганчин хонада тантанавор қабул қилинган элчилар билан суҳбат одатдан ташқари қисқа бўлди. Чингизхон номасини овоз чиқариб ўқиган вазири аъзам Низом ал Мулк султонга боққан эди, юзида дарғазаблик аломати зоҳир султон оқариб, асабий бир тусда бошини сарак-сарак қилаётгани

кайфини учириб юборди. Овози жарангламай, захда қолган ноғорадек пўкилларди... Султон заррин тахтиравонда, элчилар бўлса рўпарасидаги курсиларда ўтирар, сарой олий мансабдорларидан юзга яқини ганчин хона деворлари тагида қўл қовуштириб турарди...

Уша замон анъанасига мувофиқ, Чингизхон ўз номасида қўлга киритилган барча ғалабаларини ёзган эди. Султон билан дўст бўлмоқ, агар бу аҳду паймон кўнгилдагидек самара бера, султонни энг қадрдон ўғли сифатида кўришини билдирган эди. «Энг яхши ўғлим...» деган сўз султон танидаги тукларни тикка қилди. «Наҳотки бир ғайридин ўғлим деса?! Наҳотки ғалабалардан ғалабаларга эришаётган Хоразмшоҳга у ўзининг ғолиблигини пеш қилса?! Ахир у Бағдоду Шомга юриш қилиб, Халифа Носирни енгди-ку! Ҳалаб шаҳридаги жанг юз йиллар мобайнида Аббосийлар ёдидан чиқмайди-ку!..»

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ соний бундан уч кун аввал Хўжанддан Темур Малик йўллаган номани, уни қора қош, қирра бурун бир мансабдор олиб келганини эслади. «...Улуғ султон, бизга фақат фурсат керак. Чингиз лашкар сурмаслиги учун ялавочларни чалғитиш, тинчлик учун ҳамма чорани кўриш, ҳозир айниқса муҳимлигини маълум этмоқликни ўз бурчим деб биламан...» «Э, манглайи қора, кўрқок!» деди ичида султон. «Сенга қанақа фурсат керак? Мен лашкар суриб, Бағдоду Ҳамадону Ҳалабгача олсам, халифаларни титратсаму бу хўжандлик таги паст менга чалғитишу тирриқликлардан дарс бермоқчи! Филга пашша ақл ўргатмоқчи...» Хўжанддан келган нома ҳам, Чингизхон номаси ҳам султонга ёқмади, нома ёзадиганларни ёқтирмасди. Китоботу аҳли қалам, муншийларга ҳам тоқати йўқ.

Султон шу фурсат элчиларни ҳар қанча ёмон кўриб, дарғазаб бўлгани билан умум қоидага биноан дастурхон олдида бир-икки яхши сўз айтган бўлди. Лекин бари бир «ғайридин» Чингизхон номини тилга олмади. Шу маросимда ҳам Маҳмуд Ялавоч, Юсуф Утрорий, Ҳожи Алиакбар Бухорийлар киши билмас бир-бирларига қараб кўйдилар. Султоннинг Чингизхонга бўлган муносабати ғоятда ёмонлигини пайқадилар. Уларнинг кўз олдига Утрорда қириб ташланган тўрт юз савдогар келди. Бу фожаи Хоразмшоҳнинг қонхўрлигидан далолат берарди. Маҳмуд Ялавоч бир оз чўчиди ҳам. Чунки қайтиб кетишида ўртада қанча қумликлар, даштлар бор... «Йўлда қароқчи босибди», «бўрилар еб кетибди...» демак, маккор султон учун ҳеч гап эмас. Орхон, Селенге, Хунгуй, Гол дарёлари, Баян Удэ-Гей аймоғининг беҳудуд даштлари, ундан сўнг Или дарёси, Зайсон, Балхаш кўллари ёқалаб, Чу ва Талас дарёларидан ўтиб, Туркистон ва Шошни, ундан Сайхунни ёқалаб келиб, Хўжандга тушишди. Уч кундан сўнг, Уратепа, Шаҳристон, Панжикент, Самарқанд ҳамда Бухоро орқали Жайхун бўйига чиқишди. Бунда катта кемаларга ўтириб, сувнинг оқими билан Гурганжга қириб боришди. Икки ой деганда султон пойтахтига етиб олиш — ҳазилакам машаққат эмас! Бу йўл машаққатлари Маҳмуд Ялавоч кўз олдидан бир лаҳзада ўтди.

— Уйлаб кўрамиз, бирон ҳафта меҳмонимиз бўлунглар, — деди элчиларга қараб жиккакдан келган Хоразмшоҳ, чўққи соқолини қашлаб, сал-пал илжайгандек бўлди. Ҳар қалай султоннинг хаёлини Темур Малик йўллаган нома қамраган эди.

Орадан бир кун ўтказиб, султон топшириғи билан Ҳожи Алиакбар Бухорийни шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ лашкар машқини, манжанақларни томоша қилдириш баҳонаси билан юз отлиқ атрофида Қиёт томон, Юсуф Утрорийни иккинчи шаҳзода Ғиёсиддин Пиршоҳ ўз сарбозлари ихотасида катта бозорга олиб кетди. Бозордан чиқишгач, Шаҳобиддин Хивақий ҳовлисида зиёфат тайёрланган эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, элчиларнинг сардори Маҳмуд Ялавочни султон яширинча ўз ҳузурига чақирди.

— Сен, манглайи қора, мусулмон бўла туриб, бунинг устига, аслинг хоразмлик бўлатуриб, нечун беимон бадавийлар ёнини оласен?! — деди тўсатдан султон Маҳмуд Ялавочга ўқрайиб. — Сен

имонини сотганлар ўша Чингиз ёнига омон борамен деб хаёл қилурми-сен?!

— Мен — ялавочмен, улуғ султон, ҳукмдорим топшириғи билан келдим...

— Сан, манглайи қора, қандай қилиб уларнинг топшириғини адо этасен?! Уша ваҳший сенинг ҳукмдорингми?! — Султоннинг важоҳати бузилиб, лаблари қийшай бошлади. Бундай пайтда унинг оғзидан ҳар қандай ҳукм чиқиб кетиши вазири аъзамга маълум. Икки шериги ажратилиб олиб кетилган, султонга ва бунда турган бошқа мансабдорларга гилтиллаб қараб, улар юзидаги имо-ишораларни пайқаб турган Маҳмуд Ялавоч ўзининг шу куниеқ қазоси етганини фаҳмлади. У Хоразмшоҳнинг яқинда Араб мамлакатларини енгиб келгани, халифа Носир ўлдирилганидан ҳам хабардор эди. Хоразмликларнинг Ҳалаб шаҳридаги қонли ишларидан Чин ва Мўғул хонлари ҳам хабар топган эдилар. Маҳмуд Ялавочнинг оёқлари қалтирай бошлади. У ўтирган курсидан туриб келиб, султон рўпарасида тиз чўкди.

— Тавба қилдим, улуғ султон! Мени афв эт! Олампаноҳ, сенинг офтоб янглиғ қудратли лашкаринг олдида Чингизнинг лашкари бир хира шамдир, офтоб — оламтоб чиққач, юз минг шам нури ҳам бир пул бўлади. Шам тунда лозим, офтоб ҳамма вақт... Улуғ султон! Мен беимон эмасман! Аслим улуғ ва муқаддас Хоразмлик. Сенинг қудратинг олдида бош эгурмен. Унда ер-сувим, мол-мулким Чингизхон тасарруфидаги тупроқда бўлғони сабабли, унинг хизматидамен. Дилимда она тупроқ манфаати ҳукмрон. Яна бир карра, она тупроқ манфаати ҳаққи, қасам ичиб айтадурменки, мени газабингга дучор этма, мен фақат ялавочмен... Элчига ўлим йўқ...

Султоннинг ўнг томонидаги алоҳида курсида заррин либосларга ўралиб, юзини гулдор ипак рўмоллар билан ўраб ўтирган Туркон хотун хурсанд бўлгандек, бир гувраниб қўйди. Бу билан у «режаларим амалга ошди...» дегандек хурсанд бир чиройда ўғлига қараб қўйди. Султоннинг ҳам юзидаги даргазаблик аломатлари дарҳол йўқолиб, Маҳмуд Ялавочни имлаб, ёнига, яқинроқдаги курсига чақирди. Вазири аъзам Низом ал Мулк ҳам Туркон хотун имоси билан султонга яқинроқ борди.

— Мен сенинг дилингга ишонамен, — деди ярим овозда султон. Она тупроқни тилга олиб, қасам ичдинг, мен бунга ишонамен. Сен хоразмлик экансен, менинг инимсен. Хоразм давлатимизнинг ҳамма жойида сен мўътабар зотсен, хоҳласанг, бизнинг юртимизга кўчиб кел, сенга катта лавозим берурмен...

Низом ал Мулк билан Туркон хотун бу гапларни тасдиқлашди.

— Улуғ султон, бу ҳимматларинг учун ташаккур, — деди танига жон кириб Маҳмуд Ялавоч.

— Чингизга тобе бўлганинг билан, дилингдан бизга, ўз халқингга хизмат эт! Бадавийлар орасида бизнинг одамимиз бўл. Сенга катта тилло ақчалар берурмиз. Хоҳлаган вақтингда бола-чақаларинг билан кел, сен ёнимда вазири аъзам сифатли мансабдор бўлурсен.

— Қуллуқ, улуғ султоним, қуллуқ!

«Султон» демай «султоним» дегани Хоразмшоҳга, Туркон хотуну вазири аъзамга ёқиб тушди. Элчини тамоман ўз томонларига ўтди деб тушундилар. Улар табассум этиб, султонга қарашди. Султон шу лаҳза катта хона бурчагидаги унча кўзга ташланмайдиган эшикчага қўли билан имо қилди. Орадан бир лаҳза ўтгач, ганчин оқ хона рўпарасидаги катта эшиклардан тантанавор кириб келган ўн чоғлиқ мансабдор патнусда бағдодий салла, заррин чопон, заррин камар, қимматбаҳо дастали қилич олиб киришди. Салла билан заррин чопонни Низом ал Мулкнинг ўзи элчининг бошига қўндириб, чопонни устига ёпди. Унинг бундан буён Хоразм давлати манфаати учун хизмат қилажагига шак келтиришмади. Ҳожи Алиакбар Бухорий билан Юсуф Утрорийга ҳам худди шундай инъомлар ҳозирлаб, уларни ҳам вақти билан ўз йўлига солишни Маҳмуд Ялавочдан илтимос қилишди.

— Ҳаммаси бажо келтирилур, — деди Маҳмуд Ялавоч, — сенинг амринг — олло амридир!

Бу сўз султонни ўрнидан турғазиб юборди. У келиб Маҳмуд Ялавоч билан қучоқлашди. Ишнинг анча осон кўчганидан мамнун бўлган Туркон хотун билан Низом ал Мулк ўзларини енгил ҳис этишди.

Элчилар жўнаш куни шаҳзода Жалололиддин худди шундай сарупо ва қимматбаҳо буюмларни элчилар орқали мўғул хони Чингизга йўллаш зарурлигини, яна бунинг устига, Чингизхон мактубига жавоб мактуб битиб, «яхши қўшничилик қилмоғлиқ»ни таъкидлаб, «яна элчилар юбориш», агар лозим бўлса, «Хоразм давлати элчиларини ҳам юбориш»ни эслатди. Жалололиддин ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам, Темур Малик ҳам мана шундай йўллар билан яна ўн йилча уруш қилмай туришни мўлжаллаган эдилар. Бу ўн йил ичида Хоразмшоҳ қўшинини яна ҳам қудратли этиш кўзда тутиларди.

Айниқса Хоразмшоҳ Чингиз юборган элчиларни қўлга олдим, бу илонларни энди унинг ўзининг қўйнига йўллайман, деб ўйлади. Темур Малик ва Жалололиддин режалари оқибатсиз қолди. «Саҳройи Чингизга заррин чопону қимматбаҳо тошлар йўллаб, сийлаш хатодур, бу эса сенга тобеъ бўламиз деган гап!» деди ранги ўчиб Туркон хотун. Кейинги пайтларда шаҳзода Жалололиддиннинг кўп ишлари бувининг энсасини қотириб келарди. Туршакка ўхшаб қолган буви жавоҳир тақинчоқларга бурканиб, кўпчилик олдида невараси Жалололиддинни танимагандек, уни тан олмагандек бўлар, ҳатто саломлашмас, лекин буви ва неvara ёлғиз ўзлари қолганларида неvara билан қуюқ гаплашар, меҳрибонлик қилгандек ҳам бўлар, кўпчилик ичида ён бермагандек бўларди... Бу маккорликни Жалололиддин анча вақтдан буён пайқаб юрарди-ю, лекин ўз бувиси хусусида отага бир оғиз ҳам шикоят гап айтмоқни лозим топмас, гуноҳ деб тушунарди. Юрагини фақат Шоҳмурод Кўҳистонийга очиб, саройдаги бу гаплардан дўсти Темур Маликни хабардор этиб қўйишни илтимос қилди.

Элчилар Гурганждан жўнаб кетишди. Улар шитоб билан йўл юриб, бир ярим ой деганда Утрордан ўтиб, иккинчи ойга ўтганда мўғулларнинг Или дарёси бўйларига яқинлашишди. Уч элчи йўлдаги маслаҳатга кўра Хоразмшоҳ инъомларини бир қопга солиб, тунда яширинча бориб, Или дарёсига ташлашди. Ундан сўнг Чингизхон тупроғига кириб, хонга ҳамма бўлган гапни, инъомларни, сотиб олмоқчи бўлган Хоразмшоҳ билан ҳеч қандай қўшничилик қилиш мумкин эмаслигини таъкидлашди. «Яхши ният билан борган элчиларни ўлдираман, деб қўрқитиб, жосусга айлантирмоқчи бўлган ҳукмдордан ҳеч бир яхшилик чиқмайди», дейишди.

Эрталаб туриб, очиқ ҳавода яланғоч ҳаракат қиладиган, гўшту пайларини ёғиб обдан уқалатадиган, шу йўл билан асабларини созлаб, элчиларни ёки бошқа йирик мансабдорларни, саркардаларни қабул қилаверадиган Чингизхон бугун ўз бадантарбиясидан кейин оқ наMAT устида чордана қуриб ўтириб, узоқ Хоразмдан келган элчиларнинг қизиқ гапларини эшитаман, деб кутган эди. Унинг кайфи бузилиб, газаби аланга олди. У ўтирган жойида ўтираверди-ю, бир сўз демади. Ўғли Удэгэйга, бу элчиларга шундай яхши инъомлар берилсинки, Или дарёсига ташлаб келган заррин чопонлардан икки баробар баланд бўлсин, деди. Хоразмшоҳ инъомларини дарёга ташлашгани, аччиқ ва хавфли бўлса ҳам, тўғри гапни айтишгани Чингизхонга ёқди.

Аммо у ичдан ниҳоятда дарғазаб ўтирарди...

Йигирманчи боб

Инолхон базми

Инолхон — олтмиш ёшларга борган чўққи соқол, баланд бўйли, ориқ ва чайир одам. Отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз хизматида

бўлган. Ҳзи Муҳаммад Хоразмшоҳ Такиш, ундан кейин Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — сонийга хизмат қилиб келмоқда. Лашкар ичидаги кўп саркардалар Инолхоннинг яқин дўстлари бўлиб, Ҳзи Хоразм салтанатига кўп хизматлар қилган обрў-эътиборли саркардалиги, «малик» даражасидан ошиб кетган мансабдорлиги билан тажани, муҳокамаси саёз, султонга баъзан соя тушириб қўядиган қилиқлари кўп бўларди. Шу сабабли бундан тўққиз йил муқаддам уни мамлакатнинг машриқдаги улкан шаҳарларидан бири — Утрорга ҳоким этган эдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, Инолхон Ҳзи билан бирга Гурганждан жуда кўп бойлик олиб кетган экан. Ҳиндистон рожаси туҳфа этган «Зухал» деган гавҳартош, «туя ўрқачи» деб аталувчи ярим ботмонлик яхлит тилла ва яна Ҳз хусусий мулки бўлган қимматбаҳо буюмлар Гурганждан Утрорга кетган эди. Булар ичида улуғ мутафаккир Муҳаммад Мусо ал Хоразмий китоби, Исмоил ал Бухорийнинг «Ал Ҳадис», Ибн Синонинг «Ал Қонун», Баҳромшоҳнинг «Калила ва Димна», Абу Наср ал Утбийнинг «Тарихи ал Йаминий», «Шоҳнома», Термизий, Самарқандий, Рашиддин Ватвот, Хоразмий, Нишопурий, Фаръобий ва Асириддин Ахсикатий, Арасту ва Сукрот китоблари ҳам Утрорга кетган эди.

Инолхон кексаликда фоний дунё лаззатини суриш, «фоний дунё беш кундир, беш кундир, сўфийлик аҳдин синдир, аҳдин синдир...» деган қарорга келиб, эртаю кеч айшу ишрат билан банд бўлиб қолган эди. У Олтойдан, Тунқус ўлкасидан келадиган савдогарлардан кўплаб буғи мугизи сотиб олиб, мугиз ичидаги қондан табиблар унга дори тайёрлаб берарди...

Темур Маликнинг Утрор сари келаётганидан ҳоким бир кун аввал хабар топди. Шош билан Утрор оралиғи отда икки кунлик йўл. Темур Малик Шош вайроналари ичидан, қадимги Ҳз ҳовлиси ўрнида ўғиллари билан бирга иморат солаётган Абулқодир мунший — «қилқалам» уйида ҳам бир кун қўниб, яна Утрор сари йўл олган эди. «Замон соҳибқирони» келаётганини эшитган Инолхон султон келаётганидан ҳам аъло тайёргарлик кўришга фармон берди. Шаҳар тозаланди, бозорларга мол қалаб ташланди, карвонсаройларга, дарбозаларга ва бошқа ерларга навкар қўйилиб, Утрор саройида, Сайхун ёқасидаги боғда жуда катта зиёфат тадоригига киришилди. Бу томони Дашти Қипчоқ, бу томони Туркистон, жануби — Барчликиент томонлардан ҳам меҳмон қақирилиб, жамики созандаю хонандалар таклиф этилди. Эртасига эрта билан Инолхон беш юзга яқин қўшинини шаҳар дарбозаси олдига чиқариб, сафга тизди. Ҳзи қирқ отлик мартабадор кишилари, ўғиллари билан бир тош йўл юриб Жилға бўйида, саркарда Темур Маликни кутиб туришди.

Пешинга яқин Чордара йўлида гард намоён бўлди. Хўжанддан чиққан бир тўп отлик Инолхон ҳузурига етиб келди. Кексаликда ўта обрўталаб бўлиб қолган, ҳатто султонга қилинажак таъзиму тиз чўкишларни қилган кимсага ниҳоятда меҳрибонлик кўрсатадиган Инолхон, узокда Темур Малик отдан тушиб, унинг ёнига пиёда юра бошлаганини кўриб, ўпкаси тўлиб кетди. Шу лаҳза қирқ навкар ҳам отдан тушди. Бу ҳолни кўрган Инолхон ҳам отдан тушиб, азиз меҳмон сари пиёда қадам ташлади. Утрорликлар билан хўжандликлар жилға бўйи, йўл устида бир-бирлари билан кучоқлашиб, омонлаша кетишди. Ҳол-аҳвол сўрашишди...

Инолхон билан Темур Маликни қайтадан отга миндиришди; бу гал Инолхон олиб чиққан оқ отга Темур Маликни миндириб навкарлар олдида икки ҳоким ёнма-ён шаҳар сари юришди. Чанг етмасин деб ўнг томон йўлдан анча нарида беш, чап томондаги тепаликларда ҳам беш соқчи навкарлар илгарилаб юришди. Шаҳар дарбозаси тепасида авжга чиққан карнай-сурнай ва ноғоралар овози ҳамма ёқни қамраган эди.

Утрор байрам қучоғида.

Темур Малик Инолхонга туҳфалар олиб келганди. Чунки Инолхоннинг гоятда молпарастлигини биларди.

Шу куни Темур Маликка саройдаги энг чиройли ганчин-нақшин хона ажратилди. Озгина ҳордиқдан сўнг базм бошланди. Сарой хоналари айвону ҳовлиларга жой қилиниб, курсию хонтахталар тартиб этилган. Дастурхонда нозу неъматлар, пиширилган гўшт, қазию қарталар, хамир билан гўшт, қовурилган балиқ ва кабоб дамодам жизиллаб келиб турарди. Ҳар ўн одамга бир «жўрабоши» тайинланиб, май суниб туриларди. Созандаю хонандалар хониши жонга роҳат берарди, раққосалар ўйини киши ҳисларини жунбушга келтирарди.

Темур Маликнинг хаёлига яна гўзал Нигина келди, назарида бу ердаги раққосалар «унинг жинжилоғи»га ҳам арзимасди. У, бир рўёдек ўтди-кетди...

Темур Малик билан Инолхон саройнинг уч юз киши жо бўладиган оқ ганчин хонасида, бошқалардан баландроқда, тўрда, орқаларига икки йўлбарс териси ташлаб қўйилган беқасам кўрпача устида, шоҳи матога заррин иплардан гул солинган болишларга суяниб ўтиришар, май ичишарди. Бир-икки пиёладан кейин Инолхоннинг кайфи ошиб, сергап бўлиб кетди. Темур Малик шу бугуноқ гаплашиб олиши зарур бўлган масалани Инолхон «Эртага! Азизим, эртага гаплашамиз...» деди. Бир муддатдан кейин кайфи ошган Инолхоннинг сал-пал ҳуши ўзига келгандек бўлиб, Темур Маликка гап қотди:

— Малик ҳазратлари, бу дунё кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. «Фоний дунё беш кундир, беш кундир... Сўфийлик аҳдин синдир, аҳдин синдир...» деганлар. Не-не саркардалар, не-не шоҳлар ўтиб кетди. Барча ҳукмдорлар тупроқда ётибди. Биз ҳам бир куни шу тупроқ бағрида ётамиз. Бу дунёда ўлимдан қочиб қутуладиган ҳеч бир жонзот йўқ. Шоҳ ҳам ўлади, гадо ҳам... Шу сабабли биз, эгамнинг қуллари, унинг ҳимоясида беш кунлик қолган умримизни фароғатда ўтказайлик дейман. Маъқулми, малик ҳазратлари?

— Маъқул, — деди Темур Малик, Инолхонга бир қараб қўйиб. Дилидан муншийнинг «қари нодонга ким ақл ўргатади» деган гапи ўтди. Инолхоннинг гапига асло эътироз билдириб бўлмаслигини, у ўз сўзига эътироз билдирадиганларни ёқтирмаслиги, кибор-манманлик дарди уни тамоман чулғаб олганини эшитган эди. Лекин шунга қарамай, у дилидаги гапни қисман очишга уринди. Агар уни айтмаса, нега бу ерга келди!

— Ҳоким ҳазратлари, агар ижозат этсангиз, бир гапни сизга маълум қилсам, — деди Темур Малик паст овозда. Инолхон ёнига қийшайиб, қулоғини олиб келди. Атрофларида киши бўлмагани, ҳоли ўтирганликлари сабабли Темур Малик Инолхонга оғиз чоғлади. Сабри чидамаган ҳоким Темур Маликка қаради:

— Айтинг, иним!

— Султон мўғуллар шоҳининг номасига қаттиқ жавоб қилибди. Номусулмон шоҳ Чингизнинг лашкар тўплаб, ёмон ниятлар қилаётгани Гурганжга маълум. Бизга ҳам... Бунинг устига Маҳмуд Ялавоч яна айниб қолган. Бу ишдан хабар топган султон мени зудлик билан сизнинг ёнингизга боришга фармон берди. Менга шошилинч чопар келиб, султоннинг махфий номасини топширди. Аҳвол анча жиддий.

— Малик ҳазратлари, барчасидан хабардормен... Ташвиш тортманг, ҳамма вақт шундай бўлган. Бу номаларни султоннинг ўзи ҳам кўрмаган, Туркон хотун одамлари ҳозир ҳаммамизни ётқизиб турғазмоқда...

— Ҳоким ҳазратлари, Утрорда ўлдириб юборилган тўрт юз савдогар ва бу иш Чингизхонни ҳаракатга солиб қўйган. Бу жуда хавфли...

— Иним, кўп ташвиш тортманг, — деди тиззасига уриб, кулиб Инолхон, — сиз саркардага бу ярашмайди. Мен бормен, султон бор... Мабодо ўша ёввойи, маърифатдан узоқ босқинчилар ҳужум қилса, менинг ўттиз минг отлигим бир наърайи раддивор тортса, ёввойи галалар тўрт томонга қочиб кетади! Мен оғангиз Инолхон Утрорда бор эканмен, Хўжандда тинч ухлайберинглар. Беш кунлик дунёни

фароғатда ўтказаберишлар. Султоннинг ўзи ҳам айшу ишрат билан қаттиқ банд. Тўғри қиладилар. Ғолибга айшу ишрат ярашур.

Темур Малик сукут сақлади. У, Инолхон маст бўлиб, ўз фикрига ўзи эга бўлмайд қолганини пайқаб, гапни тўхтатди. Сухбатни эрталабга қўйиб, бу ҳақда гап очмади.

Базм ярим тунгача давом этди.

Эртасига эрта билан нонуштада Инолхон билан Темур Малик учрашди. Аммо минг афсус, Инолхон май ичишни яна эрталабдан бошлаб юборган экан... Темур Малик тунда тўшагига юборилган канизакни қабул қилмагани ҳам Инолхонга етиб, у ўйланиб қолиб, зарда билан ичиб юборган экан.

Темур Малик Инолхоннинг ҳушёр кунлари бўлмаслигини пайқагач, эрталабки нонуштада яна ўша гапни ўртага ташлади.

— Мўғулларнинг бизга қарши юриши аниқ бўлиб қолди. Шу сабабли Утрор, Хўжанд, Ахсикат, Жанд, Туркистон, Янгикент, Ўзган, Ўш қалъаларидан лашкар тузиб, сизнинг раҳнамолигингизда душманнинг йўлини тўсмоқ лозим, деб тушунамен. Гурганж, Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Балх қўшинлари шаҳзода Жалололдин раҳнамолигида Катвон даштида бирлаштирилиб, душман йўлини тўсмоғини ҳозирги аҳвол тақозо этмоқда. Бу фикрларни сиз, ҳазрат билан бирга келишиб олиб, султонга одам юборсак, деган фикрдамен. Лозим топилса, Утрордан қайтгач, мен ўзим тўғри Гурганжга, султон ҳузурига бормоқчимен. Нима дейсиз?

— Булар хомхаёл! — деди кулиб Инолхон. — Эътирозимга хафа бўлманг, малик ҳазратлари! Мен тўғри сўзни юзга айтмоқни аъло биламен. Ўттиз йил мобайнида қатнашмаган муҳорабалар қолмади. Уч бор Бағдодни қўлга киритдик. Уч бор Хуросонни олдик... Хоразм салтанати дунёда энг кучли салтанатдир! Бунга шак келтирманг! Уни енгилмас, қудратли этишда менинг хизматларим султонга маълум... Сиз, ҳоким ҳазратларининг мамлакат учун қайғураётганингизни юқори баҳолаймен... — унинг кайфи бор, чайқалиб сўзларди. — Аммо васвасага забун бўлиб, бундай фикрларга бормоғингиз хўб эрмас! Султон асло қўшинларини бирлаштиришга йўл бермайди. Бу фикрни бошдан чиқаринг, саркарда, токи бошингиз жойида турсин! Султондан ташқари, мен ҳам сиз айтганингиздек лашкарни бирлаштиришга рухсат этолмаймен! Бу — хато фикр. Мабодо бирон томондан душман бош кўтарса, Утрор лашкари бориб, ўша фурсат ёвни ўз жойида янчиб ташлайди. Бундай воқеалар кўп бўлган. Дарҳақиқат, мен султонга нома ёзиб, ёғийларнинг жосус савдогарларини ўлдиртириб юбордим!..

Темур Малик сукут сақлаб, ичдан таассуф этди. Инолхон чинакамига ишратпараст ҳамда манманлик дардига мубтало бўлганини фаҳмлади. Унинг фикрлари доираси тор, давлат кишиси бўлиш у ёқда турсин, қадимги Инолхон эмаслигини билди. У энди бурни тагидан нарироқни кўролмайдиган бўлиб қолгани аниқ бўлди. Ортиқ бу фикрни такрорлаш шарт эмас, бундан фойда ҳам йўқлигини билган Темур Малик эртасига у билан хайрлашиб, Хўжандга жўнади. Унинг тарвузи қўлтигидан тушиб, қайтди.

Шу куни кечга яқин Утрорга Дашти Қипчоқ беги меҳмон бўлиб келди. Яна зиёфат, яна мол сўйиш, яна базм... Дарбозалар тепасида қатор турган олти карнайчи, тўрт ноғорачи эрталабдан пешингача қулоқни батанг келтирди. Қипчоқ беги уч кун меҳмон бўлиб, тўртинчи куни яна карнай-сурнай билан жўнади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Туркон хотуннинг эркаси, валиаҳд шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ Барчинликент қалъаси атрофида ов қилиб юргани, эрта-индин уч юз навқари билан Утрорга келиши хабари ҳам Инолхонга етди. Валиаҳдга Темур Маликдан ҳам аъло тай-ёргарлик кўриш ҳақида фармон берилди. Шаҳзода Узлоғшоҳ Утрорда бир ҳафта меҳмон бўлди; ҳар куни эрталабдан пешингача шаҳар дарбозаси устида олти карнай, тўрт ноғора ғат-ғат ва така-туми авжга минди...

Утрорнинг мундоқ «базмлар макони» бўлиб қолгани мансабдорларнинг тинимсиз, кети узилмай келиб туриши эмас, бурни шолғомдек қизариб, тани шароб ичишдан кўкариб кетган Инолхоннинг ўзи бундай базмларни истарди.

Карнай-сурнайлар одамларнинг жонига тегди. «Инолхон меҳмондўстлиги» деган гап ҳам оғиздан-оғизга кўчиб, аллақачон Гурганжга етиб борган эди. Хуросонда ҳам «базми Жамшид» эмас, «базми Инолхон» деган гап кулги билан айтиладиган бўлиб қолган эди.

Иигирма биринчи боб

Сергак тепалар

Темур Малик Утрордан ниҳоятда таъби тирриқ бўлиб қайтди. Наҳотки кўпни кўрган, кекса Инолхон мўғуллар солаётган таҳдидни сезмаса! Наҳотки бу ном чиқарган лашкарбоши ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб айшу ишратга муккасидан кетган бўлса! Бу таназзулга кетиш эмасми?! Ҳар куни Утрорда базм, ёш жувонлар билан айш-ишрат... Карнай-сурнай... Сархушлик... Мияси айниган Инолхон ўзи нима қилмоқда?

У йўлда кела-келгунча шундай хаёлларга ботди. Унинг кўз олдидан шолғом бурунли, лаблари илвираб, юзлари кўкарган, сергап Инолхон кетмасди. Хўжандга етиб келиб ҳам асло чиройи очилмади. Ойчечакнинг ширин сўзлари, меҳрибонликлари ҳам унча таъсир қилмади. Наҳотки замон охир бўляпти. Шундоқ бурнимиз остида қиличини чархлаётган душман турса-ю, биз уни кўрмасак?! Наҳотки айшу ишрат, фақат фароғат суриб қолайлик, десак! Наҳот болачақаларимизнинг истиқболи хаёлимизга келмаса!

Темур Малик хаёл уммонига ғарқ бўлган. Эҳтимол, уларнинг гапи тўғридир! «Беш кунлик дунё»да ўйнаб қолиш маъқулдир. Эҳтимол, Инолхонлар бу ишнинг мағзини чақиб, шу хулосага келгандир. Наҳотки бизлар бир нодон кимсалармиз, юртнинг қайғуси деб бўлмайдиган ишлар туфайли ўзимизни ўзимиз қийнаётганларданмиз! Мовароуннаҳр қисматини нега битта биз, хўжандликлар ўйлашимиз керак?!

«Ҳа, биз ўйлашимиз керак! Мен ўйлашим керак! Чунки буни мен ўйламасам, ким ўйлайди?! Ҳокимни ғафлат ишрати чулғаб, болаларини бўрига едириб юбормаса яхши эди. Инолхондек мол-дунё тўплаш, қолган умрида айшу ишрат, фароғат суриш ниятидагилар Гурганжда ҳам кўп. Унинг ёшига етсам, эҳтимол, мен ҳам шундай бўлиб қоларман? Обрўталаб, айшу ишратга муккасидан кетган, ўз ҳузурини ўйлайдиган бир кимса бўлиб қолсам-а?.. Йў-ў-ўк! Менинг табиатимда бундай одат йўк, — деди ўзига-ўзи Темур Малик. Менга отам бундоқ тарбия берган эмас!»

Темур Малик қирқ навқари билан Чордарага яқинлашгач, баланд тепаликдаги қоровулхонага кўз ташлашди. Ярим чақиримча нарида, пастликда сой айланиб оқарди. Ҳоким қулоғига бир-икки чалинган Саритепа қишлоғи ҳам шу сойнинг ўнг томонида бўлиб, ўн-ўн иккитагача пасту баланд томлардан иборат эди. Қоровулхона арава йўлидан беш юз газ баландликда, тупроқ ўйилиб кўтарилган бу сунъий тепалик, баъзиларнинг айтишича, Афросиёб вақтида қурилган экан. Худди шундай туроқ уйилиб қурилган тепаликлар ҳар ўн йиғоч узоқликда ахраман девдек салобат солиб турарди. Темур Малик отдан тушиб, икки-уч навқари билан юқорига — қоровулхонага кўтарилди. Зинага ўхшатиб, ўйиб қўйилган қия йўлда ҳаллоеларди. Тепаликка чиққач, ғир-ғир шабада юзга урилди. Бунда кичкинагина хужрача бўлиб, хужранинг бир томонида майдаланган саржин, иккинчи

томонига катта-катта палёндан иборат баланд қилиб саржинлар тахлаб қўйилган. Тепаликда шамол учириб кетмасин, деб қозик қоқилиб, бир мунча ғўлаю ёғочлар терилиб, арқон билан боғлаб қўйилган. Эшиги очиқ ҳужра ичида, салқинда ўн-ўн бир ёшлардаги бир бола Темур Малик келганини сезмай, пишиллаб ухлаб ётарди. Темур Малик атрофидагиларга уни уйғотиб юбормасликни имо билан билдирди. Ҳужра ичида икки катта хумда қора ёғ, пастда чўмичу олтингургурт, ишқалаб ўт чиқарадиган тошлар, пилталар ҳам турарди. Ҳужра қозигида эскидан қолган, қисман занглаган қилич ҳам осиглиқ турарди. Темур Малик ҳаммаёқни кўздан кечиргач, ёндаги навқарга гап қотди.

— Ҳаммаёқ шай. Бола уйқуда... Лекин бунинг уйқуси Инолхон уйқусичалик эмас. Сал томоқ қирсақ уйғониб кетади. Аммо анави кекса нодон уйғонолмайди, — деди сал-пал томоқ қириб.

Шу лаҳза бола кўз очиб, дик этиб ўрнидан турди-да, саросимада қозикдаги қиличга қўл узата бошлади.

— Нега ухлаб қолдинг?! — Темур Малик сиёсат қилди.

Бола жавоб қилмай, ҳоким ёнидан сирғалиб бориб, олтингургуртни ёқмоқчи бўлди.

— Тек тур! Ҳовлиқма! — деди Иброҳим Дўлдай унинг елкасидан маҳкам ушлаб.

— Кимнинг ўғлисен? — Темур Малик сўради.

— Отамни...

— Отанг ким?

— Сирбой.

— Сирбой қаёқда?

— Отам касал. Оғаларим билан қоровулчилик қиламиз.

— Оғаларинг ким?

— Дўнанбой, Ғунанбой, Тўриқбой...

— Сен бундай ухлаб ётсанг, душман отлиқлари сени ўлдириб, ўтиб кетмайдими? Сен ўз вазифангни яхши бажармаётирсен! Мана биз бостириб келдик!

Боланинг ранги ўчиб, сурилиб бориб, яна қозикдаги қиличга ёпишаётган эди, Иброҳим яна маҳкам ушлади.

— Жинни! — деди Иброҳим кулиб. — Сен тентак бир ўзинг қилич билан нима қила олардинг! Биз беш кишимиз, пастда яна қанча отлиқлар турибди, ана кўрдингми?

Бола бўзрайганча тураберди. Кейин яна пилтаю олтингургуртга қаради. Унинг хатти-ҳаракатларини Темур Малик кузатиб турарди. Болани сал бўш қўйса югуриб бориб, саржинларга олов ёқиб юборишдан ҳам тоймасди.

— Энди ухлайсанми?

— Йўқ.

— Бизлар душман эмас, султоннинг лашкариданмиз. Мана бу йигитнинг чопони орқасига қара! Мана бу шакл султон қўшинини билдиради. Яхшилаб кўриб ол! Едингдан чиқарма!

Бола бош қимирлатиб, тасдиқлади.

— Ўтрор қайси томонда?

— Бу томонда, — деди бола тилга кириб, — олис эмас.

— Биз ўша ёқдан келаётирмиз. Хўжанд қайси томонда?

Бола жанубга қўлини тўғрилади.

— Тўғри. Биз Хўжандга кетаётирмиз, — деди Темур Малик, — Утрорда, Инолхон ҳазратларига қўноққа борган эдик. Хўжандгача яна қанча қоровулхона бор?

— Утрор томонда Жилға, бу томонда Бўрикалла қоровулхонаси бор. Биз Жилға ва Бўрикаллага ўт жақиб хабар қиламиз. Отам айтган, Тўйтепа, Олмалиқтепа, Келовшиттепа, Тошли, Бўстон, Консой... Чорукдаррон даштидан сўгин Хўжанд келади...

— Офарин! Зеҳнинг ўткир бола экансен. Бу яхши бола кўринадди, — деди Темур Малик, унинг елкасига қоқиб, кейин рўпарада,

камарига қиличу ханжар осган навкарга қаради, — белингдаги ханжарни ечиб, бу болага бер, Хўжандда сенга бошқа ханжар бераман.

Навкар дарҳол камарини ечиб, осиглиқ ханжари билан бирга камарни бола белига боғлади. Темур Малик ёнидан бир тилла танга чиқариб, болага узатди.

— Хизматга турганингда асло ухлама, ўғлим! Оғаларингга ҳам айт, душман белгиси кўриниши билан тезда ўт ёқиш керак! Ев айғоқчилари сўйиб кетади.

— Қуллуқ қил, бу киши Хўжанднинг ҳокими — саркарда Темур Малик бўладилар! — деди Иброҳим Дўлдай болага.

— Қуллуқ! — бола бош эгиб, ҳокимга таъзим этди.

Темур Малик тепаликдан қия зинапояларга оёқ қўйиб тушиб кетаётганида пастдаги овулдан жадал юриб келишаётган уч оға-ини пастдаги отлиқлар ёнига келиб, Темур Маликка таъзим этишди.

— Оқсоқол, бизнинг овулда дам ол, кўноқ бўл, ўтиниб сўраймиз!

— Саритепа қоровулхонаси жуда ҳам муҳим жойда, — деди зиналардан текисликка ўтган Темур Малик, — наҳотки бир кичик укангизни ёлғиз ташлаб, ўзингиз бозорга кетсангиз?

— Кечиринг, отамиз бетоб эди.

— Ҳушёр бўлинглар! Ҳамма нарсани шай қилиб, ҳушёр турмоқ лозим! Айниқса тунда! Отангизга мендан салом айтинг. Тезда соғайиб кетишларини тилайман.

— Раҳмат, минг маротаба раҳмат!

— Хайр! Биз нариги қоровулхоналарни ҳам кўрмоғимиз керак.

Темур Малик қирқ йигити билан Бўрикалла ва Келес, ундан кейин Чиноз, Тўйтепа, Олмалик, Келовчи тепаликлари сари жўнади. Чунки Саритепадан бошлаб бу ёғидаги ерлар Хўжандга қарарди. Икки кун мобайнида ҳамма қоровулхоналарни кўздан кечириб, бунда посбонлик қилувчиларга туҳфалар инъом этди. Доимо сергак туришликни, мабодо ўзларига қурол-яроқ, кийим-кечак ва ҳатто от зарур бўлса, Хўжандга бориб, унинг ёнига киришни маълум қилди. Келовчи ва Чорукдаррон тепалигидаги кекса қоровулларга қоғозга хат битиб, иккинчи бармоғидаги олтин нигин кўзига ўрнатилган муҳрни босиб, гувоҳнома-лар берди. Бу қоровулхоналарнинг мудофаадаги ўрни муҳим ва душманга бошқа йўл йўқ, шу тепаликлар орасидан ўтишини биларди. Душман йўлини тўсиш, бу ерда чалғитиш имконияти ҳам бор эди.

Темур Малик Хўжандга етиб келиб, эртасига эрта билан яна шай бўлиб, қальбани таъмир этаётган усталар ёнига келди. Ундан сўнг, дарё ичидаги оролда истеҳком қураётганлар, қирғоқда кема ясаётганлар ёнига келиб, ишнинг бориши билан танишди. Негадир ишнинг ривожини йўқдек, сусткашлик, баъзиларга ақча берилмаганини билиб, таъби тирриқ бўлди. Дорус салтанага қайтиб келиб, ўз хонасида ўтирди. Мулозимларнинг кириб-чиқавериши ҳам ёқмади. Иброҳимга чилим буюрди. Бундоқ пайтларда пихини ёрган Шоҳмурод Кўҳистоний Иброҳим билан шивирлашиб ҳоким хонадонининг Ғулом отли содиқ қули — чол кишига буюриб, ҳокимнинг икки ёшли, юзлари лўппи Муҳаммад Метинни ичкаридан кўтариб чиқиб қип-қизил гилам устида турғизишар, отаси ёнига атайин киритиб юборишарди. Ўзлари айвонда яшириниб турардилар. Янги тили чиққан Метин «дада-дада», дея югурганча бориб отаси Темур Маликни қучоқлар, мўйлаб ва қисқа соқолларига юзини суйкарди. Темур Малик юрагидаги ғазабу ғам ғубори бир лаҳза йўқолиб, боласини бағрига босар, қучоқлар, унга турли саволлар берарди. Ҳокимнинг бундай ҳолини кузатиб турган икки дўсти — Шоҳмурод Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай илжайишиб, ҳоким ёнига кириб келишарди.

— Билган эдим, — деди Темур Малик кулиб, — Бундай иш фақат сизларнинг қўлингиздан келади.

— Менинг жияним, қадрдоним Метин-малик билан биз иккимиз, сиз ҳазрат сафарда эканингизда Хўжандга раҳбарлик қилдик. Жияним ниҳоятда ақлли, отасига ўхшайди...

— Бас, гўдакни жуда мақтаб юбордингиз,— деди Темур Малик, кейин ўқрайди,— нега одамларга ҳақ тўланмади?! Нима сабабдан бозор ёнидаги аспхона битмади?! Қайиқсозларга ёғоч келтирилмади?!

— Саркарда, ёғоч борасинда озгина кечикдик. Бошқа ишлар унча хафа бўлишга арзимайди.

— Сен ҳам Инолхондек хотиржамликка тушиб қолибсен! Фақат ишратбозлигинг йўқ. Эҳтимол, буни бекитарсен! Биламен, сен ҳам базми яхши кўрасен, май ичишга суягинг йўқ. Қўйиб берса Инолхондан ҳам ўтасен! Лекин ҳушёр бўл, Муҳаммад Интизом сенинг гирибонингдан ушласа, нажот тилолмайсен!

Шоҳмурод Кўҳистоний қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Болани менга беринг, саркарда, жуда қаттиқ гапирмоқдасиз.

— Шоҳмуроднинг ҳеч қачон бозор ичида калласи учмайди. Шоҳмурод Темур Малик кўксидаги совутдирки, сенга ўқталган найза аввал мени тешиб, кейин сенга етади.

Темур Малик ўрнидан турди. Уғлини унинг қўлига тутқазди.

— Бўлди, бас!— у бир-икки бор чилим тортди.— Сусткашликни кўрсам чидаб туролмаймен. Шу ишлар мен қайтиб келгунимча битади, деб ўйлаган эдим...

— Саркардам, сабр қилинг. Устоларни шошириш ҳам керак эмас. Таъмир жуда пухта бўляпти. Кемасозлар, истехком қураётганлар ҳам астойдил ишлашмоқда. Бизга берилган муддатда ҳамма иш битади.

Муҳаммад Метин отасини соғинганми, ундан асло ажралмади. Шоҳмурод Кўҳистоний қўлга оламан деган эди, йиғлади.

— Саркардам, бола сизни соғинган, унинг айтганини қилиб, уйга боринг. Илтимос, олис йўлдан келдингиз, бир кун дам олинг.

— Хўп,— Темур Малик ўғлини кўтарганча қалъадан чиқиб, ҳовлисига жўнади.

Иигирма иккинчи боб

Сарой саросимада

Машрикда, Или ва Чу дарёлари ёқасида мўғулларнинг катта лашкари тўпланиб, ҳужумга ҳозирлик кўраётганини ҳаммадан аввал Хўжанд айғоқчиларининг сардори Муҳаммад Интизом аниқ билиб, бу ҳақда Темур Маликка маълумот берди. У тезда Гурганжга чопар йўллади. Бунга ҳам қараб турмай, Хўжанд олий мансабдорларининг махфий машваратини тузди. Эртасигаёқ, машварат тавсияси билан Шоҳмурод Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдайни олиб, шошилинич Гурганжга жўнади. Мўғулларнинг ҳужум бошлаши негадир Утрор ҳокими Инолхонга номаълум экани Муҳаммад Интизомни ҳайратга соларди. Ахир, султон мамлакатига йўл Утрор устидан ўтади-ку!

Темур Малик Гурганжга етиб бориб, айғоқчилар етказган хабардан шоҳни огоҳ этди. У, шаҳзода Жалолиддин билан ҳам учрашиб, Сайхун ёқасидаги қалъалар аҳволдан уни хабардор қилибгина қолмай, Хўжандда олиб борилаётган ҳарбий машқлар хусусида, мамлакат ишига алоқадор ҳамма гапни унга айтди.

Султон катта қалъалари лашкарбошиларини шошилинич Гурганжга тўплади. Мўғуллар бостириб келишини уларга маълум қилди, аммо Мовароуннахрнинг Дашти Қипчоқдаги энг катта қалъаси Утрор бу хатардан беҳабар экани, Инолхоннинг «бетоб»лиги сабабли пойтахтга келолмагани Гурганжга тўпланган саркардаларни ўйлатиб қўйди. Султон қисман умидсизликка тушиб қолгани, Туркон хотун шоҳнинг бошини қотириб, лашкарни тўплаш эмас, қалъаю шаҳарларни ўз ҳолича ўзлари мудрофаа қилишлари лозимлиги ҳақидаги режасини тавсия этарди. Саркарда Шаҳобиддин Хивақий, шаҳзода Жалолиддин, саркарда Темур Малик ва бошқалар қўшинни бир ерга

тўплашни (Самарқанд яқинидаги Катвон даштига) маслаҳат кўришди. Султон унамади. У онаси гапига қулоқ солди. Машваратдан сўнг у, вазири аъзам Низом ал Мулкдан, Утрор билан Гурганж оралиғи отда неча кунлик йўл, деб сўрабди. Вазири аъзам қумни кесиб ўтмай Самарқанд ва Бухоро орқали борилса, бир ой... дебди. Шундан кейин султоннинг ҳафсаласи пир бўлибди. Султоннинг бу ҳолати Темур Маликка ёқмади: биз она еримизни токи жон танда экан, ҳимоя қиламиз деди. Фафлат босиб чақалоғини бўрига олдириб юборган деҳқон фожиасини Гурганжда дўстларига ҳикоя қилиб берди.

Шаҳзода Жалололдин машварат айёмида камгап, камсухан бўлиб қоларди. У, отаси фикрига очикдан-очик қарши чиқмас, аммо кўшинни Катвонга тўплаш тарафдори экани, лашкарга султон ҳам эмас, вазири аъзам ҳам эмас, саркарда Шаҳобиддин Хивақий ҳам эмас, ўзи бошчилик қилишини истарди. Лекин Хивақийнинг сипоҳсолар экани унга ёқмасди. Жалололдин Машриқдаги қалъаларнинг мустаҳкамлиги, ҳокимларнинг садоқати ҳақида кўпроқ ўйларди. Агар қалъалар мустаҳкам, лашкар етарли бўлгани билан сардорлар қўрқоқ ёки сотқин бўлиб чиқса, унда мағлубият аниқ эканини дилидан ўтказар, бу мулоҳазасини султонга маълум қилганида, у ҳам бу фикрга қўшилган эди. Лашкарбошиларнинг салтанатга садоқатини билиб қўйиш мақсадида султон яширин мансабдорларига бу иш билан шуғулланишни топширди. Тез бажарилмоғи лозим бўлган бу тadbир тепасида шаҳзода Жалололдин турарди. Шундай бир зарурат турилганини Жалололдиннинг ўзи бир неча бор такрорлаган эди. Утрор ҳокими Инолхоннинг феъл-атвори бу тadbирни яна ҳам тезлаштирди...

Иттифоқо, шахдам қадамлар ташлаб орқадан келаётган сарбоз йигит сарой ҳовлисида кетаётган Темур Малик ва Шоҳмуродга салом бериб, шоҳайвон олдида уларни шаҳзода кутаётганини маълум қилди. Саркарда, бу йигитнинг юришини Иброҳим Дўлдай қадам ташлашига жуда ўхшашлигини сезиб турарди. Кўрмасдан туриб, орқадан Иброҳим келаётир хаёл қилган эди ҳам. Сарой ҳовлисида ёнма-ён гаплашиб кетаётган Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний бир лаҳза тўхтаб, кейин айвон томон бурилишди. Зинаполяр ёнида икки қўлини кўксига чалиштириб роз турган шаҳзодага кўзлари тушди. Қадамни тезлатиб бориб, унга иккинчи бор салом бердилар.

— Эртага Жайхун ёқасидаги боргоҳимда сизларни кутамен, азизларим! Озгина отамлашамиз, — деди шаҳзода дахватанги.

Темур Малик билан Шоҳмурод ўйланиб қолишди. Ута шошилинич иш билан Гурганжга келганлари, бунда узоқ туриш мумкин эмаслигига ҳам қарамай, Темур Малик шаҳзода Жалололдиннинг эрталаб Жайхун бўйида улар шарафига беражак зиёфатини рад этолмади.

— Меҳмон ўз ихтиёри билан келади, кетиш изми мезбонда, — деди шаҳзода яна пурвиқор бир оҳангда. — Аҳволнинг ниҳоятда ташвишли эканини сезиб турибмиз, ғаддор Чингиз мамлакатга бостириб кирмоқчи... Қалъаларимизга суянамиз, сизлар бор экансиз, султон мамлақати ёв оёғи остида қолмайди. Сизнинг дарё кечиби, қум кечиби, саҳро кечиби, бунда келганингизни юксак баҳолаймиз. Уч-тўрт кун қолинг, азизларим, бари бир йўлда ҳам қанча кунлар кетади...

— Муҳтарам шаҳзода! Амрингиз вожиб. Бир оғиз сўзингиз етарли. Сизга садоқат — салтанатга садоқат демак. Аммо бу фурсатда зиёфат емоқлик кўнгилга сиғарми? Тезроқ Хўжандга бормоқ, лашкарни шайламоқ лозим эмасми? — деди Темур Малик юмшоқлик билан.

Бу гап шаҳзодага унча ёқинқирамади. Девқомат Жалололдин пешонасида қизиллик пайдо бўлиб, лаблари оқарди. Бундай чоқда бурнининг ўнг томонидаги қорамайиздай хол яна ҳам бўртиб, аниқроқ кўзга ташланарди. Жалололдиннинг ҳам, Темур Маликнинг ҳам гавдалари залворли, пурвиқор бўлиб, улар рўпарасида турган Шоҳмурод Кўҳистоний ўзининг хипчадан келган, ориқ, қирра бурунли кимса эканлиги билан икки саркардадан ажралиб турарди. Шоҳму-

роднинг ҳаяжонланганида, дарғазаб бўлганида турган жойида бешиктерватарга ўхшаб чайқалиш одати бор.

— Муҳтарам шаҳзода! Пойтахтга келибмиз, ихтиёр сизда. Биз фақат таҳлика хабарини эмас, сизни кўриш ниятида ҳам келганмиз, — деб қўшиб қўйди Темур Малик, чайқалаётган дўстига бир қараб қўйиб.

— Ҳамма гапни дарё бўйида гаплашамиз, — деди Жалололиддин, андак юмшаб, — Жайхуннинг мўйлабли мой балиғи Сайхунда йўқ. Унинг жойи фақат Жайхунда. Беш-ўнтасини тутиб, сувга боғлатиб қўйганмен. Бу тансиқ хўрак. Сизлар қўчқору жайронни кўп ейсизлар, мойли балиқни ҳам татиб кўриш керак. Қолган гапни эрта билан дарё бўйида, менинг боргоҳимда гаплашамиз...

— Ташаккур, муҳтарам шаҳзода.

Шаҳзода Жалололиддин ичкарига кириб кетди. Темур Малик, Шоҳмурод, Иброҳим Дўлдайлар ҳам қаср ичкарисидаги ўзларига ажратилган хоналар томон йўл олишди.

Кеч кирди. Улар, уч қадрдон, хона ичида бир муддат гаплашиб ўтиришгач, негадир ётиб ухлагулари келмади. Шу бугуноқ йўлга чиқишни мўлжаллашган эди. Аммо бу, Иброҳим Дўлдай фикрича, шаҳзоданинг саркардага нисбатан ғоятда яқин дўстлиги, қуруқдан-қуруқ жўнатиб юборишга кўнгли бўлмаганлигига йўйилди. Лекин Шоҳмурод Кўҳистоний, негадир бу гал шаҳзода ўзгариб қолгани, устози Шаҳобиддин Хивақийга нисбатан ҳам ёмон кўз билан қараётгани, Инолхондан ҳафсаласи пир бўлгани, машриқ қалъаларини яна мустаҳкамлаш ниятида Ахсикат беги Саид Музаффар — Оталиқни ҳам ўзгартириш ёки қариндошларидан бирини бек кўтариш нияти йўқ эмаслигини сезганини айтди. Умуман кўпгина беклар Гурганжга чақирилиб, ўрнига бошқа одамлар тайинламоғи кўзда тутилаётганини сарой аҳлидан эшитганини гапирди. Бу гапдан сўнг учовининг ҳам юракларига ғулгула тушиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Дарҳақиқат, шаҳзоданинг кайфияти бошқачароқ эди... У ниманидир сир тутар, илгарилари Темур Маликдан ҳеч нарсани яширмас, ҳатто отасининг сиёсатидан ҳам норози бўлиб, кўнглини Темур Маликка очган вақтлари бўлган. Бувисини ниҳоятда ёмон кўришини очиқ айтар, унга тоқати йўқлигини ҳатто «подишоҳ буви»нинг ўзи ҳам биларди. Бу гал шаҳзода юрагида нима сир борлиги, нега у хўжандликларни икки кунга олиб қолаётгани ҳайратга солди.

Лекин, бари бир, Темур Малик дўст сифатида Жалололиддинга ишонар, раққоса Нигинага бўлган майлини сезиб, бу қизга мутлақо кўз олайтирмагани ва ҳатто Ота — Муҳаммадга ёрдам бериб, раққосани шаҳзодалар таъқибидан асрашини, зарурат туғилганда менга хабар қилинг, деб тайинлаганини ҳам эслади. Жалололиддин майда фитналарга қулоқ солмаслиги, уларнинг дўстлиги мустаҳкамлигини кўнглидан ўтказди. Феълнинг негадир бошқачароқ кўрингани — Жайхун билан Сайхун балиқлардан холи бўлмаганидек, сарой фитналардан холи эмас, албатта. Қандайдир бир иш юрагини ғаш қилиб тургандир, деб ўйлади. Айниқса шаҳзода Узлоғшоҳ ва унинг атрофидаги кишиларнинг Жалололиддинга нисбатан ёмон хатти-ҳаракатлари қаттиқ хушёрлик талаб этарди. Бир куни у Темур Маликка сарой ичидаги душманлари хусусида сўзлаб, «бу ярамас фитначилар илонқуйруқ жонворга ўхшайди, думини эмас, ярмини узиб ташласанг ҳам, ярми юриб кетаберади» деб кулган: «Баъзи мансабдорларнинг қиладиган иши йўқ, зироат экмайди, қилич чопмайди... Аммо тили билан дилимизга ниш уради. Нонимизни туя қилади... Улар гарданига қилич солиб юборгим келади...» деган эди. Ушанда Темур Малик: «Азизим, уларда гардан ҳам йўқ, агар гардан бўлганда отга миниб, даштда югурардилар. Уларда фақат қорин бор...» деб Жалололиддинни қувватлаган эди. «Болари лабида асал, думида заҳар олиб учди — асал билан заҳар ёнма-ён. Умуман яхши билан ёмонлик ҳам доимо ёнма-ён. Саройда ҳозир фақат заҳарли қовоғарилар қолган. Боларилар бўлса кошки эди...» деган эди Жалололиддин.

Бу гаплар ҳозир Темур Малик ёдига тушди. У бир лаҳза хаёлот дарёсида оқиб, ўртадаги хонтахта устида ёниб турган шамга тикилди. Учиб келиб, шамнинг олов тиғига ўзини уриб, тахта устига жизгинак бўлиб тушаётган парвоналарга тикилди. Эҳтимол, биз ҳам Гурганжда оташ тиғга ўзимизни уриб ҳалок бўлармиз? «Аждаҳо қомига тортиб кетадими...» деган хаёл чулғади. Темур Маликнинг хаёлотга кетганини сезиб турган Шоҳмурод Кўҳистоний жимликни бузди.

— Саркарда! Шаҳзодага «бир қошиқ қонимиздан кечинг, зиёфатни, насиб этса, таҳликалар тугаб, музаффарият оқшомида еймиз...» деган нома қолдириб, тун салқинида йўлга чиқсак нима дейсиз?

— Асло! Бундай нома ёзиб кетиш уят! Азизим, сиз яхши фахмлаб олинганки, Жалололиддин менинг энг қадрдон кишим. У зотдан ажралмоқ бизларнинг дунёда энг бечора кимса бўлиб қолгонлигимиздир. Жалололиддин фақат баҳодир шаҳзода эмас, қалби олижанобликларга тўла инсон.

Иброҳим Дўлдай ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам бу гапдан сўнг жим бўлиб қолишди. Энди ётиб ухлайлик, ишорасини қилиб, Темур Малик ичкари хонага кириб кетди. Ўрта хонада Шоҳмурод билан Иброҳим қолиб, ҳоким ечиниб тўшакка ётгач, шамни пуфлаб ўчирди. Чарчаган хўжандликлар қотиб ухлаб қолишди.

Ярим тунда хона даричаси очилиб, юзига қора парда тутган аллақандай бир кимса даричадан ошиб тушиб, хонтахта устидаги шамни ёқди. Чўчиб уйғонган Иброҳим Дўлдай тўшаги ёнида ерда ётган қиличини шартта ғилофидан суғурди.

— Кимсен!?

— Қилични ерга қўй! Мен қуролсиз келганмен, мана, қўлимда ҳеч нарса йўқ. Темур Малик ҳазратларини уйғотинг, бир сўз айтамен ва бундан тезда кетамен. Мен асли хўжандликмен, сизларнинг бу ердаги дўстларингизмен. Бир ишдан огоҳ этгали келдим...

Уйғониб кетиб, бу гапни эшитиб турган Темур Малик ханжарга қўл узатиб, не гап айтмоқчисен, деб ўрнидан тураётган эди, юзига қора тутган сирли одам саркарданинг бу хонага чиқмаслигини ва юзидаги пардани олиб ташламасликларини сўради. Иброҳимдан юқорироқда ётган Шоҳмурод ҳам ханжарига қўл узатди. Аммо сирли одам буни ҳам пайқаб, ўзига таҳдид қилмасликни, жим туриб, гапини тинглаш-ликларини илтимос қилди.

— Гапир! — деди Темур Малик тўшакда ўтириб.

— Мен сизларнинг дўстингизмен. Хўжандликмен... Сизларга маълум бўлғайким, шаҳзода Жалололиддин эртага Жайхун буйида (ўз кишиларига тайинлаган) сизларни заҳарлаб ўлдиради. Хўжанд қалъасига бошқа кимсалар белгиланган. Гўё «мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш» ниятида Утрор ва Хўжанд ҳокимлари ўзгартирилади. Сизлар ё заҳарланиб, ё дарёга чўкиб ҳалок бўласизлар... Мен бир ватандошларингиз сифатида бу сирли фожиадан воқиф этишни бурчим, деб билдим. Мен саройда, Низом ал Мулкнинг юқори мансабдор кишилариданмен. Юзимни беркитиб, қурол-яроғсиз келганимнинг сабаби бор. Менинг юзимни кўришнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Жонингизни омон сақламоқларинг менинг ҳам муддаом, насиб этса Хўжандда юз кўришурмиз. Вассалом! Эрта тонгда Жайхун бўйига борманглар! Хайр!

Юзига парда тутган одам бу гапни айтди-ю, яна лип этиб, даричадан ташқарига чиқди. Қоронғуликда кўздан ғойиб бўлди. Уч биродарнинг тамоман уйқулари қочиб, шам атрофига тўпланишди.

— Саркарда! Мен айтган гап тўғри чиқди, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, кўзлари бургут кўзидек шам нурида ярқираб, — бу кутилмаган «зиёфат» да бир гап борлиги кўнглимдан ўтган эди... Мана оқибат! Султонга ҳам, шаҳзодаларга ҳам ишониб бўлмайди! Улар Чингиз ҳужумини билиб, машриқ қалъаларини бизга ишонмаётирлар. Инлохон панд бериб қўйди. Шаҳзода Жалололиддин ҳам султоннинг бош

фарзандлари, биздан кўра ҳам у зот учун ота азиз. Бу очиқ мантиқ, саркарда! Кўнглим сезаётган эди бир фожиани. Юринг, ярим тунда жўнаймиз! Менга ишонинг, азиз саркарда! Фитнаю ифвогарлик султон саройида одатий юмушдек бир оддий нарсага айланиб қолган.

Кийиниб, шай бўлиб олган Иброҳим Дўлдай миқ этмай ўтирарди. У Шоҳмурод Кўҳистоний фикрига мойилроқ эди-ю, диққати Темур Малик оғзида. Темур Малик бўлса хаёлот денгизидан жим сузарди. Кўнглини зиддиятли ўйлар қамраб олган. Жалололиддин кўз олдидан сира нари кетмасди: «Наҳотки дўстидан ажралган бўлса? Наҳотки Жалололиддиндек бир баҳодир саркарда бундай пасткашликни ихтиёр этган? Наҳотки уларнинг кунлари битган-у, бир ёввойи жонзодни бўғиб ўлдиргандек ўлдириб юборсалар? Ҳа, — деди саркарда ўзига ўзи, — Гурганж жаллодларининг доимо беш панжаси қон. Жаллод Аёз қанчалар номдор кишиларни у дунёга жўнатган...

— Азизларим! — деди бир вақт, уйқудан уйғонгандек бошини кўтариб. — Ётиб ухлайлик! Ҳар хил хаёлларга бориб ўтириш бефойда. Тонг отсин. Тонг офтоби лойқа хаёлларни қувади, киши тафаккурини ёритади. Шу сабабдан мен сиз азизларимга ётиб, хотиржам бўлиб ухлашни тавсия этамен. Қора ридо ёпинган кимса бизнинг дўстимиз эмас, кўнглим чопмайди. Қани, ухланглар! Эрталаб гаплашамиз.

Темур Малик ичкари хонага кириб, бошқатдан ечиниб, кўрпа орасига кирди. Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай тўшакларига чўзилгандай бўлдилару шамширлар ғилофидан суғурилган, мабодо эшик ёки даричадан бирон кимса кирса, суриштириб ўтирмай, шартта чопишга тайёр эдилар. Улар иккови саркарданинг кўзига бўла гўё хириллаб ухладилар. Аслида тонггача мижжана қоқмадилар. Темур Маликнинг ўзи ҳам ухламай ётди. Лекин тонг отиб, офтоб ёйилганда, пинакка кетди. Шоҳмурод билан Иброҳим юз-қўлларини ювиб, либосларини кийиб, тайёр бўлдилару ухлаб ётган саркардани уйғотишга кўзлари қиймади. Чойга таклиф этиб кирган хизматкор Темур Маликни уйғотиб юборди. Шоҳмурод «нима қиламиз» ишораси билан Темур Маликка қаради.

— Борамиз, азизлар! Биз номард кўрқоқлар эмасмиз. Агар шаҳзода Жалололиддинга бизнинг ўлимимиз керак бўлган бўлса, майли, ўлдирсин. Унда у Жалололиддин эмас, жаллод! Аммо мен бундай бўлишига ишонмаймен. Агар биз қурбон бўлсак, она юртимиз мудофаасида ҳалок бўламиз. Чунки биз мамлакат ҳимояси борасида маслаҳатлашмоқ учун қум кечиб келдик...

Шоҳмурод Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай саркардага хомуш боқиб, жим бўлиб қолишди. Сарой хизматкори нариги хонада нонушта тайёрлаб, муштоқ турганини кўриб, олдинма-кетин ташқари хонага чиқишди. Нонуштадан сўнг отларига миниб, Жайхун бўйига шаҳзода боргоҳига йўл олишди. Бир тошдан мўлроқ масофани босиб, узоқда кўринган боғга — шаҳзоданинг дарё бўйи оромгоҳига кўзлари тушди. Саркарда пинагини бузмагани билан Кўҳистоний билан Иброҳим оёқлари тортмай, ҳар лаҳзада бир фалокатни кутиб, боғга етиб келишди. Дарвозада қуролли сарбозлар уларга пешвоз чиқишди. Отдан тушириб, айвон сари бошлашди. Баланд ва баҳаво шоҳона айвон зинапояларидан битта-битта қадам ташлаб пастга тушган шаҳзода Жалололиддин уларни кутиб олиб, айвонга таклиф этди. Атрофда шаҳзоданинг йигирмадан ортиқроқ сарбозлари шай юрар, гўё хизмат қилаётгандай серҳаракат эдилар. Шаҳзода негадир бугун Темур Малик билан расмийроқ омонлашди. Бу «андаккина совуқлик» Темур Малик юрагини шиғиллатиб, юзига қора парда тутган сирли кимса сўзларини тасдиқлаётгандай бўлди. Аммо у ичдаги шубҳаю қарама-қарши хаёлларни шаҳзодага сездирмади. Шаҳзода таомлардан тановул этишга таклиф этди. Узи юқорида ўтириб, ёнидан Темур Маликка жой кўрсатган эди. Султон ва шаҳзодалар ҳеч кимга бундай илтифот қилмас, бу сарой одати бўйича тўғри эмас эди. Темур Маликни, бир поғона пастроқ ўтираман, деб чўккан еридан турғазиб, ўз қаторига

олди. «Ўлдириши лозим кимса шундай сохта эъзозланиши»ни ҳам эшитган эди. Темур Малик мийиғида кулди. Нозу неъматлардан тановул эта бошлашди. Ҳаммадан ҳам ёш Иброҳим Дўлдаининг юраги така-пука эди. У атрофида юрган қуроли сарбозларга тез-тез қараб қўярди. Унинг ёввойи қушдек, ҳозир учиб кетишга шай турганини сезган Жалолиддин унга кўз ташлаб қўярди. Шу лаҳза хизмат қилиб юрган йигитлардан бири олтин патнисда мусаллас тўлдирилган икки пиёла олиб келиб, аввал шаҳзодага сунди. Шаҳзода Жалолиддин патнисдаги оқ пиёлани олди, кўк пиёлани хизматкор Темур Маликка сунди. У ҳам олди. Нега бу пиёлаларнинг бири оқ, бири кўк экани ўйлатиб қўйди. Буни сезиб турган Иброҳим Дўлдай ҳозироқ ўрнидан туриб, саркарда қўлидан пиёлани олмоққа ҳозир эди. Лекин шаҳзода ёнида бундай ишлар қилмоқ асло мумкин эмаслигини пайқаб, нима бўларкин деб индамай тураберди. Дастурхон атрофида ўтирган бошқа меҳмонлар ёнига кичик хумчалар ва пиёлалар қўйилган эди. Боғ четидан кабоб иси анқир, қаердадир Жайхуннинг мўйлабли мой балиғи қовуриларди. Одатда май хумчалардан қуйилади, нима сабабдан икки пиёлага май ичкарида қуйилиб, олиб чиқилди? Нима сабабдан пиёлалар ранги икки хил? Бу Темур Маликни ўйлатиб қўйди. Фожиа ҳозироқ бошланишини кутиб турган Шоҳмурод Кўҳистоний саркарда пиёлани қўлдан тушириб, тўкиб юборишини кутди.

— Қани, майдан сипқоринглар!— деди шаҳзода, пиёладаги мусалласни охиригача симириб, кейин нам бўлган мўйлабини артди. Темур Малик ҳам қўлидаги, кўк пиёладаги майни охиригача симириб, шаҳзода Жалолиддинга ўхшаб мўйлабидаги намни артди. Жалолиддин ёнида ўтирган Темур Маликка қараб кулди:

— Мусаллас қалай?

— Яхши. Жуда яхши!

— Ажамдан келтирилган! Хўжанд мусалласларига ўхшайдими?

— Ҳа. Аммо бу мусаллас билан пиёлаларни ювиб, кейин Хўжанд мусалласини қуйиб ичса хўб бўлур.

Бирдан Жалолиддин кулиб юборди.

— Офарин! Мен ҳам сиз саркардадан шундоқ гапни кутган эдим.

Бу гапларни эшитган Шоҳмурод Кўҳистонийга оз-моз жон кирди.

— Соқий! Бунда кел! — деди Жалолиддин айвондан пастда турган йигитлардан бирига.— Хўжанддан, Ахсикатдан келган хумчаларни олиб кел! Улар зўр мусаллас. Сардор кам ичадурлар, (у Шоҳмурод Кўҳистонийга кулиб боқди) у зот олдиларига бир ҳовуч қантак туршак ташлаб қўйинглар.

— Хо-хо-хо-хоо!

Кулгидан ўзини тиёлмаган Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан туриб, шаҳзодага бош эгиб, таъзим қилди.

Базм анча вақтгача давом этди. Ҳеч ким заҳарланмади, ҳеч қандай фожиа юз бермади. Эрталаб йўлга чиқиш кераклигини хаёлидан ўтказган Иброҳим Дўлдай, боши қотиб, нима бўлаётганига туншунмасди.

Зиёфат тарқади. Шаҳзода Темур Маликни боғ дарбозасигача кузатиб келиб, дўсти билан кучоқлашиб хайрлашди. Эртага ўзи йўлга чиқаришини, Хўжанд қўшинини яна икки минг отликқа кўпайтириш, хазинадан бунга етарли ақча берилишини маълум қилди. Хозараспгача бирга боражаги, ундан дарёга, кемага туширишини ҳам маълум этди. Бу гапларни у дўстини одамлардан четга олиб чиқиб гапирарди. Султон ҳам, бу ердаги арбоблар ҳам машриқдаги қалъаларни мустақкамлаш ҳақида ўйлаётгани, улар саркардага тамоман ишониларини маълум қилди. Кейин бугун тунда юзига қора парда тутиб кирган кимса унинг одами экани, бу иш учун маъзур тутишликни Темур Маликдан илтимос қилиб сўради.

Темур Малик ўйланиб қолди, хафа бўлишини ҳам, кулишини ҳам билмасди.

— Ичингиздан мени койиётганингизни биламен. Начора! Баъзан

мамлакат манфаати бундай ишларни қилишни тақозо этади,— деди Жалолиддин жиддий бир тусда.

Темур Малик Иброҳим Дўлдайдан устод Ота — Муҳаммадга йўлиқишини сўради. Нигинага нома ёзди: «Шошилиб келдим, шошилиб кетаётирмен, бебаҳо малагим! Юрт қисмати қалбларимизга беҳаловатлик солди... Афв этинг». У севикли Нигинага Иброҳимдан шундай бир қисқа нома киритиб, икки дона гавҳар ўрнатилган тилла билагузук тухфа қилди.

Хозарасда Жайхундан чиқишгач, Қизилқум орқали Томди-булоқ таги билан, йўлни қисқа қилиш ниятида Қулжуқ тоғи этаги, Шўркўл, ундан Нур ва Зарнук қалъа шаҳарларида тўхтаб, сардоба томон юришди. Ун беш кун деганда Хўжандга доҳил бўлишди.

Йўл азобидан кўра ҳам аниқ бўлиб қолган беомон муҳораба хусусида сўзлашишарди. Вазиятнинг ниҳоятда жиддийлиги, аммо баъзи қалбаларнинг мўғул ҳужумидан беҳабарлиги, фақат Жалолиддинни эмас, Хўжанд сардорларининг барчасини ҳам ташвишлан-тирмай иложи йўқ эди.

Йигирма учинчи боб

Ўтрорда оналарни ваҳшиёна ўлдириш хабари Хўжандга етиб келди...

«Мен ўзга халқларга бахтсизлик ва жабру зулм келтирадиган баҳодирликни рад этаман!»

Махатма Ганди

Гарданига гурзи тушиб, қулаган Қангли Арслон тун бўйи беҳуш ётиб, азонга яқин кўзини очди. Афтидан, муғуллар уни отдан қулагандан кейин ҳам бир неча бор сўйил билан уриб, кўксига қилич суқишган. Чопон ичидаги совут тигни кўксига ўтказмаган, лекин анча заҳа қилган эди. Елкасига тушган гурзи суягини эзиб, чап қўли, чап ёнбоши жонсизга ўхшаб қолганди...

Ҳаммаёқда ўликлар, чалажонларнинг инграши.

Қангли Арслон бошини кўтарди. Узоқ-узоқларда Ўтрорнинг тутуни осмонга ўрлаётганини кўрди. Бундай ҳолни кўргандан кўра ўлиб кетганим маъқул эди, дегандай яна ерга бошини қўйди. Шу аҳволда яна бир муддат ётди. Кўз олдига Темур Малик келди. Енгишнинг енгилиши ҳам бўлади. Аммо ҳеч қачон жангчи руҳан енгилмаслиги даркор. Бизни тўрт бўлакка чопиб ташлаганларида ҳам, бир бўлагимизда жон бор экан, шунисига шукр қилиб, тирик бўлагимиз билан душманга ҳамла қилмоғимиз лозим, дерди. Саркарданинг бу гапи қаттиқ оғриқ алангасида ётган Қангли Арслонга бир оз далда бергандек бўлди. У атрофга тикилди. Бош кўтарган одам йўқ — чексиз даштда жасадлар, каллалар, отлар, аслаҳалар... тўкилиб, тўпланиб ётарди. Ҳар ер, ҳар ерда ётган навкарларга кўзи тушган Қангли Арслон Ўтрор лашкари ёмон жанг қилмаганига, ҳар бир навкар то ҳушдан кетгунча найза уриб, қилич билан чопишганига қаноат ҳосил қилди. Қорни шишиб, ўлиб ётган, баъзан хаккочовланиб юрган отларга кўзи тушиб, энди улардан биронтаси ёнимга яқин келармикин, деб илҳақ бўлди. Етган ерида ўзининг тўриқ отини ҳам излади. Унг ёни билан отлар томон сурилди. Ерга санчилган қилични тортиб олиб дастасидаги чармни тишлаб, ўзидан юз қадамча нарида турган от томон сурила бошлади. У кўзлаб бораётган от ҳуркиб қочмади, негадир у ҳозирок ўз эгаси минишини истаб тургандай бўларди. У сурила-

сурила жонивор ёнига бориб, отнинг олдинги оёқларини маҳкам ушлади. Ўтрорлик тўриқ жароҳатланган жангчига гўё ёрдам бермоқчидек қилт этмай турарди. Машқ кўрган от эканини сезди. Ҳатто унинг тагидан ўтганида ҳам безовта бўлиб, ҳуркмади. У от оёқларига осилиб, не машаққат билан ўрнидан турди. Қалъа деворидек мустаҳкам турган от эгарига ёпишиб, жон-жаҳди билан тирмашиб, унинг устига чиқиб олди. Узангига оёқ қўймай, Жилға томонга йўл олди. Бунда у озгина дам олиб, жароҳатларини боғлаб, шитоб билан Хўжандга жўнамоқчи, мўғулларнинг Сигноқ ва Жанд томонга юришини тезда хабар қилмоқчи эди. Сайхун ёқаси, Жилгадан унча узоқ бўлмаган Хўжатўрғай қамишзорларига етиб келгач, отдан тушди. Бунда ёнаётган Ўтрордан қочиб келган яна бир кимсага дуч келди. У отдан Қанғли Арслонни авайлаб тушириб сув ичириб, жароҳатини боғлади. Икковлон Чордара томон юриб, ундан Хўжандга интилишди. Ўтрорнинг тор-мор бўлганини, Инолхоннинг ўлдирилганини Темур Маликка хабар қилмоқ даркор эди. Душман жангда кўпроқ ўқ-ёй ишлатишини ҳам сезиб олган эди. Мўғуллар шаҳардаги барча аёлларни ҳайдаб келиб, яланғочлаб, қилич билан чопиб ўлдираётганликлари хабарини шеригидан эшитган Қанғли Арслон ҳушидан кетиб, йиқилди, кейин ҳушига келиб, ўрнидан туриб ўтирди. Мен қайси юз билан саркарда ёнига борамен! Хотинларимизни, оналаримизни душман қиличи остига ташлаб, дунёда қандай бош кўтариб юрамен, деган андишага бориб, Хўжандга юриш ниятидан қайтди.

Лекин улар, бари бир Хўжанд томон йўл олишди...

Онани ўлдирмоқ — келажакни йўқотмоқ демак. Ёғийлар бу ерларнинг аҳолисини, маданиятини футурдан кетказиш мақсадида ўз ишини билиб қиларди. Уларнинг бу заминда яратилган «Ал жабр ва ал муқобала» билан на ишлари бор, улар эт емак, ишрат қилмоқ ва олтинларни таламоқ учун келганлар. Бу дунёдаги ҳамма тажовузкор босқинчиларга хос хусусият. Ўтрорни уч ой қамалдан сўнг босиб олган мўғуллар мадрасаю кўприклар, кутубхонаю ҳаммомларни бузиб, вайрон этишди. Маърифат ўчоқлари уларнинг ғазабини қўзғатарди. Маърифатдан узоқ кишилар бошқаларнинг ҳам ўзларидек бўлишини истайдилар, ғиштин иморат солиш нега керак? От ва чорва, кўчманчилик, бу — ҳамма учун ҳам яхши, деб ҳисоблайдилар.

«Булар нима ейди?» деб сўрабди Чингизхон Ўтрорни ўраб олган кунлари бир асирдан. «Булар ердан ўсиб чиққан гиёҳу меваларни...» дебди у. Чингизхон ўйлаб туриб: «Мол ердан ўсиб чиққан ўтни ейди, ўт ейдиган молни биз еймиз. Булар ўт еса, мол экан! Буларни молдек сўйиб ташлайберинглар», дебди у одамларига.

Уч ойга чўзилган оғир, конли жангдан сўнг Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Сайхун бўйидаги энг катта шаҳарларидан бири Ўтрор енгилди. Шовқин-суронлар мўрмалахдай ёпирилиб шаҳар кўчаларига кирган тўда-тўда мўғул суворийлари рўпара келган болани ҳам, кексани ҳам чопиб ерга қулатар, ҳовлиларга кириб, ёш жувонлар кўринса, уларни булғар эдилар. Ўтрор енгилган куниёқ Чингиз фармони билан шаҳарга ўт қўйилиб, кули кўкка совурилди. Олов ва тутун осмонга ўрлади. Қий-чув, қаердадир аёллар, болалар бақирини эшитилар, аммо шу лаҳза бирдан бақиринг тўхтар эди. Бу қилич тушиб, калласи узилгани ёки чопиб ташланганидан далолат эди. Мўғуллар бир зарб билан мағлубнинг калласини ерга узиб туширишга гаров ўйнашарди. Ерда беҳол ўтирган кимсаларнинг ҳам бошини қилич билан шартта узиб кетиш мўғул сарбозлари ичида бир «жасорат ўйини»га айланган эди.

Ўлган шаҳар ёнарди. Шаҳарда тутуни осмонга ўрламаган биронта хонадон йўқ эди.

Бир ҳафта мобайнида туну кун қий-чув, дод-фарёд овозлари эшитилиб турди. Эрта билан мўйлаби сабз урган йигитлар, ишга яроқли кишиларни найза ушлаган мўғуллар ўраб, қаёққадир олиб

кетди. Қилич яланғочлаган мўғуллар хонадонлардан хотин-қизларни судраб олиб чиқиб, шаҳарнинг кунчиқар томонидаги бозор майдонига тўплади. Туртиб, судраб келинган юз чоғли аёл қуролли ёвнинг совуқ, даҳшатли башараси олдида эс-ҳушини йўқотиб қўйган эди. Қилич яланғочлаганлар орқасида доира ясаб отлиқлар ҳам турарди. Ожиз аёллар бир-бирларига ғужанак бўлиб, ёпишиб олишган. Бир муддатдан сўнг «Устингдаги кийимларингни еч!» деган хитоб килинди. Шундан сўнг бояги мўғул бир хотинни тортиб, устидаги либосини йиртиб, яланғоч қилди. Хотин панжалари билан кўксини бекитди. Мўғул уни ерга қулатиб, қип-яланғоч қилди. Бошқа хотинларга ҳам шундай яланғоч бўлишни буюрди. Хотинлар ғужанак бўлиб тураберишди. Мўғул иккинчи хотинни ҳам тортиб, кийимларини ечиб олиб, отди. Хотин қип-яланғоч бўлгач, бошқаларнинг ечинишини кутиб ўтирмай, қиличи билан иккала яланғоч хотинни чопиб ташлади. Ечинсам ўлдирмайди, деб ўйлаган бир хотин мўғулга ялиниб, мен ўзим ечинаман, деб дарҳол қип-яланғоч бўлган эди, мўғул уни ҳам чопиб ташлади. Хотинлар ўзларининг бу ерга ўлдирилгани олиб келинганини пайқаб, сарбаст бир жувон кўзлари ёниб, ўлим олдидан қоплондек мўғулга сапчиди. Қилич ушлаган жаллоднинг томоғига ёпишди. Яна бир аёл жон аччиғида мушукдек сапчиб, бошқа мўғулнинг томоғига ёпишди. Унинг қўлидаги ўткир тиғни тортиб олиб, мўғулнинг томоғига тикди. Шу лаҳза, у аёлнинг орқасига найза санчилди. Аёл жонҳолатда тиғни мўғул томоғига ишқаган эди, ҳўкиз сўйилгандек, мўғул бўйнидан тирқираб қон оқиб кетди. Томоғи қирқилган душман анча вақтгача ерда питирлаб, хириллаб ётди. Шу лаҳза доира ясаб, Утрорлик оналарни ўраб турган отлиқлар тулки тумоқли нўённинг имоси билан қиличларини суғуриб ғуж аёлларни чопа кетишди. Бу аёлларнинг баҳодир эрлари шаҳар четида, кенг далада ер тишлаб ётарди. Фарзандларини қаёққадир ҳайдаб олиб кетишган. Ўзлари ваҳшиёна қатл этилди.

Сардор Қанғли Арслон бу фожиани Темур Маликка, қалъада ҳозир бўлган ҳамма мансабдор кишиларга етказди. Шоҳмурод Кўхистоний, Хўжа Идрис, Шерюррак Шоший, сардор Олабуқа, Муҳаммад Интизом, Ҳусайин Гов, Иброҳим Дўлдай ва бошқалар бу хабарни эшитиб, бошлари қуйи эгилди, қаттиқ қайғурдилар. Инолхонга Темур. Маликнинг огоҳлантириш номасини топшириш, мўғул тажовузи бошланиши кундан-кунга кучайиб бораётганини айтмоқчи бўлиб Утрорга борган сардор Қанғли Арслон уруш ҳаракатларининг устидан чиқиб қолган эди.

Темур Малик топшириғи билан Гурганжга яна чопар кетди.

Йигирма тўртинчи боб

Машварат, яъни Хоразмшоҳ саройида яна фавқулодда ҳарбий кенгаш...

Утрорни ер билан яксон қилиб, Мовароуннаҳр тупроғига бостириб кирган мўғулларга қарши Темур Малик дарёдан ўтиб, Чорикдаррон даштига лашкар тортиб чиқди. У душман йўлини тўсаётганида, Гурганжда бўлаётган фавқулодда мажлислар хабари чопар орқали етиб келди.

Мовароуннаҳрда юриш бошлаган Чингизхон Утрорга яқинлашмасданок Дашти Қипчоқ ерида ўз лашкарини иккига бўлиб, бир қисмини ёш невараси Ботухон бошчилигида келгусида шимолга, рус князликларига қарши юришга тайёргарлик кўриш мақсадида Олтойда қолдирган эди. Унинг ўзи Самарқанд, Бухоро, Гурганжни... ундан кейин Хуросон

шаҳарларини босиб олишни кўзлаб, йўлини андак буриб, Утрор қалъа шаҳрига солган эди. Мовароуннаҳр тупроғига ўтишда у Хўжанд, ундан то Ушу Узгангача боришни «синалган» цергийн¹лари Сўқтунўён билан Улоқнўёнларга топширди. Уларнинг каттаси ўттиз беш ёшда, лақаби «хулгана»² эди. Юмалоқлиги, тишларининг ўткирлиги, питирлаб тез юриши сабабли шу лақабни олган бўлса керак. Иккинчиси ўттиз уч ёшда бўлиб, лақаби — «чоно»³. «Удирдагч»⁴ бу нўёнга Удэгэй, Чиғатою Ботухондек эътимад қўйган. Жуда кўп жанглarda бу икки нўён «ўзини кўрсатган»и хусусида тарихчи Рашидиддин хабар беради.

Утрор олингач, Чингиз тўғри Хўжандга юрмай, чўл орқали аввал Барчинликентни босиб олди. Ундан сўнг Зарнук ва Нур орқали Бухорога юриш бошлади.

Душманнинг шиддат билан келаётгани пойтахтни, айниқса саройни ларзага солди.

Султон яна фавқулodда машварат чақирди. Асосан вазири аъзам Низом ал Мулк, Гурганж, Қиёт ва Хозарасп қалъа ҳокимлари, бир қанча саркардалар узоқ-яқиндан от чоптириб келиб, қўрғон девори остида, баланд дарбозаларида найза ушлаган аламли ясовуллар сафи орасидан ўтиб, султон саройига кириб кетишди. Типпа-таппа отдан тушишлари биланоқ қилич осган навкарлар отларнинг жиловидан ушлаб, отхона томон олиб кетишарди.

Қиш. Ҳазор кенгликларидан тинмай учиб келаётган совуқ шамол киши баданини жунжиктирар, Гурганждаги қасрлару баланд деворларга урилиб изғирин касб этарди. Аллақандай бир ноаниқлик, бир шошилинчлик ҳарбийлар кўзида зоҳир эди: мағрибдан то машриққача ҳукми олий юргизадиган Муҳаммад Хоразмшоҳ рўпарасида ўтириш кўплар юрагига ҳам фахр, ҳам қўрқув соларди. Султон ўз отаси Аълоиддин Муҳаммад Такиш каби жуссаси кичик аммо чуқур кўзлари доимо ялтираб турарди. Унинг газабини ҳам, хурсандлигини ҳам пайқаб бўлмасди. Девқомат саркардалар олдида у кичик болага ўхшарди, аммо ўша девқомат саркардалар ундан ғоятда ҳайиқарди. Жаҳон Паҳлавон исмли хивалик бир сипоҳи доимо шоҳ орқасида турарди. Бу одамга чексиз ҳуқуқ берилиб, у шоҳ фидойиларига соҳиблик қилар, машваратларда султонни қўриқлаб, чеккада юрарди. Сал-пал қалтис ҳаракат Аёз ва Жаҳон паҳлавон учун кифоя бўлиб, шу лаҳзадаёқ шубҳали кимсанинг, ким бўлишидан қатъи назар, жонини олиб қўя қоларди. Икки йил бурун катта базмда ўтириб, негадир ханжарини суғуриб ялтиратган бир мансабдорни Жаҳон Паҳлавон бир зарб билан ўлдириб, жасадини ташқарига олиб чиқиб ташлаган. Хоразмшоҳнинг ёниб турган кўзларига ботиниб қараб бўлмасди. У тантаналарда олтин тахтига чиқиб, бошига олтин тож кияр, лекин базмда ўзига қулай бўлсин учун суп тароқ кийинар, аммо бундай фавқулodда ҳарбий машваратда қўнғир чопон, тайёр ўралган қўнғир саллани бошига қўйиб, манглайи тепасида ўрик данаги катталигидаги олмос ўрнатилган жиғани қадаб қўярди. Бу олмос Ҳиндистондан келтирилган, номи «Тонг юлдузи». Шоҳ бошидаги бу кичик жиға тошдан ҳам қимматли эканини сарой аъёнлари яхши биларди.

У қаддини бир қадар баланд кўрсатиш мақсадида баланд пошнали этик кияр, ичкарида юмшоқ кавуш, эғнида енгил оқ либос бўларди. Онаси Туркон хотуннинг дағдағалари бир қадар иродасини сўндирган. Бу Аълоддин Муҳаммадни тахтга чиқариш учун Туркон хотун не не ишлар қилмади, қанча мансабдорларнинг боши кетмади. Отадан кейин қирқ олти ёшида тахтга чиққан Аълоиддин Муҳаммад йигирма йилдан буён ҳукмдорлик қиларди. Шоҳнинг тўрт маликаси бўлиб, бош

¹ Цергийн — ҳарбий бошлиқ.

² Хулгана — сичқон

³ Чоно — қашқир

⁴ Удирдагч — йўлбошчи дегани, Чингиз шундай аталарди.

фарзанди Жалолиддин, ундан сўнг Қутбиддин Узлоғшоҳ, қизи Хон Султон, яна бири — Ғиёсиддин Пиршоҳ, яна Оқшоҳ, Рукниддин Гулсанжти, Кюмоҳишоҳ, Хуршоҳлар дунёга келди. Туркон хотун валиаҳдликка қариндоши Гулчечак хотундан бўлган Қутбиддин Узлоғшоҳни белгилаган. Жалолиддиннинг онаси бошқа уруғдан бўлгани сабабли унинг валиаҳд бўлишига Туркон хотун жон-жаҳди билан қарши эди. Негадир буви бу неварасини ёқтирмасди. Жалолиддиннинг ўз сўзли, шижоатли, укалари орасида эътиборли экани бувиға мутлақо ёқмасди.

Султон кейинги йиллар савқи табиий дардига мубтало бўлганини мутлақо сезмасди. У, душманларим кўпайиб кетган, деб саройдагиларнинг ҳаммасидан бад олар, шу боисдан саройда бир-бирларининг пайини қирқиш, жосуслик кучайиб кетган эди. Ўзи сезмас, аммо бу дард кундан кунга кучайиб борарди. Айниқса тунда у асабийлашиб, ҳамма нарсадан бад оларди.

Мана Султон саройнинг етмиш устунли катта машварат хонасига кириб келди. Бунда тўпланиб турган вазирлар, мансабдору саркардалар ўринларидан туриб, бош эгиб, ўнг қўлларини кўксиларига қўйишди. У бошини тик кўтариб, икки томондаги улуғ мансабдорларга билинар-билинемас бош ирғаб, тўппа-тўғри тахтга бориб ўтирди. Ҳамма ўз ўрнига чўккач, вазири Низом ал Мулк шоҳга яна бир карра таъзим қилиб, муурожаат этди. У бу гал шоҳ шаънига узундан узоқ ҳамду сано ўқиб ўтирмай, гапни лўнда қилишга тиришди. Низом ал Мулк барваста, серсоқол, қошлари қуюқ одам эди. Унинг овози ҳам залворли, қарашлари ўткир. У ўн беш йилдан буён улуғ мамлакат тепасида туриб, султоннинг бениҳоя ишончини қозонган. Хуросонда жуда катта мулкка эга эди.

— Олампаҳоқ, икки ҳафтадан ошдики, ғаддор Чингизхон беадад лашкар тортиб мамлакатимиз сарҳадидан ўтди. У номи қаро Ўтзор қалъасига босқин ясаб, кўп ёмон ишлар қилгон. Душманнинг йўлини тўсиб, уни мамлакатимиз тупроғидан ҳайдаб чиқармоқлик мамлакатимизнинг барча фуқаролари, айни вақтда ҳар бир сарбозу саркарда зиммасидаги бурчдир. — У машварат аҳлига қараб, давом этди: — Мамлакат ёғий мўғул аёғи остида топталмаслиги учун жонни бағишламоқ пайти етди! Улуғ ҳазрат ўз қўшинларига мудофаага ўтиш, ҳамма шаҳару қалъаларда пухта тайёргарлик кўриб, душман яқинлашгач, қаттиқ зарба беришни маслаҳат кўрмоқдалар. Агар саркардаларда бошқа бир фикр бўлса, уни эшитиш ниятлари бор.

Ўртага сукут тушди. Вазир тик турганича саркардаларга бир-бир кўз ташлади. Ҳамма сукутда. Султоннинг ҳужумга қарши ҳужум қилмоқ ниятида эмаслигига, мудофаада бўлиши ва бунинг устига, шарқдаги ҳар бир қалъа ўзича душман йўлини тўсиши ҳақидаги режаси шаҳзодаларга, баъзан саркардаларга ҳам бундан уч кун аввал маълум бўлган эди. Бу режа кўпларни ўйлантириб қўйганди. Биринчи бўлиб шаҳзода Жалолиддин билан Узлоғшоҳга бу режа ёқмаганди. Хозарасп ҳокими ва яна бир неча саркардалар Гурганжнинг мўътабар зотлари Шаҳобиддин Хивақийга, фикримизни улуғ султонга баён қилинг, дегандек кўзларини қадаб, имо қилишди. Шаҳобиддин Хивақий — Қиёт ҳокими — олтмиш ёшларга борган, донишманд ва жасур одам эди. У Жалолиддин, Узлоғшоҳ ва Темур Маликнинг ҳарбий муаллими ҳам эди. У кўп муҳорабаларда саркардалик қилиб, катта тажриба орттирганди. У баъзан ўрндан туриб, кўзини юмиб, баъзи мансабдорларнинг нуқсонларини дадил айтиб юборарди. Шаҳобиддин Хивақийдан Жаҳон паҳлавон ҳам ҳайиқар, чунки султон бошлиқ кўп саркардалар уни ҳимоя қилишларини биларди у.

— Ҳазрати олийлари! Салтанатга бениҳоя садоқатим ҳаққи, мен бу ердаги бир неча муҳтарам зотлар фикрини баён этадурмен.. Улуғ султон, барча лашкарни бир ерга жамлаб, бениҳоя катта куч бўлиб, ҳамда қулай майдонни аниқлаб, Чингизга бир йўла қаттиқ зарба бериш лозим, деб ҳисоблаймен. Самарқанд ёнидаги Катвон дашти

қулай. Қўшинни майда бўлақларда сақлаб, душман яқинлашиши билан мудофаага ўтиш — мағлубият келтиради.

Бу сўзни эшитган султон бўйнини чўзиб, Шаҳобиддин Хивақийга қаради.

— Биз лашкарни бир ерга жамлагунча, душман Сайхун бўйидаги қалъаларни олиб қўймаймими?

— Олади. Аммо катта қўшин кўп ўтмай душман билан тўқнашиб, уни тор-мор этади. Мен асосий кучни Самарқанд ёнидаги Катвон даштида тўплашни маслаҳат кўрамен. Янгикенту Сигноқни балодан асрасин, агарда у қалъалар ҳам қўлдан кетса, Чингиз тўғри Бухоро ва Самарқанд устига, ундан пойтахт томонга йўл олади. Қизилқум йўли битта, у Нур ва Зарнук қалъалари орқали юради, бошқа йўл йўқ. Улуғ султон, шу сабабли мен қўшиннинг асосий қисмини бир ерга тўплашни лозим, деб топамен.

Султон ҳам, Низом ал Мулк ҳам, Туркон хотун ҳам ўйланиб қолишди. Шаҳзодалар: Пиршоҳ, Рукниддин, Гурсанжти, Узлоғшоҳлар оталари режасини маъқуллашди. «Қўшинни тезда тўплаб бўлмайди», деган Туркон хотун фикридан четга чиқиша олмади. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг, султон вазири аъзамга қаради, Низом ал Мулк султонга яқин бориб, қулоғини тутди.

— Фикрларни муншийлар ёзмоғи даркор!

— Улуғ султон, муншийлар шай, даҳлизда... Ҳамма фикрларни қоғозга битишаётир...

— Абдулқодир мунший кўринмайди?

— У аразлаб юртига кетиб қолган.

— Юрти? Қанақа юрти?

— Шошга кетган.

— Нодон чол, араз бўлибтими? Ҳозир араз қиладиган пайтми? Яна ўртага сукут тушди.

Шифти баланд, тоқилари камалакдай ранго-ранг, устунлари ўймакор, ерга ташланган қизил гиламлар, оқ наматлар устида ўтирган мартабадор кишиларнинг нигоҳи тахтда. Кичкинагина бу одам — юриб етиб бўлмас, боғлари беҳисоб, тоғлари баланд, дарёлари тезоқар, далалари беҳудуд, шаҳарлари обод, одамлари ҳисобсиз бир мамлакатнинг ҳокими. Тикилиб турган Шаҳобиддин Хивақий «Алиф лайло ва лайло»даги улкан аждаҳо бошида тиллопатнисда кулча бўлиб ётган тождор бир кичкина илонни олиб юргани — бу кичик илон бутун аждаҳою илонлар подшоси эканини эслади. Чувалчангдек бир илон — кун чиқишдан то кун ботишгача етган буюк бир мамлакатнинг ҳукмдори.

— Муҳтарам зотлар, мамлакатимиздаги барча қалъалар душманга қарши жанг қилсин! Фармон шундоқ! — деди султон ўтирган жойида хотинчалиш ингичка овози билан. — Токи мамлакатимизда битта ҳам ёғий қолмасин! Биз қўшинни бир ерга тўплалмаймиз. Бу фикр — хато! Биз ҳамма ерда душманга ўлим зарбаси етказамиз! Ҳамма паҳлавонларимга, соҳибқиронларимга, саркардаю сардорларимга омад ёр бўлсин!

Шаҳобиддин Хивақий ерга қаради. Султоннинг «бу фикр — хато!» сўзи унинг кўксига ханжар бўлиб санчилиб, орқасидан чиққандек бўлди. У бари бир итоат сақлаб, бош эгиб турди. Ер тагидан Жалолиддинга, Узлоғшоҳга қаради. Улар жим. Султон, вазири аъзам, шаҳзодалар, улар орасидаги Жаҳон паҳлавон, Аёз ва бошқалар хонадан чиқиб кетгач, ўз жойидан аранг турган Шаҳобиддин Хивақий мулзам бўлиб, орқада келарди. Ҳеч ким унга яқин келиб кўнглини сўрамади, яқинлашгани ҳайиқишди. Султон кўз олайтирганга ҳеч ким боқмасди. Бундай ҳолларда арзимаган гапни султонга пашшадан фил ясаб етказадиганлар, эвазига мартаба оладиганлар бор эди. Аммо Жалолиддин шаҳзодалар тўпидан сидирилиб чиқиб, орқароқда қолдида, етиб келган Шаҳобиддин Хивақийга имо қилиб, бир оз орқароқда қолишди. У эшитилар-эшитилмас ярим овозда устозига деди:

— Муҳтарам зот! Подшоҳ амри вожиб. Сиз билан биз унинг сипоҳлари, айти вақтда мамлакатимизнинг фарзандларимиз. Мамлакат бошига кулфат тушиб, дарбозамизни қаттол ёв қоқаётган экан, адовату норозилик қоронғулигини қалбдан ҳайдаб, юртга хизмат қилайлик. Сизнинг фикрингизни қувватлаймен. Тўғри фикр айтдингиз. Аммо шоҳ фармонига бўйсунмай илож йўқ. Бу қарор машваратдан аввал ичкарида, бувим иштирокида ҳал бўлган. Сиз, ҳазрат, ўзингизнинг юз чоғлиқ навкарларингиз ихотасида зудлик билан Хўжандга, саркарда Темур Малик ёнига борсангиз, маъқул иш бўларди. Кейинги келганида у мендан сўраган эди. Биринчидан, ҳозирча Гурганждан нарироқда турмоқлик ва машриқдаги энг мустаҳкам қалъа ҳимоясида бўлмоқлик ҳар томондан муҳимдир... У ерда, Темур Малик ёнида Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам бор. Лекин сиз унда бўлишингиз Хўжандни яна ҳам мустаҳкамларди. Бир ўйлаб кўринг...

— Муҳтарам шаҳзода! Сиз жасоратли саркардасиз, мен сизни шогирд эмас, дўстим деб биламен. Мулзам бўлган киши кўнглини олиш ҳам мардлик! Ташаккур! Ҳозир вазири аъзамдан бошлаб ҳамма мендан қочди. Мен Темур Малик ёнига боришга розимен, лекин султоннинг бунга розилиklarини олишингизни илтимос қиламен..

Эртасиёқ Шаҳобиддин Хивақий юз чоғлиқ навқари билан Гурганждан чиқиб, Хўжанд томон йўл олди. Худди шу йўлдан бундан бир йил муқаддам Абдулқодир мунший аш Шоший ҳам қон йиғлаб, вайрона шаҳри томон йўл олган эди.

... Инолхоннинг ва у билан бирга бўлган қўшинларнинг батамом қириб ташланганлигини эшитган султон, тунлари уйқусини йўқотди, жонини асраш режасини тузиб, Ҳалаб ва Андхуд чегараларини кўзлаб қолди.

Дарвоқе, унинг аҳволи тобора танглаша бориб, Мовароуннаҳр мамлакатини ҳимоя қилишга кўзи етмай қолди. Чунки энг жасур жангчилари, жиянлари (она томонидан акаларининг ўғиллари), қўшинидан етти минг кишилиқ Дашти қипчоқлар уни тарк этдилар. Одамлар ундан безиб, сездирмай кетиша бошладилар.

Учинчи қисм

Мовароуннаҳр ўт ичида

Йигирма бешинчи боб

Чориқдаррон жанги

Олти юз ўн еттинчи йил — ҳижрия, минг икки юз йигирманчи йил — мелодия. Жадий¹ ойнанинг йигирма иккинчи куни олти ойлик шиддатли жанг, қамал, ўтли тийри-борон, сувсизлик, очарчилик билан Ўтрорнинг кулини кўкка совурган мўғуллар Сигноқни, Жандни, Барчинликент, Янгикентни олиб, ундан кейин Шош вайоналари ёнидан ўтиб, Бинокатни ҳам босишди. Ундан сўнг Сайхун ёқасидаги энг катта қалъа — Хўжанд томон Чориқдаррон даштида Темур Малик лашқари билан тўқнашмоқ, уни тор-мор этмоқ ниятида даштлар оша шиддат билан силжиб келардилар.

¹ Жадий — ҳижрий ҳисоби билан ўнинчи (октябрь) ой.

Темур Малик шаҳарда сардор Муҳаммад Интизомни машқ кўрган юз чоғлик йигити билан қолдириб, ўзи ўн минг отлик лашкарини бошлаб Чориқдарронга чиққан эди. Қўшинини учга бўлиб, бир қисми тоғ тагида, унга сардор Шерюрак Шоший, иккинчи бўлакка — Қанғли Арслон билан сардор Олабуқа, учинчи бўлакка — Ҳусайн Гов сардорлик қиларди. Ўрта бўлакда ўзи, Шоҳмурод Кўҳистоний, яқинда Гурганждан сурилган собиқ сипоҳсолар Шаҳобиддан Хивақий, Хўжа Идрис Кубаролар турардилар...

Мўғуллар Хўжандга юриш бошламасдан бир ой аввал унинг шабадаси етиб келганди. Саритепа, Жилга, Бўрикалла тепаликларидagi қоровулхоналарда саржинларга ёғ сепиб, бир муддатда аланга олдириб, душман бостириб келаётгани маълум қилинган эди. Темур Малик кўз олдига Саритепа қоровулхонасидаги Сирбой деган абжир бола келди. Лашкари, қоровулхоналаридан унинг кўнгли тўқ, уларга суяниб, мурмалаҳдай ёпирилиб келаётган душманнинг йўлини тўсиб, Сайхун ёқасига етказмай тор-мор этишни ният қилиб қўйган эди.

Ўтрорнинг ер билан яксон бўлгани, деворларгача бузиб ташлангани, босқинчилар у ерда бирон тирик жонни қўймагани, кексалар, болаларгача қириб ташлаганидан хўжандликлар огоҳ эдилар. Айниқса, душман асир тушган навкарларга қуриган кўлдан туз ташиттириб келиб, шаҳар ерларига тўктириб, кейин ҳайдаттиргани, шу тариқа бу ерларда абадулабад зироат битмаслиги хабарини эшитганлар даҳшатга тушди.

Ўтрор яксон бўлгани ҳамона мўғулларнинг бир қисми Сигноқни ўраб олиб, қаршилиқ кўрсатган шаҳару қалъаларни аёвсиз вайрон қилгани, бегуноҳ одамларни қиличдан ўтказиб қўйгани Сайхун ёқасидаги қатор шаҳарларни: Жанд, Барчинликент, Хўжанд халқини қаттиқ таҳликага солди.

* * *

Ҳут¹ ёмон келди...

Гурганжда Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ соний саройида машварат устига машварат кетарди. Шарқий қалъаларнинг ҳокимлари иш берадиган йигитларнинг барчасини териб олиб, жадаллик билан қўшинни кенгайттирдилар. Ем-хашак, пичан ғарамларини фармонга мувофиқ зўрлик билан тортиб олиб кетилгани, совуқ тушиб қолгани чорвага офат келтира бошлади. Ҳутнинг ёмон келганидан Сайхун бўйларида нолиш кўп эди. «Яхши келса, ҳутни кўринг, товоқ-товоқ сутни кўринг, ёмон келса ютни кўринг, керагада путни кўринг...» дейди чорвадор халқи. Даҳшатли ёв бостириб келаётгани сабабли баъзилар каламушдек ертўлаю ўраларга дон яшириша бошлади.

Келовчи тепалигидаги «султоннинг мустаҳкам истехкоми» фақат икки кунга бардош берди. Қуруқсой, Такали... қоровулхоналарига маълум қилмоқчи бўлиб, Келовчи тепалигида ёқилган олов бир лаҳзада ўчди. Чориқдаррон истехкомида турганлар тезда ёниб ўчган алангадан Хўжандга кираберишдаги асосий истехкомлардан ҳисобланган Келовчининг кўлдан кетганини дарҳол сезишди. Темур Малик Чориқдарронда ёвни тор-мор этиш учун асосий кучни дарёдан ўнг томонга олиб ўтган эди. Бугун ўн биринчи кун, Темур Малик қўшини Чориқдаррон атрофидаги кенгликда мўғулларни кутарди. У атай бу кенгликни танлади. Хўжанддан олислаб кетиш ҳам тўғри бўлмаслигини ўйлади. Шаҳарда эсанкираш, нотинчлик аломатлари сезилмас, аҳли тижорат ва ҳунармандлар тирикчиликлари билан машғул, халқ орасида ваҳима йўқ. Буни кўрган сардор Муҳаммад Интизом ҳам ўн чоғлик йигитни қалъада қолдириб, ўзи Чориқдаррон майдонига жўнади. Шаҳарда Аҳмад ибн Мораз кўп ишларга бош-қош бўлиб юрарди.

¹ Ҳут — февраль.

Қора совуқ.

Далаларда аччиқ изғирин кезади. Душанба куни эрта билан бу ерга егиб келган мўғулларнинг бир қисм каллакесар, бошларига тумоқ кийган ваҳшатли суворийлари шовқин солиб, Хўжанд қўшқни билан тўқнашди. Биринчи куни Темур Малик кучларининг устунлиги сезилгандай бўлди. Қаттиқ зарбага учраганлар бақириб, афт-башарасини буриштириб қилич солувчи босқинчиларнинг деярлик кўпчилиги ер тишлади. Лекин уларнинг орқасидан келаётган Сўқту нўён билан Тугуш ботир бошчилигидаги иккинчи, учинчи отлиқ қўшин йўл-йўлакай тўхтамай ола-тўполон жангга кириб кетди. Улоқ нўён отлиқлари аллақачон жанг бошлаб юборган эди.

Жанг учинчи кунга ўтганда Чориқдаррон қишлоғи янчилиб кетди. Деворлар қулаб, пастак уйлар босиб қолган эди. Тарақа-туруқ амуд гарон, санги осмон... Мўҳорабо тўполони, отларнинг кишнаши, қиличу найзаларнинг шарақ-шуруғи, бақирик, чақириклар, хўжандлик паҳлавонларнинг наъравор ўкириги ҳаммаёққа ваҳима соларди. Ун мингдан ортиқ отлиқ тўлиб оқаётган Сайхун гирдобига ўхшаб, дам у томондан, дам бу томондан бир-бирларини суриб кетардилар.

Ора-чора отдан қулаган паҳлавоннинг ё бўйнидан, ё пешонасидан қон оқиб, ерда, отлар оёғи остида ётарди. Мўғул отлиқлари бир-бирларидан ажралмай, зич ҳолда ҳужум қилишар, икки отлиқ ўз шерикларидан айрилдими, шу лаҳза уларнинг ерда ётганини кўриш мумкин эди. Бошларига тумоқ кийган мўғулларни таниб олиб, найза урмоқ қулай эди-ю, аммо тумоқ киймаган маркит, кериотни ажратиш қийин эди. Шу сабабли, баъзан ёндан, баъзан орқа томонга ўтиб ҳужум бошлаган уч юз, тўрт юз маркит отлиқлари хўжандликларни анча шошириб қўярди. Мўғуллар ўнбоши, эликбоши ва юзбошилари ажралиб ўз тўдаларини йўқотмай, сочилиб кетмай, ҳужум қилишарди. Жуда узоқ масофа — Олтой, Қумул, Турфон кенгликларидан, Нилқа, Хонтангри чўққилари остидан бошлаб қанча тўқнашувлару катта-кичик жанглари кўриб келаётганлари сабабли, ортиқча ҳовлиқмай оғирлик билан жанг қилишар, гўё ўз ғалабаларига шошишарди. Ўнбошининг белидаги сув ичадиган ёғоч идиши мабодо узилиб тушиб кетса, совуққонлик билан отдан тушиб ердан олар, лекин рўпарада қилич яланғочлаб, пайт пойлаётган хўжандликдан ҳайиқмас эди. Бу қандайдир ўзининг «Удирдагч»ига ишонч, олтину молу мулк, ёш хотинга эга бўлиш мақсади босқинчиларни яна ҳам чопқин қилишга ундарди. Улар туялар билан эшакларни ўз қўшинларида олиб юрар, қозон, арқон болтаю арра, нинаю майда мих, туз, ёмғирда ёпиниб юрадиган мато, намат каби анжому ашёларни ҳам ортиб олишар, олтингугуртдан ясалган ва ўт чиқариш учун тошу пўлат парчалари, фонусга ўхшаш нур сочувчи чироқлар олиб юришарди. Йўлда нимаики керак бўлса, ҳаммасини туяларга ортиб олишган эди. Ўлжа қилиб олинган араваларда табибу жарроҳ, турли дори-дармонлар ҳам тайёрлаб қўйилган, тилмочу табиблар жангга кирмай, орқароқда, нўёнлар атрофида туришарди. Мўғул қўшинида интизом ниҳоятда мустаҳкам, арзимаган бир жиноят учун жангчи ўлим жазосига ҳукм этилиб, шу лаҳза қилич билан боши узиб ташланар, ёки ўра ёнида тургазиб қўйиб, ўқ-ёй билан кўксига отиб ўлдириларди.

Душман жангни тунда ҳам давом эттирди. Бир қисм отлиқлар ўзларининг карнайлари дўриллаб чалинғач, орқадаги қўшин оломонга кириб, бир қисм ҳолатдан кетган отлиқлар сафини ёриб ўтиб, кенгликка тушишди. Сув ичиб, отларини ҳам суғориб наридани бери ўзларини тартибга солиб, ниманидир кавшаб, яраларини боғлардилар. Баъзилари ўтириб, пешхўн¹ ейишарди. Бу имконият хўжандликларда йўқ, кун бўйи сурункасига жанг обдон тинкани қуритди. Фақат бир қисм, Шерюрак Шоший-Паҳлавон сарбозларига Темур Малик руҳсат этди, улар ҳам тезда орқага ўтиб, ўзларини тартибга солишди.

¹ Пешхўн — қовуриб, йўлга тайёрланган мол гўшти.

Баъзан жангга кириб, қилич солишиб, баъзан жиловини буриб, жангдан чиқиб, ўнг томондаги тепаликка кўтарилиб, бунда ёлғиз ўзи жангни кузатаётган Темур Маликнинг нигоҳи ўн беш-ўн олти отлик ихтосасида турган Сўқту нўёнга тушди. Отни чоптириб бориб у билан яккама-якка олишмоқчи бўлди. Бу ишни у жуда ҳам хоҳларди. Лекин Шоҳмурод Кўҳистоний бундай хаёлга бормасликини, мўғулларда бундай тангилик одати йўқлиги, улар дарҳол ўраб олиб, найза уришлари мумкин эканлигини айтди.

— Одам юборсак бўлармикан у тўнғизга,— деди Темур Малик сардор Шоҳмурод Кўҳистонийга. Ундан сўнг чап томонида турган Шаҳобиддин Хивақий билан Хўжа Идрисга ҳам боқди.

— Мўғуллар бундай жангни билмайди. Истамайди ҳам... Одам юбориш хавфли.

Шаҳобиддин Хивақий ҳам бу гапни тасдиқлади.

— Бир синаб кўрайлик. Эҳтимол, Сўқту мен билан яккама-якка жангга тушар?

— Бу даргумон.

Шоҳмурод Кўҳистоний Темур Малик ёнидан пастга от чоптириб тушди-да, икки сарбозга гап тайинлаб, узоқда турган Сўқту нўён томон йўллади. Саркарда амри вожиб! Шаҳобиддин Хивақий мўғуллар сардорининг якка жангга тушмаслигини, Сўқтудек Чингизхоннинг «суянган тоғлари»ни эҳтиёт қилиш хусусида фармон борлигини биларди. Буни Муҳаммад Интизом ҳам аллақачон Темур Маликка маълум қилган эди. Лекин саркарданинг фармони бажарилиши керак! Икки Хўжанд сарбози Сўқту нўён томон от чоптириб кетаётганини кўрган мўғуллардан ўн чоғлиқ суворий улар орқасидан эргашиб, нўёнга яқинлашганда ушлаб отдан тортиб туширишди. Шу лаҳза уларнинг қўлларини орқасига боғлаб нўёнга яқин олиб боришди. Тезда гилай тилмочни топиб келишди.

Хўжандлик жангчилар ўз тилларида саркарда Темур Малик Сўқту нўён билан майдонда яккама-якка жангга тушмоқчи экани, қон кўп тўкилмаслиги учун бу иш тангилик бўларди, деган гапни айтишди. Бу сўзни эшитган Сўқту нўён от устида турганича қаҳ-қаҳ уриб кулди, кейин сичқон думидек ингичка сариқ мўйлаби асабийликдан ликиллай бошлади. Ҳазабнок нўён ўз навкарларини имо қилди. Икки мўғул югурганча келиб, отлари ёнида турган хўжандлик сарбозларнинг бўйнига ногоҳоний қилич уриб, икковининг ҳам калласини узиб ташлади. Отлар ҳуркиб кетди. Ерда ётган жасадни отга ортиб, маҳкам боғлаб, хўжандликлар томонга ҳайдаб юборишди. Икки қонли калла далада юмаланиб қолаберди.

Бу воқеани ўз кўзлари билан кўриб турган Темур Малик ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам, Шаҳобиддин Хивақий ҳам даҳшатга тушиб, ҳазаблари мислсиз алангаланди. Бу ҳаёт-мамот жанги эканини яна ҳам аниқроқ пайқашди. У от чоптириб бориб, ёғий тўдаларига ўзини урди. Бир неча дақиқа ичида икки мўғулнинг бошига қилич уриб, отдан йиқитди. Мўғул оти эгарига танғилган узун ҳайзани суғуриб олиб, ерда ётган ярадор мўғуллар кўксига урди. Обдон тинчитди. У яна ҳамлага ўтиб, йўлбарсдек ўкириб, наъра тортиб, душманга ташланарди. Қандайдир танида бир ғайритабиий куч пайдо бўлиб, тўғри келган мўғулни қилич билан уриб қулатарди. Оғизлари кўпириб, кўзлари ёниб кетган Темур Маликка рўпара келишдан қўрқиб, мўғуллар тислана бошлади. У тинмай ҳамла қилаётганини кўрган бошқа хўжандликлар ҳам ҳазаб алангасида ёниб, мўғулларнинг ҳозироқ орқага тум-тарақай қочишларини ўйлаб, жон-жаҳдлари билан наъра тортиб, ҳужум бошлашди. Кексалигига қарамай, Шаҳобиддин Хивақий ҳам қиличини ғилофидан суғуриб, жангга кириб кетди. Саркарда Темур Малик жанг қондасини бузиб ўзи ола-тўполонга кириб кетгани барча сардорларни ҳам тек қўймади. Хўжанд туғи ёнида биргина Хўжа Идрис билан Муҳаммад Интизом қолди. Сардор сарбозларнинг бир кучларига ўн куч қўшилиб кетди. Бошқа саркардалар ҳам тепаликдан кузатишни

тўхтатиб, ўзларини жангга уришди. Бугун ҳам қоронғу тушгунча қиёмат-қойим бўлди. Чориқдаррон қишлоғи тамоман отлар туёғи остида қолиб кетди. Бунда биронта жонзот йўқ, каттаю кичик, хотин-халаж кўтарганини олиб, аллақачон Қурама тоғлари этаклари томон кочиб кетган эди.

Хўжанд, Чориқдаррон узра тун қоронғулиги туша бошлади. Учинчи тунга ўтарда мўғуллар хунук овозли карнайини чалиб, ўз отлиқларини Сарик дашт — озгина сув оқиб ётган Ўткансой томонга олди. Сўқту негадир тунда жанг қилишни лозим топмади. Элчига ўлим йўқ деган гапни мўғуллар билмади, икки элчи — сарбознинг ўлдирилганидан кейин хўжандликлар ўлган-тирилганига қарамай душманга ташланишини кўриб, Сўқтунинг юраги орқасига тортиб кетган эди. Айниқса, Темур Маликнинг ўнг чаккасидан ярадор бўлиб, лагга билан танғиб олганига қарамай, ола-тўполондан чиқмай, қилич солаётганини кўрган Сўқту нўён жангга тушмади-ю, тунда қўшинини бир ерга тўплади. Бугун кечагига нисбатан уч баробар кўп одам ўлгани, Чориқдаррон қишлоғи атрофидаги ерлар икки томон жангчилари жасади билан тўлганини кўрди. Тепаликда, Муҳаммад Хўжа Идрис Кубаро: «Босқинчиларни битта қўймай қиринглар!» деб қўлига қилич ушлаб, отлиқлар томон юра бошлади. Ҳолдан кетган хўжандликлар яна қайтадан шарақ-шуруқ қилич солиб, қалқонларни тарақлатиб, душманни отдан қулатиш пайига тушишарди. Шу аснода Темур Маликнинг кўзи Муҳаммад Хўжа Идрис Кубародан нарироқда, куркатлик мўйсафид сарбоз Муҳаммад Фақирийга тушди. У ўз ўғли билан етиб келиб, қўшин ичида мўғул билан жанг қилаётганини кўриб, кўзига ёш олди. Чолга қараб узоқдан қўлини кўксига олиб бориб, «ташаккур!» деб бош ирғади. Муҳаммад Фақирий билан орқасида турган ўғли дарҳол саркардага салом беришди. Душман жанг майдонини ташлаб Сарик дала — Ўткансой томон чекингач, Темур Малик фармони билан хўжандликлар кимсасиз Чориқдаррон қишлоғида қолишди. Она-тупроқни ташлаб кетишмади. Саркарданинг Сайхун томон чекингиси келмади. У тун бўйи куч тўплаб, жангчиларга дам бериб, душман устига тўсатдан ҳужум бошлаб, Қурама тоғлари этагида уларни батамом ер билан яксон қилиб ташламоқчи бўлди.

Тўртинчи куни тонготарда Қурама тоғлари томонидан бўрон мисол от чоптириб келаётган мингларча мўғуллар тўппа-тўғри Чориқдарронга йўналди. Далага сочилиб ётган жасадалар ичида юрган қузғунлар осмонга кўтарилиб, сиртлону чиябўрилар тўрт томонга қочди. Эгари белига тушиб қолган отлар ҳам далада дайдиб юрарди. Шимолдан ҳужум бошлаган душмандан чўчиб-ҳуркиб кетган ўнларча от тирақайлаганча дарё томон югурди. Қишлоққа яқин тепалик устига чиқиб олиб, пастдаги ўлиб ётган одамлардан кўз узмай, мунғайиб турган бошяланг бир девона ҳам югуриб келаётган мўғул отлари оёғи остида қолиб кетди.

Чориқдаррон вайроналари олдида улкан доира бўлиб турган хўжандликлар найзаларни тўғрилаб, душманни матонат билан қарши олдилар. Худди шу лаҳза, ўнгда — Қорамозорсой томонда чанг кўтарилиб, беш юзга яқин найзабардор отлиқлар пайдо бўлиб, бўрондай шиддат билан далада ёйилиб кела бошлади. Темур Маликнинг юраги шигиллаб кетди.

— Жаноб, булар ким? Мўғулга ёрдамга келаётган маркитлар эмасми? — сардор Шоҳмурод Кўҳистоний олдида қўлини пешонасига соябон қилиб Темур Малик узоққа тикилди.

Қурама тоғлари тепасида пайдо бўлган қуёш қип-қизариб, худди Чориқдаррон далаларида кесилган бошларнинг бирига ўхшарди. Чанг осмонга кўтарилгани сабаблими, офтоб нурсиз ва қизғиш кўринар, бу кесилган бошлар учун гўё у гуноҳкордай совуқ бир мисбаркашдай безрайиб турарди.

— Йўқ, саркарда, уларнинг туғи бошқача... — деди Хўжа Идрис

Кубаро. — Бу туғ кўзимга таниш кўринмоқда. Ахсикат бегининг туғига ўхшайдир.

Кўп ўтмай ўнгдан ёйилиб, далада чанг кўтариб келаётган қўшиннинг туғдори Темур Малик ёнига етиб келди. Лекин анча яқинлашиб қолган мўғулларга саҳрода югуриб келаётган, кутилмаган отлиқлар биринчи бўлиб ҳамла қилди. Суворийларга юзига оқ тутган бир соҳибқирон сардорлик қилиб, жангга олиб кирди. Темур Малик ёнига етиб келиб, таъзим этган туғдор йигит шу лаҳзада сардори — юзига оқ тўр тутган соҳибқирон томон югуриб, ўзини жангга урди. Темур Малик воқеага тушуниб, ҳаяжонланиб кетди. Темур Малик ҳам ўзини яна оломонга урди, у йўл-йўлакай Иброҳим Дўлдай, Ҳусайн Гов, Шерюрак Шоший ва Шоҳмурод Кўҳистонийга юзига парда тутган ахсикатлик саркардани эҳтиёт қилиш, иложи бўлса, орқага олиб ўтишни, у қиз бола эканини маълум қилди.

«Ахсикат беги султоннинг номатлаб, хато фармонини тўғриламақчи бўлган. Аслида биз ҳаммамиз бирлашмоғимиз лозим эди. Хато фармон тезда Ўтрор, Сигноқ, Барчинликент, Жанднинг қўлдан кетишига сабаб бўлди», деди отда ҳаллослаб кетатуриб Темур Малик. Унинг сўзларини фақат Шаҳобиддин Хивақий билан Шоҳмурод Кўҳистоний фаҳмлади, холос.

Куркатлик Муҳаммад Фақирийнинг шу атрофда, саркардадан узок бўлмаган ерда жанг қилаётганига ҳам кўзи тушди.

Хўжандликлар сафига озроқ бўлса ҳам ахсикатликларнинг келиб қўшилгани катта далда бўлди. Бу кучнинг иттифоқо жанубдан пайдо бўлиб қолгани Сўқту нўёнга ҳам маълум бўлиб, қисик кўзлари ғазаб билан ёниб, сичқондум мўйлаби ликиллай бошлади. У қўшин орқасидан келарди. Икки куч яна тўқнашиб, қийқириқ, наърай радивор, қалқонларнинг тарақ-туруқи, отларнинг кишнаб, бир-бирига ташланиши, қиличларнинг осмондан чақмоқдек ярқираб тушиши қулоқларни қоматга келтирди. Жанг, ола-тўполонга кириши қатъиян ман этилган саркарда Темур Малик юзига парда тутган, душман бошига тинимсиз қилич ураётган Ахсикат қўшинининг сардори ёнига уриниб-сўриниб етиб келди-да, қизни найзага илмоқчи бўлаётган икки мўғулни қилич билан чопиб ташлади.

— Ҳурматли соҳибқирон, жангни йигитларга қўйиб берингиз! Мен билан бирга туғ тагига юринг! Келганингиз узун мингдан-минг ташаккур ва офарин! Бундан ортиқ ватандошлик, мардлик бўлмайди! Четга чиқмоқлигингизни сўраймен!

— Мен жанг қилгани, еримизни ҳимоя қилгани келганмен! Саркарда!

— Сиз минг қатла ҳақсиз!— деди Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний билан пардали паҳлавонни ҳужум қилаётган мўғуллардан яна ҳимоя этиб.— Аммо маслаҳат жойиз! Фармон шундай! Мен билан бирга туғимиз тагига чиқингиз! Отни тепага сурингиз!

— Саркарда, бу жазм-қароримиз қалбимиз амри! Мен жанг қиламен! Нима бўлса, шу!— деди кескин бир тарзда Ахсикат бегининг қизи Қоракўз бека. Бу гапдан сўнг у юзидаги оқ пардани олиб, ерга ташлади. Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий рўпарасида бениҳоя гўзал бир қиз пайдо бўлди.

Илож бўлмагач, Темур Малик, Хивақий, Кўҳистонийлар отлари бошини қайириб, ола-тўполондан четга чиқишди. Чориқдарроннинг қулаган томлари ёнида уларни кутиб турган ёлғиз отлиққа, «пистирмадагилар ҳам ҳозироқ ҳужумга ўтсин!» деб фармон берилди. «Ахсикат қўшинининг сардори — бека эҳтиёт қилинсин!» деган гапни ҳам айтди. Қишлоқнинг юқори қисмидан, тепалик орқасидан бирдан отлиқлар кўтарилиб, ўзларини жангга урдилар. Нариги томон тепалигида отда турган Сўқту нўён бу кучнинг келиб қўшилганини ҳам сизди. Шу маҳал у ҳам куч тўплаб, пастроқда турган отлиққа фармон берди. Отлиқ Аакали томонга шиддат билан югуриб кетди. Орадан кўп ўтмай мўғулларнинг пистирмадаги отлиқлари ҳам жангга кирди.

Куннинг ўрталарига борганда икки томон ҳам кўп талафот кўриб, хўжандликлар сийраклаша бошлади. Душманнинг қўли баланд келаётганини сезган Хўжанд сардорларидан бир неча киши югуриб келиб, Темур Маликка зудлик билан шаҳарга қайтиш, шаҳар дарбозаларини маҳкам ёпишни маслаҳат беришди.

— Жангни Чориқдарронда тугатолмаймиз, саркарда!— деди Шерюррак Шоший.— Бир қисм отликлар билан тезда Хўжандга қайтинг! Бизлар бунда жангни давом эттириб, душман йўлини тўсиб турамыз.

— Шундай, саркарда! Хўжа Идрис, Хивақий ҳазратларини олиб Хўжандга қайтинг,— деди сардор Олабуқа ҳам.

— Яна бир кечаю кундуз душманни ушлаб туришга кучимиз етади,— деди Ҳусайн Гов билан Қанғли Арслон, — тезда шаҳарга қайтмоқ лозим, саркарда!

— Бу тўғри маслаҳат,— деди Хўжа Идрис Кубаро,— вақтинча, билиб чекинмоқ ҳам зафарга йўлланма, бунни усталик билан ўтказганлар жангда голиб чиқишлари муқаррар! Бу ҳақиқат!

Шу пайт отдан йиқилган ахсикатликлар сардори тепасида ихота қилиб турган икки жангчига кўзи тушган Темур Малик яна шу томон югурди. Бошқа ахсикатликлар ҳам бунни кўриб, атрофни ўраб келдилар.

Темур Малик дарҳол отига минди-да, ярадор Қоракўз бека душман кўлига тушмасин деб, уни ердан олиб оти эгарига ёнлама ўтқазиб, ўзи орқада, ярадорнинг қўлларидан ушлаб, Хўжанд томон чопиб кетди. Унинг орқасидан йигирматача отлик сарбоз сардор Шоҳмурод Кўҳистоний топшириғи билан от қўйиб боришди.

Ахсикат бегининг яраланган «соҳибқирон» қизини шахсан Темур Малик ўзи кўтариб олиб кетганини ахсикатликлар кўриб, юраклари таскин топди. Лекин Қоракўз бека ўзини Хўжандга олиб кетишликни сира истамасди, негадир у бир лаҳза бўлса ҳам, Темур Малик билан ёнма-ён туриш истагида эди. У аслида Темур Маликни душмандан сақлаш учун бунга келганди. Хоразмшоҳнинг фармониға мувофиқ мўғуллар то Ахсикатга ҳужум қилмагунларича, қалъадан қўймай туришлари керак эди. Бунчалик нодонона фармон уни ғазабга солиб, отасига итоат этмай, тўрт юз Ахсикат сарбозлари билан йўлга тушган, шахзода Жалолиддин, Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақийларнинг «ҳамма лашкарни бир ерга тўплаб, душманга қарши ҳужумга ўтиш» режаси тўғри экани, султон ва Туркон хотун фармонлари номақбул эканини отасидан эшитиб, жаҳлига чидолмай чиқиб келган эди.

Мана, оқибат!

Темур Малик Сайхун ёқасига етиб келгач, отларни қолдириб, бунда тайёр турган кемалардан бирига тушиб, Хўжанд соҳилига жўнади. Темур Малик ярадор Қоракўз бекани бағридан қўймай, елкасидан ушлаб турарди. Сочларини тўғрилаб, қалқон ичига яширди. Атрофидаги кишилар бу жангчи қиз бола эканини билишса ҳам, ўзини сездирмасликка ҳаракат қиларди. Темур Маликдан ўзга кишилар кемада орқаларини ўгириб ўтиришарди.

— Саркарда, мени Хўжандга олиб кирманг. Мени бирон аравада отамларнинг ёнларига юборинг. Эрта тонггача Ахсикатга етиб олармен...

— Йўл узоқ, Хўжандда сизни дарҳол жарроҳ кўрмоғи лозим. Жароҳатни даволаймиз... Тузалиб кетасиз. Ахсикатга бориш мумкин эмас.

— Йўқ, мен Хўжандга кирмаймен! Мени аравада отам ёнларига олиб борсинлар!— Қоракўз бека ҳеч қутилмаганда Темур Маликнинг қўлларини ушлади. — Буюк саркарда, дунё бебақо...

— Азизам, ундоқ демагил! Биз боскинчиларни тупроғимиздан ҳайдаб чиқарамиз! Сенинг жароҳатинг тузалиб кетади. Отанг бек ҳазратлари отамнинг қадрони эди. Яхши кунларга етишга умидвормен...

Қоракўз бека Темур Маликдан худди мана шу гапни кутган эди. Ўз қўли билан қизнинг пешонасини силаб, сочларини тўғрилаб қўйгани — бу унинг учун гўё муродга етгани ҳисобланарди.

Темур Малик Қоракўз бека илтимосини қондириб, қирғоққа чиқишлари биланоқ бунда тайёр турган аравалардан бирига наMAT — кўрпача ташлаб уни ўзи оҳиста кўтариб, ўринга ётқизди-да, ўн чоғлиқ отлиқ йигитлар ҳимоясида Аҳсикат сари йўллаб, ўзи яна шитоб билан Хўжандга қайтмоқчи бўлди. Лекин орадан кўп ўтмай Қоракўз бекани кузатиб кетаётган отлиқлардан бири орқага қайтиб келди. У Темур Маликка «Аҳсикат бегининг қизи дашт йўлида қазо қилди. Арава тўхтаб турибди...» деди. Темур Малик ҳали қалъага кирмаган эди. У зудлик билан атрофидаги сардорларга топшириқлар бериб, от чоптириб, Қоракўз бека ёнига келди. Қизнинг жасадини аравадан олиб, ерга, наMAT устига ётқизишди. Дарҳол уч отлиқ — чопарни Аҳсикат сари йўллаб, паҳлавон қизнинг шаҳид бўлганидан отасини, шаҳар аҳлини хабардор қилишни буюрди. Жанг майдонида шаҳид бўлган соҳибқирон шаҳарга олиб кирилмай, четда дафн этилиши удумига амал қилиб, Темур Малик уни ўз қўли билан дафн этишга қарор қилди.

Шу куни офтоб ботишига яқин Қоракўз бека жасадини даштда дафн этишди. Темур Малик қизни жанг либосида қуроллари билан тупроққа топшириб, қабри устига қалқонни қўйди. Саркарда топшириғи билан тўрт жангчи уч қечаю уч кундуз қабр атрофида посбонлик қилишди.

Энг яқин ва қадрдон кишисини йўқотгандай Темур Малик шоша-пиша қазиган қабр тепасида чўққайиб ўтириб, кўзёш тўкди. Анча вақтдан буён бу қаҳрамон қизнинг юрагидаги гавҳар — орзуни сезмаганига ачинди. Қўшинни бирлаштирмай ҳар бир қалъа ўз йўлича душмандан мудофаа қилиши ҳақидаги «фармон»нинг ўта хато эканини, султон саройдаги хоинлар сўзига қулоқ солганини жатто Мовароуннаҳрдаги тўрт юз шаҳардан бирининг беги ҳам, унинг жасур қизи ҳам фаҳмлаган эди. Султоннинг бундан ортиқ шармандалиги, қўрқоқлиги ҳам бўладими?! Аждаҳо Утрордан бошлаб, Мовароуннаҳрдаги ҳамма шаҳарларни битта-битта дамига тортиб келаберди.

Темур Малик қабр тепасидан қўзғалиб, яна Хўжандга югурди. У энди шаҳар қўрғонлари остида, дарёда жанг қилишга тайёргарлик кўрарди..

Йигирма олтинчи боб

Гурганжда аҳвол...

Мовароуннаҳрда борган сари таҳлика кучая бошлади. Мўғуллар ҳужуми саройларга эмас, бозорларга ҳам етиб келди. Нарху наво кўтарилиб, хижорат аҳлининг ҳамёни тўлиб, семира бошлади. Самарқанд, Бухоро, Гурганж, Аҳсикат, Балх, Ўзган ва Кеш бозорларининг ўз оқсоқоллари бор, аммо Хўжанд бозорининг басавлат оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг эътибори илгаригидан юз чандон ошиб, отни ҳам, эгар-жабдуқни ҳам, қопу қанорни ҳам... унга буюрдилар.

Таҳликали кунларда султоннинг баданига майда қизилча тошиб кетгани, тунда уйқу йўқлиги сабабли Гурганжнинг таниқли табиблари саройга чақирилиб, шаҳаншоҳ дардини тезда даволашга фармон этилди. Табиблар султоннинг сутли таомлар истеъмол этиши, бир неча кун узлатда ётиб, ҳордиқ чиқаришини тавсия этдилар. Султон табиблар сўзига амал қилиб, давлат ишларини шахзода Жалолиддинга топшириб, бувиси билан маслаҳатлашини таъкидлаб, ўзи саройдаги хобхонасида ҳар хил дорилар ичиб ётди. Баъзан кичик невараларини чорлаб, улар билан ҳангома қиларди. Кунлардан бир куни у катта

хонага йигирмадан ортиқ невараларини тўплаб, вазири аъзам Низом ал Мулк иштирокида синов-топишмоқ ўйини ҳам қурди.

— Энди осонроқ синовга ўтамен,— деди султон. Вазири аъзам кўксига босиб турган китобни султонга узатди.— Қани, ким топади? Оға-ини бир турару бир-бирини кўрмас ҳеч?

Мўйлаби сабза урган икки шахзода бир-бирларига қараб қўйишди. Султон атай уларга теккизиб бу топишмоқни айтдимикан? Бармоқларини ўйнаб, ўйлаб кетишди.

— Мен айтамен, улуғ бобо,— деди Жалололдиннинг ўғли тик туриб.

— Айт!

— Жайхун ила Сайхун... Улар оға-ини, аммо бир-бирларини асло кўролмайдилар...

— Йўқ!— деди султон.

— Бу инсоннинг икки кўзи,— деди дик ўрнидан туриб, Узлоғшоҳнинг ўғли.

— Бу тўғри! Топдинг,— дея бир оз ўйланиб қолди. Муқовани очиб, жавоби «икки кўз» эканини ўқиди. Китобда аниқ жавоби дарҳақиқат икки кўз, аммо Жалололдин ўғлининг муқоясаси ҳам жоиз эди. Жайхун билан Сайхун — оға-ини, аммо улар бир-бирларини кўрмайдилар ва учрашмайдилар.

— Яна бир топишмоқ,— деди султон,— ит деса — ирилламас, одам деса — уйга қўймас?

— Қулф!— деди топганига хурсанд, дик ўрнидан қўпиб, Жалололдиннинг ўғли.

— Топдинг!— деди султон.— Яна топ! Кичкина қозоннинг оши тотли? Бу нима?

Яна сукут. Болалар ўйланиб қолишди.

— Мен топдим,— деди Жалололдиннинг ўғли, ўрнидан туриб,— бу — ёнғоқ.

— Топдинг!

Саройда султоннинг кунлари шу тариқа ўтарди. Аммо Сайхун бўйида тинимсиз жанг кетар, қон дарёдай оқарди...

Йигирма еттинчи боб

Қамал ва хиёнат

— Хўжанд ҳамма томондан ўраб олинди. Демак, тайёргарликларимиз яхши бўлмаган экан,— деди пешонасини кафтига қўйиб Темур Малик. Мўғуллар кўпчилик ва яна камонда устунлик қилмоқда. Вазиятни тўғри баҳоламоқ зарур.— Тепасига келиб турган Иброҳим Дўлдайга ҳам қарамасдан, у йўл қидирар, мўғулларга панд бериб, қириб ташлаш чорасини изларди.

Душманнынг асосий қисми Музбек ва Мутуғил тоғлари этагида жойлашгани билан яна бир қисми Ҳодарвеш дашти томон силжиб, дарёдан ўтишга уринарди. Улар қўлга олинган кемаларда, қандайдир ғўла-ёғочларда, сузишни биладиган баъзилари қиличу найзаларини ушлаб, дарёда сузишарди. Баъзилари ҳатто Сарисанг, Тапқоқ ва Қаландархона томонларда, шаҳар деворлари тагида ҳам пайдо бўлишди. Вазият ниҳоятда мушкуллашди. Чорқишлоқ томонда Сўқту нўённинг ваҳший пиёдалари изғиб қолганига одамлар ҳайрон эди. Муҳаммад Интизом йигитлари тўпидан ажралган бир неча мўғулни тутиб, ўлдиришди. Аммо шаҳар томон силжиган мўғуллар кўп вақт тўдаланиб юришарди. Қўрғон тепасидан мўлжаллаб отилган ўқ баъзан уларни ер тишлатарди. Дарё ёқасида чумолидай ўрмалаган, ўлган-тирилганига қарамай шаҳар деворлари сари интилаётган мўғулларнинг ҳисоби йўқ. Улар шу даражада сурбет, чигирткага ўхшардиларки, босиб-янчиб ўлдирганинг билан ҳеч тугашмасди.

Душман ички маҳаллалар сари сурилиб, Уратепа дарвозаси орқали шаҳарга кирмоқчи бўлди. Қўрғон тепасида, кунгураларда, баланд томларда пойлаб турган навкар йигитлар душман тўдаси устига ёниб турган қора ағдаришар, оғир харсанг тошлар ташлаб, мажақлаб юборишарди. Кимдир камондон ўқ узиб, нўённинг ёнгинасидаги мўғулни ағдарди. Улар ҳам ўқ отиб, тўрт томонга югуришди; томлардан, девор орқасидан ўқ отаётган хўжандликларни қидиришарди. Черобек, Чўянчи дарбозалари томон интилишарди. Қўшбеги, Мадрасаи хиштин, Охунгузар, Хонақаҳ, Гумбаз, Қўшмасжид, Шаршара маҳаллаларида мингларча хўжандликлар қўлларида қурол-яроғу паншахалару гавронгача кўтариб, душманни ичкарига қўймаслик учун тўсиқ тузиб, шай турардилар.

Темур Малик фармони билан Шоҳмурод ва Шерюрак ўз навкарларини тунда қалъа тагидаги яширин йўл — Тапқоқ орқали дарё бўйига, бунда шай турган кемаларга тушириб, дарё ичидаги истехкомга жўнатиб турди. Ҳоким қўшин тепасида, шаҳарда қолди. Одамларга мутлақо ваҳимага тушмаслик, қайси йўл билан бўлса ҳам душманни қириб ташлаш кераклигини буюрарди. Агар биз ўлдирмасак, у бизни ўлдирари, ё Ватан, ё ўлим, дерди Темур Малик. Черобек ва Чўянчи дарбозалари оралиғидаги Мозор ва Қўрхона, Араб ва Қалъача томонларда, айниқса жанг авж олди. Масжиди Савр ариғи томондан ёриб кирмоқчи бўлган душман билан жанг қилаётган Темур Малик, от чоптириб келган бир сарбоз хабаридан сўнг сардор Олабуқани бу ерда қолдириб, Қўшмасжид ва Араб маҳалласи томон от солди. Черобек дарбозасига яқин Кўрхона, Мозор ариқлари атрофида эрталабдан бошлаб тарақа-туруқ жанг кетарди. Тапқоқ билан юқорида Намозгоҳ, Хўжа Биробод, Зингари, Садатаги маҳаллалари қалъани ўраб тургани, бу томонни жуда эҳтиёт қилиш учун қалъадан унча узоқ бўлмаган Бозор, Тўбахон ва Пийри Сорбонага тўрт юз навкар юборилиб, кўчалар тўсилиши, ҳар эҳтимолга қарши қалъага борадиган бозор йўлида катта чоҳлар қазилишини буюрди. Душман Масжиди Савр ариқларини тўсиб, қуриштириб қўйиши мумкинлигини ўйлади. Темур Малик хонадонларга сув олиб қўйиш, ҳовузларни тоза сақлаш лозимлигини буюрди. Дарё томондан кириш иложини қилолмаган мўғуллар иккинчи ҳафта ичи бетиним, ўлган-тирилганига қарамай жануб томондан — Чорчироғ, Чўянчи, Черобек ва Уратепа дарбозалари атрофида жангни авжга чиқарди.

Кечқурун, қоронғу тушгач, бу ердаги душман кучи шаҳар деворлари тагидан орқага чекиниб, тоғ тагидаги ўз боргоҳларига боришар, иккинчи шай турган қисм улар ўрнини эгаллаб, яна шаҳар деворлари тагига ҳужум қилиб, камондан ўқ ёғдирарди. Тунги жангда мўғуллар Темур Малик қўшини дам олиб, куч тўпламаслиги учун шунчаки нотинч қилиб туриш мақсадида, оз қўшину бақирув-шовқинни кучайтиришликларини, ҳийла-найранг ишлатаётганликларини пайқаган Темур Малик Тапқоқ ва Девонбеги томонидаги мингга яқин навкарни оқшомгача етказиб олиб келиб, душманга қарши солди. Бу чоғ душманнинг катта кучи дам олиш учун тоғ тагига кетган эди. Кичик куч етиб келиши пайтида Хўжанд суворийлари беш юз чоғлик пиёда мўғул қўшинини ўраб олиб, қиличдан ўтказишди. Темур Малик, ҳозирги шароитда мутлақо асир олиб бўлмайди, чопиб ташлайберинглар, деб буйруқ берди. Хўжандликлар бу буйруқни икки баробар бажаришди — қочиб қутулмоқчи бўлганини ҳам орқасидан қувиб бориб чопиб ташлашди. Эрта билан Чўянчи ва Черобек дарбозалари рўпарасидаги майдонда ширага тушган пашшадек ёғийлар ўлиги ер билан битта сочилиб ётарди. Иссиқ кунда ҳам бошларидан қўймайдиган тумоқлари бир томонда, тандан узилган каллалари бир томонда, қилич найзалари бир томонда сочилиб ётарди. Бу мағлубиятдан хабар топган Улоқ нўён қилич ўйнатиб, қийиқ кўзларини шаҳарга тикиб бақирар, сиртлонга ўхшаб, тишларини кўрсатиб ирилларди. У ҳар ириллаганида атрофидаги йиртқич галалар

тиришар, қийиқ кўзларини илтижо билан тикишар, тишларини беда еяётган отдек қусурлатишарди.

Учинчи ҳафтада яна ёпирилиб келган бошда тумоқ, эгнида совут, қилич яланғочлаган мингга яқин мўғул Чўянчи дарбозасига ёпирилиб, бу ердаги сон жиҳатидан оз бўлган пиёда ва отлиқларни чошиб, янчиб, ичкарига интилди. Кўрхона ариғи ўлган, ярадор бўлган мўғулларга тўлиб, бирини устидан бири бостириб кела бошлади. Кўрхона ариғининг суви тошиб, пахса деворлар тагини сув босди. Эрталабдан кечгача шарақ-шуруқ қиличлар, қалқонлар овози, қийқирик, отлар кишнаши тинмади. Майдону кўчалар одамлар жасадига тўлиб кетди. Оғлуқ, Катта тут таги, Деҳнав маҳаллаларидаги баъзи уйлар ёна бошлади. Шаҳар жанубида, тунда беш юзга яқин мўғул қўшини ўраб олиниб, қириб ташлангани Улоқ нўёнга тинчлик бермас эди. У яраланган йиртқиҷдек у ёқдан-бу ёққа сапчиб шаҳар сиртида ҳам, ичида ҳам жангни авжга миндирди. Мўғуллар ўлган-тирилганига қарамай, болами, каттами, хотинми, кексами — чошиб, найза уриб, Қалъа томон интилишарди. Кўчаларда жанг кетарди. Қуюндек оқиб келаётган беадад кучга бас келиб, Темур Малик атрофидаги садоқатли дўстлари билан бирга қилич солар, рўпара келган мўғулни қулатмай қўймасди. Баъзан найза урар, баъзан қилич... Саркарда қўшини катта кўчалар бўйлаб тисарилиб, бозор майдонига чиққанда, Карнайчи деган жойда кўчани устунлар, ҳарсанглар билан тўсиб қўйишди. Қоронғи тушиши билан мўғуллар орқадан куч келишини кутиб, олдинга силжишини тўхтатди. Улар шу яқинда, яна икки маҳалладан кейин, қалъага етишликларини билишмасди. Бозор майдони юқорисидаги Баландҳовуз яқинида Темур Малик сарбозлари ҳам бир муддат тўхтади. Иморатларнинг нариги томонида мўғуллар ҳам борлигини томдан, мўри орқасидан кўриб турган йигит ҳамма ҳаракатни билдириб турарди. Томоқлар ниҳоятда қақраган, ўлим мутлақо кўзга кўринмасди. Биров дўпписида, биров ҳовучлаб, биров қумғонда, биров челақни бошига кўтариб сув ичарди. Шу даражада чанқоқлик авжга чиққан эдики, агар ҳозироқ мўғул бостириб келса, бари бир, дўпписидаги сувни тўкиб юборишмас эди. Кимдир елкасидан, кимдир билагидан оқаётган қонни латта билан боғлар, кимдир хаккачовланиб, хоролмай оти ёнида турарди-ю, аммо яланғоч қиличини, қалқонини қўлдан қўймасди.

Шу лаҳза Муҳаммад Интизом Темур Малик ёнига келиб, бу ерда раҳнамоликни Ҳусайн Говга топшириб, ўзи тезда Қалъани ёқалаб ўтиб, дарё томонга боришини, Кўҳистоний билан бирга оролга ўтишини маслаҳат берди.

— Бошқа чора йўқ, саркарда! Агар мўғуллар туни билан яна жазавада ҳужумга ўтсалар, эрта билан қалъада бўлишади. Бизни ўраб олишлари аниқ. Ўтрордан ҳам даҳшатли воқеа юз беради. Ҳозироқ яширинча дарё ичидаги истеҳкомга чекинмоқ даркор.

Темур Малик ўйланиб қолди.

— Бир дақиқани ҳам қўлдан бермаслик лозим. Мен ўз йигитларим билан Хўжандда қоламен. Сизни, яна ўн кишини менинг йигитларим қалъа ости билан кемаларга тушириб қўяди. Саркарда, сўзимни қайтарманг, биз ишни шу ерда тамом қилиш ниятимиз йўқ, биз, лозим бўлса, қиёматгача жанг қиламиз! Сиз мингга яқин сарбоз билан дарё ичидаги истеҳкомдан ҳужум қиласиз. Маслаҳатимиз ҳам шундоқ бўлган эди. Мен ўз йигитларим билан ичдан...

Атрофдаги сарбозлар Темур Малик билан Муҳаммад Интизом ўртасида бўлаётган гапни эшитмасалар ҳам, мазмунини аниқ фаҳмлаб турардилар.

— Саркарда, бошқа илож йўқ! — деди уч қадамча нарида турган давангир сардор Олабуқа.

Темур Малик унга тикилиб қаради. У яқинда икки мўғулни ер тишлатиб, Улоқ нўён орқасидан шиддат билан қувиб, калласини учуриб юбораман деб кетаётганида, бир мўғул отига ўқ узиб, мункитиб

йиқитган эди. Оти қуламаганда, Улоқ нўённинг калласи кетган эди. Темур Малик жим, ўйланиб қолди.

— Саркарда, биз ҳам сизни истеҳкомга боришингизни маслаҳат берамиз.

— Азиз саркарда, биз ҳали уларга кўрсатамиз! — деди Қангли Арслон. — Вақтинча чекинаётимиз.

— Истеҳкомга ўтиш, Хўжанддан узоқлашмаслик тадбирини саркарда Жалололидин маъқуллаган. Мен бу чорани шаҳзода билан маслаҳатлашиб олганмен. Чориқдарронда жангни ютқазсак, истеҳкомга ўтамиз; Жалололидин бу ишдан хабардор. Самарқанд қўшинининг бир қисмини юборишини айтибди. Чопар келди, мана нома! (У дўстларига қоғоз кўрсатди.) Эҳтимол, бу қўшин билан Жалололидиннинг ўзи ҳам етиб келар.

Одамларда жонланиш, тетиклик, ишонч аломатлари пайдо бўлди.

— Эрта билан сизлар ҳам истеҳкомга ўтасиз! — деди яна Темур Малик.

Шундан сўнг ўн беш чоғлиқ йигит, Темур Малик билан қалъани ёқалаб, дарёда лопиллаб турган кемаларга тушиб, Сайхун ичидаги истеҳком томон сузиб кетишди. Кемалар оқшом қоронғусида кўздан йўқолгунча Муҳаммад Интизом ва бошқа сардорлар ўз йигитлари билан кузатиб туришди, сўнг ўз сардорлари томон қайтишди, айғоқчилар халталаридан соқол-мўйлабларини олиб, юзларига ёпиштиришди. Савдогарлар қиёфасида шаҳарга кириб кетишди... Емон аҳвол юз бергундай бўлса, карвонсарой ёки Қаландархона томонда учрашишга қарор қилишди. Улар яна тезликда Карнайчи ва Намозгоҳ томонга, навкарлар ёнига боришди, саркардани омон-эсон истеҳкомга ўтказиб юборишганини Шерюрак Шоший билан сардор Олабуқага ҳам айтишди. Шундан сўнг, Муҳаммад Интизом бу ердаги йигитларга зафар тилаб, Тапқоқ маҳалласига, ундан Қалъага ўтди. Миршабхона саркорини ҳам ёнларига олиб, тун қоронғусида уч томонга йўл олишди.

Ёнаётган шаҳар ичида яна шарақ-шуруқ қиличу қалқон овози, айланма кўчалар ичида тушуниб бўлмайдиган даҳшатли товушлар эшитилиб турарди. Тун бўйи кўчалар ичида жанг, хотин-қизларнинг аянчли фарёдлари, болалар йиғиси эшитилиб турди. Қуролларнинг шарақ-шуруқ овози баъзан аёл кишининг ўткир фарёдини ҳам, оғилхонадаги сигирларнинг қўрқувдан маърашларини ҳам босиб кетарди. Чарс-чурс қилиб ёнаётган уйларда фарёд; кийим-кечаги ёниб, қоचाётган одамлар яна муғул тиғига рўбару келиб, ерга шилққа йиқилишарди.

Тонготарга яқин Кўхистоний ҳоким номидан фармон бериб, жанг қилаётган йигитларнинг бир қисми дарё ёқасига тушиб, бу ердаги кемаларда оролга ўтиши лозимлигини маълум қилди. Тонг гира-ширасида кемалар жуда тез қатнади. Баъзи кўчалардан чиққан навкарлар жанг билан қирғоққача чекинишди. Дарё ёқасида турган хўжандликларни кўрган муғул тўдалари бетлаб келолмай, ичкарига — ёнаётган шаҳарга кириб кетишарди. Қирғоққа бехосдан отилиб чиққан бир қурум муғул отлиқларини дарё бўйида турган сардор Олабуқа йигитлари шу лаҳза ўраб олиб, чоғиб ташлашди. Ўн чоғлиқ суворийдан биронтаси ҳам орқага қайта олмади. Хўжандликлар кема келишини кутиб туриб ҳам жанг қилишарди. Бир кемачига оролдаги Темур Малик, сузишни биладиганлар кутиб ўтирмай, қилич-қалқонини кемага ташлаб, сузиб келиша берсин, дарё тинч оқмоқда, дебди. Кема эшкагини тинмай эшаётганлар бу хабарни қирғоқдагиларга етказди. Эҳтимол, бу билан саркарда кишиларнинг сузишга қанчалик лаёқати борлигини ҳам билмоқчи бўлгандир.

Шерюрак бир неча йигити билан кемага тушаётиб, қалъа томонга кўз ташлади, уйларнинг ёнаётганини кўрди. Шерюракдан икки юз кадамча нарида, дарё ичидаги оролда турган Темур Маликнинг ҳам шундай манзарага кўзи тушди. У ёнаётган Хўжандга, ундан кейин дарёга тикилди. Унда онаси, фарзанди — икки яшар Метин Малик,

хотини Ойчечак ва бошқа қадрдонлари қолди. Юрагини алам гижимлай бошлади. Агар бир кун ичида уларни мўғуллар ўлдирмаса, қутқазиб олиб келиши аниқ. У шуни ўйлади. Бошқалар-чи? Хўжанддаги бошқа одамлар-чи? Бошқа онаизорларнинг бола-чақаларичи? Унинг фарзандлари бошқаларникидан азизми? У ўйланиб қолди.

Мўғуллар қалъани ўраб олиб, бостириб киришга интилардилар. Дарёни кечиб ўтаётган бир қисми хаёлига ҳали оролдаги истеҳком келмаган. Улоқ нўён ўз айғоқчиларини ишга солиб, Баландҳовуз маҳалласидан Бозор майдонига, ундан миршабхонага ўтди. Шу йўл билан Девонбеги орқали шитоб билан Сайхун бўйига тушди-да, қалъани ўраб олишга уринди. Қалъани ҳимоя қилиб турган хўжандликлар дарвоза олдида яна қаттиқ жанг бошлаб юбордилар. Девор тепасидан ёниб турган қора мой, харсанг тошлар ташлаб, бир неча душмани мажақлаб ўлдирдилар. Қалъа дарозаси яқинида бўлаётган жангни шу ердаги бир ҳовли ичидаги молхона туйнугидан Муҳаммад Интизом анча вақтгача кузатиб турди. Очiq жангга тушишдан ўзини тийиб турган сардор мардларча ҳалок бўлаётган, ҳеч нарсадан қўрқмай, ўлимга тик боқиб, қалъани ҳимоя қилаётган йигитларни кўриб, ичдан тасаннолар айтарди... Саркарда Темур Малик уларни тўғри тарбия қилганини фаҳмлади. Бу йигитларнинг баъзи бировларидан шубҳаланиб, агар бошимизга иш тушса, савдогар баччалардек хиёнат қилади, деб бад оларди. Уларнинг ҳозирги садоқати, гарчи мағлубиятга учраётган бўлсалар ҳам, ватан йўлида қаҳрамонона жанг қилишлари ниҳоятда кўнглини кўтарди. Шубҳаланиб, кўз остига олгани, конибодомлик, ўшлик икки йигит мўғуллар билан чунонам жанг қилдики, буни кўриб унинг оғзи очилиб қолди. Икки йигит ўнга яқин мўғулни чопиб ташлаб, охири ҳалок бўлди. Мўғуллар тўдаланиб келиб уларга ёпишмаса, энгиш мумкин эмас эди. Улар конибодомлик йигитни найзага кўтаришди, лекин ўзлари ҳам завол топишди. Қалъа атрофида мўғулларни жанг билан ушлаб туриш кўпчилик қўшиннинг оролга ўтиб олишини таъминлаган эди. Бу пайт яланғоч йигитлар сувнинг оқими билан қиялаб сузиб, оролдаги истеҳкомга ўтиб олишди. Бу томонга мўғуллар ҳужум қилишини кутиб турган камонандозлар заҳарланган ўқларини ёйга қўйиб шай турардилар.

* * *

Қалъа посбонлари тенгсиз жангда деярлик барчаси ҳалок бўлди. Мўғуллар қалъа ҳовлисига бостириб кириб, у ёқ-бу ёққа аланглашди. Шу пайт қўрқув ичида қалъа ҳовлисига Бинафша бегим тушди. Ҳовли негадир жим-жит. Мўғул жангчилари ихотасида, от устида туриб, у ёқдан-бу ёққа аланглаётган Сўқту нўён ёнига шатиллаганча келди-да, бир нималар дея бошлади. Мўғуллардан бири қилчи билан чопиб ташламоқчи бўлган эди, Сўқту нўён уни тўхтатиб, тилмочини қидиртирди. Мўғул ҳарбийлари кийимидаги бир одам қуроллилар орасидан туртиниб Сўқту нўён ёнига келди.

— Бундан сўра, нима дейди?

— Эй хотин, нима дейсен? — деди тилмоч ҳаллослаб.

— Мана, мана! — Бинафша бека ёнидан мўғул найзасини чиқариб кўрсатди. Тилмоч уни қўлига олиб, дарҳақиқат, бу мўғул найзаси эканини Сўқту нўёнга кўрсатди. — Манга бу найзани Маҳмуд Ялавоч савдогарлари берган. Савдогарнинг ўзи шу ерда, мен унга золим Темур Маликнинг ҳар куни ҳарбий машқлар қилаётганини айтганмен... У савдогар бозор бошида дўкондорлик қилади. Мени Темур Малик кишилари қийнаган, унинг сардори Муҳаммад Интизом ўлдираман деган. Мен... Ҳали гапирадиган гапларим кўп...

Тилмоч Бинафша беканинг ҳамма гапларини мўғулча қилиб, сўзма-сўз айтиб берди.

— Бу хотинга тегманглар! У бизга керак, — деди жиддий бир тусда. У отдан эгилиб, Бинафша бекага қулоғини яқин олиб келди. Кейин сўради:

— Тему́р Маликнинг хотини қаерда?!

— Ичкарида.

Бинафша бека ичкарига кириб, бир муддатдан сўнг обдон ясанган, Ойчечакни олиб чиқди.

— Бу — сизлар ўлдирган ўша золим Тему́р Маликнинг хотини! Бу — Ойчечак-маликам, у ярамасдан кўп зулм кўрган. Тему́р Малик ишратбоз эди.

«Сизлар ўлдирган ўша Тему́р Малик» деган сўзни эшитган Сўқту нўён ёнидаги мўғулга қачон ўлдирибмиз, дегандек қараб қўйди.

— Бу илоннинг гапи ростми?

— Йўқ, у қочди, — деди мўғул ўз тилида.

— Бари бир тутиб ўлдирамиз! — деди Сўқту нўён яна ҳеч ким тушунмайдиган ўз тилида. У яна Бинафша бекага, ундан кейин Ойчечакка тикилди. Бинафша бека бориб, Ойчечак юзидан пардани кўтарди. Сўқту нўён оғзини очганча бақрайиб қараб қолди...

Шу куни қалъа ҳовлисида ўндан ортиқ қўй сўйилиб, қозонларга ташланди. Ҳаммаёқда мўғуллар ҳокимлик қиларди. Бугун Шоҳмурод Қўҳистонийнинг хотини ва бўйи етган қизини мўғуллар зўрламоқчи бўлганида, ўзларини қалъа деворидан ташлаб, ҳалок бўлишгани хабари тортилади. Шерюрак Шошийнинг хотини ҳам заҳар ичиб ўлганини эшитишди.

Иигирма саккизинчи боб

Тему́р Маликнинг уч яшар ўғли

Метиннинг ғойиб бўлиши

Тему́р Малик ўз сарбозу сардорлари билан дарё томон чекинаётганини сезган ҳовлисидаги садоқатли хизматкори Ғулом деган одам болохона деразасидан отлиқ мўғуллар тўдаси Девонбеги томонларда пайдо бўлиб, қалъани қамал қилишга интилаётганини аллақачон пайқаган эди. Шаҳар дарбозаларининг баъзилари бузиб ташлангани, душман қалъага яқинлашиб келаётгани, қалъадан унча узоқ бўлмаган Тему́р Малик ҳовлисини ҳам хавф остида қолдирганди. Бу ҳолат саркарда хонадонида кўп йиллардан буён хизмат қилиб юрган, ёши анча жойга бориб қолган Ғуломни ҳам саросимага солди. У кеча тушдан кейиноқ иш қўлдан кетганини пайқаган эди. Супургисини отиб юбориб, белига эски бир қилични тақиб олди. Унинг эски, занглаган шамшир кўтариб юрганини кўриб, Бинафша бека қаҳ-қаҳ уриб кулди: «Ташла уни, нодон чол! Иш қолипдан кўчди! Битта-яримтасининг кўзи тушса, бошинг кетади» дея яна қаҳ-қаҳ уриб кулди. Қовоқ солиб, тўрсайиб ўтирган Ғулом ўгирилиб, ўз ҳужрасига кирди, эски қилични ташлаб, этиги қўнжига ўткир пичоқни тикди-да, қош қорайишини пойлаб ётди. Эски хуржунига нималарнидир солиб, йўл ҳозирлигини кўрди. Қалъа дарбозасидаги посбонлар ёнига бориб ниманидир шивирлади. Боғлоғлиқ отлардан бирининг эгар-жабдуқларини тортиб кўриб, олдига хашак ташлади. Ғуломнинг гапи ўнбошига маъқул бўлдими, у саркарда маҳрамининг илтимосига «хўп, майли...» деб жавоб қилди. Қоронғулик чўккач, Ғулом ҳеч кимга сездирмай, ўз ҳужрасидан хуржунни олиб чиқиб, суғориб, айили таранг тортилган тўриқ от устига ташлади. Ундан сўнг, саркарда истиқомат қиладиган хонага кириб, ниманидир излади. Дам ичкарига, дам ҳовлига, дам зиналардан кўтарилиб, дам қалъага мокидай физиллаб бориб-келиб

юрган Бинафша беканинг Ғуломга кўзи тушиб сув олиб келишни буюрди. Лекин ичкари хонада ўзи билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолиб, йиғлаб ўтирган уч яшар гўдак хизматкорни кўриб: «мени ол» дегандек қаттиқроқ йиғлади. Бу саркарданинг фарзанди Метин эди. Гўдак хизматкор чолни жуда яхши кўрарди. Баъзан саркарда ёнида гўдакни кўтариб, ҳовлига олиб чиқар, эркалар, соқоллари билан унинг даҳанларини қитиқлаб кулдирадди. Ғуломга кўзи тушган гўдак полопон қушдек интила бошлади. Ғулом бир қўлида мис кўза, бир қўлида гўдак, Бинафша бекага таъзим қилди. «Беглар ойим, рухсатингиз билан болани бир оз ўйнатамен, сув ҳам олиб келамен...» деди. Хаёли ўзида эмас Бинафша бека: «Майли, боланинг овозини ўчир, ўйнатиб келақол», деди. Ғулом шу лаҳза фурсатни қўлдан бермай, гўдакни кўтариб, тўппа-тўғри дарбозага — ўнбоши ёнига келди-да, устунга боғлоглиқ тўриқни ечди. Бир сакраб отга минди. Ўнбоши болани ердан кўтариб, Ғуломга узатди. Қалъанинг Тапқоқ маҳалласи томонидаги дарбозабонлар Ғуломни чиқариб юборишди. Олдиндан мўлжаллаб қўйилган режаси бўйича Ғулом ҳали мўғуллар етмаган шаҳарнинг Ўратепа дарбозаси томон айланма — жин кўчаларидан ўтиб, бунда кўриқлашнинг маъноси ҳам қолмай, очилиб ётган дарбозадан чиқди. Шаҳар қўрғонидан бир оз узоқлашгач, аввал Конибодом томон қочсаммикин, деб ўйлади. У далама-дала юргач, Конибодомдан кўра ҳам Куркат, Нав, Қорасув томон юришни лозим топди. Бу томонларга ҳали-бери мўғуллар келолмаслигини, ҳар қалай тоғ ичига киришни кўзлади. Баъзан отга қамчи босиб чоптирар, баъзан чарчаган от лўкиллаб юрарди. Кимсасиз дала... Аллақаерда кўппаклар вовуллар, «Э, нодон кўппаклар, ўзингникига вовуллайсанми?! Босқинчи мўғулларга вовулламайсанми?!» — дерди Ғулом. Куркатда узоқ қариндошларидан бири туришини биларди. Мабодо, бунда бир-икки кун бўлса, ундан Ўратепа орқали Шаҳристонга, кейинчалик Панжруд қишлоғига жўнаб, ўша ерда яширинишни кўзлади. Бу гўдак Темур Малик фарзанди эканини ҳеч кимга билдирмасликни ҳам кўнглидан ўтказди.

Ярим кечага борганида Метин унинг тиззасида ухлаб қолди. Шу яқиндаги бир хонадонга тушиб, дам олишди. Хўжандда бўлаётган қиймат-қойим ҳақида деҳқонларга гапириб берди. Бу невараси, ўзи хўжандлик бир фақир киши эканини айтди. Бунда дам олиб, чой ичиб, қоринларини тўйдиришгач, отни ҳам суғориб, хашак беришди. Тонготарда у яна отига миниб, тиззасида Метин билан Шаҳристон томон йўл олди. Агар унда синглиси ёки инисини тополса замон тинчигунча яшириниб туришни ўйлади. Агар тополмаса, Панжрудга жўнаши, унда жиянлари, яна бир иниси борлиги аниқ, Панжруд тоғ оралиғи, бу ерга мўғул етиб келолмаслигини кўнглидан ўтказди...

* * *

Мўлтониларга ўхшаган қора ва ориқ, тишларини тишқоли билан бўяган Бинафша бека бундан бир ой бурун Темур Малик Чориқдарронга жўнаши биланоқ Хўжандда аҳвол яхши бўлмаслигини бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан эшитиб, юрагига гўлғула тушган эди. У ўша куниеқ тайёргарлигини кўриб — Ойчечакка бир нима демаса ҳам, орттирган олтин жавоҳирларини халтачага тугиб, пахталик нимчаси ичига билинмайдиган қилиб чатиб олган эди. У Темур Маликдан эмас, «чўққи соқол, қирра бурун, қорақош Муҳаммад Интизомдан» қўрқарди. Сардор уни қўлга тушириб, ўлдириши лозим бўлганида, ҳоким олдидаги тавба-тазаррудан кейин тирик қолган. Иттифоқо шу одамга кўзи тушганида қўрқувдан жони бўғзига келарди. У Аёз сардор, Жаҳон паҳлавоннинг одамсўяр пичоғидан ҳам даҳшатлироқ кўринарди. Ойчечак Муҳаммад Интизом ҳокимнинг энг

ишонган кишиси, уни «Меҳтарбод» деб аташларигача Бинафша бекага маълум қилган эди.

Мўғуллар қалъага кириб, ҳаммаёқни остин-устин қилган куннинг эртасигаёқ Ойчечак хаёлига ўғли келди. У боласини суриштирди. Биринчи бўлиб Бинафша бекадан сўради. Бинафша гаранг, боланинг йўқолгани Ойчечакнинг юрагига ваҳима солди. Мўғулларнинг катталардан кўра ҳам ҳоким болаларини бўғиб ўлдиришлари қулоғига етган эди...

— Тезда Ғуломни топ! — деди у, Бинафша бекага бақариб.

Бинафша беканинг ранги оқариб, кўзларини ола-кула қила бошлади. «Мўғуллар унинг боласини ўлдирган бўлса-я! — беканинг юраги шигиллаб кетди. — Унда нима бўлади?!»

У, қалъа ҳовлисига чиқиб, бирон кимсадан сўролмас, чунки ҳамма ёқда мўғуллар... Қалъа устунларига, кун чиқар томонидаги масжид хонақоҳларига ҳам олиб кирилиб, устунга от боғланган. Гилама наматлар йиғиб ташланиб, боғ-боғ бедалар босилган эди. Қалъа ҳовлисида бир неча ерга қозон қурилиб, эт пиширилар, икки-уч ерда қўй сўйилган. Нималар бўлаётганини киши тушуниб бўлмайдиган бу пайтда, қалъа ҳовлисида бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз пайдо бўлиб қолди. У тетик, илгаригидек сергап, серхушомад юрарди. У ҳеч нарсадан ҳайиқмас, мўғуллар, ўнбоши, юзбошилари ҳам унга ёмон кўз билан қарамаётганини, Темур Малик даврида, қандай бўлса, шундай бемалол юрганга кўзи тушган Бинафша бекага жон кирди. У кўксига туфлади: «Хайрият-е, Аҳмад оқсоқол бор экан...» деди.

Бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразни деярлик барча «ибн»ни тушириб қолдириб, «Аҳмад Мораз» деб атарди. Бозорда Болосоғун томондан келган яна бир Аҳмад Тороз деган боққол ҳам бор бўлиб, у аслида Тороз шаҳридан, бозор оқсоқолининг ишончли кишиларидан, «Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга» деб юрарди. У ҳам ҳовлида ивирсиб юрган экан. Аҳмад ибн Мораз мўғул кўшини Хўжандни қамал қилиши биланоқ шаҳар ҳокими Темур Маликнинг тарафдорларига нисбатан тўнини тескари кийиб, бундан бир йил муқаддам бозор майдонида қатл этилган икки қочоқ навкарнинг уруғларини қидириб қолганидан хабардор эди. Шунинг учун бека булардан ҳам болани сўрай олмай, ичкарига ноилож қайтди.

— Қани менинг ўғлим? — бақирди юзлари бўртиб, кўзлари кўкариб кетган Ойчечак, бекага пешвоз юриб. — Ўғлим қани?

— Ўзингизни босинг, бекам!

— Босмаймен! Боламни топ! Мен уни сенга ишониб қўйган эдим!

— Сенсираманг! — дўқ урди Бинафша бека.

— Сансираймен! Ярамас, ким бўпсан! Агар ўғлимни топмасанг, кўрасан! Мен ҳам юртимдан, ҳам ўғлимдан ажраламанми?

— Бу кам,— деди заҳархандалик билан Бинафша бека.

— Шоҳмурод Кўхистоний билан Шерюрак Шошийнинг хотинлари, қизи ўзларини қўрғон кунгурасидан ташлаб ўлдиришди. Сен нега ўзингни ўлдирмадинг?! Нега заҳар ичмадинг, қўлингдан ушлаб турдимми?! Болани сен туққансан, уни сендан сўрашади. Қани у?

Ойчечак бирдан кўкариб кетди. Кўзи тиниб ерга йиқилди.

Йигирма тўққизинчи боб

*«Видолашмоқ фурсати етган экан,
соҳибқирон, биз ўлим олдида мард турамиз!»*

Тунда Темур Малик, Шоҳмурод, Шерюраклар яна бир қисм сарбозлар билан дарёдан чиқиб, қалъа остида душман билан тўқнашди. Пиёдалар билан бўлган жанг анча вақтгача чўзилиб, уни анча нарига суриб, кўпгина мўғулларни ер тишлатишди.

Мўғул камонандозининг пойлаб туриб рўбарўдан отган ногоҳоний ўқи Шерюрак Шоший кўксига қадалди. Камон обдон тортилиб, шу қадар куч билан отилганидан пўлат совутни тешиб ўтиб, паҳлавоннинг орқасидан тешиб чиқибди. От устида қилични баланд кўтариб, олдинга интилаётган сардор Шерюрак Шоший аввал буни сезмагандек бир лаҳза шаҳдидан тушмади. Аммо танида кучли оғриқ пайдо бўлиб, бирдан ҳолсизланиб, отдан қулади. У ерда ётиб, жон ҳолатда кўксидаги ўқни суғуриб ташлади. Оти ҳам шу ерда тўхтаб қолди. Одатда ўқ учи заҳарланган бўлса, ярадор титрай бошлайди. Шерюрак ҳам ерда ўтириб, титрай бошлади. Унинг отдан қулаганини, яраланиб ерда ётганини кўрган сарбозлардан бири, отини саркарда томон суриб, мўғул тўдасини қувиб кетаётган хўжандликлар ичидан уни четроққа олиб чиқди-да, Шерюрак яраланганини айтиб, қўли билан кўрсатди. Ун қадамча ўнгга юриб, кўкрагидан ўқ еб, ерда ётган Шерюракка кўзи тушган Темур Малик дарҳол унинг елкасидан ушлади. Оғриқ аламига чидолмай оқ ураётган соҳибқиронни қучоқлади. Қилич тутган бир неча йигит тезда бунга етиб келиб, сардорларни душмандан ҳимоя қилиб турди.

— Лаънатиларнинг ўқини ушламанг, ташланг! — деди дарғазаб Темур Малик. У ёнида турган навкарга қаради: — Югур, жанг қилиб, юқорига кетаётган Шоҳмурод ёнида қон тўхтатадиган намат куйиги, пахта бор. Малҳам бор, сардорни дарҳол чақириб кел!

Сарбоз йигит шу лаҳза қўлида яланғоч қилич, Шоҳмурод ёнига йўналди. Темур Малик Шерюракни қучоқлаб ўтирган ерида малҳамга кетаётган йигитга буйруқ берди:

— Йигит, Шоҳмурод Кўҳистонийга айт, қочаётган мўғулларни битта қўймай қирсин! Йиқилганини ҳам чопиб ташласин лаънатиларни!

Сарбоз бош қимирлатиб, буйруқни тушунгани, худди шундай бўлишини саркардага маълум қилди.

Темур Малик қучоғида титраб, жон қийноғида инграётган Шерюрак кўзларини катта очиб, бошини саркарда елкасига қўйди.

— Саркарда, сиз бу ерда ёлғиз қолманг, қўшин орқасидан етиб олинг. Мўғулларнинг баъзи тўдалари оч бўридек изғиб юради.

— Дўстим, Шоҳмуродни чақирдим, у ҳозироқ етиб келади. У — яхши табиб. Жароҳатингизни боғлайди, қонни тўхтатади. Унинг тоғдан олиб келган малҳами бор, у оғриқни босади.

— Саркарда, мен табиб келишигача етолмайман. Оғриғи ёмон бўлаяпти... Ҳаммаёқ қоронғулашиб кетмоқда...

Темур Малик чанг-тўзон орасида яна «қашқирлар галаси» пайдо бўлиб қолишини ўйлаб, қиличини тайёрлаб қўйди. Шоҳмурод етиб келгунича Шерюрак ерга ётиб, бошини саркарда тиззасига қўйди. Оғриқ аламидан тинмай оқ урарди. Бу ерга қидириб етиб келган Шоҳмурод дўнглик тагида ярадор Шерюрак ётганини кўрди. Уни қучоқлаб ўтирган саркарданинг қафтлари ҳам қон бўлиб кетган эди. У илгаридан тайёрланган куйдирилган намату пахтани жароҳатга босди. Малҳамни ярадорнинг кўксига, орқасига сурди. Аммо Шерюрак Шоший борган сари ҳолдан кетарди.

Шоҳмурод Кўҳистоний ўн қадамча нарида ётган ўқни бориб қўлига олди-да, саркардага кўрсатди. Ўқ учидеги ўткир пўлат тигда қотган қон кўкариб кетган эди. Ўқнинг ёғоч қисмидаги қон ҳам худди шундай, пойнакдагидек кўкариб қотган.

— Саркарда, ўқ заҳарланган, — деди Шоҳмурод бошини сараксарак қилиб, — заҳар қонга ўтган... У ўқни ерга ташлаб, ёнида турган сарбоз йигитнинг хуржуни ичидеги мешчадан озгина сув оқизиб, беҳол ётган Шерюракка ичиришга уринди. — Аҳвол жуда ночор... — деди Шоҳмурод саркардага қараб.

Лабига сув текканини сезган Шерюрак бир лаҳза кўзини очиб, саркардага қаради. Бу энди унинг видолашмоқчи бўлаётганини билдирарди.

— Са-р-ка-р-да, ро-зи бў-ли-инг... — деди у, шивирлаб.

— Видолашмоқ фурсати етган экан, паҳлавон соҳибқирон, азизим, укам, биз ўлим олдида мардонавор турамиз. Биз ватанимизни, еримизни ҳимоя қилиб, жон бермоқдамиз, дўстим Шерюрак паҳлавон! — деди уни қучоқлаб.

Шерюрак бир-икки кўз очиб, жон берди.

— Саркарда билан Шоҳмурод Шерюрак энгагини белбоғ билан танғиб, тепасида фотиҳа ўқишди.

— Саркарда, ўққа заҳар суркалган, бу ўқ танга сал-пал кирдим, киши саломат қолиши мушкул. Бу заҳарни мўғуллар тайёрлаган, қозонда қиздирилиб, ичига солиб қўйилади. Мен буни эшитганмен...

— Уша ўқни менга бер. Уқдонимга солиб қўй! — деди саркарда.

— Эҳтиёт бўлинг, қўл билан ушламанг, — Шоҳмурод ёнидан латта чиқариб, ўқнинг белидан боғлади. Белги қилиб Темур Малик ўқдонига солди.

— Энг яқин дўстимиздан жудо бўлдик, — деди Темур Малик, Шерюрак жасади тепасида боши қуйи, чўққайиб ўтириб — Хўжанд қўшини бир паҳлавондан айрилди. Йўқ, бутун Мовароуннаҳр ўз паҳлавон ўғлидан ажралди. Уч яшар болам ҳам қаерда қолганини билмаймен. Сиз эшитганингиз йўқ, азизим Шоҳмурод. Бағрим ёнадир... Хиёнаткорларнинг боши — бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз экан. Қалъа девори тагидаги дарёга чиқадиган йўлни ҳам душманга маълум қилган ўша малъун! Султон лашкарни жамлаш ўрнига бўлак-сўлак қилиб юборди, деб уни қўрқоқликда айблаб келардим. Бундан ташқари, биз ўз ичимиздан чириган эканмиз, манманлик, мол-дунё йиғиш касалига мубтало бўлиб, юртига хиёнат қиладиганлар кўпайиб кетибдир! У ёғини сўраманг! Мен сирни ошкор қилган савдогарбаччаларнинг бошини уздим. Аслида бозор оқсоқолининг бошини узишим керак экан! У ёстуғим остида кулча бўлиб ётган заҳарли илон экан... Билмай қолдим, сезмай қолдим!.. Бағрим ёнадир.

— Сабр тилаймен, саркарда, — деди боши қуйи Шоҳмурод Кўхистоний.

Икки сарбоз Шерюрак Шоший жасадини кўтариб, қирғоқда қалқиб турган кемага солишди. Ундан сўнг оролга сузиб кетишди.

Эрталаб, офтоб чиққач, Шерюрак Шошийни шу кичик оролга дафн этишди.

Уттизинчи боб

Истеҳкомга ўтув жанги

Биргина Хўжанд халқи эмас, Сайхун ёқасидаги қанчалаб қишлоқлар муҳораба даҳшатини кечирарди. Отлиқларнинг у ёқдан-бу ёққа югуриши, асир олинганларнинг Хўжанд томон ҳайдалиши, ёнган уйлар, қорамолларнинг очликдан бўкириши — тирик қолганларни ваҳимага соларди. Кутилмаганда найза ўқталиб югуриб қолган мўғулга рўпара келиб, ҳалок бўлиш — оддий воқеа. Тери чопон ичидан совут, бошига тумоқ кийиб, қилич яланғочлаб югурадиган мўғуллар ниҳоятда шафқатсиз эканини ёшу қари у ёқда турсин, кўчаларда изғиб юрадиган итларгача пайқаб, тирақайлаганча қочарди.

Чорикдаррон жангида хўжандликлар енгилиб, орқага чекиниши — жуда оғир алам эди. Аммо хўжандликлар нуфуз жиҳатидан мўғулларга нисбатан оз бўлишига қарамай, яхши жанг қилишгани шундоқ сезилиб турарди. Темур Маликнинг тинимсиз ҳарбий машқлари бекорга кетмади. Ҳар қалай кучли ва маккор душман катта куч билан ёпирилиб келиб, кутилмаганда сурункасига кечаю кундуз жанг қилиб, халқ тинкасини қуритди. Ҳамма нарсани олдиндан ўйлаган Темур Малик мўғулларнинг тунги жанг учун алоҳида катта қўшинни пистирмада сақлашини ҳисобга олмаган эди. Ана шуниси уни доғда қолдирди. Икки томондан қурбонлар ниҳоятда кўп бўлди...

Энг оғир кунларда инсон бир лаҳза бўлса ҳам саодатли дамларини эслайди.

Дарё ёқасида қирғин жанг кетарди, қиличларнинг шарақ-шуруқи бақириқ, отларнинг кишнаши шундоқ яқиндан эшитилиб турарди. Шаҳар ичида кетаётган тинимсиз олишувга икки томон ҳам ўрганиб қолган: бир лаҳзада ерга қулаган одаму баъзан отлиқларнинг гурсиллаб чопиши, ҳовлиларда кимнингдир фарёд чекиши одатий ҳол тусига кирганди.

Найза тутган сарбозлар ихотасида Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний дарё ёқасига боришарди. Йўлда у бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг хиёнаткор бўлиб чиққани хусусида гаплашишди.

— Лекин бу хоин шундай қолабермайди! Сардор Муҳаммад Интизом унинг изидан тушган, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний.

— Кучли одамлар беихтиёр ёмонлик жари ёқасига бориб қолганларига, ўзларини ўнглаб олиш қобилиятига эга, — деди катта кема четида ўтирган Темур Малик. — Фақат ожиз кимсалар хоинлик кўчасига осонгина кирадилар.

Бозор оқсоқолининг калтакесакдек совуқ башараси бир лаҳзада йўқолиб, Темур Малик кўз олдида раққоса Нигина пайдо бўлди. У саркардани юпатиб, ноумид бўлмасликка ундарди. Оғир дамларда ҳам киши кўнгил торлари овозига қулоқ солар экан. Рўпарасидаги тўлиб, жимирлаб оқаётган Сайхун дарёси устида Нигина рақсга тушаётгандек бўларди.

— Чарчадингизми? — Темур Малик кулимсираб Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди.

— Йўқ, — деди у, — боболаримиз от чарчаганда бошқасига минишган. Биз от эмас, туя эмас, фил эмас, Сайхунга минамиз. Мана, бу бениҳоя кучга тўлиб оқаётган дарё ҳаммасидан қудратли. У бизга мадору қудрат беради. Биз душманни яхшилаб савалаймиз!

— Дилимдаги гапни айтдингиз, — деди Темур Малик. — Дарё — жонимизни сақлаб қоладиган жой эмас, биз унга миниб, куч олиб, босқинчиларни мажақлаймиз!

Кеч кирмоқда. Кунботар томонда жимирлаб оқаётган дарё уфқида кесилган бошдек қуёш қизариб чўкмоқда. Тунги жангги бошлаган мўғуллар кейинги пайтда бу ишдан қайтишгани, хўжандликлар куч тўплаб, айниқса ярим кечада бўладиган жангга катта тайёргарлик кўраётганини пайқадилар. «Ота-боболар удумини ушлаб, фақат кундузни ўйлабмиз, тунда жанг қилишни ўрганмабмиз. Бу бизга аччиқ сабоқ. Султоннинг кучни бирлаштирмаганини хато, деб юрардик. Ўзимизга ўзимиз маҳлиё бўлиб, зўрлигимизга ишониб юраберган эканмиз. Димоғдорлик оқибатида, мана, душманга ем бўлаётирмиз! Кўзимиз кеч очилмоқда. Лекин ҳеч қачон ноумид бўлмаслик керак. Босқинчилардан тупроқни озод этамиз!» дерди Темур Малик. Хўжандликларнинг дарё ичидаги истехкомга чекинаётганини, унда мингга яқин сарбоз борлигини биларди. Дарёнинг нариги томони — тоғ этакларига ёйилган мўғуллар, асир олинган ўтрорликлар, дарёни бўғамиз, деб тинимсиз харсангтош ташишарди. Саккиз юздан ортиқ Хўжанд фидойиси омон-эсон сувдан ўтиб, оролда манжанақларни ҳозирлаб қўйган. Саркарда фармони билан орол қирғоғида катта кемаларни арқонлар билан боғлаб, тайёр турарди. Ўзи чап қирғоқда икки юзга яқин суворийси билан тунги жангга ҳозирлик кўрарди. Шаҳарнинг Тапқоқ, Қаландархона, Чорқишлоқ, Сарисанг томонларида ҳалокатдан кетган мўғуллар ётишга жой изларди. Кейинги пайтларда ҳар қанча жаҳду жадал қилмасин, улар тунги жангларда кўп талафот кўраверишди, Хўжанднинг ҳар қулаган девори, ҳар дарахту ҳар мўрисси орқасида яшириниб турган сарбозлар тўсатдан пайдо бўлиб, илвирсдек бир онда мўғул устига сапчиб, бўғизлаб кета бошлади. Шу сабабли мўғуллар эҳтиёткор бўлиб қолдилар, майдон ёки кўчаларда тунайидиган бўлдилар. Улар отларига беда тополмай, у ёқдан-бу ёққа изғишар, шаҳар ичидан четроққа чиқишга мажбур

бўлардилар. Баъзи томонлардаги беда ғарамлари ёниб кетган. Дарёнинг нариги томони, Мутиғил тоғи этагида боргоҳ қуриб, жангга сардорлик қилаётган Сўқту нўён диққати дарё ичидаги истеҳкомда. Улар дарё ёқасига келиб, жимирлаб, буралиб оқаётган Сайхунга соатларча тикилишар, узоқда, дарё ичидаги узун оролга боқишиб, бунда чумолидек тинимсиз ҳаракат қилаётган хўжандликларни кузатишарди. Кейинги кунларда уларнинг диққатини Хўжанддан кўра ҳам дарё ичидаги истеҳком тарта бошлади. Маркит уруғидан бўлган отличлар сардори хўжандликлар қўлига асир тушиб қолганини эшитган Улоқ нўён тоғ этагидаги боргоҳда Сўқту нўённи қолдириб, кеча учинчи бор дарёдан ўтиб, Хўжандга кириб келди. У жанглар тафсилотини билмоқчи эди.

Дарҳақиқат, маркит отличларининг сардори Уратепа дарбозаси атрофида бўлган жангга одан қулаб, оёқ-қўли боғланиб, дарё ёқаси — Чорқишлоқ соҳилида турган Темур Малик ёнига олиб келинган эди. У бурни узун, хипчадан келган, соқол-мўйлаби сабза урган — йигирма икки, йигирма уч ёшлардаги йигит эди. Темур Малик унга ғазаб билан боқди.

Қуёш ботган...

Уртада ёқилган гулхан шуъласида асир важоҳатига тикилди.

— Бизнинг кўп одамларимиз ҳалок бўлди. Чекинаётирмиз. Аҳвол сенга маълум. Сени ўша ерда ўлдиришлари мумкин эди, лекин сардорлигининг либосингдан билиб, ўлдирмай ёнимга олиб келдилар. Бизда асир тутмоқ имконияти йўқ, хафа бўлма, сени бир чеккага олиб чиқиб ўлдирамиз! Бошқа илож йўқ. Ўлдирмасак, эртага сен мени ўлдирасен. Ҳарб-зарбнинг қаттиқ қонуни шунақа.

— Йўқ, сабр этингиз! — деди кўзлари ола-кула бўлиб.

— Мўғуллар орасида беш юздан ортиқ маркит бор. Кўпчилиги Хўжанд жангида ўлди. Биз оз қолдик. Мени ўлдирмангиз... Мен сизга хизмат қилурмен.

— Бу гап дилингданми? Ишонсак бўладими?

— Буюк саркарда, ўлдирманг мени, юракдан сўз айтамен, — йигит Темур Малик оёғи олдида тиз чўкиб, бошини эгди.

Темур Малик бир лаҳза ўйланиб қолди. Аслида унга мўғул қўшинидан шундай бир киши керак эди. Агар унинг гаплари астойдил бўлса, бундай асир жуда асқотарди унга.

— Бу йигитнинг гапларига ишонамен. Уни ўлдирманглар, — деди Темур Малик, ўз одамларига қараб, — уни кемада, дарё ичидаги истеҳкомга олиб ўтинглар! Қолган гапни унда гаплашамиз!

Сув ичидаги оролга сузиб ўтаётган кемалардан бирига уни ҳам солишди.

Тун оғиб, қоронғулик чўкди. Темур Малик Муҳаммад Интизомга нималарнидир шивирлаб, уни дарё бўйида қолдирди-да, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа отга миниб, Сарисанг ёнидаги дарахтзорда шай турган отличлар ёнига боришди. Кутилмаганда овоз чиқармай, тўсатдан Тапқоқ ва Қаландархона атрофида дам олаётган мўғуллар ихотасини ёриб ўтиб, чопқин бошлаб юборишди. Ўзини ўнглолмаган душманни азонгача саваб, юзга яқинини қириб ташлашди. Уратепа, Масжиди Савр томонларга қочган ўн-ўн беш мўғулни ҳисобга олмаганда, бу ердаги юз чоғлиқ душман ер тишлаб, кўчаларда чўзилиб қолди. Қўлга тушган ўлжа — қурол-яроғларни олиб, Темур Малик ўз сафдошлари билан яна дарё ёқасидаги гулхан ёнига қайтди. Жароҳатланганларни ётқизиб, яраларга пахта куйдириб босишди. Баъзиларга дори бериб, баъзи кишиларни тезда яраланган қўли ва пешонасини латта билан боғлашди...

Шу кун азонга яқин Муҳаммад Интизом умрида биринчи марта тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди. «Меҳтарбод»нинг ҳеч қачон бундай, фармонни бажармай келган вақти бўлмаганди. У тунда икки йигити билан қалъанинг дарёга чиқадиган қўрғон деворлари остидаги яширин йўлдан ўтиб, Ойчечакни ҳам, Бинафша бекани ҳам бу ерга

олиб келиши, агарда бунинг иложи бўлмаса, уларни ўша жойда ўлдириб, Метинни ўғирлаб чиқишлари лозим эди. Бу ишларнинг биронтасини ҳам бажара олмай, либослари йиртилиб, тирсагу пешоналари тошларга тегиб, қонаб, қайтиб келишди. Қалъага ўтадиган махфий йўл харсанг тошлар билан беркитилгани, сув киритиб юборилгани маълум бўлди. Темур Малик бу ишга эртага тунда яна киришиш лозимлигини таъкидлади. Агар бугун хоин Аҳмад ибн Моразни ушлаб келсаларингиз яхши бўларди, деди. Қалъанинг Тапқоқ томондаги деворлари остида яширин йўл борлигини, гиштлар атай териб қўйилгани, уларни битта-битта суғуриб олса бўлишлигини саркарда Муҳаммад Интизомга тушунтирди.

— Хоинларни тутиб келишнинг иложи бўлмаса, ўша жойда ўлдириш керак! — деди дарғазаб саркарда. — Сиз сардорнинг дарё ичига ўтишингизга зарурат йўқ, ўз йигитларингиз билан Ниҳон йўлига ўтмоқлик пайти етди! Душмандан ўч олинг!

— Мухтарам саркарда, фармонингиз бажарилади! — деди Муҳаммад Интизом, хомуш Темур Маликка тикилиб, таъзим этиб. «Бинафша бекани бундан бир йил аввал қўлимга тушганида ўлдирмаганимга ачинамен, — деди ўзига ўзи. — Қўлдан чиққан душман ҳеч қачон дўст бўлмайди. Емон кун яхши бўлар, ёмон одам яхши бўлмас!

Бу гаплар гулхан ёқасида хомуш ўтирган Муҳаммад Интизом дилидан ўтди. Унга тикилиб ўтирмаган бўлса ҳам, Муҳаммад Интизом дилидан ўтказаётган изтиробларни Темур Малик сезиб турарди. Дарҳақиқат, у илон қўлга тушиб, боши янчилиши керак бўлганда, Темур Маликнинг ўзи сақлаб қолган эди. Саркарда бир одамни кузатаётганида атай кўзини ундан олиб, бошқа томонга қадарди. Аслида диққатини тортган кимсани наинки кўз, бутун вужуди билан кўриб турарди.

— Асир тушган маркитга қандай қарайсиз?

— Бундан иш чиқади. Уни синаб кўриш керак.

— Қулай фурсат топиб истехкомга келиб кетинг.

— Албатта, албатта!

Муҳаммад Интизом орқасида кутиб турган йигитлари билан биргаликда кўздан ғойиб бўлди.

Сарисанг пастлигига, дарё соҳилига тун қоронғусида келган бўйи қирқ газлик икки катта кемага ҳайдаб келинган кўю эчкиларни, қопдаги донларни ортишди. Озиқ-овқат, қурол-яроғ ва бошқа зарур ашёлар билан тўлган икки кеманинг эшаклари яна шитоб билан сувга урилиб, оролга сузиб кетди. Бошқа катта кемалар ҳам дамодам Сарисанг соҳилига сузиб келиб турарди.

— Бир неча тўр билан беш-олти хумча сирка олиб келиш ёддан чиқмасин, — деди Темур Малик сардор Олабуқага, — Чорқишлоқда Раззоқ бобо деган боғбон бор, инсофли одам. У кишида сирка бўлади. Шавъми ҳам унутманг...

Сардор Олабуқа сирка топиш буюрилганидан кулиб қўйди: «Шундай долзарб вақтда саркарда гўшти сиркага ўлдириб, кабоб емоқчилар?» У бу ишга тушунмаса ҳам, фармонни бажаришга киришди. Оролнинг ўнг томони — Мўтиғил тоғи томон кичик кемалар, Хўжанд томонга катта кемалар боғлаб қўйилишини ҳам саркарда бир неча бор таъкидлаб айтган эди. Арқону занжир, ўткир болталар олишни ҳам буюрди. Ҳар қалай, одамларнинг қалин кийинишини, дарё шабадаси кишини енгиб қўйишини тайинлаганди.

Бугун учинчи кеча, яна бир катта кема оролга тинмай ўтин, ғўла ва саржин ташиди. Истехкомлар қурилаётганида ҳам анча-мунча ўтин олиб ўтилган эди.

Яна бир куни тунда душман отлиқларига қирғин солган Темур Малик гулханни ўчириб, фидойи йигитлари билан саҳар пайти отда Лайлак дарёси томон, ундан тўппа-тўғри Нав, Куркат қишлоқларига ўтиб, ўзининг саломат эканини кадхудоларга кўрсатиб, ярадорларга

дору дармон топиб келди. Аммо Темур Маликни қўлга тушириш мақсадида Улоқнўён Хўжандни икки қават ҳалқа қилиб ўраган, шаҳар ичидаги мўғуллар ҳам уларга қўшилган эди. Душман отлиқлари қалъа тугул, шаҳарнинг ҳамма кўчаларини тўлдириб Темур Маликни излашарди. Чунки унинг баъзан шаҳар атрофида юрганини ҳам кўрганлардан эшитганди. Саркарда ўз йигитлари билан Сарисанга ўтирмай, азонда шаҳардан чиқиб кетганини мўғул айғоқчилари пайқамай қолишди. Улар Сарисанг соҳили ва шу атрофга қўшин тушириб, дарё ичидаги истехкомдан кўз узмасдилар. Темур Маликни улар оролга ўтиб кетди хаёл қилиб, ҳамма ерга соқчилар қўйдилар. Бозорда, расталар ичида виқор билан юрган Аҳмад Моразга дўқ уришиб, майдон четларида қолган мурдаларни йиғиб олишни буюрдилар. У бўлса, шўрлик хўжандликларни бу ишга жалб этди. Мўғуллар асосан дарё ичидаги истехкомга кўз тикканди. Унг ва сўл қирғоқлардаги катта-кичик етмиш кема орол атрофига олиб бориб боғлаб қўйилди.

Тун қоронғулиги чўкиши билан Нав ва Куркат оралиғида яшириниб турган юз отлиқ яна тўсатдан шаҳарга бостириб кириб, бу гал Сарисанг эмас, Қаландархона ва Кемачи томондан ҳужум бошлади. Осмондан тушган чақмоқдек мўғуллар боши устида қиличлар ярқирай бошлади. Саросимага тушган душман бу отлиқлар қаёқдан келиб қолганини билмай доғда эди. Улар ичида Темур Малик борлигини ҳам ўз кўзлари билан кўришди. Ўзларини ўнглаб олгунча чопди-чопди авж олиб, ярим кечада Шаршара, Гунбаз томонларга югурганча кетишди. Жангдан сўнг Темур Малик шаҳар четида яширинишнинг иложини тополмаса, унда Конибодом орқали Ахсикатга бориб, Бек қўшини билан бирлашиб, яна ҳужум бошлашни мўлжаллади, Чориқдарронда Қоракўз бека ҳалокатидан кейин бекнинг ғазабу андуҳи ичига сиғмас, аммо нима қилишини билмай, «Қачонгача ҳажикизлардек ўтираберамиз, душман бир чеккадан еяпти-ку!» дея хуноб бўларди.

Ярим тунда йигитлар билан дарё ёқалаб кетаётган Темур Малик оролдан кўз узмасди. Шоҳмурод Кўҳистоний билан маслаҳатлашиб олганига кўра, чоршанба, тунда катта кемалар Қайроққум соҳилида саркардани кутишлари лозим эди. Соҳилда турган қуроли қайиқчилардан икки киши Темур Маликка пешвоз чиқди. Саркарда бир қисм отлиқларини Конибодомга йўллаб, бўш отларни ҳам уларга бериб, ўзи бир қисм сарбозлари билан кемага ўтирди. Йигитлар отларни Ахсикат беги ихтиёрига олиб кетишди.

Бу гал ҳам мўғуллар Темур Малик режасини пайқаб ололмай доғда қолдилар. Улардан жуда кўп одам ўлдирилгани, бу талафотлар ҳақида Чингизхонга хабар етса Улоқ нўён, Сўкту нўёнларнинг аҳволи вой бўлишини сезиб, нафаслари ичига тушиб кетди.

Шу кеча Темур Малик омон-эсон оролдаги истехкомга ўтиб, Шоҳмурод Кўҳистоний ва бошқа сардорлар билан юз кўришди. Оролни айланиб, ҳамма томонни кўздан кечирди.

Ўттиз биринчи боб

Қадди Афросиёбдек, қалби қора, сиёҳдек...

Дунёнинг ишларини қарангки, унинг номи ҳам Темур экан... Саркарда Темур Малик бу девқомат, елкалари тепадек, қорамағиз, қалин мўйлаби ҳам ярашиғлиқ йигитга қараб туриб завқи келди; агар унинг ҳамма сарбозлари шундоқ девқомат, ҳар бири бир Афросиёб бўлса... бундай фарзандлари бор мамлакат ҳеч қачон завол топмайди!

Илгари ҳарбий машқ чоғида у отда яхши чопар, қилич уриб, ерга қадалган тол шохини шундай чиройли узардики, бу новда қаламдек яна ерга қадалиб қоларди. Бундай сарбоз қилич урганида, душман ўз калласи узилиб кетганини сезмай қолса ажаб эмас. Саркарда Темур Малик қизиксинаётган бу йигитни Шоҳмурод Кўҳистоний Бухоро бозоридан топганини эшитган «У Бухоро бозорида йўлиқиб қолди, мен уни Хўжанд сари бошлаб келабердим...» деган гапни қўшиб қўйган эди сардор. Саркарда дўстидан мамнун. Шундай азамат йигитларни лашкар сафига қўшиш ғоятда мақбул. Унга от ва салоқ, бош-оёқ либос, совуту дубулға беришни тайинлади. Кичик Темур Хўжанд қўшинида хизмат қилиб юрди. Хатти-ҳаракати, қилиқлари ҳам сал-пал совуқроқ эди. Бунга одамлар бора-бора ўрганиб қолиб, пойинтар-сойинтар гаплари унча сезилмайдиган бўлиб кетган эди.

Жанг давом этарди. Мўғуллар шаҳар кўчаларида бир ойдан буён жанг қилиб, сиқиққа оларди. Темур Малик мингга яқин жанговар сарбозлари билан дарёга — Сайхун ўртасидаги истеҳкомга батамом ўтгач, ғала-ғовур ичида эътибор беришмаган экан, икки кундан кейин «девқомат»нинг ғойиб бўлгани маълум бўлиб қолди. Саркарда топшириғи билан икки йигит тунда шаҳарни айланиб, қалъа ичидан ҳам хабар олди. Лекин у ҳеч ерда йўқ эди. Темур Малик ёвнинг устун келаётгани бу ёқда қолиб, бир муддат кичик Темурнинг ғойиб бўлганидан ташвиш тортиди. Изтириб чекди. Уни мўғуллар чопиб ўлдириди, жасади ҳам далада қолиб кетди, деб ўйлади.

Баъзан ярим тунда, баъзан тонготарга яқин Темур Малик йигитлари қайиқда, эшакларни унча шапиллатмай, кутилмаганда нариги қирғоққа ўтишар, шу атрофда соқчилик қилиб юрган мўғулларга тиг санчиб йиқитиб, нўён чодир томон югуришарди. Тўғри келган босқинчини ер тишлатишар, баъзан чодир ичига бостириб кириб, қандайдир юзбошими, ундан каттасими — пичоқ уриб ўлдириб келишарди. Шундай тунларнинг бирида, ўнг қирғоққа — душман боргоҳига ўтган Темур Малик сарбозлари иттифоқо тепалик — катта тош орқасида уч мўғулга рўпара келиб қолишди. Бир лаҳзалик қиличбозликдан сўнг, икки мўғулни чопиб ўлдиришди, учинчиси қочди. Бу гавдалик йигит бошқачароқ эди. Ой нурида унинг сарбаст елкалари, устидаги либоси хўжандликларни хайратга солди; бошида мўғулларга ўхшаб тумоқ эмас, барра қалпоқ, белини энлик камар билан танғиб, қилич осган эди. У юзини кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, туядек лўкиллаб, тоғ томон қочди. Сарбозлардан бири: «Бу мўғул эмас, танидим, ўзимиздан қочиб ўтган кимса. Уни сардор Кўҳистоний Бухородан топиб келган эдилар...» деди. Орқасидан қувиб етиша олмади. Ҳаллослаб қувлаётган шериги: «Биз уни шаҳар дарвозаси ёнида ўлди деб ўйлаган эдик. Лаънати!» деди. Улар ортиқ ичкарига кирмай, ярим йўлдан қайтиб, дарё ёқасига боришди. Бунда қайиқда кутиб турган шериклари ёнига сакраб тушиб, оқим билан тезда сузиб кетишди. Қайиқда камон ушлаб, шай ўтирган шерикларига сотқин ҳақида гапиришди, ушлаб олмаганларига жуда ачинишди. Қайиқ тонготарга яқин оролга етиб келиб, икки мўғулни ўлдиришгани, учинчиси қочиб кетгани — у «яқинда сардор Шоҳмурод Кўҳистоний Бухоро бозоридан эргаштириб келган» йигит эканини Темур Маликка хабар қилишди. Саркарда ниҳоятда дарғазаб бўлди:

— Девқомат бўлгани билан палағда тухумдан чиққанлиги... юрагимга шубҳа солган эди. Шубҳам тўғри — у иблис бўлиб чиқди.

— Менинг гуноҳим катта! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний. — Уни мен бошлаб келган эдим... Ножинс, аттанг, қочибди, лекин қўлимизга тушмай иложи йўқ! Мен бу хоиннинг Афросиёбдек қадду қоматига, муртига қарабману юрагига қарамабман. Кўзим кўр экан. Мен бир чаёни бағримизга олибман. Қалъадан дарёга чиқадиган пинҳон йўлни ҳам шу ярамас душманга кўрсатгани энди маълум бўлди.

— Сотқин кимса душмандан кўра ҳам хавфли! Уни тутиб келиш лозим! Бу жуда мушкул, лекин бари бир ушлаб келиш керак!

Шоҳмурод Кўҳистоний кун бўйи диққат бўлиб, сўкиниб юрди. Тунга тайёргарлик кўра бошлади. Қоронғулик тушишини бетоқатлик билан кутарди. У, Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий каби найза олмай, ўткир ханжару захару доруи беҳуш олиб, садоғига кўпроқ ўқ солди. Олти сарбоз йигитни танлаб, уларни ҳам жангга тайёрлади. Муҳаммад Интизомнинг истеҳкомда эмаслигига ачинди. Йўқса уни ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Ўз йигитларига душман боргоҳи, чодирларнинг туриши, посбонлар қўйилган жойлар, қайиқ яшириб қўйиладиган қоятошли қирғоқ ҳақида тушунтирди. Сотқин билан учрашган жой, катта тош ва қияликлар хусусида ҳам борганлардан муфассал сўраб олди. Сотқиннинг кийимлари эскича экани, у дарё чети — текисликда бўлиши, тоғ тагидаги оқиб ётган жилга бўйидаги чодирларда нўёнлар туриши маълум эди. Ўтрор, Жанд, Барчинликентдан олиб келинган асирлар ва мўғул томонига ўтиб кетган кимсалар кенг текисликда, очикда ётишарди.

Азонга яқин Кўҳистоний шериклари билан қайиққа тушиб, ўн қирғоққа ўтди. Кун бўйи у ёқдан-бу ёққа юриб, бақирган «ғолиблар» тепасига қоплондек пусиб, ер бағирлаб келишди. «Биз қирғоққа ўтгач, иккига бўлинамиз, тўполон кўтарилса, аввал ўша сотқин безовта бўлади. Унинг гирибонидан ушлаб, қўл-оёғини боғлаб дарҳол қайиққа элтиш лозим! Бу гал сотқинни қўлга туширсак, бас, чопти-чоптилар қилмай қўя қоламиз. Тезда орқага қайтмоғимиз даркор!»

Ҳа, дарҳақиқат, иш у ўйлагандек бўлиб чиқди; қирғоққа яқин ерда посбонлик қилаётган икки сарбознинг бири ханжар зарби билан тил тортмай қулатилди. Иккинчиси қаршилиқ кўрсатмай ўрnidан тура солиб, қоча бошлади. Бу — ўша эди! Орқасида қувиб бораётган Шоҳмурод Кўҳистонийга у йўл-йўлакай қилич урмоқчи бўлди. Икки ўртада бир муддат қиличбозлик бошланиб, хоин Темур жон-жаҳди билан олишар, чап қўлидаги ўткир ханжарни баъзан Кўҳистоний биқинига санчишга уринарди. Уни тирик қўлга туширишнинг мутлақо иложи бўлмагач, Шоҳмурод Кўҳистоний олишувни чўзиб ўтирмай, қорнига ханжар урди. Хоин ихраб, букчайганча ерга йиқилди. Кўҳистоний елкасига иккинчи бор ханжар уриб, ишини тамомлади-да, калласини танидан жудо қилди. Эғнидан ўзи кийгизган хўжандий тўнни шилиб олиб, унга ифлос каллани ўради. Вақтни ганимат билиб, қирғоқ томон юрди. Сардор Шоҳмурод Кўҳистонийнинг бошқа йўлдошлари ҳам босқинчилар боргоҳи — чодир ичидаги ўн чоғлик душманни қилич билан чопиб, тезда кемага қайтишди.

Тонг ёришига яқин кема оролга ётиб келди. Етти баҳодир соғ-саломат ўз истеҳкомларига кириб бориб, Темур Малик оёғи остига сотқин калласини ташлашди:

— Саркардам! Сотқинни тирик олиб келишнинг иложи бўлмади. Агар бу каллани келтириб оёғингиз остига ташламаганимда, мана бу нодон каллани (ўз бошига ишора қилди) узиб, оёғингиз остига ташлардим! Орамизда мана шундоқ хоинлар бўлмаганда, Хўжанд қўлдан кетмаган бўларди...

— Азизим! Ҳозир жанг ҳам, чидам ҳам даркор. Сабр гавҳарини дилга солайлик. Она-еримизни топтамоқчи бўлганларнинг қисмати мана шундоқ бўлсин!

Тонгда сотқиннинг узилган калласи оғзини очганча ерда ётарди.

Ўттиз иккинчи боб

Ўчмас доғ

Шаъбон... Иссиқ шаъбон кунлари бозорлари гавжум Хўжанд шаҳри мўғуллар оёғи остида топталиб, мурдадек жонсизланиб қолди. Ёниб, тутуни осмонга чиққан уйлар девори қорайиб, баъзи ерларда

култепалар пайдо бўлди. Жимжит кўчаларда кўзга кўринмас бир ваҳима ҳоким. Дўконлар таланган, айниқса заргарлик, базозлик, зардўстлик расталари вайрон, майдонлар бўм-бўш. Аҳмад ибн Мораз саркорлигида ҳа-бўл, ҳа-бўл, қилиб, уч кундан буён ўлганларнинг жасадлари араваларга устма-ўст тахланиб, тепаликка, қабристонга ташиларди. Асирлар, бозор оқсоқоли қафилга олиб қолган баъзи давангир одамлар мозористон четида чуқур ҳандақ қазиб, ўлган отуловларни ҳам арқон билан судраб келиб ташлашар, баъзан аравадан одамлар жасадини олиб келиб, ҳандаққа ётқизишар, устидан тупроқ тортиб кўмишарди. Мўғул отлиқлари кўчалардан тапир-тупур қилиб, шиддат билан ўтиб қолишди дегунча ҳовлиларда яшириниб ётган қари-қартанглар, қизлар, болалар юрагини қўрқув ларзага соларди. Кўчага чиқишга ҳеч кимда журъат йўқ, аммо базоз Фахр ал Мулкнинг ўғли Рукниддин кўчага чиқди. Уч ойдан буён қоронғу ҳужрада биқиниб ётган Рукниддиннинг ранги синиқиб, офтоб кўрмай «палаги сарғаяётгани»га раҳми келган базоз Аҳмад ибн Мораз билан маслаҳатлашиб, уни кўчага чиқаришга қарор берди, ҳеч нарсадан қўрқмай юрабер, деб тайинлади. Биринчи куни Рукниддинни Аҳмад ибн Мораз ўз ёнида кўчага олиб чиқди. Душман отлиқлари Аҳмад ибн Моразни яхши билишарди. Ўз юзбошиларига нисбатан кўрсатиладиган итоату ҳурматни бу кимсага ҳам кўрсатишарди. У мўғул нўени берган кумуш тўқалик қалин камар белида, ёнида найза, шаҳарда ҳокимдек виқор билан юрарди. Жуда катта ақча эвазига ошнаси базоз Фахр ал Мулкка ҳам найза олиб берди. У бундан икки йил аввал шу базоз ошнасида юз тилла танга ҳисобига ўртага тушиб, ўғли Рукниддинни Темур Малик қўшинидан олиб қолган эди. Муллавачча — хушбичим, қош-кўзлари қора, яхши либослар кийиб юрадиган базознинг эрка ўғли Рукниддин шаҳарда кўпларга маълум. Уни кимдир «бесоқол» дерди, кимлар бошқача айтар, аслида бундай эмасди.

Рукниддин Тапқоқ маҳалласида, ўз тенги болаларга қўшилмай, улардан ўзини юқори тутиб ўсди. Маҳаллалардаги барча болалар балоғатга етиб, отли, қилич-қалқонли суворийлар бўлиб етишиб, Темур Малик қўшини сафига киришди. Аммо ҳокимнинг қатъий интизомидан Рукниддин сурғилиб чиқиб қолган эди. Бу йигитнинг қўшинга олинмаганидан Темур Маликнинг хабари бор, бозор оқсоқоли-ю, Ойчечак бегим ўртага тушиб, уни ҳарбий машқлардан озод этишганди. Бунга Темур Малик бирон юриш бўлиб қолгудай бўлса уни дарҳол чақиртириб олиш шарти билан кўнган эди. Рукниддин мадрасада ўқиш билан бирга, ғазал ва маснавий битарди. «Эҳтимол, уч машҳур «Хўжандий» тўртта бўлар, менинг замонимдан ҳам бир «Хўжандий» қолар...» деган эди Темур Малик фикран, яхши ният қилиб.

Шу куни Рукниддин бозор оқсоқоли билан Қаландархонагача бирга келиб, ундан сўнг мадраса томонга ёлғиз кетди. Кўчалар жимжит. Йўлда ўз ишлари билан банд турган икки мўғулга қўйнидан найзасини чиқариб, улар эътибор бермасалар ҳам кўрсатди. Жўна бу ердан, дегандек ўшқирди мўғуллар. Афтидан, улар кимнингдир уйига кириб, қимматли буюмларини олиб чиқиб, ўзаро бўлишаётган эди. Ундан нарироқда аллақандай хотиннинг бақирини эшитиб, юраги орқасига тортиб кетди. Очилиб қолган дарбозадан ҳовлига ногоҳ кўзи тушиб, ҳовли ўртасидаги супада пўстин кийган бир мўғул айиққа ўхшаб, хотин кишини босиб, бўғиб турганини кўрди-ю, шатиллаганча қочди. Рукниддин мадрасага етиб бориб, ланг очик дарбозадан ҳовлига кирди. Мадраса ҳовлисида отлар боғланиб, хонақоҳ ва ҳужраларга хашақлар уйиб ташланган эди. Бунда Утрордан ҳайдаб келтирилган асирлар отларга қарарди. Озгина итоатсизлик учун қаттиқ жазоланишини биладиган асирлар қўрқа-пуса ишлашарди. Улар бир-бирларига ҳам ишончсизлик билан қарардилар. Рукниддин ичкарига кириб, отбоқар асирлардан бирига салом берди. Лекин у алик олмади, муллаваччанинг бетига ҳам қарамай, ўзи билан машғул бўлаберди.

— Нечун саломимга алик олмайсан?!

— Таъқиқланган, — дея кекса одам Рукниддинга бир қараб қўйди-да, яна ишини давом эттираберди, — бу ерлик фуқаро билан биз сўзлашмаймиз. Биз хонавайрон бўлган Ўтрор фуқаросимиз. Болаларимиз ўлди, ўзимиз дўзах азобига қолдик. Сиз талабага ўхшайсиз, мулла йигит, нечун баҳодир саркардангиздан ажралдингиз? Биз наҳс Инолхон касрига қолгандурмиз...

— Саркарда ҳалок бўлди, Тему́р Малик йўқ...

— Саркарда Тему́р Малик ўз қўшини билан дарё ичидаги истеҳкомда! Саркарда тирик! Биз уни кўриб турибмиз... Дарё ёқасига боринг. Тему́р Маликни кўрасиз!

Рукниддин индамай, лол қотди.

— Сиз нечун қўлингизга қилич тутмадингиз? Ҳамма йигитлар истеҳкомда! — деди кекса одам, Рукниддиннинг кўзига тик қараб, унга шубҳа билан боқётганини сездириб.

Рукниддин ичкарига киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмасди. Бу ўқдай ўткир кўзлар шундай дарғазаблигича қолмаслиги, мабодо ичкарироққа кирса, аламдан уни бўғиб ўлдиришларини фаҳмлагач, орқасига қайтди. У нега бу томонга келиб қолганини ҳам билмас эди. У яна тўппа-тўғри ўз ҳовлисига қайтиб келиб, супа устида ўтирди. Шу лаҳза бояги очилиб қолган дарбоза, супа устида бир мўғул йиртқишлардек хотин кишини босиб, зўрлаётгани, қичқириқ-фарёди қулоғига эшитилиб кетди. Юраги ҳаприқиб яна кўчага чиқди. Нариги кўчада Абдулқодир дўкондор эшигида бир оз тўхтади. Дунёда энг гўзал қиз — Зебони кўрмоқчи бўлди. У кўчада серрайиб туриб-туриб, яна уйига қайтиб кирди. Дўкондорнинг эшиги берк, ичдан танбаланган эди. Рукниддин яна супадаги кўрпачага чўзилди. Уч ой ҳужра ичида чўзилиб ётабериб, чўзилиш жонга теккан эди. Қўни-қўшни, ўртоқлари — мадраса талабаларидан ҳеч ким қолмаганга ўхшайди. Наинки талабалар, отда керилиб юрадиган Сиёвуш паҳлавон, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳазратлари, мансабдорлар... Қани? Бутун Хўжанд бир улкан қабристонга ўхшарди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, бу гўристон сукунати мўғул сардорлари, айниқса Сўқту нўён билан Улоқ нўён тоқатини тоқ қилгач, улар бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразни қалъага чақиртиришди. Сўқту ўтирган жойида илжайиб, гўё «дориломонлик» берилгани, одамлар уйда бекиниб ўтира бермаслигини, бозорларда олди-сотди бошлаб юборилиши кераклигини тайинлади. Унинг илжайиши заҳархандаликми ёки астойдилми — билиб бўлмасди. Қўл қовуштириб турган Аҳмад ибн Мораз «мўътабар зот» Сўқту нўён амри тезда бажарилишини маълум қилди. Жоме масжиддан ҳам отлар, ем-хашаклар олиб чиқиб кетилишини, мусулмонлар кириб, ибодат қилиши мумкинлигини кўниб қўйди. Нўённинг юмшагани бозор оқсоқоли ёнидаги сўфини бениҳоя хурсанд этиб, Сўқту нўённи узундан-узоқ дуо қилди. Сўфи дуосини мўғуллар яхши фаҳмлаб, илжайишди. Бу «дуо» уларни жуда ҳам мамнун этиб, «ўз яқин одамларингизга беринг» деб бир неча найза, тумоқ ва яна бошқа «қимматбаҳо» тухфаларни «Хўжанд мўътабар зотлари» олдига қўйди. Бу ишончу иноят кекса сўфи билан оқсоқолни мамнун этиб, эгилиб, бир неча бор таъзим қилиб, ташқарига чиқишди. Эртадан бошлаб жар солиб, одамларни бозорга ва Жомега масжидига чақиритди. Аммо ҳеч ким келмади...

Эртасига Рукниддин яна кўчага чиқди. Аҳмад ибн Моразнинг шунча жидди жаҳдига қарамай, Хўжанд кўчиб кетган ҳовлидек жимжит, ҳувуллаб ётарди. Йлгариги файзу тароват, бозору каппонлардаги гавжумлигу серҳаракат савдогарларнинг фойда учун терлаб-пишишлари, мадрасалар ҳовлисидаги мусоҳаба, мунозара ва мутолаалар йўқ...

Саркарданинг ҳалок бўлмагани, вақтинчалик Сайхун ичидаги истеҳкомга чекингани кишиларга далда берарди. Оғир жангларда жасурлик кўрсатган Тему́р Малик Хўжандни мўғулларга шундоқ ташлаб кетиши мумкин эмас эди.

Рукниддин яна ўша Абдулқодир дўкондор — эгарчи эшиги ёнига келди. Соатларча кўча четидаги харсангтош устида чўққайиб ўтирди. Девор тепасиданми, мўри туйнугиданми, эшик тирқишиданми мўра-лаб, ўзининг бунда интизор ўтирганини Зебо кўради, деб тахминлади. Дарҳақиқат, шундай бўлди, чурук-чарик кўйлак кийиб, юзларига қоракуя суркаган, сочлари тўзиган бир алвасти эшикни қия очиб, чўққайиб ўтирган Рукниддинга қаради.

— Бу мен, Зебоман.

— Сенмисан? — деди ўрнидан туриб, эшик ёнига келган Рукниддин Зебонинг бу ҳолига ҳайрон бўлиб.

— Бу мен. Атайи шундай қилиб, бекиниб ўтирибман. Ойимлар шундай «ясатдилар». Бу — ниқоб... Нега дарёдаги жойга, саркарда ёнларига кетмадингиз?

Рукниддин сукут сақлаб, саволга жавоб беролмади.

— Нега қилич ушлаб, Хўжандни душмандан ҳимоя қилмадингиз?

Олазарак бўлиб турган Рукниддин бу саволга ҳам жавоб беролмай, донг қотди. Чўнтагидаги мўғул пайзасини маҳкам ушлаб турарди.

— Жанг тугади. Энди тинчлик... Мана, энди қўрқмай юраберсак бўлади. — У чўнтагидан пайзани олиб кўрсатди. — Сенинг ҳам, менинг ҳам отам савдо-сотик қилишади, энди бозорлар яхши бўлади. Бизлар учун бозор муҳим...

— Менинг отам эгарчи, саркарданинг отларига эгар-жабдуқ ясаган... Қўлингиздаги нарсадан маълумки, сиз мўғуллар томонига ўтибсиз. Уйлаганларимнинг ҳаммаси ёлғон чиқди. — Зебо шу сўзни айтиб, эшикни ёпган эди, шу лаҳза қаердандир пайдо бўлган барваста мўғул дарҳол эшикни итариб очиб, Зебони қўлидан тортиб, кўчага олиб чиқди. Афтидан мўғул босқинчилари шаҳардаги хотин-қизлар бекиниб, юзларига таппи, қоракуя суриб «алвасти» бўлганликларини ҳам фаҳмлаган бўлса керак, улар панада туриб, ҳовлиларни кузатишарди. Чингизхоннинг фармони билан бирон шаҳар босиб олингач, бир неча ой мобайнида шаҳарни талашга, босқинчилик — тажовузга рухсат берилган эди. Мўғул «чиройли йигит»нинг чўққайиб ўтирганидаёқ унинг кетига тушиб, пойлаб юрган эди. Узокроқда турган бошқа отлик ҳам югуриб келиб, шеригига ёрдамлашди. Қўлидаги пайзасини пеш қилиб, Рукниддин мўғулларга рўлдиллаб, қўлини ушламоқчи бўлган эди, мўғул унинг қорнига тепиб, кўчага ағдариб ташлади. Икки мўғул Зебони бақиртириб, отга ўнгаришди-да, қаёққадир гурсиллаганча кетишди. Рукниддин ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини қоққанча уйига жўнаб қолди... Унинг кўз олди қорайиб, оёқлари чалишиб, яна йиқилди. Кафтида мўғул пайзасини маҳкам ушлаганча, атрофга олазарак бўларди. Унинг Зебоси кетди... Неча ойдан бери яшириниб ётган севикли қизни ўз қўли билан мўғулларга тутиб берди. Энди нима қилади! Унинг бағри ёна бошлади. Қизнинг ота-оналари дод солади. Шунча фожиалар етмагандек, Рукниддин биқиниб ётиб, юзага чиққан куни Зебони бўрилар олиб кетди. «Бу менинг касофатлигим, — деди ўзига-ўзи Рукниддин, — мен энди қайси юз билан бошқаларга қарайман?!» Темур Малик, Шохмурод Кўҳистонийларни ҳалок бўлган деб эшитган эди. Унинг ҳаммаҳалла ўртоқлари, мадрасадаги талабаларнинг анча-мунчаси саркарда ёнида, улар Утруп жанги вақтидаёқ қўшинга олинган эдилар. Отам хато иш қилиб, мени сарбозликдан олиб қолди, деган гапни ҳам кўнглидан ўтказди. Лекин бугунги иш — кўз олдида Зебони мўғуллар судраб олиб кетиши қиёматгача унутиб бўлмайдиган шармандалик бўлди. Бу мислсиз шармандаликка қандай чидаш мумкин?! «Юртини душманга сотган кимса, севиклисини ҳам ўз қўли билан сотди...» Бу овоз Рукниддин қулоғига эшитилиб кетди. «Сен касофат, инсон пушти-камаридан эмас, сен ифлос йирингдан пайдо бўлган нимарсасен! Сен, савдогарбачча, молни эмас, юртни, муҳаббатни, инсонийликни ҳам сотасан! Бундан кўра ўлганинг яхши эмасми! Бировнинг покиза қизини ҳам мўғулларга сотдинг! Сен жирканч одамсан!» деган бир овоз ҳамма

томондан эшитиларди. Чўнтагида қўли билан маҳкам ушлаб келаётган найза чаёнга ўхшаб, қўлини жазиллатиб чаққандай бўлди. У қўлини чўнтагидан олиб, найзани кўчага отиб юборди. Унга энди найза-пайзанинг нима кераги бор!

У, бирдан телбаланиб, мўғуллар Зебони отга ўнгариб олиб кетган томонга югурди. Ердан тош олди. Унинг ёнида пичоқ тугул қаламтарош ҳам йўқ эди. Тиғсиз, пичоқсиз йигит — йигит эмас, деган гапнинг маъносига мана энди тушунди. Наҳотки у ёнига бир пичоқ ҳам солиб олмабди, мўғулнинг ёнига боргач, яна унинг қорнига бир тепиб, ер билан яксон қилади-ку! Кам деганда мўғулнинг бирон ерига пичоқ уриб, жароҳатлаганида ҳам дунёдан армонсиз кетармиди. У, ўз назарида, дарҳақиқат, «йирингдан ҳам жирканч бир нарсадан пайдо бўлган кимса» бўлиб қолди. Рукниддиннинг бағри ёнар, нима қилишини билмай, кўчаларда у ёқдан-бу ёққа телбадек югурарди. Зебодан ном-нишон йўқ.

Рукниддин кечгача барзанги мўғулни излади. Зебодан дарак бўлмагач, жонсиз мурдадек оқариб уйига қайтиб келди. Ҳеч ким билан гаплашмади, туз тотмай, хона бурчагида гужанак бўлиб ётди. Нима бўлаётганига тушунмасди, қўлига қурол олиб мамлакатини ҳимоя қилиши у ёқда турсин, битта қиз болани ёв чангалидан олиб қололмагани унга қаттиқ таъсир қилиб, ўзидан жирканиб кетди. «У ҳеч кимга керак эмас, уни ҳар бир мўғул ерда фирмирлаб ётган қуртдек оёғи билан босиб кета беради. Шундоқ хор бўлгандан кўра қўлига қилич ушлаб, душманнынг бирини ўлдириб, иккинчиси қўлида ҳалок бўлгани яхши эмасми?! — деган гапни кўнглидан кечирди. — Бу гапни ҳамма ақли расолар билади — фикри ожиз, иродаси йўқ кимсалар мана мендек ҳолга тушади...» деди ўзига-ўзи Рукниддин. Бир муддатдан кейин унинг шу ётганича кўзи илинди. Рўпарасида Хўжанд ҳокими, саркарда Темур Малик пайдо бўлиб, у ўзининг булутга сакрайдиган «Қарчиғай» отида турган эмиш. От сўлиғини чайнаб, ер тепиниб, бетоқатланади. Хўжанд илгаригидай гавжум, бозорлар, мадрасалар, расталар одамлар билан тўла эмиш...

Гужанак бўлиб ётган Рукниддин рўпарасида турган баҳайбат суворий ер тепиниб турган аргумоқдан тушиб, Рукниддин ёнига келди:

— Шу она ер, шу мамлакатни деб кўплар қурбон бўлди. Сенинг икки оғанг қўшинимизнинг муносиб соҳибқиронларидан эди, Чорикдарронда ҳалок бўлишди. Сен уларга муносиб бўлиб, юртингни ҳимоя қилиш ўрнига нега қочиб юрибсен?!

— Мен қочганим йўқ, мен — талабамен. Мударрис ҳазратлари, мутавалли жаноблари мени олиб қолишди. Мадраса аҳли, толиби илм аҳли муҳорабаларга қўшилмайди, шоҳлар шоҳлар билан тахт талашиб жанг қилади, бизлар тожу тахтга даъвогар эмасмиз. Биз илм аҳлимиз, бизга илм муътабар...

— Она ватанингни бошқалар босиб олиб, сени қулга айлантурса, сен қандай илм қиласан, халқ бўлмагач, сенинг илминг кимга керак? Мўғуллар Хўжандни босиб олиб, уйимизни ёқиб, итимизгача қирмоқда. Улар мол-жонингни талаб, хотин-қизларни зўрлаб, болаларимизни бўғиб ўлдирмоқда. Ўтрордан, Сиғноқдан, Барчинликентдан, Жанддан йигирма минг асирни ҳайдаб келиб, тош ташитиб, Сайхунга ташламоқдалар. Улар қул бўлишни истамаган ҳамма одамни йўқотмоқдалар. Ҳамма йўқ бўлганидан кейин сенинг илминг кимга керак! Сен ал Бериуний эмассан, сен оғир кунда ватанини сотган хоинсан! Мен ҳозир сенинг каллангни узиб ташлаб, кейин дарё ичидаги истехкомга қайтамен!

Темур Малик қиличини ғилофидан суғуриб олиб, ҳавола қилган эди, Рукниддин дод солиб юборди:

— Саркарда, мени афв этинг... Мен гуноҳкормен! — деб уйғониб кетди. У терга ботиб, сув бўлиб кетган эди.

Эртасига у чала ўлик кимсадек танида жон йўқ, руҳан тамоман сўнган, кўча четидаги харсангтошларда қоқилиб, тўппа-тўғри Зеболар

эшиги томон юрди. Кўчада юрган бир бабақ хўроз Рукниддинга йўл бермагандек пинагини бузмай гўдаиб турарди. У Рукниддинга қия кўз ташлаб: «Қў-қоқ, қўр-қоқ...» дегандай бўларди. Бу сўкинишни у шундай фаҳмлаб эшитди. Хўрознинг ёнидан ўтиб кетди. Нарироқда, шундоқ оёғи тагида турган бир жуфт мусича ҳам «Хоин» деб парр этиб учди. Ундан нарироқда тут дарахти шохларида бетоқат, у шохдан бу шохга ўтиб турган чумчуқлар ҳам: «Дили чирик, дили чирик...» деяётгандай бўлди. Ундан нари боргач, йўл четида турган кимнингдир эшаги унга қайрилиб ҳам қарамади, рўпарасидан келган чувринди кўппак тилини осилтириб ўтди. У ҳатто Рукниддинга кўз ташламади ҳам... «Хаҳ, мени шу қўтир ит ҳам писанд қилмади-я!» деди у хўрлиги келиб.

У Зеболарнинг эшигига келиб, бир муддат остонада ерга қараб турди. Зебо йўқ. Уни барзанги мўғул бақиртириб отга босиб олиб кетган. Шу пайт унинг кўзига тупроқ устида бир ушоқни тишлаб олиб кетаётган кичкина чумоли негадир оғзидаги озиғини ташлаб, Рукниддинга тикилгандай бўлиб кўринди. Назарида у: «Сен — хоин бизларни ҳам душман оёғи остига ташлаб қочдинг! Бизлар мўғул отлари туёғи остида янчилдик! Сен хоинлик қилмаганингда бизлар босқинчилар оёғи остида босиб мажақланмаган бўлардик!» дегандек бўларди.

Рукниддин Зеболар эшигида анча вақтгача телбалардек серрайиб туриб, кейин яна орқасига қайтди. У ўз бўйинига тавқилаънат илинганини сизди. Бу тавқилаънатни буюк саркарда Темур Малик эмас, ҳатто Зеболар остонасида ўрмалаб юрган чумоли ҳам билган. Бу тавқилаънатни Рукниддин то қиёмат ўз бўйиндан олиб ташлолмайди!

Дарё ёқасида қаттиқ жанглар бўлаётгани билиниб турарди. Тунда учидаги пахта ёғга ботирилиб, ёндирилиб ўқ-ёйдан отилаётган ўқлар гувуллаб келиб, кемаларга, истехком томларига тушарди. Баъзан у томон ҳам, бу томон ҳам манжанақлардан тош отишар, палахмонлардан тош ёғдириларди. Баъзан ўнг қирғоқда, баъзан чап қирғоқда олаўполон кўтарилиб, қиличлар ялтираб, найзалар ишга тушарди. Ўн-ўн беш мўғулни тўнғиздек ерга ағдариб, қилич санчиб ўлдириб, хўжандликлар яна кемаларда истехкомга сузиб ўтишарди. Темур Малик ўз фидойи йигитлари билан бир ойдан бери тинимсиз жанг билан душман тинқасини қуришиб, зарбалар бераётганини хўжандликлар шундоқ кўриб ва билиб турардилар. Дарёнинг икки томонини эгаллаб олган душман Хўжанддан ва шаҳар атрофидаги қишлоқлардан чиққан одамлар кема билан бориб, Темур Маликка қўшилмаслиги учун соҳилларда кечау кундуз соқчилик қилишар, шубҳали кишиларни тутиб олиб кетишарди.

Орадан ҳафта ўтди, дарё ёқасида баъзан бўлиб қоладиган фавқулодда тўқнашувни айтмаганда, асосан жимлик. Чориқдаррон осмонида калхату кўзгунлар учиб юрарди. Баъзан катта ўлаксахўрлар қанотини кенг ёзиб, доира ясар, Чориқдаррон яқинидаги тепалиқдан чиқиб, узоқларга боққан киши у ер-бу ерда ўлиб ётган жангчи ё отлар устида ўнларча қузгунлар уймалашаётганига кўзи тушарди. Тунда чиябўри билан сиртлон йиғиси эшитиларди. Бу йиғи эмас, даррандаларнинг «фаровонлик қаҳқаҳаси», «базми» эди. Бу манзарадан унча узоқ бўлмаган жойда — Хўжанд қалъаси ичида Сўқту нўён ҳам ўз кишилари билан базм қуради.

Кунлар ўтди. Жавзода ҳаво ғоятда қизиб кетди. Шаҳарга кириб келган баъзи одамларнинг кўзи қизариб, тинмай ёш томарди. Бундай кўзи қизарган одамлар бозор ёқасидаги пана ёки бурчак жойларга бориб ўтиришар, танда пайдо бўлган кучли ҳарорат уларни беҳузур қилиб, эрталабгача ўлиб қолишарди. Аксар қишлоқдан келганларнинг кўзи қизариб, ёшланиб, шаҳар кўчаларида йиқилиб қола бошлади. Бир кунда юздан ортиқ одамнинг йиқилиб қолгани Хўжандни даҳшатга солди. Чориқдаррон даштидан вабо келаётганини пайқаган Сўқту нўён дарҳол Аҳмад ибн Моразини ҳузурига чақириб, у билан ҳам узоқда туриб гаплашди. Фақат бозорни эмас, Хўжанд аҳлига оқсоқоллик

қилаётган Аҳмад ибн Мораз қалъадан қайтиб чиқиб, шаҳар бозорида ва ҳамма ерда, кўчалар, муюлишларда гулхон ёқиб, унинг устига ҳар нарса ташлаб, саситиб, тутун бурқситишга фармон берди. Оғзини, кўзини рўмол билан ўраб олган хизматкорлар мурдаларни бордон устига тортиб, шаҳар четидаги хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортишарди.

Вабо... Бу даҳшатли офатнинг Хўжанд атрофида пайдо бўлиб, шаҳар ичида уйдан уйга кириб айланиб юргани, одамлар одамларнинг кўзига қараб, қизариб ёшланганини кўргач, тезда бундан қочиб кетаётгани, растада, каппонда мурдаларнинг қатор ётгани — мўғулларнинг бостириб келаётганидан ҳам даҳшатлироқ бўлди. Вабо мўғул қўшини ичида ҳам пайдо бўлиб, кўзи қизарган сарбозлар ўтирган жойида йиқилиб ўлиб қола бошлади. Унинг чўнтагидаги ўлжа — тилло тақинчоқлару матоларни олишдан ҳам ҳазар қилишарди. Асирларни мурда ташишга мажбур этишди. Ҳамма ин-инига қочди.

Ўзи мурда бўлиб қолган Рукниддин кўчага чиқиб, оғзи-бурнини рўмолча билан танғиб, исириқ саситиб турган тўрт кишига қараб кулди:

— Оқсоқол, нима гап? — Рукниддин оқ кўйлақда, бошыланг, ингичка бўлиб турарди.

— Бўтам, бор уйингга кир! — деди Аҳмад ибн Мораз муллаваччага меҳрибонлик кўрсатиб, — Вабо тарқалди. Кўриб турибсан-ку, одамлар ўляпти. Вабо!

— Зебони олиб қочди, вабо эмас! Мўғуллар Зебони олиб қочди... Вабо Зебони олиб қочди...

— Бу телба! — деди оқсоқол ёнидаги шерикларига. — Бу ҳам эрталабгача етиб бормайди. Ана, қаранглар, кўзлари қизарган, ёш томади...

— Менга ҳам иш буюринг, оқсоқол! — деди Рукниддин қаҳ-қаҳ уриб. — Мен вабодан қўрқмаймен: Мени у ёққа борсам, саркарда Темур Малик ўлдирадилар, бу ёққа борсам, мўғуллар ўлдиради. Мен Зебони ўз қўлим билан мўғулга тутиб бердим. Мен ўлган одаммен! Мен вабоингдан қўрқмаймен! Агар вабо менга юқиб ўлдирса, кўп яхши бўларди. Оқсоқол, қани, вабо юқиб ўлган мурдаларни кўрсат, уларни қучоқлаб ўпамен, ҳурмати билан уларни ўзим қабристонга ташиймен!

У сочилиб ётган бордонлардан бирини тортиб келиб, йўл четида вабодан ўлиб қолган кимсани қучоқлаб кўтариб, бордонга ётқизди-да, юқорига, қабристон яқинидаги чуқурлик томон тортиб кетди.

— Бу телба! — деди Аҳмад ибн Мораз. — Бу йигит базознинг ўғли, Қўшмасжид томондаги Девонбеги мадрасасининг талабаси. Телба бўлиб қолибди бечора! Эрталабгача адои тамом бўлади. Исириқни яхшироқ тутатинглар!

Дарҳақиқат, телбасифат бўлиб қолган Рукниддин мурдани чуқурга ташлаб, устига кетмон билан тупроқ тортиб, яна бордонни судраб орқага қайтди. Телба муллаваччанинг бу иши оғзини ўраган асирларни ҳам таажжубга солди. Рукниддин оғзини ўрамаган шундоқ қўли билан вабодан ўлган кишиларни елкасидан ушлаб, бордонга ётқизар, ундан кейин тутун ичида жимжит кўчалардан судраб қабристон ёнидаги хандақ томонга кўтариларди. Илгари қилганидай мурдани чуқурга кўйиб устидан тупроқ тортарди. У кечгача ўнга яқин кишини қабристонга олиб борди. Кечқурун ҳовлисига кириб, юз-қўлини ювиб, супада чўзилиб ётди. Қариндошлари ҳам ҳовлини ташлаб, қаёққадир қочишган эди. У қаттиқ нонни сувга бўктириб еб, ухлаб қолди. Эрта билан Аҳмад ибн Мораз нима бўлганини билмоқчи бўлиб, уникига бир одамни юборди. Муллавачча азонлаб туриб, яна бордонда мурда ташиётганини айтиб келди у. Оқсоқол ҳайрон қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам телба талаба «шаҳримга мен ўзим вабо олиб келдим, энди мен ўзим шаҳримни шу вабодан тозалайман...» деб мурдаларни баъзан бордон қолиб, опичиб қабристонга олиб кетарди.

Орадан ўн кун ўтди. Лекин нима учундир Рукниддинга вабо юкмади. Таажжуб! Мурдалар ҳам камайиб, тутун ичидаги Хўжанддан вабо чекина бошлади. Ҳамма йўллар бекитилиб, шаҳарга одам қўйилмаган эди. Охири кўча айланиб, ўлиб қолган бирон одамни тополмаган Рукниддин Зеболар эшиги ёнига келиб, остонада ўтириб йиғлади. Бунга кўзи тушган баъзи одамлар, унинг телба эмаслигини пайқаб қолишди. Темур Малик қўшинига бормай, бекиниб қолишининг сабаби ҳам эҳтимол мана шу қиз, уни қаттиқ севиб қолгани бўлса керак, деб ўйлашди. Вабо дарди ҳаммага ҳам юқабермаслигини ўз кўзлари билан кўришди.

Ўзига атайин вабони юқдириб, ҳамшаҳарлари билан бирга гўрга киришни кўзлаган Рукниддин ниятига етмади. Мамлакат мудофаасидан қочган кимсадан чумоли эмас, ҳатто вабодек офат ҳам ҳазар қилишини эҳтимол, бундай кимса мурдасидан ер ҳам ҳазар қилишини фаҳмлади.

Бу — гоятда даҳшат!

Энди нима қилмоқ керак, деди ўзига-ўзи Рукниддин. Энди нима қилса экан? Унинг ўлиши ниҳоятда керак. Эртага яна шундай кунни мутлақо кўргуси келмайди.

У ўз ҳовлисидан икки қулоч арқон олиб чиқиб, мадраса ёнидаги тут дарахтига чиқиб, бир учини йўғон бутоғига боғлади. Шу шохда туриб, у тут териб еган эди. Арқоннинг иккинчи учини сиртмоқ қилиб, бўйнига солди-да, ўзини пастга ташлади...

Ўттиз учинчи боб

Зарнук фожиаси

Қиш чилласи. Лекин Мовароуннахрнинг бепоён далаю даштларида на қору на ёғин-сочин бор, ерлар тарашадек қотган, ҳаммаёқда қаҳратон қорасовуқ ҳоким. Сайхун ёқалаб ёпирилиб келаётган бешафқат ёв томонидан қалъаларнинг бирин-кетин таслим этилиши ёки вайрон бўлаётгани, шаҳарнинг ер билан яксон этилиб, тутуни осмонга ўрлаётгани узоқ Қизилқум бағрига ҳам етиб борди. Бундаги Зарнук қалъасию Нур шаҳри гўё қассоб қўлига тушган жонвордек саросимада титрай бошлади.

Барчинликентни ҳам қўлга олган Чингизхон Сўкту нўён ва Улоқ нўён отлиқ номдор саркардаларини сараланган кўп қўшин билан жанубга, Хўжанд устига йўллаб, ўзи асосий кучни Чордара яқинида Сайхунни сол-кемалар орқали сузиб ўтиб, қумлик билан тўғри Бухорога йўл олди. Дашту биёбонда чанг кўтариб ўттиз минг отлиқ ёпирилиб келаётганидан хабар топган Зарнук ҳокими йигирма тўққиз ёшли Сайфиддин Муҳаммад тезлик билан Нур шаҳри беги Бисмиллохонга чопар юборди. Бу пайтда мўғуллар ҳали тоғ этакларига яқинлашмай Шўркўл тузконлари атрофида эди. Сайфиддин Муҳаммад Нур шаҳри бегидан бемаслаҳат, кимнингдир сўзи билан қалъа дарбозаларини очиб, эллик шай сарбоз отлиқлари билан Чингизхонга пешвоз чиқди. Ёнига шаҳар қозиси билан имомни ҳам олиб, сарупою қутидаги қимматбаҳо тошлари билан шаҳардан ташқарида «яъжуж-маъжуж»ларни кутиб ўтирди. Шу куни кечга яқин мўғул айғоқчилари қалъа яқинидан от чоптириб ўтиб, жанг бўлмаслигини пайқагач, орқаларига қайтиб, бу ҳолдан Жўжини хабардор этишди. Айғоқчилар бу билан чекланиб қолмай уч, ҳатто ўн беш қақирим наридаги Нур шаҳридан ҳам ўтиб, шу атроф-жонибни кўздан кечирдилар. Икки қалъанинг ҳам жанг қилмаслиги, дарбозалар очик, мансабдорлар титраб-қақшаб кутишаётганини ўз кўзлари билан кўриб, қалъа ҳокими билан гаплашишгач, бу хабарни ҳам от чоптириб бориб нўёнларига етказишди...

Зарнук Мовароуннахрнинг тоғ этагидаги ўртача қалъаси бўлиб,

катта бозорга эга. Сайфиддин Муҳаммаднинг икки минг отлиқдан зиёдроқ қўшини ҳам бор эди. Зарнук асосан хум ичида, жануб томонларида Нурота тоғининг этакларидаги жилғалардан сув ичарди. Зарнук халқи асосан чорвачилик билан шуғулланар, бир қисм аҳоли зироатчилик ҳам қиларди.

Зарнук қалъасига бир чақиримча масофа қолганида, лашкар ўрталигида соябон аравада келаётган Чингизхон отга миниб, тантанавор қиёфада шаҳарга кирди. Беҳудуд саҳрода баҳайбат бир аждаҳога ўхшаб оқиб келаётган мўғул отлиқларидан уч мингга яқини Удегэй, Жўжи, Чигатой ва бошқа хонларни кузатиб шаҳарга кирди. Аслаҳа-қуроллар, аравалар, туялар ва бошқа ускуналар билан ўттиз минг отлиқнинг Зарнукка сиғиши мумкин эмас эди. Шу сабабли асосий куч шаҳар атрофида манзил қурди. Айғоқчилар қўшини аллақачон Нур шаҳридан ўтиб, Бухоро атрофида изгиб юрардилар. Сайфиддин Муҳаммад бир чақиримча ердан пиёда юриб бориб, отда турган Чингизхон олдида тиз чўкиб, бош эгди. Қўлида кўтариб турган бир қути жавоҳиру олтин тангаларни унга тутди. Ундан сўнг дастаси олтин, димишқий шамширни ҳам икки қўли билан тутиб Чингизхонга тақдим қилмоқчи бўлиб, унинг кўзларига жовдираб тикилиб турди. Чингизхон ёнидаги мансабдорлардан бирига ишора қилди. У дарҳол отдан тушиб, Сайфиддиннинг қўлидан қилични, қутини олди. Шундан сўнг ногораю карнай-сурнайлар садоси остида Зарнук қалъасига кирди. Унга энг яхши хона ажратилган, истироҳат қилмоғи учун ҳамма нарсалар ҳозирланган эди. Дастурхонлар ёзилиб, зиёфат бошланди. Зиёфат вақтида Сайфиддин Муҳаммад билан бир муддат суҳбатлашди. Бунгача тилмочлар орқали Зарнук ва унинг жуғрофий шароити, қалъа беги Сайфиддин ва бошқалар ҳақида маълумот олган эди. Зарнук унинг қонли юришида биринчи таслим шаҳар бўлгани сабабли, бу ишда бир макр бўлмасин, хаёл қилиб, эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эди.

Хона тўрида ўтирган Чингизхон семиз юзлари қовоқдек силлиқ, япасқи бурни остида каламуш думидек узун мўйлаби осилиб турарди. Кўзлари ўткир пичоқ билан тилиб очиб қўйгандек қийиқ. Баъзан унинг кулганини ҳам, ғазабини ҳам билиб бўлмасди. Қорни катта бўлгани сабабли камар боғламаган, кенг ва узун либос танини ёпиб турарди. Кўп нўёнлар унинг олдида кам гапиришарди. Чингизхон пойгакда ўтирган Сайфиддин Муҳаммадга илжайиб гап қотди:

- Сайф-ид-дин — ислом динининг қиличи, демак. Шундоқми?
- Ҳа, — деди у, ўрнидан туриб, таъзим қилиб.
- Бу, қилич энди ўз ихтиёри билан бизга хизмат қилмоқчи.

Шундоқми?

— Ҳа, албатта.

— Сабаб нима, деб сўрашининг ҳожати йўқ, чунки менинг дунёга тенг қўшиним Зарнукни ўз қўлида пашшадек босиб ўтиши аниқ, оёғимиз остида Зарнук борлигини пайқамай қолишимиз ҳам мумкин... Сен шундан қўрқиб бизга ўтдинг. Биздан қўрқиш керак. Қўрққанлар бизни ҳурматлайди, бизга чин юракдан хизмат қилади.

— Шундоқ, — у яна ўрнидан туриб, таъзим қилди.

— Муҳаммад сени бошқа беклардан паст билиб, сен билан ҳисоблашмаган. Маҳмуд Ялавоч сенинг таҳқирланишингдан хабардор... Шундоқми?

— Шундоқ, — у яна ўрнидан туриб, таъзим қилди.

— Эртага бизга қўшилиб Бухоро устига боришни хоҳлайсанми?

— Бизда мусулмон устига мусулмон лашкар тортиб бормайди.

Мен шу ерда хизматингизда бўламан...

Нонуштадан сўнг пўстинларга ўралган саркардалар Чингизхонни аравага ўтказиб, атрофини ўраб, йўлга тушишди. Сайфиддин Муҳаммад ҳам ўз кишилари билан отда то Нур шаҳригача кузатди. Унинг ичига чироқ ёқса ҳам ёримасди, аммо таъби тирриқлигини мутлақо сездирмасди.

Мўғуллар Нур шаҳрида ҳам бир кеча тунаб, Зарнукда нима иш қилган бўлсалар, шуни қилиб, кейин шитоб билан тўғри Бухорога юрдилар. Уч ой мобайнида Бухорода хунрезликлар бўлиб, Мовароуннаҳрнинг энг катта шаҳарларидан бири — дунёга номи кетган Бухоро мўғуллар оёғи остида топталди. Ундан сўнг Самарқандга юришди.

Чингизхон Зарнук беги Сайфиддин Муҳаммадга нома билан одам юбориб, Самарқандга юришдан аввал Зарнукда бир неча вақт бўлиши, уни яхши кутиб олишини маълум қилди. Икки минг сарбози отда саф тортиб туришлиklarини, қурол-яроғ осмасликларини тайинлади. Сайфиддин Муҳаммад роппа-роса икки минг қуролсиз отлиғи билан Чингизхонни кутиб олишга чиқди.

Баҳор ойлари эди. Чингизхон айғоқчилари эрта тонгда Зарнук қалъасининг икки минг отлиғи қалъа ташқарисига чиқиб, қурол-яроғсиз саф тортиб турганлигини кўриб, буни хонга хабар бердилар. Куннинг ўрталарига бориб, сафардан шиддат билан чопиб келган мўғул отлиқлари Зарнук отлиқларини ўраб олиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, қиличдан ўтказиб, найза уриб, бир муддатда қириб ташладилар. Бу фожиани кўриб, ҳуши бошидан учиб, нима бўлаётганига тушунмай турган Сайфиддин Муҳаммадни бир мўғул нўёни қамчи билан уриб, отдан қулатди. Шу лаҳза қўлини боғлаб, бошланг Чингизхон ёнига олиб келди. От устида дарғазаб турган Чингизхон бекка: «Мусулмон мусулмонга қарши қўшин билан бормайди, дединг, демак, бир куни менга қарши борасан?! Шундоқми?»

У Сайфиддиннинг қўлини ушлаб турган мўғулга ишора қилди. Мўғул қилич сермаб, зарб билан урган эди, боши танидан узилиб, ерга тушди.

Зарнук қалъаси атрофидаги дала одамлар жасади билан тўлиб қолди, эгасиз отлар чопиб юрарди.

Мўғул қўшини Нурота тоғлари орасидан ўтиб, Қорадарё томон силжиди. Икки ҳафталардан кейин Самарқанд жанги бошланиб кетди.

Мовароуннаҳр қисмати ҳал бўлаётганда Зарнук қалъасининг беги Сайфиддин Муҳаммаднинг қўрқоқлиги унутилмас хиёнат бўлиб, мислсиз кулфатларга олиб келди.

Душман олдида иккиланишнинг оқибати — доимо фожа!

Уттиз тўртинчи боб

Саройдаги фитна

Мамлакатда қаттиқ жанг кетарди. Дарё-дарё қон тўкиларди. Аммо бунга қарамай, айниқса кейинги кунларда Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ майхўрликка муккадан кетди. Машриқда, қалъаларнинг бирин-кетин босқинчи қўлига ўтабошлагани уни умидсизликка олиб бориб, руҳан тушкунликка тушириб қўйган эди. Аввалги тоат-ибодатлар ҳам қолиб, тинимсиз май ичар, шу йўл билан юрагидаги дардини унутмоқчи бўларди.

Кунлардан бир куни вазири аъзам Низом ал-Мулкка дўқ уриб, Чингизхон ва унинг мамлакатию лашкари ҳақида маълумот беришини сўради. Шу куниёқ саройдаги билагонларнинг оёғи ерга текказилмай султон ёнига олиб кирилди. Уч мўйсафид тарихнавислар китобу қоғозларини, «ноёб» ҳужжатларни қўлтиқлаб кириб, султоннинг саволини кутишди. «Чингиз хусусида гапираверинглар, мен эшитаверамен...» деди сархуш султон. Уч қария билганга, китобу ҳужжатлардан, саполатхоналар маълумотидан йиққан гапларини бир чеккадан гапира беришди. Аммо султон тахта хуруллаб ухлаб қолган эди. Тарихнавислар йиғиб, қоғозга тушириб юрган маълумотларни бир

чеккадан ўқишга тушдилар. Улар Чингизхоннинг босқинчилик юришлари тарихини узоқ ўқидилар. Хоразмшоҳ бўлса, тахтда ўтирар, пинакка кетган эди. У бир маҳал кўзлари қовжираб, бошини кўтарди.

Гап тугаши билан султон кўзини очди. У деярлик ҳеч гапни эшитмаган, қулоғига ҳеч нарса кирмаган эди. Миясида «Чингиз», «Чингиз», «Чингиз»... деган сўзлар айланарди, холос.

— Бўпти, тушундим! — деди у, қўли билан уч кекса тарихнависга, «чиқиб кетаберинглар», ишорасини қилиб.

Шундан сўнг ёнига яқин келган вазири аъзамга илжайди.

— Сен ҳам ичсанг бўлмайдими? Ич! Кел, ичақол! Менга ҳам қуй! Бу кекироқ чолларинг менга ақл ўргатаман демоқда. Чингизни мен улардан яхшироқ биламен! Мен уни асир олиб, ўз еримизда терисини шиламен! Мен уни... Қани, май қуй менга!

Султон отаси Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Такиш, буваси Абдулфатҳ Эл-Арслон, катта буваси Аълоиддин Хоразмшоҳ — Отсизларга ўхшамади. Улар дуркун, қадди-қоматлари келишган, иродали одамлар эдилар. Аммо невра ота-боболарига нисбатан анча мажмағил, иродасиз, лақма бўлиб ўсди. Вазири аъзам баъзан султонни боладек овуларди. У тез-тез гапирадиган, бир оз жижзаки ҳам. Наинки Низом ал-Мулк, катта ўғли Жалолиддин ҳам отанинг номуносиб қилиқларидан хижолат бўларди. Катта масалалар — ҳарбий қудрат, зироату чорва, қалъаларни мустаҳкамлаш, хорижий давлатлар билан алоқа ишлари бир ёқда қолиб, сарой ичидаги майда гаплар, фисқу фужур, шаҳзодаларнинг мулку давлат талашилари, Туркон хотуннинг инжиқликлари билан кўпроқ шуғулланар, базму тўй-ҳашамларга кўпроқ эътибор берар, арзимаган нарсага тажанг бўлаверарди. Унинг бу ожиз томонидан фойдаланган саройдаги хушомадгўйлар султонни ўргимчакдек ўраб, мақтов иплари билан оёқ қўлини тамом чирмаб ташлаган эдилар. Жалолиддин ҳам, узоқдаги Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақийлар ҳам султоннинг хушомадгўйлар гирдобига тушганини сезишар, лекин бу ишлардан уни огоҳ этиб, ўнглаб олишга асло ҳаддилари сиғмасди. Баъзи кексалар: «Хоразмшоҳ Такишдан кейин тахтга бош ўғли Тожиддин Алишоҳ чиқиши керак эди...» деган гапларни ҳам айтганлар. Бу гапни тарқатганлар-ичида боши кетганлар анча-мунча бўлган.

Калавининг учини йўқотиб, сархуш ётган кунларнинг бирида иккинчи ўғли — шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ бувиси Туркон хотун билан султоннинг данғиллама хобхонасига киришди. Бир лаҳза бурун султон огушидан кичик хотини чиқиб кетган, холи қолган султон яхшилаб ювиниб-тараниб олгани ҳам йўқ эди. Она ва ўғлининг бостириб кириб салом бергани сархуш султонни шошириб қўйди. Чимирилган Туркон хотун: «Агар султон бундоқ таҳликали кунларда мамлакатнинг баъзи томонларини фарзандлари Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Гурсанжи, Ҳуршоҳларга бўлиб бермаса, Жалолиддин ўз хатти-ҳаракатлари билан укаларини қаттиқ ранжитади. Шаҳзодалар бўлиниб кетиб, муҳораба устига муҳорабалар бошланиб кетмоғи мумкин...» деган гапни султонга айтди. Боши қотиб қолган султон: «Ҳозир шаҳзодалар жим ўтурсин, мен ўлганим йўқ, юрт талашадиган вақти эмас, ғайридин мўғуллар бостириб келмоқда!» деди. У яна ғазаб ичида: «Менинг ўғилларим акалари Жалолиддинга ўхшаб қўшин тортиб, ёв йўлини тўсиш ўрнига саройда ётишибди. Манманликка берилиб кетишган! Агар тезликда Самарқанд мудофаасига боришмаса, мен уларни Аёз жаллодга топшираман. Ўлдирамен!!!» деди.

Султон одатдагидек жазавага тушиб, ранглари оқариб, титраб, ўтирган жойида қалтирай бошлади. Бундай ҳолатларни кўп кўрган Узлоғшоҳ отасига таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Туркон хотуннинг энсаси қотиб, бақрайиб ўтирди, кейин бўшашиброқ деди:

— Султон, ўзингизни қўлга олинг!

Кампир ташқарига чиқиб кетди. Шу лаҳза султоннинг ёнига катта хонада бармоқларини шиқиллатиб, хаёл суриб турган Низом ал-

Мулкни киритиб юборди. Султон маст эди, одатдаги йиғисини бошлади. Базир уни бағрига олиб; «Олампаноҳим, шоҳи жаҳоним, қўйинг, хафа бўлманг, йиғламанг... Улар тирноғингизга ҳам арзимайди», деб уни овутди.

— Мени, ме-е-ени... энг яхши кишиларимиздан ажралдим! — деди эрталабдан май ичиб, қип-қизариб олган Хоразмшоҳ, тахти равонда тамшаниб, асабий бир тусда чайқалиб, Низом ал-Мулкка тикилганча. — Мен уларни ҳайдадим. Улар ярамас одамлар, оғир кунларимда ташлаб кетдилар! Абдулқодир аш Шоший ҳам мендан юз ўгириб, Шош вайроналарига кетди. У вайронада нима бор экан? Нодон чол! Менинг бундаги гулшанимдан вайрона Шошга жўнаган одамни ақли бор, деб бўладими! Фақат нодонлик! Бундан бошқа нарса эмас! Бувам замонида қилинган вайроналикка мен жавоб бераменми? Қани, вазири аъзам, айтингчи, мен жавоб бераменми? Шунча йилдан кейин эсига тушибдими! Унинг Шош қалъаси бирон гуноҳ қилмаган бўлса султон вайрон этармиди! Уч нарса юрагимга тикандек санчиладур, азизим, уч нарса! — сархуш султон юрагини чангаллаб, бетоқат бўлди. — Тўрт юз савдогарни ўлдирганим хато бўлди. Шаҳзода Жалолиддин, сардорлар, Шаҳобиддин Хивақий, Темур Малик ва бошқаларнинг фикрларини бекор қилдим, лашкарни бир ерга тўпламадим, мўътабар мунший Абдулқодир аш Шошийни, Фаридиддин Атторни қувғин қилдим... Бу гуноҳларимни ҳеч ким кечирмайди! Кечирмайди! — У хаёл суриб, шипдаги ранго-ранг тоқиларга тикилганча, телбаларга ўхшаб қилиқлар қилди. Кейин Низом ал-Мулкка ўқрайиб қаради. — Сен ҳазрат ҳам менга тўғри йўлни кўрсатмадинг! Сенда ҳам гуноҳ кўп! Чингиз менинг бошимни кесар экан, сенинг бошингни ҳам кесади! Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсен! Ҳеч қаёққа!!

— Мен ҳеч қаёққа қочмаймен. Шамширингиздек доимо ёнингиздамен. Агарда менда қилча хиёнат бўлса, бошим Аёз болтасида!

— Сенга ишонамен! — деди васваса ичида бақрайиб турган жиккак Хоразмшоҳ. — Сен доно одамсен. Қани, менга айт, нега биз энгилмоқдамиз! Улуғ Хоразмнинг қудратли лашкари нега энгилмоқда?

— Тилим бормайди... — Низом ал-Мулк Туркон хотуннинг «тўрт юз қалъамиз бор, ҳар бир қалъамиз Чингизнинг йўлини тўссин, келган душман Сайхун ёқасидаёқ тор-мор бўлиб, орқасига қайтиб кетсин» деган фикрига ишора қилди. Бу фикр амалга ошган эди. Хоразмшоҳ бадмаст бўлса ҳам, бу ишорани фаҳмлаб турарди.

— Нега тилинг бормайди?! Нега ўша вақтда айтмадинг? Қўрқдингми?

— Улуғ султоним, мен бандасидан қўрқмаймен... Кўп йил отангиз ва Сизнинг хизматингизда бўлдим. Мени сипоҳсолар шаҳзода ихтиёрига юборинг, юзбоши бўлиб ҳам жанг қилишга тайёрмен! Ҳозир шу муҳим!

— Сен ҳам мени ташлаб кетмоқчимисен? Рухсат йўқ! Сен ҳамма вақт мен бўлган ерда бўласен! Жалолиддин салтанатни ҳалокатдан сақлаб қолади, мен уни илгарироқ фармон билан бутун қўшинга саркарда — лашкарбоши этишим лозим эди. Бу иш кеч бўлди. Нега сен бунга барвақтроқ айтмадинг! — У яна васвасага тушиб, заррин либоси устидан юрагини чангаллади. — Қани, айт, сен вазири аъзам, нега бу гапни аввалроқ менга айтмадинг?! Мўйна олиб келган тўрт юз савдогарни нега ўлдириб юбординглар?!

— Улуғ султон, бу сизнинг буйруғингиз...

— Йўқ, сен мени чалғитгансен, мен рози бўлганмен!

Низом ал-Мулк Хоразмшоҳ рўпарасида бир сўз деёлмай ёғочдек қотиб қолди. Султон қўли билан имо қилди, салобатли вазири аъзам бошини султонга эгиб, орқаси билан юриб, саройнинг олтин тахт ўрнатилган ганчин хонасидан чиқиб кетди. Ёлғиз қолган султон маҳрамга ишора этиб, олтин пиёлага май қуйдириб ичди. Худди шу фурсат эшикда Туркон хотун пайдо бўлиб, виқор билан султон томон

юрди. Тахтада якка кифт бўлиб, қийшайиб ўтирган Хоразмшоҳ ўзини тартибга солиб, май пиёласини маҳрамга узатиб, ўрнидан турди. Орқада Узлоғшоҳ ҳам келарди. Султоннинг бу ўғли ўзига ўхшаб жуссаси кичик, камгап, ичимдагини топ хилидан эди. Жалололидиннинг бурнининг ўнг томонида қора майиздек холи бор. Узлоғшоҳнинг пастки лаби остида чиройли холи бор, аммо унинг чақмоқ мўйлаби учи ўсганида холни беркитарди.

— Вазири аъзамнинг ҳамма гапларини эшитдим, — деди қисқа салом-алиқдан сўнг Туркон хотун, тахт ёнига чўкиб. — Подшоҳи олам, Низом ал-Мулк тулки одам, у сенга вафо қилмайди!

Онанинг бундай серзарда, ҳатто тахт ёнида бўлган гапларни эшитиш одатларига ўрганиб қолган султон ҳиссиётга берилмай, кунчиқишдан то кунботишгача етган, беҳудуд ва буюк мамлакат подшоҳи сифатида эмас, ўз оиласида, ўз онаси билан гаплашаётган кишидек тахтдан тушди-да, онаси ёнига чўкаётган эди, Туркон хотунга бу иш ёқмай, кўзини олайтирди.

— Улуғ султон! Тахтга чиқинг!

Хоразмшоҳ тушаётган ерида тўхтаб, яна ўз тахтига чиқиб ўтирди. Узлоғшоҳ бувисидан бир қадамча нарида ерга чўкка тушди.

— Давлат хазинаси бўш. Низом ал Мулк Хоразмнинг олтинларини ўз уйига тўплади. Гавҳарлари ҳам қанча... Бойиб кетди. Энди у ё Эронга, ё Шомга қочади. Бориб, аҳтимол, Бағдодда халифаларга хизмат қилади. Хоразмдан омад кетди деб айюҳаннос солади. Йўқ! Хоразм ҳамма вақт жанг қилиб келган, Хоразм бутун жаҳонни титратган. Сизнинг энг улуғ бобонгиз Ануш Тегин бўлади! Унинг фарзанди Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ! Мана бу фарзандни ҳам, — орқароқда ўтирган Қутбиддин Узлоғшоҳ пешонасини силади, — ўша улуғ бобосига ўхшаб жаҳонгир бўлсин, деб Қутбиддин қўйдик. Ундан кейин Аълоиддин Отсиз, ундан кейин Абдулфатҳ Эл-Арслон, ундан кейин Аълоиддин Такиш-Хоразмшоҳ. Сиз унинг пушти камаридан бўлгансиз. Хоразмшоҳлар жаҳонни ларзага солди. Таги паст эронийлар уруғидан бўлган Низом ал-Мулкнинг бунчалик ҳаддидан ошиши, нотўғри йўлларга бошлаши тўғрими?! Бунга қандай чидайсиз?!

Бутун мамлакатни титратган Туркон хотун ўғлига «панд-насиҳат»лар қилиб аллақандай бир букланган қоғозни шоҳга узатди. Бу Низом ал Мулкнинг Наса шаҳри ҳокими, яна бир Хурандиз қалъасидаги инисига ёзган мактуби бўлиб, имконият топганида «иссиқ ва хафақон Гурганждан бу томонларга кетиб, сайру истироҳат қилиб» келишини маълум қилган эди. Бу номаларда бошқа маъно йўқ. Аммо Туркон хотун одамлари Гурганждан чиқиб кетаётган бу номани ушлаб қолиб, дарҳол унга етказишди. Султон маст, тантиқланиб йиғлаганида овутадиган, таъсирини ўтказаётган вазири аъзамга гаши келиб, Жалололидинга ўхшаб ўзини менсимай бирон «қилиқ» қилишини кутиб юрган Туркон хотун (Низом ал-Мулк ўз оиласи даврасида уни жодугар кампир деб атарди) бу «муҳим далил» орқали вазири аъзамни бир куни ўз қўли билан ҳўкиздек сўйишни мўлжалларди.

Номани султон қўлига олиб, диққат билан ўқиди.

— Уруш кетаётганида қандай қилиб Наса ёки Хурандиз қалъаларига бориб, истироҳат қилиш мумкин?

Аслида бу нома Чингиз ҳужумидан аввал йўлланган бўлиб, беш ойдан буён Туркон хотун уни сақлаб келарди. Низом ал-Мулк кейинги ойларда мамлакат бошига тушган ташвиш билан бўлиб, нома ёзганини аввал яширган, кейин ўзи ҳам унутиб юборган эди.

— Гап шунда, — деди Туркон хотун, — мабодо босқинчилар билан жанг Гурганж яқинида, Жайхун бўйида бўлар экан, Низом ал-Мулкни Насада, ундан кейин Бағдодда кўрасиз. У, менимча, ҳозирдан тайёргарлик қилиб қўймоқда. У йиғадиган мулкни йиғиб олди. Жавоҳирлари сизнинг хазинангиздагидан кўп. Уйлаб кўринг, султоним, азиз фарзандим, яна у хиёнаткор кимса бўлиб чиқмасин.

Еқамизни ушлаб қолмайлик! У шаҳзода Жалолиддин ҳимоясида.
— Ҳеч қандай ҳимоясида эмас, ўғлим шаҳзода Жалолиддин тўғри йўлни тутади! Яхши ҳам шу катта ўғлимиз, катта неварангиз бор экан. Салтанатнинг таянчи у!.. Катта неварангизга тил теккизманг, у сипоҳсолар.

— Тўғри, салтанатнинг таянчи шаҳзода Жалолиддин. Аммо бошқа фарзандларингизни ҳам камситманг! Мен-чи? Мени... ҳам унутманг!

— Бадавий мўғуллар Мўлиён¹ боғини пайҳон этиб, хонақаларга отларини боғлабдилар, — деди султон, ўпкаси тўлиб, — Жоме масжидда хунрезлик қилиб, шайхулисломни, имомни, Бухоронинг эътиборли аробларидан юз кишининг бошини кесиб, қудуққа ташлабдилар. Наҳотки хоразмшоҳлардан ўтиб келаётган қўлимдаги бу шамшир ўтмасланиб қолди?! Вазири аъзам, доруғалар, удайчи,³ човушлар хиёнатгар?! Мен кимга ёлборамен? — у яна кўксини чангаллаб, оқ урди. Енида турган олтин пиёлаларга ўзи май қуйиб ичди.

— Йўқ, у шамшир ҳали ўткир! — деди Туркон хотун. — Умидсиз бўлманг. Гайридин Чингизни ҳайдаб чиқарамиз!

Туркон хотун ва Узлоғшоҳ султон ҳузуридан чиқиб кетишди. Узлоғшоҳ бу суҳбат давомида бир оғиз сўз демади. Бошини солиб, отага ғоятда эҳтиром у таъзим этиб ўтирган ўғлини кўз олдига келтириб, султоннинг кўнгли бузилиб, яна кўзига ёш олди. Бир-икки пиёла май ичди. Шундай ёшда шаҳзодалар отда човгон ўйнаб, яйраб юриш ўрнига мамлакат нотинчлиги сабабли бошини солиб, буви паноҳида ўтирса, бунга қандай тоқат қилмоқ мумкин!

Эртасига Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ соний фармони олий билан Низом ал-Мулкни вазири аъзам лавозимидан бекор қилди. Ўрнига Абу Сахл Қиётий деган бир мансабдор белгиланди. Низом ал-Мулк Гурганжда туrolмай, бола-чақалари билан Бағдод томон жўнади. Унинг «Шому Бағдод сари йўллангани...» Туркон хотунга жуда юқди, гўё «жосус — хоинлиги» тасдиқлангандай бўлди. Лекин Низом ал-Мулкни йўлда, Мурғаб ва Тажан оралигида қароқчилар мол-мулкни талаб, бола-чақалари билан ўлдириб кетган хабари бир ойдан кейин Гурганжга етиб келди. Бу фожиа Катвонга, шаҳзода Жалолиддин қулоғига ҳам етиб, ғоятда дилгир бўлди. Тадбиркор вазири аъзамнинг саройдан қувилишида ва ҳатто фожиасида оғанилари, бувилари Туркон хотуннинг қўли борлигини аниқ фаҳмлади...

* * *

Бухоро қўлдан кетгач, Жалолиддин Гурганжда ортиқ туrolмай, Самарқандга — Катвон даштида тўпланган қўшин сари шитоб билан жўнади. Бувиси Туркон хотуннинг қош-қовоғига ҳам қарамади. Илгари Шаҳобиддин Хивақийнинг фикри ҳам мана шундоқ эди. Чингизхон Бухорони олиб, Самарқанд сари юганида, йўл-йўлакай Зарнук қалъасида қиргин ўтказганини Жалолиддин Катвонга етиб келгач эшитди.

У сал кам юз йил аввал бу Катвон даштида Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатини каракидан подшоси Гурхон катта жанг билан қўлга киритганини биларди. Улар қорахонийлар хони Маҳмуд ва салжуқийлар султони Санжарни енгган эди. Жалолиддин худди шу Катвонда Чингизни тор-мор этиб, унинг қонли юришига хотима

¹ Мўлиён — Бухоро атрофидаги шоҳлар бўстони.

² Доруға — шаҳар ҳокими.

³ Удайчи — сарой мансабдори, шоҳ билан учраштирувчи.

⁴ Човуш — мансабдор.

бермоқчи бўлди. Катвондан тўппа-тўғри у Хўжанд томон юриб, Темур Малик кўшини билан бирлашмоқни ният қилди.

Шаҳзода Жалолиддин фармони олий билан сипоҳсолар этиб тайинланиб, кўшин унинг ихтиёрига топширилгач, султоннинг иккинчи ўғли Қутбиддин Узлоғшоҳнинг юраги зил кетди. Туркон хотун бу фармондан норози бўлди. Жалолиддин ўз ёнига отаси унча хуш кўрмайдиган Шаҳобиддин Хивақий, вазири аъзам Низом ал-Мулкнинг катта ўғли Оташвужуд, сардор Абу сахл Масихий деган тадбиркор кишиларни олиб, Катвонга жўнади. Дарё ичида туриб жанг қилаётган Темур Малик ҳам ёнида бўлганида, уни ҳам олиб кетиши муқаррар эди. Баъзи мансабдорларнинг фикрича, Жалолиддин ўз яқинларини олиб Гурганждан чиқиб кетиши — пойтахтни ҳувиллатиб қўйган эди. Айниқса, савқи табиий дардига мубтало, калаванинг учини тополмай кўп хаёл сурадиган султон кўпроқ майхўрликка ружу қилиб, жонига теккан онаси Туркон хотунга ҳам ортиқ қулоқ солмай қўйди. Вазири аъзамнинг айтишича, «иккинчи султон» — Туркон хотундан у ҳатто ўч ола бошлади. Энсаси қотиб уни қабул қилар, сўзларига терс жавоб берар, валиаҳд қилмоқчи бўлгани Узлоғшоҳга ҳам ортиқ қарамас, Пиршоҳ, Оқшоҳ, Гурсанжшоҳ, Хуршоҳлар билан ҳам иши йўқ эди. Фақат ёлғиз қизи Хонсултон ойим баъзан отаси ёнига кириб, саройда бўлаётган ғийбатнамо ишлардан уни воқиф этарди. Султон вазири аъзам ва бошқа махфий қутволлардан ташқари, қизи сўзига қулоқ осиб, бошқа хабарлар билан муқояса этарди.

Самарқанд мудофаасига ҳозирлик кўраётган Жалолиддин Темур Маликдан келган нома мағизини чақиб, анчо¹ лардан ўзи ҳам нома йўллади. Унинг тезда Катвонга етиб келишини сўради. Қалъаларни ўз ҳолича мудофаа қилиш режаси барбод бўлгани, эндиликда, кеч бўлса ҳам, кўшинни бирлаштириш лозимлиги, Самарқанду Гурганжни қўлдан бермаслик учун ҳамма чораларни кўриш кераклиги ёзилган эди.

Махфий чопарлар яна орқаларига — Хўжанд яқинидаги дарё-истехкомга йўл олишди.

Жалолиддин Катвон даштида кўшинни жангга тайёрлади. У бу ерда юз йил муқаддам султон Санжар енгилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон оёғости бўлганини биларди, бу оғир хатонинг яна такрорланишига йўл қўймаслик учун мўғул кўшинини тор-мор этиб, мамлакатни сақлаб қолишни кўнглига тугиб олган эди.

Жалолиддин Катвонда ўн мингдан ортиқ сарбоз тўплаб, Зарнукдан қайтаётган Чингизхонни кутарди...

Ўттиз бешинчи боб

Катвон жанги

Султоннинг хатти-ҳаракатларидан ғоятда ташвишга тушган Жалолиддин аламини босиб-босиб чилим чекишдан олади. Беш-ўн кун шундай васвасага тушади-да, яна ўз ҳолига келиб, янги вазири аъзам Қиётий Низом ал-Мулкдек донолик кўрсатиб, султонни асрайди, сархушликда ҳар хил ножўя фармонлар бериб юборишига йўл қўймайди, деб умид қилади. Мошваратнинг қарорига биноан у эрта билан йўлга чиқиши, қандай бўлмасин, бир ҳафта ичида Катвон даштига етиб бормоғи, Самарқанд кўшинини жангга олиб кирмоғи лозим! У қалъанинг кун ботар томонидаги Дорус салтана айвонида, ўз курсисидан ўтирар, хаёл сулар, хизматкор тутган чилимдан босиб-босиб тортиб, оғзидан тутун чиқарарди. Тиззаси устидаги шамширини ушлаб,

¹ Анчо — муҳим ҳужжат элтувчи чопарлар.

ганчин тоқчаларга, осиглиқ қандилга, шипдаги рангдор тоқиларга тикилар, хаёлида бир нарса — Самарқанд остонаси Катвонда душманни тор-мор этиш ҳукмрон. Агар бунинг иложи бўлмаса, Мехтар Бодиялдой Самарқандий ҳийла-найрангларини ишга солиб, чақмоқдек Чингиз боргоҳига тушиб, уни ўлдиради аждарнинг бошини янчиб, қўшинини пароканда қилади. Агар юзма-юз жангда ёв устунлик қилса, «Мехтар Бодиялдо усули»ни ишга солади.

Утрордан сўнг Жанд, Сигноқ, Чордарани босиб, янчиб, даштдаги туз конлари устидан тўзон кўтариб ўтган Чингизхон лашкари Зарнук ва Нур қалъаларини жангсиз таслим қилиб, пойтахт Гурганжни Хўжанд ва Самарқанддан узиб қўймоқ мақсади-да, Кармана томон силжиб, Зарафшон бўйига чиқди. Бу жуда ҳам маккорона ўйланган режа эди. Жалолиддин шу кунларда Хўжанд қўшини матонат кўрсатаётганини, Сайхун ичидаги оролга ўтиб, дарё жанги олиб борилаётганини, мамлакатнинг шарқида саркарда Темур Малик ва унинг жасур сарбозлари жон олиб, жон бераётганини биларди. Айни чоқда Бухоро атрофида турган ўттиз минг мўғул отлиғи Мовароуннаҳрга «пона» бўлиб кириб, мамлакатни иккига бўлиб қўйишидан ташвишланарди. Лекин Хўжанд, Ахсикат, Ушнинг босқинчига машириқдан қучли зарба беришига ишонарди.

Сарой ғала-ғовури, баъзи мансабдорларнинг талваса-ҳовлиқишлари жонига теккан шаҳзода яқшаба куни саҳарда юз чоғли фидойи сарбозлари билан Хозараспга келди. Бунда ҳам кўп тўхтамай шитоб билан Жайхун ёқалаб Каркига йўл олди. Бунда дарёдан ўтиб, Толимаржонга, ундан Кеш орқали Катвонга йўналди, бир ҳафта деганда Самарқандга етиб келди. У шаҳар девору қўрғонларини Самарқанд ҳокими Амир Тожиддин билан бирга кўздан кечириб, таъмирлар, дарбозаларнинг мустаҳкамлиги, қўрғон тепасидаги манжанақлар, мой тўлдирилган хумлар, посбонларни кўздан кечириб, шу кунидек ҳоким билан бирга Катвонга жўнади. Мўғуллар йўлини тўсиб, шай турган ўн минг отлиқ ва пиёдаларни кўздан кечириб, юзбошилар, мингбошилар, қўшин сардорлари режасини кўриб, уларга зафар тилади. Уларнинг салоҳиятини, шижоатини кўриб, у яна ғайратга минди, пайдар-пай чилим чекмоқни унутиб, қўшин бўлақларини, баъзи мингбошиларни лашкари билан тепаликлар ортига ўтқазиб, яширди. Зарафшоннинг иккига бўлинадиган — Хушдала деган манзилгоҳига Мужириддин ал Ашраф отлиқларини, Қудуқсой томонга ҳам минг отлиқни «яширди». Жума, Хишров манзилгоҳларига ҳам ўз отлиқлари билан бир неча сардорларни юборди. Асосий лашкар Катвонда туражаги, чопарларнинг ишораси билан пистирмадагилар тезда етиб келиб, яшиндек шиддат билан зарба беришликларини тайинлади. Мўғуллар Бухородан чиқиб, Катвондаги тўқнашувгача қаерга боргоҳ қуришликларини, мўғул жосусларини тутиб олиб келиш, энг муҳими, ола-була чодир қаерга қурилиши, бу чодир ичида Чингизхон ётишини аниқламоқ мақсади-да, далаларга айғоқчилар қўйди. Улар жанг бошланиб кетганидан кейин ҳам душман сардорларининг боргоҳларини аниқлаш учун куну тун, айниқса ярим кечада изғиб юришарди. Кармана, Оқтош, Жума йўлларига эллик чоғлиқ ҳар хил қиёфадаги одамлар қуйилди. Жума манзилгоҳининг жанубидаги тепалик остига Жалолиддин ўзи билан бирга келган фидойи юз сарбозни яширди. Унинг назарида мўғуллар Катвоннинг Жума томонидаги катта текисликка манзил қуришлари керак эди. Худди шундай бўлиб чиқди...

Бухорони кунпаякун этган Чингизхон бир қисм лашкарини унда қолдириб, икки ой деганда Самарқанд сари лашкар сурди. Қўлга тушган айғоқчиларидан аниқланган маълумотларга биноан мўғуллар йўл юриб келаётгани, Катвон ва Жума остидаги кенгликни сардорларига боргоҳ этишни мўлжаллашаётганликлари ҳам маълум бўлди. Жалолиддин яна чилим чекди. Унинг бурқситиб оғзидан луд чиқараётганини кўрган Амир бу нарса яхши эмаслигини меҳрибонлик кўрсатиб, лутф билан айтди:

— Азиз султоним, кўп чекадурсиз. Бу нарса саломатликка кони зарурдур!

— Саркарда, ҳозир саломатликни яхшилайдиган нима қолди? Юртни бўрилар босиб кетди. Бизлар кўп хатоликларни саъй этибмиз... Келинг, бу гапларнинг вақти эмас. Шу чилим туфайли бир фикр хаёлимда кезадир, — деди Жалолиддин Амир Тожиддинга. — Жанг бошланган биринчи куни кечга яқин мен ғойиб бўламен. Изламанг ва ҳеч ким изламасин. Сўраганларга, менинг отимга минган, либосимдаги кимсани кўрсатинг ва уни ўзингиз билан боргоҳга олиб боринг. Мен Жума ёнидаги тепаликка, пистирмага ўз кишиларимни яширганмен. Биз ярим тунда Чингиз боргоҳига ўқдек кириб бориб, ўз қўлим билан тўнғизни чопиб ўлдирмоқчимен. Бу иш катта жангга халақит бермайди. Зора у жаллодни янчсам, Удегэй ва Тулуй деган ўғиллари, босқинчи қўшин парокандаликка тушиши аниқ. Мўғуллар «Удирдагч», деб аталмиш бу «онабошилари»ни йўқотгач, ўз юртларига саросар қочишлари ҳам эҳтимол. Қўлга тушган айғоқчилар қийноқ вақтида буни тасдиқлаганлар.

Амир Тожиддин Жалолиддиннинг ярим овоздаги бу сўзларини диққат билан тинглаб, маъқуллади. «Ўзингизга эҳтиёт бўлинг, шаҳзода!» деди. Самарқанд кўшини шаҳзода Гурганждан келганини аллақачон билган эди, мабодо у ғойиб бўлса ёки қўлга тушса — унда бу қўшин ҳам пароканда бўлиб қолишини дилидан ўтказди.

— Ёнингизда ҳамроҳингиз бўлишга менга ижозат этинг, шаҳзода.

— Йўқ! Ижозат йўқ! Сиз қўшин тепасида турганингизни, менинг либосимдаги менга ўхшаш одамнинг ҳам ёнингизда турганини дўстлар ҳам, душман ҳам кўриб турсин. Мен биринчи куниёқ яширин жанг бошлаймен. Бу ҳозир жуда керак. Йигирма беш мингга яқин мўғуллар билан жанг Катвонда бир ҳафтага чўзилади. Ундан сўнг, биз уларни тор-мор этолмасак, шаҳарга чекиниб, дарбозаларни беркитамиз. Қамал жанги бошланиб, беш-олти ойга чўзилмоғи мумкин. Агар биз аждарнинг бошини янчсак, бу жанг икки кунда ҳал бўлади... Эрта билан кучли тўқнашувда мен ғойиб бўламен.

— Фармонингизга тайёрмен, шаҳзода!

Шанба кунидан бошлаб, мўғулларнинг олдинги кучлари Катвон даштига, самарқандликлардан беш тош нарига жойлаша бошлади. Яна бир қисми — Зарафшоннинг Қорадарёга бўлинадиган Хушдала, Қудуқсой томонларга кетди. Чўпон либосидаги Самарқанд айғоқчилари тепаликлардан буни аниқ кузатишарди. Самарқанд жануби, Катвон даштида гард намоён бўлганини, ҳужумкор мўғуллар кўз илғамас дашт кенгликларида от чоптириб юрганини бемалол кўриш мумкин эди. Айғоқчиларнинг маълумотича, уч кун ўтгач, ўрталиқда келаётган Чингизхон арвалари ҳам Катвонга юзланганини, отлар бемалол ўтлайдиган текисликка юзларча ўтов ва чодирлар қурилаётгани, қозонлар осилаётганини кўришган. Бу чодир-ўтовлар ичида ола-була, тепасига туғ ўрнатилган катта ўтовни ҳам аниқ кўрганлар. Мўғуллар жойлашиб олгач, тонгда карнай чалиниб ёки манжанақлардан ўт очилиб, жанг бошланади, деб кузатиб турган самарқандликларни гўё доғда қолдириш мақсади-да, уларнинг илғор қисми Катвонга етиб келиши биланоқ куннинг ўртасида ҳужумни бошлаб юборишди. Олатўполон жанг бошланиб кетди. Аввал Амир ёнида ҳаммага кўриниб турган Жалолиддин отига бошқа бир одам миниб, шаҳзода ғойиб бўлди. Қаттиқ жанг сурони: ёйлардан учган ўқларнинг ғувуллаши, ур-ур — сур-сур қош қорайгунча давом этиб, осмонда юлдузлар чақнагач, карнайлар ўкириб, икки томон ўз лашкарини чақириб олди. Эгасиз отлар, қулаган сарбозлар, ярадорлар билан кенг дала тўлиб кетган эди. Узоқ-узоқларда осмонга тутун ўрлаб, қозонлар қайнай, бошлади. Икки томон кишилари бир-бирларидан чўчиб, ўқ-ёй ушлаб ҳалок бўлганлар қуролларини йиғиб олишга уринишарди.

Мана шу аснодан фойдаланиб, саркарда Жалолиддин тепа

остидаги ўзининг фидойилари ёнига келди. Ҳаммалари бошларига мўғул тумоғи, устларига Чингизхоннинг шахсий соқчилари кийимларини кийишди. Таққан қуроллари ҳам мўғулники эди. Улар шай бўлиб, отларини тўйдириб, тепа орқасида шаҳзода амрини кутиб туришди. Жалололиддин уларга ёйилиб, от чоптириб бориб тўппа-тўғри Чингизхон ўтовини ўраш, йўлдаги посбонларга тегмаслик, агар улар шовқин кўтарса, шу лаҳза чопиб ташлашни, шам ёки машъала ушлаганларни биринчи галда чопиш лозимлигини уқтирди. Кимда ким шаҳзодадан аввал ўтовга кирса, унинг амрини кутиб ўтирмай, шу лаҳза Чингизни чопиб, калласини қопга солиб олишни тайинлади. Ярадор ва қурбон бўлганлар қолиб кетаверади, тўхтаб кўмак беришнинг иложи йўқ, деган фармонни ҳам уқтирди. Чингизнинг калласини узган баҳодир шу лаҳза Катвонга, Амир Тожиддин ёнига югураберсин, деб қўшиб қўйди. «Мабодо мен жароҳатланиб, мўғуллар қўлига тушадиган бўлсам, фидойи сарбозларимдан бири мени шу лаҳза қилич билан чопиб ўлдириб кетсин! Бу қатъий фармон!» деди Жалололиддин.

Кечадан бошлаб, осмонни қоплаган қорамтир булутлар қуюқлашиб қовоқ солиб турган фалак бу кун эрта билан бир-икки томчилай бошлаган эди. Жанг бошланганида, росмана ёмғир қуярди. Кечга бориб, ёмғир сийраклашди. Икки томонга қайтган сарбозлар таом емак у ёқда қолиб тўғри келган жойга ўзларини ташлаб, дам олмоқ, жароҳатларини боғламоқ билан овора бўлдилар.

Тун қоронғусида мўғул салоҳлари таққан, бошда тумоқлар, гўё мўғул фидойи сарбозлари қўшин сўнгида келаётган «Удәгей маълумотини отасига етказётган» бўлиб, юз отлик Жалололиддин раҳнамолигида шиғиллаганча Чингизхон боргоҳига югуришди. Йўлда бақрайиб қолган мўғул посбонлари уларни бемалол қўйиб юборишди. Қўлида машъала кўтариб, шубҳаланиб ғулу кўтарган бир посбонни қилич билан чопиб, қулатиб кетишди. Бир муддатдан сўнг Жалололиддин отлиқлари ола-була катта ўтовга етиб бориб отдан сакраб тушган ўн йигит ичида Жалололиддин ҳам ўтов олдида турган мўғул сарбозларини чопиб ташлаб ичкарига киришди. Ўтов ўртасида катта чироқ ёқиқлик, юқорида кўрпа ичида ётган семиз мўғул ёнига бориб, Жалололиддин дўқ урди: «Тур ўрнингдан, чўчка!» Каламуш думидек силлик мўйлабини ликиллашиб, ипак кўрпани сидириб, яроғини қидираётган Чингизхон бўйнига Жалололиддин қўлида ярқираб турган қилични зарб билан уриб, калласини узиб ташлади. Жалололиддин ёнида турган фидойи йигитлар шу лаҳза қон оқиб турган ошқовоқдек катта каллани чойшабга ўраб, вақтни қўлдан бермаслик учун тезда ташқарига чиқиб, отларига минишди. Йўлда ғулу кўтариб, қаршилиқ кўрсатган мўғулларга қилич уриб, Катвон дашти томон ўқдек югуришди. Йўл-йўлакай бўлган жангда Жалололиддиннинг бир неча йигити қоронғуда ёйдан отилган ногоҳоний ўқлардан жароҳатланиб, қулаб йиқилишди. Фидойи сарбозлар жасур шаҳзода раҳнамолигида «Чингизхон калласи»ни олиб, саркарда Амир Тожиддин турган боргоҳга учиб боришарди. «Тўнғизнинг калласи» шарт узилганидан хурсанд Жалололиддин орқасида келаётган йигитларига гоҳ-гоҳ қараб қўяр, қоронғуликда уларни кўролмаса ҳам, ҳаммаси бирдай жасорат кўрсатганлигидан мамнун югурарди...

Эрта билан яна жанг бошланди. Мўғуллар саросима, парокандаликда қолиб жангга тушмайдилар, деб хаёл қилишди. Лекин улар яна от чоптириб, майдонга келишди. Уларнинг олдида семиз Чингизхон билан ўғли Чиғатой келарди. Бу ҳолни кўрган Жалололиддин лол қотди. Амир Тожиддин ҳам Чингизхон макрини фаҳмлади. У, бу боргоҳига бошқа одамни қўйиб, ўзи кўримсиз бошқа ўтовда ётгани маълум бўлиб қолди.

— Энди мен уни жанг майдонида маҳв этамен! — деди қиличини суғуриб, жангга кириб кетган шаҳзода Жалололиддин, ғазоби қайнаб. — Сиз, Амир ҳазратлари, жойингиздан жилмай, қўшин тепасида туринг!

Тинимсиз ёмғир ёғар. Икки катта куч эса, Катвон даштида ҳаёт-мамот жангига киришиб кетган эди.

«Шарқ осмонида ярқираган
тонг юлдузи»нинг ғойиб бўлиши

Мўғуллар Бухорою Самарқандни вайрон қилиб, сўнг беадад қўшин билан Фороб орқали Жайхун бўйига йўл олдилар. Дарё ёқалаб, чексиз қумликларда чанг кўтариб, шимолга қараб Хозарасп томон силжидилар. Мўрмалахдай ҳаммаёқни шипириб, сахрони тўлдириб келаётган беомон ёв хабарини эшитган султон Муҳаммад Хоразмшоҳ пойтахтни ташлаб қочди. Душман Хозараспга етиб келганидаёқ уни кучли зарба билан қарши олган лашкарга Катвон даштидан қайтиб келган Жалолиддин саркардалиқ қиларди. У қонга бўялиб, бир қисм лашкари билан Хозараспдан Гурганжга чекинди. Олти минг киши ўттиз минглик Чингизхон лашкарига бас келолмасди... Шу таҳликали кунларнинг бирида кечга яқин Нигина чодрага ўралиб, саройдан унча узок бўлмаган, айвонлари ганчин, ариқ бўйлари гулзор ҳовлисидан энагаси билан бирга кўчага чиқиб, тўппа-тўғри устод Ота-Муҳаммад ҳовлисига келди. Аҳвол ниҳоятда ташвишли, ҳадемай Хозарасп томондан мўғуллар босиб келиши аниқ эди. Устод ва раққоса айвонда ўтириб, нима қилмоқлик кераклиги ҳақида маслаҳатлашишди.

— Қилич ушлаб, Гурганжни ҳимоя қилолмайсен... Бас, шундай экан, Гурганждан чиқиб кетмоғлик зарур! — деди Ота-Муҳаммад, ерга қараб, — йўлни ҳам бошқа томонга сол, Хива, ундан қум орқали Дарбоза, Наса ва Тажанга етиб олмоқ даркор. Бундан карвон билан Бағдодга жўнамак мумкин...

— Она-юртимга келсам не дейсиз? Хўжандга, Ворухга... — сўради Нигина.

— У томонда ҳам ёғий билан қонли, шиддатли муҳораба кетмоқда. Хўжанд ўт ичида деб эшитдим. Қадрдонимиз Темур Маликнинг аҳволи не кечди экан. Хозарасп томонга ҳам бир қадам ташлаб бўлмайди. Бухорою Самарқанд ҳам, қум ичидаги Зарнук ва Нур қалъалари ҳам ер билан яксон бўлган. Фақат битта йўл қолди — Тажан орқали Бағдодга!

— Устод, сиз нима қилмоқчисиз?

— Мен, Гурганжни ташлаб кетолмаймен. Ёшим ҳам ўтиб қолгон, пешонамдагини кўрамен...

— Унда мен ҳам қоламен. Устод, бир бошга бир ўлим, мен ҳам ёнингиздан жилмаймен! Менинг дилимдаги ғурурни камситманг, мен — сизнинг, муҳтарам устод, тарбиятингизни кўрганмен. Мен ҳам қолурмен!

— Жоним қизим, сенинг тоғ бургутидек дилинг шоҳпарвозлигини, мардлигини билурмен. Аммо, биз энди мўғул ҳокимига хизмат қилмаймиз! Шу сабабли сенинг Гурганждан чиқиб кетмоғинг айни муддао! Мени кўябер, мен султондек қўрқоқ эмасмен. Агар бунда бўлсанг, айғоқчилар сени, албатта, топурлар. Шаҳзода мўғулларни енгиб, юртимизни босқинчилардан тозалаб, озод этса, яна қайтиб келурсен. Бунга имоним комил.

Нигина устод Ота-Муҳаммад чопони этагини қўли билан ердан олиб, ўпиб, кўзига суртди. Бир муддат кўзёш қилиб, яна қора чодрасига ўралиб, ҳовлидан чиқиб кетди. Нигина энагаси билан эшикдан чиқиб кетгач, Ота-Муҳаммаднинг ҳам кўзига ёш келди — доимо бирга бўлган устод ва шогирднинг бу галги қисқа учрашуви абадулабад айрилиққа ўхшаб кетди. Устоднинг кекса хотини, болалари айвон ёқасига келиб, раққоса билан нима хусусда гаплашишгани, нега раққоса йиғлагани боисини сўрашди.

— Бухорода кутубхона, қироатхоналарни ёқиб юборган, мадрасаларни отхона қилган, мударрисларнинг бошини кесиб, қудуққа

ташлаган, нимаъки илм-маърифатга тааллуқли бўлса — ҳаммасини оёқ ости қилиб, ёқиб юборган босқинчиларга устод Ота-Муҳаммад билан раққоса Нигинаю Бинт Занкижа керак бўлармиди! Улар мол сўйиб, эт емоқ, хотин-қизларни хўрламоқдан бўлак нарсани билмайдилар. Шу сабабли, мен Нигина бекамга бошингни олиб, ёғий йўқ томонга кет, дедим. Чунки, сен кўзга яқин, номинг оламга кетган. Хуросону Ҳиндда машхур кимсасен. Сенинг қадрингга мўғуллар етмайди, улар бир ваҳший ҳайвон бўлиб, сени булғаб кетишдан бошқа нарсани билишмайди, дедим. Агар у Гурганждан чиқиб кетса кўп маъқул иш бўлурди.

Нигина энагаси билан устоз Ота-Муҳаммад ҳовлисида чикиб, тўппа-тўғри дафчи Насриддин ҳовлисига келди. Белига қилич осиб, отхона олдида саманини эгарлаётган баланд бўйли, елкалари кенг, барваста йигит ялт этиб уларга қаради. Бошига дубулға кийган, белига қурол-яроғ осиб олган дафчи Насриддинни танимай қолишди. У дарҳол отни устунга боғлаб, Нигина билан энагасига салом бериб, мулозамат кўрсатди.

— Маликам, қайси шамол учирди? Биз, ғарибларнинг кулбамизга қадам ранжида қилишнинг боиси надир?

— Жуда муҳим! — деди Нигина, бошидаги қорамтир чодрани очиб, айвон томон қадам ташлаб. — Отни боғлаб, бу томонга келинг! — йўл-йўлакай энагасига мурожаат этди, — энажон, сиз ичкарига киринг, менинг бу йигитда хусусий гапим бор. — Энага чодрани ечмай ичкарига кириб кетгач, Нигина чиройли кўзларини Насриддинга қадади. — Қочмоқчимиз! Устоднинг маслаҳатлари шу!

— Қаёққа?

— Ёғийлар йўқ томонга.

— Маъқул.

— Бу, вақтинчаликка...

— Ҳа, албатта.

— Сизнинг кўмагингиз керак.

— Мен бир бор «ёрдам бериб», сизни Хўжандга олиб борган эдим... Иккинчи бор бундай «ёрдам беришга» ожизмен. Қалбим қуйиб тугаган... Мен шаҳзода ёнига Гурганж мудофаасига отланаётирмен. Ўзим буни хоҳладим. Сиздан сал аввалроқ устод Ота-Муҳаммад билан шу хусусда маслаҳатлашиб, розилигини олиб келганмен!..

— Йўқ, менга ҳамроҳ бўлиб кетасиз!

— Хўжандгами? Саркарда Темур Малик ҳузуригами?

— Йўқ, Тажанга, ундан Бағдодга... Сиз, саркарда Темур Маликни ёмон кўрасиз, унинг номини киноя билан тилга олманг! Ҳозир ўрни эмас!

— Бас. Мени авф этинг. Ноўрин гапириб юбордим!

— Шуни яхши билингки, сиз менинг энг яқин кишимсиз. Аммо ҳеч қачон саркарда Темур Малик шаънига ёмон сўз айтманг! Мамлакатимизни саркарда Темур Малик, шаҳзода Жалолиддин, албатта, озод этадилар. Мен бунга ишонамен. Агар мени ҳимоя қилмасангиз, Бағдодга олиб бормасангиз, ўзим кетаман — энагам мени ҳеч қачон ёлғиз ташламайди!

Насриддин ўйланиб қолди. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг Нигинанинг ҳозир ниҳоятда жиддий тус олган юзига тикилди.

— Маликам, ўнта жоним бўлса бари сизга бағишланган. Сизни душманнинг қўли етмайдиган Бағдодга элтурмен. Яхши жой топиб, бир ойма қолмай бунда қайтиб келиб, шаҳзода лашкари сафида жанг қилурмен. Шунга розимисиз?

— Розимен.

— Қачон йўлга чиқамиз?

— Эрта тонгда.

— Маъқул. Мен ҳозир юзбошига бориб учрашамен, унга ақча бериб рози қиламен. Келиб, сафар тадоригини кўриб, тонгда йўлга чиқурмиз.

Нигина ўрнидан туриб, Насриддиннинг кўксига бошини қўйди.

— Сизни мард йигит деб юрардим. Янглишмаган эканмен...

Нигина энагаси билан ўз ҳовлисига қайтди. Насриддин йигиб қўйган ақчаларидан ўттиз тилло ажратиб, юзбошига топширди. Бир ойга қолмасдан Бағдоддан қайтиб келиши, унинг ёнида туриб, жанг қилишга сўз берди. Пулни олиб, хурсанд бўлиб кетган юзбошидан раққосани Гурганждан узоққа — Бағдодга элтиб қўйишини яширмади.

Тунда Насриддин Нигинанинг нарсаларини йиғиштириш учун ҳовлисига кириб келди. Кўрдик, ҳамма нарса саранжом қилинган, йўлга ҳозирлик кўрилган, Хивагача аравада, ундан сўнг, қум орқали Дарбоза манзилигача туяларда бориш режалаштириб қўйилган... Эрта тонгда улар учовлон Нигина, Энага ва дафчи Насриддин қўшнилари билан видолашиб, йўлга тушишди. Уларнинг Гурганждан чиқиб кетаётганликларини фақат Ота-Муҳаммад, юзбоши ва ён қўшнилари билди, холос. Нигина хуржунлар, қоплар тагига ўз жавоҳир тақинчоқларини, тилло тангаларини яширган, қоп-хуржунларнинг тагига тикиб қўйган эди, бир қисм жавоҳирларини тақиб, бир қисмини энаганинг белига боғлади. Улар шу даражада кўп ва қимматли эдики, султон хазинаси Гурганждан чиқиб кетганда ҳам, Хоразм бунчалик кўп бойликни йўқотмаган бўларди.

Лекин уларнинг араваси Хивага яқинлашганда рўпарадан чиқиб қолган уч суворий йўлни тўсиб, аравани ўраб олди. Аравакаш ҳам донг қотди. Отлиқлар шаҳзода Жалолоддин қўшинига мансуб бўлиб, белига қилич осган Насриддиннинг не сабабдан Гурганждан қочаётганини сўрашди, агарда ҳозир улар билан бирга сардор ёнига бормас экан, оёқ-қўлини боғлаб боришликларини билдириб дўқ уришди. Хоразм қўшинида хоин бўлмаганлиги, ҳозирги кунда етти ёшдан етмиш ёшгача эркаклар мамлакат мудафаасига жалб этилгани ҳақида фармони олий борлигига, қочоқларнинг жазоси қаттиқлигига шама қилишди.

— Мен юзбоши Худойберган оғанинг руҳсатини олганмен. Тезда қайтамен...

— Сен қайтганингча ёғий Гурганжни қамал қилади. Ундан кейин сенинг не ҳожатинг бор! Аравадан туш! Биз билан сардор ёнига борурсен!

— Иложим йўқ!

— Туш!

— Тилло тангалар берурмен, оғалар, бизни қўйиб юборинглар, — деди Насриддин ёлбориб.

— Ана, энди сенинг, манглайи қора, хоин эканлигинг маълум бўлди! Энди сени қўйиб юбормаймиз, қочоқ!

Насриддин аравадан сакраб тушиб, қиличини қинидан суғурди. Уч отлиқ ва бир пиёда ўртасида қиличбозлик бошланиб кетди. Насриддин қиличи бир отнинг олди оёғига тегиб, от мункиб, суворий ерга қулади. Шу фурсат икки суворий отининг биқинига ниқталаб келиб, Насриддиннинг бўйнига қилич солди. Қалла узилиб ерга тушди. Бир муддат тана ерда питирлаб ётди. Бу ҳолни кўрган Нигина кўзларини бекитди. Отлиқлардан бири аравакашга ишора қилди.

— Кетаберларинг, қочоқлар!

Аравакаш отга қамчи босди, арава далада ғирчиллаб юриб кетди. Қапалағи учган Нигина аравани тўхтатиб, нима қилишини билмай қолди. Наҳотки у Насриддинни ажалга бошлаб келган бўлса! Энди уни кўмиш керак, деган гап кўнглидан ўтди. Энди, Бағдодга жўнашининг ҳожати қолмаганди... Энди у қандай қилиб кетади? Қадрдон кишисини ҳам йўқотди. У дод солиб суворийлар ёнига келди. Бефойда... Нигина бармоқларини тишлаганча мурда тепасида мурда бўлиб қолди... Суворийлар отдан тушиб, бири жароҳатланган оти оёғини боғлашга, бири — жазоланган ватандошини судраб олиб бориб, қумга кўмишга тутинди.

Арава йўлида давом этди. У узоқлашган сари Нигина билан энага шафқатсиз отличлар томон тикилишар, лекин миқ этмай ўтиришарди.

Дафчи Насриддиннинг ногаҳоний ўлими энагани эсанкиратиб қўйди. Нигинага ҳам бир кор-қол бўлмасин, деб хавотирланиб унга ер остидан кўз ташлади.

«Шарқ осмонида ярқираган тонг юлдузи...» энди ярқирамас, занглаган сийқа тангадек аравада кетиб борарди.

— Е, қудратингдан, — деди уч бор кўксига туфлаб энага, — қандай ёмон кунларга қолдик!

Уттиз еттинчи боб

Гавҳарни ютиб юборган хазиначи Амин ал-Мулк ёки пичоқ билан балиқдек қорни ёрилган вазирлар...

618 йил, ҳижрия, (1221 милодия) рамазон ойининг ўн учинчи куни эди. Гурганжда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қасри ҳовлисига эрта билан елкасида заррин тўн, ғазабнок чиққан биққа семиз Чингизхон атрофида бош эгиб турган олий мансабдор — нўёнлардан кеча эслатгани, хазинадаги араб ва ҳинд мамлакатларидан келтирилган қимматбаҳо гавҳартошлар топилдими, деб сўради. Бу тошларнинг бири — «Бадахшон», иккинчиси — «Шуълайи жаҳон», учинчиси — «Ганг» деб аталарди. Нўёнлар бош чайқашди. Аммо, тафтиш пайтида собиқ хазинабоннинг шоҳ вазирларидан бири бу уч бебаҳо гавҳартошни ютиб юборган, деганини маълум қилишди. Ўша одамни нўён Чингизхон ёнига олиб келди. У тиз чўкиб, ўз сўзини тасдиқлади.

— Вазирлар ушланганми!? — Семиз, қонталаш башарасидаги қийиқ кўзлари ёниб, сўради Чингизхон.

— Ҳаммаси ушланган.

— Қайси бири ютиб юборибди?! Бу жуда пасткашлик-ку! Қочоқ Хоразмшоҳнинг вазирлари ўзидан ҳам баттар экан, — сервиқор Чингизхон бирдан қиқирлаб кулди. Бу сафар унинг кўзлари қисилиб, заррин тўни ичиди балқиб турган қорни лопиллагандек бўлди. Атрофидаги барча мансабдорлар ҳам баробар қиқирлашиб кулишди, — ўшанинг номи нима экан?

— Номи, тилга олишга арзимаёди...

— Олиб келиб, мана шу ерда қорнини ёриб, гавҳарни олинглари! — деди Чингиз, садоқатли нўёнидан мамнун бўлиб. Рақиблари номини айтабериш унга кўп ёқмас эди. Нўённинг зийраклиги унга ёқди.

Қуролланган навкарлар югурганча ҳовлидан ташқарига чиқишиб, отхонага қамаб, қўриқланаётган Хоразмшоҳ мансабдорлари ичидан қўли боғлоғлиқ вазир Умар ал-Бистомийни ҳайдаб олиб келишди. Чингизхон ишораси билан тилмоч ундан: «Сен машҳур уч гавҳартошни ютиб юборганмисан?» деб сўради. Олтмишлардан ошган кекса вазирнинг кўзлари ола-кула бўлиб, ман бундай иш қилган эмасмен, деб қалтираб, чўкка тушиб, қасам ичди. Чингизхоннинг лўмбиллаган семиз башарасида яна ғазаб аломатлари пайдо бўлиб, каламуш думидек силлиқ мўйлаби ликиллай бошлади. У қўли билан ишора қилиб, ичкарига кириб кетди. Навкарлар вазирни ерга ётқизиб, бир нечаси қўл-оёқларини ушлаб, яланғоч қилишди-да, дод солиб бақираётганига ҳам қарамай, қорнини ўткир ханжар билан ёриб, ичак-човоғини бемалол титкилаша бошлади. Ҳовли юзига қон сачраб, анча вақтгача вазир инграб-титраб ётди. Енг шимарган навкарлар вазир ичак-човоқларини ағдар-тўнтар қилсалар ҳам, гавҳартошни топиша олмади. Шундан сўнг, унинг жасадини бир чеккага суриб қўйиб, нўён Чингизхон ёнига кириб чиқди. Ҳамма вазирларнинг қорнини ёриб,

қимматбаҳо гавҳарни топинглар, деган фармонни олгач, асирликда ушлаб турилган ўн чоғлиқ вазирларни ҳовлига олиб чиқиб, биринкетин қоринларини ёра бошлашди. Бир маҳал навқарлардан биттаси ўрнидан туриб, «Топдим! Мана, бебаҳо гавҳартош!» деб бақириб юборди. Дарҳақиқат, Амин ал-Мулк деган тижорат вазири қорнидан ўрик данаги катталигидаги «Шуълайи жаҳон» билан «Ганг» гавҳарлари топилди. Қимматбаҳо тошларни ювиб, кафтида қисганча Чингизхон ёнига кириб кетган нўён бир муддатдан кейин хонадан мамнун чиқди. Ташқарига чиққан Чингизхон кафтидаги гавҳартошларни офтобга солиб томоша қилди. Бу тошлар Мовароуннаҳрда юксак мансабдарларга маълум, бундан босқинчилар ҳам хабардар эди. Чингизхон ерда қонга беланиб ётган вазирларга ишора қилиб, буларни олиб чиқиб, эгаларига беринглар, ўзлари кўмишларига рухсат этаман, деди. Бу унинг гавҳарлар топилгани сабабли бир оз юмшаб, «меҳрибонлик» кўрсатгани эди.

Ҳалок бўлганлар орасида Султон Жалолиддиннинг энг яқин дўстларидан соҳибқирон Шамсиддин — сарханг¹, Диёриддин Али, Элчибек паҳлавонлар ҳам бор эди. Улар гарчи вазирлик мартабасида бўлмасалар ҳам, босқинчилар бу асирларни ҳам ўша машъум тошларни ютиб юборган гумон қилиб, қоринларини ёрган эдилар.

Аммо, Чингизхон учинчи тош топилмаганидан сўнг яна қовоғи осилди, қайси бири катта ва қиммат эканини мўғуллар томонига ўтган иккинчи хазинабондан сўраттирди.

— Уч гавҳарнинг қайси бири катта?

— Бу икки гавҳар ичида «Бадахшон» йўқ. У энг каттасидир, — деди сотқин хазинабон, Чингизхон кафтида товланиб турган икки гавҳарга тикилиб, — буниси «Шуълайи жаҳон», буниси «Ганг», аммо «Бадахшон» йўқ. Мен буларни яхши танийман, — деди у. — «Бадахшон» гавҳари раққоса Нигинага тухфа қилинган. Нигина Гурганждан қочди, деган хабар қулоғимга етди...

— Қаёққа қочди?!

— Е Ҳамадон, ё Нишопур, ё Бағдод...

— Орқасидан одам юборинглар! — деди кескин бир тусда Чингизхон атрофидаги камарбаста нуёнларга. Яна унинг қийиқ кўзлари йилтираб кетди, — тутилган ерида қорни ёрилсин!

Аммо у бирдан ўйланиб қолди; шундай қимматбаҳо гавҳар тухфа этилган ўйинчи — қандай ўйинчи экан? Ахир бу гавҳар бутун мамлакатга арзийдиган нарсаси...

Унинг кўзига бир «Бадахшон» гавҳари икки бўлиб кўринди. Наҳотки мен уни қўлга тушира олмайман! «Тирик тутинглар!» деди у қатъий туриб, бақириб. Ўзининг айғоқчиларидан хафа бўлди, наҳотки уни қўлдан чиқариб юбордилар?! Мовароуннаҳр ҳақида қанча гаплар айтган Маҳмуд Ялавоч нега бу раққоса хусусида бир сўз айтмади?

У икки гавҳартошни кафтида сиққанича ичкари хонага кириб кетди.

Чингизхон фақат олтину забаржод, гавҳару зумрадларни, подшоҳлар тожларини эмас, балки Мовароуннаҳрдаги ноёб китобларни, айниқса тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт ва бошқа илмга оид асарларни ҳам тўплаттириб, қаттиқ муҳофазага олдирадди. Асир олинган кўплаб олиму муншийларни ишга солар, китобларни танлатиб, қоплаб, туя карвонларида Хўжанду Шош йўли орқали ўз элига жўнатарди.

Қаттиқ кунлар бошланишини сезган Туркон хотун ўғли — Муҳаммад Хоразмшоҳ каби мамлакатни тамом ташлаб, яширинча қочишдан қайтиб, неваралари ва бир қанча келинларини олиб, Гурганждан ошкора чиқиб кетди. У Язир чегараларига яқинлашгани-

¹ Сарханг — 500 отликка бош бўлган сардор.

да, садоқатли деб юрган бир хизматкоридан келинларидан бирининг шубҳаси билан бад олди. У мени сотади, ташлаб кетади, хаёл қилиб, йўлда бошини кесишга амр этди. У маҳрам игво қурбони бўлди. Туркон хотун эса, султоннинг бола-чақалари билан Мозандароннинг Илол қалъасига чиқиб кетди.

Бу қалъани кейинчалик мўғуллар тўрт ой қамал қилиб, сувсиз қолдирдилар. Айниқса шуниси қизиқки, осмони камдан-кам ёришадиган, ёмғир кўп ёғиб турадиган, доимий селлар ва сувга сероблиги билан ажралиб турадиган бу қалъани қурғоқчилик, ташналик ҳолдан тойдирди. Бу ҳол Туркон хотунни мўғуллардан омонлик сўрашга мажбур этди. Мўғуллар унга омонлик ваъда қилдилар. У қалъадан чиққан дақиқадан бошлаб Илол дарвозасидан сув оқиб кирди ва ўша куни ҳамма ҳовузлар тўлди.

Туркон хотун асир олинди ва уни Гурганжга, Чингизхон ҳузурига олиб кетдилар. Бу воқеалар ўз навбатида Жалололиддинга ҳамда Темур Маликка етиб борди. Туркон хотун алданиб, қўлга тушганини пайқаган маҳрами Бадриддин султон Жалололиддин томонга яширинча ўтиб, унинг мартабали кишиларидан бўлиб қолди.

Асирликда у шунчалик муҳтожлик тортдики, бир неча бор Чингизхон тушлик қиладиган жойга келди, у ердан ул-бул нарса, ғажилган суякларни олди, шу егулик унга бир неча кунга етарди. Ўзини осмон фаҳмлаб юрган Туркон хотун хор бўлди. Уни ўлдирмай шу алфозга солишни Чингизхон атай илгаридан мўлжаллаган эди.

Султоннинг кичик ўғиллари хусусидаги гап шуки, уларнинг энг ёши Қамиғшоҳдан бошқа ҳаммаси Илол қалъаси фатҳ этилганда ўлдирилди. Туркон хотун бир куни ёнида тирик қолган невараси Қамиғшоҳни эркалаб, сочини тараб ўтирганида, иттифоқо унинг олдига Чингизхон сархангларида бири келиб, болани бувиси қўлидан юлиб олиб, Чингизхонга топширди, хон уни бўғиб ўлдиришга буюрди.

Султоннинг қизларининг қисматлари ҳам кичик ўғилларининг қисматидан енгил бўлмади. Уларни хиёнаткорлар ўзларига хотин қилиб олдилар. Хоразмдан бош олиб Бағдод сари чиқиб кетган Нигинагина бундай жирканч бандиликдан холи бўлди.

Тўртинчи қисм

Дарё жанги

Ўттиз саккизинчи боб

Темур Малик сарбозлари манжанақлардан ўтли тошлар отиб, душман қароргоҳини тор-мор этдилар...

Ярим тун. Дарёдан кичкина қайиқчада писта пўчоқдек чайқалиб ўтган сардор Муҳаммад Интизом истеҳкомга кириб, саркарда Темур Маликка Гурганждан бир кимса дарвеш қиёфасида келганини, саркардага султоннинг яширин мактубини олиб келганини маълум қилди. Нома кичик, шалдироқ қоғозга лас билан ёзилган бўлиб, «дарвеш» жандасига тумор шаклида мато ичида уч бурчак қилиб чатилган. «Дарвеш» гарчи султон мактубини олиб келган бўлса-да, ўзи Туркон хотун кишиларидан эканини айтган. Саркарда мактубни очиб, шам нурида кўз ташлади. «...салтанатимиз таянчи саркарда Темур Маликка етиб маълум бўлғайки, ваҳший Чингиз аввал Бухорони, кейин Самарқандни босиб олиб, фуқарога кўп зулм ўтказди. Эндиликда Гурганжга таҳдид солмоқда. Мовароуннаҳр шаҳарлари бирин-кетин

қўлдан кетадур. Муҳтарам саркарда, Хўжанднинг қўлдан кетганини эшитиб, кўп таассуфландим. Эндиликда бор қўшинни зудлик билан Гурганж мудофаасига етказинг. Аълоиддин Муҳаммад. Шабон. Йигирма саккизинчи кун. Чоршанба».

Темур Малик хатни ўқиб, Муҳаммад Интизомга боқди. Беихтиёр кулди. Муҳаммад Интизом ноқулай аҳволга тушиб, бир нима деёлмади.

— Сардор, бу мактубга кулмай на қилмоқ керак! Сиз нима дейсиз?

— Мен мактуб мазмунидан огоҳ эмасмен.

— Ростми?

— Рост!

— Мана, ўқинг, азизим. Сиз на Меҳтарбод ва на Камак Кайёний экансиз! Нега ўқимадингиз?

Муҳаммад Интизом ерга қаради.

— Сизнинг рухсатингизсиз ўқимаймен.

— Садоқатингиз учун ташаккур! Мен сиз жанобнинг она-еримизга, салтанатимизга садоқатли эканингизга шубҳа қилмасдим. Қани энди Гурганждаги кимсалар ҳам сиздек софдил бўлган бўлсалар. — Темур Малик бугун атайи алаmidан бир-икки пиёла мусаллас ичди. — Буни ўқинг! — у очилган мактубни Муҳаммад Интизомга узатди. «Меҳтарбод» мактубга кўз ташлаб, кейин саркардага боқди. Темур Малик шу пайт унинг бу ерда туришини тайинлаб, ўзи ўрнидан қўзғалиб, эшик олдида қилич яланғочлаб посбонлик қилаётган йигитга Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий, Хўжа Идрис Кубаро, Ҳусайн Гов, сардор Олабуқа, Иброҳим, Қангли Арслонларни бунда чақириб келишни буюрди. Йигит қиличини филофига тиқиб, бошқа чодирларга йўл олди.

Хонага қайтиб кирган саркарда Муҳаммад Интизомга кўнглидаги маддани ёрди:

— Бу, мактуб эмас, фармон! Бу, Туркон хотун иши. Ўзингизнинг илгариги бир ахборотингизда, султон Гурганжда васвасага тушиб қолган. Ўз жонини ўйламоқда, деган эдингиз. Султоннинг кўзига на давлат, на мамлакат ва на фуқаро кўринадур. Ҳамма кучни бирлаштириб душманга зарба бериш ўрнига, барчамизни ўз ҳолимизга қўйиб, тарқатиб, душманга ем қилган султонга энди керак бўлиб қолибмиз. Шаҳобиддин Хивақий, шаҳзода Жалолиддин фикрлари тўғри эди. Мана оқибат! Аммо мен Хўжандни душманга бермаймен! Мен уни, албатта, қайтариб оламен! Бир томчи қон қолгунча жанг қилаберамиз!

— Саркардам! Мен сизнинг фикрингизни қувватлаймен, ҳамма вақт сиз билан биргамен!

— Йўқ, азиз сардор! — деди Темур Малик, ҳаяжондан кўзига ёш олиб, Муҳаммаднинг елкасига қўл қўйиб. — Сиз душманга ичдан, мен ташқаридан зарба бераётганимиз маъқул.

Оролдаги Хўжанд қўшини сардорлари тунда Темур Малик боргоҳига бирин-кетин кириб келдилар. Хўжа Идрисдан бўлак ҳеч ким ухламаган эди. Хона ичида доира шаклида ўтиришди. Юқорида, йўлбарс териси устига чўккан саркарда уларга султон номасини ўқиб берди.

— Бу, соғинч номаси эмас, фармон! — деди саркарда. — Нима маслаҳат берасизлар?

— Бу — навбатдаги, иккинчи хато фармон! — деди одатдагидек ҳамма вақт биринчи бўлиб фикр айтадиган Шоҳмурод Кўҳистоний. У Хўжа Идрис, Хивақий ва Темур Маликдан ёш жиҳатдан катта бўлгани учун ҳам аввал сўз айтиб, фақат Темур Маликдан кейин юрарди. — Бинобарин, биз унга бўйсунмаймиз! Жангни давом эттирамиз, ватандошларимизни қулликка ташлаб кетолмаймиз! Хўжандни озод этамиз!

Темур Малик бу гапдан сўнг сезилар-сезилмас Муҳаммад Интизомга қараб қўйди. «Меҳтарбод» бу қарашни фаҳмлаб, бош ирғади.

Шаҳобиддин Хивақий ҳам Шоҳмурод фикрини қувватлади. Бу мактуб Туркон хотун найрангларидан бири эканини фаҳмлаганди.

Бошқа сардорлар ҳам худди шудай фикрни баён этдилар.

Ўртадаги фикрларга диққат билан қулоқ солиб ўтирган Хўжа Идрис Кубаро Темур Маликка боқди:

— Сиз қандай фикрдасиз? Султон фармонидан бўйин бурмоқ исёнкорлик бўлмасмикан? Мен сизлар билан бирмен, еримни ташлаб кетмаймен, аммо султон фармонидан ҳеч вақт бўйин товлаган эмасмен.

— Сиз ҳам ҳақсиз, ҳазрат! — деди Темур Малик, — мен ҳам ҳеч қачон салтанатга қарши исён қилгон эмасмен. Лекин еримизни босиб олиб, элимизни қул қиладиганлар тарафини ололмаймен! Лашкар сардорларининг фикри ҳақ! Дўстим Сардор Шоҳмурод Кўҳистоний фикрини тўғри деб ҳисоблаймен. Биз бунда жангни давом эттиурмиз. Жангнинг энг зўри энди бўлади! — У қўлини мушт қилиб, юқори кўтарди. — Мадрасаю кўприк қуриш, иморат солишни билмайдиган, гўшт еб, отда чопиб, қилич солишдан ўзгани тан олмайдиган, зўравонлик қилиб, ўзга элларни қул қилмоқ бўлганларнинг ҳоли забун бўлғай! Дунёга келиб, эл саодатини ўйлаган мутафаккирларнинг азиз боши душман отлари туёғи остида топталмоқда. Кетиш йўк, жанг қиламиз! Султоннинг мактубига жавоб қилмаймен!

— Тўғри! Шундай қилмоқ даркор! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, — ё Ватан, ё ўлим!

— Тўпланган сардорлар оролда пайдо бўлган Муҳаммад Интизом билан омонлашиб, кейин чиқиб кетдилар. Бу одам илгари кўпларга даҳшат соларди. Ундан чўчирдилар. Ҳозир оролда уни кўриб, қандайдир суянчиқ, яна бир кучни, қадрдонни кўргандек бўлдилар. Унинг борлиги, у тирик экани, ёғийлар ичида юриб, қулай пайтда босқинчиларга талафот етказётгани уларга далда берди. Темур Малик уни оролдаги бошқа сарбозлар ҳам кўриб, таниб олишларини ўйлаб, эртасига, тонг пайтидан то кечгача сарбозлар ичида уни ўзи билан бирга олиб юрди. Шундан кейин Темур Малик бир оз ётиб, дам олмоқчи бўлди, лекин кўзига уйқу келмади. У ярим тунда ташқарига чиқиб, оролни айланиб, ой шуъласида жимирлаб оқаётган дарёга тикилди, қирғоқларда посбонлик қилиб турган йигитлардан хабар олди. Далда берди. Дарёнинг нариги томонида, мўғуллар боргоҳида кўпгина чироқлар милтираб кўринарди. Чироқлар асосан юзбошилар, мингбошилар ўтовида. Душманнинг асосий кучи ўнг қирғоқда — Қурама тоғлари этакларида эканини биларди. Негадир нўёнлар шаҳар ичида эмас, сиртда — ўзларининг очиқ даштдаги ўтовларида тунашни афзал кўрардилар. Муҳаммад Интизомнинг айтишича, Сўқту нўён қалъа ичида бир кун, ярим кун туриб, сўнг отлиқлар муҳофазасида даштга қайтар, анча пастдан кема билан ўтиб, ўтовига келиб ётар экан. Муҳаммад Интизом бу айёр нўённи ҳеч қўлга тушириб бўлмаётганини ҳам айтди. Сўқту нўён ёки Улоқ нўённи доруи беҳуш билан ухлатиб, оёқ-қўлини боғлаб, бунда олиб келиш ниятидалигини айтганида, Темур Малик Муҳаммад Интизомга ташаккур айтди. «Режангиз учун ҳам ташаккур! Сиз, азиз дўстим, бундай режани амалда қилсангиз қанчалар ватандошимизни ажалдан сақлайсиз, эҳтимол, биз Хўжандни босқинчидан тортиб олармиз...» деди. Муҳаммад Интизом жиддий бир тусда: «Омадимизни берса, биз бу бераҳм нўённи қўлга тушираммиз...», дея сўз берди.

Темур Малик «салтанатнинг ўткир ханжари» Муҳаммад Интизомни ўз боргоҳида олиб қолиб, эрта билан манжанақ отишмалари, нариги томонда турган душман лашкари камондан оловли ўк ёғдиришига қарамай, жуда сиполик, босиқлик билан нонушта қилишди. Ундан кейин Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний сардор Муҳаммад Интизомни ўртага олиб, орол ичидаги истеҳкомни яна бир карра кўздан кечирган бўлиб, сарбоз йигитларга уни атай кўрсатишди. Хўжандда ва бошқа қишлоқларда Муҳаммад Интизомнинг одамлари яширин жанг қилаётганини ҳам билдирмоқчи

бўлишарди. Йигитлар ориқ, қорачадан келган, кўзлари ўткир одамга тикилиб, сардорларга салом беришарди. Бу одамнинг номини кўп эшитган эдилар, ўзини кўрмагандилар. У кўп вақт сунъий соқол-мўйлаб ёпиштириб, таниб бўлмас кимсалар қиёфасида юришини ҳам эшитишган эди. Ҳозирги кунда ҳар бир сарбоз Хўжанд сардорларини таниб олишликлари лозим бўлиб қолди. Узунлиги ярим чақиримча, эни беш юз газ келадиган бу узунчоқ оролда анча вақт айланиб юришди. Унг қирғоқда мўғуллар асирларни ишга солиб, тоғдан харсангтош ташилтаётганини ҳам шундоқ кўриб туришарди.

— Харсанг ташлаб, у қирғоқдан то оролгача тўғон қилмоқчилар, — деди Темур Малик кулиб, — бу жазаваси тутган, ўта жоҳил мўғуллар энди шуни ўйлаб топибдилар. Утрору Жанддан ҳайдаб келинган асирлар бир неча чақирим ердан елкаларида тош ташимоқдалар. Харсанг эмас, каллаларини қўйиб бўлса ҳам, оролга ўтиб олмоқчилар. Ўтказмаймиз! Бу йўлда ўлиш бор-у, ўтказиш йўқ!

— Бу жоҳиллар! — деди Кўҳистоний, — албатта каллаларини қўймагунча бунда етиб келолмайдилар! Асир шўрликларга қийин.

— Утрор қамалида Чингизнинг йиртқичлиги маълум бўлди, — гапга аралашди Муҳаммад Интизом. — Бунинг жазоси ҳам бўп қолар...

Муҳаммад Интизом саркарда Темур Малик, муҳирдор Шохмурод Кўҳистоний билан хайр-хўшлашиб, ўзига қараб, кузатиб турган юзларча ватандошлари олдида хуржунидан сунъий соқол-мўйлаб олиб, юзига ёпиштирди. Атрофдагиларга қараб илжайиб қўйди. У энди оролдаги фидойи сарбозлардан мутлақо ўзини яширмас, бу ердагиларнинг барчаси ҳам ўзини она-ер озодлиги йўлида жонини тиккан кишилар. Муҳаммад Интизом йигирма беш, ўттиз қадамдан пичоқ отиб, рақиби кўксига бахато санча олар, бу борада унга тенг сарбоз йўқ эди. У кўз очиб юмгунча ўзини бошқа қиёфага қиритиб, қозикқа боғлоглиқ турган қайикқа тушиб, нариги қирғоққа сузиб кетди. Унда икки шериги исқирт бир эшакни шай ушлаб турарди. Муҳаммад Интизом дарёдан сузиб ўтгач, қайикни яна боғлаб қўйишди-да, эшакка миниб, сомонбозорга жўнади.

Қирғоқдаги эшакни, икки одамни ҳам узоқдан кўришди. Оролдаги йигитлардан бири шеригидан сўради:

— Муҳаммад Интизом жаноблари бор эканлар! Мен, Чориқдар-ронда ҳалок бўлдилар, деб ўйлаган эдим...

— Тириклар. У зот ёв кўзига кўринмай жанг қиладурлар. Еғий ўз бўғзига ханжар қадалганини, ўзининг ўлимини ўзи билмай қолади.

Муҳаммад Интизом жанобларини саркардамиз атай Хўжандда қолдириб келдилар. У кишининг йигитлари икки юздан ошади. Улар ҳамма ерда бор, ҳамма ерда ўз ишларини билиб қилмоқдалар. Ҳа, Муҳаммад Интизом жанобларида гап кўп.

Айғоқчилар сардорини кузатган Темур Малик сув яқинидаги қалин ўтлар панасида туриб, хаёлга толди. Тўқайнинг асл подшоси — йўлбарс кун бўйи ерда пайт пойлаб, куч йиғиб, тунда ов қилишини ногоҳ кўз олдига келтирди. «Сайхун қирғоқларидаги қамишзорларда йўлбарслар кўп. Йўлбарс — сиртлон эмас, у мард, танги ва беаёв йиртқич. Ҳозирги кунларда манманлик, киши кўзига танглик қиладиган вақт эмас, — деди фикран Темур Малик, нариги соҳилда от чоптириб юрган мўғуллардан кўз узмай. Энди фақат беаёв йўлбарс бўлмақ пайти келди. Душман она-юртни топтамоқда ундан шафқатсиз ўч олиш ҳар биримиз учун фарз!

У, тиззасини қучиб, сув бўйида ёлғиз ўтираркан, кўз олдига уч яшар ўғли Метин келди. Фарзандинг бу ширин ёшида ёнида бўлмасанг чинакам оталик завқини суролмайсан, деди ўзига ўзи. Аммо, шу заҳотиёқ ватан тақдири ҳақидаги хаёл унинг ўғилчаси, «оталик завқи» ҳақидаги ширин хаёлини орқага суриб ташлади. Муҳаммад Интизом Метинни хонадоннинг содиқ кишиси Ғулом тоғ оралиғига олиб кетганини хабар қилиб, унга таскин берганди. Лекин бозор оқсоқоли

билан Бинафша беканинг хоин бўлиб чиққанига ҳеч чидолмасди. Бозор оқсоқолини қўлга тушган жойида ўлдиришга ҳукм этилган. Муҳаммад Интизомнинг одамлари Сўқту, Улоқ нўёнлар қаторида бу хоинларнинг ҳам изида тушишган эди.

Тунда қора «Ирвэс»¹ пайдо бўлиб, посбонларни ечиниб ётган жойида қилич билан чопиб, найза санчиб ўлдириб кетиши душманларнинг тинкасини қуритди. Улар тун бўйи ухламай «Ирвэс»ни кутадиган, пойлаб чиқадиغان бўлиб қолдилар.

Темур Малик шу куни, айни пешин пайтида ўзи билан йигирма чоғлиқ йигитни олиб, илгари тайёрлаб қўйилган эчки териларини пуфлаб, дўмбира қилишди-да, қўлларида бир газ узунлигидаги ғаров, дарёга тушишди. Этикларини ҳам ечиб, узун иштон, яланғоч белларида қалин камар, камарга қилич ва ханжар тақиб олишган. Эчки терисидан пуфлайдиган дўмбирани қўлтиқларига маҳкам қисиб дарё оқими сари секин кетишди. Нариги қирғоққа ўтаётган сарбозларга Темур Маликнинг ўзи бош бўлди. Қамиш-ғаров сувга чўкиб нафас олмоқ учун даркор, эчки тери уларни чўкишдан сақлаб қоларди. Бу ишни ўйлаб топган Темур Маликнинг ўзи биринчи бўлиб йигитларни бошлаб сузди. Бир йигитдан бўлак қолган ўн тўққиз киши дарё қирғоғига чиқиб олди. Бир сарбоз қўлтиғидаги дўмбирасини оқизиб юбориб, қийналиб, шеригининг кўмаги билан аранг ўтди. Дарё сатҳида турнага ўхшаб оқиб келаётган эчки териларини узоқдан кўриб турганлар, буни пайқамай, ёғоч, хас-чўплар оқиб келмоқда, деб ортиқча эътибор бермадилар. Баъзан дарё юзида кемалар эмас, дарахтлар, шохлар оқиб келарди. Йигитлар қирғоққа етишгач, пуфлаб шиширилган териларнинг дамани чиқариб, қирғоқда қолдириб, ўтовларга бостириб киришди. Иссиқдан қочиб, сояда ётган мўғулларни тўсатдан чопқин қила кетишди. Темур Маликнинг ўзи уч йигит билан ола намат ёпилган ўтовга бостириб кирди. Бу ўтовни Сўқту нўённики фараз қилган эди. Сўқтунинг Хўжандда, қалъа ичида эканидан хабари йўқ, у бунда ўтирган уч кимсани ўтирган ерида чопиб ташлади. Қирғоқда қилич ушлаган яланғоч одамларни кўрган мўғуллар тоғ томонга қочдилар. Узоқда, отлиқ ёрийлар кўрингунча қора «ирвэс» дарё қирғоқларидаги белгиланган ерга ўз сарбозларини шошилинч тўплаб, эчки териларни яна шишириб, қўлтиққа қисиб, орол томон суза кетишди. Отлиқлар бунга етиб келгунча Темур Малик ўн тўққиз йигит билан эсон-омон дарё ўртасида сузиб борарди. У атай орқароқда келарди. Белига боғлоғлиқ қиличинини бир қўли билан сувдан чиқариб, мўғул отлиқларига ялтиратиб кўрсатарди. Баланд қирғоқда бақрайиб қараб қолган душман суворийлари дарёда сузиб бораётган хўжандликларга, қиличинини ярқиратиб кўрсатаётган одамга ҳайратланиб боқишарди. Дўмбирасини оқизиб юборган йигит энди шериги билан бирга ҳаммадан олдин қирғоққа етиб келди. Битта ҳам йигитни йўқотмай, сувдан чиққан Темур Малик ерга ўтириб, узоқда турган отлиқларга яна қиличинини кўрсатиб қўйди. Масофа анча узоқ бўлишига қарамай, офтобда ярқираган қиличнинг мўғуллар аниқ кўриб турардилар. Кейинчалик маълум бўлишича, бу отлиқлар орасида Сўқту нўён ҳам бор экан. У Темур Малик сув ичида қилич кўрсатганини Улоқ нўёнга ҳам айтган. Агар Сўқту нўён Темур Маликни тирик ушлаб Чингизхон ёнига олиб борса, унга ўз ўғилларига берилгандек юксак мартаба бериши, эҳтимол, икки дарё оралиғидаги мамлакатнинг ярмисини инъом этиши мумкин эди.

— Ҳаромиларни боладик-да! — деди Темур Малик, атрофидаги яланғоч дўстларига кулиб, унинг негадир хохолаб кулгиси келарди.

— Йигирматача ёғий йўқ қилинди! — деди дўмбирасини оқизиб юбориб, чўкиб кетишига озгина қолган йигит, — мен ўзим ўтовда ётган учтасини ер тишлатдим.

¹ Ирвэс — қоллон. Мўғуллар Темур Маликни шундай деб аташарди.

— Офарин! — деди саркарда. — Оз бўлмаса сизни оқизиб юбориб, сардор Шоҳмуродга қандай жавоб қиламан, деб капалагим учиб кетди. Энди ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шоҳмурод Кўҳистоний ва бошқа сардорлар югуриб қирғоққа келишди. Дарҳол саркарданинг кийим-бошларини кийдириб, истеҳком ичига олиб киришди.

— Кемаларимиз устидаги бордон-соябонлар устини тезда сомонли лой билан суваш керак! — деди йўл-йўлакай Темур Малик ёнидаги сардорларига. — Камон ўқига латта, эски пахта ўраб тайёрлашаётганини кўрдик. Аланга олувчи мой идишларидан бир нечасини уриб синдирдик. Улар энди истеҳкомга, қирғоқда турган кемаларимизга ёйларидан оловли ўқ атадилар. Шу йўл билан кемаларни, ёғоч истеҳкомни ёндириб юбормоқчи бўладилар. Бунинг олдини олишимиз керак. Шоҳмурод, азизим, кемалар устидаги сомонли лой қуригач, устидан сирка қуйиб, нам қилиш лозим. Бунга теккан оловли ўқ шу лаҳза ўчади. Сирканинг бир фазилати шу! Агар сирка кам бўлса, Хўжанд томонга тунда йигитлардан юбориш, туз ва сомонни кўпроқ олиб келишларини тайинлаш лозим.

— Хўп, саркарда!

— Манжанақ тошига мойли латта боғлаб отамиз. Душман, тунда манжанақдан оловли тош отишимизни хаёлига келтирмайди. Энди улар эртага кундузи шу пайтда бизни кутади. Шунинг учун манжанақлардан бетўхтов оловли тош отиб, тўс-тўполон кўтарган пайтимизда, яна бир неча йигит яширинча у томонга ўтиб, қирғин бошлаши керак. Бу гал қайиқда ўтмоқ маъқулроқ.

— Мен борамен, — деди Кўҳистоний.

— Маъқул, — деди Темур Малик, — бир нарсага эътибор беринг, сардор. Қирғоқ яқинида харсангтош уюмлари атрофида беҳисоб асирлар бор. Оловли тошлар шу атрофдаги асирларни мажақлаб ёндирмасин. Улар Ўтрордан ҳайдаб келинган тутқунлар. Душманни билиб чопмоқ лозим!

— Тушундим.

— Битта-яримтасини қўл-оёғини боғлаб олиб келсангиз ёмон бўлмасди. Ўрталикдаги ола-ўтовга ҳужум қилинг, зора нўённи қўлга туширсак. Омад ёр бўлсин сизга!

— Хайр, саркарда.

Шу кеча осмонда булут пайдо бўлиб, чарақлаб турадиган юлдузлар кўринмай қолди. Ой ҳам қорамтир қуюқ булутлар орасидан баъзан Темур Маликнинг димишқий қиличидек ярқираб кўриниб қоларди. Тун қоронғулигини паноҳ этиб, оролдаги йигитлар ўн беш манжанақни дарё бўйига қатор тизиб, белига мойли латталарни арқон билан маҳкам боғлаган харсангтошлар уйиб қўйилди. Ярим тунда Шоҳмурод Кўҳистоний бошчилигидаги икки қайиққа йигирмага яқин сарбоз ўтириб, оролнинг юқори томонида пайт пойлаб туришди. Оролнинг куйи томонида тайёрлаб қўйилган харсангларни ўт олдириб, манжанақни отиша бошлади. Қаттиқ эгилган арча тахтаси оловли тошларни дарё устидан ўтказиб, душман боргоҳига ёғдира бошлади. Ўн беш манжанақдан тинимсиз отилиб турган оловли харсанглар душманга ваҳима солди. Харсанглар ерга тушиб, анча вақтгача ёниб турар, ўтовлар бирин-кетин ўт олар, отлар ҳуркиб тўрт томонга қочар эди. Душман саросимага тушиб, ҳуркиб қочган отларини ушлаб, ёнаётган ўтовларини сув сепиб ўчираётган бир пайтда шиддат билан дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб кетган икки қайиқни душман пайқамай қолди. Шу фурсатни ғанимат билиб, Кўҳистоний йигирма азамати билан ола-ўтов томон югурди. Йўл-йўлакай дуч келган босқинчини чошиб, қулатиб, ўтовга киришди. Бундаги икки мўғулнинг бирини ўлдириб, бирини қўл-оёғини боғлаб, қирғоқ томон судрашди. Унинг иссиқда ҳам тулки теридан тумоқ, оёғида башанг этик кийганидан Сўқту нўён деб ўйлашди. Дам оёғидан, дам елкадан тортиб, судраб, қайиққа босишди. Узоқда — манжанақлардан оловли тошлар

тушаётган томонда овора бўлиб қолган мўғуллар ола-ўтовдан нўёни судраб олиб кетишаётганини билишмасди. Шохмурод Кўҳистоний шу ола-тўполон вақтида яраланди. Лекин шу он хўжандлик сарбоз сардор орқасидан яна қилич ҳавола қилган мўғулни чошиб қулатди. Кўҳистонийнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Хўжандлик йигит чўлоқланиб қолган Кўҳистонийни опичиб олиб, қайиққа ўтқазди ва шу лаҳза барча йигитлар ҳам кемага ўтиб, эшаклар шитоб билан ишга тушиб кетди. Энтикиб орол томон сузишарди. Шохмурод Кўҳистонийнинг оёқдан жароҳатланганлигини ҳисобга олмаганда, бу сафар ҳам хўжандликлар талафот кўришмади. Улар оролга етиб келишгач, дарҳол табиб эски пахта, латта куйдириб Шохмурод Кўҳистоний оёғига босди. Малҳам қўйиб, оқ латта билан бөглади. Оғриқни босиш мақсадида озгина доруйи беҳуш ичириб ухлатиб қўйишди. Олиб келинган асир нўён эмас, ҳар қалай нўённинг мансабдорларидан экани маълум бўлди. Сўқту нўён тунда ўз ўтовидан анча нари, кўзга ташланмайдиган бир ўтовда ётар экан. Боши кетишдан қўрққан асир анча-мунча сирли гапларни Темур Маликка маълум қилди.

Лекин манжанақлар тинимсиз оловли харсангтошлар отиб турарди. Дарё устидан шариллаб учиб ўтаётган оловли тошлар душманга ваҳима соларди: бу ерликлар қандай қилиб оғир тошларни дарёдан ўтказиб отаётганига ҳайрон қолишарди.

Бир ҳафталардан кейин, тунда дарёдан ўтган Муҳаммад Интизом Темур Маликка шаҳарда тарқалган вабо қайтганини, лекин жуда кўп одам ўлганини, бу бало душмандан ҳам анча-мунчасини қийратиб кетганини маълум қилди. Темур Малик Муҳаммад Интизомдан янаги сафар келишида темирчи Жўрабек ишхонасидан бир сандон билан занжирни қирқадиган уч-тўрт болта, эгов олиб келишни, душман кемалар сув оқими сари боришида, унга қарши занжир тортаётгани ҳақида маълумот олганини айтди. Эртагаёқ тунда унинг йигитлари сандон, болта, эгов ва анжомларни етказишга ваъда бердилар.

Давоми келгуси сонда





Азим Суюн

ЗАМИН ТАҚДИРИ

Инсониятнинг 5,5 минг йилдан ортиқроқ тарихи давомида атиги 292 йил тинчлик билан ўтган. Дунёда 14.513 та катта ва кичик урушлар содир бўлган...

Ибтидо

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»
Машриқ Замин, Мағриб Замин,
Бирдек азиз мен учун!
Сахий Замин, ғариб Замин,
Ажратмоқлик не учун?!
Тоза сувнинг ранги, ахир,
Бир хил эрур ҳар жойда.
Тузнинг таъми шўру тахир
Ҳам Заминда, ҳам Ойда.
Бобо Ҳирот тупроғини
Кўзларимга сураман.
Ул олис Алл тоғларини
Сундулочдай суяман.
Самовотнинг қуёшини —
Бир меники, демадим.
Ҳиндуларнинг кўзёшини,
Ҳиндуники, демадим.
Финляндия қоғозига
Мен шеър ёзсам не ажаб?
Бир занжининг юз-кўзига
Ўқ отилса — бўзлар қалб!

Зиндон гули-ғиёҳинг ҳам
Дил яйратар ишқ каби.
Ул қаҳратон Шимолинг ҳам
Эл яйратар ишқ каби.
Бир газ қора еринг, қатто,
Одамзотга бўлур жой.
Бу бесарҳад Коинотда
Тенг келолмас Қуёш, Ой.
Умум мерос — Буюк мерос,
Башарият мулки — сен:
Сен Европа, сен Осие,
Америка, юртим сен.
Қанча-қанча дунёлардан
Олганман-эй, ажратиб.
Қанча-қанча ғавғолардан
Қолганман-эй, ажратиб.
Кундан-кунга меҳрим ортар,
Меҳрим ортар, Онажон.
Кундан-кунга ваҳмим ортар,
Ваҳмим ортар, Онажон.
«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»

Рейн суви ёки Ҳенрих Ҳейненинг иккинчи ўлими

Бир тонг — сўлим, фараҳбахш,
Ғир-ғир эсар шаббода.
Жонсизга жон этар бахш,
Хушёрга тутар бода.
Ой сузар — оромижон
Паркуларни оралаб.
Нурлар ўйнар беармон
Деворларни мўралаб.
...Утирибман сокит, жим,
Бир қабр чеккасида.
Туртди ногоҳ, аллаким,
Қабртош — елкасида.
Шивирлади: — Қўркмагин,
Мен — Ҳенрих Ҳейне — шоир.
Фалаж Ҳейнедир лекин,
Қаршингда турган — ҳозир!..
Фалажлик жондан ўтди,
Мен соғайгум Рейндан...
...Закий зот қайга кетди?
Лол қотдим мен бу сирдан...
Сўнгра, чопиб кетдим тез,
Рейн қирғоғи томон.
...Йиғлаб турарди бир қиз,
Сочи ёйик, паришон.
Оҳ, бу Амалия-ку...
Пойидаги улўф зот.
Ҳозир тирик эди-ку,
Қайта ўлдими? Наҳот?!
...Мана, қарор тузилди,

Унда асло йўқ ёлғон:
«Қадим Рейннинг ёди
Ҳейнега бахш этган жон.
У Рейнни севарди —
Қиз танидек Рейнни.
(Шу Рейн ва Амалия
Шоир қилган Ҳейнени).
Ушбу тонг ҳам дарёнинг
Қирғоғида айланиб,
Чанқагану... сўнг унинг
Сувидан ичган қониб.
Қайдан билсин, бу шаккок,
Заҳарлигин — Рейннинг.
Тангрига келтирди шак —
Қайта кўмдик Ҳейнени!»

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»
Туш эди бу кўрганларим,
Алоқ-чалок битта туш.
Лекин кўриб турганларим —
Яраланган сонсиз қуш:
Бугун қанча дарёларда
Балиқлар потраб, ҳайҳот,
Чўлп, чўлп —
Сакрар ҳаволарда
Емғирдан кутиб нажот!

Ҳаракатбон

Токио.
Машиналар —
(Саноксиз ном-отлари)
Кўча бағирлаб учар
Урфон зурриётлари.
Улар мисли юҳодир,
Ўт пурқар, ёнмас лекин.
Юракларни ютадир
Силлиқ, оҳиста, секин.
Чорраҳа ўртасида
Абжир спортчи каби
Ҳаракатбон Акира
Турар, гезариб лаби.
Дармони қуриб борар,
Аммо яшаш — чидамоқ!
Машиналар бекарор
Ялт-юлт учувчи чақмоқ.
Йўқ, бўлмади, Акира
Қалқиб кетди, оҳ, тамом!
Атроф зулмат, доира...
Чаппа айланди осмон.
Ишқибоздир халойик,
Урашган мол сингари.
Ҳаво — қурум, қуп-қурук,
Сакбозлар, йўқол нари!

Сенга керак томоша,
Томоша керак текин.
Томоша қилдинг ҳатто
Улганда Мурасаки!
...Етиб келди «Тез ёрдам»,
Жасадга ёрдам зарур.
Ўликлар кўчаларда
Қолиб кетмас-ку ахир?!
Пайғом учар — оқ каптар,
Оқ каптар учса қани.
Пайғом учар — кўк каптар,
Кўк каптар учса қани.
Қузғунлар қанотида
Учарлар қора пайғом.
Токио йўлларида
Ростловчилар берар жон!
Сабаб аён: газ, тутун
Ва яъни, ифлос ҳаво...
Фотосмог² билан бугун
Бўғилмоқда Токио!..

¹ Мурасаки Секибу — Япон адабиёти классиги.

² Фотосмог — Ўта заҳарли ҳаво.

Пайғом учар — оқ каптар,
 Оқ каптар учса қани.
 Пайғом учар — кўк каптар,
 Кўк каптар учса қани.
 Пайғом силсиласига
 Туташадир пайғомлар:
 — Африка қитъасида
 Очдан ўлди одамлар.
 Зулм исканжасида
 Очлик — гадолик — бир ҳол.
 — Гўдаклар қирилмоқда
 Нигерияда қурт мисол.
 Инсон салтанатида
 Инсон парча нонга зор.
 Ҳа, башар қисматида
 Очлик — зиңдон, очлик — дор...
 Пайғом учар — оқ каптар,
 Оқ каптар учса қани.

Пайғом учар — кўк каптар,
 Кўк каптар учса қани.
 Кузғунлар қанотида
 Қат-қат қора пайғомлар:
 — ЮНЕСКО рўйхатида
 Саноклидир жайронлар.
 — Мамонтларнинг ҳолига
 Тушмоғи мумкин филлар.
 — Наботот аҳволига,
 Ҳатто юлдузлар йиғлар,
 — Башар юраги, ёҳу,
 Тошга айланиб борар.
 Соҳир ҳислар, соф туйғу
 Ўзин тупроққа қорар!..
 Умид, Қўрқув орасида
 Яшар бугун Ҳақиқат.
 Наҳот булар барчасига
 Гуноҳкор тараққиёт?..

Европа нидоси

Агар мени кўр десанг,
 Ўзинг кўрсан жоҳил кас.
 Билгил, кўзнинг кўрлиги
 Юрак кўрлиги эмас!
 Кўрдим қанча кўргилик,
 У бошланган қадимдан.
 Бағримни қилди тилик
 Зилзилалар қадамда.
 Кўксимни ёриб чиқди
 Везувий — дажжол Вулқон.
 Геркуланум, Стабия,
 Помпейлар бўлди яксон.
 Бошимда чакди Чақмоқ,
 Ёнди не-не ўрмоним.
 Йўқ, йўқ, ўрмоним эмас,
 Ёнган алп-алп ўғлоним!
 Кетди овора, сарсон,
 Буғуларим беимдод...
 Кўзим ёшидир, билсанг,
 Волга, Дунай, Дон, ҳайҳот!
 Ер юзини босди сув,
 Бир салтанат баҳру бар!
 Оёқларим йўқ, лекин,
 Қара, таним, бошим бор!
 Бу, табиий офатлар
 Етмасмиди мен учун?
 Не даҳшат фалокатлар
 Қилди бахтимни нигун.
 Биз қитъалар бир эдик, —
 Тирноғу этдек туташ.
 Тарихни гувоҳ тутдик,
 Ечавер, етса бардош!
 Эҳ, башар, ўшанда ҳам,
 Дарёфеъл бўллмади.
 Отди бир-бирин одам,
 Тонгдай тенг кулолмади...
 Ҳамон турибман, ҳамон,
 Болаларим тумонат,
 Сувда қалқиган забун
 Кема янглиғ омонат!

Тоғ-тоғ бомба устида
 Қисматим аён ойдай...
 Вулқон отилар балки
 Бомбалар турган жойдан!
 Шу ерда бир ҳикоят
 Сўзлагум Нуҳ ҳақида.
 Маънисин чаққил фақат —
 Ҳақ бор — гарчи ақида!
 ...Дунёни сув босиб, у
 Сўнгра қайтибди ортга.
 Нуҳ дебди кемадаги
 Омон қолган бир жуфтга:
 — Эшитинг, сиз тириксиз,
 Яшайсиз бир баҳоли.
 Сабоқ бўлсин! Кўрдингиз,
 Неки бор, фано ўлди!
 Аждодингиз — қайсар, кўр,
 Кўп ишонди Кучига.
 Ақлин, кўзин босиб кул,
 Зўрберди Қиличига!¹
 Бу Қиличдан бор жонзот
 Қирилиб битди тамом.
 Жонлар олгучи набот
 Сақлайолмай қолди жон.
 Бу Қиличдан сарҳадлар
 Барпо бўлди Заминда.
 Қанча атлантидалар
 Барбод ўлди Заминда.
 Очлик, қаҳатчиликни
 Канадай туғди Қилич.
 Эрк, Ҳақиқат, Севинччи
 Илондек бўғди Қилич.
 Бу Қилич — дасти узун,
 Етди ҳатто самога.
 Ажалларнинг уруғин
 Қумдай сочди ҳавога.
 Кўкдан учган ёнғинлар
 Ёвлиги чиқди ёддан.
 Муз эриши, ёғинлар
 Довлиги чиқди ёддан.

¹ Қадимги афсоналарда Ер юзини бир пайлар сув босиб кетган деган ақида бор. Археологлар Месопотамияда шунинг изларини топдилар.

¹ Қурол-яроғ маъносига.

Зилзилалар, вулқонлар
Хилқати унутилди.
Довуллар, сел, тўфонлар
Қудрати унутилди.

.....
Заминда ё Қуёшда
Бир қаҳр бўлди содир.
Музлар эриб даҳшатда,
Зўр тўфон бўлди охир!
Қурол-яроғлар кучи
Тўхтатдим уни, хўш?..
Хур Ерда Инсон бурчи —
Хур яшамоқ мисли куш!
Сиз — ажодсиз! Бугундан
Авлодлар бўлғай бунёд.
Зурриётлар кун-кундан
Тиклагай қайта Ҳаёт!
Тағин улар қўлида
Тўрт ёнга ўйнар Қилич.

Ғов бўлолмас йўлида
Бирор қудрат, бирор куч!
Лекин билинг!.. Одам-да...
Унутмасинлар токим,
Табиий куч Оламда,
Эрур афсунгар ҳоким!!!

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»
Хотиротинг — ҳавотиринг
Менга орзумдай аён.
Ҳайқираман! — Хотиротсиз
Қолмасин аҳли жаҳон!
Хотиротсиз Кучга инсон
Айланса, бу — ҳалокат!
Бизлар даҳо бизлар султон,
Қайдин турфа фалокат?

Ўша...

Тун — зулумот отида
Кириб келди гунгдай жим.
Унинг салтанатида
Бевақт изғиб юрган ким?
Ошиқми — бағри яра,
Ё дайдиб юрган ётми?
Ё бир далли-девона,
Йўлдан адашган зотми?..
Шоирми — тунги боғлар
Қўйнида жим бўзлаган?
Олимми — олис ёқлар —
Юлдузларни кўзлаган?
Йўқ! Йўқ!
Бу ўША! ўША!..
Ниқоб тортиб юзига,
(Ниқоб — алдов ҳамиша.)
Кўринмай эл кўзига,
Дарёларни булғаган
Бадбўй, ирkit — корчалон.
Ҳамёнини ўйлаган
Пашшамижоз, беимон.
Бу ўША... соф ҳавони
Ўйламаган манфур зот.
ўША... очлик-юҳони —
Ёғлаб турган касофат.
Жоҳил, тубан, бетуйғу
Сайёдниг худди ўзи.
Яхши боқ! Фашизм — бу,
Қонсираб турар кўзи...
ўША! ўША!.. Лениннинг
Елкасига ботган ўқ.
ўША-ку... Линкольннинг
Юрагига отган ўқ.
ўША... ўзга юртларни
Итдай пойлаб юрган кас.

Қарам мамлакатларни
Қилаётган ҳору хас.
Пайдар-пай қурол сотиб
Кўзларини ёғ бостан.
Олтину зарга ботиб
Бағбақасини осган —
ўША! ўША!.. Бадбахт зот!
Бугун у Атом билан,
Ер шари, Одам билан
Ўйнашмоққа тайёр бад!!!

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»
Қушга осмон, балиққа сув,
Инсонга Ватан керак.
Ватанлар тақдири бугун
Сенинг тақдиринг, демак!
Кеча кўрдим битта сурат,
Мағзи бутун чинакам:
Бир шар учиб борар кўкда,
Осилиб олган Одам.
У чап қўли билан маҳкам
Ушлаган шар боғичин.
Ўнг қўлида мисоли шам —
Оловланган пичоғи...
У пичоқни санчмоқ истар
Учаётган шарига...
Термулади офтоб мистар,
Булут сузар нарида.
Аввалига ҳайрон турдим,
Сўнгра тушдим даҳшатга, —
Шар... Ер шари! Ва қичқирдим:
— Бу кимса ўША! ўША-а!

Тарих — сабоқ

I. Суд

Суд кетмоқда.
Жаноб Теллер

Сакраб турди ўрнидан.
Шўрлик Роберт Оппенгеймер

Қалқиб тушди дафъатан.
Теллер тўғри гап бошлади:
«Роберт сотқин, дарбадар...»
Нимагадир бош қашлади.
«...Ҳақли, кимки... — отса гар!
Ўз халқини билмайди у,
Фойдасин ҳам билмайди...»
Нимагадир жилмайди у,
Нимагадир жилмайди!
«Жиноятчи, қотил Роберт,
Ўз давлатим демади.
Бўри каби ёвуз, сурбет,
Ғамимизни емади...»
Нимагадир илжайди у,
Нимагадир илжайди!..
Бу илжайиш сабабини
Оппенгеймер билмайди.
«Сизга айтсам, Роберт, асли,
Коммунистдир коммунист.
Хатто унинг болалари,
Ўзидан-да беномус!»
Ғазаб билан жаноб Теллер
«Гуноҳқор»га бакрайди.

Шу пайт Роберт кўзларида
Хиросима бақрарди...

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»
Бағрингда тўрт миллиард
Фарзандларинг сақлар жон.
Бир қориндан... ваҳший, палид,
Ёвуз, бебурд... мен ҳайрон...
Қучоғинг кенг, юрагинг кенг,
Феълинг кенг фалак мисол.
Оқ сутингни унутса ҳам,
Юрагингда йўқ малол.
Биламан-ку, лекин, номус,
Букар, эзар қаддингни.
Улар билан ўлчамас, бас,
Донишларинг қадрингни!
Хиросима, Нагасаки,
Олов бўлиб ёнган кун,
Қалқди Виждон, қалқди Инсон,
Қалқди Эйнштейн!

2. Эйнштейн¹ нутқи

Огоҳ бўл, Башар!
Осмон қаршисида Ер,
Парчаланди беомон.
Хиросима — олов наҳр,
Нагасаки — ўт-тўфон!
Илмий қиморга тикди
Трумэн икки миллиард!
Илмий қиморда ютди
Миллиард... миллиард... ард...
Сўзламайман атомнинг
Даҳшатини бу замон.
Хандон отиб сўзласин
Спаатен — «қаҳрамон.»
Геростатнинг издоши
Сўзласин Левис муртад.
Келажакнинг кўзёши
Тутажақ уни албат!
Ашока¹ даври ўтган,
Жаҳонга бу эмас сир.
Ҳалокат жари томон
Бир қадам босдик басир!
О, иккинчи... Иккинчи...
Иккинчи қадам... Ҳайҳот! —
Барбод бутун Ер шари,
Барбоддир Инсоният!
Огоҳ, бўл, Башар!

Атом — қул. У занжирбанд,
Унда гуноҳ йўқ асло.
Хизматинг қилгай абад,
То бор экан шу Дунё!
Лекин унинг соҳиби
Деҳқон бўлмоғи керак!
Лекин унинг соҳиби

Боғбон бўлмоғи керак!
Лекин унинг соҳиби
Муҳандисдир, жарроҳдир!
Лекин унинг соҳиби
Поклардан ҳам покроқдир!
Зотан, Замин тақдирин
Қилгай ҳал — оддий нақл:
Гўдақдай тоза, бекин,
Қуёшдай порлоқ Ақл!!!
Эй, ақлий фаолият
Бўлгил ўзинг раҳнамо!
Огоҳ бўл, Инсоният,
Ер шари кутар паноҳ!
Огоҳ бўл, Башар!

Шимолий тунд музликлар,
Сокин жануб тунлари,
Ғарбий уфқ, денгизлар,
Шарқнинг оташ кунлари —
Менга бирдек муқаддас,
Тирикликдек қадрдон
Ва лекин не ўч-қасос,
Билолмадим ҳеч қачон.
Ҳа шу катта Заминнинг
Бирор буржида алқол
Жангчи бўлмоқликни мен
Қилмадим ҳатто ҳаёл.
Бизнинг вужуд — бетоқат —
Заррадир табиатда.
Ақл ганжининг, фақат,
Тимсоли йўқ хилқатда.
Жангчи... фотих... фарқи не,
Не кўрди бани одам?
Қутламадим дилдан мен
Ғолиб жангчиларни ҳам.
Лекин Башар Заминнинг
Бошида Атом — ҳатар,
Онт ичаман — мана, мен,
Жангчи бўлмоққа тайёр!!!

¹ Ашока — Милоддан олдинги ҳинд императори (273—239). Кўҳна тарихда тафаккурнинг башари-ятга талафот келтирувчи кучини тийиб қўйиш ишлари билан шуғулланган бизга маълум бўлган биринчи фидойи.

Юклар

Сеникидир шу Замин,
Сеники шу Коинот.
Йўлларинг равон, донғил,
Ишонгум, Инсоният!
Гарчи урф, тилинг турли,
Лекин бобо офтоб-ла
Ойдин келажак сари
Кетмоқдасан шитоб-ла!
Толе сенга бўлсин ёр,
Орзуйингга ижобат.
Елкангдаги юк — залвор —
Мени кўрқитар фақат.
Қара, разолат юки
Босиб келмоқда — оғир!
Бир кун қаддингни букиб
Майиб этмасми охир?
Сохта дўстлик юклари
Чирмашибдир илкиннга.
Евузлик уккилари
Қўнишибдир елканнга.
Кўраяпман, очиқ кўз,
Теран туйғулар билан.
Безътиқод, сур, беюз
Қаттолларни сен билан.
Бу ҳаётга келтирган,
Асл Ватан — шу Замин.
Олтинга сажда қилган
Иблислар ҳам қурган ин!
Сенинг ўғлинг Спартак,
Муқанна сенинг ўғлинг.
«...Лекин ҳамон қуллик — юк!» —
Бу сўзни айтган Ленин.
Кетмоқдасан Башарият,
Ойдин келажак сари...
О, сен билан

бешафқат —

Ракеталар лашкари!
Йўқ!
Онанинг оқ сути
Насибдир фарзандига.
Бу Замин неъматлари:
Гул... Нон... Сенгадир-сенга!
Башарият! Ташла, бас,
Юкларинг

оғир,

оғир-р-р...

Улар манфур ва абас,
Сени йўқ қилар охир!
Ташла-а!
Гренада
Зор-қақшаб титраб бугун.
Қақшар Никарагуа,
Фаластин қақшар нигун.
Ҳарбу зарб — юк рух, жонда,
Фарёдлар юкдир — гумроҳ.
Қолмагил пушаймонда;
«Узраш бадтар аз гуноҳ!»
Ташла-а-а!

Шоирман,

Ишон менинг сўзимга.
Қисматингга шерикман,
Кўзинг кўздир кўзимга!..

«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»

Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан кўркмаймиз...
Тинчлик — Аёл, Тинчлик — Фарзанд,
Юракдек кўриқлаймиз!
Қалб амри билан бугун,
Имзо чекамиз, мана.
Насл, зурриёт учун,
Ҳаёт қилсин тантана!
Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан кўркмаймиз.
Тинчлик — Ватан, Тинчлик элдир,
Юракдек кўриқлаймиз!
Қалб амри билан бугун,
Имзо чекамиз, мана.
Бор бўлсин эллар, Ватан,
Улар қилсин тантана!
Биз — миллион,

Узри гуноҳидан ёмонроқ
(форс мақоли).

Кесак отқонга ким мушт ўқталур,
Тўни йиртуқдурур, соқоли юлуқ.

Хотири жам истасанг, аввал хавотир дафъни эт.
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлғуси.

Барча лаззатни тотдим, офиятдан (тинчликдан)
чучукроқ шарбат топмадим.

АЛИШЕР НАВОИЙ

●
**ДОНОЛАР
БИСОТИДАН**

●

Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан кўркмаймиз
Тинчлик — Эрк ва Ҳақиқат.
Юракдек кўриқлаймиз.
Қалб амри билан бугун,
Имзо чекамиз, мана.
Жой этиб кўнгил тубин,
Улар қилсин тантана!

Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан кўркмаймиз.
Тинчлик бағрида фақат
Биз — яшамок истаймиз!
Қалб амри билан бугун
Имзо чекамиз, мана.
Замин бўлсин бус-бутун,
У ягона, ягона!..

Интиҳо

Космополит эмасман,
Бу тушунча менга ёт.
Ўзга юртни демасман,
Сийлаган мени Ҳаёт, —
Сийловли Ватаним бор,
Номи — Сўзнинг буғдойи.
Юрагимда барқарор
Ҳаттоки бир қуврайи.
Олуси девор оша
Мўралар боғларидан.
Олқорлари қувнашар
Нурота тоғларида.
Абадийлик уфорин
Анқитар қир, даштлари.
Уйларига қурар ин
Оқтўш қалдирғочлари.
Пахтаси — жаҳон аҳлин
Кирган хонадонига.
Ҳеч зот етмаган ҳали.
Тарихин поёнига!
Халқим бор: гарчи бир оз
Тўпори, қув, соддарок
Ва лекин мағрур, бир сўз,
Мутафаккир, кўнгли оқ!
Мен толиби илмман,
Чўлдай чанқоқман доим.
Башарий муҳаббатдан
Мен шунда сабоқ олдим.

Учиб айланаётган
Тайёра эрур Замин.
Учиб айланаётган
Сайёра эрур Замин.
Шу Тайёра ичинда
Юртим бордир менинг ҳам.
Шу Сайёра ичинда
Халқим — бахтимдир бекам.
Улар қувонч, шодлиги
Гавҳаридир кўзимнинг.
Ғам, алами, дардлари
Дардларимдир ўзимнинг.
Йиллар оша, о, балким,
Фазо бўлар қароргоҳ...
Лекин менга шунда ҳам
Муборақдир шу тупроқ!
Паймонам тўлиб бир кун
Кўз эмганим чоғида,
Мени хосу мос кўминг
Юртимнинг тупроғига!
Унда бир гунча бўлиб
Қайта ўсиб гуллайин
Тўрғайдай тўлиб-тўлиб,
Тўлиб-тўлиб куйлайин:
«Она-Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер!
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, Она-Ер!»

Десангки топай роҳату, кўрмай ситам элдин,
Тут меҳру вафо расмию чек қўлни ситамдин.

МОҲАДИЙИР

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Улки, даврида жаҳон аҳлининг осойиши бор,
Ахтори давлату иқбол ила оройиши бор.

ПАҲЛАВОНҚУЛ РАВНАҚ

Низо андоғ солур қилар жаҳонга,
Ки ондин куйгуси олам бориси.

АЛМАЙ



А. С. Пушкин

Лицинийга

Лициний, кўряпсанми: кеккайиб, хўп тарвайиб,
Навқирон шоҳ Витулий бошга дафнатож кийиб,
Учқур аравасида тошйўлдан ўтиб борар,
Эл-оломон ҳар ёқдан унга юкуниб қарар?
Қара: халқ тавозе-ла букиб турар тик белин,
Яроғли ясовуллар уриб-ҳайдар ўз элин!
Маъмурлар, ялоқилар, жононлар тизилишиб,
Аравага боқурлар илжайиб, сузилишиб;
Гўё ҳозир илоҳий каромат рўй бергудек,
Нодон, мўъжизапараст оломон турибди тек;
Кўр: авбош болалару мўйсафидлар қапишиб,
Санамга сажда қилиб, ётар ерда мук тушиб;
Араванинг чанг, ифлос изин кўзга суртарлар,
Улар учун ана шу муқаддасу мўътабар.

Эй, Ромулнинг пок қавми, қачон хароб бўлдингиз?
Ким сизларни қул қилди, ҳукмига эгилдингиз?
Ҳатто мағрур квиритлар¹ қаддин букди истибдод,
Эй, фалак, ахир улар кимга қул бўлди, ҳайҳот!?
(Айтайми?) Витулийга! Бу юртга орим келар,
Бир фосих бола олий кенгашда эрлик қилар,
Ҳокимият, адолат у нопок қўлда қолди,
Римни булғаб, у юртга ўлигин ташлаб олди;
Витулий — Рим қайсари!.. Шарминг борми, эй замон!..
Ҳалокатга мустаҳиқ бўлдими ё бу қайҳон?!.

¹ Римнинг ҳуқуқли фуқароси.

Ким анави — олатўп, нотинч оломон аро
Эгнида йиртиқ ридо, кўлида эски асо,
Боши ҳам, хўмрайганча бораётган у одам?
«Хей, доно, ҳақгўй Дамет, қаён кетурсан бу дам?»
«Э, ўзим ҳам билмайман; шунча кўрдим, етади;
Бас, бу куллар макони — Римдан қоқдим этагим!..»

Лициний, азиз дўстим! Яхшимасми ушбу дам
Уша файласуф чолдан ибрат олсак бизлар ҳам,
Саодат ва орзулар йўлчисига кўл тутсак?
Яхшимасми, бу нопок шаҳри фаҳшни тарк этсак!
Ахир бунда ҳар нарса сотилар: қонун, кадр,
Рутба, адл, ор-номус, гўзаллик савдодадир!

Маили, у Глицерия, маккора, ажаб дилбар,
Даврадаги қадаҳдай ҳаммага тенг, баробар,
Гўлларни алдаб, авраб тортаверсин комига!
Биз шонпараст ёшликнинг сароб тўла жомига
Кўл силтаймиз — сочга оқ тушганда адашмайлик!
Хукмдорлар малайи Клит, Корнелий, маили,
Давлатманду донгдорлар аро тилга берсин зўр,
Бари бир улар — пасткаш, олифта ювиндихўр!

Мен қалбан румоликман: қонимда қайнар ҳурлик;
Дилда уйғоқдир буюк халққа хос у мағрурлик;
Лициний, юр, бу ердан узоқларга кетайлик,
Бу тентак доноларни, рўёни тарк этайлик!
Осуда маскан истар — дил ройига боқайлик,
Юр, қишлоқда оталар чироғини ёқайлик!
Юр, денгиз қирғоғидан, ўрмонзордан бир овлоқ —
Гўша топиб, хотиржам яшайлик энди, ўртоқ,
Унда йўқдир улуснинг кутқую маломати
Унда ёр бўлур бизга умрнинг фароғати,
Унда, холи гўшада ёқиб эман тўнгагин,
Боболар замонини хотирлармиз; менга ҳам
Оташзабон Ювенал шиддати бўлиб ҳамдам,
Иллатлар китобини одил ҳажв-ла битгум,
Асримиз ахлоқини авлодларга фош этгум!

Эй, Рим, эй ёвузлигу фаҳшнинг мағрур ўлкаси!
Бошингга тушгай қаро қасосли кун кўлкаси!
Кўнглим сезиб турибди даҳшатли таназзулинг,
Эй, коинот гултожи, тупроққа бўлурсан тенг.

А. С. Пушкиннинг бу шеъри 1815 йилда («Российский музей» журнали, № 5) «Лотинчадан таржима» сарлавҳаси остида босилган. Аммо шеърни аслида Пушкиннинг ўзи ёзган, чор цензурасининг таҳдидларига йўлиқмаслик учун таржима сифатида эълон этган. Инсоният маданиятининг қадимий буюк ватанларидан бири саналгувчи Римни ҳалокатга олиб борган куллик тузумининг туб моҳияти ва оқибатини фош қиларкан, даҳо шоир айни пайтда Русиядаги самодержавиенинг, кре-

постнойлик тузумининг емирилажагини, таназзулга маҳкум эканлигини башорат қилади.

Лициний Марк — (милоднинг 66 йилида вафот этган) Рим тарихчи-адиби, сиёсий арбобидир; унинг қадимги Рим маданияти, тарихига оид қимматли тафсилотлар акс этган асарларидан баъзи парчаларгина сақланиб қолган; у кулдорлик тузумига қарши бўлган, худди шунинг учун ҳам Пушкин бу шеърни унга мурожаат тарзида ёзган.



Навқирон халқлар — ўша жанг-жадал фарзандлари,
Шамширларин ўйнатиб, босиб келар сен сари,
Денгизлару тоғлардан ошароқ шошиб келур,
Кутурган ёнартоғдай, дарёдай тошиб келур,
Рим маҳв ўлур; ўрнида қолар зулмат, вайрона;
Ким ўтса, бу хароба ерга боқиб гирёна,
Аламли ўйлар суриб, сўнг шундай хитоб этгай;
«Римни хурлик юксалтган, куллик эса қулатган».

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.

А. С. Пушкин хатлари

А. А. БЕСТУЖЕВГА

30 ноябрь 1825 йил. Михайловский қишлоғи.

Азизим, хатингни олиб ўзимда йўқ қувондим. Сенинг хурсандчилигинг ҳамда машғулотинг мени ҳаяжонлантириб юборди. Бизнинг асримизга келиб янги тилларни ўрганиш шарт бўлиб қолди. Латин ва грек тиллари билан ўрин алмаштирган, ушбу ҳодиса замоннинг талаби ҳамда эҳтиёжи сифатида юзага келди. Сен, шунингдек, адабиётчиларимиздан бири — Вяземский бу соҳага жиддий киришгансизлар. Лекин бошқалар буни хаёлига ҳам келтирмайди. Афсус! Карамзиннинг юксак ибрати уларни ўйлатиши лозим. Москвага бориб, Вяземский билан журнал ҳақида гаплаш. Бунинг қанчалик зарур эканлигини унинг ўзи яхши ҳис этади. Борди-ю, ишимиз амалга ошса, ажойиб бўларди! Сен мени кўпинча асарларимни эълон қилдирмасликда айблайсан. Мен эса, босишда йўл қўйилган хатолардан, танқидлардан, ҳимоялардан тўйиб кетдим... Айтганча, яқин орада поэмаларим чиқиб қолади... Улар-да мени зериктирди. Руслан ёғур. Асир гўдак. Кавказ табиатининг поэзияси олдида менинг поэма жимжимадор, баландпарвоз голиковча насрга ўхшаб қолди. Ўрни келганда, шунинг ҳам айтишим керак. Тоғликларнинг «Асалари»си ҳақида ким ёзган? У ҳақиқий шеърят намунаси! Якубович менинг хаёлим маҳсули эмасми? Аёллар иштирок этган ҳолат ва воқеаларни тасвирлашда, шубҳасиз, уларни ишонтираман. Бунда улар билан тасвирлашда Кавказда қароқчилик қилганим, отилган Грибоедов тепасида кўрганим, Шереметовнинг дафнида кузатганим қўл келади. Айтаверсам тугамайди. Энг асосийси, булар романтизмга бошлайди. Улар билан Қабардада учрашмаганимга афсус қиламан. Поэма янада яхши бўларди. Бу жуда муҳим нарса. Мен трагедия ёздим. Ундан, кўнглим тўлди. Лекин насрга беришдан қўрқиб турибман. Романтизм ҳақидаги бизнинг хомаки тасаввуримиз унинг ҳақиқий маъносини тушириб юбормасмикин? Сабаби, бизда романтизм тўғрисида гап кетгудек бўлса, дарҳол кўз ўнгимизга Ламартин келади. Романтизмга оид ниманики ўқиган бўлсам бирортаси ҳам ярамайди. Ҳатто Кюхельбекер ҳам бу борада ўрнак даражада эмас. Унинг «Рухлар»и қандай ўзи? Ҳалигача ўқиганим йўқ. Сенинг янги повестингни кутяпман. Роман қилиб қўяқолмайсанми? Уни гаплашиш тарзимизнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёз. Йўқса, сўзлар фожиа тепасида янграган кулги янглиғ совуқ бўлади. Платов таъбир этганидек, режа билан иш юритадиган Рилевга салом. Лекин, мен, ўзимни шеърсиз режадан кўра, режасиз шеърни севишда ҳар қалай ҳақ, деб биламан. Дўстларим, сизга соғлик ва илҳом тилайман.

6 январь 1830 йил. Петербург.

Мен хурсандман. Мен бахтиёрман. «Газета»даги парчанинг баъзи сатрларига юрагим дов бермасдан қилган айрим таҳрирларим Сизнинг кўнглингизга оғир ботиб, жаҳлингизни чиқариб юборар, деган хавотирда эдим. Грек тилини билмаслигим, Сизнинг «Илиада»нгизни тўла таҳлилига киришишимга халақит беради. У, Сизнинг шухратингиз учун керак эмаслигини биламан. Лекин Россия учун зарур эди. Сизни юракдан қучаман...

П. А. ВЯЗЕМСКИЙГА

Мартнинг боши — апрелнинг охири, 1825 йил. Михайловский қишлоғи.

Соғайиб кетишингни умид қиламан ва бу ҳақдаги расмий хабарингни кутаман. Оға, сенга менинг шеърларим етиб бордимми? Сен учун «Онегин»ни қайта кўчирдим. Уйлайманки, бу сенга табассум бахш этади. Уқувчининг дастлабки табассуми менга доимо ёқади. (Кечирасан, бундай бемаънилик қонимда бор.) Шу аснода менга раҳмат айтишинг керак. Негаки, умримда бировга бир нарсани ҳеч қачон қайта кўчириб бермаганман. Ҳатто Голицинава учун ҳам. Бундан англаш мумкинки, менинг сенга нисбатан бўлган ҳурматим беқиёс, худди Кюхельбекернинг Державин ва Суворовга меҳри сингари.

Ҳалиям адабиёт билан шуғулланаяпсанми? Мен Полевойникида бўлиб, «Нева альманахи»дан ва Жуковскийга ёзган пародиясидан ғазабланганимни айтдим. Лекин энди у билан келишиб олдик. Кўнглимда, ҳатто унинг журналини доимо қўллаб-қувватлаш лозим, деган фикр пайдо бўлди.

Петербургга юборган шеърларим Бируков имзоси остида чиқяпти. Бу эндиликда барчага аён. Лекин ҳаммасини бир жойга тўплаш лозим. Бу ҳолда улар ҳар ер-ҳар ерда қолиб, хаёлдан кўтарилиб кетади. Айниқса, эпиграммаларимга ачинаман. Улар жами элликтача, бари оригинал. Аммо, нима қилайки, бир нарса бунга йўл бермайди. Шамфор айтганидек, мен ким ҳақда ёзган бўлсам, уларнинг ҳаммаси ҳали тирик. Улар билан орамизнинг бузилишини эса хоҳламайман.

Мени эсдан чиқарган Давидовга салом. Синглим Ольга уни яхши кўриб қолган. Ажаб бўпти. Уринлими ёки йўқми билолмадим. У синглимга «Боғчасарой фонтани»даги Заремани танқид қилибди. Агарда, гап шарқ ҳақида кетмаётган бўлса, унинг фикрига қўшиламан. Шарқона услуб мен учун ибрат бўлган. Мулоҳаза билан иш юритадиган, совуққон биз — европаликлар ундан кўпроқ ўрганишимиз керак. Урни келганда шуни ҳам атай. Биласанми, мен нима учун Мурни хуш кўрмайман? Сабаби, у ҳаддан ташқари шарқона жиҳатга берилиб кетган. У Саъдий, Ҳофиз ва Муҳаммадларнинг жимжимадор ҳамда ҳазин услубларига кўр-кўрона, болаларча тақлид қилади. Европалик шарқнинг ҳашамидан завқланаётганда ҳеч қачон ўзининг назари ва таъбини унутмаслиги шарт...

Иждокорни вояга етказган муҳит, у фаолият кўрсатган адабий ҳаёт, атрофини ўраб турган шарт-шароит ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишда унинг ўзи ёзган хатлар катта аҳамиятга эгадир. Яна бир жиҳати, хатлар асарларнинг юзага келиш тарихига оид воқеаларга очқич вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун бу галги «Пушкинхонлик»да улуғ шоирнинг хатларидан намуналар беришни лозим топдик. Мазкур хатлар 1982 йил «Художественная литература» нашриётида чоп этилган, икки томлик — «А. С. Пушкиннинг ёзишмалари»дан олинди.

М. Н. ЗАГОСКИНГА

11 январь 1830 йил. Петербург.

Муҳтарам Михайло Николаевич!

Кўнглингизга яқин олиб, ҳурмат қилиб юборган «Юрий Милославский» романингизни мароқ билан ўқидим. Бунинг учун Сизга чин юракдан раҳмат. Сизни тўла ниҳоясига етган катта муваффақият билан, ўқувчиларни эса давримизнинг ажойиб романларидан бири яратилганлиги билан табриклайман. Уни ҳамма ўқийди. Жуковский бир кечада ўқиб чиқибди. Хонимлар ҳам қойил. «Литературная газета»да у ҳақда Погорельскийнинг мақоласи чиқади. Борди-ю, унда романинг барча хусусияти очилмаса, бунга яна қайтамыз. Хулласки, асар тўғрисидаги бор гапларни айтишга ҳаракат қиламиз. Ишқилиб узоқ йиллар омон бўлинг ва бизга кўплаб романлар ёзиб беринг.

П. А. ПЛЕТНЕЕВГА

21 январь 1831 йил. Москва.

Сенга нима ҳам дейин, азизим? Бозор куни совуқ бир хабар эшитдим. Эртасига у тўғри чиқди. Кеча Салтиковникига бориб, унга ҳаммасини айтдим. Ўзгариш сезилмади. Кечқурун сендан хат олдим. Тушкунлик, ғам-ғусса. Мени йиғлатган биринчи ўлим. Карамзин вафот этганда кўпроқ рус кишиси сифатида азиат чеккандим. Лекин ҳаётда менга ҳеч ким Дельвиг сингари яқин эмасди. Болаликнинг беғубор дамларида пайдо бўлган ришталарни кўнглида асраб-авайлаган дўстларимдан ёлғиз шу қолганди. Тепасида ўзимизнинг ғарибгина тўпимиз йиғилди. Очиғини айтганда, усиз етим бўлиб қолдик: Нечталигимизни бармоқ билан санаш мумкин. Сен, мен, Баратинский. Бор-йўқ бўлганимиз шу холос. Кечаги кунни унинг вафотидан қаттиқ таъсирланган Нашокин билан бирга ўтказдим. У ҳақда гаплашдик. Марҳум Дельвиг, деб айтиш одамга қанчалик ғалати туюлса, шунчалик даҳшатли ҳам эди. Иложимиз қанча! Кўнамизда! Марҳум Дельвиг. Шундай бўлди.

Баратинский дилсиёҳлик билан оғриган. Менинг ҳам оёқларимдан мадор кетиб боряпти. Соғ бўлсақ, яшашга ҳаракат қиламиз.

Икром ОТАМУРОДОВ таржимаси.

Павел Антокольский

ФАРЗАНД

Достондан боблар

1942 йилнинг 6 июлида мардларча ҳалок бўлган кичик лейтенант Владимир Павлович Антокольский хотирасига.

* * *

— Вова! Эшитяпсанми? Кечикмадим! Ҳа —
Биз сафга тургаймиз ёнма-ён бу пайт.
Хат ёзмай қўйдинг сен нечун бизларга:
На ота-онангга, на синглинга, айт?

Вова! Қимирлашга сенда йўқ мадор,
Кўзёшинг артмоққа мадоринг келмас,
Мадор йўқ тик тутиб бошингни, сўнг бор
Ўпкангни тўлдириб олмоққа нафас.

Нечун кўзларингда мангугача то
Энди зангор, зангор, зангор нур фақат?
Энди бу жизғанак қовоқлардан ё
Сизиб киролмасми ҳеч тонгги хилқат?

Бок, мана — яшиллик қулф уриб кучган
Оппоқ уй салқинда қад ростламиш, боқ,
Мана — жарлар узра кўприклар тушган.
Сенинг орзунг эди уларни қурмоқ.

Сезяпсанми, бу тонг васлига восил —
Бўлмоғига ўшал қирмизи юзнинг,
Барнолар барноси, ўшал заркокил,
Мен исмин айтмоқдан тийинган қизнинг?

Эшитяпсанми сен, тўплар гумбурлар?
Бизникилар ғарбга йўл олди, демак.
Бу — ҳужум дегани. Демак, бу саҳар,
Уғлим, зах тупроқдан қўзғалмоқ керак.

Олис, жуда олис, ҳаттоки пайқаб —
Бўлмас олис жабҳа уфқидан шу тоб
Ёнаётган ўлик бошини чайқаб,
Менинг азиз болам беради жавоб:



...Бемалол, ачинмай уни ҳар дафъа
Туғилгандан бошлаб йўлладинг тунга.
Сен шундай ўғилни кутганмидинг? — Ҳа.
Унгами бахш этдинг қалбни? — Ҳа, унга.

Мана, қорда ётар ўғлинг муз қотиб,
Мажақ танкдек. Қордан ажратиб бўлсан.
Дод сол: «Ферботен!», деб, ўзингни отиб —
Қон қотган оғзидан ёпишиб ўп сан.

Ўғлинг ўлимини истармидинг, айт?
Бари бир жавобинг кўмак беролмас.
Мен эмас шум хабар келтирган у пайт,
Тунда ухлолмасанг, айбдор мен эмас.

Нима у чакканг-да, айт дукуллаган,
Деразангга урар ўзин қай шарпа?
Бил муздек тунларнинг қаъридан келган
Бу — менман.

Ёқмасми бу нохуш зарба?
Вақт келди, қария.

Кезайлик, тургил,
Фарзандинг сайр этган юртлар йўлини.
Ҳаёти биз учун киноэкран, бил,
Прожектор нури бўлгай ўлими.

Бошимизда осмон — нақ йиртиқ қоғоз:
Минг йиллик юлдузлар битиклари бор.
Қуйида зенитлар ёлқини холос
Ва ёнган уйлардан юксалган ғубор.

Қор. Қор. Қор уюми. Дўнгликлар. Жарлар.
Қорли қалпоғини бостирмиш ўрмон.
Кўчманчилар дуди, ғам ҳиди ўрлар.
Чор атроф чексиз ғам, тобора бежон.

Куйган харобалар, чет-чет қишлоқда
Тунлари даҳшатли ишлар рўй берар.
Чайқалар, ғичирлар ўнлаб сиртмоқда
Тошдек қотиб қолган кўкиш мурдалар.

Қип-яланғоч қилиб отилган, бесар
Умрини қучоқлаб ҳандақда ётган
Болалар, аёллар, боболар қарар
Кўзида акс этган кўк осмон билан.

Улар қотили ким? Ким ўйди кўзин?
Ким у — ёвузликдан ямлаб эсин ҳам,
Ҳар уйга хўжайин деб билди ўзин?
Ким? — Сенинг ворисинг. Демакки, сен ҳам...

Сен тарбияладинг ўша разилни,
Ғордаги ёввойи аждодинг мисол —
Ишқордек сен шилиб олдинг ёш дилни
Безаган барча пок орзуни, қаттол.

Унда ҳирс уйғотдинг бўй етмай ҳали,
Қонига ёвузлик қуйдинг туғилмай.
Замон шундай экан — бир тонг маҳали
Казарма бурғуси янграб пайдар-пай.

У ғоз юриш қилиб қолдирди муҳр
Кесилган ўрмонлар, пайҳон боғда ҳам.
Бебош ўғлинг билан сен эдинг мағрур,
Сен Ҳобилга боқиб завқландинг, Одам.

Эйнштейн дунёсин сен ундан юлиб, |
Юлқидинг баҳорда Ҳейне қўшиғин.
Тунги сирларини аристон қилиб,
Гўдаклик тушларин тинтидинг бетин.

Ҳали менинг ўғлим билмасди у вақт
Руссо ва Марксни дурустрок, чуқур —
Сеники — спортзал, майдонда, бадбахт,
Уша китобларни ёқди баҳузур.

Мактабни битирган у куни болам
Ҳали ўсмир эди — покдил, камсухан.
Сеники — беҳаё, хириллаб у дам
Чегарадан ўтди автомат билан:

Ўғлим эъзоз қилиб, шу қадар асраб,
Хатто тик боқмаган қизни ҳиқчоқда —
Арзанданг айғирдек бадмаст, ҳансираб,
Латтадек ғижимлаб отди тупроққа.

Қор. Қор. Қор уюми. Дўнгликлар. Жарлар.
Қорли қалпоғини бостирмиш ўрмон.
Кўчманчилар дуди, ғам ҳиди ўрлар:
Чор атроф чексиз ғам, тобора бежон.

Изсиз сўқмоқлар ҳам тобора чалкаш,
Тобора йўл қора, тобора бежон...
Мана, Шарқий фронт. Шу жойдир яккаш
Бизларнинг фарзандлар тўқнашар майдон.

Мусаффо далада ёлғиз қолдик биз,
Бефойда — қанчалар кўтарма фарёд!
Меники — комсомол.

Сеники фашист.

Менинг ўғлим инсон.

Сеники — жаллод:

Барча жанг, портлашлар ичида бедор,
Барча инсоният фарёди аро
Ўз бор ҳалок бўлиб, тирилик такрор
Ўғлингдан хун талаб ўғлим доимо.

* * *

Кўзёш не? Жизғанақ саҳрода фақат
Томчилаган ёмғир. Ўтди ёмғир ҳам.
Ўғлим ачинма деб қилган васият.
Аскар эди. Унга тутилмас мотам.

Аскарми? Бекор гап, бу бермас имдод
Ўчган саҳифани англашга аён.
Хўш, ўғлим ким эди? Қудратли жонзот,
Қудратли жонзотми? Йўқ. Бу ҳам ёлғон.

Девору булутлар оралаб кетган
Ягона, ишончли йўлим олисдир.

Гўдагим қанотли вужуд касб этган
Ундаги ҳар лаҳза ўчган бир издир.

Ё ногоҳ тўкилган шабнамга иниб,
Ёйилиши мумкин у тахир томчи.
У борар тош йўлдан ўлимга эниб,
Ичолмай сувдондан жангда бир томчи.

Чангдан тиш ғичирлар. Чивин ногаҳон
Ёпишар қуп-қурук, қайноқ чаккага.
Болаликдагидек кун ҳам нурафшон,
Қулоқ солиб борар янгроқ «как-ку»га.

У нени хотирлар? Қай юзни ўйлаб,
Қай оҳанг, қай хатни эслади шу дам
Умр узоқлиги ҳақида куйлаб,
«Как-ку»ларкан какку тинчгина, беғам?

...Бироқ тонг қолди у ҳис этиб бўғзин
Тўлдирганин қайноқ, ёпишқоқ, ёш қон!
Ва гангиш ичида жилмайиб, ўзин
Олис, сув остида сезди ногаҳон!

Сўнг етти букилиб у ёнбош тушди
Ва уйкуга кетди ғужанак бўлиб,
Ҳануз етим қолган ўрмон беҳишти
Янграрди кечиккан «как-ку»га тўлиб.

Ҳаёт кетар эди. Ке-тар-ди. Гўё.
Меҳмонда бўлмишди жуда оз, бир дам.
Шошиб қарасаки, шам ўчмиш, ҳатто
Уй бўм-бўш, ойнасиз деразалар ҳам.

Тунда у олис йўл босмоғи лозим
Куйган уйлар бўйлаб бир ўзи танҳо.
Сўнг ҳаёт қолдирди ўз ҳолича, жим,
Чўзилган мурдани ўт-ўлан аро.

Алдама, тасаввур.

Чайналиб ё сен

Чалкашяпсан атай?

Тур сен тириксан,

Тикил, тикилиб боқ тасаввур, то сен
Ўғлимнинг ҳолати рамзига айлан.

Тингла, жон ҳолатда у қандай қалқиб
Қичқирди ёпишиб бир тутам ўтга,
Сўнаётган онда шу заҳот балқиб
Чиқди синган фикр: «Яшаяпман, ҳа...»

Нақадар сурбет у, вазмин йўл солар
Судралиб ўт узра ўша алвон из
Ва ўн саккиз ёшли умр жим қолар
Ўлаётган ўғлим билан юзма-юз.

Ёқангни порала, тасаввур. Бундан
Ўзга йўл йўқ сенга — билу айла ёд.
Қанча ўжар бўлсанг сен, шунча улкан —
Ўн саккиз ёшида кесилган ҳаёт.

Қизиган пўлатдек сен оппоқ тус ол,
Сўнг эса кул бўлиб сочил дафъатан.
Навқирон ёш авлод қони бўлиб қол,
Отаю болалар меҳрига айлан.

Қандай бўлсанг шундай: шилинган, беҳол,
Тин олмай, ташга от ўзни, тасаввур,
Бор умрим, бор дардим — қўлга қурол ол:
Барини кўрмоғим, айтмоғим зарур.

У окопдан чиқди. Ардоқлаб уни
Эзгулик нафасин уфурди дала.
Парчаланувчи ўқ тешиб лабини
Оғзида ёрилди худди шу палла.

У сўнг нуқтагача кўрди барини,
Оловдан жингиртоб қурук ўтни ҳам,
Сўнг бора кўрди у қуёш зарини,
Ачиниб, унутди уни ҳам шу дам.

Эслади, эслади то бошдан-охир,
Неники унутса — эслади барин.
Англади сўнг менга бўлишин оғир,
Ачиниб, унутди сўнгра падарин.

У яна яшади бир минут, бир он,
Рўёб билмагувчи шафқатга муштоқ.
Сўнг етти букилиб қулади ўғлон
Бир титраб чекинди шу она тупроқ.

Сўнг ҳорғин тан ила ерни қучди тек,
Тўймасдан, англашни буткул унутиб,
Ерга шивирлади лаб эмас, шамдек —
Сўнаётган вужуд билан: «ОНА» деб.

* * *

Узоқ кул титгайсан сен бахти қаро,
Кунлабмас, йиллабмас, асрлар бўйи.
Қақраган кўзларинг кўрар экан то,
Қоқ суяк қўлларинг титраган кўйи.

Токи сўнг сатрини ёзаркан базўр —
Боқ унинг суюкли рўйига бот-бот.
Ўғлингмас, сен ўзинг унга меросхўр,
Ўрин алмашдингиз иккинги, ҳайҳот!

Мотамингга ҳамдард, боқ, Москва ҳам:
На чироқ, на бир шам. Зулмат ҳам бедор
Кўзёшу совукдан дилдираб пурғам,
Эътибори билан сенга мададкор.

Зулмат нени эслар? Темир из, излар.
Учқур симёғочлар учади бир-бир.
Уйлари кул бўлган, титраган юзлар.
Бомба чинқириви. Темир сас тақдир.

Демакки қасосми? Қасос! Шу керак.
Ўтсин ўғлим қалби ўлимни ҳатлаб.



Майли портлашларга сингсин у юрак.
Бундай сеҳрли касб юракка матлаб.

То жабҳа осмони экан сербулут,
Токи учар экан ер узра баҳор,
У чоқ ерда мангу иккимиз мавжуд:
Ота билан ўғил — то абад бедор.

Ҳеч қандай, билиб қўй, сенинг ҳеч маҳал
Махсус, алоҳида ғамга ҳаққинг йўқ,
Гарчанд у сўнг имкон билан таваккал
Худди ўнг чаккангни мўлжаллаган ўқ.

Хомхаёл қилмагин. Чорами шу ҳам?
Бутун бурдаланган ёшлик-ла порлаб,
Ўғлинг истамас-ку фойда ё карам
Минглаб фарзандларни чўнг жангга чорлаб.

Ўша жанг ва йитмас саф аро ул ёт —
Суюкли ўғлонлар аср ғамин еб,
Ўзга ўғлонларнинг ўрнин олур бот
Сеникидан улкан ҳақиқатни деб.

* * *

Алвидо, қуёшим, алвидо, болам,
Алвидо, ёшлигим, покиза виждон.
Майли, шу видода тугасин шу дам
Ёлғизлик даҳшатин куйлаган дoston.

Сен унда қолгайсан. Танҳо. Мосуво
Нур, ҳаводан. Ҳечким айтолмовчи у
Сўнгги азоб ичра. Қайтмассан асло,
Қолурсан ўн саккиз ёшингда мангу.

Бунчалар олисдир орамиз, ҳайҳот,
Тиржайган бошчаноқ синиб ётган йўл,
Соҳиллар, асрлар, оралаб бот-бот
Ўтган ўша олис, тўзғиб ётган йўл.

Алвидо. Поездлар у ёқдан келмас.
Алвидо. Самолёт учмас у томон.
Алвидо. Ҳеч қандай мўъжиза бўлмас.
Тушлар тушга кирар. Ва йитар шу он.

Тушимда эмишман ҳали нораства,
Қадам ташлармишман илк бор қанча тан
Ётган шу ер узра бахтиёр аста.
Фарзандим қиссаси тамом шу билан.

Абдулла ШЕР таржимаси.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
1984 йил июнь ойида бўлиб
ўтган XVI пленуми республика-
миз ҳаётидаги, жумладан қиш-
лоқ хўжалигидаги аҳволни кенг
ва чуқур таҳлил қилиб, мавжуд
нуқсонларни рўй-рост очиб таш-
лаган эди. Пленумда деҳқончи-
лик, хусусан ер масаласига ҳам
этибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг шу йил
март ойида бўлган XIX пленуми
ҳам қишлоқ хўжалигида кадр-

ларни тўғри танлаш ва улар
билан ишлашни яхшилаш маса-
ласи билан бир қаторда, кўпчи-
ликнинг диққатини деҳқончилик
аҳволига қаратди. Умуман, ер
масаласи ҳозирги кунда умум-
халқ ташвишига айланди, за-
минни яхшилаш шу куннинг энг
долзарб вазифаларидан бири
сифатида кун тартибига қў-
йилди. Бу соҳадаги ҳақиқий
вазият қандай ва келажакда
нималарга этибор бериш ло-
зим? Қуйидаги материаллар ма-
на шу мавзуга бағишланади.

Мирза-Али Муҳаммаджонов,
Ўзбекистон ССР
Фанлар Академиясининг академиги.

ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Ибратли бир нақл авлоддан-авлодга ўтиб келади. Эмишки, қачонлардир одам ер билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлибди. Аммо одамнинг таклифига изн бериш олдидан ер қуйидаги шартни қўйибди: «Олишнинг бериши бор, деганлар. Шунга рози бўлсанг, майли». Иккаласи яна, кимда-ким шартни бузса, қаттиқ жазога лойиқ, дейишибди.

Шартлашувга биноан, ер сахийлигини аямабди: шериги қанча сўраса, шунча ҳосил бераверибди. Одам эса кун сайин олмоқнинг бермоғи бор, деган ақидани унутиб қўйибди. Ернинг феъли кенг экан, одамни кечириб юраверибди, бир кун инсофга келар, деб умид қилибди. Аммо эски аҳвол давом этавергач, ернинг обдон тинка-мадори қурибди, энди ортиқча сахийлик кўрсатишга қурби қолмабди. Олаётган унуми камая бошлаганини кўрган одам эса унга дағдаға қилибди:

— Аввалгидек ҳосил бераверсанг, бир жойинг камайиб қолармиди?
Қурумсоқ!

Бундай олчоқликни кўрган ернинг тоқати тугабди, ғазаби тўлиб-тошиб кетибди.

— Биргина жойим камайса майли эди, мени бутўнлай хароб қилдинг,— дебди у одамга алам билан.— Танамдаги бор-йўғимни сўриб олдинг, жиру жирдонимни қуритдинг! Энди, ҳеч нарса чиқмай қолгач, мени қиймалашга тушдинг! Сен бундан буён ҳамкорликка, яхшилик қилишга арзимаёсан!

Шундай қилиб ёр ўз шеригидан юз ўгирибди. Ризқини ўзи қийган одам тўкин-сочинлиқдан бенасиб бўлиб, оч қолибди...

Қаранг-а, шу оддий нақлда қанчалар чуқур маъно бор! Тўғри-да, ерни алдаб

бўладими?! Ахир, уни энг табаррук зот — онага қиёс қиламиз-ку! Табиатнинг бебаҳо, беинтиҳо хазинаси бўлмиш она-еримиз жамики тирик жонга ҳаёт бахшида этиб келяпти. Барча маъмурчилик, тўқлик-тўкинчиликлар, ҳатто асасаю дабдаба ва бойвачаликлар ҳам шу туфайлидир. Мўмин-мунис ер борини беради-ю, индамай тураверади. Олишнинг бериши бор, деган нақлни эса деҳқон сира унутмаслиги керак. Гарчи бу ҳақда неча марталаб гапирилган бўлса-да, яна эслатиб туришнинг ҳеч зиёни йўқ. Аини пайтда ер билан муносабатимиз аҳволи худди шуни тақозо этмоқда.

— Ернинг яхши-ёмони бўлмайди, — дейди ишбилармон, уста деҳқон, — ундан меҳрингни, меҳнатингни аямасанг, ҳар қандай тупроқни унумдор ҳолга келтириш мумкин. Шундай қилсанг, сендан кетган бирни ер ўн қилиб қайтаради...

Ер шаънига айтилган бу гаплар бежиз эмас. Айниқса, қишлоқ хўжалиги учун суғориладиган ерларнинг қадри баланд. Мана бунинг лўнда исботи: суғориладиган ер лалмига қараганда тўрт-беш баравар мўл маҳсулот беради. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет давлати суғориладиган ерлар истиқболи масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Мелиорация ва сув хўжалиги қурилишларига катта-катта маблағлар сарфланиши ҳам худди шу туфайлидир. Бунинг натижасида совет ҳокимияти даврида суғориладиган ерлар ҳажми Ўзбекистонда 1,6 миллион гектардан 3,7 миллион гектарга етди. Ўз навбатида, бошқа ўсимликлар қатори, пахта етиштириш ўн икки баравар кўпайди.

Бу масалада КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми алоҳида катта аҳамият касб этди. Пленум ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай ўстириш ва Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этишнинг узоқ муддатли ҳамда аниқ йўл-йўриқларини белгилаб берди. Келгусида суғориладиган экин майдонларини республикамизда беш-беш ярим миллион гектарга етказиш вазифаси кўйилганлиги бунинг ёрқин далили эмасми! Демак, партиямиз жонажон Ўзбекистонимиз равнақига жиддий эътибор беряпти, тинмай ғамхўрлик қиляпти. Бу юксак ишончни албатта оқлаш лозим. Келажақда олдимизда улўғвор вазифалар турибди. Қарши ва Жиззах дашти, Қорўулбозор ҳамда Қизилин массивларида яхлит майдонларни ўзлаштириш, катта ҳажмдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби турли мураккаб юмушларни бажаришимиз керак. Хўш, бу вазифаларни ким амалга оширади? Биринчи навбатда масъулият қишлоқ меҳнаткашлари, шу соҳа олимлари, мутахассислари зиммасига тушади. Умуман, бу шарафли ишга қишлоқ хўжалиги соҳасига алоқадор кишиларнинг барчаси муносиб улуш қўшмоқлари даркор. Иш бажарилади, аммо энг бурун ерга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткор, ғамхўр ва тадбиркор бўлишни унутмаслик лозим.

Кечаги ҳаёт тажрибаси, ерга муносабат юзасидан йўл қўйиб келинган қўпол хатолар бизни куюниб гапиришга мажбур қилмоқда. Очиқ эътироф этиш керак: кейинги йигирма-йигирма беш йиллар давомида ерга нисбатан ўта шафқатсизликка йўл қўйдик. Охир-оқибатда бизни тўйдириб, кийинтириб келган она-ер бутунлай мадордан кетди. Агар кескин чоралар кўрмасак, аҳвол шу тарзда давом этаверса, ер тақдирида энг оғир қисмат содир бўлиши бор гап: у ҳосил беришдан бутунлай юз ўгириши мумкин бўлган аҳволга келди. Бунинг дастлабки «нишон»ларини кўриб турибмиз: пахта пишиши кечикиб боряпти, очилаётган кўсақларнинг катта қисми нимжон, тола ва уруғ сифати паст. Мева, сабзавот ва полиз экинларида ҳам шундай аянчли ҳол кузатилаётган: маҳсулот асосан сифатсиз, маза-матраси йўқ. Сарфланаётган меҳнат ва маблағ эса тўхтовсиз суръатда ошиб бормоқда. Республикамиз колхоз-совхозларининг талай қисми ҳосилдорлик бўйича орқага кетиш йўлига тушиб қолган.

Бу аҳвол КПСС Марказий Комитетининг Октябр Пленумида очиқ-ойдин эслатиб ўтилди. Ўрта Осиё регионидан кўп хўжаликлар гектаридан йигирма центнердан паст ҳосил олмақда. Дондан эса анча колхоз ва совхозлар ҳосилдорликни ўттиз центнерга аранг етказяпти. Сабзавотдан-ку, бир гектардан олинаётган маҳсулот 150 центнердан ҳам тушиб кетди. Бунга харажатларни бетўхтов ошириш сабабли эришилаётир. Демак, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликни тобора йўқотиб қўймоқдамиз. Яна такрор айтишга тўғри келади: бу аянчли ҳол ерга бепарволигимиз туфайли юзага келди!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми бошқа муҳим масалалар қаторида ерга нотўғри муносабат ва унинг сабабларини рўй-рост очиб ташлади. Аини пайтда бу соҳага алоқаси бор ўртоқларнинг қай бирига қараманг, ердан фойдаланиш хусусида йўл қўйилган нуқсонларга тўхталиб: «шу гаплар тилимнинг учиде турувди-я...» деб қўйишади. Буни қаранг, «тили учиде» турган экан-у, неча йиллар давомида ғинг демай юраверибди. Мана бизнинг заифлигимиз қаерда! Эндиги вазифа — ўзимиз ишдан чиқарган тупроқ аҳволини ўзимиз яхшилашимиз керак. Бундан ўзга йўл ҳам, чора ҳам йўқ.

Хўш, тупроқ яхшиланишига ёрдамлашиш учун қандай аниқ тадбирлар қўлламоқ лозим? Аввало, қачонлардан бери унутилиб кетган алмашлаб экиш ҳолатини тартибга тушириш талаб этилади. Маълумки, урушгача ва ундан кейинги йилларда фойдаланиб келинаётган умумий майдонларнинг 30—37 фоизини беда экин муттасил банд этиб турарди. Бора-бора бу ўринли тартиб асоссиз равишда барбод этилди. 1960—1962 йиллардан буюғига ана шу аҳволга — ерга илмий тарзда ёндашувнинг бузилишига йўл қўйила бошланди. Академик В. Р. Вильямс ишлаб чиққан «ўт-далали деҳқончилик» системасига қарши кураш ниқоби билан деярли барча беда майдонлари ҳайдаб ташланди. Эндиликда эса, қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, алмашлаб экиш жараёни жуда секинлик билан амалга оширилмоқда. Жонкуярлик қилиш, юксак амалий фаолият кўрсатиш ўрнига, айримлар кўзбўямачилик, алдамчилик иллатларидан ҳануз халос бўла олмаптилар. Далилларга мурожаат қилайлик. Алмашлаб экишдаги энг қулай восита — беда ўсимлиги бир пайтлардаги натижаларга етказилдими? Йўқ. Масалан, Андижон областининг Балиқчи районидаги «Ғалаба» колхозида экинзорларнинг атиги 1,6 фоизини бедаярлар ташкил этади. Фарғона областининг Риштон районидаги Куйбишев номли колхоз, Андижон областининг Андижон районидаги Карл Маркс номли совхоз сингари хўжаликларда бедаярлар ернинг беш-олти фоизига арағ сақлаб қолинган, холос. Агар берилган маълумотлар тўғри бўлса, республика бўйича ҳам бу масалада аҳвол чатоқ: бедаярлар ҳажми умумий экин ерларнинг ўн фоизига ҳам етмайди. Қорақалпоғистон АССР ва бошқа бир қанча областларнинг бу борадаги кўрсаткичлари эса янаям паст. Бедаярлар йўқолиб кетаётгани бир ташвиш эди, баъзи олимларнинг билиб-билмай «кашфиёт» қилиши — бедасиз, пахта-дон алмашлаб экишга фатво бериши ерни бадтар ночорлаштириб қўяпти. Алмашлаб экишда энг самарали экин беда эканлиги қатъий исботланган. Бу борада «илмий изланиш»лар ҳақонасида «қош қўяман деб, кўз чиқариш»дан ҳеч қандай наф йўқ. Унинг ўрнига ҳозирги ҳақиқий аҳволдан гаплашайлик, мушкул вазиятдан чиқишнинг чораларини излайлик.

Ҳақиқий аҳвол шуки, асосий майдонларга 25—30 йиллаб узлуксиз равишда бир хил ўсимлик, асосан пахта экилиб келинмоқда.

Бундай, бир хил экинлар экавериш оқибатида шўрлана бошлаган Мирзачўл ва Қарши даштларида ғўза ҳамон 85 фоизгача майдонни эгаллаётгани, бедаярлар эса 8—10 фоизга ҳам етмаслиги мутлақо масъулиятсизликдир! Ҳа, юқоридаги нақдда келтирганимиздек, биз ҳам бир пайтлар ер билан шартнома тузган эдик. Яхши ниятлар асосида ҳамкорлик қилишга келишиб олгандик. Аммо ерни ғорат қилишди, жону мадорини суғуриб олишди. Ўз нафсини ўйлаб қайта-қайта бир хил экин экаверганлар, тупроқни авайламай, тўйдирмай, ишлов бермай туриб ундан ҳосил талаб қилаверганлар, ер мувозанатини, демак табиат мувозанатини бузишди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик зараркунандалари, турли касалликлар, бегона ўтлар кўпаймоқда, ер эса ҳолсизланмоқда. Бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг тексин пасайиши, маҳсулотнинг сифатсизланиши, чиқимнинг кўпайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби хунук ва ташвишли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Ер ўзига нисбатан шафқатсизликни, ҳамкорликка нисбатан фирромликни ҳеч қачон кечирмайди. Бу ҳақда тарихий мисоллар кўп. Мана бир воқеа. Асримиз бошларида, Америка Қўшма Штатларининг жанубида ерни мудом пахтага боғлаб қўйдилар. Монокультуранинг узоқ давом этиши оқибатида ғўза узунтумшўғи (мексика қўнғизи) пайдо бўлди. Ғўзага офат келтирган бу зараркунандалардан қутулиш осон кўчмади. Бу қўнғиз пахтакорларни қашшоқликка маҳдум этди. Оғир аҳвол уларни монокультурадан қатъий воз кечишга мажбур қилди. Фермерлар алмашлаб экишга яна қайтдилар. Бунинг натижасида ер унумдорлиги тикланди. Узунтумшўқ туфайли кўзлари очилган фермерлар Коффе шахрида қўнғизга катта ҳайкал ўрнатдилар...

Хўш, республикамизда ерларга қайта-қайта пахта экилавериши туфайли авж олиб бораётган вильт касаллигининг хавфи мексика қўнғизиникидан камми?! Қўсақ қурти, ўргимчаккана, илдиз чириши ва бошқа зараркунандалар, касалликлар келтираётган зарар-чи?! Хуллас, устма-уст пахта экиш вильт касаллигининг тобора кенгроқ тарқалишига сабаб бўлмоқда. Худди шу туфайли туғилаётган ва пайдо бўлаётган янги-янги касалликлар, зараркунандаларнинг хавфи вильтдан сира кам эмас.

Биз ер аҳволининг тобора оғирлашиб бораётганлиги, буни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида гапиряпмиз. Ердан ундиравериш, унга бериш, кучини қайта тиклаш ёдимиздан кўтарилганлиги ҳақида гапиряпмиз! Қадимда деҳқонлар ер билан муносабатни унчалик бузмаган эдилар. Ҳосилни йиғиб олгач гўнг, эски деворларнинг, ариқ ва зовурларнинг унумдор тупроқлари, хуллас, лозим бўлган жами нарсаларини ерга ташиб солар, имкон борича унинг кучини қайта тиклаш учун курашардилар. Ўғитларни далага ташишда «ҳосил тўрваси», «ағдарма»,

«кашша» сингари усуллардан фойдаланишарди. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам, ерни тўйдиришдан, унинг қувватини тиклаш учун курашишдан чарчашмасди. Қилинган бу ҳаракатлар сермашақат ва тартибсиз бўлса ҳам, ҳар қалай, тупроқ унумдорлигини сақлаб келган. Халқимиз тутган бу ибратли удум бора-бора бутунлай унутилмоқда, унинг ўрнига минерал ўғитларга ружу қилинмоқда. Бу усулга ўта борилган сайин органик ўғитдан фойдаланиш, ерларга унумдор тупроқ эшиш баттар камайди, ҳатто баъзи жойларда ёддан бутунлай кўтарилди. Маҳалли «ўғитку, таг-туғи билан оз, шундан ҳам самарасиз, пала-партиш фойдаланиш эса «дард устига чипқон» бўлмоқда. Чорва гўнгини компост қилмай, янгилигича далаларга ташиш ёки «шарбат» усулида оқизиш унинг самарасини йўқ деганда тенг ярмига қисқартиради, экинзорларни ифлослантиради, бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Бу ва шунга ўхшаш эътиборсизликлар натижасида тупроқ таркибидаги чиринди кескин камайиб кетди. Чиринди, айниқса, қадимда ўзлаштирилган ерларда қолмади, ҳисоб. Шундай экин майдонларининг ярм метрга қадар тупроғида чиринди 0,6—0,7 фоизни ташкил қилади, холос. Бу ҳол деҳқончилик учун катта ташвишдир.

Ернинг табиий унумдорлиги пасайган шундай шароитда план кетидан қувган деҳқонлар имкон борича кўпроқ минерал ўғит ишлатмоқдалар. Кейинги йилларда ҳар гектар пахтазорга ўрта ҳисобга 240—250 килограммдан азот, 120—130 килограммдан фосфор ташиляпти. Катта сарф-харажатлар билан тайёрланган минерал ўғитларни суиистеъмол қилиш туфайли унинг келтираётган самараси тобора камаймоқда. Узингизда қиёс қилинг: кўнглингиз тусаманган бир хил овқатни тиқиштираверсангиз қай аҳволга тушасиз?! Худди шу каби ер ўзига «тиқиштираилаётган» минерал ўғитларни ҳазм қилолмаёпти. Натижада қимматли ўғитнинг кўп қисми ер остига сўрилиб кетяпти, чанг-тўзонга айлиниб ҳавога учяпти.

Айрим олимлар орасида бир гап тарқалган. Уларнинг фикрича: «тупроқни эмас, ўсимликни озиқлантириш керак» эмиш! Биз бу фикрга мутлақо қўшмаймиз. Аксинча, аввало ерни, сўнг у орқали экинни боқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Эслаб-ётаман: биз тупроқ ташвиши ҳақида суҳбатлашяпмиз. Тупроқни авайлаш масаласида техникадан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Қадимда ерларимиз унумдор эди, 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалса ҳам мўл ҳосил бераверарди. Бора-бора кучли ва оғир қишлоқ хўжалик техникларининг, химиянинг, ранг-баранг «янгилик»ларнинг тўхтовсиз жорий қилинавериши тупроқ таркибини ўзгартирди: унинг юза қисмини чангга айлантирди, тагини зичлантирди. Хуллас, экин экиладиган қатламни яроқсиз ҳолга туширди. Бунинг устига таг қисми зичланиб, юзаси чанг-тўзонга айланган бу тупроқни мутасил равишда шамол учириб, сув ювиб кетмоқда. Бундай аҳвол давом этаверса, тупроқнинг унумдор қисмидан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас.

Ҳўш, бунга қарши нима қилиш керак? Биринчи чоса — ерни чуқур ҳайдаш. Экин майдонлари камида 50—60 сантиметр, ҳатто 75—80 сантиметр ва ундан ҳам чуқурроқ юмшатилиши лозим. Бу иш — сира кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа. Аммо бизда ҳануз унга киришилганича йўқ. Хуллас, ер остидан «иккинчи кўриқ» очишга тўғри келади. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигига дахлдор барча ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб жиддий киришишлари зарур.

Ер тақдири ҳақида гап борар экан, узоқ вақт узлуксиз ва кўп микдорда ишлатилиб келинган турли заҳарли химикатлар, гербицидлар, дефолиантлар «ҳада этган» зарарнинг йил сайин зўрайиб бораётганини айтмай ўтолмаймиз. Кўз ўнгимизда тупроқ нураб боряпти. Бундай майдонларда етиштирилган овун-тарвузлар, сабзавотлар ҳосил тугмай қўйди, олаётган маҳсулотимиз эса маза-матрасиз, ҳатто инсонни оғир аҳволга туширадиган даражада дорига тўйинган. Заҳарли химикатларнинг тупроқ таркибида кўпайиб бориши инсон, ҳайвон ва ўсимликлар саломатлигига ҳар тарафлама жиддий хавф соляпти. Маҳалан, Тошкент области экин майдонларида тупроқ таркибида заҳарли химиатлар миқдори нормадагидан 11—16 марта ошиб кетган.

Аҳвол шу даражага борганда, ҳосил миқдори ва сифати кескин пасайишидан ташқари, далаларни бегона ўтлар босиб кетади. Ажрик, гўмай, қамиш, печак каби ёввойи ўтларга қарши кураш қийинлашади. Чуқур шудгорлаш эса шундай қийинчиликларни даф этишининг энг самарали усули бўлиб, ерга биринчи малаҳам вазифасини ўтайди.

Ер унумдорлигини таъминлашда тупроқдаги ҳаёт меъёрини сақлаш жуда катта аҳамиятга эга. Биласизми, бир грамм тупроқда миллиардлаб тирик микроорганизмлар яшайди. Ярим метр қалинликдаги бир гектар майдонда эса уларнинг оғирлиги 8—12 тоннани ташкил этади. Бир гектар ерда 5—6 миллионта чувалчанг яшайди. Уша заҳматкашлар доимий равишда ерга ҳаётбахш куч нобом этиб туради. Тиниб-тинчимас чувалчангларнинг ёрдами туфайли тупроқ

доимо юмшатилади, унумдорлиги таъминланади. Образли қилиб айтганда, бу жониворлар ўсимликлар учун «овқат пишириб берувчи» «ошхона»дир. Уша беминнат дастёрларнинг ҳозирги тақдири қандай кечяпти? Ерга муносабатнинг ҳар тарафлама издан чиқиши таъсирида бу каби фойдали тирикжонлар қирилиб кетяпти. Масалан, қадимдан пахта экилиб келинаётган ерларда 1950 йилдан ҳозирга қадар фойдали жониворлар миқдори уч баравардан зиёд камайди. Ерни саккиз-ўн йил давомида тўлиқ «ҳайдаб» ва унга яхшилаб «ишлов бериб» турадиган чувалчанглар эса узлуксиз пахта экилаётган майдонлардан бутунлай йўқолган. Шу билан бирга, бундай далалардаги чумоли, кўнғиз ва бошқа фойдали тирикжонлар ҳам батамом қирилиб битган. Уларнинг ўрнида турли касалликлар тарқатувчи, ўсимликларга қирон солувчи зарарли микроорганизмлар кўпаймоқда. Пахта экилаётган майдонларнинг деярли ярми юқумли вильт касаллиги билан зарарланди. Эллингичи йиллар билан солиштирсак, вильтнинг янги-янги энг ашаддий турлари ўн баравар кўпайганини кўрамиз. Улар вильтга чидамли ҳисобланган пахта навларини ҳам қаттиқ зарарламоқда. Натижада ҳар йили юз минглаб тонна пахта нобуд бўляпти. Бу масалага жиддий ёндашиш, ташвишларнинг олдини олиш учун имкон борича курашиш шу куннинг биринчи даражали вазифаларидан бўлиб турибди.

Ерга эътиборсизлик ҳақида гап кетар экан, кўпгина пахтакор районлар, айниқса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё Сирдарё ва Жиззах областларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор берилмаётганини алоҳида уқтириб ўтамиз. Бу эътиборсизликлар шунга олиб келдики, ер ости сувлари юзага кўтарилди, иккинчи марта шўрланиш ва ботқоқликка айланиш хавфи кучайди, бегона ўтлар ҳаддан ташқари кўпайди. Бундай ҳолнинг нимага олиб бориши маълум: минг-минг гектар ерлар яроқсиз ҳолга тушиб, қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқиб кетяпти.

Ниҳоят, ерга юзаки муносабат ишлов бериш ва агротехник қоидаларининг қўпол бузилишида рўй-рост кўринмоқда. Керак бўлса-бўлмаса тракторлар ва турли хил қишлоқ хўжалик машиналарини тупроқ устида уёқдан-буёққа чоптиравериш одат тусига кириб қолди. Уша кераксиз «пойга», «чоп-чоп»лар ўзининг ёмон асоратини қолдирмоқда: тупроқ остини зичлантириб, устки қисмини чангга айлантarmoқда, тирикжонларни қириб юборmoқда, сув ҳамда ҳаво эрозиясини кучайтирmoқда. Буларнинг бари пировардида тупроқнинг энг унумдор қисмини йўқ қилишга олиб бормoқда.

Ерларни шудгорлаш ва баҳорги ишлов бериш хусусидаги нуқсонларни эса алоҳида уқтириб ўтиш лозим. Кўп йиллардан буён бир масалада ҳаммамиз ҳам ўта боқибёғам, айтиш мумкинки, «тепса тебранмас» бўлиб қолдик. Касални яширсанг, иситмаси ошкор айлар, деганларидек, ўша «индамасвой»лигимиз туфайли она-ерни бемисл азобга дучор қилдик. Ҳаммамизга маълум, «сўнги кўсак» илинжида, деярли йил охирига қадар ер ҳайдалмайди, минг-минглаб ўқувчилар, ҳашарчилар бўм-бўш далаларда тентираб юришади. Уларни озиқ-овқат ва бошқа заруратлар билан таъминлаш, шунга ўхшаш турли хил кераксиз чиқимлар эвазига пахтачилик билан шуғулланувчи колхоз-совхозлар топган даромадларини бутунлай йўқотиб қўймоқдалар. Энг ёмони — қимматини ўлчаб бўлмайдиган долзарб дамлар «сўнги чаноқ» кетидан қувиб елга совурилади. Пахтаси тозаланган ҳам, ора-чора осилган-тўкилган толалари бор майдонлар ҳам «махсус кўрсатма» келгунча ҳайдалмайди. Иш шу даражага етдики, қандай қилиб бўлмасин мажбурият бажарилгунга қадар шудгорлашга киришиш таъқиқлаб қўйладиган бўлди! Шунинг оқибатида кўп йиллар давомида шудгор учун қулай ҳисобланган куз ойларини ўз ихтиёримиз билан бой бериб келдик. Қани, очиқ айтилик-чи, шудгор қилмай туриб экин экиш мумкинми?! Йўқ, албатта, бари бир, ерни ҳайдаш керак. Ер эса балчиқ пайтларда ёки қор босиб музлаб ётган кезларда шудгорланадиган бўлди. Бу эса агротехника қоидаларига мутлақо зиддир. Бундай «шудгор»дан кейин тупроқ майдаланмайди, донадор ҳолга келмайди, «томир кесак»ка айланиб тураверади. Шунчақ экин майдонларидан табиий нам орқали бирор нима ундириб кўринг-чи?! Қор босиб ётган пайтда ерни чуқур шудгорлаш ўсимликларнинг униб чиқиши ва тез ривожланишига ҳам тўсқинлик қилади. Чунки тупроқ тагига чуқур тушган қор узоқ вақтгача эримай, совуқликни сақлаб тураверади. Бора-бора бундан баттарроқ ҳолларга ҳам йўл қўйилмоқда. «Далалардан сўнги граммгача териб оламиз» шиорининг «шарофати» туфайли кўпчилик хўжалик ерларни қишда шудгор қилишга ҳам улгуролмаяпти. Ҳайдалмаган ерга экин экиб бўладими?! Йўқ! Демак, баҳорда ерни ҳам шудгорлаш, ҳам экиш, ҳам кўчатларни ундириш, ҳам парваришлаш керак. Шундай аҳволда ер қачон дам олади?! Бунингдек оғир аҳволга тушган, иши орқага кетган хўжаликларда тупроқ икки-уч йилда издан чиқмоқда, ҳосилдорлик, айниқса биринчи сортлар 20—25 фоиз камаймоқда. Шу даражагача боришимиз учун ким бизни мажбур қияпти?! Аҳволни кўра-била туриб нега индамай келдик?! Ҳеч бўлмаса, бундан буёғига

ер тақдири учун жиддийроқ курашайлик-да! Очиқ айтиш мумкин, эътиборсизлик, боқибеғамликни шу зайлда давом эттираверсак, тахминан яна 25—30 йил ўтгач, ҳатто ундан ҳам олдинроқ ер биздан бутунлай юз ўгиради! Келажак авлодга жонсиз тупроқ «ҳада этамиз!» Шу инсофданми?!

Ўз-ўзидан савол туғилади: мушкулликдан қутулишнинг чораси борми? Яна такрор айтамыз: ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, кўзбўямачилик, ваъдабозлик, алдамчилик эмас, чин сўзимизга боғлиқ! Энг аввало, ерга бир хил экин экаверишдан воз кечиш шарт. Ҳар бир хўжаликда чуқур илмий асосга эга бўлган алмашлаб экишга шу бугундан бошлаб қатъий киришиш керак. Шу ўринда алмашлаб экиш жараёнида беданинг энг самарали восита эканлигини яна бир карра эслатиб қўйсак зарар бўлмас. Хуллас, мелиоратив ҳолати бузилган, тупроғи шўрлана бошлаган майдонларга экиладиган пахтанинг умумий ҳажмини 57,0—62,0 фоиздан оширмаслик лозим. Қолган қисмига асосан беда ва бошқа озуқа экинлари экиш керак. Бошқа майдонларнинг эса кўпи билан 65—70 фоизини ғўза банд этиши мақсадга мувофиқдир. «Пахта-дон» ва шунга ўхшаш алмашлаб экишнинг барча усулларидан батамом воз кечган маъқул. Демак, тупроқ таркибини яхшилашда алмашлаб экишни илмий асосда ташкил этиш — биринчи даражали иш. Аммо маҳаллий гўнг ва қадимий тажрибалар асосида ерни ўғитлашнинг қиймати ундан сира кам эмас. Бор гапни айтганда, бу масалаларда кўзбўямачиликларга — ўз-ўзимизни алдашга батамом хотима бериш пайти келди. Қоғозда эмас, ҳар гектар суғориладиган экин майдонларига кам деганда амалда 15—20 тоннадан яхши чириган гўнг сочиш лозим. Агар бу масалага жиддий ёндашиб, далаларга гўнг ташиш учун шарт-шароитлар яратилмаса, жиддий эътибор берилмаса, гап гаплича қолаверади. Бизнингча, ҳар бир хўжаликда йил бўйи шу иш билан шуғулланидиган алоҳида бригада тузилиши ва улар етарли ишчи кучи ҳамда техника билан таъминланиб, қатъий илмий асосда иш олиб боришлари зарур. Уларнинг ихтиёрига нафақат техника, балки от-аравалар ва прицеплар топшириб қўйилса ҳам ёмон бўлмасди. Бу масалада хоразмлик ер усталари, айниқса Хива райони деҳқонларининг, шунингдек Фарғона областининг Риштон райони, Тошкент областининг Калинин райони миришкорлари тажрибаларидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Ернинг аҳволини яхшилаш учун курашда бир тадбирни иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Агар ер чуқур шудгор қилинмаса, ҳар қанча яхши тайёрланган маҳаллий ўғитлардан ҳам унчалик катта наф келмайди. Ғўзапояларни йиғиштириб олиб майдалаш, махсус усул билан қайта ишлов бериб, шу орқали ерларни ўғитлаш келажакдаги асосий таянчимиздир. Юқорида айтганимиздек, «иккинчи қўриқ» — ерни чуқур шудгор қилиш (60 см ва ундан ҳам чуқур) бу масалада алоҳида ўрин тутати. Чуқур шудгорлашнинг афзалликлари деҳқонларга беш қўлдай маълум бўлса ҳам, шу пайтгача бу ишга кўпчилик юзаки ёндашиб келди. Холбуки, тупроқ унумдорлигини ошириш, бегона ўтларнинг уруғини қуритиш, зараркунандаларни қириш каби масалада чуқур шудгорлаш асосий ўрин эгаллайди.

Шудгорлашнинг муддатлари ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу ишни амалга оширишда ўтмишдаги барча кирдикорларга барҳам бериб, туб бурилишга эришиш шарт. Ерларни шудгорлашнинг энг ўринли муддати октябрь ойи ва ноябрь ойининг биринчи ярми ҳисобланади. Айрим жанубий районларда эса бу иш муддатини ноябрь охиригача чўзиш мумкин.

Шу талабни уддалаб бўладими? Бу саволга жавоб бериш, ўз навбатида, ҳосил йиғим-теримига бориб тақалади. Аввало, қачонлардир ўзининг самарадорлигини исботлаган конвейер усулини ҳосил йиғим-теримида яна қайта тиклаш керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир хўжалик ёки ишлаб чиқариш бригадаси охирги (тўртинчи) сорт пахтани теришга киришган чоғдаёқ қолган-қутган ҳамма ҳосилни бир йўла йиғиштириб кетиш чораларини қўллаши зарур. Яъни, дастлаб бутун воситани ишга солган ҳолда очилган кўсақларнинг пахталари йиғиштириб олинади; кетма-кет кўрак йиғиш машиналари ишга солинади; улар бир йўла ерга тўкилган ҳосилни ҳам йиғиштириб кетадилар. Изма-из ғўзапоя майдаланади ва «сўнгги чаноқ»ни пойлаб ўтирмай, зудлик билан шудгор қилинади.

Кўриниб турибдики, қаршимизда турган ишлар залвори ҳазилакам эмас. Алмашлаб экиш, шудгорлаш, ерларни ўғитлаш ва бошқа масалаларда туб бурилиш яшаш шарт. Бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ёки ўша мушкулотларни даф этиб, юмушларимизнинг ҳаммасини илмий асосда ташкил қилиб, қишлоқ хўжалигимизни изга туширамиз, ё бўлмаса бир жойда депсиниб тураверамиз, ҳатто ишимиз орқага кетаверади.

Ер аҳволини, демакки қишлоқ хўжалигимизни яхшилаш катта сиёсий мазмунга эга бўлган умумхалқ ишидир. Бу билан биз партияимиз қарорларини амалга ошириб, жамиятимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшамиз. Улуғ Ленин бизга шуни васият қилган, партия биздан шуни талаб қиляпти.

«КПСС ҳамиша Лениннинг принципаал сиёсати бирдан-бир тўғри сиёсатдир, деган фикрга амал қилиб келди ва шу фикрга амал қилаверади;— деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг шу йил март ойида навбатдан ташқари бўлиб ўтган Пленумида сўзлаган нутқида.— Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган бу сиёсат изчиллик билан амалга оширилаверади». Бундан кейинги йўлимиз ҳар соҳада, жумладан ерга муносабатда ҳам худди шундай принципга қатъий асосланиши лозим.

Ўткир Ҳошимов

НУР КЎПАЙСА, СОЯ КАМАЯДИ

Хизмат юзасидан турли жойларда бўлиш, кўпчилик билан суҳбатлашиш, ҳар хил хатларни ўқишга тўғри келади. Албатта, ҳамма учрашувлар, ҳамма мактублар кишининг эсида қолавермайди. Лекин баъзан шундай одам билан суҳбатлашасизки, кутилмаган хатни ўқийсизки, умрбод бўлмаса ҳам узоқ вақтгача хотирангизга михланиб қолади. Баъзилари эса ҳатто ҳаётингизни алғов-далғов қилиб юборади.

Бу воқеага икки йилдан ошди. Хоразмда пахта далаларини айланиб юриб, тушликка чиққан теримчилар олдига бордик. Кун совуқ, пахта деярли тамом бўлган, теримчилар «подбор» теришар эди. Теримчилар деганимиз асосан мактаб ўқувчилари экан. Еттинчи синф ўқувчилари.

Пайкал четида яримлаган тележка, кўчма тарози турарди. Эскироқ телпак кийган, соқоли ўсиб кетган ўрта ёшлардаги киши (кейин билсам, ўқитувчи экан) ярим этак «подбор» пахтани орқалаб турган рангпар болага ҳадеб дашном берарди:

— Қиз боладан ҳам харобмисан, Хўжаниёз! Эрталабдан бери терганинг эллик килогаям етмабди!

Бола ердан кўз узмай турар, чамаси, муаллимнинг гапи унга таъсир қилмас, толиққан эди.

— Қачондан пахта теряписизлар?

Ўқитувчи, чамаси ўзи ҳам чарчаб кетган шекилли, саволимга хоҳламайроқ жавоб қилди:

— Сентябрь ўртасидан бери.

— Ўқиш нима бўляпти?

Бу саволга биз билан ҳамроҳ бўлиб борган колхоз агрономи шоша-пиша жавоб берди:

— Ўқиш бўляпти! Эрталаб дарсга боришади, кейин ҳашарга чиқишади. Азамат йигитлар-да, булар!

«Доно»ликни қаранг! Ўқитувчи «эрталабдан бери терган пахтанг фалон кило бўлди», деб ўқувчини койиса-да, агроном: «болалар энди далага чиқди», деб лабини ялаб турса.

...Ўтган йилнинг эрта ёз палласи. Тошкент Давлат университетининг ўқитувчилари билан гурунглашдик. Гапдан гап чиқиб, бир кун аввал «пичан ўрими»да бўлишганини айтиб қолишди.

— Кеча биз карам уздик,— деди бир доцент кулиб.— Жўн карам эмас, нақд «олтин карам!»

«Олтин карам» қанақа бўлишини ўзлари тушунтириб беришди. Шундай қилиб, университетнинг профессор-ўқитувчилар составидан эллик кишига бир кунлик «пичан ўрими»га чиқиш ҳақида буйруқ бўлган. Эллик киши эрталаб соат тўққизда тайинланган жойга тўпланишган. Яп-янги автобус уларни аллада азиз қилиб, тайинланган хўжаликка олиб борган. Шаҳар атрофидаги хўжаликда пичан нима қилсин? Колхоз раҳбарлари «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» ҳашарчиларни энсаси қотиб кутиб олган. Нима юмуш топиб беришсин офтобда боши оғрийдиган олимларга? Бир тўхтамга келишгунча пешин бўлган. Ниҳоят домлаларни карам узишга муносиб топишган. Олимлар «ғайрат билан ишлаб», ҳар бири ўн килодан карам узгунча кун кеч бўлган.

— Узган ҳар бир кило карамимиз колхоз учун, борингки давлат учун бир сўмданга тушади.— Бояги доцент математик экан. Бир зумда ҳисоблаб берди.— Орамизда бир кунлик маоши 18 сўмданга тўғри келадиган профессордан тортиб, кунига 5 сўм оладиган аспирантгача бор эди. Шофёрнинг кундалик маоши ҳам ўн сўм экан. Бензин пулини ҳисобламаган тақдирда ҳам, маршрутдан олиб ташланган автобус бир кунда ўртача 40 сўм пул топшираркан давлатга. Ана энди уёғини ҳисоблайверинг. Бир кило карам бир сўмданга тушди. Ҳолбуки магазинда карамнинг килоси 7 тийин!..

Энди, мана бу хатга эътибор беринг. Уни Самарқанд областининг Оқдарё районидан Малоҳат Эшонқулова ёзган. Бу мактубни ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Малоҳат ўтган йили ўрта мактабни битирган. У хатида қайта-қайта таъкидлайди: ўзи ўқиган билим даргоҳи, устозлари тўғрисида ёмон гап айтиш — ўтакетган гумроҳлик! «Лекин нима қилай! Рост гапни айтмаслик янаям виждонсизлик эмасми? Биз ўқувчилик давримизда сентябрь ойининг дастлабки кунларидан то декабрь ойининг охирларигача пахтада бўлиб, шу ойлар давомида мактабда умуман ўқимас эдик. Бироқ пахтадан қайтгач, мактабга борсак, синф журналида «ўқилди» деб ёзилган ва баҳолар қўйилган бўларди. Мен эса ўйлаб қоламан. Қизик, бу билан биз кимни алдамоқчи бўламиз? Бунақа кўзбўямачилик кимга керак? Журнал сохта баҳолар билан тўла, аммо биз — ўқувчиларнинг калламизда ҳечвақо бўлмаса, кимга керак бу баҳо?! Бу ҳол нимадан сабоқ беради ўқувчиларга? Кўзбўямачилиқданми! Нимага ўргатади ўқувчини? Текинхўрликками?!»

... Яна бир воқеа. Кунлардан бирида хонага қалин мўйловли, сочи оқарган киши кириб келди. Одатда бутун умри меҳнатда ўтган, кексаликни ҳали-бери бўйнига олишни хаёлига келтирмайдиган деҳқонлар шунақа чайир бўлади.

— Мен Андижондан келдим!— деди у деҳқонча соддадиллик билан шанғиллаб.— Сизга битта саволим бор: колхоз планни 130 процент бажарса, Кўчма Қизил Байроқ олса, нима бўлади?

Тўғриси, саволнинг маъносини унча тушунмадим. Ақлим етгунча жавоб қилдим:

— Нима бўларди, одамларнинг юзи ёруғ бўлади. Ҳалол меҳнат қилганлар мукофот олади.

— Мукофот!— у қалин мўйловини бураб, муғамбирона кулумсиради.— Тўғри, мукофотни раис олди. Мукофот эмас-у, медаль олди. Колхозчилар бўлса, мукофот уёқда турсин, годовой пулини ҳам ололмади.

Баттар ҳайратландим.

— Нега энди? Колхоз планни 130 фоиз бажарган бўлса...

— Содда экансиз!— деди у гапимни кесиб.— 130 эмас, пахта плани 80 процент бўлди! Раис хлоппункт билан келишиб, планни 130 га чиқарди. Ҳамма пул хлоппунктга кетди! Медаль оладиган — раис, ақалли қилган меҳнатининг ҳақини ололмайдиган — биз! Раисимиз шунақаки, «машъал» бўлмаса ўлиб қолади. Унинг машъаласи эса бизнинг бағримизни ўртапти...

Андижонлик деҳқон кириб кетиши бундан бир неча йил аввал пахтанинг «АН» навини яратган олимлардан бири билан қилган суҳбатимиз эсимга тушди. Ушанда қизик гап бўлган эди.

— Мен пахта илмини яхши билмайман. Аммо айтинг-чи, — деб сўрадим олимдан,— фалон район гектаридан 50 центнердан ҳосил олди, фалон колхоз 65 центнердан хирмон кўтарди, деймиз. Шу ростми, ёлғонми? Фақат тўғриси айтинг!

Олим узоқ ўйланиб қолди. Кейин, назаримда, ростини айтди:

— Ҳатто энг идеал шароитда ҳам бутун бир хўжаликда, айтилик, минг гектарли майдонли колхозда гектаридан 65 центнердан ҳосил олиш қийин, жуда қийин. Тўғри, агротехника қондаларига қатъий амал қилинса, яхши нав бўлса, алмашлаб экиш йўлга қўйилса...

Яна учта ҳаётини мисол келтиришимга тўғри келади.

Бундан уч йилча илгари эски танишларимдан бири ҳасрат қилиб қолди:

— Менга бирон жойдан иш топиб берсангиз...

Бу йигит ўз касбини яхши биладиган тажрибали мутахассис эканидан хабарим бор эди.

— Нега, ўзингизнинг ишингиз яхши эмасми?

— Яхшиликка яхшику-я, бошлиғимиз ўзгарди. Кун бермаяпти. Бўшаб кет, деб очик айтмайди-ю, ҳар қадамда дакки беради. Узи бир топшириқ беради-да, бажарсам, нега шу ишни қилдинг, дейди. Хуллас, бўшамасам бўлмайди. Урнимга мўлжаллаган ўзининг одами борга ўхшайди.

... Яқинда Сергели мебель заводидан ишлайдиган собиқ синфдошимни кўриб қолдим. Хўжалик дўконидан беш банка белила кўтариб чиқаётган экан. Оғзи қулоғида.

— Нима гап?— десам, илжайди.

— Уч хонали квартира олдим. Юнусобод массивидан! Бир ҳафтадан кейин борсанг, уйни «ювамиз»!

Хайрон бўлдим.

— Краскани нима қиласан?!

Синфдошим ёйилиб кулди.

— Янги уйни ремонт қилмасдан қандай кўчаман?! Аввал гулқоғозларни алмаштирамиз, эшик-деразаларни бўйямиз, бошқа ленолиум кўямиз. Кейин «ювамиз»да квартирани!

Ниҳоят яна бир суҳбат. Бир даврада Тошкентдаги пойафзал фабрикаларидан бирининг катта инженери билан ўтириб қолдик. Қарасам, оёғида ярақлаган туфли.

— Туфли қаерники?— десам, илжайди.

— Цебо! Чехословакия!

— Нега ўзингизнинг фабрикада чиққан туфлини киймайсиз?

Инженер, бунақа саволларни эшитавериб дийдаси қотиб кетган экан шекилли, жавоб ҳам бермади...

Ана энди ўзим кўрган, ҳамсуҳбат бўлган ёки хат орқали мурожаат қилган одамларнинг дунёси билан чуқурроқ танишайлик.

Шундай қилиб, Хоразмдаги воқеа. Уша рангпар бола синфдош қизларидан камроқ «подбор» тергани учун ўқитувчидан дакки эшитди. Тўғри, бола ҳам чарчаган, ўқитувчи ҳам толиққан, асаби таранг. Улар икки ярим ойдан бери пахтада. Колхоз агрономи эса, кўзини бақрайтириб туриб, ёлғон гапиряпти. Болалар тушгача ўқигандан кейин «ўз ташаббуси билан» теримга чиққан эмиш!

Тўғри, пахта халқимизнинг ифтихори, шон-шавкати. Аммо ўқувчининг биринчи галдаги вазифаси ўқиш эмасми? Эҳтимол, муаллимдан дакки эшитган ўша бола эртага катта олим бўлиб, деҳқоннинг мушкулини осон қиладиган машина яратар. Аммо бунинг учун болага илм бериш керак эмасми?! Қолаверса, республика қишлоқ хўжалик ходимларининг бу йилги кенгашида таъкидланганидек, нима учун ҳосилнинг ярмини ҳашарчилар териб беришлари керагу худди ўша боланинг отаси, опаси, акаси ўз томорқаси билан ўраллашиб ўтиришади?! Умуман, нима учун мактабга колхоз хўжайин бўлиши, хоҳлаган пайтда ўқувчиларни пиллага, яганага, ўтоққа, чопиққа, теримга мажбуран жалб қилиши керак? Албатта, «мажбуран» деган сўзни ҳеч ким айтмайди. «Ўз ташаббуси, ўз ихтиёри» деган гаплар бор. Тўғри, қишлоқ боласи меҳнатдан бўйин товламайди. Ота-онасига кўмак беради. Бироқ нима учун у бевосита катта ёшдагилар бажаршни шарт бўлган юмушни қилишга мажбур?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳаммининг хаёлини кўпдан буён банд этиб турган бу масалани жуда кескин қилиб қўйди. Бундан кейин ҳашарчилар қишлоқ хўжалик ишларига фақат бир ой жалб қилинади. Фақат бир ой! Тамом-вассалом! Хўжалик ўзини ўзи эпласин! Ҳар ким зиммасига юкланган вазифани ҳалол бажарсин!

«Олтин карам» масаласига келсак... Бутун республикага таниқли профессор «пичан ўриш» деган баҳона остида карам узади-да, колхозчи бу пайтда ўзининг эртанги картошқасини пуллаб қолиш учун «кеп қолинг» деб бозорда ўтирган бўлади?! Албатта, биз — ҳаммамиз ё ишчи, ё деҳқон боласимиз. Зарур бўлса кетмон чопиш, зарур бўлса станок ёнида туришимиз керак. Аммо колхоз кераксиз «ҳашарчилар» ёрдами туфайли килоси бир сўмдан тушган карамни давлатга етти тийиндан топширса, кимга фойдаю кимга зиён?!

Андижонлик деҳқоннинг гапида айниқса чуқур дард бор. Бу қанақаси? Колхоз планни 130 фоиз бажарса, Кўчма Қизил Байроқ олса-да, колхозчи ўз топганидан маҳрум бўлса? Нима бу? Битта, бешта, борингки, юзта лўттибознинг касофатига минглаб одамлар изтироб чекиши керакми? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бундай кўзбўямачиликни қаттиқ қоралагани бежиз эмас. Гўшт ўрнига справка ем бўлмайди. Кўйлак ўрнига қоғоз кийим бўлмайди!

Самарқандлик ўн саккиз яшар қиз Малоҳатнинг мактуби айниқса ларзага солади кишини! Утилмаган дарсни ўтилди, деб ёзиш ёш йигит-қизни нимага ўргатади? Медаллар сотилса, мақтов қоғозлар пулланса, энди ҳаётга кириб келаётган инсон боласининг виждон ҳақидаги, адолат ҳақидаги тасавури нима бўлади? Мен Малоҳатнинг хатини синчиклаб ўқиб чиқдим. Ун варақ хатда биттаям имло хато йўқ. Ҳуснихати гўзал. Энг муҳими, мактубда соф виждонли одамнинг мантиқи, фалсафаси аниқ кўриниб турибди. Минг афсуски, Малоҳат, «Мен ёзувчи бўлмоқчи эдим, институтга кирмоқчи эдим, аммо бари бир киролмайман, нега деганда отам Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди, институтга кириш учун эса пул керак, бизда ортиқча пул йўқ», деб ёзибди. Олий ўқув юртига пул билан кирган, пул билан ўқиётган, пул билан битирган таниш одамларни бир-бир мисол қилиб келтирибди! Албатта, Малоҳатнинг аниқ фанлардан билими қандай эканини билмайман. Ўзи ҳам алгебрадан билими пастлигини, далада ишлайвериб, аниқ фанларни ўзлаштиришга вақти қолмаганини, гарчанд мактабда 5 кўйиб

беришган бўлса ҳам, бу соҳада билими 3 дан ошмаслигини ёзибди. Бироқ бу қиз гуманитар факультетларда бемалол ўқиши шарт, деб ўйлайман. Унинг жонкуярлик билан ёзган оқилона, қайтараман, ниҳоятда саводли ва оқилона хати шундан далолат беради. Энг даҳшатлиси шундаки, одамларда ёмон бир одат пайдо бўлди: Олий ўқув юртига кириш учун ё таниш-билиш бўлиши керак, ё пора! Ажаб, нега шунақа? Тўғри, боланинг илмига эмас, ота-онанинг «қудрати»га қараб баҳо қўядиганлар, бири қамалса иккинчиси пора олишдан чўчимайдиганлар, шу тариха жарроҳ ўрнига қотил, одил ҳакам ўрнига поражўр «адлия» ходими етиштирадиганлар, кириш имтиҳони уёқда турсин, ҳатто ўқиш давомида ҳам, айниқса, кечки, сиртки бўлим студентларидан зачёт учун, имтиҳон учун нимадир тама қиладиган, борингки, фарзанди тенги сулувроқ қиз-жувонларга кўз олайтирадиган ипирисқи домлаваччалар ҳам йўқ эмас. Лекин ҳамма одамлар ҳам шунақа эмас-ку! Ёшлар бизнинг келажагимиз эканини, жамиятнинг ижтимоий тақдири ёшлар қўлида эканини тушунадиган ҳақиқий илм заҳматкашлари оз эмас-ку!

Селекционер олим билан гаплашганимизга анча бўлди. Аммо ўша суҳбат ҳамон ёдимда. Айтайлик, бир хўжалик раиси гектаридан 65 центнер ҳосил олдим, деб орден олди. Борингки, бу ишни бошқаларни рағбатлантириш учун қилдик, дейлик. Лекин одамлар кўр эмас. Қўшни колхоздагилар «машъал» хўжаликнинг пахтаси қанақа эканини билади. Уша савил қолгур 65 центнерни бир гектар эмас, икки гектардан олганини кўради. Уша қалбаки қахрамон минг тонна пахтани бир ўзи термаганини билади!

Бунақа ясама қахрамонларнинг шиори аниқ-ку. «Тагингда отинг борми, суриб қол! Ё узанги узилади, ё отнинг бели синади!» Ана фалсафа! Аммо бугун икки гектарни бир гектар қилиб ёзиб «обрў» топган раис охир-оқибатда «ортиқча» ер қолмаслигини билади-ку. Демак, бугун гектаридан 60 центнердан ҳосил олинади, айтайлик, ўн беш йилдан кейин ўттиз центнерга тушиб қолади. Хўш, кейин нима бўлади? Пленумда таъкидланганидек, бизга ошириб ёзадиган, ёлғон ахборот берадиган, йўқ нарсага обрў оладиган қалбаки «машъал»лар керак эмас! Бунақа «нишондор»лар халқни ўз ордидан эргаштирмайди, аксинча, элни бузади, эътиқодига доғ туширади.

Ҳали айтганимиз, яна учта мисол қолди.

Эски танишим ёмон ишлагани учун эмас, ўша ўрин бошлиқнинг «ўз одами»га керак бўлиб қолгани учун ҳам қувғин бўлишига бир баҳя қолган. Ҳолубки, у яхши мутахассис. Аммо бошлиққа «ўз одами» шахсий садоқат кўрсатадиган одами керак. Майли, яхши мутахассис-ку, ишини топиб кетар. Лекин унинг ўрнини олган чаламулла ходим нимани қойил қилади? Лаганбардорликними? Бу билан давлатнинг иши юришиб кетмайди-ку! Пленум бундай маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликни ҳам қаттиқ қоралади. Гап кимнинг «қаерлик» эканида эмас, ким қандай ишлашида. Кимнинг қайси лавозимни эгаллаб туришида эмас, ким қандай меҳнат қилаётганида. Кадрларга ленинча муносабат мана шу!

Синфдош дўстим янги уй олибдию севинчи ичига сиғмай бўёқ кўтариб юрибди. Одам йиллаб навбат кутиб квартира олсаю ҳали кўчиб кирмасидан туриб ремонт қилса? Ахир шу уйни эътиборли комиссия қабул қилган. Имзо чеккан! Ажаб, ўша комиссия аъзоларидан биронтаси ўша уйда яшашга рози бўлармиди? Билмадим. Ажаб, нега энди одам ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўриши керак?!

Нега энди пойафзал фабрикасининг инженерини фабрикасида тикилган туфлини магазинга чиқариб сотади-ку, ўзи чех туфлисини кияди? Утган бир йилнинг ўзида республикамиз енгил саноат корхоналарида тайёрланган миллионлаб сўмлик маҳсулотлар магазинларда чанг босиб ётибди. Қайси дўконга кирманг, туфлими, костюмми, «местний» бўлса — одамлар бурнини жийиради. Инсоф билан айтганда, бунинг учун харидорни айбламаслик керак. Ҳар ким чиройли кийинишни хоҳлайди. Гап бунда ҳам эмас! Гап шундаки, нўноқ косиб миллионлаб сўмлик чармни исроф қилади, нўноқ тикувчи миллионлаб сўмлик матони елга совуради. Нўноқ қурувчи миллионлаб сўмлик қурилиш материални расво қилади. Аммо у планин ўринлайди, фақат маош эмас, мукофот олади. Ойлик мукофот, квартал мукофоти, ўн учинчи маош... Қўйиб берса корхона раҳбари нишон ҳам олади. Давлат мулкани, халқ мулкани расво қилгани учун... Хўш? Бундай масъулиятсизликка ким айбдор? Нима қилиш керак? Ҳамма гап шундаки, ҳар кимнинг ўз инсоний бурчи, шахсий виждони бўлиши керак! Ҳар ким ўз ўрнида ҳалол меҳнат қилса — олам гулистон! Бироқ ҳаммаям ўз юмушини ҳалол бажаряптими! Оддий қоровулдан тортиб катта-кичик амалдорларгача ўз вазифасига чин инсоний, партиявий муносабатда бўлаётими! Тўғри, ҳалол, покиза одамларимиз беҳисоб. Лекин баъзан шунақа бўладики, битта нопок кимсанинг битта нопок қилиғи минглаб одамларга соя ташлайди.

Пленумда, бошқа жиддий муаммолар ҳам, алоҳида эслатиб ўтилди. Ёлғон-

яшиқ маълумот бериб нишон олишлар, пора билан иш битиришлар, давлат маблағини, халқ мулкини совуриб обрў топишлар, қай йўл билан бўлмасин планни ошириб бажаришлар, ҳар совлиқдан «икки яримта»дан кўзи олиб «қаҳрамон» бўлишлар, икки гектарни бир гектар ҳисоблаб, яйловларни, боғларни, полизларни, бедазорларни йўқотиш ҳисобига Ерни, она-Ерни ҳақорат қилишлар, биров ҳақида гап кетганида «қанақа одам» деб сўраш ўрнига энг аввал «қаерлик экан», деб сўрашлар, қўл учида иш қилиб, худди ўзига ўхшаган, эҳтимол, ўзидан минг марта ҳалолроқ одамларни сарсон қилишлар, аллақандай ипириқки амалдорлик курсисига ўтириб олиб, ўзидан ақллироқ, ўзидан талантлироқ одамларни қувғин қилиш эвазига ёнига «содиқ» ҳамюртини ўтказиб қўйишлар, мактабларда олтин медалларни сотишлар, олий ўқув юртининг курсига илмли бола уёқда қолиб, пулдор ёки амалдор кимсанинг чаламулла боласини жойлаб қўйишлар энди тугайди! Партиянинг талаби шу.

Ҳакимжон Тиллаев,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Жўрабой Ҳайдаров,
биология фанлари кандидати.

ТУПРОҚ МАЛҲАМ СЎРАЙДИ

Бу — мутахассис маслаҳати эмас. Биз бутун вужудимиз, фикру зикримизни банд этган муҳим масала тўғрисида «Шарқ юлдузи»нинг кўп минг сонли ҳурматли журналхонлари билан самимий суҳбатлашмоқчимиз. Бу мавзу барча учун ҳаётий эҳтиёж. Шу боисдан суҳбатимиз мунозара ва баҳсга айланиб кетиши мумкин. Нима қилганда ҳам, натижанинг умумий ишимизга фойдаси тегса бўлгани.

Бошқа касб ихлосмандлари каби биз ҳам ушбу йўлни танлаганмиз. Ойлаб, йиллаб тупроқ таркибини муттасил текшириб юрган кезларимизда гап-сўзларга қолганмиз. «Бу одамларга бир нима бўлганми ўзи, намунча тупроққа тикилишади?! Тилла топиб оладигандек бош кўтаришмайди-я!», дейишарди оғзига кучи етмаганлар.

Тилла ҳам гапми, кадр-қиймати ўлчовсиз тупроғимизни асраш учун баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқчи эканлигимизни ўша пайтларда кўпчилик билмасди, албатта. Энди бўлса бу ташвиш нафақат олимлар ва мутахассисларни, балки барчани безовталантирмоқда, умумхалқ юмушига айланиб бормоқда. Тупроқ ташвиши дедик. Шу соҳадаги мунозара ва баҳслар чоғида: «Қизиқ, тупроқнинг ҳам ташвиши бўладими?» дея сўраб қолувчилар кўп учрарди. Тупроқнинг ҳам тирик организм эканлиги, шафқатсизлик қилаверсак, у албатта ҳалок бўлишини бундайларга ҳижжалаб тушунтирардик. Аммо баъзилар ҳатто шуни гапириб, асослаб беришдан ҳам эринишади-да!

Асосий мақсадга кўчар эканмиз, гапни ўз касбдошларимиз — тупроқшунослик мутахассислари, бу соҳанинг бўлажак олимлари, ҳатто таниқли олимлардан бошлай қолайлик. Халқимизда: «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур!» деган ибратли нақл бор-ку, ахир!

Бошқа касблар қатори, бизнинг соҳамизга тегишли ўрта махсус, олий ўқув юрлари талайгина. Улар ҳар йили қанчалаб бўлажак мутахассис, бўлажак аспирант, бўлажак олимларни учирма қилади. Сиртдан қараганда, гўё кадрларга муҳтож эмасдекмиз. Лекин улар орасида тупроқ тақдирига жон куйдираётган фидойилар кўпчиликми? Республикамиздаги экин ерларининг ҳозирги аҳволи, тупроқнинг тўхтовсиз суръатда емирилиб бораётганлиги бу саволга ижобий жавоб беришимизга тўсқинлик қилади. Унда тупроқшунослар нима билан шуғулланиш-япти? Тўғри, уларнинг танлаган «тема»лари бор, илмий ишлар ёзишади, ғимирлаб юришади, ёқлашади. Аммо рўй-рост айтиш керакки, кўпинча ҳақиқий аҳволдан кўз юмишади. Тупроқ тақдирига жон куйдириш, уни ҳимоя қилиш

вазифаси зиммасида турган касбдошларимиз ё масъулиятдан чўчидиган бўлиб қолганлар ёки шахсий ҳузур-ҳаловатларига бошдан-оёқ шўнғиб кетганлар. Биз рўй бераётган аҳволни сезмаяпмизми, кўриб-билмаяпмизми? Йўқ, ҳаммасини аниқ-равшан билиб, кўриб, эшитиб турибмиз. Фақат бу ишга аралашайдан «истихола» қияпмиз, «олов»га киришдан қўрқяпмиз.

Энди, нафас олиб, яшаб турган табаррук тупроғимизда ғоят ташвишли ҳол рўй бераётганини исботлаб беришга уриниб кўрамиз. Жаҳон мутахассисларининг сув, ҳаво ва тупроқ муҳофазасига оид кенгашида бир нарса тилга олинди: тупроқ таркиби йилдан-йилга бузилиб, жараён орқага кетишдан иборат бўлиб қолган экан!

Ташвишнинг нақадар катталигини сезяпсизми? Гап тупроқни қадимги асл ҳолига келтириш ҳақида эмас, орқага кетишни тўхтатиб қолиш устида боряпти. Ҳаётимиз асоси — тупроқ шу аҳволга тушишининг сабаблари нима, бунга ким айбдор? Айни пайтда тупроқ ташвишининг олдини олиш учун талаб даражасида ҳаракат қилиняптими? Худди мана шу саволларга жавоб бериш чоғида айбларимиз яна бир марта очилиб қолади. Қайсики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўн олтинчи ва шундан кейинги пленумлари ҳамда мутахассисларнинг кенгашларида фош этилган айбларимиз!.. Деярли барча матбуотларда турли мутахассисларнинг, шу жумладан тупроқшуносларнинг чиқишларини доимо ўқиб келганмиз. Улардаги «бир қолип»дан чиққан «доно маслаҳат»ларни бир эслаб кўрайлик-а! Узундан-узоқ насиҳатлар қилинарди, шуларга амал қилсак, қай даражага эришишимиз ҳақида қўйнимиз пуч ёнғоқларга тўлдирилларди. Аммо бирон хўжалиқдаги аҳволнинг чуқур анализи, ҳар йилги «доно маслаҳат»ларга мутлақо амал қилинмаётганлиги, оқибатда ҳақиқий аҳвол қай даражага бориб етгани ҳақида лом-мим дейилмасди, кирдикорлар фош қилинмасди. Демак, хўжалик тизгинини қўлига маҳкам тутиб олиб, ҳар мақомга йўрғалатаётган ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбарларнинг бебошлик, ўзбошимчалик, лўттибозликлари йўлини биз — мутахассислар ҳам тўсмаганмиз. Очиқ эътироф этиш керак, ҳатто шундайларнинг «тегирмонларига сув куйиб» турганмиз...

Ҳўш, органик ўғит солиш йўли билан тупроқ таназзулининг олди олинадими? Бу саволга жавоб беришдан бурун рўй бераётган ҳақиқий аҳволга назар ташламоқ лозим.

Ушбу мақолани ўқиётганларнинг кўпчилиги деҳқон боласи, ҳеч бўлмаганда мавзуга қизиқадиган одамлар. Инсоф билан айтилик-чи, ўтган йилларда экин ерларига тегишли миқдорда органик ўғит бериб келиндими? Дадил айтиш мумкин, умумий ерларимизнинг тахминан йигирма фоизи органик ўғит билан аранг таъминланяпти. Янаям соддароқ тилда тушунтирсак, ҳар гектарга йигирма-ўттиз тонна ўрнига, нари борса, беш тоннадан гўнг солиняпти. У ҳам бўлса асфальт йўлга яқин, кўзга кўринадиган майдонларга хўжакўрсинга тўкилади-да, номигагина сочиб қўйилади. Бу кўзбўямачиликни жойлардаги мутасадди ўртоқлар кўрмаяпти, билмаяпти дейсизми?! Уларга ҳаммаси беш қўлдай маълум. Аммо, нимагадир, қишлоқ хўжалик раҳбарлари ҳам, мутахассислару биз — олимлар ҳам шу пайтгача индамай келдик.

Лекин тadbиркор, узоқни кўзловчи, виждон амри билан иш юритувчи деҳқон бошқача йўл тутади. Ерга солинган органик ўғит миқдорини бир неча баробар ошириб эмас, аксинча камайтириб айтади, иложини топса бу ҳақда индамай кўя қолади.

Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Бултур Фарғона области пахтачиликдан яхши натижага эришди. Илғорликнинг сабаблари кўп, албатта. Аммо асосий сабаблардан бири фарғоналикларнинг заминга тобора кўпроқ меҳр қўяётганларида, органик ўғитларни ерга имкон борича кўпроқ солаётганларида, деб билмоқ даркор. Ер ночор экан, минг чиранган билан мурод ҳосил бўлмастлигини улар яхши билишади. Шунинг учун органик ўғит топиш, тайёрлаш ва ерга бир текис сочиш вазифаси доимо уларнинг диққат марказларида туради. Бу масалада областнинг Энгельс номли, «Социализм», «Ўзбекистон» колхозлари, айниқса илғор. Улар ўзларига тегишли ҳар кило органик ўғитни қўллари қалтираб тортиб оладилар, кераксиз ҳотамтойлик қилмайдилар. («Қўллари қалтираб» сўзини биз ижобий маънода ишлатяпмиз.) Авваллари масъулиятни унчалик ҳис қилмай келган Жданов номли колхоз деҳқонлари эса кейинги йилларда ўз хатоларини тушуниб қолдилар ва тупроқ ишловига қаттиқ киришдилар. Бунинг самараси сезилиб, улар бултур давлатга пахта сотиш планини бажаришди.

Бундан Фарғона областининг ҳамма хўжаликларида иш зўрайиб кетган экан, деган маъно чиқмайди. Тупроққа юзаки муносабатда бўлинаётган жойларда вильт офати ҳануз хуруж қилмоқда. Айниқса, 1979—1980 хўжалик йилида вильтдан область жуда катта зарар кўрган — 40 минг тонна пахта ни фақат шу туфайли бой берган эди. Бу, тахминан, бир район меҳнати йўққа чиқди, деган гап. Шу воқеадан

кейинги йилларда вильт зарари камайган бўлса-да, батамом даф этилгани йўқ. Демак, тупроққа ишлов беришда ҳамон камчиликлар кўп.

Тупроқ бузилишининг олдини олишда органик ўғит асосий малҳам вазифасини ўташи тўла-тўқис исботланди. Аммо у етишмаяпти-ку! Ерга солинадиган органик ўғит миқдорини кўпайтиришнинг бирон-бир чораси борми? Изланганга толе ёр, албатта. Талабларга амал қилган ҳолда тайёрлаб, қайта ишлов бериб солинса, ғўзапоя яхши органик ўғит вазифасини ўтайди. Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг Қўқон таянч пунктида ҳозир ғўзапоядан ажойиб органик ўғит тайёрлаб чиқарилмоқда. Айтайлик, бир гектардан ўртача ўн тонна ғўзапоя йғиштириб олинади. Таянч пунктида сув ва фойдали микроорга-низм — триходерма қўшилиб қайта ишловдан чиқариш жараёнида унинг миқдори уч барабар ортади. Ана ерга малҳам, ана сизга органик ўғит! Бир гектарга бу ўғитнинг бир тоннаси кифоа. Худди шундай йўл тутилганда, вильт касаллиги икки-уч барабар камайши билан бирга, ҳосилдорлик уч-тўрт центнерга ошади.

Мана шу қимматбаҳо ғўзапоянинг тақдирини ҳозирга қадар қандай ҳал қилинди? Буни нафақат мутахассислар, ҳар қандай киши кўриб-билиб турибди. Яъни, ғўзапоя тупроқ унумдорлигини оширишга ҳозиргача хизмат қилгани йўқ. Ғўзапояни қўшиб ҳайдаб юборишлар ёки қайта ишлов бермай, чиритмай майдалаб ерга сочишлар ҳеч қачон наф келтирмайди. Аксинча, зарарли микроорганизмларни кўпайтиради, унинг таркибини бузади...

Бир воқеа ёдимизда қолган: текширувчи комиссия составида пиёз экинлари ҳолатини кўргани бордик. Дорининг шунчалик қалин сочилганлигига ҳам бир амаллаб чидаб турган эдик, таъқиқланганига анча бўлган заҳарли химикат — гексохлоран сепилганини кўриб тоқатимиз тоқ бўлди. Ахир ДДТ, гексохлоран каби заҳарли химикатлар ўн йиллаб тупроқ таркибини бузиб тураверади-ку! Уларнинг инсон организмга зарари-чи!

Тупроққа эътиборсизлик, кўра-била туриб унинг таркиби бузилишига йўл қўйиш ҳар томонлама кони зарар эканлиги кўпчиликка аён. Бу хусусда биз шу пайтгача боқибегам бўлиб келдик, энг муҳим нарсаларга, майда-чуйдалар, деб қарадик. Масалан, ерларни яхлитлаш ёки суғориш ишларида хўжасизлик йўқми? Бу соҳадаги эътиборсизлик, ҳушёрликни йўқотиб иш кўришлар туфайли тупроқ унумдорлиги хусусида катта йўқотишлар келиб чиқади. Айтайлик, шамол йўналишини ҳисобга олмай туриб, ерлар яхлитланди ёки ихота дарахтлари олиб ташланди. Бу шунга олиб борадики, биз унумдор тупроқдан айрилай қоламиз. Унумдор тупроқ, аввало, юзада, қолаверса енгил бўлади. Шунинг учун, эҳтиёт қилинмаса, уни албатта шамол учириб кетади. Ёки суғоришдаги кўнгилсизликлар-чи? Масъулиятни сезмаган сувчи пайкалларга сув тарайди-да, ўзи шахсий юмуши билан кетади ёки бошини буркаб ётади. Қарабсизки, сув тошиб, тупроқнинг унумли қисмини оқизиб юборади. Ана энди унинг ўрнини тўлдириб кўринг-чи! Буларнинг отини кўпинча оддийгина қилиб, хўжасизлик ёки масъулиятсизлик, деб қўя қолишади. Ахир тупроққа нисбатан бемехрлик, эътиборсизлик оқибат-лари нималарни келтириб чиқармайди. Бу ҳол, очиқ айтиш мумкин, халқ хўжали-гининг ҳамма соҳасидаги тараққиётга тўсиқ бўлади...

Область партия комитети раҳбари бир гал бизни гапга тутди. У бир уюм чигитга ишора қилиб:

— Шунинг сифатини беш минутда аниқлаб бера оласизларми? — деб қолди.

— Икки минут фурсат етарли, — дедик биз ва графин ёнидаги стаканга сув тўлдириб, унга бир қисим чигит ташладик. Дақиқа ўтар-ўтмас, чигитнинг 45 фоизи сув бетига кўтарилди.

— Чигитнинг ярмига яқини яроқсиз, — дедик биз ишонч билан. Шу он раҳбарнинг ёнидагилардан бири сув бетига кўтарилган чигитларни кўлига олди-да, бир-иккитасини тишлаб чақиб кўрди. Чигит ичиди, ҳар қалай, мағиз бор эди.

— Бунинг нимаси яроқсиз экан?! — деди у ошқора эътироз билдириб.

— Тўғри, унинг мағизи бор, — дедик биз. — У ерга экилганда униб ҳам чиқади. Аммо ғўза ниҳоли ё етилмай ҳалок бўлади, ёки битта-яримта мажмағил кўсак тугади...

Область раҳбари бизнинг жавобимиздан мамнун бўлиб сўради:

— Хўш, бу ташвишли ҳол ниманинг оқибати?

— Асосан, тупроқ таркибининг ночорлиги оқибати, — дедик биз.

Сўхбатимизнинг индаллоси шуки, она тупроққа хиёнат қилиш ўз-ўзимизни алдаш, ҳаётимиз равнақи илдизига болта уришдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам тупроққа ўғай кўз билан қараётганлар билан мутлақо мурса қилмаслик керак.

Сергей Бондарчук

МЎЪЖИЗА ИСТАБ Юракдан акс садо

Ҳожи АҲМАР таржимаси

Томошабин

Болаликда ҳар биримиз бувимиздан кўп эртаклар эшитганмиз. Эртак иштиёқида кеч киришини зориқиб қутганмиз. Негаки, эртакни кундузи кўчада айтиб бўлмайди. Унинг учун мос вазият бўлиши лозим. Мана, мен печ устида бошимни пўстинга буркаб ётибман. Ҳовли ҳам, уй ҳам қоронғи. Ана шу сирли сукунат аро қулоғимга «Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда...» деган майин овоз қўйилади.

Вазиятнинг ўзи ва эртакнинг қулоққа қўйилаётган сеҳрли оҳанги эшитувчининг дилини ром этади, унутилмас таассурот қолдиради. Кўз ўнгимизда мўъжиза-кор ажойиб ва ғаройиботлар жонланган шу аснода қаттиқ гапириш, шарақлаб кулиш мумкин эмас... Агар шундай ҳол рўй бергудек бўлса, «нафосат андазаси»га путур етиши мумкин.

Кинотеатрда шароит тамоман бошқа. Кино афишада кўпдан орзу қилиб юрган фильм номини кўриб қоласиз-у, билет олиб тўппа-тўғри залга кирасиз. Негаки, кинотеатрда кийим ечадиган гардероб бўлмайди. Муттасил жиринглаб турган қўнғироқ сизни яна ҳам шоширади. Чунки кинотеатрда ҳар бир дақиқа ҳисобли бўлади. Сиз жойингизга ўтиришингиз билан чироқ ўчади...

Энди энг муҳим савол устида тўхталиб ўтамиз: хўш, томошабин кинога нима мақсадда келади?

Мен, бу ўринда, томошабин деган сўз жиддий инсон деган маъно кашф этишини истардим. Унда инсон кинони қай мақсад билан кўришга келди, деган савол туғилиши табиий.

«Уруш ва тинчлик» фильмини суратга олаётганимизда киногруппа диққати қаратиладиган жойда Л. Н. Толстойнинг қуйидаги сўзлари ёзиғлиқ эди. «Бошқалар дилида акс-садо уйғотишни ният қилган санъаткор муттасил изланишда бўлмоғи зарурки, у яратган асар ана шу изланиш самараси бўлсин. Башарти санъаткор изланишдан тўхтаб, санъатнинг тагига етдим деб ўйласа ва бошқаларни ўқитиб-ўргатиш ёки қуруқ томоша кўрсатиш йўлини тутган бўлса, ундан бирон наф

*Дорогие габайтлин журналиста
«Мир» журнада*

*Ваше рад, што моя книга "Милана
-гид" первой среди всех балканских
романов переведена на уфвский язык.
Милана моя балканская романов
в вашей жизни, журнада. Спасибо!*

С уважением

Сергей Бондарчук

кутманг. Санъаткор изланиш йўлидан боргандагина томошабин, тингловчи, китобхон унга эргашади, маслакдош бўлади, бирга изланади». Томошабинга нима керак, деб юқорида берилган саволга Лев Толстойнинг ушбу жавоби аини муддаодир.

Энди икки оғиз сўз томошабин фазилатлари ҳақида. Л. Н. Толстой «Болалик» қиссасини ёзиб тугатганда китобхонларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилган эди: «Мен ҳурмат қиладиган китобхонлар даврасига тушиш унчалик қийин эмас (бу ўринда китобхонларни томошабинлар деб тушунмоқ лозим — С. Б.). Юмшоқ кунгил бўлсангиз, яъни ёзувчи яратганлигига қарамай, сизга яқин бўлиб қолган кимсага раҳм-шафқат кўзи билан қарасангиз, унинг тақдиридан баъзан кўзингизга ёш келса... Уз хотираларингизни зинҳор унутмасангиз, менинг қиссамни мутолаа қилар экансиз, ундан юракни «жиз» эттирувчи жойларни қидириб топсангиз... Энг муҳими сиз зийрак одам бўлсангиз, яъни ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрларни бир зумда фаҳмласангиз, менинг дилимда тарона қилган ҳар бир оҳанг сизнинг дилингизда ҳам акс садо берса — шунинг ўзи кифоя».

Каминанинг томошабиндан кутгани шуки, у кинотетар залига санъат асаридан завқ олиш, ундан чуқур мутаассир бўлиш учун келса. Кўз ўнгида намоён бўлган мўъжизалар таъсирида мутлақо янги одамга айланмаса-да, ҳар қалай, эзгу хис-туйғулар тўлқинига фарқ бўлиб зални тарк этса.

Томошабиннинг ҳам томошабини бор. У қадар талабчан эмасларга сюжет қанча ўткир бўлса, шунча яхши. Лекин талабчан томошабин диққатини жалб этиш осон эмас. Негаки, ундайлар қалбига ғоя чуқур сингиб, узоқ вақт сақланиб қолади. Улар экранда кўрган муҳим воқеаларини ҳатто бир умр эсдан чиқармайди.

Мен «Уруш ва тинчлик» фильми устида иш олиб борар эканман, томошабин, унинг диди ва маданияти даражаси ҳақида кўп ўйладим. Маълумки, Толстой ижодида ранг муҳим ўрин тутати. Наташанинг тўйга биринчи бор келиши ёдингизда бўлса керак? У гўё офтоб нурига фарқ бўлгандек, сап-сарик кўйлак кийган. Кўпчилик, ранг маълум бир кайфият ва образли фикр учун хизмат қилишини биринчи марта Рембо билан Скрябин кашф этган, деб билади. Аслида Толстой бу жиҳатни улардан анча илгари ўз ижодида татбиқ этган.

Киногруппанинг олий мақсади «Уруш ва тинчлик» эпопеясида Толстой фалсафасини мумкин қадар чуқур таҳлил ва талқин қилиш эди. Бу вазифа асарнинг ипидан игнасиғача ҳисобга олиш ва кино санъатининг жамики қонун-қоидаларига риоя қилишимизни талаб этарди. Буларнинг бари, ўз навбатида, зийрак ва мулоҳазали, яъни Гайднни ҳам, Гойяни ҳам, Толстойни ҳам тушунишга қодир томошабини талаб этади.

Мазмун чуқурлиги

Лев Николаевич Толстойнинг фикрича, асар негизда биринчи галда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган чуқур мазмун ётиши керак. Бу — аини ҳақиқат. Хусусан, Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» ва Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарлари жаҳоннинг барча қитъаларида машҳур; негаки уларнинг мазмун чуқурлиги барча учун баб-баравар муҳим. Чунончи, улкан ва забардаст характерлар схема доирасида яралмайди, улар ички ривож ва мантиқ асосида аста-секин мукаммаллик кашф эта боради. Шу тақдирдагина бу характерлар бизда ишонч ҳосил қилиб, қизиқиш уйғотади, бора-бора уларнинг ҳаёти, тақдири, кечинмалари бизнинг ўзимизникидек бўлиб қолади. Чеховнинг «Дашт» қиссасини экранлаштиришга киришганимда асарда аниқ сюжет йўқлиги мени ташвишга солгани йўқ. Бошқа бир муаммо ўйлантириб қўйди. Шу дамгача томошабини бир кўришда «маҳкам ушлайдиган» сюжетларга ўргатиб қўйганимиз: асарда албатта биров бировни таъкиб этади, зўр тўқнашувлар рўй беради, ҳатто одам ўлдиришлар... Лекин «Дашт»да булардан асар ҳам йўқ. Томошабин зерикиб қолмасмикин? Нафсиламрини айтганда мазкур тўқнашувлар, «маҳкам ушлайдиган» сюжет «Дашт»да ҳам мавжуд. Лекин улар асарда шу қадар назокат билан тасвир этилганки, тасаввурда жонланувчи ҳар бир образ ва характер гўё афсонавий заргар қўли билан яратилгандек. Демак, бу асарни экранлаштириш режиссёрдан ҳам ана шундай юксак маҳорат талаб этади.

Мен ҳар бир асардан, ҳатто энг замонавий мавзуга бағишланган бўлишига қарамай, чуқур мазмунни — атрофда кечаётган муҳим воқеалар билан узвий боғлиқ бўлган мазмунни қидираман. Негаки, қаҳрамонни тўрт девор ичидагина тасвир этиб бўлмайди: қўни-қўшнилари бор, у истиқомат қиладиган уй шаҳар кўчаларидан бирида жойлашган, шаҳар эса буюк Ватанимиз тупроғида қарор топган. Космонавт ер қуррасини кўрганидек, киношунос ҳам XX аср сўнгида яшаётган одамзод ҳақида ҳикоя қилиш учун бағоят баланд юксакликларга кўтарила олиши керак.

Шакл гўзаллиги

Ҳар бир асар ўзининг гўзал шаклига эга бўлиши керак. Бунинг замирида чуқур маъно бор. Бу ўринда қаҳрамонларнинг тили, асар композицияси, бир-бири билан узвий боғланиши каби жиҳатлар кўзда тутилади.

Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романини бошлар экан, унга ўн беш вариант муқаддима ёзган. Энг сўнгги вариантни Аустерлиц жанги — яъни Россия тарихининг энг мудҳиш саҳифасидан бошлаган. Ваҳоланки, бу жангда Россиянинг енгилгани, ватанининг энг асил фарзандлари ҳалок бўлгани маълум. Ёзувчи асарни рус қуроли шон-шухрат қозонган Бородино жангидан бошласа ҳам бўларди-ку? Лекин Толстой кутилмаган йўлни танлади. У Россияга, романда яратилган образларга нисбатан чуқур ва хайрихоҳлик туйғуси уйғотадиган йўлни маъқул кўрди. Асар муқаддимасида кечаётган воқеаларга, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига эътибор беринг. Унда ҳар бир сўз ва юз бераётган ҳодиса шу қадар табиий, шу қадар ишонарлики, гўё қаҳрамонлар китобхоннинг қалб амри билан ҳаракат қилаётгандек.

Мен «Инсон тақдири» фильми устида бош қотираётганимда, Михаил Александрович Шолохов шундай деганди: «Асарни ҳеч шошмай, бамайлихотир бошла. Томошабин ҳатто зериккудай бўлсин; бошқа тур экспозиция сенга тўғри келмайди». Фильм қандай бошланишини бир эслаб кўринг: қорлар эриб, чексиз Дон далалари баҳор сувлари тагида фарқ бўлган. Сувда чақалақзорлар, ҳали уйғонмаган азамат тол ва теракларнинг қора кундалари аста чайқалади. Улар ичида қийғос гуллаган ёлғиз олма дарахти ажратиб туради. (Дарвоқе, «Инсон тақдири» тасвирида бу олма йўқ. Уни экспозицияда суратга олишни Шолоховнинг ўзи таклиф этди). Дала йўлида елкасига қопчиқ орқалаб норасида бир гўдакни етаклаган, эгнида эски фуфайка, оёғига солдат обмоткасини ўраб олган шофёр Соколов кўринади. У ўзига ўхшаган бошқа бир шофёр билан салом-алик қилиб, ёнига чўкка тушади ва ўз тақдирдан ҳикоя бошлайди. Хўш, бундай учрашувнинг кимга қизиғи бор? Биз бу саҳнадан тамом воз кечиб, фильми Соколовнинг: «Эҳ, нима ёзмишим бор эканки, ҳаёт бошимга шунча кулфатларни солмас!» — деган дардли сўзларидан бошласак ҳам бўларди-ку! Лекин, бир қараганда, зериктиргудек экспозиция тагида чуқур мазмун бор: эски фуфайка, қопчиқ, норасида бола, икки шофёр, газетадан икки парча йиртиб махорка чекиш... Бепоён сув даласида қорайган дарахтзорлар ва гуллаб турган ёлғиз олма дарахти... Бундай муқаддимадан мутаассир бўлмайдиган томошабини топмайсиз. Аммо форма гўзаллиги кўп жиҳатдан меъёрга риоя қилишни тақозо этади. Актёр, режиссёр, рассом, оператор, хуллас асар яратишда асосий роль ўйновчи барча санъаткорлар ана шу жиҳатни унутмасликлари шарт.

Баъзан экранда зўр маҳоратга эга режиссёр, актёрни кўрамыз. У бор кучи ва истеъдодини томошабинга намойиш қилади. Биз фақат катта маҳоратни кўрамыз-у, тирик образлардан эса асар ҳам йўқ. Хўш, юракдан акс садо уйғотиш учун актёр экранда образни қандай талқин этиши керак? «Ер планетасилик инсон» фильмида Циолковский ролини актёр Юрий Эрнстович Плещов ижро этган. Фильмни томоша қилар экансиз, Циолковский ролини ўйнаётган киши актёр эканлигини, мутлақо унутасиз. Ҳақиқий санъат асари кишига зимдан таъсир этиб сеҳрлайди, унинг дилида узоқ вақт ўрнашиб қолади. Бунга эришиш осон эмас. Лекин ҳақиқий санъаткор учун бундан завқлироқ, шарафлироқ инъом йўқ.

Шу ҳақда гап бораркан, болалиқдан қолган бир эпизод хотирамга келади. Кинони биринчи марта етти ёшимда кўрган эдим. Қайси фильмлиги эсимда йўқ, лекин ундан қолган таассурот, завқ ҳали ҳам ёдимдан кўтарилмайди. Назаримда, экранда кўрсатилаётган воқеаларни биров суратга олган эмас, у айнан ҲАЁТНИНГ ЎЗИ эди. Шу сабабли мен ҳозирга қадар кўз ўнгимда кечаётган воқеаларга ишоняпманми, йўқми — фильмни шу нуқта назардан баҳолайман. Бинобарин, томошабин асарда тасвир этилган ҳаётга мутлақо ишонган тақдирдагина унинг қалбида акс садо пайдо бўлади. Акс ҳолда у совуққон ва бепарво назоратчига айланади.

Муҳим «бир қайнов»...

Кишини ўзига мафтун этиб, хотирасида узоқ вақт ўрнашиб қоладиган фильмлар яратиш ижодкорлардан нафақат маҳорат, балки катта масъулият ва ҳушёрликни ҳам талаб этади. Негаки, асарда йўл қўйилган энг кичик хатолар ҳам муваффақиятсизлик келтириши мумкин. «Дашт» фильмида «Бахтли одам

Константининг келиши» эпизодини мен асарнинг энг марказий воқеаси деб биламан. Повестда унинг келишига қадар ва кетгандан кейин биз омади юришмаган, бахтиқаро, шўрпешона кишиларнинг кўпини кўраимиз. Лекин у келиши билан ҳамма гап фақат бир мавзу — муҳаббат мавзусига кўчади. Бу — Константин ролини ижро этаётган артистни ҳам, фильмни суратга олаётган операторни ҳам ўзгартишга тўғри келди. (Фильмда Константин ролини ажойиб актёр Станислав Любшин ижро этган.) Бу орада совуқ тушиб, қиш кирди. Мазкур эпизодни чўлдан павильонга кўчиришга мажбур бўлдик. Менинг хаёлимни саҳнада акс этиши лозим бўлган юлдузлар тарк этмасди. Улар экранда чарақлаб туриши, шу тахлит осмон билан ернинг бирлиги, мангулик, коинотнинг беқиёс кенглиги акс этиши лозим эди. Бу юлдузларни павильонда ишлашга тўғри келди. Бу ҳам тайинли натижа бермади... Шундай бир хикмат бор: камолот йўли хатолардан холи эмас. Урушдан олдин менга Дмитрий Журавлёв концертини кўриш насиб этди. Концерт Ростов шаҳридаги ўқитувчилар уйида бўлди. «Дашт» қиссасини ўшанда биринчи марта эстрададан эшитдим. Шу-шу, «Константиннинг келиши» эпизоди хотирамда ўрнашиб қолганди. «Дашт» қиссасини экранлаштириш орзуси ҳам ўшанда пайдо бўлгандир. Фильмда ҳам мен «Константиннинг келиши» эпизодини ўша унутилмас таассурот мезони билан ўлчадим. Назаримда, истеъдодли артист Журавлёв сўз кучи билан эшитувчилар тасавурида шундай ажойиб манзаралар ярата олганки, кино унинг қаршисида ожиз қолган. Нега десангиз, мен, мазкур манзараларни экранда яратишга қанча уринмай, бунинг уддасидан тўлиқ чиқолганим йўқ. Мен экранда мўъжиза яратишни ўзимга мақсад қилиб қўйгандим. Лекин бирон актёр бу мўъжизага ярамади. Балки характери Константинга ўхшаган, лекин томошабин мутлақо танимайдиган актёрни таклиф қилиш керак эди? Унинг табассуми биринчи кўрингандаёқ саракни- саракка, пучакни-пучакка ажратган бўларди. Табассум қилганда кишининг чиройи очилса, ундай одамдан ҳеч ёмонлик келмайди дейдилар... Константин экранда кўрингани ҳамона ўтирганларга табассум қилиб: «Тузи ҳалолингизга барака берсин!» дейди. Мен унинг табассуми бутун залда ҳам табассум уйғотади, деган умидда эдим. Лекин бунга эришиш осон эмас экан.

Истеъдод

Санъатда мутлақо уқуви йўқ — истеъдодсиз кишилар ҳақида гапиришга баъзан ийманамиз. Экранда бирон маза-матрасиз фильм пайдо бўлар экан, уни оқлаш учун далиллар топамиз. Баъзан шундай фильмлар учрайдики, бирон характер, бирон образдан асар ҳам кўрмайсиз. Экрандаги воқеалар ҳақиқат эмас, балки истеъдодсиз режиссёрнинг ҳақиқат ҳақидаги енгилтак тасаввуригина холос. Театрда бундай режиссёрнинг дарҳол миси чиқади. Чунки саҳнада кинодаги каби қайчи ва елим ишлатиб бўлмайди. Муваффақиятсизлик сабабини тушуниш учун ўз-ўзинга савол берасан: «Санъаткор томошабин дилида акс садо уйғотиш мақсадида қандай воситалар ишлатган?» Бунга жавоб тополмайсан. Бир гап билан айтганда: бордан юқади, йўқдан нима ҳам юқиши мумкин. Шундай бир воқеани тасаввур қилиб кўринг: юракни операция қилиш учун қизғин тайёргарлик кўрилди; ҳамма нарса тахт, жарроҳ пичоқни олди. Шу пайт кимдир унинг қўлидан тутди: «Сиз дамингизни олинг, операцияни мана бу киши қилади. Хирург эътироз билдиради: «Бу ниҳоятда масъулиятли операция тажрибали, билимдон бўлиш керак». «Бу киши илгари бундай операция қилмаган бўлса ҳам, кўп ажойиб устозлар суҳбатини олган...» Жарроҳ ноилож жойни бўшатади. Тажрибасиз жарроҳ ишга киришади. Кўп ўтмай, бемор жон беради...

Бундай воқеа жарроҳлар ҳаётида рўй бермаса-да, санъатда — мумкин. Шунингдек «операция» туфайли туғилган фильм экранга чиқади. Аммо унинг юраги аллақачон тўхтаб қолган.

Чин кўнгилдан йиғласанг...

1965 йил Михаил Ильич Ромм «Совет экрани» журналида босилиб чиққан «Тафаккур кинематографи» номли мақоласида шундай деган эди: «Замонавий кинематограф актёри экранда тафаккур шарофати орқали маҳорат чўққиларини эгалламоғи керак... Бу лаёқат актёрлик истеъдодининг энг биринчи нишонаси».

Ундан анча илгари, 1934 йилда Всеволод Илларионович Пудовкин шу ҳақда иккинчи бир фикрни ўртага ташлаган эди: «Актёр ўз ижодида атиги бирон минут мутаффакирга айланадиган бўлса, ундан умидни узаверинг».

Менимча, бу ўринда Пудовкин фикри ҳақиқатга яқинроқ. Негаки, Михаил Ромм ўзининг энг яхши фильмларида айтган фикрининг тамоман тескарисини исбот этган. Демак у баҳс-мунозара пайтида, қизиқ устида янглиш фикр айтган экан. Мисолга унинг «Оддий фашизм» фильмини олайлик. Роммнинг автор номидан айтган ҳар бир сўзида чуқур эмоционаллик, ғазаб, истеҳзо, дард ва алам мавжуд. Юксак ҳис ва туйғулар том маъноси билан оламшумул жанговарлик кашф этган. Чинакам санъат асари фақат эмоционал негизга қурилади. Фақат юксак туйғу, эзгу ҳислар билан суғорилган асарларгина санъатда муносиб ўрин эгаллаши мумкин, Станиславский айтганидек: «эзгу туйғу уйғотишга қодир тафаккургина эзгу ҳисга айланиши мумкин.»

Туйғуни кўнгли бўшлиқ, сентименталлик тушунчалари билан адаштириб юбормаслик керак. Чунки Ватанга, адолатга, инсонга, дўстларга муҳаббат ва душманга нафрат каби бошқа улуғ туйғулар ҳам мавжуд. Биз ана шу туйғуларни назарда тутамиз.

Баъзиларни интеллектуал актёр дейишади. Бу — актёр бирон образ яратганда юрак билан эмас, балки «ақл» билан ижод қилади, деган тушунча. Бу ўринда Лев Толстойнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиз: «Қўшиқ айтишда икки услуб бор: бири — овоз билан, бири — чин кўнгилдан. Чин кўнгилдан чиққан кўшиқ — овоз ширалими ёки ширасиз эканлигидан қатъи назар юракка бориб тегади. Ҳатто ҳеч кимга қизиғи йўқ, энг одми кўшиқда ҳам юракдан чиққан бирон оҳангни эшитсам, кўзимга ёш келаверади. Адабиётда ҳам шундай: ёки юракдан чиқазиб ёзасан, ёки миядан.»

Интеллектуал кино «мия» билан ишланади. Чин санъат асари эса ғараздан мутлақо холи, у фақат юрак амри билан яратилади. Томошабин ҳам уни юрак мезони билан ўлчайди. У экран воқеаларига ишонар экан, ўзини ҳам шу воқеалар иштирокчиси деб билади.

Кишида мутафаккирлик истеъдоди санъаткорликдан устун келганда, у но-тиқлик, мунозарачилик, фалсафий мақолалар ёзиш йўлига ўтиб олади.

Санъатнинг энг юксак мақсади — инсон рўҳини чуқур ўрганиб, унинг туб маъносини тушуниб етиш. Бу улуғ мақсадга етиш учун эҳтирос билан меҳнат қилиш керак. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, «Инсон эмоциясиз инсон ҳаққониятини излаб топиш мумкин эмас. Илгари ҳам топмаган, эндиликда ҳам, келажакда ҳам уни тополмайди».

Роль ўйнаш бошқа, образ яратиш бошқа Актёрнинг ўз нуқтаи назари

Ҳар ким ўз умрида бирон ролни, яъни ўзини-ўзи ўйнаши мумкин. Уни зўр маҳорат билан ўйнаса ажаб эмас. Лекин Гамлет, қирол Лир, Отелло, Арбенин, Борис Годунов, Полежаев, Чапаев каби образлар галереясини яратиш ҳар кимнинг кўлидан келавермайди. Актёр ихтисоси роль ўйнашни эмас, образ яратишни тақозо этади.

Отелло! Бу образ устида иш бошлаганимда мен Бердбеж, Сальвини, Мочалов, Остужев каби илгари Отелло образини яратган ижрочилар ижоди билан танишиб чиқдим. МХАТ саҳнада трагедия постановкасини амалга оширган Станиславский-нинг режиссурасини обдан ўргандим. Венециялик мавр ҳақидаги сон-саноксиз нақллар, баҳслар, фалсафий ақидаларни топиб ўқидим, Бу ишда менга етук ва доно Сергей Юткевич ҳомийлик қилди.

Фильм экранга чиққанида танқидчилар янги Отеллони бир қадар совуқ қабул қилишди. Образни одмиликда, ундаги тоғни толқон қилувчи шижоат, куч, ғайрат, оламшумул эҳтирос йўқолиб қолганликда айблашди.

Ўзим йўл қўйган камчиликлар ҳақида танқидчилар билан мунозара қилиб ўтирмайман. Балки бирон жойда «куч етинқирамаган», бошқа бир ўринда «исроф»га йўл қўйилган. Буларнинг ҳаммасидан қатъи назар, образга нисбатан менинг ўз шахсий нуқтаи назарим бор. Отелло шу жиҳати билан улуғки, у ер юзидаги барча инсонлар билан қон-қариндош. Актёрнинг вазифаси бу образни ғайритабиий, бўрттирилган эҳтирослардан халос этиб, уни инсон сифатида кўрсатишдир. Мен шунинг учун ҳам уни осмону фалакдан ерга олиб тушиб, ҳамма қатори инсон сифатида талқин этдим. У Ягога ишониб, дездемонани эмас, балки

разиллик, сотқинлик дунёсини жазолайди. Разолат ифлослик қайси бир ниқоб ичига яширинмасин, унга қарши аёвсиз курашга тайёр эканлиги билан Отелло улуғдир.

«Ватерлоо» фильмида Наполеон ролига мен америкалик машҳур артист Род Стайгерни таклиф этдим. Фильм устида ишлар эканмиз, биз ўша даврни ипидан игнасиғача ўргандик. Наполеон, Веллингтон, Блюхер, Людовик XVIII каби тарихий шахслардан тортиб декорация, костюмлар ва энг майда деталларга қадар ҳамма нарса аниқ бўлишига эътибор бердик. Уз ўрнида тарихий фактлардан бир қадар чекинишни ҳам лозим топдик. Масалан, мана шундай эпизод: Эльба оролидан қочиб келган Наполеон эски гвардиячиларнинг бир гуруҳи ҳамкорлигида Парижга пиёда кетяпти. Унинг йўлини қирол аскарлари тўсади: «Нишонга ол!» деган команда янграйди. Наполеон яна бир неча қадам илгари юриб тўхтайди: «Бешинчи полк солдатлари! Мени танимадингизми?— деб сўрайди у ва яна илова қилади:— Башарти ичингизда ўз императорини ўлдиришга қасд қилган бирон солдат бўлса, марҳамат, отсин! Кўкрагим унга очик!» Яна: «От!» деган команда янграйди. Лекин ҳеч ким ўқ узолмайди. Солдатлар: «Яшасин император!» деган хитоблар билан Наполеонни ўраб оладилар, унинг қаршисида тиз чўкиб, қўлларини ўпадилар. Маршал Ней унинг оёғи тағига қиличини ташлайди. Наполеон қиличини ердан олиб, ўзига хонлик қилган маршалга узатади-да: «Сени кечирдим, сафимга ўт!» дейди.

Аслида эса Наполеон қирол аскарлари билан биринчи марта учрашганда улар ичидан Ней бўлган эмас. У Наполеон томонга анча кейин ўтган. Лекин мазкур эпизодга ўхшаш вазият рўй берган: Ней Наполеонга душман бўлса-да, ўз солдатлари жасорати қаршисида бош эгиб, уларга эргашган. Менимча, тарихий воқеадан бундай «чекланиш» асар мазмунига зид эмас, ҳатто ўринлидир.

— Мен Наполеонни ёмон кўраман,— деганди Стайгер.— Лекин, шу билан бирга, унга таҳсин ўқийман. Уни ёмон кўришим сабаби — қон тўкиш эвазига орттирилган шон-шўхрат ва обрўни тан олмайман. Айна вақтда шахсий муносабатимни образга кўчиришга ҳаққим йўқ. Мен бу образни худди ўзидек қилиб, мукамал тасвирлашим шарт. Яъни, аввалги Наполеонни эмас, балки ҳаётдан, курашдан обдан чарчаган, Ватерлоо жангида мағлубиятга учрашини олдиндан билишига қарамай, умрини шон-шўхратга бахш этган, улкан истеъдод ва бениҳоя куч-ғайрат соҳиби бўлиб қолишни истаган Наполеон образини яратаман. Мен улуғ одамлар қандай бўлишини билмайман. Эйнштейнни танирдим, Чарли Чаплин билан борди-келди қилиб турардим. Лекин улуғ одам образини тасвир этиш...

Афтидан, бундай кишиларнинг характери маълум доирада, майда-чуй даларда кўпроқ намоён бўлса керак. Шундай «майда-чуйда»лар қанча батафсил бўлса, феъл-атвор шунча ойдинлашади. Стайгер Наполеон образини яратар экан, ана шу томонларга батафсил риоя қилди. Наполеонни саркарда ўрнида эмас, балки инсон сифатида талқин этди.

Баъзилар Наполеонни Амир Темур ва Чингизхон, бошқалар Александр Македонский ва Юлий Цезарь билан таққослашади. Лекин Род Стайгер жамики фазилат ва нуқсонларини сақлаган ҳолда, ҳар қандай штампларга зид ўлароқ, мутлақо янги образ яратди.

Илҳомсиз ижод йўқ

Ижод илҳомсиз бўлмайди, зеро илҳом ҳам ўз-ўзидан келвермайди. Кинорежиссёр Игорь Андреевич Савченко яратган «Тарас Шевченко» фильмида Шевченко ролини ижро этар эканман, мен ана шу жиҳатга эътибор бердим: режиссёр ишни шу тартибда ташкил этардики, бирон эмоционал сахнани суратга олишдан олдин репетиция қилинмасди, ҳисоб. Ҳар гал у мендан астагина сўрарди: «Хўш, бошладикми?» Мен: «Ҳа» деб жавоб берардим, холос. Иш бошланиши билан ўз-ўзидан илҳом келганини ҳис қилар эдим. Чунки бунга режиссёр кўп вақт илгари тайёргарлик кўриб қўярди. Суратга олиш бошланиши ҳамона ҳамма нарса менга ойнадек равшан бўла қоларди.

Мен экран образларини ўзим ўйлагандек тушуниб, том маънода талқин этишга қодир актёрларни таклиф этаман. Ижод учун уларга барча шароитларни яратиб бераман. Илҳом учун шунинг ўзи етарлими? Йўқ. Бу ўринда кўз илғамайди-ган, сўз билан таърифлаш қийин жиҳатлар ҳам мавжудки, актёр образ яратаётганда ана шулар асосий роль ўйнайди. Режиссёр ва актёр худди шу ҳолатни қўлга киритгандагина ҳамма иш жойида бўлади. Бундай ижодий лаззатни умрида лоақал бирон марта ҳис этган актёр сахна ёки экранни бутун умр тарк этмайди.

Пайти келганда қалтис бир ҳолни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. У ҳам бўлса, актёрнинг ўз-ўзини назорат қилиш лаёқати. Башарти, сиз илҳомга берилиб кетиб,

ўз-ўзингизни назорат қилишни унутсангиз, яъни образга тамоман «кириб» кетсангиз, ундан «чиқиш» осон бўлмайди. Бу ҳол ҳатто киши саломатлигини хавф остида қолдириши мумкин. Театр тарихидан маълумки, актёр образга ўта даражада берилиб кетиши натижасида руҳий касалликларга учраш хавфи туғилади. Масалан, МХАТ артисти Леонид Миронович Леонидов Карамазов образи устида ишлаган кезларида ва Отелло ролини ўйнаганида уйда ёлғиз қолишдан қўрқадиган бўлиб қолган экан.

Дидро ўзининг «Актёр ҳақида парадокс» номли машҳур асарида ижод жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ва четдан туриб баҳо беришни актёр ҳеч қачон унутмаслиги кераклигини бежиз таъкидлаб ўтмаган.

Яккама-якка...

Образ яратиш ниҳоятда оғир жараён. Аввал маълум образ хусусида ўз тасаввурингизда яшаб келаётган фикр-андишалар билан, сўнг, бу ҳақда ўзининг қатъий фикрига эга бўлган режиссёр билан, ниҳоят, ўз-ўзингиз билан кураша бошлайсиз. Негаки, етти ухлаб тушингизда кўрмаган ишга киришяпсиз. Зеро, мутлақо янги образ яратишингиз керак. Бу йўлда учрайдиган ҳар қандай мусибатни кўтаришга мажбурсиз.

Ана шундай яккама-якка курашлардан бири — князь Андрей ролига таклиф қилинган актёрлар ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Мен ака-ука Соломинларнинг каттаси — Виталийни таклиф қилдим. Кейин Эдуард Марцевични. Ниҳоят, Олег Стриженовни синаб кўрдик. Стриженов жуда нозик табиатли актёр бўлгани туфайли ўзи ихтиёри билан бу ролдан воз кечди. Ниҳоят, Иннокентий Смокнутовскийда тўхташга қарор қилдим. Бироқ, бахтга қарши, уни Григорий Козинцев Гамлет ролига таклиф қилиб қолди. Хулоса шуки, Гамлет ролини Иннокентий Смокнутовский ўйнаши шарт. Князь Андрей ролига бошқа актёр топиш осон эмас эди, албатта. Кўп ўйлагач, биз Вячеслав Тихоновни чақиришга қарор қилдик. Унинг муваффақиятига шубҳа йўқ. Чунки, ВГИКда ўқиб юрган кезларимда Тихоновни яхши билардим. У биздан кейинги курсда ўқир эди. Бунинг устига биз «Ёш гвардия» фильмида иштирок этганмиз. Мен Валко образини, у эса Володя Осьмухин ролини ўйнаган. Кейин, «Буни унутиб бўлмайди» фильмида қатнашдик. Мен Ярослав Галан ролини, Тихонов менинг шоғирдим — ёш ёзувчи ролини ўйнади. Кўп марта биргаллашиб радиопостановкаларда қатнашганмиз. Ёш касбдошимнинг экранда яратган барча образларини кўрганман ҳисоб. Хуллас, мен Тихоновни актёр сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам яхши биламан. Унинг қадду-қиёфаси нимаси биландир князь Андрейга ўхшайди. Тихонов князь Андрей ўрнида Наташага ишқ-муҳаббат изҳор этар экан, менда унга нисбатан батамом ишонч ҳосил бўлган...

Лекин князь Андрей образи устида иш бошлаган дастлабки кун Тихонов энг катта қийинчиликка дуч келди. Бундай қараганда осонгина эпизод — Кутузов штаби коридорида содир бўлган воқеани суратга олиш жараёнида неча бор она сутим оғзимизга келди. Биз кино санъати ва ишлаб чиқаришнинг қонун-қоидаларига риоя қилганимиз туфайли бу эпизодни биринчи бўлиб суратга олишга мажбур эдик. Натурадан павильонга қайтдик, шу коридордан бошқа тайёр декорация йўқ. Тихонов, табиийки, бунга тайёр эмас. Мен унинг меҳнатсеварлиги, ҳормай-толмай ишлаш лавоқатига умид боғлаган эдим. Шу ўриндаёқ Тихонов билан биринчи курашимиз бошланди. Мен уни ўз ижодий тасаввурим, ўз иродамга бўйсундиришга мажбур бўлдим. Бундай қилиш балки тўғри эмасдир, аммо режиссёрнинг бошқа иложи йўқ. У фильм учун асосий жавобгар. Аини вақтда ўзим ҳам қаттиқ қаршиликка учрадим.

Тихонов бу пайтга қадар кинода каттагина тажриба орттирган, экранда мендан кўпроқ роль ўйнашга улгурган эди. У энди ўзи орттирган жамики тажрибадан, ўрганиш бўлиб қолган барча тасвирий воситалардан воз кечиб, мутлақо янги бир сифат кашф этиши керак. Бизнинг тўқнашувимиз сабаби ҳам шу эди. Князь Андрейдей мураккаб образни яратиш, бу характерни очиб бериш актёрдан мисли кўрилмаган юксакликка кўтарилишни талаб этарди. Шунинг учун ҳам Тихонов фильмни суратга олиш батамом тугалланмагунча бирон режиссёрнинг таклифини қабул қилгани йўқ. Бундай қарорга келишнинг ўзи жасорат, унга ҳар ким ҳам қодир эмас. Мана, Кутузов штаби коридорида содир бўлган биргина воқеа. Биринчи дубль... иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси, ўнинчиси... Жанжал, низо, ўзаро келишмовчиликлар... Ун бешинчи дубль. Бизнинг яккама-якка жангимизда бутун группа иштирок этмоқда. Гўё рингда жаҳон чемпионати учун бокс жанги бормоқда. Мен биринчи саҳнадаёқ барча персонажларни ўзига қарши қўйишни Тихоновдан талаб қиламан. Чунки князь Андрей таркидунё

қилгудек даражага бориб етган, ҳамма устидан «ҳоқим» бўлишни истаиди. Бундай одам кимнинг кўзига яхши кўриниши мумкин? Йигирманчи дубль...

— Бўлди, Сергей, жон ҳалқумга келди. Бу ролни ўйнаш менинг кўлимдан келмайди. Унга бошқа артист топ. Мен кетдим!

— Кетиб бўпсан! Бор жойингга! Қани, диққат! Ҳозирланинг!..

Ниҳоят ман этилган усулдан фойдаланишга мажбур бўламан. Яъни, сахнани бошдан-охир ўзим ўйнаб кўрсатаман. Бунга бор кучим, тажрибамни сарфлайман. Азбаройи зўриқишдан юрагим санча бошлайди.

— Навбат сенга. Бошла!

— Мен сендек қила олмайман.

— Қилоласан! Мотор!!!

Йигирма учинчи дубль... Пленка шу қадар кўп сарф бўлганки, ҳатто кейинги декорациялар учун мўлжалланган нормадан ҳам ажраганмиз. Ахир шунча дублдан биронтаси ишга ярар деб ўйлаймиз. Уттиз иккинчи дубль... Биз Тихонов билан ёв бўлиб хайрлашдик. Олдига қўйган талабим уни шу даражага олиб борди. Лекин бизнинг бу жанг зое кетдими? Йўқ.

«Уруш ва тинчлик» фильмидан кейин мен Вячеслав Тихоновни «Улар Ватан учун жанг қилдилар» фильмидаги Стрельцов ролига таклиф қилдим. Унга: «Стрельцов контузия бўлиб қайтиши эпизодини қотирмасанг, сени ўз кўлим билан у дунёга жўнатаман!» дедим. У: «Қотирганим бўлсин!» деб жавоб берди. Бу гал биз унга тайёргарлик учун етарли фурсат бердик. Натижада у шу қадар катта маҳорат билан ишладики, бу ролдан мутаассир бўлмаган томошабинни учратмайсиз.

«Дашт» фильмида Тихоновни Егорканинг амакиси ролини ўйнашга таклиф қилдим. У рад этди. «Мен табиат манзараларини яхши кўраман, у бўлса бу туйғудан маҳрум», деди. «Қизиги ҳам шунда-да,— эътироз билдирдим мен.— Бир-бирига тамоман зид характер яратасан». «Агар лозим топсанг, мен Константинни ўйнаб берай», деди у. Лекин бу таклиф мени қониқтирмади. Чунки Константин роли учун анча ёш артист керак эди.

Мен Вячеслав Тихоновни ҳурмат қиламан. У билан ишлаган режиссёрнинг доимо омади юришади. У иштирок этган фильмларни томошабин зўр иштиёқ билан кўради. Табиат ҳам унга ажойиб фазилатлар инъом этган: истараси ниҳоятда иссиқ, келишган, катта истеъдод эгаси. Ҳаммасидан ҳам муҳимроғи — беҳад меҳнатсевар артист.

Қалбдан-қалбга

Михаил Шолохов

Михаил Шолохов асарларини ёшлигимдаёқ бирин-кетин ўқиб чиққанман, бир умр уларнинг мафтунлиги бўлиб қолганман. Ростов-Дон шаҳридаги театр билим юртида ўқир эканман, вақти келиб Михаил Шолоховнинг ўлмас асарларига мурожаат қилишимни билмас эдим. Унинг «Инсон тақдири» ҳикояси менинг тақдиримда улкан роль ўйнади. Шу асарни экранлаштириш жараёнида режиссёр бўлиб етишдим. «Уруш ва тинчлик» эпопеясини экранлаштиргандан сўнг беш йил ўтгач, «Ватерлоо» фильмининг муваффақияти... Шолоховнинг қайнар булоқ каби ижодига, у вақтлар хорижий китобхонларга номаълум «Улар ватан учун жанг қилдилар» каби асарларига қайта-қайта мурожаат этишлар ижоднинг камолга етишида катта мактаб бўлди. Кўпинча ўз-ўзимга савол бераман: Шолохов ижодининг улуғлиги ва чуқур тилсимоти сири нимада? Китобхон дунёнинг қай бурчагидан яшамасин, Шолохов яратган образларнинг тақдири нега энди худди унинг ўз тақдири каби яқин туюлади? Ушанда Михаил Александровичнинг Вешенская станицасида, Дон дарёси соҳилида қад кўтарган уйда бўлиб ўтган учрашувлардан бири хотирамга келади. Бу учрашув «Улар Ватан учун жанг қилдилар» киногоруппаси аъзоларининг ҳар қайсисида ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Сўхбат санъатдаги ҳақиқат хусусида борар экан, Михаил Александрович узоқ вақт сукут қилди ва ниҳоят, шундай деди: «Ҳақиқатни тасвирлаш ёзувчига осон эмас. Лекин унинг энг юксак вазифаси фақат ҳақиқатнигина эмас, балки ҳаққониятни тасвир этишдир». Шолохов даҳоси санъатда ҳаққоният, аввало халқ характерини чуқур ўрганиш, зийраклик, оддий ҳаётни юксак даражага кўтариш лаёқати, тасвир этилаётган жараёни ипидан-игнасиғача батафсил ва ёд билиш билан чамбарчас боғлиқдир...

Шу боисдан Шолохов ёзган ҳар бир сатрда ҳақиқатнинг соф олтинини

кўрамиз. Шолохов 1927 йилда «Бийдек дала» ҳикоясининг муқаддимасида мунозара тариқасида қуйидаги гапларни ёзганди: «Шундай ёзувчилар борки, улар чўл эвалакини неча марталаб хушбўй гулсимон гиёҳ тирзида тасвир этадилар. Бу ҳам оздек, Дон ва Кубань чўлларида қизил аскарлар тумтароқли гапларни хитоб қила-қила жон берадилар... Аслида эса эвалак зараркунанда ўт, хосияти йўқ, унда ҳеч қанақа ҳид ҳам бўлмайди. Чақиртиканакнинг бир тури холос. Отқулоқ ва шурак ўтлар босиб ётган хандақлар (бундай хандақларни ҳар бир станица чеккасида кўплаб учратиш мумкин) бу ерда яқинларда бўлиб ўтган қонли жанглардан, қанчадан-қанча одам бекордан-бекор ўлиб кетганидан дарак бериб турипти. Улим бўлганда ҳам хунукдан-хунук ўлим, осондан-осон ўлим...»

Ҳаётни, табиатни, инсон характери, ҳар бир воқеликни тасвир этар экан, Шолохов уларга заррача бўлсин зеб бермайди. Айни вақтда бирон сўз ёки бирон сатрни топмайсизки, улар ёзувчи қалбидан ўтган бўлмасин, ҳаётдан, ҳақиқатдан лоақал заррача фарқ қилсин. Ёзувчи ўзи ҳақида қуйидаги сўзларни бежиз айтмаган: «Мен ўз қаҳрамонларим даврасида яшадим ва яшамоқдаман. Шунинг учун ҳам менга материал йиғишнинг ҳожати йўқ. Материал оёқ остида жуда сероб. Қўл узатсанг бўлгани».

Шолохов асарларининг яна бир улкан фазилати шундаки, уларнинг ҳаммаси воқеалар совимасдан, қизиқ устида ёзилган. Шунинг учун ҳам давримизнинг қизғин эпикни авлодлар учун худди ўзидек сақланиб қолган. Ҳар бир келажак авлод уларнинг ҳоврини қалб билан сезиб, воқеаларнинг ақл кўзи билан яққол кўра олади. Негаки, ҳар сатрда, ҳар бир сўзда улуғ ҳаққоният мавжуд. Айни вақтда бу ҳаққоният шу қадар жозибалики, уларнинг таърифида сўз ожизлик қилади.

Ёзувчининг улуғлиги яна нимада? Бу саволга қуйидаги мисоллар билан жавоб беришга ҳаракат қиламан. Мен «Уруш ва тинчлик» устида ишлаётганимда кўп музейлардан 1812 йилги урушга тааллуқли барча материалларнинг асл нусхаларини топиб кўрдим. Уша давр қиёфасини ўз аслидагидек тасвир этган кўп расомларнинг асарларини диққат билан ўргандим. Бу орқали мен шу нарсани тушуниб етдимки, санъаткорлар ўз даврини, ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни тасвир этар эканлар, ўша вақт тасвирий принципларидан бирон қадам нари ўта олмаганлар. Воқеаларнинг замондошлари қўлидан келмаган ишни орадан кўп йиллар ўтгандан кейин Лев Толстой ўзининг гениал эпопеяси — «Уруш ва тинчлик»да бажарди. Лев Толстой бошидан кечирган солдатлик ҳаёти, Севастополь мудофаси пайғида тортган азоб-уқубатлари унга 1812 йилги Ватан уруши руҳини чуқур тушуниб ётишга ёрдам берди. Тарих, албатта, кейинги авлодлар учун кўп воқеаларни ўзидек сақлаб қолади. Аммо «Уруш ва тинчлик» бўлмаганида Лев Толстой уни яратиш йўлида улуғ жасорат кўрсатмаганда кейинги авлодлар Кутузовнинг қандай саркарда экани, Наполеон «Поклонная гора»дан туриб Москвани биринчи бор қўл тарика кўздан кечиргани, яна қанча ёрқин воқеалар ҳақида мукаммал тасаввурга эга бўла олмасди. Ҳозирда мавжуд — «Бородино жанги» музей-панорамаси қурилиши ҳам амримаҳол эди. Хулоса шуки, санъаткор меҳнатисиз тарихий воқеаларнинг кадр-қиммати шу қадар юксак, умри ҳам бунчалик узун бўлмасди.

Башарти, Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеяси ёзилганда, Дон Лашкари ўлкасини бу қадар ёрқин тасаввур эта олмасдик, албатта. Дон соҳилига чиқар эканмиз, унинг офтоб нурига чўмган, енгил туман қаърида живир-живир товланаётган далаларини, ҳамма-ҳаммасини Шолохов кўзи билан кўрамиз. Бу — ёзувчи қўли билан яратилган шундай улуғ мўъжизаки, киши қалбидан мангу жой олади. Бунга эришиш жараёни осонликча кечмаган. Шолохов гражданд урушини бошидан кечирди, озиқ-овқат отрядида хизмат қилган, халқ зиммасига тушган жамики мусибатларни биргалашиб чеккан. Шундан кейингина ҳаётни бадий тасвир этишга киришган. Уша вақтларнинг ўзидаёқ ўқитувчи Вениамин Калинин «Дон ҳикоялари»ни ўқиб чиққач, «Собиқ офицерлар ёзувчидан обдан хафа, — деб ёзганди, — негаки, нишонинг биронтаси хато кетмаган».

Шолоховнинг биринчи ҳикоялари ёзувчи ўзига қанчалик талабчан бўлмасин, бадий ва ҳаққоният кудрати билан эпик юксакликларга кўтарилган «Тинч Дон» ва «Очилган кўрик» романларига фақат эскиз бўлиб хизмат қила олади. Миллероволик ўқитувчининг ўғли, ҳозир Доннинг кўзга кўринган ёзувчиси Анатолий Калинин бу ҳақда ўринли фикрлар айтган.

Шолохов қозонган чексиз обрўнинг яна бир омили ёзувчи асарларида мавжуд беҳад самимийликдир. Самимийлик ва ҳаққоният. Унинг асарларида сунъийлик ёки ғализликдан ушоқ ҳам тополмайсиз.

«Инсон тадири» фильми устида эндигина иш бошлаганимда ёзувчининг Москвадаги «Старая-конюшенская» кўчасидаги уйига бордим. Михаил Александрович билан бўлган бу суҳбат ҳам хотирамда чуқур ўрнашиб қолди.

Авалло, ёзувчи кабинетидagi Толстой бюсти диққатимни жалб қилди. Бурнининг сири сал-пал кўчган ҳайкал, ёзувчи хонасининг узвий бир қисмидек,

унга жуда ярашиб турарди. Ҳайкалтарош уни худди шу уй учун мослаб ишлаган-дек. Мен бундай ҳайкални ҳеч ерда учратмаганман.

Ёзувчининг онаси украин аёли бўлгани учун у Украинани яхши кўрар экан. Ундан буни эшитгай, орамизда бузилмас руҳий боғланиш пайдо бўлди. Аксарияти Тарас Шевченкодан танлаб олинган шеърлардан ўкиб бердим. Навбат «Инсон тақдири»га келди. Асарини бошқа бирор кимса ўқиганда Михаил Александрович гоят диққат билан тинглайди. У ёзган сатрлар бошқа кимса талқинида янгича оҳор кашф этса, эҳтимол. Рост, аввал Шолохов менга бир қадар шубҳа билан қаради. Чунки Андрей Соколов умр бўйи қишлоқда яшаган. Мен эса бутунлай шаҳарликман. Михаил Александрович узоқ вақт менинг қўлларимга қараб тургач, «Соколовнинг қўллари бундай эмас-ку!» деди ажабланган бир ҳолатда. Кейин унинг қўлидан қон олмоқчи бўлишибди. Лекин казакнинг кафтларидан игна ўтмай, ҳадеб синаверибди. Уларни шу қадар қаттиқ қадоқлар босиб кетган экан-да! Уша казак кимнидир севиб қолибди. Севгиси жавобсиз... Менинг севгим каби қаровсиз ўсиб гулласин деб, севгилиси деразаси тагига бир туп кунгабоқар экиб кетибди. Бу ҳақда гапирар экан, мен Михаил Александровичнинг ажойиб бир одатига эътибор бердим: У шошилмай ҳикоя қилар, бирон теран фикрни «чўчитиб» юборишдан кўрққандек, бармоқларини пешонасига оҳиста қадайдди. Баъзан гапдан тўхтаб, гўё ўз дилига кўз ташлаётгандек, бир неча дақиқа жим қолади. Демак, ёзувчининг руҳий ва маънавий меҳнати бир зум ҳам тўхтамайди. Хайрлашар экан, Михаил Александрович мени Вешенскаяга таклиф этди. «Кўпроқ турадиган бўлиб бор,— деб тайинлади,— ишингда ёрдами тегади».

Орадан кўп ўтмай, «Инсон тақдири» киногоруппамиз Вешенская станицасига кўчиб борди. Бир кун мен Андрей Соколов кийимини кийиб, унинг гримида Михаил Александрович дарвозасини тақиллатдим. Ёзувчи мени бир қарашда таний олмади. Кейин, кулумсираб қўйди-ю, ҳеч нарса демади. Шундан кейин Вешенская станицасининг казаклари ҳам мени тан олдилар. Мен ишга йўл олар эканман, орқамдан аёллар гапириб қолишарди:

— Бизнинг Андрей ишга кетяпти...

Шолохов уйда истиқомат қилганимда кўп янги нарсаларни тушуниб етдим. Аввало, Шолохов асарларидаги ҳаққоният илдизи қаерда эканлигини англадим. Ёзувчи тасвир этган кишилар ҳамма вақт у билан бирга, бир дастурхон ёнида ўтиришади, бир мавзуда суҳбат қилишади. Ҳаммалари ўз дардларини Михаил Александровичга сўзлайдилар. Унинг китобидан бирон янги саҳифа ўқилар экан, биргалашиб тинглашади. Мен станицада олинаётган фахрий материални Шолоховга кўрсатаётганимда улар яна йиғилиб келишади. Шолоховнинг станицадаги биродарлари ичида Андрей Соколовни ҳам қидириб топдим. Казакларнинг гоҳ униси, гоҳ бунисида Андрей Соколов фазилатларини кўрдим. Гап-сўзларида, хатти-ҳаракатларида, юриш-туришларида унинг характерли хусусиятларини сездим. Шолохов ўз меҳнатига қанчалик катта масъулият билан ёндашганини ўшанда тушуниб етдим. Бу масъулият юки шу қадар оғирки, сўз билан ифода қилишга ожизман. Бир гал бизнинг ишни кузатар экан, адиб қандайдир ҳавас билан деди: «Сизларга осон. Бирон мушкулот чиқса кўпчилик маслаҳат қилиб, бирон қарорга келасизлар. Мен бўлсам ҳамма мушкулотларни ёлғиз ўзим ҳал қилишим керак».

Ростовда материал кўраётган чоғимизда Шолоховнинг яна бир ажойиб фазилати гувоҳи бўлдим: у бошқаларнинг меҳнатига катта ҳурмат билан қарар экан. Материални биз лабораториядан чиққан заҳоти кўрдик. Кўп жойлари, табиийки, ёқмади. У оригиналдан анча узоқ, кишида ишонч ҳосил қилмайдиган эди. Михаил Александрович эса: «Хом материални кўриш мумкин, лекин муҳокама қилиш керак эмас... Олдин асар суратга тўлиқ олиниб бўлсин, материал жой-жойига тушсин. Шундан кейингина бир гап айтиш мумкин», дея бизга ажойиб йўлланма берди. Бундай ишонч, эҳтиёткорлик, албатта, катта ҳурмат туйғусини уйғотади, бутун куч-қувватингни аямасдан ишлагша даъват этади. Буюк реалист ёзувчи асарига мурожаат қилиш мен учун катта аҳамиятга эга эди. Агар «Инсон тақдири»ни экранлаштирмаганимда, «Уруш ва тинчлик»га қўл урولмаган бўлардим.

Шолоховнинг ҳар бир асари буюк бир кашфиёт. Ҳаёт ва инсон ҳақиқатларини кашф этиш, биз ҳар кун ишдан ўтсак ҳам парво қилмайдиган оддийликларда чуқур маъно ва мазмун кўриш, уларни бизга янгидан кўрсатиш учун озмунча истеъдод керакми?! Биз буларни Шолохов китобларидан ўқир эканмиз, баъзан ич-ичимиздан сесканамиз: «Ҳатто ўз-ўзимиздан яширадиган сирларни адиб қаердан билиб олди экан?» Инсонни бунчалик барҳаёт, кучли ва гўзал қилиб тасвирлаш учун уни беҳад севиш керак. Инсонда бу қадар катта бойлик ва руҳий улуғлик кашф этиш учун ҳаётни Шолоховдек чуқур билиш керак.

Мен Гюго, Стендаль, Байрон, Теккерей замондошлари ёзиб қолдирган хотираларни ўқиганман. Уша асарларда тасвирланган жанг саҳналарига қойил

қолганман. Мен шу ёзувчилар қаторига Шолоховни ҳам қўйган бўлардим. Чунки у «Инсон тақдири», «Нафрат мактаби» ҳикояларида, «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романида жанг сахналарини ажойиб маҳорат билан тасвир эта олган. Ҳатто ўша классиклардан бу борада анча ўзиб ҳам кетган деб дадил айтиш мумкин. Урушда қаҳрамонона жанг қилишнинг асосий омили халқ характерида келиб чиқиши, инсон ким ва нима учун жанг қилишини тушуниб етгандагина ғолиб келишини у ҳаққоний кўрсатиб берган.

«Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи фильмга айланиб, асарнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир сатри экранда мужассам этилганда ва уларни ҳақиқий ҳаёт билан таққослаш имкони туғилганда, шуни чиққан айтиш мумкинки, бу асар жаҳоннинг энг буюк обидалари қаторидан жой олиши муқаррар. Менинг назаримда Шолохов 1942 йилнинг энг фожиаи кунлари — бизнинг кўшинларимиз чекинаётган даврни мутлақо янгича тасвир этди. Ўз тақдирининг энг оғир дақиқаларида, энг ташвишли кунларида ҳам аскияни, ҳазил-мутоибани унутмаган, мардона солдатча дўстликка содиқ қолган, ҳаётга муҳаббати ўз халқининг маънавий қудрати билан баробар кишилар мағлубиятга учраши мумкин эмас.

«Улар Ватан учун жанг қилдилар» фильмида Лопяхин ролини кўп қиррали истеъдод эгаси Василий Шукшин ижро этди. Бу унинг сўнгги, балки энг муваффақиятли чиққан роли эди. Шолохов даҳоси яратган, ўзида халқ характери мужассам этган бу образ Шукшиндек халқ етишиб чиққан санъаткорнинг диққатини тортмай қолмади. Бу образни фақат Шукшиндек улкан истеъдод эгаси талқин эта олиши мумкин эди. Бу ролдан кейи Шукшин ўзи ёзган, деҳқонлар кўзғолони йўлбошчиси Степан Разинга бағишланган сценарийда бош ролни ижро этишни дилига тугиб, бу ниятини Шолоховга айтиши ҳам бежиз эмасди. У ниҳоятда меҳнаткаш эди. Ҳатто танаффус пайтларида ҳам ўз каютасига беркиниб, сценарий устида ишлашни давом эттирарди. (Бизнинг киногруппа пароходда яшар эди.) Бошқаларга ўхшаб, Дон соҳилларида чуқур нафас олиш, дарёдан эсган майин шаббодга юз тутиш, чор атрофда ястаниб ётган далаларга, уфққа тутатиб кетган боғ-роғларга тикилиб ўтириш ҳатто унинг хаёлига ҳам келмасди.

Ленин мукофоти лауреати, ажойиб кинооператор Вадим Иванович Юсов суратга олган кадрлар бағоят қимматли. Унда биз ўз олдимизга қўйилган мақсадимизга тўлиқ эришганмиз: ҳаётнинг битмас-туганмас кучи, унинг енгилмас қудратини мадҳ этиш билан бирга, 1942 йилнинг мусибатли воқеаларини чуқур таҳлил қилиб, жангчилар руҳини, бўлажак ғалабалар манбаини, улар қай тариқа ва қандай шароитларда рўёбга чиққанини ишончли ҳамда таъсирчан кўрсатиб бера олганмиз. Улуғ Ватан уруши ҳақида фильм яратиш мен учун ҳам қарз ҳам фарз эди. Чунки уруш бошланганда мен эндигина йигитлик даврига қадам қўйган, келгуси тинч ва бахтли ҳаёт йўлида қанчадан-қанча қурбонлар берган авлодга мансуб эдим. Шу сабабдан мен ҳам шинель кийиб, фильмда Звягинцев ролини йўнадим.

«Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи ўзининг композицион мукамаллиги билан ҳам диққатга сазовор. Асарда ҳафтанинг фақат тўрт кун ичида содир бўлган воқеалар акс эттирилади. Кўз ўнгимизда эса гўё улкан эпик воқеалар рўй бераётгандек, уларнинг чеку чегараси кўринмайдигандек... Хуллас, «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи бошдан-охир ғалабага ишонч билан сўғорилган. Ҳаммаёқни чулғаб олган уруш ёнғини, снарядлар, ўқ, бомба парчаларидан ер остин-устун бўлишига қарамай, унда ғолиб келувчи ҳаёт кучи мадҳ этилади.

«Инсон тақдири» фильми мен учун кинода фақат дебютгина эмас, балки халқ ҳаётини чуқур тушуниб етишда, бадийий ўзлаштиришда катта мактаб ролини ўтади. Фильмни биз Вешенская станицаси яқинида суратга олдик. Шу туфайли мен Михаил Александрович билан кўп марта суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим.

Александр Довженко

Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ иккинчи съездида қатнашиш ва унда Довженко сўзларини минбардан эшитиш менга насиб этди. У гўё келажакни кўраётгандек башорат қиларди: «Эйзенштейн жаҳон киносанъатида ўзининг «Потёмкин» броненосеци» фильми билан барҳаёт қолди». Дарҳақиқат, орадан тўрт йил ўтгач, Брюссель шаҳрида ташкил этилган жаҳон кўргазмасига бутун дунёдан йиғилиб келган энг йирик танқидчи ва киношунослар «Потёмкин» броненосеци»ни бир оғиздан юксак баҳолашди. Кино санъати туғилгандан бери барча мамлакатларда яратилган ўн иккита энг яхши фильмлар кўргазмасида биринчи ўрин шу фильмга насиб этди. Бу ўн икки фильм қаторида Александр

Петрович Довженконинг «Ер» фильми ҳам бор. Шу қадар юксак баҳо берилишига сабаб — фильм бошдан-охир гўё табиат қўли билан яратилган, унга инсон аралашмаган!

Шу ўринда Леонардо да Винчининг «Жоконда» асарини ёдга олиш лозим. Биз уни соатлаб томоша қиламиз-у, сеҳрига тўёлмаймиз, ихтиёрсиз равишда полотно орқасига ўтиб, нима борлигини кўргимиз келади. Негаки, бу хотин осмон сатҳида тирик тургандек туюлади. Хўш, «Жоконда» қай тариқа яратилган?

Минг беш юз бешинчи йил... Леонардо да Винчи портретлар ишлаш учун махсус ҳовли қурдиради Ҳовлининг узунаси ва кенлиги иш ривожига мўлжалланган. Рассом унинг деворларини қоп-қора бўёқлар билан бўятган. Махсус мато билан ҳовли тепасини бекитган. Иш вақтида мато устахонани офтоб нуридан пана қилар, бошқа пайтларда йиғиштириб қўйиларди. Рассом портрет ишлаш учун шундай муҳитни энг қулай деб танлаганди. Жоконда келгунга қадар Леонардо барча асбобларини шайлаб, ҳовли ўртасида қурилган фонтанни ишга соларди. Ундан отилаётган сув ярим доира шаклида ишланган зилол шиша сатҳига тушар экан, худди ажойиб музика чалинаётгандек майин товуш берарди. Гиламда ётган ноёб мушук эса «хур-хур» нафас оларди. Унинг бир кўзи сариқ, бир кўзи ҳаворанг эди.

Жоконда зерикиб қолмасин деб, Леонардо, бу ерга энг яхши шоир, машшоқ, музикачи, қўшиқчи, ҳикоячи, гапдон, аскиябоз кишиларни, таклиф қиларди... Музика янграб ширин суҳбат давом этаётган чоғда рассом Жокондани кўздан кечирар, унда акс этаётган ҳар бир ифода, ҳис-туйғу шу орқали ички дунёсини, энг теран сирларини ўрғайди. Франция музейларининг бош мутасаддиси ва музейлар бошқармаси қўл остидаги лаборатория бошлиғи микроскоп ва рентген нурлари воситасида «Жоконда»ни текшириб кўрибди. Лекин асарнинг бирон жойидан бўёқ изларини топа олмабдилар. Ақл бовар қилмайдиган иш!

Бу мисолни бежиз келтирмадим. Унда ҳам бўёқдан асар йўқ, у ҳам санъатнинг мукамал жавҳари... Мен Александр Петровичнинг биргина фильми — «Мичурин»да иштирок этдим. Яъни, Мичуринга ҳамкор олимларнинг иши билан танишиш мақсадида келган селекциячининг эпизодик ролини ижро этдим. Фильмга кирган биргина йирик планимни суратга олиш учун киноаппарат ўрнатдилар. Прожекторлар ёқилди. Бутун диққатим, фикру зикримни тўплаб, режиссёрдан буйруқ кутаман. Лекин Довженко лом-мим демайди. Ниҳоят, савол беришга мажбур бўлдим.

— Александр Петрович, мен бу кадрда нимани ифода этишим керак?

Довженко дарҳол жавоб бермади. Менга тикилди, атрофдагиларга аланглади, аппаратга қаради, яна бир неча дақиқа сукут қилган менга яқин келди. Гўё, ниҳоятда масъулиятли топшириқ бераётгандек, тантанали равишда деди:

— Сиз бу кадрда оддий бир меҳнаткашнинг илм-фанга бўлган муносабатини очиб берасиз!

Биргина гап, лекин унда режиссурадан чуқурроқ маъно бор. Биргина кадрга бўлган муносабатда серқирра санъаткорнинг фазилатлари ўз мужассамини топгандек. Довженконинг фикрича битта йирик план ўзида шундай чуқур маъно ифода этиши шарт. Бинобарин, баъзи режиссёрларимиз «йирик», «ўрта», «умумий» планлардан монтаж учунгина фойдаланадилар, уларнинг том маъноси билан эса ишлари йўқ.

Довженко кино санъатига ана шундай катта ҳурмат билан ёндашар, санъат ҳақиқати олдида ҳеч кимни тан олмас, керак бўлса, бор гапни кишининг юзига тўкиб соларди.

Бир кун суратга олиш пайтида павильонга бир неча одам кириб келди. Ҳаммасининг эғнида пальто, бошларида шляпа.

— Ечинг шляпаларингизни! — хитоб қилди Довженко. — Ахир, кирган жойингиз қутлуғ даргоҳ-ку!

Киночилар уйида «Мичурин» фильмининг премьераси бўлди. У кезларда, кино кўриги пайтида, меҳмонлар креслоларга обдан ётиб олиб, бемалол сигарета бурқситар эдилар. Чироқ ўчишидан олдин Довженко ўрнидан турди-да, залга мурожаат қилди:

— Фильм кетаётганда чекмасликни сўрайман. Акс ҳолда фильм рангини хира босиб, бутун меҳнатимиз зое кетади!

Бир гал кино институти студентлари Довженкони суҳбатга таклиф этдилар. Довженко келди. Суҳбатни бошлашдан аввал шу ерда турган роялга эътибор берди. Дастрўмолини олиб, уни артиб кўрди. Роялни қачондан бери чанг босиб ётар эди. Александр Петрович дастрўмолни студентларга кўрсатди.

«Мичурин» совет киноси тарихида биринчи рангли фильм эди. (Тарж.)

— Кино асарларини кир қиладиган чанг мана шу!— деди суҳбатга хулоса ясаб. Уша кун Довженко ўқиган лекция ҳаммамизни чуқур ҳаяжонга солди, мен неча кун унинг таъсирида юрдим. Довженко гўзалликни фақат кинематографияда эмас, балки ҳаётнинг барча жараёнларида кўришни истар эди. Бирон ножўя хатти-ҳаракат, ўринсиз гап ёки ерда ётган ортиқча нарса унинг ғашига тегарди.

У тасвирий санъатни, архитектурани мукаммал билар, қалби буюрган эзгу ишларга албатта ўз ҳиссасини қўшарди. Масалан, Брест-Литовск кўчасини реконструкция қилиш йўлини кўрсатиб берди, Киевдаги бир неча хиёбон ва майдонларни қайтадан лойиҳалаштирди, бўлажак денгиз соҳилини Каховкадан тортиб то Запорожьёга қадар қай тариқа ўзлаштириш, қандай иншоотлар қуриш планларини ишлаб чиқди, янги суғориш каналлари қазилиши муносабати билан пайдо бўладиган қишлоқлар манзараси хусусида раҳбарларга мактублар йўллади.

Довженко кексаларни астойдил ҳурматлар, гўдакларни жонидан азиз кўрарди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир фильмида қариялар ва болаларни кўплаб учратамиз. Умуман, у одамларни севар, бирон кишига заррача ёмонликни раво кўрмасди. Одамлар ҳам унга ўз ташвишларидан сўйлар, ҳеч тортинмай ёрдам ҳам сўрардилар. Довженко орқали мушкуллари осон бўлган кишиларнинг сон-саногини йўқ.

Довженко ўзи ишлаган фильмлардан дарҳол кўнгли тўлган пайт бўлган эмас. Лабораториядан эндигина чиққан материални кўриш Довженко учун азоб эди. Негаки материални кўргач, уни албатта қайтадан суратга олишини олдиндан биларди.

Александр Петрович ниҳоятда келишган, кўркам одам эди. Сочлари қордек оппоқ, боши мағрур кўтарилган, келбати гўё тоғ бургутини эслатарди. Пешонаси кенг, қарашлари ўткир. Ҳар қандай кишига бир боққанда унинг кўнглидагиларни уқиб оларди. Қўлида доимо ҳасса бўлар лекин у таяниб юриш учун эмасди. Бу ҳасса билан у ёрдамчиларига йўл-йўриқ кўрсатар, турли планларни ҳам чизарди. Дала-тошда эса унга худди дўстга суянгандек суянарди...

Довженко деҳқон оиласида туғилган, шунинг учун ҳам умр бўйи ерни эъзозлаб яшади. Унинг оёғи қаерга етмасин, ўша ерда боғ-роғлар пайдо бўларди. Ўз боғида, киноэкспедицияларда у эккан дарахтларнинг ҳисоби йўқ. Киев студиясида ишлар экан, у ерда ҳам кўркам боғ пайдо бўлди. Уни ҳозиргача Довженко боғи деб атайдилар. «Мосфильм»да ишлар экан, у ерда ҳам улкан боғ ташкил қилди. Бу боғни «Довженко боғи» дейишади. Устоз табиатни ғоят қадрларди. Шу туфайли, суратга тушганда ҳам, кўпроқ табиат манзаралари, пичанзорлар, кенг далаларни танларди.

Умрининг сўнгги йилларида Довженко космос ҳақида бадиий фильм ишлашни орзу қилган эди. Бу ҳақда студияга бир неча заявкalar ҳам берганди. Сценарийнинг энг сўнгги вариантини «Космос қаърида» деб атаган эди.

— Бошқа планеталарга учмоқчиман. Олдин Марсга,— деганди бир гал.

Довженкони кинематографиянинг шоири деб атайдилар. Дарҳақиқат, у ўзининг ҳар бир фильмида ва адабий асарларида ҳаётни шоир кўзи билан кўриб, шоир қалби билан талқин этарди.



Замонавийлик ва маҳорат

Адабиёт ва санъатнинг долзарб муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказиш «Шарқ юлдузи» журналининг яхши анъаналаридан бирига айланиб бормоқда. Уларда республикамизнинг таниқли ёзувчилари, олимлари, танқидчилари, жамоатчилик вакиллари фаол қатнашиб, ривожланган социализм даври талаблари асосида ҳаёт, жамият, адабиёт олдига муҳим вазифаларни кенг муҳокама қилмоқдалар.

Бугунги давра суҳбатимиз адабий жараённинг муҳим масалаларидан бири — замонавийлик ва маҳорат мавзусига бағишланади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг навбатдан ташқари пленумида сўзлаган нутқида сўнгги йилларда сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар қайд қилинди, бундан кейинги вазифаларимиз, қилинадиган ишларимиз кўлами белгилаб берилди. Бу нутқдаги амалий йўл-йўриқларга ҳамда КПСС МКнинг июнь [1983] Пленуми ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқиб, сўнгги йиллар ўзбек совет адабиётида рўй бераётган ижодий ўзгаришлар, ютуқлар ва жиддий нуқсонлар хусусида очиқчасига гаплашиб олишимиз керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси қабул қилган республикада адабий-бадий танқидчиликни янада юксалтириш ҳақидаги махсус қарорда қуруқ мадҳиябозлик, хушомадгўйлик, адабий асарларга юксак бадий мезонлардан келиб чиқиб объектив, принципиал баҳо бермаслик каби иллатлар қаттиқ қораланди. Бу қарор адабий-бадий танқидчилик зиммасига улкан вазифалар юклади, қотиб қолган, эскирган методлардан воз кечиб, ленинча иш услубини эгаллашга қалам аҳлини даъват қилди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Бу ишда марксча-ленинча методология билан қуролланган адабий танқид фаоллик кўрсатиб, олдинги сафларда бориши зарур.

Муҳокамага қўйилган мавзунинг кўлами ниҳоятда кенг ҳамда ранг-баранг эканлиги маълум. Бир суҳбат доирасида бу борадаги барча ечимини кутаётган масала ва муаммоларни мукамал ёритиб бериш мумкин эмас. Шунинг учун редакция мазкур баҳсни бундан кейин ҳам давом эттириш истагида эканини маълум қилиб, кенг адабий жамоатчиликни, ўқувчилар оммасини мунозарада актив қатнашишга даъват этади. Адабиётимизнинг барча долзарб масалалари хусусида кўнгилда туғилган мулоҳазалар, ўйлар, таклифлар ва танқидий фикрлар билан қатнашадиган ўртоқларга олдиндан миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Сұхбат мавзуси замонавийлик ва маҳорат масалалари деб тўғри белгиланган. Аслида масалани ҳар доим мана шу тарзда қўйиш керак. Замонавийлик билан маҳорат ҳамиша бирга бўлади. Биз илгарилари ўтказган турли баҳсларимизда, масалан, ижобий қаҳрамон ёки бошқа масалаларни муҳокама қилганимизда бу икки тушунчани ёнма-ён қўймадик. Замонавийлик ҳақида кўп гаплар айтилди, аммо уни маҳорат билан бир бутун яхлитликда кўрмаганимиз тўғрисида у ҳақда анча жўн қарашлар илгари сурилди. Қайси даврдан қайси давргача ёзилса замонавий бўлади деса, бировлар инқилобдан кейинги давр тасвирланса, бу воқеалар ёзилса замонавий бўлади деса, бировлар инқилобдан кейинги давр тасвирланса, бу ҳам замонавий бўлади деган гапни илгари сурганлар. Замонавийликни маълум бир вақт билан чегаралаб қўйиш керак эмас. Масалан, мен бир китобхон сифатида ўзим кўрган, гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида ўқисам, бу замонавий асар дейишим мумкин. Лекин масаланинг бошқа жиҳатларини унутмайлик. Кечаги кунимиз бугунги кунга асло ўхшамайди. Масалан, урушдан кейин ёзилган кўп асарларни ҳозир ўқиёлмаймиз ёки бундан йигирма йил аввал чиққан кинофильмларни кўрсангиз, албатта жилмайиб қўясиз. Чунки жуда кўп одамларнинг гапирари ҳам сал жўнроқ, айниқса, кийинишини кўриб кулиб юборасиз. Сабаби, замон тез кетяпти. Кечагина замонавий кўринган кўп нарсалар бугун эскириб, унутилиб қоляпти. Хўш, шундай экан, масалани қандай ҳал қилиш керак? Моҳият қаерда ўзи? Демак, маҳорат билан қўшиб, ёнма-ён айтилмаса, қуруқ замонавийлик деган билан иш битмас экан! Менимча, сира эскирмайдиган, давр синовларини энгиб ўта оладиган асаргина замонавий деб баҳоланишга сазовор. Масалан, «Синчалак» қиссасидаги Қаландаров образини эслаб кўринг. Асар шу бугунги кунда ёзилгандек, бугунги кун муаммолари кўтарилгандек. Уни мароқ билан ўқиб кетаверасиз... Яхши ўқилади. У ҳеч қачон эскирмайди...

Кечагина ёзилиб, бугун ўқиганингизда сизни қизиқтирмай қўйган асар албатта, замонавий эмас. Мен шундай қарайман: Замонавийлик аввало маҳорат деган гап деб ўйлайман. Бу — умумийроқ гап, албатта. Конкрет асарларга келса, «Ешлик»да бир-икки ҳикоя ўқидим, улар мени қаноатлантирмади. Бундай асарлар илгари ҳам қўйилган. Дипломатия ёқлаётган, аспирантурада таълим олаётган одамлар бугунги куннинг илғор, фаол кишилари ҳисобланади. Уларнинг ҳаётларида қизиқарли лавҳалар, воқеалар тўлиб ётипти. Асарларимизда эса олимлар ҳаётидаги конфликтлар жуда жўн талқин қилинади. Ё дисертант устидан биттаси думалоқ хат ёзади, ё илмий ишни биров ўғирлаб кетади... Хуллас, фан оламидаги улкан муаммолар бир ёқда қолиб кетиб, бир кишининг шахсий карьераси диққат марказига чиқарилади. У дисертация ёқлаб, дипломини оладими ёки йўқми — масала ана шу тарзда қўйилади. Биров унга тўсқинлик қилади, биров кўмак беради. Конфликт энгил-елпи, юзаки ҳал этилади. Ҳолбуки, гап илғор олимлар билан эски фикрларга ёпишиб олган консерваторлар устида, фандаги ҳар хил тортишувлар, муаммолар хусусида конфликт фикрлар кураши, тўқнашуви заминда ривожланиши зарур эди. Масала моҳиятига чуқур кирмасдан ёзилган бундай асарлар узоққа боролмайди.

Яқинда бир сўхбат чоғида рус танқидчилигида ишлатиладиган қишлоқ прозаси, ишлаб чиқариш романи каби терминлар бизда ҳали одат бўлмагани ҳақида гап кетди. Шунда мен ўйлаб қолдим. Аслида-ку бадий асарни бу тарзда бўлиш тўғри эмас. Уларни фақат шартли равишдагина қўллаш мумкин. Рус адабиётида «қишлоқ прозаси» ёки «ишлаб чиқариш романи» каби мавзулар атрофида қанчадан-қанча фойдали баҳслар, тортишувлар кетади. Бизда бу атамалар ишлатилмагани учун танқидчилар айбдор эмас. Менимча, бизда ҳали рус адабиётидаги каби чинакам қишлоқ прозаси ёки ишлаб чиқариш романларининг ўзи йўқ. Ишчилар ҳаётига бағишланган асарларнинг аксарияти турмушдан жуда узоқ. Айтайлик, қаҳрамон трактор заводда ишлайди. Уни дуч келган жойда — станок ёнида ҳам, мажлисда ҳам, кўча-кўйда ҳам кўрамиз. У — фаол жамоатчи. Кейин муҳаббат саргузаштлари, учрашувлар бошланади, бир қизни яхши кўриб қолади, севгиси рад этилади, қийналади, изтироб чекади, ўзини меҳнатга уради. Ниҳоят, қизнинг кўнглида шафқат уйғонади, тотли учрашувлар бир-бирига улашиб кетади ва ҳоказо. Худди шундай схема билан студентлар ёки бошқа касб эгалари ҳаётини ҳам тасвирлайвериш мумкин. Бундай усулда яратилган қаҳрамон авторнинг ўзи даражасида қолади, холос, аммо чинакам қиёфасини бутун мураккаблиги билан гавдалантира олмайди. Унда ҳақиқий ишчилар синфи вакилининг маънавий дунёси, руҳияти кўрганини эслайлик. Албатта, бундай асарларнинг чинакам ишлаб чиқариш романи тушунчасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар машқдан нарига ўтган эмас. Шу ўринда В. И. Ленин Бабушкиннинг хизматларига юқори баҳо бериб, унинг сиймосида ишчилар синфи руҳини, табиатини кўрганини эслайлик. Демак, маълум бир касб эгалари ҳақида ёзар эканмиз, уларнинг асл руҳияти, моҳиятини очиб беришимиз керак. Ишчилар синфи ҳақида ёзиш қийин дейлик. Ундай бўлса қишлоқ одамлари, деҳқонлар ҳақидаги асарларни ҳам танқидчиларимиз «қишлоқ прозаси», «қишлоқ адабиёти» деб аташга тили бормаяпти-ку! Шундай экан, ёзувчиларимиз бу борада кўп иш қилишлари зарур. Улар фақат мавзу атрофида ўралашиб юравермасдан унинг ичига киришлари ва инсон қалбини чуқур тадқиқ этишлари даркор.

Шу ўринда арман ёзувчиси Грант Матевосяннинг қишлоқ одамлари ҳақидаги асарларини кўз олдимизга келтирайлик. Унинг «Биз ва бизнинг тоғларимиз» номли биринчи повести ҳеч эсимдан чиқмайди. Қишлоқдаги оддий чўпонлар жўнгина ҳаёт кечирадилар. Маданий савиялари ҳам жуда баланд эмас, аммо улар қадимдан қолган эзгу удумларни, олижаноб

фазилатларни авайлаб сақлайдилар ва яна шундай авайлаб авлодларга мерос қолдирадидлар. Бу муқаддас эстафета узлуксиз давом этаверади. Ана шу қишлоқда туғилиб ўсган бир йигит шаҳарда ўқиб, олим бўлиб қайтади. У замонавий билимларни сув қилиб ичиб юборган, Мопассану Пикассодан баҳс кетса, жони кирадиган яхши мутахассис бўлиб етишган. Киндик қони тўкилган жойга келиб кўрса, қишлоғи ҳамон эски аҳволда, деярли ҳеч қандай ўзгариш йўқ. «Эй, бечора қишлоғим» деб фиғони чиқиб хитоб қилади у. Аммо қишлоқнинг, одамларнинг у билан ҳеч қандай иши йўқ. Башанг кийиниб, баландпарвоз гапларни айтиб юрган йигит ўн-ўн беш кун қишлоғида яшагандан кейин ўз аслига қайтиб, чўпонлар руҳига, ўзининг илгариги ҳолатига кириб қолганини сезмай ҳам қолади. Бизнинг асарларимизда эса ҳақрамоннинг рухий дунёсига жуда қийинчилик билан кирамиз. Ишчими, студентми, деҳқонми — бир-биридан фарқ қилишимиз қийин. Шунинг учун ҳам юқорида тилга олинган атамаларни лоақал шартли маънода ҳам айтолмайдиган даражага келиб қолганмиз.

Адабиётда ворислик деган гап бор. Парда Турсуннинг «Ўқитувчи», Шукруллонинг «Россия», Ҳамид Фуломнинг «Машъал» асарлари яратилган вақтларни яхши эслаймиз. Улар ўз даврида катта хизмат қилди. Ҳозир бу асарлар адабиётимиз ривожига бир босқич бўлиб қолди. Бугунги кунда уларни унутиб қўйиш думкин эмас. Томга чиқиб, шотини ташлаб юбурсак яхши бўлмайди. Кейинги йилларда кузатиб юрилган: адабиётимиздаги ана шу босқичлар ҳақида жуда ҳам гапирилапти. На катта доқладларда, на йирик олимларимизнинг мақолаларида улар тилга олинади. Ҳозир адабиёт даргоҳига кўплаб ёшлар кириб келяпти. Улар ана шу босқичлардан яхши хабардор бўлмоғи, адабиётимизда кўп йиллардан бери яратилган энг яхши анъаналарга садоқат руҳида тарбияланмоғи ва уларни муносиб давом эттирмоғи керак.

Ҳафиз Абдусаматов

Айрим танқидчилар бадий маҳоратни тор маънода тушунадилар. Уларча, бадий маҳорат — бадий шаклдан яхши фойдаланишдан иборат. Шу йўл билан улар асарнинг ғоявийлигини инкор қилиш даражасига бориб етадилар. Чўлпон ва Фитрат каби ёзувчиларнинг, айрим ёш шоирларнинг асарлари ғоявий жиҳатдан бўш, ҳаттоки хато бўлса ҳам бир-икки дуруст чиққан мисраларга ёки жумлаларга маҳлиё бўлиб, уларни кўкларга кўтариб мақташ йўлларига ўтадилар. Мазмун билан шаклни узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш лозимлигини эсдан чиқариб қўётган танқидчилар ҳам учраб туриши ачинарли ҳолдир. Ҳар бир асар бадий шаклда илғор ғояларни акс эттириши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат қилиши лозим. Адабиётни сиёсатга боғлаш керак эмас, бадий асар бадий бўлса, бас, деб қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Сиёсатсиз адабиёт бўлмаслигини, улар бир-бирига чамбарчас боғлиб кетганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Кейинги вақтларда янгилик излашлар кучайиб кетди. Бу ҳол айниқса поэзияда кўпроқ кўринмоқда. Изланиш, янгиликни кашф этиш таҳсинга сазовор иш. Лекин бу янгиликлар адабиётни бойитишга, услубларнинг ранг-баранглигини оширишга, автор ғоявий ниятини чиройли ва пухта, оригинал ва ўзига хос ҳолда ифода этишга ёрдам берган тақдирдагина халққа манзур бўлади. Ёш шоирларнинг айрим шеърларини ўқиб киши таажжубга тушади. Ҳақиқатан ҳам уларда яхши изланишлар бор, Аммо асарларининг мазмуни мавҳум, мақсадлари қоронғи, ўз олдларига қўйган ниятлари ноаниқ. Оқибатда ўқувчилар бундай асарлардан эстетик завқ ололмайдилар.

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор инсон дўстига мактуб ёзмоқчи бўлса ҳам, олдин нима демоқчи эканлигини ўйлаб, кейин хат ёзишга киришади, деб бежиз айтмаган. Ҳар бир бадий асар, у қандай жанрда ёки ҳажмда ёзилишидан қатъи назар — аниқ бир мақсадни ифода этиши ва тарғиб қилиши лозим.

Демак, бадий маҳорат тушунчасига адабий асарнинг барча компонентлари — авторнинг дунёқараши ва мақсади, асарнинг ғоявийлиги ва шакли, сюжети ва композицияси, характер ва конфликт масалалари киради. Бадий асарга баҳо берганда шуларнинг ҳаммасини назарга олмаслигимиз мумкин эмас. Адабиётнинг шу ҳақиқатига эътибор бермаганимиз тўғриси кейинги вақтларда маҳорат билан ёзилган, ғоявий жиҳатдан пухта яратилган адабий асарларга баҳо беришда, уларнинг аҳамияти ва ролини аниқлашда чалқаш фикрлар, нотўғри хулосалар ҳам кўпайиб кетаётганга ўхшайди.

Яқинда «Совет Ўзбекистони санъати» журналида босилиб чиққан санъатшунослик кандидати Тоҳир Исломовнинг «Замон ва шахслар талқини кўнгилдагидекми?» (2-сон, 1985 йил) мақоласига кўзим тушиб қолди. Очигини айтиш керакки, уни ўқиб ажабландим. Т. Исломов адабиёт ва санъатнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг қонун-қоидаларини, улар ҳақидаги фанни етарли эгаллаб олмаганлигини билдириб қўйган. У ўз мақоласида Ҳамза номидаги академик драма театрида сахналаштирилган Уйғуннинг «Зебуннисо» ҳамда Пиримқул Қодировнинг «Олдузли тунлар» пьесаларини асос қилиб олиб, таҳлил баҳонасида уларни қаттиқ танқид қилади, тарих бузиб берилган деб авторларни ҳам, санъо қошонасини ҳам айблади: «... пьесада («Зебуннисо»да — Ҳ. А.) тарихий шахс масаласида тарих ҳақиқати, факти, ҳужжатлар эмас, балки авторнинг кўнглига хуш ёқиб қолган фикр, сохта тасаввур устун келган». Т. Исломов тарихий драма қандай бўлиши керак, деган саволга тўғри изоҳ берган жойлари ҳам йўқ эмас. Унинг «тарихий фактлар, ҳужжатларга суяниш, уларга илмий ёндашув ва шу асосдагина бадий фантазияга эрк беришни тақозо қилади», деган

фикрлари ўринли. Лекин ҳамма гап шундаки, бу умумий ва тўғри гапларни пьесаларга бевосита тadbиқ этишда мақола автори адашиб кетади.

Уйғун ўз пьесасида тарихий муҳитни, илғор кучлар билан реакцион кучлар ўртасидаги курашни, тарихий шахсларнинг фаолиятини тарихдагидек қилиб яратиб муяссар бўлган. Зебуннисо ўз даврининг илғор кишиси эканлиги, у ўз ижоди ва фаолиятида ижобий нарсаларни тарғиб қилганлиги тарихдан маълум. Унинг отаси Аврангзебнинг қаллоблиги ва тошюраклигини, ўз бобосини зиндонга ташлаганлигини, Зебуннисо оддий кишига кўнгил қўйганлигини ҳам тарихдан биламиз. Уйғун бу ҳақиқатни ўз асарига олиб кирди, унга бадий либос кийгизди, адабиётнинг асосий қонуни бўлган фантазиядан ҳам ўринли фойдаланди. Бизнингча, драмадаги бадий тўқима тарих ҳақиқатини кенгроқ ва бойитиб жонлантиришга хизмат қилади.

Максим Горький таъкидлаганидек, бадий тўқимасиз адабий асарнинг бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам Уйғун тарихий ҳужжатларга, ҳақиқатга хиёнат қилмаган ҳолда бадий тўқимага ўрин берди. Шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, тарихий мавзуда асар ёзган адиб ўтмиш ҳужжатларининг нухасини бермаслиги, уларнинг қули бўлиб қолмаслиги лозим. Энг асосий гап, тарихнинг моҳияти, руҳи бузилмаслиги даркор. Шу сабабдан Т. Исломовнинг пьесадаги бадий тўқима, ижодий фантазия «уйдирма» даражасига бориб етади» деган фикрига асло қўшилиб бўлмайди. Айниқса, қобилиятли санъатшуносимизнинг қуйидаги мулоҳазаларини ўқиб, ҳайрон қолсан, киши: «Тарихга, тарихий шахс проблемасига бундай юзаки ёндашув пировард натижада вулгар социологизмга олиб келади». Наҳотки Уйғуннинг ижодидаги пухта асарлардан бири бўлган, Ҳамза номидаги академик театримизнинг тимошабинларига манзур бўлган «Зебуннисо» асарига шундай тош отилса? Бу асар тарих миқолида меҳнаткашларни тарбиялашга хизмат қиляпти-ку! «Зебуннисо» қанча-қанча авлодларни тарбиялашига, уларга завқ-шавқ бағишлашига ишончимиз комил.

Т. Исломов Максим Горький фикрларини келтириб, «драма — адабиётнинг энг қийин жанри» эканлигини таъкидлаб ўтади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу ҳақиқатнинг чуқур мағзини чақишимиз, шу жанрда битилган дурустроқ асарни кўз қорачиғидай асрашимиз, уни турли хурожатлардан ҳимоя қилишимиз керак. Ана шундагина драматургиянинг ривожланишига йўл очган, ҳар бир талантили санъаткорни халқ бойлиги сифатида асраган бўламиз.

Бадий маҳорат масаласига тўғри ёндашиш, уни таҳлил қилиш учун унга оид барча компонентларга ҳаққоний характеристика бериш лозимлиги ўз-ўзидан маълум. Бундай масалалардан бири ва муҳими — конфликтдир. Унинг моҳияти ва характери аниқлашда, бадий асарда акс эттириш масаласида ҳалигача адабиётшуноскида чалкаш фикрлар, баҳслар давом этмоқда. Бунга баъзи мисолларни келтирмоқчимиз.

Баҳодир Ғуломов «Ҳамза ва Яшин» мақоласида («Ўзбек филологиясининг актуал масалалари» тўплами, Тошкент — 1977), «Ҳамза» пьесасини асоссиз айблаш йўлига ўтадики, бунди «Бадий конфликт ва ҳаёт» мақоламизда айтиб ўтганмиз.

Б. Ғуломов Ҳамзанинг реакцион руҳонийларга қарши олиб борган курашидан ажабланади. «Тўғри, — деб таъкидлайди танқидчи, — унинг динга қарши курашида баъзан шароитга қараб иш қилмай кескин кетганлиги, шу вайдан шайхлар тош бўронида фожиали ҳалок бўлганлиги рост». Шоҳимардондаги шайхларнинг халқ оммасининг қонини зулукдай сўриб, ақлий ва жисмоний жиҳатдан майиб қилишларига Ҳамзадай пок қалбли, виждонли инсон қандай чидасин, ахир?!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмон-хўжаевнинг Ўзкомпартиянинг XIX пленумидаги докладыда шундай сўзлар бор: «Аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш тўғрисида алоҳида гапириш керак. Биз кейинги вақтларгача бу масала лозим даражада эътибор бермадик. Диний хурофотларга муросасизлик билан қараш, унга қарши кураш олиб бормаслик, баъзан эса ҳатто унга йўл қўйиб бериш асло мумкин эмас».

Жанговар курашчи Ҳамза образини пьесада яратган, ҳаётини конфликтларни маҳорат билан бадий акс эттириб бера олган муаллифлар олимимизнинг қаттиқ танқидига дуч келдилар. Назария соҳасидаги ожизлик, драматургия тарихини чуқур билмаслик Б. Ғуломовнинг бошқа илмий-танқидий ишлари ва мақоаларида ҳам баъзан учраб туради. Унинг «Сафдошлар ва издошлар» китобида (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980) ҳам юқорида қайд қилинган хатолар учрайди. У «Ҳамза» пьесасидан қуйидаги мисолни келтириб, ундан ниҳоятда ўринсиз хулоса чиқаради:

**Халқимни талаган, шилиб еган — сиз!
Гулларнинг қалбига ботган тикан — сиз!
Сиз лола юрагин эттингизлар доғ,
Сиз билан Ҳаробдир чаман, бу боғ!**

Реакцион руҳонийларга қарши топиб айтилган бу сўзлар, танқидчи талқинида гўё «...ошга тушган пашшага ўхшаб...» тургандай эмиш.

Айниқса конфликтнинг кўламини чеклаб қўйиш, уни «характерлараро кураш» шаклида ҳамда «кички коллизия» тарзида қараш ҳоллари учраб турмоқда. Маълумки, ҳаёт жуда мураккаб, у узлуксиз ривожланиб боради, унда турли-туман, ҳатто хаёлингизга келмаган зиддиятлар юз бериши мумкин. Буларнинг ҳаммасини бир қолипга солиб бўлмайди. Воқеликдаги бундай ҳодисалар муаллифлар таҳлилидан ўтказилиб, умумлаштирилиб адабий асарларга олиб кирилади ва чинакам бадий конфликтлар юзага келади. Шундай экан, ҳаётини конфликтларни ҳам, бадий конфликтларни ҳам тор доирага олиб кириб, уларнинг ранг-баранглигини камситишга уринишга ҳожат бормикин?!

Профессор Бердиали Имомовнинг илмий ишларида ва мақоаларида бир тенденция кўпинча ҳукмронлик қилади. У ҳам бўлса ҳаётини конфликт билан бадий конфликтни

бутунлай бошқа-бошқа нарса деб талқин қилиш, ҳаттоки улар ўртасига хитой деворини қўйишга уринишдир. Б. Имомов масалага бир томонлама қараб, асарлар ва мақолалардан бир фикрни узиб олиб, уни нотўғри талқин қилади.

Маълумки, ҳаётдаги конфликтни эстетик таҳлил қилиш орқалигина бадий конфликт яратиш мумкин. Лекин ҳаётги конфликтсиз бадий конфликт бўла олмаслигини, ҳаётдаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар турли-туман бадий конфликтларнинг асосий манбаи эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Бу ҳол, аиниқса, антагонистик ва ноантагонистик конфликтлар турларини ажратишда, характерларда ва таҳлил қилишда яққол намоён бўлмоқда. Икки синф курашини акс эттирувчи асарлардаги конфликтнинг характери ўз моҳияти билан антагонистик деб таҳлил қилинса, олимимиз қаттиқ ранжийди.

Худди шундай ҳодиса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўтказган давра суҳбатида (1985 йил 29 март, № 13) ҳам яққол намоён бўлди. Б. Имомов баҳсдаги қуйидаги фикрга жони-жаҳди билан қарши чиқади: «Кейинчалик, А. Корнейчук «Фронт» пьесасида, таъбир жоиз бўлса, ҳам антагонистик, ҳам ноантагонистик конфликт турини яратди». У ўзича бундан шундай хулоса чиқаради: «Наҳотки, объектив ҳодисалар (ижтимоий конфликтнинг антагонистик ва ноантагонистик типлари) ёзувчи субъекти — онгидан ташқарида, турмушда ҳукм суришини, санъаткор уларни ўз субъектидан ўтказиб, талантига яраша, бадий конфликтда аниқ ғояни конкрет характерларда ифодалашни фарқламасак!»

Ахир, драматург ўз асарида конфликтни ёритгандан кейин уни ўз онгидан, «субъектидан» ўтказиб ифода этиши ҳаммага маълум-ку! Ҳурматли олимимиз Б. Имомов ҳаётдаги конфликтни социал, асардагисини эстетик деб таърифлаб, антагонистик конфликтни ишлатишдан бош тартади, фақат социал ҳодиса деб характерлаб, уни типик, бадий, эстетик жиҳатлардан маҳрум қилган ҳолда фикр юритади.

Б. Имомов «Адабиётшунослик терминлари луғати» (Тошкент — 1967) да ишлатилган юқоридаги терминдан ранжийди. «Конфликт ўз моҳияти билан турли характерда бўлиши мумкин. Конфликтни, аввало, антагонистик моҳиятдаги конфликт ва антагонистик бўлмаган конфликтга ажратиш керак». Умарали Норматов ҳам танқидчимизнинг қаттиқ эътирозига дуч келади. Биз юқоридаги фикрдан бирор назарий хато топа олганимиз йўқ. У ерда гап умуман конфликтнинг характери ҳақида кетаётир.

Конфликтнинг бу муҳим икки томонига ётарли эътибор берилмаслиги туфайли, Б. Имомов «Инқилоб тонги» да ҳам, «Хуррият» да ҳам ва бошқа асарларда ҳам «... ғоя характерлар кураши шаклидаги конфликт типда ёритилган» деб, масаланинг муҳим томони, унинг туб моҳиятини деярли четлаб ўтади. Шу сабабдан ҳам ҳаётий, ҳам бадий антагонистик конфликтдаги пьесаларни («Шарқ тонги») ноантагонистик характердаги конфликтли бўлган «Хуррият» каби асарлар билан бир қаторга қўшиб таҳлил қилиши ўринли эмас. Социологик тарзда таҳлил қилинган, деб адабиётшунос — олимларга тош отиш Б. Имомовнинг яхши кўрган усулларидан бири.

Б. Жалиловнинг «Ўзбек драматургияси поэтикаси масалалари» китоби («Фан» нашриёти, 1984 йил) баъзи камчиликлардан холи эмас. Шуни айтишимиз керакки, китобда яхши ёзилган саҳифалар, кўп тўғри фикрлар мавжуд. Лекин китобнинг характерли томони унда қатор адабиётшунос ва танқидчилар, драматурглар ва прозаиклар танқид қилинади, уларнинг фикрларида хатолар бор деб изоҳланади. Битта ягона одам — олим, драматургиянинг ҳамма соҳалари ва масалалари бўйича унинг барча фикрлари тўғри, у ҳеч қачон адашмаган, деган ғоя китобнинг бошидан охиригача олдинга сурилади.

Б. Жалилов китобининг масъул муҳаррири, профессор Б. Имомовдир. Китобнинг ўндан ошиқ жойида, яъни жанрларнинг характерини белгилашда, конфликтларнинг моҳиятини аниқлашда, композиция ва сюжетни характерлашда, характерларга баҳо беришда, хуллас, драматургиянинг барча компонентлари социалистик реализм методининг масалалари бўйича Б. Имомовнинг мулоҳазалари келтирилади-да, уларга китоб муаллифи тўла қўшилганлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилади. Китобнинг яна бир салбий томони шундаки, Б. Жалилов танқидчиларни бир-бирига қарши қўяди, бирини кўкларга кўтарган ҳолда, қолганларини ерга уради.

Еш олимнинг бир-икки мулоҳазаларига эътиборингизни қаратмоқчиман: «... трагедия жанри назарий жиҳатдан деярли ўрганилмаган Б. Имомов тадқиқоти бу борадаги очиқликни тўлдирдишда, проблемани назарий планда ўрганишда муҳим қадам бўлди. Конфликт ва унинг моҳияти ҳақида ўзбек адабиётшунослигида талай ишлар амалга оширилди. Б. Имомовнинг бу борадаги тадқиқоти проблеманинг чуқур ўрганилиши билан диққатга сазовордир» (таъкид бизники — Ҳ. А.). Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Буларга изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Агарда китоб муаллифи ўз қарашларида ҳақ бўлганда, бундай таҳлилига, баҳоларига балки қўшилиш мумкин эди. Афсуски, Б. Жалилов ўз муҳаррири Б. Имомов каби кўп адашади, ҳатто унинг нотўғри мулоҳазаларини, ноўрин фикрларини янада чалқаштиради.

Еш тадқиқотчи ҳам муҳарририга ўхшаб, ҳаётдаги ва адабиётда акс эттирилган конфликтларнинг хилма-хиллигини торайтириб, конфликтнинг икки хил кўриниши (характерларро кураш ва ички коллизиялар) ни тан олади, холос. Шу йўсинда саҳна асарларини таҳлил қилмоқчи бўлади, оқибатда зиддиятлардаги ранг-барангликни кўришда оқсаб қолади.

Муаллиф У. Норматовнинг қуйидаги ҳаққоний фикрига бутунлай қарши чиқади: «Реалистик ижодда бадий конфликт турлари, ифодалари беҳисоб» («Насримиз аънаналари», 1978, 101-бет). Б. Жалиловнинг бу фикрни инкор этувчи «исботи» кулгили: «...конфликт турларини беҳисоб деб қараш тўғри эмас, аммо унинг ифода воситалари беҳисоблиги тўғридир». Тадқиқотчи оддий бир нарсани тушунмаганига ҳайрон қолсан, киши. У. Норматовнинг мақоласида гап бадий конфликтнинг турли хил кўринишлари, ҳар хил ифода воситалари устида кетаётир-ку! Унинг нимаси еш олимга ҳазм бўлмади экан? Б. Жалилов тушуниб-тушунмасдан, жумлаларни узиб олиб, уларнинг туб маъносини англаб етмасдан

конфликт, деган жойда дарров икки конфликтни — ҳаётӣ (социал категорияга), бадий конфликтни (эстетик категорияга ажратади) тилга олиш лозим, деб талаб қилади. Фақат ҳаётӣ конфликт устида гап кетганда ҳам ёш олим турмушдаги конфликт билан бадий асар конфликтини тенглаштирмакда, деган нотўғри ҳулосага келади.

Ёш танқидчи ҳам Б. Имомовга ўхшаб ҳаётӣ конфликт бадий асарнинг асоси эканлигини камситишга уриниб кўради. Унинг чиқарган ҳулосасига бир аҳамият берайлик. «Драматик конфликт ҳаётдаги қарама-қаршиликларнинг айнан ўзи бўла олмайдми», улар «бир-бирига тенг эмас». Адабий асарларга маълум бир ўлчов билан ёндашиб, уларни чеклаб бўлмайдми. Унда турли хил кўринишлар ва мазмунлар ҳамда характерлар намоён бўлиши турган гап. Шу жиҳатдан ёндашганда бадий асарда ҳаёт ҳақиқатининг «айнан ўзи» бўлиши, у фақат кенгайганроқ шаклда ифода этилиши мумкин.

Б. Жалилов комедияда ижобий қаҳрамон масаласига ёндашади ва уни таҳлил қилмоқчи бўлади. У Б. Раҳмоновнинг талантили асари «Юрак сирлари»даги Степан образига ошиқча баҳо бериб қўяди ва унинг бадий конфликтни ҳал қилишдаги ролини ошириб юборади. «Степан образини, — деб таъкидлайди Б. Жалилов, — саҳнага олиб киришдан аввал унинг кириб келадиган шароитини, у билан учрашадиган шахсларнинг ким эканлигини кўрсатиш зарурати назарда тутилган. Комедиограф тутган йўл тўғри ва мақсадга мувофиқдир». Бу фикрга қўшилишимиз қийин. Чунки Степаннинг асосий юки — қиладиган ижобий иши суст чиққан, конфликтни ҳал қилишдаги хизматлари бадий жиҳатдан етарли асосланмаган. Гап бу ерда Степаннинг саҳнага тез-тез чиқиши ёки саҳнада кўп сўзлашиши устида кетаётгани йўқ, албатта. Унинг комедиядаги ижтимоий ва бадий қувватининг заифлигини назарда тутяпмиз.

Биз бу билан танқидчилар ҳар доим хато фикрлар юрияптилар, холисона мулоҳазаларни баён қилмаяптилар, адабий жараёнда пассив қатнашяптилар, демоқчи эмасмиз. Адабиётшунос ва танқидчиларимиз адабиёт майдонида улкан ижодий-илмий ишлар қилдилар. Бу ҳақиқат ҳаммага маълум. Биз фақат баъзи нуқсонларга тўхталиб, уларни очиб ташлаб, улардан холи бўлишни, танқидчилик соҳасида янада олдинга қараб кетишни назарда тутдик.

Озод Шарафиддинов

Асқад ака адабиётдаги ворисийлик ҳақида жуда яхши гапирди. Ҳақиқатан ҳам сўз санъати анъаналар билан тирик. Анъанасиз адабиёт йўқ. Шу жиҳатдан бугунги баҳсимиз мавзусини олиб кўрайлик. Айтиш керакки, замонавийлик илғор жаҳон адабиёти, айниқса, рус адабиётининг энг яхши анъанаси бўлиб келган. Бу фазилат совет адабиётининг ҳам ўзагини ташкил этадиган муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Совет адабиёти ўзининг энг яхши асарларида замонавийлик орқали халққа, партияга, Ватанга хизмат қилишининг олий намуналарини кўрсатди. Бунга М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов ва бошқа ўнлаб ёзувчилар ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. СССРдаги барча қардош халқлар, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам тараққиётимизнинг муайян даврларидаги катта проблемалар, муаммоларга бағишланган кўплаб яхши асарлар пайдо бўлди. Улар худди бугунги кунда ёзилгандек замонамизга фаол хизмат қилмоқда. Мана шу маънода замонавийлик анъанаси ўзбек адабиётида истеъдодли ижодкорлар томонидан муносиб давом эттирилмоқда деб мамнуният билан айтиш мумкин. Лекин шунга қарамай, бирон бир адабиётда ўртағиначилик иллати тағ-томири билан тугатилган эмас. Бинобарин, биз адабиётнинг сифати ҳақида гапирганда энг яхши асарларга таяниб иш тутишимиз керак.

Энди замонавийликни қандай тушуниш масаласига келайлик. Бир вақтлар замонавийликни маълум бир хронологик давр маъносида англаш ҳоллари бўлган. Ундан кейин ҳам бу борада кўп баҳслар, мунозаралар ўтказилганини биламиз. 60-йилларнинг бошида бу терминни тўғри тушуниш қарор топган эди. Кейинги пайтларда, назаримда, уни яна бир оз торроқ маънода қабул қияпмиз, шекилли. Мен бу ўринда нимани назарда тутяпман? Ҳозирги вақтда адабиётда Ўзбекистон Компартияси XVI пленуми қарорлари руҳини акс эттириш ҳақидаги гап кўп такрорланяпти. Бу умуман, тўғри талаб. Лекин аксари ҳолларда бу эзгу ишни пленум қарорларига иллюстрация бериш деб тушунилмоқда. Мен замонавийликни мана шундай торроқ маънода тушунишни унча маъқул деб ҳисобламайман. Юқорида айтганимдек, пленум ғояларини кенг тарғиб қилиш жуда зарур. Фақат бу муқаддас вазифани шомша-шоарлик билан эдиб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир масалага диққатингизни тортаман. Бизнинг адабиётимиз ҳаётдан қарздор деган гапга ҳам кўп дуч келамиз. Бу ҳам анъанавий шаблон қарашлардан бошқа нарса эмас. Чуқурроқ уйлаб кўрсак, адабиётдан кўра китобхоннинг қарзи кўпроқ эканини сезамиз. Биргина ўзбек адабиётини куздан кечирайлик. Салкам етмиш йилдан бери унинг энг яхши намуналари виждон қўшиғи бўлиб жаранглади. У ҳамма вақт ҳалолликни, тўғрилиқни, яхшиликни тарғиб қилди. Бунга қарши чиққан биронта асарни тополмаймиз. Ҳамза, Абдулла Қодирийдан тортиб адабиётимизнинг бугунги энг ёш авлоди Хайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўстгача бўлган барча ёзувчилар яратган образларда олижаноблик, курашчанлик улуғланади. Одамларни фикрлашга, фаолиятга чорлайди. Агар китобхонларнинг ҳаммаси адабиётда илгары сурилаётган ана шу эзгу ғояларга амал қилганда эди, бугунги ҳаётимизда авж олиб кетган жуда кўп камчиликлар руй бермасан бўларди. Афсуски, турли сабабларга кўра адабиётда кўтарилган гаплар ҳамма вақт ҳаётда ўзининг мукаммал самарасини, натижасини тополмаяпти. Мана шунинг учун ҳам Ўзкомпартиянинг XVI ва ундан кейинги

племнларида мавжуд камчиликлар жиддий очиб ташланди. Ҳаётимизда учраб турувчи иллатларга қарши адабиёт ҳамиша курашиб келган. Биргина Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романини эслайлик. Унда бугунги қишлоқ ҳўжалигига доир жуда кўп муаммолар, зиддиятлар, камчиликлар анча кескинлик билан очиб берилган эди. Лекин бугун маълум бўляптики, «Диёнат»га ўхшаш маҳорат билан яратилган асарларда ҳам ҳаёт мураккаблиги янада чуқурроқ акс эттирилиши, янада кенгроқ таҳлил этилиши зарур экан. Эҳтимол, ана шунда эзгу ғоялар ҳаммининг қулоғига етиб борармиди?

Ҳақиқатан ҳам адабиётимизда замонавийлик масаласида жиддий камчиликлар бор. Менимча, замонавийлик, биринчи навбатда фикрлашдан бошланади. Ёзувчи фикрида янгилик, ўткирлик бўлиши керак. Унинг қарашлари, ўй-мулоҳазалари ҳаётнинг энг чуқур қатламларини теран ёритиб бериши шарт. Ижодкор оддий одамдан, маълумотли зиёлидан фарқ қилиши зарур. Бу унинг ҳаёт ичига чуқур кириб бориши, бошқалар кўра олмаган нарсаларни кўриши, ҳис қилиши ва уни юракларни тўлқинлантирадиган даражада таъсирли акс эттириши қобилияти билан белгиланади. Бинобарин, ёзувчи бўлиш учун маънавий ҳуқуқ ҳам керак. Агар ижодкор ана шу ҳуқуқни ҳис этмаса, қандай қилиб катта санъаткор бўла олади? Афсуски, ҳозирги пайтда кўп қаламкашлар, аиниқса, ёшларимиз маънавий ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда ёзувчиликни даъво қиладилар. Ҳаётни шунчалик эмпирик тарзда қайд қилиш йўлидан бориш билан катта натижаларга эришиб бўлмайди. Ёзувчидаги фикрлашнинг ўткирлиги адабий-бадий ниятнинг кўламли, салмоқдор бўлишига олиб келиши керак. Бизда, афсуски, кўламли ниятлар жуда кам. Ёзувчи бошданоқ ўз олдига тор мақсадлар кўяди. Ҳолбуки, ният улкан бўлмагунча улуғ асарлар яратилмайди. Бадъзақни қаранг, ёшлиғидаёқ бутун инсониятнинг комедиясини яратаман деган улуғвор мақсадни ўз олдига қўйган ва бир умр шунга интилиб, уни қатъият билан амалга оширган эди. Э. Золя, В. Маяковскийлар ижодида ҳам шундай ҳолатни кузатамиз. Асарнинг замонавийлигини таъминлашда у кўтарган юк — ғоявий ниятнинг катталиги муҳим аҳамиятга эга. Албатта, замонавийликнинг ўз конкрет муаммолари ҳам бор. Масалан, қаҳрамон проблемаси. Шу кунларда адабиётда — раҳбар ҳодимлар образи кўпайиб кетди деган гаплар юрипти. Менимча, масалан бу тарзда қўйиш тўғри эмас. Албатта, айрим нопок одамларни макташ, ноурин пропаганда қилиш адабиётнинг вазифасига кирмайди. Ёзувчи бу жиҳатдан ниҳоятда ҳушёр бўлиши лозим. Гап шундаки, раҳбар коммунистлар образини яратиш ҳамма вақт адабиётимизнинг марказий масалаларидан бири бўлиб келган. Совет адабиётида коммунистларнинг ёрқин образлари яратилган. Бугунги кунда ҳам коммунистлар бизнинг етакчи авангардимиз ҳисобланади. Бинобарин, адабиётда уларнинг ҳар қандай схемалардан холи, тўлақонли, ёрқин образини тасвирлаш ва шу орқали партиянинг раҳбарлик ролини кўрсатиш ўз актуаллигини ҳар доим сақлаб қолади. Шунинг учун одамларга ҳар жиҳатдан ўрнак ҳисобланадиган ва кўпчиликини ўз орқасидан эргаштириб кетишга қодир бўлган чинакам раҳбар образининг аҳамиятини сўсайтириб қўймаслик керак.

Замонавийлик ҳақида гап кетганда танқидчилик назокат ва теранлик билан иш олиб бориши зарур. Адабиётда замонавийлик хилма-хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, Улуғ Ватан уруши ҳақидаги асарлар ҳеч қачон эскирмайди. Бу мавзунинг янги бир қиррасини топиб, очсак, у ҳамиша замонавийлигини сақлаб қолади. Шунингдек, бугунги кун ҳақидаги китоб қолиб кетиб, қадимги тарихий воқеалар тасвирланган асар чуқур замонавий моҳият касб этиши мумкин.

Кейинги пайтларда адабиётимизда бир қарашда бир-бирига яқин кўринадиган бир қанча асарлар пайдо бўлди. Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш», «Истеъфо», Ҳайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» каби қиссаларида оддий меҳнат кишиларининг содда, ҳаёти, камтарин ишлари, ўй-кечинмалари тасвири билан танишамиз. Уларнинг қаҳрамонлари кекса чоллару кампирлар. Бундай кекса кишилар бугунги ҳаётда актив роль ўйнамайди, демек, улар замонавий эмас деб уларга эътироз билдиришимиз керакми? Ёки чуқурроқ ўйлаб кўришимиз лозимми? Чуқур назар солиб қарасак, мазкур асарларда оддий одамлар тақдири орқали замондошларимизни ўйлантириб, ҳаяжонлантириб юрган жуда кўп муаммолар айтилгани, ҳаёт ҳақиқатларининг бир қирраси маҳорат билан очилганини ҳис қиламиз. Бу асарларнинг жамоатчиликка манзур бўлгани, турли адабий баҳслар, тортисувлар уйғотгани ҳам ана шу фазилати туфайлидир.

Мен Эркин Воҳидовнинг «Рўҳлар исёни» достони, Эмин Усмоновнинг «Кўнгил кўзи», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссаларини ҳам чуқур замонавий рўҳ билан сўғорилган асарлар деб ҳисоблайман. Яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Мен фақат яхши асарлар ҳақида фикр юритдим. Адабиётимизнинг истеъдод билан яратилган намуналарида замонавийлик анъанаси муносиб давом эттирилаётган экан, унинг истиқболига янада катта ишонч ва умид билан қараш керак.

Замонавий мавзудаги асарларга тўғри баҳо беришда танқид объектив позицияда туриши, партиявий принципиалликни ижодкор талантига ҳурмат ва меҳрибонлик билан қўшиб олиб бориши, ҳозирги адабий жараёндаги ички тенденцияларни, қонуниятларни, ички оқимларни чуқур кўрсатиб бериши керак. Ана шундагина биз кутилган натижаларни қўлга киритишимиз мумкин.

Салоҳиддин Мамажонов

Мен сўзимни КПСС Марказий Комитети бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида (11 март) сўзлаган нутқидаги ушбу фикрни келтириш билан бошламоқчи эдим.

«Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлидир, — дейди ўртоқ М. С. Горбачев партиямизнинг стратегик йўли тўғрисида. — Бунда гап ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда».

Бу сўзлар бевосита адабиёт ва санъат ходимларига ҳам тааллуқлидир. Янги кишини камол топтириш учун кураш масаласи ёзувчилар олдига инсоннинг руҳий оламига, қалбининг туб-тубига, онги, психологиясига чуқур таъсир этадиган, унинг кайфияти ва ижодкорлик шуури, курашчанлик шижоатини кўтарадиган ғоявий ўткир ва бадий мукаммал асарлар яратишни кўяди. Кўп миллатли совет адабиётининг классик асарлари шунинг учун ҳам ҳаётбахш қудратга ва боқий умрга эгаки, уларда халқ ва жамиятнинг энг ўткир ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалари кўтарилди, меҳнаткаш инсоннинг коммунистик идеаллар тантанаси йўлидаги фидойиларча кураши, меҳнати, садоқати ва эътиқоди теран акс этди. Горький ва Маяковскийлар, Ҳамза ва Садриддин Айнийлар, Ғафур Ғулум ва Ойбекларнинг бадий аъёнлари ва граждандлик сиймоси биз учун доимий таянч ва илҳомбахш манба бўлиб қолади.

Партиямизнинг XXVI съезди ва Июнь пленумида (1983 йил) жамиятимизнинг камол топиши идеологик ишिमизни нақадар юксак даражада олиб боришимизга боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланади.

«Бутун идеологик фаолиятнинг натижалари, — дейди ўртоқ М. С. Горбачев, — совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва социал активлигини ошириш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия — бутун идеология фаолиятининг муҳим вазифасидир».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳам бутун диққатини республикада идеология ишини тубдан яхшилашга қаратди ва бу йўлдан изчиллик билан бориб, ғоят ибратли тарихий ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг «КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида республикада адабий-бадий танқидчиликнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори партиямиз адабиёт ва санъат ходимларига қилаётган ғамхўрлигига яна бир ёрқин далилдир. Мазкур қарорнинг бутун мазмун ва моҳияти адабиёт ва санъатнинг ғоявий-бадий савиясини янада кўтариш ва бунда адабий танқиднинг ролини мислсиз равишда оширишга қаратилгандир. Қарор адабий-бадий танқидчиликнинг ғоявий-бадий ва профессионал савиясини, унинг граждандлик жанговарлигини сабот билан ошириш, унинг ижтимоий проблемаларни чуқур таҳлил этишга, адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги, синфийлиги, халқчиллигидан иборат ленинча принципларни муросасизлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган бўлишига эришиш вазифасини кўйди. Танқидчилик санъаткорнинг ғоявий-сиёсий билим доирасини кенгайтиришга, унинг профессионал маҳоратини такомиллаштиришга актив кўмаклашиши, ғоявий-эстетик фикрларнинг аниқлигини, истеъдод соҳибларига меҳрибонлик билан қарашни моҳирона бирга кўшиш зарур.

Хўш, адабий-бадий танқид адабий жараёни теран ўрганиб, унинг жонланишига таъсир кўрсатаётими?! Агарда СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси бўлган танқидчилар ва адабий-бадий танқид соҳасида шуғулланувчи барча олимларни бирга кўшиб ҳисоблаганда, уларнинг сони тўрт юздан ортади. Бироқ адабий жараёнда фаол иштирок этаётганлар ўнтадан ортмайди. Адабий жараёндаги жуда кўп адабий ҳодисалар ва тенденциялар адабий танқиднинг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Айниқса, мавзуси актуал, аммо бадий қашшоқ роман ва қиссалар, икки-уч бор намоёиш этилиб саҳнадан тушиб кетаётган пьесалар, майда, бачкана ҳис-туйғу ва арзимас фикр, саёз мазмунли шеърӣ тўпламлар жиддий ва ҳолис таҳлил этилмапти. Умумиттифоқ китобхонлари ҳамда адабий жамоатчилиги оғзига тушадиган мукаммал роман ва қиссалар туғилмаётгани сабабларини, илдизларини ўрганмай кўйдик.

Йилда бир роман ёки қисса ёзаётган, ҳар йили катта-катта шеърӣ тўпламлар нашр этаётган, аммо шу хом-хатала асарлари ҳалол баҳосини олмаётган ёзувчиларимиз кам эмас. Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленуми руҳи ва йўналишини бир томонлама тушуниш ҳодисаси йўқ эмас. Ҳозир ҳаётимизнинг нурли томонларини, воқеликдаги ижобий жиҳатларни, илғор тенденцияларни кўрсатишдан ва улғувор ишларни бажараётган ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг жозибали образларини яратишдан кўра камчиликларни бўрттириб

кўрсатишга маҳлиё бўлиш хавфи сезилмоқда. Ҳаёт, воқелик бутун мураккаблиги билан, зиддиятлари билан таҳлил этилса, турмушдаги ҳаётнинг соялар ҳам, унинг мардона енгиб бораётган илғор кучлар — нурли жиҳатлар ҳам ҳаққоний акс этиши мумкин.

Танқидчилик адабий жараёндаги ҳамма ҳодиса ва тендецияларга бирдек муносабатда бўлмапти, деганимизда биз нималарни назарда тутмоқдамиз?!

Энг аввало, ҳозирги адабий жараёндаги етакчи масалалар, айтайлик, социалистик реализмнинг тараққиёт қонуниятларини, ғоявийлик, маҳорат, партиявийлик, халқчиллик, традиция ва новаторлик, ижодкорнинг дунёқараши, типиклик, образлилик каби масалаларни жиддий таҳлил қилувчи китоб ёки мақолага эгализми?! Йўқ. Тарихий мавзу ёки ахлоқий масалаларга бағишланган қатор асарлардаги ғоявий, сиёсий чалкашликларнинг илдизи ижодкор дунёқарашидаги, ғоявий позициясидаги чалкашликка бориб тақалмайdimи?! Воқеликка, инсонга аниқ тарихийлик шуури ва мезони билан ёндашмаслик оқибати айрим тарихий шахсларни идеаллаштиришга олиб келгани аниқ-қу (бу ерда конкрет раҳбарлар асар қаҳрамони қилиб олингани назарда тутилмоқда).

Адабий жараён ўз ичига традиция ва новаторлик масаласини ҳам олади. Афсуски, бу проблема бир чеккада қолиб кетмоқда. Бу хусусда ёзилган тақдирда ҳам адабиётимиз эришган ютуқларга менсимасдан қарашдек камчиликка йўл қўйилади. Ҳамзанинг инқилобий ғояларни, даврнинг ғолибона руҳини ифодалаш учун жанговар шеър, кўшиқ, маршларга, драма, комедия ва трагедия жанрларига мурожаат этиши биз учун мактабдир. Абдулла Қодирийнинг замон ҳақиқатини — социалистик тузумнинг инсонпарварлик моҳиятини очиш мақсадида тарихий роман жанрини ўзбек адабиётида кашф этиши ва сатира, юморнинг янги имкониятларини ишга солиши биз унун сабоқдир. Айрим танқидчилар 50-йилларда поэзияда дабдабазолик, проза ва драматургияда ҳаётни бежаб кўрсатиш ҳоким эди, деган нотўғри тезисни олға сурадилар. Бундай иллатлар бор эди, бўлганда ҳам анча кучли эди. Аммо улар етакчи ҳодиса эмас эди. Уша йиллари Ойбек ва Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ва Уйғун, Яшин ва Зулфия, Максуд Шайхзода ва Миртемир етакчилик қилган қайноқ адабий жараён мавжуд бўлиб, уларнинг етук шеър, поэма, қисса, драма ва романлари юксалиб бораётган адабиётимизнинг етакчи йўналишларини белгиларди. Шу йиллардаги адабиётда тинчлик учун кураш ғояси, сиёсий лирика ва публицистика ҳозирги кунда ўрганишимиз зурур бўлган анъаналардан бири эмасми?!

Жанрлардаги янгиликларни тадқиқ этиш ҳам адабий жараённи ўрганишга қиради. Бизда кўпга роман ёзилади, баъзи ёзувчилар ҳар йили янги роман бостиради. Бироқ бу романлар нима учун тез унутилиб кетяпти, нима учун халқ орасига чуқур кириб бормаяпти? Назаримда, бу асарларда романга хос тафаккур йўқ. Яъни ҳаётни, воқеликни кенг кўлами билан яхлит, бир бутунлигида қамраб олиш, халқнинг меҳнат ва кураш йўлини, тақдирдаги ўтқир, кескин, бурилиш нуқталарини ва замонни фалсафий чуқур идрок этиш, воқеликни бутун мураккаблиги билан бадиий тадқиқ қилиш этишмаяпти. Воқеанавислик, қуруқ ҳужжатнинг ўзини баён қилиш, юзакилик, сунъийлик ва мавзу муҳимлигини шунчаки қурол қилиб олиш роман жанри обрўйини тушириб юбормоқда.

Ёки кейинги пайтларда бизда анчагина жонланган шеърли романлар шу вақтга қадар жиддий ўрганилгани йўқ. Бу жанр насрий роман ривожланган ҳозирги XX аср охирида қанчалик ўзини оқлаяпти?! Ҳар бир жанр, тўғрироғи шеърли романнинг ўз даври, ўз асри бўладими ёки ҳамма асарлар учун бирдек зарурми?! Шундай бўлса, нега бу шеърли романлар шухрат топмаяпти?! Айб танқидчилик уларни кенг тарғиб-ташвиқ қилмаётганиданимкан?! Ёки уларда драматизмнинг кескинлиги, туйғуларнинг тарадлиги, фикр-мушоҳадаларнинг теранлиги, психологик таҳлилнинг чуқурлиги, етишмаяптимикан?!

Адабий танқид айрим зўр асарлар-у, машҳур ёзувчилар ижоди билангина қизиқмаслиги керак. У адабий ҳаётда нимаики ёзилган бўлса, буларни ҳар хил йўл билан (обзор мақолалар, тақризлар, баҳслар, диалоглар, портрет ва проблематик мақолалар) ўрганиши, адабиёт ривожига ғов бўлган ҳодисаларнинг илдизини очиб ташлаши, янги изланишлар ривожига кўмаклашиши лозим. Биз «булар ёзишга арзимади, танқиддан тубан» деган нотўғри қоидага амал қилиб заиф асарларга эътибор бермаймиз. Танқидчилик ҳеч нима демади, деб наشريётлар чиқараверади, «ёзувчи» эса хом-хатала янги асарини яна олиб келаверади.

Шу ерда янги асарларни нашр этиш билан боғлиқ бир-икки мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Янги асар муҳокама қилинади, яхши, жиддий фикрлар айтилади. Бироқ ёзувчи уни эътиборга олмай босиб чиқараверади. Нашриётлар янги асарни ички тақризга беради; аммо жиддий талаблар билан ёзилган рецензияни бир чеккага суриб қўйиб, китобни хомлигича босиб чиқараверади.

Адабий жараён тушунчаси ғоятда кенг. Унга турли тиллардан қилинган таржималар ҳам қиради. Бизда рус тилидан ағдарилаётган таржималар сон кўп, сифати ҳам ёмон эмас. Аммо ёзувчилик дида ва иқтидори бўлмаган одамлар ҳам истаганича таржима қилишмоқда. Таржимачилик танқиди республикамизда энг оқсоқ соҳа деса бўлади. Бир неча ўнлаб таржимашунос олимларимиз бор, бироқ адабий жараёнда икки-учтагина ўртоқ иштирок этади. Ўзбек тилидан рус тилига қилинаётган таржималар билан эса деярлик ҳеч ким шуғулланмайди. Ҳозир етук, юксак поэзиямиз бор. Бироқ мана шу шеърятимиз рус тилида бутун жозибаси ва бутун қудрати, ўзига хослиги билан жанрлаётгани йўқ.

Ўзбекистондаги адабий ҳаёт кўп миллатли. Бироқ адабий танқид бу ижобий ҳодисани чуқур идрок эта олганича йўқ. Ўзбекистондаги рус адабиёти, қрим-татар, уйғур, корейс адабиётлари билан ўзбек адабиётининг ҳамкорликда республика ҳаётини бадиий тадқиқ этиш ва айниқса кўп миллатли қаҳрамонлар образини яратиш йўлидаги изланишлари ўрганилмаяпти. Ҳатто рус тилида ёзувчи Темур Пўлатов, Раим Фарҳодий каби таниқли ижодкорлар асарларини ҳар доим ҳам ўзбек адабиёти контекстида таҳлил қилавермаймиз. Москвада «Военное издательство»да нашр этилган Манноб Эгамбердиевнинг «Сариқ аждаҳоннинг сояси» тарихий романини одил, профессионал баҳолашга ҳаракат ҳам қилинмади.

Ҳозир ёшларимиз рус ва жаҳон адабиётидан ўрганишга, инсоният яратган бадий дурдоналар аъноаларидан баҳраманд бўлиб, замонамиз ва замондошларимизни тасвирлашга ғоят жиддий, теран ёндашмоқдалар. Улар яратган асарларнинг ғояси, мавзуси, мотивлари, сюжет ва образлари, шакл ва жанрларида жаҳон адабиётининг ҳаётбахш таъсирини сезиш мумкин. Бироқ адабий жараёндаги мана шу ёрқин тенденция ҳам танқидчиликда ўрганилмаяпти. Худди шунингдек, ўзбек адабиётининг қўшни республикалар ёзувчиларига таъсири ёки ўзбек халқи ҳаётининг қардош халқлар ёзувчилари ижодида акс этиши масаласи ҳам адабий танқид ўрганиши зарур бўлган муҳим соҳалардан биридир.

Мана шу йўл-йўлакай кузатиш ва мулоҳазалар кўрсатадики, адабий танқид ҳозир биз баҳс юритаётган «Замонавийлик ва маҳорат» масаласини ечишга, тўғрироғи, халқимиз ва давримиз талабига жавоб берадиган ғоявий ўткир, бадий юксак асарлар яратилишига жуда катта ҳиссасини қўшиши мумкин.

Собир Мирвалиев

Бугунги давра баҳси КПСС Марказий Комитети ва Узкомпартия Марказий Комитетининг идеология масалаларига оид сўнги йилларда қабул қилган бир қатор муҳим қарорлари руҳида ўтаётгани қувонарлидир. Айниқса, Узкомпартия Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳамда Узкомпартия Марказий Комитети Бюроси томонидан қабул қилинган адабий танқидни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорлари талаби даражасида замонавийлик ва маҳорат масалаларини кўриб чиқиш баҳс масъулиятини янада оширади. Буни ҳаммасблар айтаётган фикрлардан ҳам англаш қийин эмас. Шу маънода Асқад Мухторнинг замонавийлик масаласига маҳорат нуқтаи назаридан баҳо беришни ёқлаётганлигида катта жон бор. Бинобарин, замонавийлик ва маҳорат масалаларининг узвий бирликда қўйилиши жуда кўп муаммоларни комплекс ҳал этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан лоқал сўнги тўрт-беш йил давомида яратилган ўзбек романларини кўздан кечирадиган бўлсак, айрим ижобий тенденциялар, муваффақиятлар қатори жиддий ва ташвишли ҳолатлар, камчилик ва нуқсонлар содир бўлганлигини пайқаш қийин эмас.

Кузатишимизча, бу йилларда ўн бешга яқин янги роман яратилган бўлиб, уларнинг кўплари алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Булар орасида тажрибали катта романнавислар қатори бу соҳага энди кириб келаётган ёки бошловчи ёш ёзувчилар ҳам борлиги диққатга сазовор. Жумладан, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Пиримқул Қодиров, Саъдулла Кароматов каби катта ва ўрта авлод романнавислари қаторида Мақсуд Қориев, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирозев каби ўрта ва Муроджон Мансуров, Эйтибор Охунова каби бошловчи романнавислар ўз асарлари воситасида китобхон билан мулоқотга киришдилар. Кўринадики, бир қараганда сон жиҳатдан ҳам, авторлар қатлами-нинг ранг-баранглиги кўра ҳам бу давр ўзбек романлари эйтиборни тортади. Лекин гап бу ўринда фақат сонда ҳам, авторларнинг ранг-баранглигида ҳам эмас. Гап яратилган романларнинг ғоявий-бадий маҳорати даражасидадир. Бадий маҳорат юксак бўлса, асар ҳам чуқур замонавийлик касб этади. Агар биз шу талаб билан юқорида тилга олинган адибларнинг сўнги йилларда яратилган романларини кўздан кечирсак, «Қутлуғ қон» ва «Навоий», «Чинор» ва «Мангулик», «Умид» ва «Диёнат», «Уфқ» ва «Гирдоб», «Олтин зангламас» ва «Одам бўлиш қийин» каби бакуват романлар камлигини кўраемиз. Фақат Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романи Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги маълум қониқш бағишлайди. Шунинг ҳам инсоф билан қайд этиш керакки, ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё», Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар», Пиримқул Қодировнинг «Олтин камар» (қайта ишланган варианты), Худойберди Тўхтабоевнинг «Йиллар ва йўллар», Шукур Холмирозевнинг «Қил кўприк» каби романлари адабиётшунослик ва танқидчилик томонидан умуман ижобий баҳоланди. Ҳақиқатан ҳам, «Кўҳна дунё», «Йиллар ва йўллар», «Илдизлар ва япроқлар», «Қил кўприк» каби романлар кўп жиҳатлари билан китобхон талабларини қондириши турган гап. Энг муҳими, синчков ўқувчини маънавий-ахлоқий жиҳатдан яна ҳам камол топишига сезиларли хизмат қила олади. Лекин бу дегани, улар маҳорат даражасида, замон талаби даражасида тўла-тўқис маънавий эҳтиёжларимизни қондиради, деб айтолмаймиз. Жумладан, «Кўҳна дунё» романини олиб кўрадиган бўлсак, у чиндан тарихий ўтмиш сабоқларини англашда, хусусан, Ибн Сино ва Беруний каби буюк алломаларнинг тарихдаги, қолаверса, фан оламидаги хизмати ва ўрнини тушунишда айниқса ёшларга кўп сабоқ беради. Бироқ, шу билан бирга, ҳали асар ёзувчи имконияти ва маҳорати даражасида ёзилган деб бўлмайди. Негаки, романда ҳар икки буюк олимнинг ўз халқи, маданияти, илми ва тарихидаги роли ҳақида ибратомуз хулосалар берилса ҳам, лекин ўша тарихий шахслар тақдир, характери бадий таҳлилдан кўра, сургузашт тарзида тасвир этилиши кузатилган ва қутилган ғоявий мақсадни тўла-тўқис рўёбга чиқаришга монелик қилиб қолгандек туюлади.

«Йиллар ва йўллар», «Илдизлар ва япроқлар» романларини олиб кўринг. Мазкур романларнинг биринчисида ҳаётий ҳақиқатни объектив тасвирлаш маҳорати етарли бўлгани ҳолда, унда ўқувчини қаноатлантирмайдиган сюжет ва композицион тарқоқлик, эзмалик каби ўринлар кўп учрайди. Масалан, романнинг «Қизил гул уздингизми?» ёки «Олтинларим қалбимнинг қони» каби бобларидаги жумлалар ҳаддан ташқари узун. Шунингдек, айрим бобларни қисқартириш ҳисобига, фикрларни яхлитлаштириш ва тиниқлаштириш мумкин эди. Тўғри, Худойберди Тўхтабоев талантили ва маҳсулдор адиб, Шунинг учун ҳам унинг адабий жараёндаги ўрни сезиларли. Аммо бу ҳол унинг романидаги айрим қусурлардан кўз юмишга

асос бермайди. Романни ўқиган ҳар бир китобхон мавзунинг, ғоя ва образларнинг анча жонли, реал ва пухталигига шубҳа қилмайди. Лекин шу билан бирга романнинг чўзилиб кетганлиги, психологик тасвирлашдан кўра қуруқ, баёнчилик мавжудлигини қайд этмай бўлмайди. Худди шунга ўхшаш ҳолат «Илдизлар ва япроқлар»да ҳам кўзга ташланади. Тўғри, роман ҳозирги кун қайноқ ҳаётимизнинг энг долзарб масалаларини, замондошларимизнинг буюк яратувчилик характери тасвирлашга бағишланган. Албатта, ёзувчининг нияти яхши. Шу маънода жуда ҳаётий, жонли чиққан тасвирий ўринлар ҳам асарда анчагина. Аммо тажрибали ва таланти романнавис учун шунинг ўзи етарли эмас, албатта: Гап асарнинг бутунисича мукамал бўлиши ғоявий-бадий маҳорати жиҳатидан замон талабига жавоб бериши билан боғлиқлигадир. Бироқ тасвирда изчиллик етишмаслиги, композицион қурилишда айрим тарқоқликлар мавжудлиги, тилда ғализлик ва кўпсўзлик борлиги, энг муҳими айрим образларнинг тўла индивидуаллашмаганлиги туфайли асар ғояси тўла очилмай қолган ўринлар мавжуд. Мазкур романлар ҳақида лом-мим ҳам дейишмади. Асардаги мавжуд ютуқлар ва ибратомуз натижалар ҳақида объектив хулосалар баён этилганда ёзувчи ҳам, адабиётимиз ҳам наф кўрган бўларди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, мавжуд романлар орасида «Олтин камар» ҳамда «Қил кўприк» романлари анча объектив баҳосини олди, деса бўлади. Чиндан ҳам ҳар икки асар ғоявий-бадий жиҳатдан анча маромига етганлиги, талабчан ўқувчи етарли маънавий озиқ бера олиши билан фарқланиб туради. Энг муҳими, бу ўринда гап китобхон билан адабий танқид баҳолаётганинг тенг келишигадир. Бироқ, кейинги йилларда яратилган ўзбек романчилиги эришган ютуқларни заррача камситмаган ҳолда шуни очик айтиш керакки, улар орасида яхшиси қатори, ўртамиёна ва ҳатто яроқсиз романлар юзага келганлиги кишини ташвишга солади. Шу ўринда бундай романлар қаёқдан пайдо бўлаётир, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Чамаси, айрим романнавислар масъулият ҳиссини унутгандек, мавзуга юксак партиявий позициядан, замон талаби даражасида ёндашмагандек хулоса пайдо бўлади.

Бу ўринда даъвомиз исботи учун яна конкрет мисолларга мурожаат қилайлик. Масалан таниқли ва забардаст романнавис Ҳамид Ғулومнинг «Машраб» романи ёки Саъдулла Кароматовнинг «Сўнги бархан» каби асарларни олиб кўринг. «Машраб» романини ёзишда ёзувчи ўз ижодига аввалгидек юксак масъулият билан муносабатда бўлмаганлиги очик сезилади. Оқибатда асар йирик тарихий шахс — демократ шоир Машрабнинг мураккаб қиёфасини тўла гавдалантира олмайди. У шоир ҳақидаги оддий тавсиф, талқиндан нарига ўтмади. «Сўнги бархан» романида ҳам муаллиф ҳаётни, замондошларимиз характери чуккур ўрганмай туриб, кўлга қалам олганлиги кўринади. Натижада ҳаётимиз, жамиятимиз учун ёт бўлган сохта «раҳбарлар» асарга қаҳрамон қилиб олинди. Демак, ҳаётдан олиб ёзилаётган асарда яшовчан ва истиқболи бор воқеаларни топа билишгина етарли эмас, балки уларни реалистик тарзда, объектив ҳолда; марксизм-ленинизм методологияси замида умумлаштира билиш маҳорати ҳам эга бўлиш зарур. Афсуски, адабий танқидчилик бу ўринда ҳам адибга ёрдам кўрсатиш ўрнига асарни нообъектив баҳолаб, ёзувчини ноқулай аҳволга солиб қўйди. Ачинарлиси шундаки, бундай асарларни баҳолашда ёш ва тажрибасиз танқидчилар эмас, кўзга кўринган ва катта тажрибага эга бўлган танқидчилар ҳайбаракаллачилик, хушомадгўйлик йўлини тутдилар. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов мазкур асарнинг муҳокамаси даврида ҳам (Ўзбекистон Ёзувчилар союзи проза совети йиғилиши, 25 май, 1982 йил протоколи), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги (5 август, 1983 йил) «Мавзу ва талқин» номли каттагина мақоласида ҳам шу йўлни тутди. Асар муҳокамаси даврида танқидчи: «Асар яхши, қизиқиб ўқилади», «Бу асар автор ижодида бир бурилиш», деб баҳолаша, мақолада эса асар бош қаҳрамони Абдукарим Ваҳобовни кўкларга кўтаради, лафзи ҳалол, дили пок партия ходими» деб мактайди. Мақола сўнггида: «Биз юксак бадийлик ва ғоявийлик талабларидан келиб чиқиб, асарнинг баъзи фазилатлари ва айрим камчиликлари ҳақида фикр юритдик... Хусусан, романда кўтарилган ижтимоий масалаларнинг салмоғини ҳисобга олганда «Сўнги бархан» С. Кароматовнинг ижодида янги қадам эканини англаш қийин эмас», — деган хулосани чиқаради. Худди шундай юқори баҳолаш танқидчи Иброҳим Ғафуровнинг «Маънавият ва фаолият» («Совет Ўзбекистони» 21 август, 1983 й) номли тақризи учун ҳам ҳамоҳангдир.

Яна бир ибратли мисолга эътиборингизни тортишни хоҳлардим. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг ўтган йилги 6-сонида Матёқуб Қўшжоновнинг «Партия сўзи — ижодкор бурчи» деган жиғдий мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф ижобий факт ва ҳодисаларни ўз номи билан айтди-ю, салбий ҳодисалар, нуқсонларга келганда умумий гаплар билан чегараланади. Мисол келтирган ўринларда эса, на конкрет асар номини, на авторини тилга олади.

«... Яқинда яратилган ўзбек романларидан бирида Улуғ Ватан урушининг асосий юкини елкасига олган ўзбек офицери (кейинчалик генерали) жанг майдонларида юриб тасбеҳни эрмак қилади, бунинг устига унинг сабабсиз қамоқларда бўлгани, оиласи буни ташлаб кетгани қайд қилинади» ва ҳоказо. Муҳими, танқидчи ушбу томондаги нуқсонларни тўғри кўрсатади. Бироқ айтганимиздек, унинг адресини очик айтишга ботинолмайди. Нега танқидчи ўз фикр ва мулоҳазаларига ҳалол ва объектив бўлса, «бетга айтганининг захри йўқ» дегандек йўл тутмайди? (Гап бу ерда ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романи ҳақида борапти. Танқидчи ўзининг ҳалол ва мард фикри билан ёзувчига кўмаклашмоғи лозим эди.)

Қисқаси, адабий танқиддаги ана шундай нообъективлик ва лоқайдлик туфайли баъзи кўпгина кўзбўямачи ва нопок шахслар ҳам бир қатор кичик, ўрта ва ҳатто йирик асарларга бош қаҳрамон қилиб кўтарилади.

Хуллас, баъзан хом-хатала, ўртамиёна, ҳатто ғоявий жиҳатдан яроқсиз асарларнинг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан баъзи ёзувчиларнинг замон ва келажак олдидagi ўз масъулиятига лоқайд муносабатда бўлаётганлиги, ҳаётни чуқур ўрганмай туриб, шошма-шошарликка йўл қўяётганлиги, бадий маҳорат талабларини унутаётганлиги оқибати, десак хато бўлмас. Айниқса, бу борада фақат бошловчи ёш ёзувчигина эмас, балки катта тажрибага

эга санъаткорларнинг бундай нуқсонларга йўл қўяётганлиги ачинарли ва кечириб бўлмас ҳолатдир. Янги асарларнинг муҳокамаси паст савияда, етарли талабчанлик кўрсатилмасдан ўтказилаётгани ҳам ишимизга жиддий зарар етказмоқда. Кўп ҳолларда эса муҳокама даврида қайта ишлашга тавсия этилган асарлар ҳеч қандай ўзгаришсиз босилиб чиқмоқда. Адабий танқидчиликда масъулият ҳисси камайганлиги, баъзан эса редакцияларда етарли талабчанлик кўрсатилмаётганлиги ҳам мана шундай жиддий нуқсонлар содир бўлишига олиб келади. Бинобарин, кўп ҳолларда бадий маҳоратнинг етишмаслиги, ёки жиддий талаблар билан ёндашилмаслиги орқасида замонавийликни чуқур англаб етиш ҳам замон талаблари даражасига кўтарилмади. Аммо, бахтимиз шундаки, адабиётимиз, жумладан, романларимиз тараққиётини айрим бўш ва хом-хатала, яроқсиз асарлар эмас, ғоявий-бадий етук полотнолар белгилайди. Ишончимиз комилки, табиатан бақувват ва соғлом ижодкор коллективимиз замон талаблари даражасида кўплаб асарлар яратишга қодир.

Нуриддин Шукуров

Ўзбек совет адабиётининг қарийб етмиш йиллик тараққиёти давомида проза, поэзия, драматургиянинг ғоят турли-туман жанрлари шаклланди. Кенг китобхонлар оммаси ҳикоя, қисса, роман, драма, комедия, трагедия, дoston, баллада, манзум каби хилма-хил жанрлардаги бадий асарлардан эстетик завқ, маънавий озиқ олиш даражасига ўсиб чиқди. Лекин ҳозирги босқичда ҳам шеър ҳамон жанговар сафда, олдинда бормоқда.

Эркин Воҳидовнинг «Ватан соғинчи» шеърини хотирланг. Унда «Афғон боласига малҳам» қўяётган, «Нур қасрини тикиб Фурот узра араб хонасига қуёш ёқаётган, Африкада пахта ўстираётган, «юртдан йироқда юртининг хизматига камар боғлаган» замондошларимиз образи қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдиради.

Шоирнинг «Ернинг тортиш кучин энгиш осондир. Лекин кўнгил узмоқ бу юртдан душвор» мисраларида Ватан ва соғинч туйғуси, чет элларда ишлаётган ватандошларимизнинг метиндек бардоши бизни ҳаяжонга солади. Шеърнинг замонавийлиги ҳам ана шунда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Эркин Воҳидовнинг шу муносабат билан яратилган «Ўзбекистон коммунистлари» қасидаси шеъримизда алоҳида ўрин тутди. Унда коммунистларнинг халқимиз бахт-саодати йўлида олиб борган курашлари, Улуғ Октябрь инқилоби, граждaнлар уруши, совет кишисининг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликлари, фидокорона меҳнатлари ҳаяжонли фикрлар, тарихан ҳаққоний фактлар орқали поэтик ифодаланган.

Менимча, қасида руҳидаги бундай ижтимоий-публицистик шеърларнинг адабиётимиз ва ҳаётимизда ўз ўрни, қадри бор. Уларни бошқа асарларга қарама-қарши қўйиб, камситиш тенденцияси асосли эмас. Аввало, танқидчиликда шундай тенденция борми?

Норбой Худойбергaнов «Ҳақиқат ёғдулари» китобида «Эркин Воҳидов «Тирик сайёралар» туркумини ёзгандан кейин негадир кўпроқ мадҳияга берилиб кетяпти» дейди. «Ўзбекистон коммунистлари» қасидасини ана шу тенденциянинг намунаси сифатида таҳлил қилади. Бундай шеърларда қасида руҳи сезилиши мумкин, лекин асло мадҳиябозлик эмас. У коммунистик партия босиб ўтган

тарихий йўлнинг реалистик ифодасидир. Тўғри, шеърят турли қайфият, ҳолатдан туғилади. Қувонч, шодлик, ифтихор, қайғу ва ҳижрон изтироби, висол қувончи, шунингдек, ҳаётдаги турли-туман ҳодисалар, кечинма ва фикрлар шеър учун поэтик мавзу бўла олади.

Зулфиянинг «Мушоира», «Ўғлим, сира бўлмайти уруш», «Келажак», «Нур» каби шеърлари қанчалик замонавий, ҳаётий бўлса, муҳаббат мотивидаги («Юлдуз», «Соғинганда», «Не балога этдинг мубтало» каби) шеърлари ҳам шундай. Негаки, у шеърларнинг лирик қаҳрамонлари катта муҳаббат эгаси бўлган замондошларимиздир. Улар ўз дардлари, қувонч ва шодликлари билан садоқат, меҳру вафо тимсоли сифатида кўз олдимизда яққол гавдаланади.

Ҳалима Худойбердиеванинг — «Қайтмайман» шеърининг лирик қаҳрамони — урушда ҳалок бўлган жангчининг беваеси, вафодор ўзбек аёли. У қирқ йилдан буён эрининг фронтдан юрган охириг хатини кўкрагида асраб яшайди. Жангчи йигитнинг разведкага жўнаш олдидан ёзган бу мактубида «Қайтмайман, бурчимни бажариб ўламан», деган сўзлар аёл қалбига нақшланиб қолган. Бу сўзлар ҳамisha унинг дилида ва тилида такрорланади. Шеър охирида у жангчи йигитнинг Ватанга, бева аёлнинг эса азиз ёрига садоқати сифатида жаранглайди:

**Қайси тўзим билан ўтказдим бошдан,
Қирқ йил қайталаган кўклам, ёзни мен.
Кўкрагимда ёнғин чиққанда тошдай,
Тошдай босдим унга муз қоғозни мен
«Қайтмайман...» Ҳа, мен ҳам қайтмайман
фақат.**

**Умр ўтди ҳижроннинг тутунин ютиб.
Кетяпман ўзимга келолмай қарахт
Сарғайган бу қоғоз қўлимдан тутиб,
«Қайтмайман, бурчимни ўтаб ўламан».**

Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон каби устоз шоирларимиз ижодида бўлганидек Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон сингари шоирларимизнинг энг яхши шеърларида фожиавийликни лирик планда тасвирлашнинг реалистик, замонавий принциплари қарор топди. Эстетик дидимиз ҳам ана шу принциплар асосида шаклланди, ўсди, камолотга етди.

Асқад Мухторнинг «Тушларим, безовта

тушларим» шеъридаги «Юрагим ўрнида баъзан кўраман яшин урган қоракуя тош» масрасида беқиёс бир ҳасратли ҳолат ифодаси бўртиб турибди. Зеро бу ғам-аламнинг сабаби жуда реал ва ҳаётий:

«Умр оқар, оқар, лекин у ҳамон Хиросима билан замондош!»

Ўзини илғор, чин инсон деб билувчи ҳар бир одам атом уруши хавфидан ана шундай изтиробга тушиши, ҳасрат чекиши мумкин. Ёки, Абдулла Ориповнинг «Маломат тошлари», «Қирқ ёш», «Мени олиб кетинг», «Кўриқхона» шеърларидаги изтироб ҳам реал сабаблардан ҳосил бўлганлиги учун ҳаётий ва асосли. «Мени олиб кетинг», «Қирқ ёш» шеърларининг лирик қаҳрамони юраги хасталанганлиги туфайли «Энди мен сафларга қандай ярайман» дея изтироб чекади. Бошига хасталик тушганда она юртга тезроқ етиб олиш орзуси билан талпинади. «Кўриқхона» шеърида эса инсоф, меҳр-оқибат ва виждонни, «эзгу латиф ҳислар»ни таҳқир қилмаслик ғамидан ҳайқиради. Лекин бундай шеърларни баҳолашда танқидчилик ҳамisha ҳам замонавийлик принципларига асосланаяпти, деб бўлмайди. Мен шу ўринда танқидчиликда қизғин мунозарага сабаб бўлган айрим шеърларга эътиборни тортмоқчиман.

**Телбаларга қарайман гоҳо,
Не қиларим билмайин абгор,
Босиб келар ҳасратли дунё,
Бекор бўлар шодлигим, бекор...**

Хўш, мана шу шеърдаги ғам-аламга, ҳасратга танқидчиларнинг муносабати қандай?

Мен Рауф Парфининг шундай бошлангани шеърдаги ғам-алам ва ҳасратнинг замири етарли очилмаган, шунинг учун ҳам у асосли эмас, деб ҳисоблайман. Мунаққид Иброҳим Ҳаққулов мазкур шеърдаги шоирнинг ҳасратини, «дунёнинг турли сарҳадларида ҳамон қуллик ҳукмрон» бўлиб қолаётганлиги туфайлидир, деб изоҳлайди. Наим Каримов «70-йиллар поэзияси ҳақида баъзи мулоҳазалар» номи мақоласида, сабаби ноаниқ ҳасрат ифодаланган шеърларни оқлаш учун «лирик қаҳрамон типик бўлиши шарт эмас», деган фикрга асосланади. Бундай қарашга қўшилиш қийин. Чунки бадий адабиётнинг бошқа жанрларидаги образлар каби лирикада ҳам фақат типик образларгина катта ижтимоий-эстетик салмоқ касб этади.

Норбой Худойберганов «шоир бошқа, лирик қаҳрамон бошқа» деган принципга асосланган ҳолда ёзади: «Шоирнинг ўзи эмас, балки унинг айрим лирик қаҳрамони «одамлигим ёлғондир, ахир», «Чумолича эмасдир инсон» деб наъра тортмоқда. ... Телбаларча адашиб юрган шоир эмас, балки унинг лирик қаҳрамони».

Бундай ҳолда шоирнинг лирик персонажга муносабати аниқ ва равшан бўлиши керак, деган фикр туғилади. Асқад Мухтор «Шеър-шоирнинг ижтимоий виждони» мақоласида мазкур масаланинг моҳиятига чуқурроқ ёндашади. Рауф Парфи ижодини юксак баҳолаган ҳолда унинг айрим шеърларидаги лирик қаҳрамон ҳолатини тўғри тушутиради!

«Гоҳо лирик қаҳрамон ўқиб нур ахтаради, гўзаллик унга машъум кўринади, у тамом телба, ариқ — гўё шиллиқ қурт, осмон сариғ, ҳаёт — йўқ, дунё — ҳасратли, шодликлар бекор, ўзи кўланка, одамлиги — ёлгон... Бир фожиа бўлибди, шекилли, деб кутасиз, йўқ,

бекордан бекор... Тўғри, одамда ўта тушкун ҳолатлар бўлиши мумкин, аммо уларнинг ташқи олам билан боғлиқ сабаблари бўлади, акс ҳолда бу ҳолатни психо-физиологик ҳолат экан деб ўйлашга тўғри келади, ёки уни шоирнинг ўйлаб чиқарган нарсаси деб, китобхон ўзига олмайди қабул этмайди, демак, бу бадий воқеа эмас».

Шунинг учун замири, сабаби очилмаган ҳасратзада шеърларни ана шундай чуқур идрок қилиш асосида таҳлил қилиш замонавийлик, юксак ғоявийлик учун курашнинг амалдаги кўриниши бўлди.

Адабиётда замонавийлик учун кураш аниқлик, тарихий конкретлик учун курашни англади. Шунинг учун, деярли барча танқидчиларимиз поэзиядаги мавҳумликка қарши фикр баён этмоқдалар. Масалан, Наим Каримов Рауф Парфининг Николай Рубцов хотирасига бағишланган шеърда тушунб қийин метафоралар бор деб кўйинади. Х. Даврон ҳақида «Лекин мураккаб изланишларнинг маҳсули бўлган асарларида шоирнинг очик-тайин мақсади ва маслага сезилмай қолади» деб ёзади. М. Солиҳнинг «Отхонада от ухлар тикка» деган шеърини кўчириб, «Шоир бу шеър билан нима демоқчи?» деган саволни қўяди.

Норбой Худойберганов эса М. Солиҳ ҳақида бундай ёзади:

«Еш шоир кўрган, идрок этган, тушунган хусусиятлар, ҳолатларини ҳамма вақт ишонтирарли гавдалантира олмайди. Оқибатда асло идрок этиб бўлмайдиган жумбоқлар туғилади... Асқад, М. Солиҳнинг бир қанча шеърларида ечилмайдиган чигалликлар, мавҳумликлар учрайди».

Шеърятимиздаги мавҳумликка муносабат масаласида Н. Каримов каби Н. Худойберганов ҳам, сал олдинроқ бу масалага ёндашган И. Ғафуров ҳам бир хил фикрда. Аммо конкрет шеърларга келганда фикрларимиз ҳар хил бўлиб чиқмоқда. Н. Худойберганов М. Солиҳнинг «Уйқусизлик», «Оқаяпман деб хаёлига келтирмайди дарё» каби шеърларида мавҳумлик борлиги ҳақида И. Ғафуров ва мен айтган фикрларни рад этиш учун ўша шеърни қайта таҳлил қилади. Аммо мунаққиднинг бу таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалари бизни ишонтирмайди.

Н. Худойберганов «Уйқусизлик» шеърдаги лирик қаҳрамон изтиробларини «жуда кучли, ақлли, мард инсоннинг теварак атрофда рўй бераётган ҳодисаларга аралашмасдан, ўз кучи ва қудратини ишга сафарбар этолмасдан тўлғониб ётиши, ўз лоқайдлиги, бепарволиғи ни ўзи ҳазм қилолмасдан ўртаниб ётиши» тарзида изоҳлайди. Ваҳоланки, гап бошқа ёқда. «Уйқусизлик» шеърдаги лирик қаҳрамон бепарво, лоқайд эмас, у кучли изтиробда. Аммо ундаги алам ва изтиробларнинг замири ноаниқ, мавҳум. Агар шоир лоқайд, бепарво одам ҳақида шеър ёзмоқчи бўлса, унга нисбатан ўз муносабатини аниқроқ, конкретроқ ифодалаш йўлини топган бўларди. Шунингдек, «Оқаяпман деб хаёлига келтирмайди дарё» шеъри замиридаги ғоя ва мазмун ҳақидаги Н. Худойберганов фикрлари ҳам ишонарли эмас.

Танқидчининг ёзишича, шеърдаги мажозий тасвирлар «дунёга янги келган — энди туғилган инсон, чақалоқ битмас-туганмас қувонч бахш этишини, одам ўлганда эса даҳшатли изтироб, ғам-алам чекишини қанда қилиб, фақат нарсалар, яъни телефонлар учун жон куйдириб «ўлиб-тириладиган» баъзи шахслар-

га қаратилган аччиқ кинояни ифодалайди.

Менимча, бу шеърда бола туғилишидан қувонмайдиган, одам ўлишидан қайғурмайдиган киши фош қилинаётгани йўқ. Шоир турли қабиҳ ишларни: яроқсиз одамларни у ёки бу ишга қўйишни, яхши кишиларга қарши ифво, бўхтон уюштирилларни телефонда битказиб оладиган одамлар фош қилинапти. Шоирнинг айтишича, агар телефон жонли мавжудот бўлганда бу қабиҳликлардан сапчиб кетиб, юраги ёрилган ва ўлган бўларди.

Мен шеърни юзлаб студентлар, ўқитувчиларга ўқиб бериб, маъносини айтиб беришни илтимос қилдим. Аммо ҳеч ким ундан Норбой Худойберганов айтган, ёки мен ҳозир айтаётган маънони топган эмас.

Модомики, шундай экан, шеърни жумбоққа айлантириб юбормаслик ҳақида барча истевдодли шоирлар айтган фикрларга қўшилмоқ керак. Шеърятнинг гоъвий-бадий юксаклиги, замонавийлиги ва ҳаётийлиги ҳамisha зарур.

Норбой Худойберганов

Эзувчи ҳозирги кунда рўй бераётган воқеаларни қаламга оладими еки тарихий мавзуга қўл урадимиз, агар у асар қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий ҳамда интим фаолиятини моҳирона ёритиб, давр ҳақиқатини очиб беролмас, бадий ижоднинг замонавийлиги ҳақида сўз юритишнинг ҳожати йўқ, деган Асқад Мухторга қўшиладман. Кеча ёзилиб, бугун чоп этилган, аммо дарров унутилиб кетаётган асарларда сийқаси чиққан фикрлар баён этилади, қаламга олинган мавзу чуқур ёритилмайди. Истевдод йўқ жойда маҳорат бўлиши ҳам мумкин эмас.

Диққат қилинг: 1984 йили ўнлаб катта-кичик эпик, поэтик ва драматик асарлар босилиб чиқди. Уларнинг аксарияти бадий жиҳатдан бўш эканлигини мақолаларимизда бир неча бор таъкидлаганмиз. Бироқ бирорта қисса ё роман ёки драма ҳаққоний таҳлил орқали принципал танқид қилинмади. Аксинча, бўшлиги яққол кўриниб турган асарларни ҳар хил ваз-корсонлар топиб мақташга интиламиз. Хусусан, А. Шомирзаевнинг «Ғулгула» деган китобига «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да икки мақола берилди (1985 йил, 8 февраль). Бирида «Ғулгула» яхши асар деб мақталади, иккинчисида яхши ният ўзининг яхши ижросини топмаган, деб танқид қилинади. Н. Холлиевнинг танқидий руҳ билан суғорилган мақоласида «романдаги ижобий персонажлар ҳамisha яхши, салбийлари эса ҳамisha ёмон» деган фикр таъкидланади ва бу асарда қаламга олинган мавзу қанчалик долзарб бўлишига қарамасдан чуқур очилмаган, дейилади. Мақолани ўқиб, «Ғулгула» бадий жиҳатдан бўш асар экан, деган хулоса чиқарасиз. Тўғри, ҳаққоний хулоса. Аммо бунга зид ҳолда иккинчи мақолада (муаллифлар: М. Муродов, Х. Эгамов ёзган) мазкур асар ижобий баҳоланади.

Мазкур мақолалар «Бир асар ҳақида икки фикр» рубрикаси остида берилган. Бу тажриба жуда зарур. Афсуски, уни ҳозирча «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидагина аҳён-аҳёнда учратамиз. Хўш, нима учун «Шарқ юлдузи» ёки «Ёшлик» журналларида «бир асар ҳақида икки фикр» ёритилмаслиги керак, деб ажабланасан киши. Лекин шунини унутмаслик шарт: фақат тирик, жонли асарларгина «икки фикр», баҳс учун материал беради. Бу борада «Литературная газета»да яхши ишлар қилинапти. Унда 1985 йилнинг бошидаёқ О. Чиладзенинг «Темир театр»,

А. Кимнинг «Олмаҳон» деган бақувват асарлари муҳокама қилинди. Номигагина эмас, асл моҳиятига кўра қизгин мунозара бўлиб, ҳақиқатан ҳам «икки фикр» — ижобий ва салбий фикрлар тўқнашуви ёритилди. Бизда эса «икки фикр» куруқ мақтовдан иборат бўлиб қолапти. Ҳолбуки, тажрибали ёзувчиларимизнинггина эмас, балки кўплаб ёш носирларимиз, шоирларимизнинг энг яхши асарлари қарама-қарши фикрлар туғилиши учун мавзу бўла олади. Тўғри, Хайридин Султоновнинг «Ёзининг ёлғиз ёдгори», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш», «Истевфо», Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» каби қиссалари хусусида баъзи бир-бирига зид фикрлар айтиляпти. Бироқ баҳсда битта шартга қатъий риоя қилиш лозим: қарама-қарши, бир-бирига зид нуқтаи назарлар конкрет асарларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, илмий-эстетик ҳақиқат ғалабасини таъминлашга қаратилсин. Ваҳоланки, юқоридаги асарларга нисбатан айтилаётган таъналар кўпинча гоъвий-бадий мақсадларни бузиб талқин қилиш натижасида юзага келмоқда. Чунончи, «Жавоб» қиссасининг нуқсонлари танқидчиликда қуйидагича изоҳланиди: «Лекин ... бош қаҳрамон Элчиев образида фаоллик, курашчанлик етишмайди, унинг атрофидаги ижобий кучлар етарли кўрсатилмаган, қиссада бадий-мантиқан ишонтирмайдиган ўринлар учрайди, ижтимоий муҳит теранроқ акс эттирилиши керак эди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 14 декабрь). Баъзи мунаққидларимиз эса «Жавоб»даги Элчиевдагина эмас, балки «Ёзининг ёлғиз ёдгори»даги Адаш Карвонда, «Истевфо»даги Эломоновда ҳам курашчанлик, фаоллик етишмайди, улар ҳақиқат, адолат тантанаси учун фидокорлик кўрсатмайди, аксинча чексиз изтироб чекадилар, ғам-аламларга «ғарқ» бўлиб яшайдилар, оқибатда бу персонажлар ўқувчиларга ўрناк бўладиган фаол қаҳрамонлар даражасига кўтарилмайди, деб даъво қиладилар.

Зеро, адабиётимизга фаол, курашчан қаҳрамонлар керак. Лекин истак ва хоҳишимиз ҳамма вақт амалга ошаётгани йўқ. Ахир, ўйлаб кўрайлик: ҳали ўзининг нималарга қодир эканлигини англаб етмаган одамлар оз эмаску! Ҳатто баъзи шахслар ҳаётнинг курашдан иборат эканлигини яхши тушунадилар, лекин ўзларини кескин тўқнашувлардан четга олиб, тинч-осойишта яшашни афзал кўрадилар.

Демак, ёзувчи ҳаётга актив муносабатда бўлувчи жанговар қаҳрамонларни, шунингдек, ҳаёт оқидамида «сузиб» юрувчи, бўш-баёв, мўмин-қобил шахслар қисматини ҳам тадқиқ этишга ҳақлидир. Буни назарий жиҳатдан ҳеч ким инкор этмайди. Бизда эса негадир барча ёзувчилардан фақат жанговар, курашчан қаҳрамонлар яратишни талаб қилинади. Майли, адабларимиз олдига шундай талаб қўйинг. Бироқ шуни унутмаслигимиз керакки, ижодкорнинг курашчанлиги ҳар хил шаклларда намоён бўлади. Айтишлик, ёзувчи ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга бефарқ бўлиб тақдирга тан берган, ўзгаларга муте, мўмин-қобил шахсларнинг фожиасини кўрсатиш орқали адолат кудратини намоёйиш қилиш ҳам мумкин. «Жавоб» қиссасидаги Элчиев ҳаётга назар ташланг: бу одам каттага ҳам, кичикка ҳам сўз қайтармайди, ҳамманинг хизматини бажаради; ишда ҳам, уйда ҳам мўмин-қобиллиги билан ажралиб туради. Аммо кўп ўтмай бундай яшаш нотўғри эканлигини тушунади: «Бориға шукр қилиб, қаноат қилиб юрaverибди! Интилмабди! Қайини эркин қўйибди — қаёққа сузса сузаверсин! Тизгинсиз, сарсари қалқиб юрган қайиқ ногаҳон довулга учраб, чилпарчин бўлибди, ичидаги одам эса кўрқоқ, ношуд кимсага айланиб қолибди. Аслида бошига тушган бу балолар ана шу қилмишларига яраша тақдирнинг бир жазоси — жавоби эмасми?»

Худди шундай: ўзгалар измига бўйсуниб яшаш, тобелик, кишини ҳалокатга олиб келади. Уз эрки, ҳақ-ҳуқуқи учун курашмаган одам фожиага юз тутаети. Буни Элчиев англаб етади. Ёш ёзувчи қаҳрамоннинг ҳалол ишлаб, ҳалол яшашини, одамларга яхшилиқ қилиш учун интилишини ёқлайди, лекин унинг ҳаётда пассивлигини қоралайди. «Ёзининг ёлғиз ёдгори»даги Адаш Карвон ҳам ўзининг мутелиги, мўмин-қобиллиги учун боши берк кўчага кириб қолади.

Элчиев ёки Адаш Карвонга ўхшаш қаҳрамонларни курашчан қилиб тасвирлаш мумкин эди, бироқ жанговарлик руҳи уларнинг характер мантиқиға мос тушмайди, чунки Адаш Карвон билан Элчиев сингари шахслар ўз тақдирларини ўзлари яратиш, муҳитдаги маразларга қарши курашишга табиатан ожиздирлар. Демак, ёзувчиларимиз ўз ва ўзгалар ҳаётига бефарқ қараган одамнинг бошига Элчиев ёки Адаш Карвоннинг куни тушади, деган фикрни олға сурмоқда.

Бироқ, шу фикр баъзи қаҳрамонлар руҳига сингдирилмайди, аксинча, шунчаки баён этилади. Ҳолбуки, Элчиев ва Адаш Карвоннинг ички дунёсидаги ўзгаришлар, уларнинг ўзлари билан ўзлари олишишлари, муҳит билан тўқнашувлари янада ёрқинроқ ва чуқурроқ очишлиши зарур эди. «Ёзининг ёлғиз ёдгори», «Жавоб» ва «Истеъфо» қиссалари шу нуқтаи назардан танқид қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, истеъдодли ижодкорлар кўп эмас, лекин улар сўз санъати равнақини таъминлайдиган асосий куч эканлигини унутмаслигимиз керак. Аммо истеъдод учқунлари кўриниб турган асарларни бирёқлама талқин этиб чиқаётган мунаққидларимизга тушуниб бўлмайди. Шуни унутмаслик керак: ғоялар, фикрлар соғлом, ижобий образларда яшайди, бадийлик орқали ўзлигини намоён қилади. Партия ва ҳукуватимиз ҳамма вақт ғоявийлик билан бадийликнинг бирлигини таъминлашга даъват этаётгани бежиз эмас. Бинобарин, ҳар қандай кудратли ғоялар жонли, ҳаётий, таъсирчан образларга синди-

риб юборилмаса, ўқувчиларни ҳаяжонга солмайди.

Муҳаммад Саломнинг 1984 йилда босилиб чиққан «Мувозанат» романи ҳамда Эргаш Раимовнинг «Кўз илғамас шуълалар» қиссасини олиб кўрайлик. Ҳар иккала асардан ҳеч қандай ғоявий чалқашликни тополмайсиз. Уларда фақат тўғри фикрларга дуч келасиз, ғоявийлик талабига мос тушмайдиган ҳолатлар йўқ. «Мувозанат»да эл-юрт, халқ олдидеги бурчини яхши ҳис қилдиган, адолатпарвар, яхши раҳбар ходимлар мадҳ этилади. «Кўз илғамас шуълалар»да эса одамларга қувонч улашётган ҳаваскор санъаткорларга таҳсинлар ўқилади. Бу асарлардан бирини шаклан роман, иккинчисини қисса, деб эътироф этасиз. Аслида унисини ҳам, бунисини ҳам чинакам эпик асар деб ҳисоблаш жуда қийин. Муҳаммад Салом райком секретари Рустамов фаолиятини, унинг хатти-ҳаракатларини, изланишларини умумий йўсинда, қуруқ баён этади. Эргаш Раимов ҳам худди шу йўлдан боради: «Тўхтаҳоннинг одати жуда ғалати эди. Кўзнинг охирларида бирдан унинг феъли ўзгариб, бир оз инжиқланиб қолар, Болтавой аканинг буйруқларидан ҳам бош торта бошлар, ўйинга ҳам унча ҳафсаласи келмасди, ётгиси келаверар эди. Болтавой ака уни дарвор тушунди: «Э, кўрмулладан дарак кеп қолганга ўхшайди», дерди қулиб. Кейин. «Бу йилги сезон шу билан тамом» дерди-да, айиғини етаклаб йўлга тушарди. Уйга келиши билан Болтавой ака қиш тараддудига тушиб кетарди...»

Диққат қилинг: Тўхтаҳон — айиқнинг одати ғалати, унинг феъли ўзгарибди, инжиқ бўлиб қолибди. Эгаси Болтавойнинг буйруқларига бўйсунмайди, томоша кўрсатишни хоҳламайди, лекин айиқнинг ўша хатти-ҳаракатлари, ҳолатлари кўз ўнгимизда яққол гавдаланмайди. Ёзувчи Тўхтаҳон — айиқда қандай ўзгариш рўй бераётганини баён этишдан, изоҳлашдан нарига ўтмайди. Болтавой аканинг айиқчани қандай қилиб тарбиялагани, сўнг ўзиям ҳаваскор санъаткор даражасига қандай кўтарилгани таъсирчан манзараларда тасвирламайди. «Мувозанат» романидаги Рустамовнинг дастлаб колхоз раиси сифатида жуда ажойиб ишларни бажаргани, сўнгра райкомнинг биринчи секретарлигиға сайлангач, район марказида гўзал хиёбон яратгани, қолақ хўжаликларни илғорлар сафиға кўтаргани, хусусида жўшиб сўзланади. Лекин Рустамов ўз характерининг ва ҳаёт мантиқиға кўра эмас, балки ёзувчи хоҳишиға мувофиқ ҳаракат қилади. Қаҳрамон қандай ишға қўл урмасин, қандай жасоратға бел боғламасин, барчаси баён этилади, қўлларни «жизиллатадиган» тасвир кўринмайди. Оқибатда у ёзувчи ғояларини ифодаловчи шунчаки воситаға айланиб қолади. Қаҳрамон — Рустамов гўё ҳамма вақт доно, зукко раҳбар бўлиб, ҳеч қачон бирорта камчилиқка йўл қўймайди, муҳолифларидан доимо устун келади. Ҳолбуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида масъул вазифаларни эгаллаб турган худди Рустамовға ўхшаш шахслар аслида кўзбўямачилик, қаллоблик ва порахўрлик билан шуғуллангани, халқ мулкиға хиёнат қилгани рўйи рост фош этилди.

Мана, Нуриддин Шуқуров замонавий шеърятимиз тараққиёти ҳақида тўлқинланиб гапирди. Бу яхши. Эришилган ютуқларни кўрсатиш асосий вазифаларимиздан бири. Аммо ҳурматли мунаққидимиз ўз фикрларини ишонарли таҳлил орқали далиллаш ўрниға

шеърларни умумий йўсинда таърифлаб-таъсирлашдан нарига ўтмади. У қуруқ мақтовга маҳдиё бўлиб, поэзиямизнинг янада юксак доволарни забт этишига нималар ҳалақит бераётгани тўғрисида жиддий мулоҳаза юритмади. Аксинча, баъзи шоирларимиз ижодидаги айрим камчиликлар хусусида сўз очган мунаққидларга шунчаки дашном беришга интилди. Хусусан, у Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистон коммунистлари» шеъри ҳақида мен илгари айтган танқидий мулоҳазаларга эътироз билдирди.

Ростини айтсам, мен Эркин Воҳидовни шеърятимиз равнақиға салмоқли ҳисса қўшаётган забардаст шоир сифатида қадрлайман. Унинг «Арслон ўргатувчи», «Биз ишляпмиз» каби ўзига хос етук шеърлар яратганини қайта-қайта таъкидлаганман. Айни чоқда, Эркин Воҳидов баъзан ўз имкониятлари даражасида қалам тебратмаётганини айтиб, мисол тариқасида «Ўзбекистон коммунистлари» шеърида ҳаммага маълум фикрлар баён этилганини, ёрқин поэтик образ яратилмаганини кўрсатишга интиланман. Яна такрорлайман: шеърда коммунистлар шаънига айтилган мақтовларнинг ҳаммаси тўғри, бироқ шунинг ўзи етарли эмас. Балки мазкур шеърда ноёб поэтик топилмалар, янгидан кашф этилган салмоқли образлар бордир, эҳтимол уларни мен сезмагандирман? Борди-ю, Нуриддин

Шукуров шу саволга ҳаққоний, чуқур таҳлил орқали жавоб қайтарса, шеърнинг етуқлигини исботласа, мен танқидий мулоҳазаларимдан воз кечишга тайёр эдим. Афсуски, Н. Шукуров «Ўзбекистон коммунистлари»ни баркамол асар деб қабул қилмоқ керак дейди-ю, лекин бу даввони исботлайдиган илмий-эстетик далиллар келтиролмайди.

Н. Шукуров бадий асарда фақат аниқ ва ҳаётбахш ғоялар илгари сурилиши керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқадики, бунга умуман эътироз билдириш қийин. Олимнинг баъзи асарларида учраётган мавҳумликлар, ноаниқликларга қарши курашаётганини қадрлайман. Реал воқелика бор нарсани бор, йўқ нарсани йўқ дейиш керак.

Яратиш, кашф этиш ҳақидаги мулоҳазаларимиз фақат бадий ижодгагина эмас, балки адабий танқидчиликка ҳам тааллуқлидир. Аксарият танқидчиларимиз у ёки бу асар мазмунини изоҳлаб, умумий тарзда баҳолашдан нарига ўтмаётирлар. Ўзига хос услуб, мустақил нуқтаи назар билан ҳаёт ва ижод моҳиятини, замон руҳини ифодаладиган илмий-эстетик ҳақиқатни кашф этолмаётирлар. Фақат илмий-эстетик ҳақиқатгина бадий ижодда эришилган муваффақиятларни ҳам, йўл қўйилган хатоларни ҳам ишонарли кўрсатишга қодирдир.

Бахтиёр Назаров

Маҳорат ҳақида адабиётшуносликда куплаб асарлар ёзилгани маълум. Бадий ижод ҳақидаги тадқиқотларнинг барчаси моҳият эътибори билан мана шу ўзак масалага бориб боғланган. Бошқача айтганда, бадий адабиёт инсоншунослик бўлса, танқидчилик маҳоратшунослиқдир.

Ҳозир танқидчилигимиз бу борада анчагина тажрибаларга эга. Бироқ, маҳорат масалаларига бағишланган айрим тадқиқотлар учун муштарак бўлган бир камчилик ҳам бор. Бу камчилик ёзувчи асарларида бадий ижоднинг у ёки бу қонуниятлари нечоғлик акс этаётгани ёки этаётганига қараб баҳо беришда кўзга ташланмоқда. Тўғри, бу нарса ҳам меъёр даражасида керак, албатта. Лекин назарий қоидаларни схема қилиб олиб, асарни қолипга солишга интилиш танқидчиликнинг самарасиз усулларида биридир. Маҳорат масаласини ўрганиш танқидчиликнинг энг амалий ва конкрет шакли сифатида зухур топганидагина ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқара олади. Танқидчиликдаги ҳар бир муваффақиятни асар маҳорат масаласига муносабатни маълум даражада янгиламоғи, унинг қирраларини бойитмоғи лозим.

Яқинда «Литературная газета»да Евгений Сидоровнинг бир мақоласи босилиб чиқди. Худди санъатнинг ўзи англис танқидчилик ҳам қувонч бахш этадиган ишдир, зотан, қувончсиз идрок қашшоқ ва нотўқисдир, дейлади шу мақолада. Бу фикрда барчамиз учун муҳим бўлган зарур гап бор. Эътибор берсак, босилиб чиқаётган мақоаларимизнинг де-

ярли тўқсон фойизиди мана шу хусусият этишмаётгандек туюлади. Фикр юритилаётган асар ҳақида тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, муваффақиятлардан севиниб, камчиликлардан куюниб эмас, аксар ўринларда шунчаки қалам тебратиш учунгина ёзамиз. Илгари сураётган фикрларимиз эҳтиёж ва зарурат натижалари эмас, мажбурият ва зўрма-зўракилик ҳосиласидек таассурот қолдиради.

Шеърый асарлар таҳлилида, айниқса, матнга мутелик ҳамон давом этиб келаётган қусурларимиздан биридир. Бу камчилик шоирларимиз маҳоратидаги ўзига хосликларни, ғоявий-бадий ниятни тўғри идрок этиб, тўғри талқин қилолмаслик айрим чалқаш ва янглиш хулосаларни туғдирмоқда. Биз шоир асарларидаги сўзлар замирида илгари сурилаётган фикрларни ўқишга секинлик билан силжиётганга ўхшаймиз. Сўз — бадий асарнинг бош элементидир. Лекин ҳар қандай асарнинг ана шу Сўз аталмиш муқаддас бирлик замиридан униб чиқувчи фикр ташкил этади. Бу фикр бамисоли гул рангидек бутун асар уйғунлигидан етилиб чиқади. Тажрибали адабиётшунос олим Нуриддин Шукуровни Рауф Парфи ва Муҳаммад Солиҳнинг айрим шеърлари ҳақидаги бирёқлама фикрлари, менимча, мана шу гармонияга етарлича эътибор берилмаганлиги билан изоҳланиши мумкин. Мана шундай чекланиш, афсуски, бошқа айрим шоирларимизнинг асарларига муносабатда ҳам кўзга ташланди. Маҳорат масалаларини ўрганишдаги бундай камчиликлар қанчалик тезроқ бартараф этилса, адабиётимиз равнақи учун шунчалик фойда бериши мумкин.

Мақолаларимизда танқидий руҳнинг бўшлиғи, талабчанлик сустиги, камчиликларни очиб-ойдин, ҳалол, юзхотирчиликсиз ва муро-сасизлик билан очиб ташламай, баъзан йўлига бир-икки танқидий мулоҳаза айтиш билангина чекланиш жиддий камчиликлардан биридир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг бу йўналишда айрим силжишлар кўринаётгани қувонарли ҳол. Лекин, бари бир, юзхотирчилик батамом йўқолмаётганини очиб айтиш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикадаги адабий-бадий танқидчили-ки янада яхшилаш масаласига бағишланган қарорига алоҳида кўрсатилган хушомадгўй-лик касалини йўқотиш ҳам олдимизда турган жиддий вазифадир.

Иброҳим Гафуровнинг поэзиямиз тараққиё-тини ёритишга бағишланган «Шеърят — изланиш демак» номли янги китобда тадқиқ фақат ижобий фикрлар айтиш асосига қу-рилгани, танқидий мулоҳазалар йўқлиги шах-сан мени қаноатлантирмади.

Ёзувчи маҳоратини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни ҳар қанча олқишласа арзийди. Чунки бундай иш фақат ёзувчи, танқидчи, кенг китобхонлар оммаси учунгина эмас, лиривард натижада, маданиятимиз равнақи учун хизмат қилади. Лекин маҳорат масалаларига ба-ғишланган айрим китобларни кўриб ўйланиб қоласиз. Масалан, адабиётшуно Тожи Қора-евнинг бултур босилиб чиққан «Уйғун маҳора-ти» номли китобига назар ташлайлик. Катта умид билан китобни кўлга оласиз.

Тожи Қораев Уйғун тўғрисида биринчи ёзаётгани йўқ. Шу вақтгача у устоз санъаткор ижодига доир бир қатор тадқиқотлар, эълон қилди. Агар янглишмасак, шулардан тўрттаси рисоладан иборат. Демак, мазкур китоб ҳисоб бўйича бешинчиси.

Олим бу янги тўпламида ҳам Уйғуннинг поэзияда, айниқса, лирикада босиб ўтган катта тарихий йўлни, маҳоратини, ўзига хосликларини ўрганишга уринади. Умуман олганда, китобда тўғри фикр айтилган саҳифалар, ижобий баҳога лойиқ ўринлар мавжуд. Лекин унда ниҳоятда жўн мулоҳазалар ҳам учраб туради. Мисол учун олимнинг Уйғун шеърля-тига рус санъаткорлари таъсири кучли бўлди деган тезисни илгари сурувчи фикрларига назар ташлайлик. Шоир ижодига рус классик-лари кучли таъсир кўрсатгани маълум. Уйғун-нинг ўзи ҳам устозларим деб Навоий, Фузу-лий, Фурқат, Пушкин, Лермонтов, Маяковс-кий, Шекспир, Чехов, Горькийларни кўрсат-ганлигини яхши биламиз. Муаллифга бу рўйхат бирмунча озроқ бўлиб кўринади шекилли, Уйғун ижодига таъсир қилганлар сафига В. Г. Белинский, Л. Н. Толстой, Н. А. Некрасов, А. Блок, С. Есенин, Н. Остров-ский, А. Толстой, Д. Бедный, Н. Погодин, А. Фадеев, К. Федин, К. Симонов, Н. Тихонов, С. Шипачев, М. Шверднларни ҳам қўшади. Бу ҳам майли дейлик, чунки адабий таъсир доирасини чеклаб бўлмайди. Лекин бу таъ-сирнинг конкрет роли, далили масаласига келганда тадқиқотчи қуйидагича фикр юрита-ди: «Пушкиннинг «Сувда ўлган одам» балла-даси билан Уйғуннинг «Фашистнинг ўлиги» (1943) балладини ўртасида... ҳамоҳанг ало-матлар мавжуд. Бу иккала баллада ҳам ўликни кўмиш воқеаси — тугундан бошланади ва у тез тараққий қилади. Воқеабандлик, драма-тизмнинг кучлилиги, якунининг бир хиллиги жиҳатидан ҳам бу асарлар бир-бирига ўхшай-

ди. Аммо Пушкин балладасида тасвирланган ўликнинг кимлиги, адреси ва нима учун, ким томонидан ўлдирилиши, хўрланиши сабабла-ри баён қилинмаган. Уйғун балладасида бу моментлар ўзининг етарли ифодасини топган. У ватанимизга бостириб кирган фашизмнинг вакили, уни ёзувчиги учун «бир ботир, «совет солдати ўлдирилган». Наҳотки, улўғ шоирнинг Уйғун ижодига таъсири «ўзбек адабиёти балладанинг классик турига мансуб бир асар билан бойишнинг сабаблари, илдизлари шу нарса билан изоҳланса?

Китобда «жаҳоний аҳамият касб этган социалистик реализм» совет ҳокимиёти йил-ларига пайдо бўлди (20-бет), деганга ўхшаш назарий жиҳатдан хато фикрлар ҳам айтилади. Аввало, нега социалистик реализм методини ҳокимиёт билан боғлаш керак? Бундан ташқа-ри бу метод рус адабиётида биринчи рус революцияси арафаларидаёқ пайдо бўлганли-ги ўрта мактаб дарсликларида ҳам айтилган-ку!

Утган йили Маҳмуд Сатторов ва Акрам Каттабековларнинг «Олис юлдузлар жилоси» номли тадқиқоти босилиб чиқди. Бу китобни сўнгги йиллар адабиётшунослигимиздаги жиддий муваффақиятлардан бири деб баҳо-лаш мумкин. Унда ўзбек тарихий прозасининг ютуқ ва камчиликлари умумсовет тарихий романчилиги билан мустаҳкам алоқадорликда очиб берилади. Лекин мен ҳозир ёзувчи концепциясига ниҳоятда эҳтиёт билан муноса-батда бўлиш лозимлиги ҳақида гапирмоқчи-ман. Тадқиқот муаллифлари «Юлдузли тун-лар» романида дин арбобларининг образлари деярли тасвирланмаган деган фикрни айтади-лар. Аслида шундайми? Бизнингча — йўқ! Назаримизда романда ўз ифодасини топган шиалар ва суннийлар ўртасидаги кескин кураш, Бобурни Ватанидан қувғин қилган сабаблардан бири ҳам диний фанатизм бўл-ганлиги, давр сиёсий ҳаётида ўзига хос реал роль ўйнаган шайхулислом Хўжа Ханифа образи, фикримизча тадқиқотчилар назари-дан четда қолган кўринади.

Бундан ташқари китобда «Улуғбек хазина-си» романи хусусида айтилган қуйидаги фикрлар ҳам эътироз туғдиради.

«Улуғбек образи романда бошдан-охир ўй-фикрлар, монологлар силсиласида очилади. Табиийки, қаҳрамоннинг фақат ўй ўйлаши, мулоҳаза юрийтиши ҳам уни маълум маънода пасивлаштириб қўяди. Яъни воқеанинг ўзи эмас, ундан олинган таассурот биринчи планга чиқади. «Ҳайҳот», «Оҳ» деб бошланувчи мана шундай монологларнинг кўплиги учун бўлса керак, биз романда қирқ йил тахт тебратиб, заминин титратган кескин Улуғбекни танимай қоламиз. У бўш-баёв, фақат «оҳ» чекишдан нари ўта олмайдиган, интригаларнинг безабон қурбони деган тасаввур қолдиради. Ёзувчи қаҳрамонларнинг қуюқ романтик бўёқларга ўралган руҳий кечинмалари ва тубсиз ўйлари тасвири атрофида кўпроқ ўралашиб қола-ётгандек туюлади».

Бу фикрлар романинг ўзига хослигини, ёзувчи онгли равишда қўллаган услубий принципларни нотўғри изоҳламайдими? «Улуғбек хазинаси» — психологик роман. У воқеаларнинг бевосита ўзини эмас, балки улар туфайли туғилган изтиробли, мураккаб ва зиддиятли ўй-кечинмаларни, қаҳрамонлар руҳий дунёсини чуқур акс эттириши билан ўзбек адабиётидаги бошқа тарихий романлар-дан ажралиб туради. Агар танқидчилар

айтгандек, романда мана шу ўй-кечинмалар ва психологик тасвир ўрнига воқеаларнинг ўзи кўрсатилганда эди, Одил Ёқубов услуб жиҳатидан ўзидан аввалги ёзувчиларни такрорлашдан нарига ўтмаган бўларди. Шунинг учун Улуғбекнинг кўп ўйга берилиши ва ўз руҳий дунёсини таҳлил қилиши қаҳрамоннинг пассивлиги эмас, аксинча, қалбини ўртаётган муаммоларга жавоб топиш учун курашувнинг ўзига хос кўриниши деб бҳоланиши тўғрироқ бўлмайдими?

Юқорида айтилган «Оҳ» ва «Ҳайҳот» каби хитоблар шунчаки қараганда бирмунча ортиқроқ туюлса-да, аслида улар муайян ғоявий-бадий вазифани бажаради. Гап шундаки, улар шоҳ бўла туриб чорасиз қолган, ўз даври муаммоларига жавоб топа олмай қийналаётган буюк қалбнинг андуҳлари, изтиробларидир. Ёзувчи уларга қалбнинг азобли ҳолатларида кечиши мумкин бўлган жуда катта маъноларни юклайди. Ахир Улуғбек қирқ йил шоҳлик қилиб, заминни титратганлигидан ташқари, гулдек маъсум туйғулар бегона бўлмаган забардаст олим одам-ку! Бунинг устига, Улуғбекнинг шоҳлигини эмас (бу ҳолатни кўрсатиш асарда меъёр даражасида мавжуд), олимлигини ва шу туйғули бошига тушган даҳшатларни тасвирлаш ётади.

Агар биз ёзувчи концепциясидаги шу қирраларга эътибор қилсак, у ўз қаҳрамонини нима учун кўпроқ ички дунёси, руҳиятини

очиш орқали тасвирлашга катта ўрин ажратиб сабабларини тўғри англаймиз.

Энди адабиётшунос Мурод Иброҳимовнинг «Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги» тўпламига кирган мақоласида услуб, ижодий принцип масалалари қандай талқин қилинишини кўрайлик: Миртемир «Ленин ва жаҳон халқларининг келажаги принципига ҳам алоҳида аҳамият берган», «Миртемирнинг Ленин мавзусидаги асарларининг кўпчилиги хос яна бир муҳим услубий жиҳат шундан иборатки, уларда Ленин бевосита иштирок этади», «Кузатишларимиздан маълум бўлдики, икки забардаст ўзбек шоири (яъни, Шайхзода ва Миртемир — Б. Н.) барча совет шоирлари риоя қилиши лозим бўлган энг асосий услубий принциплар: Ленин ва Октябрь, Ленин, Коммунистик партия ва халқ бирлиги, Ленин ва замонамиз, Ленин ва нурли келажак масалаларига риоя қилганлар».

Услуб ва принцип масалаларини бу тариқа жўн талқин этиш фақат Мурод Иброҳимовга хос дейиш, албатта бирёқламалик бўлур эди. Тадқиқотларимизни диққат билан кўздан кечирсак, уларда услуб ва метод, ғоявийлик ва бадийлик, характер ва типиклик, шакл ва мазмун, у ёки бу жанрдаги ўзига хосликлар ҳақида ҳамон анчагина жўн ва саёз фикрлар баён қилинаётганига дуч келамиз. Бу эса назарий савиямизни ошириш устида ҳали кўп ишлашимиз зарурлигини кўрсатади.

Очил Тоғаев

3

замонавийлик аввало даврнинг долзарб муаммоларига нисбатан юксак бадий ҳозиржавобликдир. Шу ҳақда ўйлаганда машҳур тарихий воқеа эсга келади. Максим Горькийнинг «Она» романи инқилобий ҳаракатнинг долзарб вазифаларига айна мувофиқ, ҳозиржавоб асар сифатида В. И. Лениннинг юксак баҳосига сазовор бўлган эди. В. Маяковскийнинг «Мажлисбозлар» шеъри долзарб ҳаётий ҳодисанинг поэтик ифодаси сифатида доҳийда чуқур таассурот қолдиргани маълум.

Зеро, адабиётнинг замонавийлиги ўткинчи, тор амалий манфаатлардан юқори туради. Бу тушунчанинг моҳияти ижтимоий долзарб муаммоларни оммага кучли таъсир кўрсата оладиган маънавий қудратга айлантиришдадир. Бошқача қилиб айтганда, замонавий юксак бадий воқелик ҳаётга, ижтимоий тараққиётга ўзгартирувчи таъсир кўрсатиш демакдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейинги даврда ижтимоий фаолият ва шахсий ҳаётда ҳалоллик учун кураш мавзуи адабиётимизда муҳим ўрин эгаллади. Еш адиб Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» қиссаси ана шу мавзуда ҳозиржавоблик билан яратилган дастлабки асарлардандир.

Жамиятимизда ижтимоий ва шахсий манфаат бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланганки, ижтимоий бурчга, умум манфаатига хиёнат шахсни маънавий-ахлоқий инқирозга йўлиқтиради. Текин бойлик — хусусий мулк негиз. Хусусий мулк эса, маънавий-ахлоқий ёвузликка олиб келади. «Қудуқ тепасидаги ой» қиссасининг ғоявий пафоси ана шу ҳақиқатга қаратилган. Бош қаҳрамон Ҳақимбой, колхоз раиси Зобитов айрим бадий этишмовчиликлардан қатъий назар ўзига хос таъсирли, ҳаётий характерлардир. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Ғалатепага қайтиш», «Истеъфо» қиссалари ҳам воқеликка фаол таъсир кўрсатувчи асарлардир.

Муайян муҳитда айрим ишчилар маънавиятида куртак ота бошлаган истеъмолчилик иллати, текин бойликка интилиш, мешчанликка қарши соғлом руҳият учун кураш мавзуи адабиётимизнинг анъанавий вазифаларидан. Ўткир Ҳошимовнинг «Маҳалланинг онаси» ҳикоясида асл инсонийлик мешчанликка қарама-қарши қўйилади. Кампирнинг ўғли Сулаймон академикнинг қизига уйланади. Мол-дунёга меҳр қўйган келин қайнонасини, унинг мўъжазгина кулбасини, одмигина рўзгорини менсимайди. Бутун маҳалла кўз қорачиғидай эъозлаб, ҳурмат қиладиган онани келини ҳақорат қилади. Уғлини ажратиб олиб, уйдан чиқиб кетади. Шуниси диққатга сазоворки, она образининг бутун жозибаси мешчан келинга қарама-қарши конфликтда ёрқин очилади. Келиннинг хатти-ҳаракатлари қанчалик хушкўрмаслик туйғусини пайдо қилса, она қалби шунчалик иссиқ меҳр билан бизни ўзига тартади.

Мешчанлик шундай яшовчан иллатки, унинг туб илдиэларини очмасдан туриб, унга қарши курашиб бўлмайди. Иззат Султоннинг «Имон» пьесасида, Мирмуҳсиннинг «Умид» ва

бошқа асарларда олим-зиёли фарзандларининг мешчанлик иллатларига чалиниб, ижтимоий-ахлоқий зарарли йўлга кирганликлари кўрсатилган. «Имон»да драматург ленинчи инқилобий аъёналарга, коммунистик ахлоққа садоқат руҳидаги кекса большевик Комилов оиласида тарбияланган ўғил — Орифда мешчанлик руҳияти қандай вужудга келганлигини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қилади. Орифнинг оилада ёлғиз ўсганлиги, арзанда фарзанд сифатида тарбияланганлиги, Санжаров сингари нияти бузуқ шахслар таъсирига тушганлиги уни тубанликка олиб келган сабаблардир. Ориф бировнинг диссертациясини ўғирлаб, сохта олимлик унвонига эга бўлишга интилади.

Мирмуҳсиннинг «Умид» романида катта бир илмий муассаса бошлиғи, профессорнинг қизи Жаннат, Улмас Умарбековнинг «Аризасига кўра» драмасидаги ўғил Шуҳрат Ботиров ва бошқа шу каби образларда мешчанлик иллатларини яққол кўрамыз. Фанда юксак кашфиёт, ўзига хос мактаб яратган аллома-зиёллар, элга улкан меҳнати сингган коммунист-раҳбарларнинг фарзандларида ахлоққа зид иллат қандай келиб чиқди?

Катта мавқега эга нуфузли оилаларда бундай ғайри ахлоқий ҳодисанинг сабабини тўқин-сочин турмуш, ёлғиз фарзандлилик, оиладаги тарбиянинг қусури билан изоҳлаш камлик қилади. Бу ҳодисанинг негизи меҳнатсиз текин даромад, муайян даврда айрим ёшлар орасида рўй берган беқарорлик, меҳнатга белисанд муносабат хусусиятлари билан боғлиқдир.

Юқоридаги асарларда мешчанлик иллатининг қандай келиб чиққанлигини кўрсатиш асосий муддао қилиб қўйилмаган. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёш адиблар воқеликнинг натижасини, ҳаммага кўриниб турган манзарасини тасвирлашга кўпроқ мойиллик билдириб, ҳодисанинг сабабини очиш, унинг истиқболини кўрсатишга кам эътибор қиладилар. Адабиётимизнинг замонавий бурчи бу манфий ҳодисани чуқур эстетик тадқиқ этишни тақозо этади.

Немис адиби Герхард Гауптман (1862—1946)нинг «Ҳаёт шони» драмасида маънавий бойлиқнинг инсон тақдиридаги қудратли кучи икки характер тимсолида ёрқин ифодаланган. Урмон қоровулининг йигирма бир яшар қизи Инга етмиш яшар бева эркак — махфий маслаҳатчи Маттиас Клаузенни севиб қолади. Утмишда моддий бойлик асосига қурилган тенгсиз никоҳ қиз тақдирида хилма-хил бахтсизликлар, ҳатто фожиа келтириб чиқаради. Сени ўша қари чол қандай бойлиги билан маҳлиё қилди, кўрсат ўша бойлиқни менга, деб онаси зор қақшаб илтижо қилади. Бу шу қадар бебаҳо бойлиқки, дейди қиз, уни мен столга қўйиб кўз-кўз қилиб кўрсата олмайман.

Бир-бирига табиий номуносиб икки шахсни ўзаро яқинлаштирган бу нодир бойлик — махфий маслаҳатчининг илми-дошишлиги, қалб гўзаллиги, юксак маънавияти эди. Бироқ хусусий мулкчиликка асосланган буржуа ахлоқи улар орасига раҳна солади. Ота ўз фарзандларининг мерос талашиши оқибатида ақлдан озиб, ҳалок бўлади. Маънавий бойлик — ҳаётий, ахлоқий гўзаллик бўлса, бойликка очкўзлик фожиадир, дейди драматург. Пьеса ана шу замонавий пафоси туфайли театрларимизда узоқ вақтдан бери қўйилиб келмоқда.

Асқад Мухторнинг «Чинор» романида оқила жувон Комила кўзмунчоқдай икки ўғли бўлишига қарамай, ўз эри — Сатторнинг уйини тарк этади. Комиланинг бу фавуқулдада хатти-ҳаракатида ҳамма хайрон. Дастлаб қаттиқ норози бўлган Очилбобо Сатторнинг молпарастлик характерини сезгач, невараси Комила қилишининг ахлоқий моҳиятини тўғри англайди. Уни ўзига жалб этган нур — ўқимишли йигит Матниёзнинг маънавий бойлиги эди. Шу туфайли у касалманд йигит Матниёз билан яшашнинг машаққат ва қийинчиликларини мардонавор ўз зиммасига олади.

Хайриддин Султоновнинг «Дунёнинг сири» ҳикоясида санаторияда даволанаётган Музаффар деган йигитнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги оқилона муҳокамалари кутубхоначи жувон Қундузнинг кўзини очади. Ҳаётга қарашини ўзгартиради. Севгисиз турмуш — унинг кўзига жаҳолат бўлиб туолади. Кўзига ҳовли қоп-қоронғи, қари тут ҳам зулмат қаърида қорайиб кўринади. Эри билан «иккаласи ўртасида нимадир йўқолиб, нимадир пайдо бўлаётганини англагандек эди». Қундузнинг қалбида куртак ота бошлаган бу маънавий уйғониш аёлнинг инсоний фазилатини янада юксалтиради.

Шойим Бўтаевнинг «Сирли юлдузлар» қиссаси, Эркин Аъзамовнинг «Отойнинг туғилган йили» асарига ғоявий оҳангдош. Ш. Бўтаев ҳам ёш қаҳрамонда гражданлик руҳининг шаклланишини кўрсатишга ҳаракат қилган. Гражданлик — жамиятда кечаётган янги ўзгаришларга фаол муносабат, ҳар қандай иллатларга қарши кескин кураш демакдир. Бош қаҳрамон Жавлон Исабоев студентлар билан пахта теримида баъзи ўқитувчилар йўл қўйган адолатсизликларга кескин норозилик билдиради. Уқитувчилар ўз мавқеи ва лавозимларидан фойдаланиб, Жавлоннинг бу хатти-ҳаракатларига зарба берганларида қаҳрамон ичдан куйиб-ёнади, изтироб чекади. Бироқ, бу ноҳақликларга қарши ўзи мустақил тадбирлар қўллаб билмайди.

Қиссада яхши манзаралар, одамларнинг ўзаро муносабатлари тасвири бор. Аммо бир қанча ёш ижодкорларда бўлгани каби Ш. Бўтаевда ҳам ҳаётий материални бадий умуллаштириш маҳорати етишмайди. Ёзувчи ўзи ёки тенгдошлари кечирган айрим воқеаларни айнан ифодалаш билан кифояланиб, қаҳрамонни хусусий воқеалардан умумий воқеалар даражасига кўтара олмаган. Шу туфайли персонажлар орасида кескин тўқнашув, шиддатли кураш юз бермайди. Хуллас, қисса қаҳрамони Жавлон Исабоев эстетик таъсирчанлик жиҳатдан ўз тенгдоши — «Отойнинг туғилган йили» қиссасининг бош қаҳрамони Асқардан юқори кўтарила олмаган.

Замонавийлик — юқорида таъкидлаганимиздек, бадий теранликни тақозо қилади. Аёлни биринчи марта гулга қиёсланган шахс, дейди немис мутафаккир адиби Ҳейне, буюк шоир бўлган. Уни қайта такрорлаганларнинг ҳаммаси сафсатабозлардир. Шу сабабли ҳар бир ижодкор авлоднинг адабиётдаги йўли аввалгилардан хийла оғир ва машаққатлидир.

Кейинги йилларда биз манзарали ахборот адабиёти оқими вужудга келди. Китобни

кам фарқ
уну...
Давоий

саҳифама-саҳифа ўқиб ўтаверамиз. Эпизодлар, манзаралар бир-биридан кам фарқ қилишларига қарамай, кетма-кет эсдан чиқиб унутилаверади. Нега шундай? Чунки воқеа ва ҳодисалар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмаларнинг ахбороти бору уларнинг жонли тасвири йўқ. Манتيқий манзарали ахборот журналистика бўлиб, уларда инсон тақдири, қалби ва ўйларини гаудалантирувчи эстетик тасвир йўқ. Ҳаёт материали муайян мақсад асосида эстетик ҳодисага айлантирилмаган тасвир бадий ижод бўлмайди.

Иброҳим Ғафуров

Хар бир даврнинг ўз қиёфаси бўлади. Халқларнинг ижтимоий ҳаракатлари, одамларнинг ишлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, ўзаро муносабатлари, мақсад ва интилишлари, ғояларнинг курашлари даврнинг қиёфасини белгилайди. Вақтнинг муайян тарихий бўлагида халқнинг моҳияти нима-ларда зухур топса, ўша нарсалардан даврнинг мазмуни ҳосил бўлади.

Халқнинг моҳияти эса унинг беҳад ранг-баранг индивидуалликлари бирлашмасидан ташкил топади. Миллионларча ўзига хосликлардан халқнинг ягона қиёфаси юзага келади. Индивидуал ўзига хосликлар қанча бой ва инсоний теран бўлса, бир халқнинг бошқа халқлар қаторидаги ўрни, миқёси, аҳамияти, умуминсоният тараққиётига қўшадиган ҳиссаси шунчалар катта ва қадрлидир.

Халқнинг тарихий моҳиятини ифодалайдиган қаҳрамонларнинг образларини яратиш унинг мазмундор моҳиятини очиб бериш демакдир. Халқнинг моҳиятини ифодалаб беролган асар доимо замонавийдир. Бу ерда Асқад Муҳтор ва Озод Шарафиддинов замонавийликни тирик ҳиссиётлар, тирик ғоялар, тирик таъсирчанлик каби тушунар эканлар, нечоғлик ҳақ эканликлари равшан кўриниб турибди. Гомер, Сенека, Навоий, Пушкин яшаган даврлар — юз йилликлар ва минг йилликлар қарамоғига аллақачон ўтиб кетган. Лекин уларнинг асарлари ҳамон тирик, ҳамон янгидан-янги инсоният насллари ҳаётига ҳамроҳ. Ҳамон қаттиқ ҳаяжонга солади, ҳамон яшашга ўргатади. Оламтоб қуёшнинг ҳар куни туғиши ва ҳар кеч ботишига қандай ошuftа кўниккан бўлсак, бу каби асарларнинг жавонимизда юрагимизнинг бир жонли парчаси каби яшашига шунчалик ўрганганмиз. Ҳозиргина Асқад ака айтганидек, замонлар эскиради. Улар эса эскирмайди. Ана шу эскирмаслик — замонавийлик.

Чингиз Айтматовнинг «Ўғилни соғиниш» ҳикоясида ғалати бир воқеа тасвирланади. Чордон чолнинг ёлғиз ўғли бундан йигирма йиллар муқаддам фронтда ҳалок бўлган. Чол буни яхши билади. Султон кўпларнинг ёдидан ҳам кутарилган. Бирдан Чордон ўғлини шу қадар қўмсайдики, уни қандай бўлмасин кўргиси келади. Назарида худди ўғли тирикдай, қўшни қишлоқда болаларни ўқитиб юргандай. Чордон уруш бўлмасдан бурун ўғли болаларни ўқитган қўшни қишлоққа йўл олади. Негадир Султон ҳамон ўн тўққиз ёшида, ҳамон ўша ерда болалар ичида юргандай... Биз ҳам Чордонга қўшилиб ҳақиқатда навқирон Султон тирик бўлса керак деб ўйлаб, шунга ишона бошлаймиз. Билиб турамиз шундай эмаслигини, ҳаёт, реаллик шафқатсиз эканлигини, лекин бари бир Чордон

бобо билан бирга бунга ишонамиз, Чордон билан тонг қоронғусида йўлга отланамиз. Ҳиссиётларнинг мана шундай драматик тириклиги замонавийлик бўлса керак, ёзувчининг йўқ нарсасига бизни ишонтиргани маҳоратдир. Пенелопанинг Одиссейни, Ойбарчининг Алпомишни, Ярославнанинг ўз князини кутиши, ҳижрон таласалари билан Чордон ёки чордонларнинг соғинчлари ўртасида қанчалар яқинлик бор. Лекин бунда бир ажиб фарқ бор. Пенелопа ҳам, Ярославна ҳам, Барчин ҳам умид қилишга ҳақли эдилар. Улар ҳали ўз ёрларининг тақдирларини билмас, буткул номаълумлик ичида эдилар. Чордон эса билади, умид қилиб бўлмаслигини билади, бари бир умид қилади. Унинг улуғ УМИДИ теран замонавийликдир.

Ўғилни соғиниш... Мен Чордоннинг ўғил соғиниши билан Шукур Холмирзаевнинг «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясидаги Умар ва Ҳосиланинг ўғилни соғинишларини беихтиёр солиштириб кўраман. Умар ва Ҳосила ҳам армия сафрларига хизматга кетган ёлғиз ўғил Умматни беҳад соғинадилар. Улар Уммат нимани истаса, шуни адо этишга тайёрлар. Уммат деб, бешумор мол дунё, бир сандиқ пул тўплаганлар. Умар ва Ҳосила не замонлардан бери райондаги катта магазинда ишлайдилар. Пул топиш йўлини усталик билан ўзлаштирганлар. Халқнинг кўзига етимдай ювош, беозор, покдомон бўлиб кўринадилар. Бировнинг оғзини мойлаб, бошқасининг оғзига тош урадилар. Ўзларини савдо ишининг фидокори қилиб кўрсатадилар. Талабчанлик, ҳушёрлик бўлмаган муҳитда, муросасизлик шароитида улар ҳақиқатан ҳам ташқаридан қараганда, жуда яхши одамлардай бўлиб кўринадилар. Улар харидорлар олдида мисоли етимча, бошиқлар олдида — фидокор хизматчи, ёлғиз ўғил Умматжон олдида эса, беозор мусича... Ўғилдан қинғирликларини ҳафсала билан яшириб келадилар. Унга атаб даста-даста элликаликларни йиғадилар. Уларнинг дарвозалари сим тўрлар билан ўралган. Давлатларини каттакон ит кўриқлайди. Уларнинг ҳовлиси ҳам худди қамоқни эслатади. Не ажабки, эр-хотин худди қамоқда яшагандек кун кечирадилар. Ҳадик, хавотир азмоиш ичида... Икки йил орзиқиб кутилган ўғил хизматдан қайтади. Тунда келгани учун уйга киролмайди. Кўнғироққа бу ерда эшикни очмайдилар. Уммат шўхлик билан ота-онани ҳайрон қолдириш учун сим тикан ошиб ҳовлига тушади ва уни... боқилган ит бир зумда ғажиб ташлайди. Умматжонни ит эмас, ҳаром ғажиб ташлагандай бўлади кўз ўнгимизда. Ҳикоя ҳаромга, маънавий разолатга қарши даҳшатли айбнома каби ўқилади. Хайридин Султоновнинг «Граждан мудофа-

Азмоиш

Ҳаром

саси» ҳикоясида ҳам ота фазандга муҳаббатидан турилган шундай ҳадик, хавотирга дуч келамиз. Бу отанинг бутун борлиги ўғилга севгига айланган. Севги бунда қанчалик кучли бўлса, хавотир ҳам шунчалар катта. Қаҳрамон қалбидаги хавотирни ёзувчи умумжаҳон безовталиги билан чамбарчас боғлаб юбора олади. Муҳаббат бунда курашчи каби англанади. Замон ва замондошларнинг безовталиги бу каби асарларда теран ҳаққоният билан гавдалантирилади.

Давримиз носирларида прозанинг янги тасвирий йўллари ва имкониятларини қидириш, шу замоннинг ўз тасвир усулларини топишга интилишлар кузатилмоқда. Асқад Мухторнинг «Илдизлар», Шукур Холмировнинг «Ғимсасиз ҳовли» ва «Омон мерган», Хайридин Султоновнинг «Граждан мудофаси» сингари талай асарларда насрчилигимиз учун тоза бадиий-ифодавий изланишларга дуч келамиз. Худди шундай ҳолни ёшларнинг асарларида, хусусан, Олим Отахоновнинг кейинги қатор ҳикояларида кузатиш мумкин. Аиниқса, унинг «Тухфа» деб аталган ҳикояси ўйлатади. Туриб-туриб таъсир қилади. Ёзувчи шу давр одамларининг жуда нозик ва жуда мураккаб ҳиссиётлари дунёсини ҳаётда илғаб олиш қийин бўлган, лекин бадиий адабиётнинг кўзи илғайдиган фарқларигача гавдалантиришга, ҳа, гавдалантиришга ҳаракат қилади. Инсон кечинмаларининг жуда чуқур, бой оқимларини ифодалаб беришга муваффақ бўлади. Унинг ҳикоясидаги ёш жувон Тухфа образини тушуниш учун аввал Чингиз Айтматовнинг «Қизил олма» ҳикоясидаги жажжи қизча Аноранинг отасига айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишликни ўринли деб биламиз:

«— Ота, биласизми, мен дарахтларга бир пасда чиқиб кетаман. Олмалар катта, баланд, шохлари эса йўғон-йўғон, жуда қулай. Лекин ўрик — ёмон дарахт, одамнинг ҳамма ёгини тирнаб ташлайди.

— Э, сен яхши дарахтлар устига чиқарвергин-да, — кулди Исабеков».

Ўриқнинг меваси юмшоқ ва лазиз, шох-бутоғи эса қаттиқ ва тирноқли. Олманинг меваси қаттиқ, чидамли, шохлари эса юмшоқ ва текис. Анора шу болаликнинг тоза, мурғак фикри билан илғаб олган, ўзича кутилмаган фикр ҳосил қилган. Бир дарахт чиқиш осон бўлгани учун унга маъқул, иккинчиси эса ёқмайди, чунки тирнайди, этакларини юлиб йиртади. Бу индивидуал, ўзига хос қараш. Тухфа ҳам, таъбир жойиз бўлса, шундай. Эри Тухтамурод фидокор, қаттиқчиликни энгиб ўрганган; қийинчилик ичида қулайчилик яратиш учун қўлидан келганча тиришиб-тирмашадиган йигит негадир кейинги йилларда ёш хотинининг ғашини келтиради. Яшаш шароитлари яхши эмас. Бузилаётган омонат ерда

ғариброқ яшайдилар. Тор, айланма, жинкўчада турадилар. Буларнинг бари устига Тухтамурод келишган, елкаси адир йигит ҳам эмас, у хотини келгунча доим ўй юмушларини битириб қўяди. Шундан доим Тухфанинг димоғига, эрига яқинлашганда, қўланса ёғ ҳиди урилади. Тухфа ишлайдиган студияда эса аҳвол тамомила бошқача. Тухфанинг ҳамкасби, ёши ўттизларга борган, лекин уйланмаган Мажид келишган, муомаланинг кифтини келтирадиган, ширин сўзлайдиган, йўлдан урадиган ҳамма одамлар каби авроқ, илтифотли йигит. Тухфа унинг машинасида кеч уйга қайтади. Мажиднинг кўзлари ўзининг кўзларига ўхшашини кашф қилади. Мажид машинада жўнаб кетаркан, унга узоқ қўл силкитиб қолади. Бир сўз билан айтганда, Тухфа Мажидни ғайришуурий тарзда ёқтиради. Мажид унинг ҳушини элитади. Лекин Тухфа эри Тухтамуроддан нега норози эканлигини ўйлагиси ва тан олгиси келмаганидек, Мажидга нега илакиши, унга тобора яқинлашиб бораётганининг сабаблари устида ҳам бош қотиришни истамайди. Бу нарсалар ҳақида ўзига ўзи ҳисоб бергиси келмайди. Ёзувчи унинг кечинмаларидаги мана шу беҳад нозик товланлишларни усталик билан тасвирлаб беради. Ёш жувоннинг ичида олов каби кезган бир-бирига қарама-қарши, лекин бир-бирини тўлдирадиган ҳисларни таъсирчан чиқиш йўллари топади. Тухфа доим аллақандай шоирона хаёллар қаърида юради. Лекин бу хаёллар қаърида нима бор? Ёзувчи парданинг озгина бир чеккасинигина кўтаради. Тухфанинг руҳий туғени нима билан тугайди? У ўз ҳаётини ўз хаёлидек гўзал қила оладими? Ҳикояда бунга жавоб йўқ. Балки бу жавобнинг кераги ҳам йўқдир. Балки Тухфа Мадам Бовари ва ё Анна изидан борар, балки... Ҳарҳолда у ҳиссиётларнинг инжиқ, шоирона, кўтаринки оламида яшаётганини аниқ. Олижаноб хаёллар балки оқибат хайрли бўлар. Ҳикоя тилида, айрим штрихларида анча-мунча ноаниқликлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Мажид ўриндиқ суянчиғига ўнг қўлини ташлаш ўрнига чап қўлини ташлайди. Тухфа лой кўчада йиқилиб тушиб, лой қўлларини оғзига солиб, кесилган бармоғини сўриб ташлайди. (Шундай нозик ва инжиқ хаёлли қиз-а?!) Шунингдек, унинг баъзи бир хатти-ҳаракатлари ўқувчига жуда эриш ва ифрот уятсиз бўлиб туюлади: Тухфа Мажиднинг машинасида ҳушини йўқотиб қўяверади. Кўп керишади, кўп эснайди. Эрининг олдида устидан кўрпаларини ошкора тепиб ташлайди ва ҳоказо. Тухфада гўзал хаёл ва бадбинлик омухта бўлиб кетади. Унинг гўзал, бой хаёли бизни магнит каби, ўзига тортса, бадбинлиги кўкрагимиздан нари итаради.

Замон безовталиклари, инсон қалби тугёнлари акс этган бу каби яхши асарлар ўқувчиларни ўйлатмоқда. Яхшиликнинг ғолиб қудратига ишонтирамоқда.

Сотимхон Иномхўжаев

П

артиямиз кескин тарзда қўяётган жуда кўп ижтимоий-сиёсий муаммолар нуқтаи назаридан қараганда, драматургиямизга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари оташин санъаткорлар етишмаётганлиги яққол сезилиб турибди. Ҳамза драматургиясининг асосий фазилати — замон билан узвий ҳамнафаслик, ўткир ҳозиржавоблик, энг долзарб ва кескин масалаларни мислсиз жасорат ва чинакам инсонпарвар, ватанпарвар, коммунистларча юксак эътиқод билан кўтара олганлигидан иборат. У ўз замонасининг типик муллалари, қозилари,

бойлари ҳақида, ўз даврининг инқилобчилари, маърифатпарварлари, миллатчилари, чинакам ватанпарварлари, сотқин ватанфурушлари ҳақида мардлик ва матонат билан ёзди. У халқ қаҳрамонлиги, оддий меҳнаткаш омма дарди-дилини нечоғлик меҳру муҳаббат-ла кўйлаган, улуғлаган бўлса, зolim эксплуататорлар синфини, порахўр, кўзбўямачи, товламачиларни жасорат билан фoш этди, уларга қарши кескин кураш олиб борди.

Замонага ҳамнафаслик дарсини Ҳамзадан олган Комил Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Зиё Саид, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин каби бир қатор отахон драматургларимиз давр муаммоларини ёритиш борасида ибратли намуналар кўрсатдилар. Афсуски, кейинги авлод ижодкорлари орасида ана шундай ҳозиржавоблик ҳиссини кузатиш қийин. Тўғри, айрим мисолларга дуч келиш мумкин, бироқ бундай асарларни ҳам на «Майсаранинг иши» ёки «Бой ила хизматчи» билан, на «Тор-мор», на «Тарих тилга кирди», на «Парвоз» билан тенглаштириб бўлади. Шу маънода ўзбек драматурглари партия ва халқ олдида қарздор бўлиб қоляптилар.

Сўнги йиллар драматургиясини мутлақо йўққа чиқариб ташлаш ҳам адолатдан бўлмайди. Айниқса, тарихий мавзуда «Олдузли тунлар», «Ноҳирабегим», «Зебуннисо» каби йирик драмалар яратилганлиги қувонарли ҳолдир. Бироқ шуни айтиб ўтиш жоизки, чинакамга арзигулик асарларга қараганда майда гаплар ёки энгил-елли югур-югурлар қоришиғидан иборат «драма»лар кўпайиб кетди. Драматургияни фақатгина шухрат манбаи деб қарагучи «драматург»лар ундан ҳам кўп. Машраб Бобоев бундайларни «песанавис»лар деб атаса, Пўлат Мўмин янада аниқроқ қилиб «қосиб»лар дейди.

Агар партияимизнинг кейинги кўрсатмаларига, замон муаммоларига ҳозиржавоблик нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг қатор комедия ва драмаларида, Машраб Бобоев, Шароф Бошбеков каби ёш драматургларнинг асарларида яхши изланишлар мавжудлигини эътироф этиш керак. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир» комедиясида бош қаҳрамон ичи бўш амалпараст, мансабдан-мансабга сакраб юривчи кўзбўямачи, мансаб деса ҳаммом директорлигию қабристон мудирлигидан ҳам қайтмайдиган бир нопок шахс. Машраб Бобоевнинг «Ер томири», «Гурунг» драмалари қаҳрамонлари кишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, иллатларга қарши курашаётган фаол кишилардир.

Модомики, гап замонавийлик, бадийлик, партиявийлик, ғоявийлик принциплари устида борар экан, драматургия оламидан характерли мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, Равшан Ёриев деган ёш драматург бор. У фақат болалар учун ёзади ва республикамизда уч-тўртта асари саҳналаштирилди. Унинг асарлари, мавзунинг «эски»лигига қарамай, бадий маҳорати туйайли ғоят замонавий тарзда жаранглайди. Бу пьесалар ҳатто Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон республикаларида ҳам қўйилди.

Равшан Ёриевнинг «Тадбиркор Олмаҳон» («Янги йил эртаги») пьесаси Қорбобо ва Қорқиз саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф унга чинакам замонавий руҳ бағишлай олган. Гап шундаки, Қорбобо ва Қорқиз болаларга совға олиб кетаётиб, ўрмонга қўзиқорин тергани киради. Уни қидириб Қорбобо ҳам кетади. Шунда, қаровсиз қолган ўйинчоқлар олдига Шайтон келади-да, қолдаги копток ва бошқа ўйинчоқларни олиб ташлаб, ўрнига «Першинг — 1», «Першинг — 2» ракеталари, пластмассадан асалган думалоқ бомба ва ҳоказоларни солиб қўяди. Ана шу кичкина деталнинг ўзиёқ асар интригаси — воқеалар кескинлиги ва таъсирчанлигини оширади ҳамда болаларни оламга уруш ҳавфини солаётган капиталистик дунё шайтонлари билан таништиради. Равшан Ёриевнинг «Қорасоч», «Япроқли бола», «Сирли бошоқ», «Дунё болалари» каби эртақ-драмалари саҳнавийлиги, ғоявий ўткирлиги, бадий етуклиги, ғоят замонавийлиги, сиёсий-ғоявий ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради.

Драматургияда замонавийлик хусусида гапирганда Максим Каримов, Ўткир Ҳошимов, Ҳайдар Муҳаммад, Фарҳод Мусаџонов каби бир қатор истеъдодли ижодкорларни ҳам ҳурмат билан тилга олиш зарур. Бироқ афсуски, бундай ҳозиржавоб, замона руҳини аниқ ҳис этувчи драматурглар бармоқ билан санарли. Мана, қуруқ даввогар бўлиб қолмаслик учун айрим фактларга мурожаат этайлик.

Яқинда Ҳамза номли академик драма театрининг кичик саҳнасида Учқун Назаровнинг «Ойна» драмаси қўйилди. Асарни драматургнинг ўзи саҳналаштирди. Айрим кишилар, айниқса театرنинг бадий совети бу драмани XVI пленум руҳида ёзилган, деб талқин этишга уриниб кўряптилар. Аслида эса, унда бир қатор қиёмега етмаган ўринлар, камчиликлар учрайди. Жумладан, асарда шундай саҳна бор: «қаҳрамон»лардан бири ривожланётган мамлакатга бориш учун ўз хотинини ишга солади. Шунинг эвазига хўжайини гўё мурувват қилгандай, уни ҳорижга жўнатади. Кўринадики, бу ҳодиса драматург томонидан бадий жиҳатдан етарли далилланмаган. Шу сабабли бундай эпизодлар томошабинни унчалик ишонтирмайди.

Замонавийликни рўкач қилиб, аслида ўта ахлоқсизлик, тубанлик, субутсизлик, маънавий тушкунликни тарғиб этувчи пьесалар кўпайиб кетди. Ёш драматурглар Шаҳобиддин Калонхонов билан Тўрамирзо Жабборовнинг «Замонавий амазонкалар» номли музыкали комедиясини олиб кўрайлик. Реал ҳаётда учраши сира мумкин бўлмаган бу ўта уйдирма «комедия»да, томошабинларни кулдириш учун қаҳрамонлар ахлоқсиз қилиқлар қиладилар. Ёлғон бўлмасин учун, асар ремаркасига назар ташлайлик: «Соқи Боқининг оёғига ёпишади. Боқи чапдаги уйга қоцади. Иштон Соқининг қўлида қолади». Яна: «Иккови туркичкан орқама-кетин қоцади. Ҳовлини икки-уч марта айланиб чиқадилар. Хотинлар ҳайрон». Хуллас, бу асарнинг энг кулгили жойи — қаҳрамонларнинг ана шундай бемаза қилиқлари билан боғлиқ.

Бу комедияда шундай саҳналар борки, одам тилга олишга ҳам ийманади. Саҳналардан бирида, Боқивой билан Соқивой ўзларини хотинга ўхшатиб, қийшангланганча қуйидаги ҳаёсиз гапларни айтишади:

С о қ и. Вой, овсин, нечи ойлик? Мунча яхши?

Б о қ и. Вой, ўргилай овсин, тўққиз ойлик. Худо хоҳласа ўғил туғиб бераман. Мана, ушлаб кўринг, тепяпти.

С о қ и. Ҳа, оқ йўл берсин. (Чақалоқ овози эшитилади. Йўргакланган бола кўтариб келади). Мана шу ўғлимни туғишда ўлиб-ўлиб тирилганман.

Б о қ и. ...

С о қ и. Ҳой, овсин, бугун қанақа кун? Ош қилиб қолибсиз?

Б о қ и. Вой, бу нима деганингиз, олдин эсон-омон мана бундан кутилиб олай.

С о қ и. Ҳа, ўлгур хўжайинларимиз бизнинг бу аҳволларимизни қаердан билишади, улар фақат ўз ишларини билишади.

Драматургияда жиддий, халқ ҳаёти учун, жамият ривожини учун манфаат келтирувчи масалаларни кўтариш ўрнига ана шундай маиший тубан ахлоқсизликлар билан саҳнани тўлдириб юрганлар оз эмас. Кўйидаги тумтароқ ва жўн мисралар шеър ўрнида (қўшиқ тексти сифатида) юқоридаги драмада айтилади:

Б о қ и. Куйдиради ёмон эр,
 Улдиради ёмон эр.
 Еш чоғимда жонимдан
 Тўйдиради ёмон эр.

С о қ и. Юрагим тўла фарёд,
 Эримнинг дастидан дод.
 Кимга бориб арз қилай,
 Жонга тегди бу ҳаёт.

Ёки мана бундай «ҳикматли» мисраларни ўқиб кўринг:

Б о қ и. Соқи, Соқи, Соқижон.
С о қ и. Боқи, Боқи, Боқижон.

Б о қ и. Башарангга бир қара,
 Ҳолинг маймундан ёмон...

Бундай «шеър»ни истаганча чўзиш мумкин.

Айрим ёш драматурглар саҳна ва саҳнавийлик қонуниятини яхши билганлари ҳолда, ана шу ноёб билим ва истеъдодларини бадийий саёз, ғоявий зарарли ишларга сарфлаб юрибдилар. Наманганлик ёш драматург Абдулла Жабборовнинг «Хиёнат» номли драмаси бунинг ёрқин далили бўла олади.

Бу асар ҳам бошдан-оёқ воқеликдан ўта узоқ бир уйдирмага асосланган. Ундаги ўнтадан кўпроқ персонажнинг барчаси салбий кишилар. Бош қаҳрамон Баҳром — ахлоқий бузуқ, жинояткор, безори ва қотил. Унинг онаси Манзураҳон — учига чиққан танноз. Отаси — масъул раҳбар бўлган Қосим Набиевич ҳам улардан баттар ва ҳоказо. Драмада Баҳромнинг ўз амакиваччаси севгилисини «ўйнаш тутиш»и ва унинг оқибатларига, яъни ўта тубан маиший бир тасодиф тафсилотида асосий ўрин берилган. Драматург жамиятимиз учун ёт бўлган ана шу уйдирма воситасида олий ўқув юртлари, ётоқхоналар ҳаёти, совет оиласи, ҳуқуқ ташкилотлари ва бошқа кўпгина соҳалар устидан кулади.

Бу асарда бирор бир персонаж бадийий образ даражасига кўтарилган эмас. Уларнинг бари драматург хоҳиши билан юрадиган сунъий қўғирчоқларга ўхшайди. Натижада, асарнинг бошидан охиргача ҳаммаёқ қуруқ гап, сафсата, аммо на бирор монолог, на бирор ҳикматли ибора эсда қолади.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Компартияси XVI Пленуми талаблари нуқтаи назардан қараладиган бўлса, драматургия соҳасида қилинадиган ишлар ҳали кўп.

Хайриддин Султонов

«Шарқ юлдузи» журналининг ғоят долзарб ижодий муаммони — замонавийлик ва маҳорат масаласини адабий жамоатчилик муҳокамасига қўйгани, айниқса, ёш қаламкашлар учун айни муддаодир. Чунки бугун адабиётга кириб келаётган ёш ёзувчи, истаса-истамаса, XXI аср китобхони билан юзма-юз келади, унга ўз сўзини айтади. Юксак савиядаги, зукко ва талабчан бу китобхон билан бўлажак суҳбат енгил-елпи, ҳавойи гапларни, ҳаёт ҳодисаларини шунчаки қайд этишни ёқтирмаслиги ўзидан равшан. Бинобарин, янги асрга янгича

бадий тафаккур, янгича тасвир воситалари — янгича маҳорат лозим.

Бу мураккаб вазифа ўз навбатида яна кўпгина масалаларни қамраб олади: бадий асарда тил маҳорати, характер яратиш санъати, композиция, услубий изланишлар... Ва шу ифода имконларининг барчасини сафарбар этиб, замонамизга, замондошларимизнинг беором ҳаёти, безовта ўй-хаёлларига, орзу-армонларига ҳамоҳанг ғоявий-бадий маънолар топиш...

Замонавийлик тушунчаси замон билангина

чегараланиб қолмаслиги табиий. Дейлик, мана шу давра гурунгимиз ҳозир, айна замонда кечи турибди, хотималаниши билан у тарих мулкига — ўтмишга айланиб қолади. Агар суҳбат чоғида адабий жараён ривожига нафи тегадиган бирон-бир янгича фикр-мулоҳаза баён этилган бўлса, ўйлайманки, у эртага ҳам, индинга ҳам, боринги, бир йилдан кейин ҳам замонавий бўлиб қолаверади. Ҳаётини воқеа-ҳодисалар тарихийлашиб бораверади, аммо уларнинг муҳим ижтимоий-маънавий сабоқ ва хулосалари ҳамisha замонавийдир. Шу маънода, халқимизнинг бугунги ҳаётига бағишланган, шунингдек, олис ўтмиш мавзуида маҳорат билан яратилган асарлар ҳам бирдек замонавий бўлиши мумкин. Устоз Ойбек бу фикрни жуда чиройли ифодалаган: «Мен, ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг ғайри ва ҳатто ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳис-туғулар ва фикрлар изласа, пировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман».

Замонавий фикрлаш ва маҳорат талаби адабиётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар учун баб-баробар қўйилиши лозим. Айтайлик, танқидчи адибдан мавзунинг замонавий ҳамда моҳирона талқин ва таҳлилини талаб этар экан, ўзи ҳам замонага мос, ҳар томонлама асосланган мушоҳада юритиши керак. Шунда айрим мунаққидлар фаолиятида учраб турадиган ортиқча мадҳиябозлик ёки ортиқча нигилизм, бирёқламалик, асарни муаллифнинг бадиий мақсадларидан келиб чиқмай тадқиқ қилиши каби нохуш ҳолатларга чек қўйиш мумкин. Баъзан адабий-танқидий нутқ ва мақолаларда, агар фалон асарнинг фалон-фалон жойлари олиб қўйилса, у куруқ гап-сўздан иборат бўлиб қолади, деганга ўхшаш ғалати мулоҳазалар учраб туради. Беҳтиёр ҳақли савол туғилади: нега энди асарнинг фалон-фалон жойларини олиб қўйиш керак экан? Бундай «олиб қўйиб» таҳлил қилишга қандай зурурат бор? Бу хил таҳлил бизнинг эстетик принципларимизга бутунлай зид эмасми? Ахир, бадиий асар ёзувчи қалби ва хаёлида яхлит бир организм сифатида дунёга келади-ку! Нега энди ана шу органик бирликка путур етказиш керак? Эки, аксинча, кўпгина адабий-танқидий мақолалар бадииятнинг ибтидоий талабларига ҳам жавоб бермайди: тил ғариб, ифодалар пала-партиш, таҳлил ўрнига — сюжетнинг пойинтар-сойинтар баёни, ниҳоят асар жанри хусусида бир чимдим баҳс... Ҳолбуки, китобхон.бадиий ижоднинг таркибий қисми бўлган адабий танқиддан ўз фикрларига равшанлик кутишга, унинг эстетик тарбия ва завқ (ҳа, айнан бадиий асар берадиган завқ!) талаб этишга мутлақо ҳақли.

Маҳоратнинг биринчи ва олий белгиси фикрий мушоҳаданинг кенг ва теранлигида кўринади. Бунда адабий жараён кўзгуси бўлган адабий танқид биринчи галда ҳаммадан кўра кўпроқ фооллик ва ғайрат кўрсатиши лозим. Изланишдан, ўсишдан, ўз-ўзини тергашдан тўхтаб қолган мунаққиднинг савиясизлиги фақат ўзи учунгина эмас, бутун бир адабиёт учун ҳам катта зарар келтиради.

«Литературная учеба» журналининг шу йилги 1-сонига танқидчи Л. Злочевскаянинг «Нега сўз сўрадинг?» деган қизиқарли мақола-си босилди. Бу мақолада суҳбатимиз мавзусига бевосита дахлдор бир қанча қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган. Жумладан, автор

кейинги йиллар прозасида кўплаб яратилаётган камсуқум қаҳрамонларга бутуниттифок адабий танқидчилигидаги муносабат ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзади: «...Афсуски, идеал маънодаги, бадиий жиҳатдан ҳаққоний ва баркамол замонавий қаҳрамон ҳозирча йўқ. Эҳтимол, идеал бўлмаган ҳаётини қаҳрамонларнинг кўплаб яратилаётгани адабиётимизнинг бу борадаги нуқсонларидан эмас, балки унинг айна шу йўналишдаги муваққат миссиясидан, унинг бугунги кундаги асосий вазифасидан далолат берар?»

Мамлакатимиз узоқ йиллар мобайнида тарихан ниҳоятда мураккаб, экстремал ҳолатларни бошидан кечирди: революция, Гражданлар уруши, вайроналик, коллективлаштириш, индустриаллаштириш, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш даври... Мана, ниҳояти қирқ йилдирки, биз тинчлик-фаровонлик шароитида яшашимиз. Инсон характери ҳам мутлақо янгича тарихий шароитда шаклланмоқда. Ҳозир биз ана шу янгича шароитга кўникиш жараёнини бошдан кечиряпмиз. Одамда бўш вақт, ортиқча моддий бойликлар деган тушунчалар пайдо бўлдики, бу нарсалар, эҳтимол, ҳозирча инсоннинг маънавий даражаси билан мувофиқ эмасдир; умуман маданиятни ва хусусан турмуш маданиятини эгаллаш учун бутун бир авлод умри талаб этилади. Шу нарса аёнки, инсоний куч ва имкониятларни тўлалигича маиший турмуш соҳасида — одамдан фавқуллода куч-ғайрат талаб қилмайдиган сокин бир шароитда сўзининг асл ижобий маъносидagi одамийлик фазилатларини сақлаб қолиш ниҳоятда мушкул. Шу сабабдан ҳам, ҳозирги замон адабиёти бир неча авлодининг бадиий, инсоний ва гражданлик диққати марказида инсоннинг кундалик одатий турмуши, маиший ҳаёти тургани бежиз эмас».

Муайян бадиий асар ҳақида фикр юритилар экан, муайян адабий қаҳрамонлар фаолияти таҳлил этилар экан, мавзу ва тасвир объектларига «майда», «кичир-чикир» деб қарамаслик, танқидий тафаккур соҳасида мана шу каби илмий-эстетик қарашлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Шундагина кўпгина асарларда яратилаётган ҳалол, покиза, камсуқум одамларни — қалбида эзгулик ва адолат учун кураш алангаси чўғ олиб келаётган софдил кишилар образларини моҳият эътибори билан объектив баҳолаш мумкин бўлади.

Бу ерда айрим асарлардаги фикрий-ҳиссий мавҳумликлар ҳақида ҳам гап бўлди. Дарҳақиқат, баъзи шеър ва ҳикояларнинг қаҳрамонлари руҳида дард, оғриқ белгиларини кўрамиз-у, лекин кўпинча уларнинг қаери оғриётганини, нега оғриётганини билолмай ҳайрон бўламиз. Гоҳ бун муаллифларнинг ўзлари ҳам билмайдигандек траассурот қолади кишида. Шундай мавҳум ифода ва ҳолатларга дуч келганда беҳтиёр: «Дардингни айт, ҳамдард бўлай», дегингиз келади. Чунки инсоф ва диёнат йўлидаги, башар бахти ва озодлиги йўлидаги ҳар қандай дард-изтиробларга дардқаш бўлмоқлик ўзини чин инсон санаган ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган алам-армонларга бизни ҳам дардқаш этмоқ учун дардини юксак инсоний ҳарорат билан, теран бадиий маҳорат билан ифодалаши лозим.

Бир ёш қаламқаш сифатида ёш ижодкорлар ўртасида анчадан буён бир нарсани кузатиб келаман: айрим ҳаваскор шоир ва адибларнинг машқлари тўппа-тўғри, ҳаммага маълум

гаплар билан қоғоз қоралашдангина иборат. Буларни кўздан кечирганда, уларнинг муаллифлари гўё тил бириктириб олишгану «Битсин маҳорат!» деган шиор остида иш кўрганми, деб уйлаб қолиш ҳам мумкин. Бу машқларда тақлид изларини ҳам учратиш маҳол, чунки, ҳатто тақлид учун ҳам маълум даражада маҳорат керак. Бунинг акси бўлган иккинчи бир ҳол ҳам кишини ташвишга солмасдан кўймади: назаримда, айрим тенг-қур қаламкаш дўстларимизнинг машқларида маҳоратдан кўра маҳорат даъвоси ошиб кетаётганга ўхшайди. Аниқ бадий муддао, юракни ўртаган дард, янгича мушоҳада бўлмаган жойда бу ҳол аниқса авж олаётир. Бироқ, жўнлик билан соддалик бир-бирига қанчалик зид бўлса, табиий маҳорат билан маҳорат даъвоси ҳам бир-бирига шунчалик зиддир. Шунинг натижасида бўлса керак, кейинги пайтда бизда кўплаб маҳаллий «шукшинларимиз», «матевосянларимиз», ҳатто «маркесларимиз» пайдо бўлмоқда. Изланиш, ўрганиш яхши, албатта. Дунёда баҳрамандлик бахтига не етсин! Аммо адабиёт учун, нақадар улуғ даҳо бўлмасин, битта Лев Толстой кифоя, уни иккинчи марта айнан такрорлаб ўтиришга зарурат ҳам, бундан маъно ҳам йўқ. Адабиёт

ривожи учун ўнта маҳаллий «шукшин»дан кўра, битта, айтайлик, Эшматов Тошматнинг — яъни ўз йўли, ўз овозига эга адабнинг нафи кўпроқ тегади. Лекин ҳозир ёш қаламкашнинг ён-атрофидаги улкан адабларнинг «магнит таъсиридан» қутулиши осонликча кечадиган жараён эмас. Ижодий мустақиллик учун кураш — аввало маҳорат сирларини эгаллаш учун курашдан бошланади.

Бадий маҳоратнинг, сабр-тоқат ва ижодий қатъиятнинг етишмаслиги туфайли ёзаётган аксари ҳикояларимизнинг фельетондан дярли фарқи қолмаяпти. Бу нарса суҳбатимизда ҳам ўринли таъкидлаб ўтилди. Чиндан ҳам, адабиётнинг вазифаси фақат фош этишдангина иборат эмас, у инсондаги инсонийликни, унинг ранго-ранг руҳий ҳолат ва кўринишларини ёруғликка йўғириб, одамнинг кўксини сарбаланд этадиган, уни янгидан-янги олижанобликлар сари етаклайдиган қудратли, покиза бир руҳ билан тасвирлаши лозим. Замонамизнинг ажойиб маҳоратли адаби марҳум Нодар Думбадзе айтганидек, ёзувчи ахлат уюми ичидан ҳам олтин излаши зарур!

Бунинг учун эса, алхимик эмас, қора терга тушиб ишлайдиган заҳматкаш кончи бўлмоқ керак.

Ғайрати бор одами этмас нифоқ,
Доғи нифоқ аҳли билан иттифоқ.

УБАЙДИИ

Жафокашларни ранжитма, вафо қасрини қил обод,
Кўнгиллар мулкини бузма, жафою жавр расмин буз.

ДОНОЛАР
БИСОТИДАН

МУНИС ХОРАЗМИИ

Эй оқил, этма золи жаҳон бирла ихтилот,
Билқасд қилма қасди жон бирла ихтилот.
Эмас шужоат агар ҳар нечаки қон тўксанг
Қачон баҳодир бўлур тўкмак ила қон саллоҳ.

ОГАҲИИ



ОЛИМНИНГ БАЛОҒАТ ЁШИ

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилигига бир гуруҳ истеъдодли ёшлар келиб қўшилди. Улар замонавий адабиётга доир қатор йирик масалалар, хусусан, социалистик реализм методига доир муаммоларни тадқиқ этишда фаоллик кўрсатдилар. Тўғри, 30-йиллар адабиётшунослигида Ҳамза, Садриддин Айний, Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоир ва адиблар асарлари ҳақида муайян илмий китоблар вужудга келган эди. Бу борадаги ишлар 50-йилларда янада раванқ топди. Янги бадиий асарлар ҳақида қатор мазмундор мақолалар ёзилди. Энг муҳими, танқидчиларимиз ўзбек совет адабиётшунослигини замон талаблари даражасига кўтаришда фаоллик кўрсатдилар. Ана шу ижодкор олимлар орасида то ҳозирга қадар адабиётшунослик ва танқидчиликда фаол меҳнат қилиб, ўз тенгдошларининг олдинги сафларида бораётганлардан бири Ҳафиз Абдусаматов ҳисобланади.

Бугунги кунда ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги эришган улкан ютуқларни Ҳафиз Абдусаматовнинг илмий ишларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳафиз ака камолот босқичларига осонгина эришгани йўқ. У адабиётга болалиқдан меҳр қўйди. Урта мактабни битиргач, Урта Осие Давлат университетининг филология факультетига кириб, таниқли олимлардан сабоқ олди. Ўзбек ва рус классиклари, совет адабиётининг ардоқли ижодкорлари асарларини севиб мутолаа қилди ва ижоднинг муҳим муаммоларига қизиқиши ортиб борди. Университетни 1946 йили муваффақиятли тамомлаб чиқди ва 1947 йили КПСС сафига ўтди. Назарий билимларини ошира боришга интилиб, мазкур илм даргоҳининг аспирантурасида таҳсил олди. 1952 йили Москвада «Улуғ Ватан уруши даври драматургияси» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотчи бу ишида ўзбек драматурглари асарлари билан бир қаторда К. Симонов, А. Корнейчук, Л. Леоновнинг драматик асарларини ҳам кенг таҳлил этди. Мазкур ишда ўзбек совет адабиётининг ривожига рус совет адабиёти таъсирини ўрганишга ҳам катта эътибор берди.

Ҳафиз ака 1952 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида фаол иш олиб борди. 1953—55-йиллар мобайнида шу институт директорининг ўринбосари лавозимида сидқидилдан меҳнат қилди. Кейинчалик эса институтда сектор мудирини бўлиб ишлади.

1960—63 йилларда олим Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг сектор мудирини (1960—1962), фан ва маданият бўлими мудирининг ўринбосари сифатида масъул вазифаларда хизмат қилди. У кейинги йилларда эса Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари, маданият институтининг ректори, «Шарқ юлдузи» журналининг бош

муҳаррири бўлиб ишлади. 1983 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳафиз Абдусаматовнинг ижодий фаолиятида ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза ва Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ва Уйғун ҳаёти ва ижодини ўрганиш катта ўрин тутди. Айни чоғда у драматургиямизнинг улкан тадқиқотчилари ва танқидчиларидан бири ҳисобланади. Олим ўзбек драматургиясида илк бор конфликт масаласини ва сатира муаммосини кенг илмий равишда тадқиқ этди. Самарали изланишлар натижасида тадқиқотчининг «Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир» деган дастлабки йирик асари 1954 йилда босилиб чиқди. Унда муаллиф Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Комил Яшиннинг «Генерал Раҳимов», Назир Сафаровнинг «Шарқ тонги», Уйғуннинг «Навбахор», Туйғуннинг «Муҳаббат» асарларини совет адабиётшунослигида эришилган ютуқлар асосида анча чуқур таҳлил қилди. Бу йилларда драма жанрида яратилган асарларни тадқиқотчи биринчилардан бўлиб кенг илмий доирага олиб кирди. Абдулла Қаҳҳор ва Уйғуннинг қатор пьесаларида эришган ютуқларини олим ўзбек адабиётида қўлга киритилаётган муҳим ҳодисалар ва муваффақиятлар билан боғлайди. Ўзбек драматурглари социалистик воқеликни ва замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини тасвирлашда қардош адабиётлар, биринчи навбатда, рус совет ва классик адабиётининг энг яхши асарлари таъсирини сезаётганликларини, рус ёзувчиларининг маҳоратидан ўрганаётганликларини ишонарли мисолларда кўрсатади. Олим конфликт фақат драматургияда эмас, айни вақтда бошқа жанрлар ривожига ҳам ғоят муҳим ўрин тутганини етук асарлар таҳлили орқали далиллади. Ҳафиз Абдусаматов қатор мақолаларида билимдон тадқиқотчи ва танқидчи сифатида танилиб борди. 1957 йили «Абдулла Қаҳҳор» номли китоби нашр этилди.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг сермазмун ва серқирра ижоди, умумсовет адабиётининг тараққиёти, тарихидаги ўрнини тадқиқотчи кенг ёритиб беришга ҳаракат қилди. Сўнгги йилларда ҳам Ҳафиз Абдусаматов ижодий фаолиятида ёзувчи ва драматург Абдулла Қаҳҳор асарларини ҳар хил нуқтаи назардан текшириш муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Ҳафиз Абдусаматов олим ва танқидчи сифатида адабиётимизнинг йирик намоёндалари ҳаёти ва ижодини, яратган асарларини муттасил кузатиб бориб, қатор мақолалар битди. Ҳамид Олимжон ҳақида «Атоқли ўзбек совет шоири», «Ғафур Ғулом сатирасида характер проблемаси», «Уйғун — драматург», Назир Сафаров тўғрисида, «Ижодий муваффақиятлар сари», Одил Ёқубов асари хусусида «Юрак ёнмоғи керак» ва бошқа кўпгина мақолалари ана шу сирага киради. Олимнинг бутун ижодий фаолиятида ўзбек совет драматургияси тараққиёт йўлларига хос муҳим масалаларни таҳлил қилиш бош масала бўлиб келапти. Унинг «Бой ила хизматчи» пьесаси 500 марта қўйилди», «Драматик жанр ҳақида», «Драматургияда ҳаётни ҳақиқий акс эттириш масаласига доир», «Муваффақиятсиз чиққан асар» каби ўнлаб мақолаларида драматургиямизнинг ютуқ ва нуқсонлари ҳақида салмоқли хулосалар баён этилди, муҳим муаммолар кўтариб чиқилди. Меҳнаткаш, изланувчан олим Ҳафиз Абдусаматов ўзбек совет драматургиясининг йирик тадқиқотчиларидан бири сифатида республикамиздагина эмас, иттифоқда ҳам танилган мутахассис ҳисобланади.

У икки жилдли «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (1961—1962), уч жилдли «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1968—1972) китобларининг юзага келишида муаллифлардан бири сифатида фаоллик кўрсатди. Адабиётшунос олим ўзбек совет адабиёти ва унинг асосчилари ижодини текширганда ҳам, драматургиямиз масалаларини тадқиқ этганда ҳам ҳамиша сатира муаммоларига жиддий аҳамият бериб келди. У Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳажвий асарлари хусусида бир қатор йирик тадқиқот асарлари яратди. Олим ўзбек совет адабиётида сатира масалаларини ёритар экан, типиклик, образ яратиш, ижобийлик каби муҳим муаммоларга алоҳида эътибор берди ва зурур назарий хулосалар чиқарди. Бу борадаги илмий-ижодий ишларининг якуни сифатида «Ўзбек совет адабиётида сатира» (1968) китобини яратди ва докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу ишга Воҳид Зоҳидов, Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов ва бошқа атоқли олимлар юксак баҳо бердилар.

Шу ўринда олимнинг фаоллиги, дадиллигини кўрсатувчи икки мисол келтириб ўтайлик. Айрим масъул кишилар Уйғуннинг «Парвоз» драмаси театр саҳнасида қўйилишига қаршилик кўрсатдилар. Ҳатто уни репертуардан олиб ташлаш кун тартибидаги жиддий масалалардан бири бўлиб қолди. Шундай қалтис бир вазиятда Ҳафиз Абдусаматов пьесани зўр шижоат билан ҳимоя қилиб чиқди ва томошабинга кўрсатиш зарур эканлигини исботлаб берди.

Маълумки, ўз даврида машҳур бўлган Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмаси Туроб Тўла томонидан саҳнага янгидан олиб чиқилди. Лекин бу хайрли ишда

нотўғри йўл тутилди. Тарихий ҳақиқатга зид равишда иш юритиш ва бу асарни батамом замонавийлаштиришга интилишдан иборат сохта тенденцияга биринчи бўлиб Ҳафиз Абдусаматов кескин қарши чиқди. Ҳар икки асар юзасидан ҳам унинг фикри етакчи аҳамият касб этди. Шуларнинг ўзидек муҳтарам олимимиз ижоди юксак ғовийлик, партиявийлик руҳи билан суғорилганини рўй-рост намоён қилади.

1974 йили чоп қилинган «Традиция ва новаторлик проблемаси» китоби ўзбек адабиётшунослигида традиция ва новаторлик масалалари, уларнинг ўзаро муносабати, ички алоқаларига бағишланган иш ҳисобланади. Муаллиф мазкур китобида улкан ёзувчи Комил Яшин ижоди мисолида Ҳамза аъналарининг давом эттирилиши, камол топишини кенг ва чуқур тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Асарнинг биринчи қисмида Ҳамза аъналари Яшин томонидан новаторларча ривожлантирилгани хилма-хил далиллар, кўпгина характерли мисоллар, қатор асарларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ишонарли тарзда ёритилган. Муаллиф содиқ шогирдининг ўз устози ижоди билан жуда эрта танишгани, илғор қарашларидан илҳомлангани, уларнинг бир-бирларига бўлган самимий муносабатлари ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилади. Ҳамзанинг «Узилган чечаклар»и билан Яшиннинг «Ичқари чечаклар»идаги ғоявий ҳамоҳангликка алоҳида урғу берилади. Яшиннинг «Саранг» («Тенг-тенги билан»), «Тор-мор» пьесалари, «Тухматчилар жазоси», «Лашмон фожиаси» драматик асарлари таъсирида пайдо бўлганлиги мисоллар, таҳлиллар асосида очиб берилади.

Ҳамза хотин-қизлар озодлиги мавзусини бошлаб берган ва кенг кўламда ёритган улкан санъаткор эди. Комил Яшин устози тажрибасидан ижодий фойдаланиб, уни изчил давом эттирди. Мунаққид «Бўрон», «Тор-мор», «Гулсара», «Нурхон», «Офтобхон» каби асарларида хотин-қизлар образлари талқинига етарлича эътибор берди. Аънана ҳамиша замон талаби билан янгиланишига алоҳида урғу бериш мазкур китобнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Китобдаги «Доҳий образи — ижод чўққиси» бобида Комил Яшиннинг ўзбек драматургиясида Ленин образини яратишда юксак чўққига кўтарилгани хилма-хил мисоллар ва таҳлиллар асосида ёрқин кўрсатилган. Тадқиқотчи «Буюклар буюги»ни саҳнага олиб чиқишдаги қатор қийинчилик ва мураккабликлар хусусида ишонарли тарзда фикр-мулоҳазалар баён қилади ва рус ҳамда ўзбек санъаткорларининг бу борадаги ижодий изланишларига назар ташлайди. Атоқли драматургнинг «Йўлчи юлдуз» драмасида Ленин образини яратишдаги ижодий принциплари кенг очилади. Китобнинг «Устоз шогирд талқинида» деб номланган иккинчи қисмида муаллиф Комил Яшин ўз устозининг ранг-баранг ижоди ва жасоратли ҳаётини оммага етказишдаги хизматларини баён этади. Сўнг Амин Умарий билан ҳамкорликда яратган «Ҳамза» драмаси, санъаткор-инсон ҳақидаги сценарий ва фильмини таҳлил қилади. Шунингдек, адабиётшунос Яшиннинг «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирларидан бир лавҳа» («Холисхон»), «Бурунги қозилар ёхуд «Майсаранинг иши» асарларини тиклашдаги фидойилигини ва бу борада рўёбга чиқарган ишларини анча кенг ва батафсил ёритган.

Олимнинг «Эстетика ва ҳаёт» (1976) китоби эса машҳур драматург Комил Яшиннинг адабий-танқидий, эстетик қарашларини ўрганишга бағишланган. 1978 йили чоп этилган «Ҳаёт, адабиёт, театр» китоби турли йилларда ёзилган мақола, адабий ўйлари ва тақризларидан таркиб топган.

Олим «Ҳаёт кўшиғи» (1984) китобида атоқли санъаткор Уйғуннинг замонавий мавзудаги қатор асарларини ҳийла кенг ва атрофлича таҳлил қилади. Қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида Уйғун жуда кўп драматик асарлар яратди, уларнинг деярли барчаси театр саҳналарида кўйилди, бу асарлар хусусида қатор тақриз ва мақолалар босилиб чиқди, илмий ишлар қилинди. Лекин ҳунозга қадар адибнинг драматик жанр ривожидagi улкан хизматларини равшан кўрсатадиган, улардаги бош тенденциялар ва ўзига хос қатор хусусиятларни таҳлил этадиган эътиборли илмий асар вужудга келмаган эди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ҳафиз Абдусаматовнинг бу китоби принципиал аҳамиятга молик.

Олим 1975 йилда адабиётшунослигимиз ривожланишига кўшган улкан ҳиссаси ва 50 ёшга тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» юксак унвонига сазовор бўлди. «Традиция ва новаторлик проблемаси», «Эстетика ва ҳаёт» асарлари учун 1977 йилда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Заҳматкаш олим раҳбарлигида ўнлаб адабиётшунослар кандидатлик, докторлик ишларини ҳимоя қилдилар. Камолот ёшига етган серғайрат олим, камтарин, меҳрибон устоз, толмас жамоатчи Ҳафиз акага узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Ҳамидулла Ёқубов

Айни жанг кунларида

(Кузатилган бир лавҳа)

Уруш борар.

Совуқ куз.

Неман бўйида қиров.

Тутқунда инграр Вильнюс —

Тинч қўймас фашист бирров.

Пойтахтга ўрмон яқин,

Шип-шийдон қўшни қишлоқ.

Келди мана ёв тагин,

Баҳона товуқ, пишлоқ.

Ёғоч уй четда ёлғиз,

Тутун бурқсир мўридан.

Киради фашист — ёвуз,

Қон сачратиб кўздан:

Ямоқ билан буви банд,

Сандиқда ўлтириб жим.

Тўрда ғиштпечка баланд,

Устида олар тиним —

Юнос, —

набира,

у ёш,

Танҳо ўғил, шўх-оташ...

Душман ишора билан:

— Шов-шов, — дер, пуфак лунжи, —

Отаман, қари илон,

Буйруққа кўнмай кўр-чи...

Начора, мажбур буви,

— Лаънатилар! — деб турар.

Оғзида йиғи-уви,

Ортида қўл, мункиллар.

Оёқда ёғоч кавуш,

Судраб чиқар пўнғиллаб.

— Қирғин келсин! — Боёқиш

Борар қарғаб, дўнғиллаб.

У ориқ-озғин молин

Ўтлоқдан ушлар аранг.

— Сен сўнги ризқ, бисотим,

Тошдан бўлсин бошгинанг...

Дағиллаб,

титраб қўли,

Сигирни соға бошлар.

...Партизан ўғил, келин,

Хаёлдан ўта бошлар.

Ичкарида нима гап,
Фашист тин оларми?
Йўқ!

— Гапир! —

Болага қараб,

Яроқ ўқтаб, урар дўк.

— Отанг қани, тирранча?

— Билмайман, йўқол. Тур, кет...

— Онанг қани, тирранча?

— Билмайман... — Сукут. Сукут...

Яроқни солиб қинга,

Енг шимарар офицер.

Тепар қорин, биқинга,

Чалажон қилиб, айт, дер.

Юнос пионер ўзи

(Галстуксиз у ҳозир)

Бўғзида қотган сўзи,

Сирин айтмас ёш ботир...

Э, воҳ! Гўдак увол-а,

Илон-ёв бўға бошлар.

Сўнг печкага узала —

Ўтга тўнкадек ташлар.

Соғиндан қайтар кампир,

Очай деса, эшик берк.

Кўнглин босиб хавотир,

Ойнадан мўралар: — Эҳ!

Фашист турар ўртада,

Белда қўл.

Бузмас пинак.

Қотиб кулар жўрттага:

Бола ёнар — жизғинак.

— Д-о-д! —

Буви каска билан

Ойнани этар чил-чил.

— Вой, болам! —

Ҳасса билан

Ёвга ташланар: — Қотил!..

Шу жойда тугар қиссам,

Литвани этдик озод.

Менинг ҳам бордир ҳиссам,

Кўкрагим тоғ, дилим шод.

Бу кимнинг ўйинчоғи?

От оёғи янчилган,
Тўпга игна санчилган,
Бу кимнинг ўйинчоғи?
Велосипед рули йўқ,
Шернинг эса қўли йўқ,

Бу кимнинг ўйинчоғи?
Итнинг думи кераксиз,
Машина ғилдираксиз,
Бу кимнинг ўйинчоғи?
Собирники бу, чоғи...

Какку

Бир қуш сайрар кун бўйи
Ўрмонда:
— Как-ку!
— Как-ку!

Қичқиролмай хўроздай,
Армонда:
— Как-ку!
— Как-ку

Бу қандай қуш, ким топар?
— Как-ку!
Ўзи ҳам номин билмас
Экан-ку?..



Сафар Барноев

Яхшилик

Сизга айтсам идиш, товоқ
Уйимизда бир дўкон.
Дадам деса: — Етар йиғмоқ,
Ойим дейди: — Ҳеч қачон.
Меҳмон келса, стол усти
Тўлиб кетар чиннига.
Чинни эмиш — стол ҳусни,
Жой топилмас шиннига.
Аммо менда ўзга ташвиш,
Бир кўч бўлар юмушим.
Меҳмон кетгач, уй супуриш,
Керак идиш ювишим.
Кеча, мана, юва туриб,
Бир косани синдирдим.
Ойижоним, буни кўриб,
Хўмрайганча қолди жим.
Дадам деди:
— Яхшиликка.
Хафа бўлма, кўрқмагин.

Гап кўп экан яхшиликда,
Бураб кран жўмрагин —
Юваётсам, лаган синди,
Яна пахта гуллиси,
Дадам қараб: — Кўрқма, — деди,
Зўрға тутиб кулгисин.
Чойнак синди:
— Яхшиликка.
Кейин коса, пиёла.
Гап кўп экан яхшиликда,
Синаётир кун ора.
Ойим деди: — Яхшилигинг
Етар, болам, қўйгин, бас.
Шундан бери ошхонага —
Мени яқин йўлатмас.
Ёқмас эмиш бундай қилик,
Ҳайрон бўлиб турибман.
Энди кимга не «яхшилик» —
Қилайин, деб юрибман...

* * *

Амакимнинг қўллари бор,
Кўзи бор.
Амакимнинг йўллари бор,

Сўзи бор.
Амакимнинг йўқдир икки —
Оёғи.

Оёқлари — унинг
Қўлтиқтаёғи.
Мана, ҳозир йўлга чиқар,
Тў-қ, тў-қ.
Қўлтиқтаёқ фикирлайди,
Йў-ў-қ, йў-қ...
Юриб туриб, ўйга чўмар
Амаким.
Суяш учун шошиб қолар —

Аллаким.
Нафасини яна ростлаб,
Одимлар.
Ён-веридан тикилади
Одамлар.
Қўлтиқтаёқ инграб борар:
Тў-қ, тў-қ.
Бу дегани урушга йўл —
Йў-қ, йў-қ...

«Чечанлар»

Феруза гапга чечан,
Дилфуза гапга чечан.
Маҳмадана экан, деб,
Дўстлар, ўйламанг ҳечам.
Эшитганин оқизмай —
Улар етказиб турар.
Хазелинга келмаган
Сўзларни тизиб турар.
Мана, сизга бир мисол,
Улар топиб келибди:
Болалар байрамида
Кўшнимиз қиз кўрибди.
Феруза дер: — Дада, у
Йигит бўлиб ўсади.
Ҳеч нарсадан қўрқмайди,
Бургут бўлиб ўсади.
Бизга ўхшаб ўсади,
Сизга ўхшаб ўсади...

Яна сизга бир мисол,
Дилфуза топган буни.
Кимдир ўғил кўрибди,
Саккизинчи март куни.
Дилфуза дер: — Бу бола
Қиздай ювош бўлади.
Катта бўлса, кўрасиз,
Жудаям бўш бўлади.
«Қизга ўхшар ингаси»,
Шундай деди янгаси...
Феруза гапга чечан,
Дилфуза гапга чечан,
Маҳмадана экан, деб
Дўстлар, ўйламанг ҳечам.
Дейишади баравар:
Дадажон, беринг қулок.
Ҳар ким ўз байрамида,
Туғилгани яхшироқ.

Владимир Данко

Жиддий гап

Дўстим, сиз,
Уйларсиз:
Бу — оддий тол хивич деб,
Бу тойчоқдир, жиддий гап,
Ҳа, мени юрманг тергаб.
Ҳазил эмас, дангал сўз,
Мингашинг, маҳкам ушланг.
Ростакам чопса борми,
Яна йиқилиб тушманг.

Дўстим, сиз,
Уйларсиз:
Оддий тош деб буларни.
Булар-чи?
Қанд-курс, новвот.
Ҳазилмас, татиб кўринг,
Меҳмон бўлиб сиз бот-бот.

Дўстим, сиз,
Уйларсиз:

Буни парча ойнак, деб,
Ёки синиқ чойнак, деб.
Бу фонар.
Ҳазил эмас, жиддий гап.
Тутсам ой ёғдусига —
Нурланиб ялт-юлт ёнар.

Дўстим, сиз
Уйларсиз:
Булар оддий қўллар, деб,
Булар — қанот,
Ҳазил эмас, тўғри гап.
Хоҳлаганлар синаб кўрсин,
Ўта жиддий бу сўзим.
Гар иштиёқ бўлмаса,
Парвоз қилгайман ўзим.

Турсунбой АДАШБОВЕВ таржималари.

Қуёш ва мен

Ҳар куни қуёш мендан
Эрта ухлаб қолади.
Қанча уринмай, аммо,
Олдин туриб олади.

Ойижон, мен қуёшни
Энди пойлаб юраман.
Бирон куни кеч турса,
Боплаб уялтираман.

Асалари

Ширинтойим, бол йиғиб,
Бўлсин дейсан омонлик.
Ҳаётингда ҳеч кимга
Қилмагансан ёмонлик.

Минг урин, чиқмас фойда
Жаҳл қилган ишингдан.
Чақиб олсанг бировни,
Ажраласан нишингдан.

Отимни тақаладим

Мен отимни
Тақаладим.
Чопишини
Баҳоладим:
Темир тақа
Тўрт оёғи.
Ерга тегмас
Ҳеч туёғи.

Дулдул отим —
Жуда бало,
Пойгада у
Доим аъло.
Биласизми,
Уни, ака,
Олиб учар
Темир тақа.

Тил топишди

Учрашдилар
Ғоз, ўрдак.
— Исминг нима
Айт, ўртоқ?
— Меникими,
Ғоқ... ғоқ... ғоқ...

— Сеники-чи?
— Ғо... ғо... ғо...
Бир зумда тил
Топишди.
Уйнагани
Чопишди.

Ғилдирак

Йўллар оша
Ғилдираб,
Қувноқ яшар
Ғилдирак.

Шарафлаб
Ўз ўқини,
Олға элтар
Юқини.

Рауф Толиб'

Ҳазиллашдим...

Фарҳод:
— Билиб қўйинг, акавой,
Мен Фарҳодмас,

Мен булбул.
Шохлардан-шоҳга сакраб,
Қўшиқ куйлайман нуқул.

Нодир:
— Не қиласан,
Тўсатдан
Келиб паҳлавон бургут,
Худди бало-қазодай,
Солса типпа-тик човут?

Фарҳод:
— Шунақами?
Мен унда
Бўламан бургут-полвон.
Қуш зоти кўрқиб турар,
Қучоқ очар
Ер, осмон!

Нодир:
— Ҳа-ҳа,
Шошма, бургутжон,
Овчи агар отса ўк,
Унда нима қиласан?
Бежонсан,
Оламда йўқ!

Фарҳод:
— Ҳазиллашдим...
Акавой,
Бўлмама булбул, бургут ҳам.
Пўлатдан қанотим бор,
Мен Фарҳодман,
Мен — одам!

Файзи Шоҳисмоил

* * *

Ада-чи, боғчамизда
Балиқлар бор, чиройлик.
Сузар шиша ҳовузда,
Юринг, бирга кўрайлик.

Биттаси шўҳки бирам,
Аломат, қизил тусда.
Ўзи кичик бўлса ҳам,
Сузишга жуда уста.

Ҳамза Имомбердиев

Лофчилар

Али, Вали лофчилар,
Хушчақчақ алдоқчилар.
Роса лофни уришар,
Кўпикдан уй қуришар,
Маза қилиб кулишар.
Али деди: — Вали, кел,
Расмимга бир баҳо бер.
Қушча чиздим ажойиб,
Ажойибу ғаройиб.
Ана, у дон еяпти,

Менга, раҳмат деяпти.

Али боқди вараққа,
Расм йўқ ҳеч қанақа.
— Алдабсан-ку, қани дон?
— Қушча еб кўйди, нодон.
— Йўқотдингми ҳушингни,
Кўрмаяпман қушингни?
— Тўйгач қушча «чирқ» этди,
«Раҳмат» деб учди-кетди...

Телефондаги суҳбат

— Холида опа, — симдан
Дўриллаб келар овоз. —
Ўқувчингиз Хол чиндан
Шамоллаб қолди бир оз.

Кўзига келмас уйку,
Ачинар кўрган одам...
— Гапираётган ким у?!
— Бу... бу... бу... менинг адам!!

Бувилар

Икки бола баҳс қилар:
— Менинг бувим яхшилар.

Доим мени ўйлайди,
Оч қолгани кўймайди.

Пайпоқ тўқиб беради...
Униси дер: — Меники
Китоб ўқиб беради.

Икки бола баҳс қилар:

— Менинг бувим яхшилар.
Бувилар-чи, хилватда,
Улар-чун ҳаракатда.
Бири пайпоқ тўқирди,
Бири китоб ўқирди...

Жўра Раҳим

* * *

Ойисидан — Яшамайди,
Жажжи Сойим — Йўқдир ҳаво.
Уни-буни Шудир сенга
Сўрар доим: Тўғри жавоб.

Ойиси сал — Ойи, ойи,
Тўхтаб туриб, Бу гап чакки.
Сойимга дер Бурни йўқлар
Лабин буриб: Яшар, балки...

Одилжон Олимов

Булут ёмғирни қайдан олади?

Салоҳ англолмай
Ҳайрон қолади:
— Булут ёмғирни
Қайдан олади?
Акаси айтар,
Бошини қашиб:
— Узоқ-узоқдан
Келтирар ташиб.

Салоҳ қўймайди
Тагига етмай.
Акаси айтар
Уни инжитмай:
Дарёдан олар
Сувни челаклаб.
Сўнг бошимизга
Қуяр элаклаб...

Турсунбой Каримов

* * *

Бир бола бор боғчамизда
Карамни эслатар қишда.
Сиз бу гапга бўлманг ҳайрон,
У қиш кириб келган замон —

Кийиб олар қават-қават,
Кийим топиб сават-сават.
Исми Карим, аммо кўп дам —
Шундан уни дерлар Карам...



Равшанлик бўлмаган



Фатҳиддин Насриддинов. Тақдир табассуми. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1985.

«Шарқ юлдузи» журнали ўзининг шу йилги биринчи сониди адабиётимизнинг биринчи элементи — тил муаммолари ҳақида баҳс очиб, хайрли иш бошлади.

Ёзувчи Саид Аҳмад ҳозирги санъаткор ва танқидчиларнинг ҳеч ким айтишга журъат этолмай келган «ёмон яраси»ни очиб кўрсатди. Адиб тўғри таъкидлаганидек, ҳозирги ўрта ва ёш авлод ёзувчилари тилимизнинг беҳисоб ранглари, бой, интихосиз оҳанглари ни ифодалашда ожизлик қилиб келаётир. Адабий танқидчилик бу масалада жуда ғариб бир аҳволга тушиб қолганлигига ҳам эътироз билдириб бўлмайди. Тилимизнинг минг жилога кириб товланиши, бутун Шарқ асрлар давомида юксак қадрлаб келган нуктадонлик ўрнини зерикарли, ўртача савияда ёзилган асарлар тили чирмовуқдек ўраб олаётир.

Мана шу салбий ҳодисани яқинда чоп этилган Фатҳиддин Насриддиновнинг «Тақдир табассуми» китобида ҳам учратиш мумкин.

Маақур тўпلام икки қисса ва ўн икки ҳикояни ўз ичига олган.

Ёзувчи «Раҳмат, одамлар» қиссасида нобоп ота тарбияси туйфайли ёмон йўлга кириб кетган қаҳрамоннинг яхши кишилар кўмагида ўз бахтини топиши ҳақида ҳикоя қилади. Лекин асар қаҳрамони Нормат ҳаётда жиддий қийинчиликларга учрамай-

ди. Бир қарасангиз бўғирсоқдек юмалаб ўғрилар сафига қўшилиб кетади. У ерда «алвасти қасамини ичиб», беш йил қамоқ жазосига тортилади. Унинг қамоқда чеккан афсус-надомати, қалб изтироби, тавба-тазаррулари қиссада ёритилмайди. Яна бир юмалаб эсон-омон озодликка чиқади. Тунда овлоқ жойларда Лобарга ўхшаган кишиларни тунаб кун кечиради. Дусти Собиржоннинг ёрдамида осонликча заводга ишга киради. Лида исмли рус қизига уйланиб, илгор кишилар сафига қўшилиб олади.

Қаҳрамон ҳаётидаги бу силлиқлик асарнинг бадиий бўшлиғи, айниқса, тилининг ғализлиғи билан изоҳланади.

Китобдаги мана бу жумлаларга аҳамият қилинг: «Дилбар холанинг биттаю битта фарзанди, кўзининг оқу қораси Лобар ҳам унинг илиқ кучоғидан Собиржонлар боғига келадиган бўлди»

Бу ерда серсўзлик, жимжима маънони хиралаштириб қўйган. Фикр стилистик жиҳатдан чалқаш ифодаланган. Айниқса, «...Лобар ҳам унинг илиқ кучоғидан Собиржонлар боғига келадиган бўлди» гапи сунъий. Жонли тилда одамлар «палончининг боғига келин келадиган бўлди» демайди. Шу сабабли уни «Дилбар хола ёлғиз қизи Лобарни турмушга чиқарадиган бўлди» ёки «узатадиган бўлди» тарзида ифодалаш зарур эди.

Шунингдек, «Ғир-ғир эсан майин шабада зумрад барглари тебратиб, улар қулоғига нимадир пичирлагандай бўларди», жумласи ҳам ғализ. Шабаданинг ҳам барглари бўладими? Текста эгалик қўшимчасининг ортиқча ишлатилиши ёзувчи фикрINI тамом тескари томонга буриб юборган.

Майли, бу матбаа хатоси бўлақолсин. Лекин «Дадаси ҳам ичгандай ичмасди-да ўзи» гапига нима дейсиз? Ҳолбуки, қиссада гап Норматнинг ароқни дадасидан ҳам ўтказиб симириши ҳақида кетади. Шунинг учун «Дадасидан ҳам баттар ичарди-да ўзи» дейилса, олам гулистон, жумла очилиб, ўз маъносига эга бўлар эди. Муаллиф баҳор манзараларидан жўшиб кетиб: «Лолалар, қизғалдоқлар қирлар бағрини ола-яшил қилади» дейди.

Ўзим тоғ қишлоғида яшашимга қарамай, лолалару қизғалдоқлар қирлар бағрини «ола-яшил» қила олишини кўз олдимга келтиролмадим. Чунки ола деганда китобхон тасаввурда ўзида оқ ва қора ранглари бирлаштириб турган нарса ёки жонивор туси гавдаланади. Тўғри, ярми қизғиш, ярми оқиш тарғил лолалар тўп-тўп бўлиб ўсган жойлар оқариброқ кўринади.

Қизил лола, қизғалдоқлар очилганда табиат қирмизи рангга бўялиши маълум. Зумрад, мунис майсаларнинг оламни ям-яшил қилиб туришига ҳам эътирозимиз йўқ.

Баҳор келиши билан яшиллик кучайиб, ҳукмрон рангга айланади. Қуёш нури

таркибидаги етти хил ранг заминдаги бўёқлар билан кўшилади, улар бир-бири билан уйғунлашиб, кўзимизга оламини гўзал, сержило қилиб кўрсатади.

Ёзувчи юқоридаги «...ола-яшил қилади» гапи билан табиатдаги мана шу ҳар хилликни назарда тутган. Лекин у «ола» сўзининг маъно тавлинишига аҳамият бермасдан ноўрин ишлатгани учун мантиқсизлик келиб чиққан.

«Собиржон учиб-кўниб, уйга келди» ва «...туғруқхонага учиб-кўниб борди» жумлалари ҳам сунъий, ясамалиги билан китобхон энсасини қотиради.

Муаллифнинг иккинчи қиссаси «Боғистон қушчалари»да ҳам аҳвол ана шундай. Унда Нодир, Пўлат, Мухтор каби ёш ўқувчиларнинг жосус Аҳмадбекни тутиб беришда кўрсатган ботирликлари, шу аснода мактаб директори Қодир Азизович, рус тили ўқитувчиси Зинаида Алексеевна, застава штаббининг бошлиғи полковник Аҳмаджон Хушбеков, мактаб буфетчиси Хожя ака каби қатор кишиларнинг бир-бирига боғлиқ мураккаб тақдирлари, уруш келтирган қийинчиликлар ҳақида сўзланади.

Қиссада китобхонни ўзига тортадиган талай чизгилар, қизиқарли ўринлар йўқ эмас. Асар ёшлар қалбига юртсеварлик, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди. Бу ёзувчининг ютуғи.

Лекин бу ерда ҳам юқоридагига ўхшаш камчиликларга дуч келади. Китобхон қисса бадийлигини бузиб юборган тилдаги ғализликларни кўриб, яна ранжий бошлайди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Шўх Пўлатнинг колхоз боғига ўғирликка кириб, қўлга тушиши шундай тасвирланади: «Улар шафтолизор оралаб ўтиб эндигина анжирзор томон бурилишган ҳам эдики, бир нарса «қарс» этиб синди-ю, аллакимнинг «вой» деб инқиллагани эшитилди. Қодир шошиб ўша томонга чопди. Умаржон ака ҳам. Не кўз билан кўрсинки, йўғонлиги одамнинг белидай келадиган улкан анжир бутোগида баҳайбат хурмачадай бир нарса осилиб ётар эди. Қодиржон шошиб қолди. Этиб бориб қараса, бир бола парашютда сакраган учувчидай юзтубан ётибди...»

Парчадаги «...одамини белидай келадиган улкан анжир» тасвири кишини иккилантириб қўяди. Анжир ҳам шу қадар катта бўлармикин? Бўлиши мумкин дейлик. Лекин текстда кетма-кет қалашиб келган ўхшатишлар осилиб қолган бола ҳолатини кўз ёлдимизда аниқ гавдалантиролмайди. Дастлаб бола баҳайбат хурмачага ўхшатилади. Яна у бутоқда осилиб туради. Шундай баҳайбат «хурмача»ни бир кичик бутоқ кўтара оладими? Шох билан бутоқнинг фарқи бор-ку! Кейинги «...парашютда сакраган учувчидай...» ўхшатиш эса сунъийлигидан ташқари юқоридаги тасвир руҳига мутлақо мос келмайди. У ўқувчининг тасаввурини чалғитади. Бунинг устига ўзи осилиб қолган бўлса, қандай қилиб юзтубан бўлиб ётади?

Нодирнинг илон ўйнатишига бағишланган парчада ҳам фикр шубҳали ифода-ланган: «Илон Нодирнинг қўлида аргамчидай эшилар, ҳамон таслим бўлмоқчи эмасдай (?) бошини баланд кўтариб, тилларини қалдиратар, рақибига ҳамла қилиб, ҳайбат солмоқчи бўларди...» дейди муаллиф. Авва-

ло бола илоннинг рақибни бўлолмайди. «Қалдиратар» сўзи эса ёзувчи кутган бадий ифодани беролмаяпти. Илон тилини ўйнатиши, титратиши, қимирлатиши мумкин. Лекин, у тилини ҳеч қачон «қалдирата» олмайди. Аслида момагулдурак қалдирайди, арава юрганда қалдирган овоз чиқаради ва ҳоказо; «ҳайбат солмоқчи бўларди...» тасвири ҳам ёпишмай турибди. Илон ҳайбат сололмайди. У кишини қўрқитиши, чўчитиши мумкин. Ҳайбат солиш эртақлардаги дев, аждарларга, вулқонга ўхшаган салобатли нарсаларга хос.

«Ажал ва ғарот келтирувчиликдан иборат бўлган кўзи кўр, қулоғи қар уруш тангрисининг қора қаноти уни душман чанғалига туширтирган эди» жумласи ҳам баландпарвозлик, ғализликдан иборат бўлиб қолган.

Асарнинг Қодир Азизович, Зинаида Алексеевна, Сардор ходалар билан боғлиқ сюжет йўналиши ҳам ўқувчини қаноатлантирадиган даражада эмас.

Қодиржон йигитлари билан разведкадан қайтаётганда ботқоқда тиқилиб қолиб, «Ёрдам беринглари!» деб илтижо қилаётган бир қизни учратиб қолади. Муаллифнинг тасвирлашича, тез ёрдам бермаса, ботқоқлик уни ютиб юбориши мумкин. Қодиржон нима қиларини билмай, шошиб қолиб, ўзини ботқоқликка ташлайди. Қизни даст кўтараман, деб ўзи ҳам балчиқка «қозикдай» ботиб қолади. Нима қилиш керак? Қаҳрамоннинг боши қоатади. Қизни қучоғида тутиб турган ҳолда гўё паркда ўтирган ошиқдек осойишта сужбатга ўтади:

«— Отинг нима, гўзал қиз?..»

— Зина, Зинаида...

— Жуда яхши! Жуда яхши от экан,

Зинаида, менинг отим Қодиржон — Коля,

Қодиржон, «қўрқма, снаряд воронкасига тушиб қолганга ўхшаймиз, ҳозир биринкетин чиқиб кетамиз» деб Зинаидага далда беради. Мана шу тасалли қуввати билан Зина Қодиржоннинг гавдасига ёпишиб, бор кучи билан юқорига кўтарилади. Кафти, камари, елкасига оёқ қўйиб, «ботқоққа кокил солиб турган сув толи...»га осилиб, қуруқликка чиқади ва тезда снаряд уриб туширган қайин шохини топиб, Қодиржонга узатади, қийинчилик билан бўлса-да, уни ҳам тортиб олади.

Бу тасвирда ҳам китобхонни шубҳага соладиган деталлар мавжуд. Ботқоқлик бир ерда «тагсиз» деб таърифланади. «Бошқа ўринда юзароқ, яъни «снаряд воронкаси» деб тушунтирилади. Ботқоқлик тубсиз бўлса, Зина Қодиржоннинг устига чиққанда нега улар бирга ботиб кетишмади? Агар у одам ботмайдиган даражада саёз бўлса, ёзувчи яратган маш-машаларнинг ҳаммаси ёлғон...

Негизи тўғри, пухта қурилмаса, иморат бошигача қийишқ чиқади деганлари рост экан. Лоқайдлик, мантиқсизлик оқибатида қисса охирида ғаройиб ҳолат вужудга келган.

Ботқоқликдан бир амаллаб чиқиб олгач, улар асирликка тушиб қоладилар. Душман Қодиржонни жосусга айланатириш ниятида разведка мактабида ўқитади. «Ваганимга қайтишим билан бошимдан ўтган саргузаштларни тегишли идорага кириб рўй-рост айтиб бераман» деган мўлжал билан ўқишга рози бўлади.

У ҳақиқий жосус Аҳмадбек сингарни

соткинлар билан бирга ўқийди. «Айгоқчи бўлиб» Тошкентга келгач, совет ташкилотларига учраб, бор гапни айтиб беради ва ўзи ҳам актив фаолиятга киришиб кетади. Лекин мана шу ўринларда бадий тасвирдан кўра воқеанавислик кучайиб кетган. Қиссада уруш даҳшатлари, қахрамонларнинг ўзга юртларда чеккан изтироблари индивидуаллаштирилиб чуқур тасвирланмаган. Чунончи, Зинаида Алексеевна йигитнинг бояги яхшилигини узоқ вақт эсидан чиқаролмай юради. У Германиядаги концлагерларда жафо чекади. Уруш тугагач, ўз юрти Белоруссияга келади. Аммо ота-она, қариндош-уруғларидан ном-нишон тополмагач, Қодиржон берган адрес бўйича тўғри Сардор холаларнигига кириб келади.

Қувончдан боши осмонга етган Сардор хола Зинаидани уйда олиб қолади. У: «... — Айтиб қўй, ўғлим эсон-омон ўлмасдан қайтиб келса келинимсан. Агар тақдир қўшмаса, қизим ўрнида қизимсан, ўзим кувёвга чиқараман» дейди. Аммо тақдир уларни қўшмайди. Қодир Азизович душман чангалдан кеч қайтади. Зинаида Алексеевна Қодиржонни беш йил кутиб, полковник Аҳмаджон Хушбековга турмушга чиқиб кетади.

Шу ўринда китобхон хотирасига Қодиржонни фронтга рўмолча силкиб кузатиб қолган севикли маъшуқаси, қайтиб келишни кўзлари тўрт бўлиб кутаётган Ҳамидахон келади. Сардор хола ўгли Қодиржонни суқсурдай ёри кутаётганини била туриб,

нега дабдурустан Зинаида Алексеевнани келин қилиб оламан, деб қолди? Ҳамидахонга нима бўлган? Е у ҳам Қодиржонни унутиб, бошқа кишига турмушга чиқиб кетганми? Ҳамидахон тақдирини на ёзувчи эслайди, на Сардор хола, на Қодиржон...

Балки бу камчиликларни муаллифнинг ҳикоялари «ювиб» кетар, деб китобни яна ўқишда давом этамиз. Афсус, кўпчилик ҳикояларининг савияси ҳам ўрта даражадан ошмаган. Лекин унинг «Қиз боладек йигитча», «Сувга тушган совчилар» номли бир-бирини мантиқан тўлдирадиган ҳикоялари бошқача ёзилган. Уларда фош қилиш руҳи кучли. Ҳар икки ҳикоя қахрамони Эркин образида эрка, тантиқ, қизларнинг жиғига тегадиган суюгоёқ, такасалтанг баъзи ёшлар аёвсиз танқид қилинади.

Бу мисол масъулият ҳисси билан ишласа муаллифнинг яхши асарлар ёза олиш салоҳияти борлигини кўрсатиб турибди. Афсуски, у мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқара олмаган. Бир сўз билан айтганда ёзувчи «Раҳмат, одамлар», «Богистон қушчалари» қиссалари ва ҳикояларида ҳозирги замондошларимизнинг одамийликка интилиши, болаларнинг ранг-баранг кечинмалари, феъл-атвори, юртсеварлик қайфиятларини тасвирашга интилгану лекин тил, мантиқ каби бадийят қонунларига етарли эътибор бермагани учун кутилган натижаларга эриша олмаган.

Тўлабой РҶЗИБОЕВ

Илк қўлланма

И. Қўчқортоев, Б. Исабеков

ТУРКИЙ ФИЛОЛОГИЯГА КИРИШ

И. Қўчқортоев, Б. Исабеков. Туркий филологияга кириш. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент — 1984.

Бир неча йиллардан буён республикамиз университетларининг филология факультетларида «Туркий филологияга кириш» фани ўқитилмоқда. Бу фан бўлажак филолог-

мутахассисларни юқоридаги талаб даражасида тайёрлашга янада ёрдам беради. Ана шу маънода профессор Иристой Қўчқортоев ва доцент Бахтиёр Исабековлар томонидан ёзилган «Туркий филологияга кириш» қўлланмаси ҳар жиҳатдан маъқуллашга лойиқдир.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда туркий филологиянинг шаклланиши ва равнақ топиши масаласи баён қилинган.

Маълумки туркий тиллар ва туркий адабиётни ўрганишнинг илк даври классик араб филологияси таъсирида бўлган. Чунки дастлаб шу соҳанинг олимлари араб филологияси асосида таҳсил кўрганлар, ҳатто антик филология ғоялари ҳам уларга араб тилидаги асарлар орқали тарқалган. Китобда араб филологиясига катта ҳисса қўшган йирик олимлар ва уларнинг асарлари мухтасар шаклда тавсиф этилган, араб филологияси анъаналари таъсирида таҳсил кўрган олимларнинг (уларнинг кўпчилиги маҳаллий халқлар орасидан етишиб чиққан) туркий халқлар тили ҳамда адабиётини ўрганишда алоҳида роль ўйнаганлиги, туркий филология фанининг вужудга келиши ана шу олимларнинг илмий фаолиятлари билан боғлиқ экани асосли равишда таъкидланган.

Туркий филологиянинг шаклланиши ва ривожланишида ўчмас из қолдирган Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий, Абу Ҳайён, Жамолиддин ибн Муханна, Жамолиддин ат-Туркий каби йирик турколог олимларнинг илмий фаолиятлари, муаллифи номаълум бўлган «Китоб-и мажму-у-таржимон турки ва ажами ва муғоли», «Китоб-ат-туҳфат-уз-заки-

яту фи-л-луғат-ит-туркия» каби муҳим туркологик тадқиқотларнинг илмий моҳияти ва қиммати китобда кўрсатиб берилган. Туркий халқлар орасидан етишиб чиққан биринчи қомусчи олим М. Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари туркология тарихида алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун ҳам китобда бу олим ва унинг мазкур асарига нисбатан кенг ўрин берилган. М. Қошғарий тилшунослиқда қиёсий-солиштирма методнинг асосчиларидан бири эканлиги, туркий тиллар фонетик қонуниятларини кашф этганлиги мазкур асарнинг таҳлили асосида кўрсатилган.

Қўлланма ўзбек филологияси факультети студентларига мўлжалланганлиги учун ҳам унда туркий филологиянинг бевосита ўзбек филологияси билан боғлиқ томонлари нисбатан тўлроқ ёритилган. Маълумки, эски ўзбек тили бўйича жуда кўплаб филологик асарлар яратилган. Улар орасида, айниқса Алишер Навоийнинг ўзбек тилининг бойлиги ва нафислигини, эстетик имкониятларини замондошларига номойиш қилиш ниятида ёзган «Муҳокаматул-луғатайн» асари алоҳида ажралиб туради. Бу асар буюк сўз санъаткорининг она тилига ҳурмат билан қараш, уни қадрлаш, ривожлантириб боришга оташин қаҳриғи бўлиб, унда конкрет фактлар таҳлили асосида ўзбек тилининг ифода имкониятлари очиб берилган. Қўлланмада Алишер Навоийнинг бу улкан хизматлари ва бошқа олимларнинг (Толи Имоний Ҳиравий, Муҳаммад Ёқуб Чингй, Мирза Меҳдихон, Хоксор, Сулаймон Бухорий каби) грамматик ва лексикографик асарлари ҳаққоний равишда таҳлил этилган ва уларнинг туркология тарихидаги ўрни белгиланган.

Туркий филология тарақиётида рус олимларининг хизматлари беқиёсдир. Қўлланмада Россияда туркий филология масалаларини ўрганиш анъанасининг вужудга келишини икки боқичга бўлиб ўрганилган:

1. Туркий халқлар тили ва адабиётига оид материалларни тўплаш (XVIII асрнинг иккинчи ярмигача).

2. Туркий халқлар тили ва адабиётига оид материалларни илмий ўрганишнинг бошланиши (XVIII асрнинг иккинчи ярми). Туркий филологиянинг уч катта мактаби — Москва (Ф. Е. Корш, А. Е. Кримский, В. А. Гордлевский), Қозон (М. А. Казембек, Н. И. Илминский, Н. Ф. Катанов, В. А. Богородицкий ва б.), Петербург (Л. З. Бўдагов, П. М. Мелиоранский, О. Н. Бетлинг, В. В. Радлов ва б.) мактабларига конкрет характеристика берилган.

Туркий тилшунослиқнинг ҳар тарафлама самарали ривожланиши бевосита совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада раванқ топди. Октябрь инқилобининг галабаси чор Россияси даврида эзилган миллат ва элатларнинг, шу жумладан, туркиғўй халқларнинг ҳам ўз маърифий, маданий ва илмий-техникавий даражасини кўтариши учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам бу давр тилшунослиги таҳлилига қўлланмада алоҳида ўрин ажратилган, адабий тил, ёзув ва шева масалаларининг ишланишига, қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилининг ўрганилишига Е. Д. Поливанов, С. Н. Малов, Э. Р. Тенишев, А. Н. Кононов, А. Н. Самойлович, А. К. Боровков, С. Н. Иванов, Н. К. Дмитриев ва бошқа бир қатор йирик турколог олимларнинг хизматлари-

га алоҳида диққат қилинган. Ҳозирги ўзбек тилшунослиги соҳасидаги муҳим ишларга берилган обзор тилшунослик олдига турган долзарб масалаларни илғаб олишга ёрдам беради. Айни пайтда бу обзор билан танишгач, сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигининг бениҳоя тараққий қилганлигига, жуда катта ютуқлар қўлга киритилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Китобнинг иккинчи қисми ҳозирги туркологиянинг энг муҳим ва асосий проблемаларидан бири — туркий тилларнинг келиб чиқиши, структураси ва классификацияси масаласига бағишланган. Туркий тиллар ва халқларнинг келиб чиқиши жуда мураккаб ва мунозарали масалалардан бири бўлиб, бу ҳақда ҳанузгача ягона, кўпчилик олимлар томонидан тан олинган фикр йўқ. Урал-Олтой тилларининг генетик қардошлиги ҳақидаги фараз ҳозиргача жуда кескин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Қўлланмада булар ҳақида тўхталнади. Айни пайтда туркий халқларнинг келиб чиқиши учун асос деб қараб келинаётган хун қабиалари ҳақида батафсил маълумот келтирилган. Хунларнинг антропологик тузилиши, ҳаёт тарзи, маданияти, дини, тили ва ёзуви, ижтимоий тузуми мавжуд қарашлар ва фаразлар асосида тушунтирилган. Турк ҳоқонликлари даврига характеристика берилган.

Шуни айтиш лозимки, бу даврлар ҳақида ёзиш ёки гапириш учун жуда кўп манбалар билан танишиб чиқиш керак. Негаки, бу даврлар узоқ ўтмиш бўлиб, улар ҳақида хилма-хил фаразлар, қарама-қарши фикрлар мавжуд. Улар орасида тўғри ва асослиларини танлаб олиб, уларни мантиқий, системали равишда баён этиш осон эмас. Китобда берилган маълумотлар ва уларнинг системаси авторларнинг катта меҳнати маҳсули эканлиги равшан.

Китобда таъкидланишича, турк этноними эрамининг VI асрларидан эътиборан ёзма манбаларда тилга олина бошлаган. Бу этнонимнинг маъноси «уюшган, бирлашган; кучли, қудратли» демакдир. Бу этимологик маънони беришда китоб муаллифлари ҳақли равишда Томсен ва Бартольдларнинг маълумотларига асосланганлар.

Маълумки, қадимги туркий тилларни ўрганишда ўрхун-енисей ёзма ёдгорликларининг аҳамияти беҳад каттадир. Улар илк туркий ёзма ёдгорликлар сифатида ҳам тил, ҳам ёзув жиҳатидан алоҳида қимматга эга. Шунинг учун китобда ўрхун-енисей ва уйғур ёзувлари шунингдек, мазкур ёдгорликларнинг фонетик-морфологик ва бошқа хусусиятлари ҳақида, туркий тилларнинг генетик ва типологик ўзига хосликлари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Умуман айтганда, «Туркий филологияга кириш» китоби туркий филологиянинг шаклланиши, туркий халқлар ва уларни ўрганиш проблемалари ҳақида яхши тасаввур беради. Аммо китоб ҳажман анча кичик. Шунинг учун унда кўпгина масалалар ўзининг етарли даражадаги ифодасини топа олмаган. Айтишлик, туркий тилларнинг лексикаси, синтактик хусусиятлари ва бошқа бир қатор ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар эпизодик характерга эга. Ҳатто шундай типдаги қўлланмаларда ўрганилиши лозим бўлган бир қатор масалалар (масалан, туркий тиллар группасига кирадиган тилларнинг территориял тарқалиши, бу группадаги асосий тилларнинг тарихи, уларнинг специфик хусусиятлари, муҳим ёзма ёдгорликлари тавсифи, ёзма адабиётнинг

шаклланиши билан боғлиқ ҳолатлар, зеро «филология» — тилшунослик ва адабиётшуносликнинг биргаликда олингандаги номи) китобга кирмай қолган. Китобдаги материаллар баёнида керагидан ортиқ тиғизлик сезилади. Айни пайтда баъзи масалаларнинг талқини, у ёки бу лингвистик ҳодисалар ҳақида китобда берилган фикрлар юзасидан муаллифлар билан мунозарарага киришиш мумкин. Масалан, китобда «... Тожик тилида ва ўзбек тилининг ўғуз, қипчоқ шеваларида фарқланадиган х ва ҳ фонемалари дастлаб суғд ҳисобланган, кейинчалик туркийлашган шаҳар аҳолиси (масалан, Тошкент) тилида фарқланмайди. Бунга суғд ёзувида (тилида) х товуши ва унинг ифодаси бўлмаганлиги ҳам асос бўлган», деб таъкидланган. Аввало «шаҳар аҳолиси, хусусан, Тошкент аҳолиси туркийлашган суғдлардир» деган фикр жуда жиддий исбот талаб қилади. Чунки қадимги суғдлар яшаган жой (Зарафшон водийси) Тошкентдан анча узоқда. Қолаверса, суғдлар-

да х товуши ва уни ифодаловчи ҳарфнинг йўқлиги ҳали тахмин, баъзи тадқиқотчилар шундай ҳарф бор, деб ҳисоблайдилар (масалан, И. Фридрих. История письма. М., 1979, с. 411). Тошкент шевасида х ва ҳ нинг фарқланмаслигини исботлаш учун бундай асоссиз «далиллар» келтириш зарур эмас. Китобда айрим автологик иборалар, стилистик ғализликлар ҳам, оз бўлса-да, кўзга ташланади («... Беризин... тарих, филология ва тилшунослик бўйича қатор асарлар ёзди» «Унли товушларда эса тўртта белги саккизта унли товушни ифодалаш учун хизмат қилган»).

Ўйлаймизки, бундай айрим нуқсонлар китобнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади. Айтиш керакки, «Туркий филологияга кириш» шу соҳадаги илк изланиш бўлиб, туркология фанига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати.

Мақсад катта, аммо натижа-чи?

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

«Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари»
«ФАН» нашриёти. Тошкент — 1984.

КПСС XXVI съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг кейинги пленумларида адабиёт ва санъат асарларида ҳаётни янада теран тадқиқ этиш алоҳида таъкидланди. Шунга жавобан сўз санъаткорлари фидойи, ватанпарвар замондошларимизнинг тўлақонли образини яратиш устида жиддий изланмоқдалар. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, табиийки, бадий асарларнинг шакл ва мундарижасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

ЎзФАНнинг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан нашрга тайёрланган «Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари» тўплами бу борадаги асосий масалаларни атрофлича ўрганишга бағишлан-

ган. Китобдаги мақолаларнинг «Партия ва адабиёт», «Адабий жараён проблемалари», «Бадий асар ва ижодий жараён», «Адабий портретлар», «Адабий ҳаёт» каби қисмларга ажратиб берилиши масалага ҳар томонлама ёндашилганлигини кўрсатади.

Китобда бевосита адабий жараён проблемалари таҳлили Ҳомил Ёқубовнинг «Бадий метод ва адабий жараён» мақоласи билан бошланади. Олим Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Асқад Мухторнинг «Чинор», Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» асарлари мисолида ўзбек совети романчилиги сўнги йилларда бошдан кечираётган жиддий ўзгаришларни тадқиқ қилади. Адабиётимизда ҳаёт ҳақиқати кенг қамраб олинаётгани, социалистик гуманизмнинг чуқур ифодаланаётгани, шунингдек, тарихий ривожланиш истиқболини кенгроқ тасвирлашга интилиш ўзбек романчилигининг етакчи хусусияти сифатида қаралиши ва бу ҳодисанинг кўп миллатли умумсовет романчилиги тажрибалари билан боғлаб талқин этилиши қувонарлидир.

«Ҳикоячилигимизнинг бугунги тендециялари», «70- йиллар шеърини тўғрисида баъзи мулоҳазалар» номли мақолаларда ҳам жанрлар тараққиётига оид нозик кузатишларни ва мунозарали, баҳсталаб фикрлар билан танишамиз.

Умарали Норматов ҳикоянинг ҳаёт ҳақиқати ва шаҳс характерини ихчам шаклда ифодалаш имкониятидан келиб чиқиб, жанрнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри белгилайди. «Ҳикоянинг кичик майдони, — деб ёзади олим, — замоннинг муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларини ўзига сифдиришга қодир. Шунга кўра уни кичик мўъжиза деб аташ мумкин». Шуқур Холмирзаевнинг «Шудрин тушган бедазор», «Оғир тош кўчса...», У. Муҳаммадиевнинг «Мармартош», Э. Аъзамовнинг «Баҳор» ҳикоялари мисолида ёзувчиларнинг ижобий қаҳрамонлар тақдирда муҳит таъсирини ифодалаш билан бирга, қаҳрамонларнинг муҳитга актив таъсири ҳақидаги фикрлари ўринлидир.

Лекин мақола муаллифининг ҳаёт билан

айрим жанрлар муносабати хусусидаги қуйидаги даъвоси ишончли эмас: «Драма, дoston, қисса ёки романнинг, — дейилади мақолада, — давр, ижтимоий муҳит тақозосига кўра таназзулга юз тутган пайтлари бўлиши, айтайлик, баъзан давр роман учун мавзу, материал бермаслиги мумкин, ammo ҳикоя учун ҳар доим мавзу, материал топилаверади».

У. Норматов ўзи таҳлил қилган асарларнинг кўпроқ ижобий томонларини кўришга интилка, Наим Каримов 70-йиллар ёшлар шеърятига умуман тўғри ёндашади. Мунаққид 70-йиллар поэзиясига хос хусусиятларни аниқлашдан олдин шеърят тарихига, хусусан, 50-60-йилларга «экскурсия» қилади. Рауф Парфнинг «Ёшлик», «Ёшлик зангор фасл» шеърларига хос хусусиятларни сўнгги йиллар поэзиясидаги самарали изланишлар натижаси, деб ҳисоблайди. Мазкур шеърларни ноўрин танқиддан асосли суратда ҳимоя қилади. Рауф Парфи ва Муҳаммад Солиҳ каби ижодкорларни Э. Межелайтис таъбири билан «ўз руҳий дунёларини тасвир этувчи» шоирлар гуруҳига қиритиб, уларнинг ижодий изланишлари бошқаларникига ухшамаслигини далиллашга интилади.

Аmmo Н. Каримов ўз позициясида мустаҳкам турмайди. У сўнгги йиллар ёшлар шеърятисидаги изланишларни «ўзбек классик ва совет шоирларидан, уларнинг анъаналаридан узоқлашиш»да айблади. Курашсиз тараққиётга эришиб бўлмаслиги каби, маълум мақсадга йўналтирилган тажрибаларсиз самарали ютуқларни қўлга қиритиб бўлмайди. Тажрибаларнинг эса ҳамиша кўнгилдагидек кечавермаслиги табиий. Шундай экан, ёшларнинг адабий-ижодий алоқалар ҳамда поэтик маданиятимиз ривожининг самараси бўлган шеърый шакллар устидаги изланишларини Шарқ шеърятидан ўрганмасликка, уни менимасликка йўйиш ҳам ўринсиздир.

Авторнинг кейинги давр шеърятиси «интим туйғулар оламнинг «метин» деворларидан ёриб чиқолмаган»лиги, бу оламга «мураккаб, суронли, ташвишли замоннинг нафасини сингирмаганлиги» тўғрисидаги ҳукм-хулосаси ҳам ёшлар ижодига бирёқлама ёндашиш оқибатидир. Аслида ёшлар шеърятисидаги ўзига хос шаклий изланишлар фақат интим туйғуларни ифодалашга қаратилмасдан, «мураккаб, суронли, ташвишли замоннинг нафасини» теран акс эттириш йўлидаги интилиш натижаси эмасмикин?! Демак, муаллиф замонавий адабий жараённинг тараққиёт йўллари очиш ўрнига, ёш шоирларга ноўрин талаблар қўяди. Ҳолбуки, олим, аввало ўз олдига шундай талаб қўймоғи, мақолаларига ҳам «ташвишли замоннинг нафасини» сингирмоғи лозим эди.

Нуъмон Раҳимжоновнинг «Фалсафий лирикада фикриёт ва ҳиссиёт уйғунлиги» мақоласида ҳам шундай камчиликлар мавжуд. Тадқиқотчи Р. Парфининг индивидуал услуби тўғрисида сўз юритар экан, шоир ижодига хос етакчи хусусиятини дастлаб «ҳаётдан, воқеа-ҳодисалардан орттирган ҳис-туйғулар жамғармасининг кечинмалар тарзидаги картинасини чизиш»да, деб белгиласа, кейинроқ ўз фикрига: «лирик қаҳрамон қалбида воқеаликнинг акс-садоси ўлароқ уйғонган маънавий-психологик кечинмалар (?) фикрчан туйғулар шаклига қиритишда» (?), дея аниқлик қиритмоқчи бўлади.

Н. Раҳимжонов ҳиссиётли мунаққид. Унинг шеърятини чуқур тушуниши ва таҳлил этишига

шубҳа йўқ. Аммо олим ҳиссиётга кўп берилди. Натижада ўз фикрига қават-қават тўн кийдириб; жўнгина айтса бўладиган гапни мантиқан жумбоққа айлантириб юборганини ҳам сезмай қолади. У Миразиз Аъзамнинг «Яшагим келади» шеърдан ушбу парчани келтиради:

Мен биринчи ёмғир бўлиб ёггим келади
Ўзбекистон ерларига,
Мен кекса чинорларнинг салобати бўлиб,
Қайрағочнинг метинлиги бўлиб
Яшагим келади Ўзбекистонда.

Сўнг уни қуйидагича таҳлил қилади: «Ёмғир, қайрағоч, чинор... — булар ўткинчи дамлар эмас, улар қайталаниш имкониятига эга. Лирик қаҳрамонни ошифта этган, умрининг давомини кўришликни истаган нарса фақат ушбу моддий реалликлар замирига яширинган боқийликнинг сеҳрли хосияти эмас, албатта. Лирик қаҳрамонни, аввало, Ўзбекистон тупроғи мафтун этган». Кўринадики, тадқиқот автори шеърда лирик қаҳрамоннинг Ватанга муҳаббатни қуйаланини айтмоқчи. Ватанга муҳаббатни эса ҳар бир ижодкор ўзича қуйлайди. Юқоридаги таҳлилда Ватанга муҳаббат ҳақидаги умумий ғоя қайд қилинган ҳолда уни ифодалашда М. Аъзамнинг ўзига хос услуби етарлича очилмай қолиб кетаверади.

Максим Горький адабиётнинг биринчи элементи сифатида эътироф қилган тил фақат бадий асарларнинггина эмас, адабиётшуносликнинг ҳам асосий қуроли. Тилга эътиборсизлик содир бўлганда мунаққид фикри мўлжалга бориб тегмайди. Н. Раҳимжонов мақоласидан олинган қуйидаги мисоллар бунинг далилидир: «Миразиз Аъзам лирикасининг ўзига хослиги, — деб ёзади у, — жозибали оригиналлиги (?) шундаки, шеърнинг илк сатрларидаги муайян мазмун уруғининг ўсиш, ривожланиш асосини кузатиш баробарида етакчи фикрнинг картинасини (?) чизиб қўйган бўлади, ундан эса биз бевосита фалсафий мазмун ўқиб оламиз».

Агар биз мазкур жумлани қайта-қайта ўқиш асосида соддалаштирадиган бўлсак, Миразиз Аъзам лирикасининг ўзига хослиги, оригиналлиги шеърларининг илк сатрларидаги фикрнинг аста-секин етакчи фикрга айланишида эканлигини ўқиб олишга муваффақ бўламиз. Китобхонда ҳақоний эътироз туғилади: Ҳўш, бунинг нимаси оригиналлик?

Мазкур мақолада таҳлилда осонгина ифодаланса бўладиган оддий фикрни баландпарвоз, асарчи ҳолларда зўрма-зўраки сўзлар ҳисобига мураккаблаштириш мазмунни қуюқлаштиришга эмас, балки чалқаштиришга олиб келган. Эътибор беринг: «Шоир талқинидаги санъат тушунчаси, хусусан санъатда ифода восита сифатида хизмат қилган икки ранг (оқ ва қора) ижтимоий ҳаётдаги социал кучлар тушунчасини англатишга ўтади», «Бу жараёнда ҳаёт япроқларини (?), инсон тақдирининг намоён бўлиши шохобчаларини (?) моҳиятан бирма-бир акс эттириш эвазига эришишга интилади», «Шеърдаги поэтик фикрнинг тадрижи ҳаётий деталлар ҳаракатига едириб юборилган», «Ҳаёт хоссалари поэтик образни мукаммал мазмун ила тўйинтирган ҳолда шеърга яхлитлик бағишлаётир» ва бошқалар.

Бахтиёр Назаровнинг «Шукрулло», Ж. Жумабоевнинг «Омон Матжон» номли адабий портретлари нафис сўз санъати бўлган шеъри-

ятни айрим шоирлар ижоди бўйича тадқиқ этишга қаратилган.

Б. Назаров мақоласида Шукрулло шеърятининг фазилати «инсон бахтини дунё тақдири ва осойишталиги, одамларнинг дард-ташвишига шерик бўлиш билан муштаракликда талқин қилинишида» деб ҳаққоний кўрсатилади. Унинг «Тол», «Шарпалар», «Сўндирма, ёндир», «Афсус», «Яшагим келади», «Хайр энди, дўстлик, сўнди муҳаббат» сингари шеърлари таҳлилда китобхонни ҳам бунга ишонтиради. Лекин шоир ижодий камолотга қайси йўллар билан келди, изланишлар жараёнида қандай машаққатларни бошдан кечирди? Мақолада масаланинг шу томони очиқ қолган. Фақат бир ўринда «Дарди йўқ кесак», «Хотинлар», «Мезон», «Тилла узук», «Сирли олам» ва «Қишлоқ» шеърларининг илҳомсиз ёзилганлиги айтиладики, чинакам таҳлил талабларидан йироқ бу гаплар Шукрулло ижодидаги етакчи ва заиф жиҳатларни характерлашга асос бўлмайди.

Шукрулло серқирра ижодкор. У жўшқин шеърляти билан бирга, «Чоллар», «Коммунизм бўсағасида», «Россия», «Икки қоя», «26 Тонготар» каби лирик поэмалари, «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари», «Тўйдан кейин томоша» сингари пьесалари, «Жавоҳирлар сандиғи»дек насрий асарлари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мақола автори эса бу ҳақда шунчаки маълумот бериш билан чекланган, холос. Бу ўринда адабий портретнинг маълум проблемага бағишланган мақола бўлмай, ёзувчи ижоди қирраларини тўлалигича ёритишга қаратилган махсус тадқиқот эканлигини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Жумагул Жумабоева Омон Матжон ижоди ҳақида ёзар экан, шоир маҳорати китобдан-китобга ўса борганини қайд қилади, аммо буни далиллаб кўрсатмайди. Таҳлилга ҳам кўпроқ бирёқлама, юзаки ёндашади. Бунинг исботи учун «Сени яхши кўраман» туркумидан олинган қуйидаги парча ва унинг таҳлилин кўздан кечарайлик:

Соғиндим мен сени. Кўргим келади,

Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.

Шаҳар ғуж тош ўрмон. Бошимга тушган
Кўёшга талпинган оғочнинг қуни.

«Бундай олиб қарасангиз, — деб тушунтиради олима, — бу мисралар оддийгина, соддагинадек кўринади. Уларда ҳеч қандай сеҳрлилик, мураккаблик йўқдек туюлади. Лекин бу мисралар (қачонки қалб кўзи билан

ўқилса) шу даражада таъсирчан, шу даражада сеҳрлики, буларни ўқиганда, қалбимизни беихтиёр равишда қандайдир бир тасвирлашга тил ожизлик қиладиган мунис ҳислар қамраб олади».

Муаллиф шеърдаги ўхшатишлар, қиёслашларни таҳлил қилишда давом этиб, шундай ёзади: «Шаҳар ғуж тош ўрмон», «Кўёшга талпинган оғоч» ибораларига диққат қилайлик. Бу ибораларнинг биринчиси ҳозирги шароитдаги баланд-баланд, осмонўпар бинолар билан қуршалган шаҳар қиёфасини поэтик гавдалантирса, иккинчиси ошиқ ҳолатини, унинг ҳижрон соясида қолган, висолнинг ҳароратли нурларига талпинган қалб изтиробларини англатади».

Сирасини айтганда, мен мазкур мисраларни қайта-қайта ўқидим. Аммо олима даъво қилган сўз сеҳрининг таҳлилин сезмадим. Дастлабки икки мисра ошиқ қалбнинг изтироблари изҳоридек таассурот қолдиришига шубҳа йўқ. Аммо оригинал ўхшатиш, дея баҳоланган «Шаҳар ғуж тош ўрмон», «Кўёшга талпинган оғоч»ларнинг лирик қаҳрамон дардига, унинг маънавий-руҳий оламига қанчалик алоқаси борлиги далилланмаган.

Хуллас, тўпламга кирган мақолалар шуни кўрсатадики, адабий жараён ниҳоятда мураккаб тарзда кечмоқда. Ҳикоя ва роман жанридаги изланишлар ўзининг яхши самараларини бергани ҳолда ёшлар шеърлятидаги изланишлар ҳали тўла шаклланганча йўқ. «Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари» тўпламининг номи яхши. Замонавий насримизда ҳам, шеърлятимизда ҳам ҳали ҳал этилмаган муаммолар, камчиликлар мавжуд. Бу муаммоларни ўз вақтида ечиш ва камчиликларни бартафар этиш адабий танқидчилик олдидаги муҳим взибалардандир. Шу маънода, мазкур тўплам ўз олдига катта мақсад қўйган. Аммо унга кирган мақолаларнинг аксариятида ҳозирги адабий жараён бутун мураккабликлари ва зиддиятлари билан очиб берилмайди.

Ундаги ўртамиёначилик, юзаки таҳлил, баёнчилик ва схематизм каби камчиликлар ҳозирги юксак савияли китобхонни қониқтирмайди. Холбуки, тўплам ўз олдига катта мақсад қўйган экан, унга кирган мақолалар ҳам юксак савияда бўлмоғи, уларда шу кунги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан чуқур очилмоғи лозим эди.

Сафо МАТЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

Михаил Прудников

ЭФИРДАГИ БЕГОНАЛАР

Қисса¹

Саккизинчи боб Зангори папка

Грэмс ўз бошлиғини ёқтирмасди. Унинг фикрича, бошлиғи замонавий мансабпарастлардан эди. Қорнини ёрса, бирор маъно чиқмайди-ю, кеккайиши оламни бузади. Унинг устига бошлиқнинг ёши ҳам Грэмснинг ғашини келтирарди. Ёш бола, энди ўттиз тўртга кирибди-ю, шу мартабага чиқиб олибди.

Ҳозир ҳам у Стив Кирпатрикнинг силлиқ, ялтироқ юзига қандайдир ички нафрат билан қараб турарди.

— Утиринг, Майкл. Яхши ухлаб турдингизми.

— Кечаги кўнғироқ ҳазилмиди?

— Йўқ, нега энди? Бизда Жлукнинг радиограммаси бор, мен сизни яна бир қарра табрикларга тайёрман. Мана текст.

Майкл ғилофдан кўзойнагини чиқариб, қоғозни қўлига олди.

— Менга қаранг, Майкл. Мен сизга бир афсонани эслатиб қўяман. Эшитинг. Талуотс Ильмор Антонович. 1923 йилда туғилган. Эстония ССР Вильянуи район табааси. Кингисепп балиқ комбинатида балиқчилик траулерининг машинисти.

1941 йилда Қизил Армияга сафарбар қилинган. Немисларга қарши жангларда иштирок этган. 1942 йилда Эстон дивизиясига қабул қилинган. Великие Луки шаҳри остонасидаги жангларда Талуотс елакасидан яраланган. Владимир шаҳридаги госпиталда беш ой ётган. Соғайгандан кейин госпиталда санитар бўлиб ишлаб қолган. 1944 йилнинг бошларида ўз қисмига қайтган. Кейин чап қўлидан яна яраланган ва Ленинграддаги госпиталда даволанган. Соғайиб чиққач, Ленинградда қолдирилган ва портни қўриқлаш қисмида хизмат қилган.

1946 йилда армиядан бўшатилган ва Пярнуга келиб, паспорт олган ва заводга ишга кирган. 1947 йилда заводдан бўшаб, Ленинградга жўнаб кетган, 1961 йилгача ўша ерда турган. Кейин Таллинга кўчиб ўтган ва Кингисепп балиқ комбинатига ишга ёлланган.

Кирпатрик энгил ҳаракат қилиб папкани четга улоқтирди-да, сигара тутата бошлади.

— Сиз бир нима тушундингизми?— ғудранди у, бурнидан тутун бурқиратиб.

Майкл ҳам сигара олди, унинг қўллари бир оз қалтирар эди. Жаҳли чиққандан томоғига бир нима тиқилгандай бўлди. «Нима, у мени тентак деб ўйлаптимми?»

— Менга қаранг, шеф. Дикциянгиз зўр экан, худди актёрдек ўқир экансиз. Аммо бунинг нима ҳожати бор? Жлукнинг афсонасини мен ёддан биламан. Биз уни Поулсон билан бирга ишлаб чиққанмиз. Буни қарангки, мен Жлукнинг чап елкасида чандиғи борлигини ҳам биламан. У партизанлардан ўқ еган. Бундай чандиқ чап қўлида ҳам бор, пичоқ теккан. Ешликдаги шўхликнинг оқибати. Мен Жлук ҳақида ҳамма нарсани биламан, қимматли шеф, мени имтиҳон қилиб ўтиришининг кераги йўқ. Унақа ёшдан ўтиб кетганман.

Майкл Кирпатрикка энди нафратини яширмай қараб турарди.

— Менга бундай қараманг, Грэмс,— деди шеф, мулойимлик билан гап бошлаб.— Мен ҳозир сизнинг дамингизни чиқармай қўяман-а, ахир Поулсоннинг

¹ Охири. Боши ўтган сонда

бефаҳм ва аҳмоқлигини мен анчадан бери биламан. Аммо сизни мен ақлли, ишбилармон разведкачи деб ҳисоблардим, афсуски, фикримни ўзгартиришимга тўғри келяпти.

Илтимос, жим бўлинг,— деб жеркиб ташлади Грэмс.

— Йўқ, Майкл. Мен гапириб бўлмагунимча овозингизни сиз ўчириб туринг. Кимлигингизни, қаерда турганлигингизни ҳам унутманг. Сизнинг афсонангиз Жлукни ҳалок этиши мукаррар. Сиз уни Великие Луки, Ленинград, Челябинскка олиб боргансиз. Унинг бу гўзал шаҳарларда ҳеч қачон бўлмагани ҳам майли-я, Жлук деярлик русча гапирмайди: У, азизим подполковник, сўкиш ва бир неча кенг тарқалган иборалардан бўлак русча ҳеч нима билмайди. Сизнинг уч пулга қиммат афсонангиз бўйича эса, у бир неча йил руслар орасида яшаган. Бу муддат ичида ҳатто мияси йўқ тентак ҳам русча гапиришни ўрганиб олади. Жлук эса миқ этмай тураверади. Ёки сиз рус контрразведкачиларини анойи деб ўйлаяпсизми? У ҳолда жуда таассуф қиламан, истеъфога чиқишингизга тўғри келади.

— Рапортни қачон топирай?— бўғиқ овозда сўради Грэмс. У креслода қаддини ростлади. Кўзлари чақнади. Юзида қизил доғлар пайдо бўла бошлади.

— Рапорт ёзишга ҳозирча шошилманг, Майкл, — қуруққина қилиб деди бошлиқ. — Агар Жлук КГБ қўлига тушса, уни ҳатто соф нижегород шеваси ҳам қўтқара олмайди. Аммо сизга, Майкл, келажак учун сабоқ бўлади. Биз жуда кўп одамларимизни йўқотяпмиз, Вашингтондагилар бунга қойил қолишмайди. Ноумид бўлмаймиз. Менимча, Жлук пул тикишга арзийдиган от. У менга ёқиб қолди. Сизга-чи?

— Менга фақат аёллар ёқади,— деди Майкл, қовоғини солиб. У хатар ўтганини тушунди, аммо узоққамикан?

Бошлиқ билан бўлган суҳбат Грэмсни издан чиқариб юборди. У ўз хонасига руҳи тушқун, эзилган аҳволда кириб келди. У фақат бир нарсани, ўрнига ётиб, уйқу дорисидан ичиш ва узоқ ухлашни истарди.

У ўзини зўрлаб, не ҳасратда иш кабинетига ўтишга мажбур қилди. Жлук ва Поомлни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни зудлик билан яна бир бор кўриб чиқиш керак. Бошлиқ, турган гапки, ҳайвон, аммо фактларга қарши бориб ўзингни балога гирифтор қилмайсан. Улар Поулсон билан чиндан ҳам хатога йўл қўйишди, энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди.

Фақат тасодифга умид боғлашга тўғри келади.

Жлук билан Поомлга у қатта умид боғлаган эди. Жлукни унга Алекс Касабланкадан топиб берди.

Алекс Грэмсга урушдан кейиноқ хизмат қила бошлаганди. Бир вақтлар Алекс эстон контрразведкасига хизмат қилган, ундан кейин нацистлар даврида махсус жандармериянинг қидирув бўлимини бошқарган. Грэмс ўз топилдиғидан ифтихор қиларди. Алекс унинг ишончини оқламаган пайти жуда кам бўлган. У Грэмсни кизиқтирган одамларни қандайдир ички туйғу билан ҳис этарди.

Жлукка келсак, у сўнгги, йиллар ичидаги энг яхши номзод эди.

Ҳа, замон ўзгариб кетди. Иши тўғри келадиган мижозни топиш тобора қийинлашиб кетяпти. Ёшлар ҳаётга бошқача кўз билан қарайдилар, кексалар эса бирин-кетин ўйиндан чиқмоқдалар. Айниқса уларга, Россия билан шуғлланувчиларга жуда оғир. Фақатгина рус тилини, Совет турмуш тарзининг ҳозирги урф-одатлари ва суръатини яхши биладиган одамни топиш ғоят мушкул бўлишидан ташқари, бундай одамни топишнинг ўзи кифоя эмас. Асосий гап бошқа ёқда: Россия деса, ҳатто энг тажрибали разведкачилар ҳам қўрқар эдилар. Разведка раҳбарлари контракт нархини оширганлар. Шундай оширганларки бунақанги пул олдинги ходимларнинг тушларига ҳам кирмаган. Лекин бу ҳам ёрдам бермаяпти. Совет Иттифоқида ишлашга ҳамма ҳам рози бўлавермайди.

Ҳар қандай пулдан жон ширин. Рус контрразведкачиларидан қочиб қутулиш эса, осон иш эмас. Буни ҳатто бошидан ўтмаганлар ҳам билади.

Уларга турли хил фитначилар, ҳатто энг тубан, разил газандалар ҳам ўз хизматларини керагича таклиф қилишди. Лекин бу хил бетайинларга ким ҳам ишонарди?

Жлук — бебаҳо топилдиқ. Биргина СС қўшинларидаги хизматнинг ўзига ҳар қанча мақтаса кам! Унинг устига кишининг ҳаваси келадиган даражада матонатли, оқил ва айёр. Поомлни Поулсон топган. У ҳам янглишмаган. Тўғри, Поомл Жлукчалик эмас, унга тенглашолмайди. Унинг фаросатсизлиги ва бемалоллиги кўзга ташланиб туради. Аммо бу камчиликларига қарамай, Поомл ўзининг довураклиги ва большевикларга бўлган нафрати билан ажралиб турарди. Улар бир-бирларига худди буюртиргандек мос келгандилар, таржиман ҳоллари ҳам ўхшаш, ёшлари ҳам тенг эди. Жлук билан Поомлни жосуслик ишига энг яхши муаллимлар, разведканинг пирлари тайёрлаганлар. Бу ишларга икки ярим йил, Совет Иттифоқида юз бериши мумкин бўлган ҳар хил вазиятларни ишлаб чиқишга

яна ярим йил вақт кетди. Шунча пухта тайёргарлик кўрилган бўлса-да, хатога йўл қўйилди. Тўғри, Грэм бир жиҳатдан ўзини юпатиши мумкин эди, чунки Жлукнинг «афсонасини» Поулсон билан Жон ишлаб чиқишган. Грэмс бўлса, у эстоннинг «таржимаи ҳоли»ни фақат тасдиқлаган. Аммо бу таскин заиф, унинг ўзини ҳам қониқтирмас эди. Майкл худди Поулсон сингари бирдай жавобгар, унинг масъулияти кўп бўлса кўпки, кам эмас, зеро Поулсон Грэмснинг бевосита қўл остидаги одам. Ва ниҳоят, агар ўз танасига ўйлаб кўрса, бу хилдаги хатога йўл қўйиш Грэмс сингари тажрибали разведкачи учун кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Майкл Жлукнинг номаи-аъмоли солинган папкани олдига сурди. Уқишдан нима фойда? У ҳар бир сатрни деярлик ёддан билади. Бу папкани у ўн мартабалаб очган, шундай бўлса ҳам, бошлиқ уни мулзам қилиб қўйди. Унинг ёшида пешона-сидан чертки ейиш — бу унинг учун шармандалик.

Поулсон ҳозир Шимолий Каролина штатидаги Бригг фортида, десант қўшинлари базасида. У ерда буларга қарашли маҳкама йигитлари десантчи-солдатлар қиёфасида парашютдан сакрашни ўрганишмоқда. Жлук билан Поомл ҳам парашютдан сакраш маҳоратини худди ўша ерда эгаллашган. Бригг форти ўзининг инструкторлари билан ном чиқарган эди. Бу ерда «фазогир хоинлар»нинг энг сараларини тайёрлашарди. Уларни қаёқларга ташлашмасди кейин!

— Уларни ҳатто аждарнинг қомига ҳам юборса бўлади,— дерди Поулсон.

У Жлук билан Поомлни Эстонияга ташлашаётганда уларни шахсан кузатиб борган. Биринчи галги парвозлари ўнгидан келмади. Ҳарбий мутахассисларнинг тахминларига қарши ўлароқ, об-ҳаво кескин айниб кетди. Самолёт аэродромга қайтишга мажбур бўлди. 7 майга ўтар кечаси ҳеч қандай белгилари бўлмаган самолёт яна ҳавога кўтарилди. Бу сафар иш ўнгидан келди. Жлук билан Поомл айнан мўлжалланган жойда самолётни тарк этдилар.

Поулсон Мюнхенга қайтиб, топшириқ бажарилганлигини хабар қилди.

Ҳар бир майда-чуйда нарсани ҳисобга олиш, энг кутилмаган ҳодисани олдиндан кўрабилиш фақат кўпни кўрган одамнинг қўлидан келади. Лекин уларнинг, Майкл билан ўша Поулсоннинг агентларни яхши тайёрлашларига ким шубҳа билан қарайди? Тавба, Жлук билан Поомл шундай мактабни ўташганки, бунақаси ўз вақтида нацистлар абвери раҳбарларининг тушига ҳам кирмаган. Абвернинг фаолияти эса Америка разведкачилари томонидан то ҳозиргача ўрганилади, уларнинг диққат марказида туради.

Агар бугунги кунда НАТО агентлари шуғулланаётган махсус фанлар рўйхатига кўз югуртирилса, ҳозирги замон америка разведкасининг қанчалик юксак поғонага кўтарилганлиги маълум бўлади. Радиотехника, диверсия-кўпорувчилик ишлари, сўзларни шифрлаш, Совет хавфсизлик органларининг тузилиш таркибини ўрганиш, конспирация усуллари, махфий ёзув, овоз ёзиш аппаратларини топиш йўллари, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, сейфларни очиш, Совет Армиясининг қўшин турларини ўрганиш самолётлар ва ҳарбий кемаларнинг турлари, Совет Иттифоқининг маъмурий чегараланиши ва экономикаси, яна қатор фанлар шулар жумласидандир.

Ундан ташқари, фотосуратга олиш техникаси, ҳар хил қурооллардан отиш, автомобиль ва мотоциклларни бошқариш, парашютдан сакраш, биринчи медицина ёрдами кўрсатиш, сув остида сузиш, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик. Лекция ўқиш учун кимларни жалб қилишмаган дейсиз! Энг яхши разведкачилар ва психологлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Ҳар бир лекция давомида Иккинчи Жаҳон уруши йилларида жосусларнинг Франция, Испания, Германия, Япониядаги фаолиятлари ҳақидаги махсус кинофильмлар намойиш қилинади. Одамларни таъқиб қилиш йўллари ва конспирация усуллари ҳақидаги киноленталар кўрсатилади. Бунда подполковник Грэмснинг хизмати йўқ дейсизми? Унинг шефига ўхшаганлар тайёр ошга баковул бўлиб келишган, ҳозир ҳам — ошнинг ёғлиқ жойи ўшаларники.

Хўш, ҳаммасига тупуриб, истеъфога чиқиб, АҚШга жўнаб қолсинми, оила қуриб, уй-рўзгор қиларди. Вашингтон яқинида чоғроққина фермаси, ўнча мунча жамғармаси ҳам бор.

Майкл мийиғида кулиб қўйди. Ҳавойи орзулар. Жамғармаси икки-уч йилдан кўпга етмайди. Ундан ишбилармон фермер чиқиши ҳам қийин. Истеъфодаги разведкачининг пенсиясига эса беш кишилик оилани боқа олмайсан. Шундай экан, азизим Грэмс, рапортни хаёлингиздан чиқаринг. Бундан кейин бошлиқларнинг аччиғини чиқармаслик учун жонингиз борича ҳаракат қилинг. Билишимча, Россияда шундай мақол бор: игна билан қудуқ қазиб бўлмайди.

У папкани ёпиб, телефон трубкасини олди.

— Грэмс гапиряпти, мени Бригг форти билан боғланг. Менга Поулсон керак.

Таллин — Пярну тош йўлида

Поомл Хамбергнинг орқасида ўтирар, унга қараб ғижинарди. У Робертга ишонмасди. Шунчалик ишонмасдики, ҳатто Жлук ҳам уни ўз фикридан қайтаролмади.

Улар машинада Таллин-Пярну тош йўлидан кетиб борар эдилар. Хамберг рулда Жлук унинг ёнида ўтирарди. Поомл орқа ўриндиққа жойлашиб олган. Хамбергнинг бақувват қўллари бошқараётган машина шоссе бўйлаб ғизиллаб борарди. Йўқ, Поомл Хамбергга ишонмасди. «Бирон нима бўлса, сотади. Эҳтимол, сотиб бўлгандир ҳам», дерди. Яқинда у билан Жлук ўртасида кўнгилсиз гап ўтган эди. Ушанда Поомл дангал шундай деди:

— Нега энди рус контрразведкачилари ошнангни шу пайтгача ҳибсга олишмаган? У қачонлардир ҳамманинг кўз унгида эсас формасида сайр қилиб юрган шаҳарда бемалол яшаб турибди. Еки руслар бунақаларни ушламай қўйишганми?

Жлук унга Хамбергнинг уста одамлигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Бундан ташқари, Роберт ҳозиргача рус тилида ёмон гапирарди. Эстониядан узокда тилни бузиб гапириши унинг бошига етиши мумкин, деди. Гап охирида эса Жлукнинг жаҳли чиқиб айни пайтда ўзи бошлиқ эканлигини, бинобарин, қарор чиқаришга ҳақлилигини Поомлга эслатиб қўйди.

Поомл аламини ичига ютиб, тилини тишлашга мажбур бўлди.

Нима ҳам қиларди — Жлук чиндан ҳам унинг бошлиғи. Агар улар келган жойларига қайтишса, унинг келажак тақдири Жлукнинг қўлида. Лекин қайтишармикан? Вашингтон яқинидаги Фэйрфэкс шаҳарчасида у Россияда бўлғуси ишларини бутунлай бошқача тасаввур қилган эди. Жлук билан эса, улар ундан сал олдинроқ Пулевалл яқинидаги қишлоқда танишишган. Разведка мактаби ўша ерда жойлашган эди. Уларни подполковник Грэмс таништирган. Кейин икковини Фэйрфэксга жўнатишди. Улар икки қаватли данғиллама уйга жойлашишди. У ерда булардан ташқари бир неча офицер муаллимларгина яшарди холос. Фэйрфэксда ўтган ярим йил Ханс Поомл ҳаётидаги энг бахтиёр дамлар эди. Улар худди жаннатдагидек яшардилар. Тез-тез Вашингтонга бориб туришарди. Ораси яқин, арзимаган қирқ километрча масофа эди.

Машгулотлар беш-олти соат давом этарди. Кейин кўнгил ёзиш программаси бошланарди. Бу нарсанинг тайёрлов системасига киришини Ханс тушунарди. Лекин уларни разведка мактабида роса терлатишган эди. Ушанда бўш вақтлари фақат ухлаш учунгина етарди. Уларга нималарни ўргатишмаган дейсиз. Радио-техника, махфий ёзув, топография. Парашютдан сакрадилар, ҳар хил маркали машиналарни ҳайдадилар, медицина асосларини ўргандилар. Осмонга ирғитилган пинг-понг соққачасига тўппончадан отиб теккизишни машқ қилдилар. Улар билан Жиу-житсу ва каратэ кураши бўйича энг яхши мутахассислар машгулот ўтказардилар.

Бу уйларида эса, улар ҳордиқ чиқармоқда эдилар. Олти соат машгулот кўз очиб юмгунча ўтади-кетди. Аммо Жлук билан ўрталарида жуда кўп ўхшаш томонлар бўлишига қарамай, улар дўстлашиб кетолмадилар. Ханс ҳам СС қўшинларида хизмат қилган, унтер-офицер унвони бўлган «ҳарбий хизматлари учун» деган иккита темир крест билан мукофотланган. Уларнинг алоҳида батальони Тартуда жойлашган эди. Кейин Швецияга қочишга тўғри келди. Бир неча йил амал-тақал қилиб кунини кўриб юрди, бу ҳол бир америкаликни учратгунча давом этди. Кейин билса, у ҳарбий разведка ходими экан. Ханс ҳеч бир иккиланишсиз Америкага боришга рози бўлди. Разведкада ишлашга у рози эди. Унинг устига ўтмишда СС қўшинларидаги хизмати уни теварак-атрофидаги воқеаларга тўғри баҳо беришга мажбур қиларди. У ерда ҳам чакки тайёргарлик кўрмаган.

Жлук билан эса дўстлаша олмади. Жлук танишувларининг дастлабки кунлариданоқ, ҳатто энг майда-чуйда масалаларда ҳам ўзининг устунлигини писанда қила бошлади. Шу нарса Ханснинг жиғига тегарди.

Ҳаёт Поомлга ҳеч кимга ишонмасликни ўргатди. Соддадиллик билан ҳар нарсага ишонаверган даврлари ўтиб кетди. Қирқ биринчи йилда у Гитлерга худога ишонгандай ишонган, уни ҳатто худодан ҳам устун қўйган. Хўш, бу ишонч нима билан тугади? Агар америкаликлар булмаганда, у ўз ҳаётини тиланчиликда тугатар эди. Америкаликларга фойданг теккан тақдирдагина, улар пул тўлашади. Буни Поомл яхши тушунарди. Сиқиб сувини ичиб бўлишгач эса, эгасиз қолган итга ўхшаб

ҳеч кимга керагинг бўлмайди. Фақат пулинг бўлсагина ўзингни эркин ва мустақил ҳис қиласан.

Жлук янги Эстония, коммунистларга қарши янги уруш ҳақидаги гапларни унинг миясига қуярди. Бу гаплар Поомлнинг меъдасига теккан эди.

Энди бўлса, эстонияликлар Жлук сингариларга тупуришини у ўз кўзи билан кўрди. Америкада унга: Эстония асорат ва қашшоқлик исканжасида, у ерда зулм ва очлик ҳукм сурмоқда,— дейишган.

Очлик? Магазин витриналари қолбаса, вино, мева-чевалар, тансиқ озиқ-овқатларга лиқ тўла. Одамлар фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ресторан, қаҳвахона, барлардан одам аримайди. Таллиннинг ўзини ҳам таниб бўлмайди. Шунча янги уйлар, уй бўлганда ҳам шунақанги уйларки, бетон ва ойнадан қурилган. Улар қишлоқларни ҳам кўришди. Биргина деҳқон оиласи бутун бошли қўрғонни эгаллаган.

Ханс жаҳл билан «Ҳа-ҳа!» деб юборди. Жлук орқасига ўгирилиб, унинг юзига синчиклаб қаради. Ханс кўзларини юмиб олди. Мудраяпти деб ўйлай қолишсин.

«Поомл асабийлашяпти, бунинг охири бахайр бўлмайди,— ўйлади ўзича Жлук.— Демак, у хусусда мен янглишган эканман».

Улар янги танишган, бир-бирига бир қадар ўрганиб олган пайтда, у бошқача фикрда бўлганди.

Ханс унга бутунлай ҳиссиз одам бўлиб туюлган эди. Грэмс ҳам шу гапни айтганди:

— Бу йигитнинг босиқлиги одамни қойил қолдиради. У дангал-чи! Ақл-фаросати мақтарли эмас. Аммо ўзингиз учун бундан яхши ёрдамчини топа олмайсиз. Уни бизнинг психологларимиз текшириб чиқиб, ундан мамнун бўлишди. У юзингизни ерга қаратмайди.

Шахсан Жлук ҳеч қанақа психологга ишонмасди. Буларнинг ҳаммаси бемаъни гап. Ҳар хил золивавчаларнинг ўйини. Ҳар қандай одам ўзича бир жумбоқ. Унинг қалбига қўл солиб кўрчи — тубсиз қудуқнинг ўзгинаси. Таги кўринмайди.

Кулгинг қистайди. У Мюнхенда ўзини психологик текширувдан ўтказганликларини эслади. У билан кўзлари тикандек қадалувчи, ориқ киши узоқ суҳбатлашди. Ҳамма уни профессор деб атарди. Кутилмаганда ориқ киши ўз сўроқларини тўхтатиб, Жлукдан уй, дарахт, эркак ва аёл суратини чизиб беришни сўради.

— Мен расм чизишни билмайман,— деди Жлук.

— Ҳечқиси йўқ. Қўлингиздан келганча, номига бўлса ҳам майли.

Жлук тиришиб, қалам билан ўз санъатини намойиш қила бошлади.

— Ҳозир нима ҳақда ўйлаяпсиз?— деб сўради профессор.

— Бу лаънати суратларни қандай қилиб яхшироқ чизсам экан, деб ўйлаяпман.

Профессор ҳа-ҳалаб қўйди. Бошқа куни Жлукни Кайзельгаст атрофига олиб боришди. У ерда ҳарбий казармалар жойлашган. Уни қандайдир ярим ертўла хонага олиб кириб, белигача ечинишни буюришди. Бурчакда қандайдир аппарат турарди. Кейин билса, у «ёлғон детектори» экан.

Жлукни диванга ётқизишди, ўнг қўлининг тирсагидан юқорироғини резина билан ўраб боғлашди, кўкрагига резина пластинкасини қўйишди. Аппарат олдида оқсочли, яшил халат кийган жаноб ўтирарди. У тугмачани босиб, тез-тез саволлар бера бошлади. Савол жуда кўп эди. «Соат тақасизми?», «Ота-онангиз билан алоқангиз борми?», «Сиз ёқтирган рангингиз», «Коммунистик партияга аъзоми-сиз?» Ва яна кўпгина, унинг фикрича аҳмоқона саволлар. Жлук «ҳа», «йўқ», деб жавоб беради.

У диванда шипга маъносиз тикилганча деярли бир соат ётди, саволлар эса ҳамон ёғилаверарди. Ниҳоят у:

— Туриб кийинишингиз мумкин,— деган сўзни эшитди.

Бу айёр аппарат унинг янги бошлиқларига нималарни маълум қилганини Жлук билолмади ҳам. Кейинчалик, разведка мактабида эшитишига кўра, бу аппарат кишининг сўроқ пайтидаги томир уриши, қон босими ва нафас олишини ёзиб олиш ёрдамида жавобларнинг рост ёлғонлигини билиб оларкан. Жлук бу чўпчакка ҳам ишонмади.

Поомл ҳам руҳий қайта ишлашдан ўтган. Унинг оғиз кўпиртириб мақтаган метиндай мустаҳкам асаблари қаёққа йўқолдийкин. Ҳалитдан тумшуғи осилиб қолди. Шундай тахлитда давом этаверса, бирор чора кўриш керак.

Ханс оддий ёш бола эмас, у СС қўшинлари формасида юрган. Одам ўлдирганда қўллари қалтирамаган. Бинобарин, Жлук Поомлни тарбияламоқчи эмас.

Жлук сигарета тутатиб кўз қири билан Робертга қаради. Хамберг совуққонлик билан интизомли шофёрлардек машинани бошқарар, ҳуштак чалиб аллақандай куйни хиргойи қилар эди.

Мана Роберт, унча ўзгармаган. Бу ҳол Жлукни хурсанд қилди. Совет контрразведкачиларининг шундоққина бурунлари остида шунча йил пусиб ётишга ҳаммининг ҳам асаби бардош беравермайди, Хамберг бўлса чидай олди.

Хамберг Жлукнинг ёшлик йилларининг тирик гувоҳи. Улар битта эсэс жазо батальонида хизмат қилишган, дўст бўлишган. Роберт беваш йигит аёллар шайдоси-ю, Бахуснинг муҳлиси сифатида танилган эди, яна у яхши мерган эди. Партизанларни асирга олган пайтларда Хамберг гаров бойлаб, йигирма қадамдан одамнинг кўзини бехато нишонга оларди. Машина бошқаришини айтмайсизми? Бутун дивизияда ундан яхши шофёри топиб бўлмасди. Урушгача у ҳақиқий автопойгачи бўлган. Мана шу Робертга ўхшаганларни разведка мактабига олиш керак, ўшанда иш юришади, улар эса ҳар хил қаланғи-қасанғи, бошпанасиз, беиш, бузуқ, пиёнисталарни йиғиб олишган. Жлук бундай ифлосларнинг кўпини кўрган. Балки бунда ўзига ҳоқ яширин мақсад бордир. Немислар ҳам уруш пайтида русларнинг орқа томонига дуч келган одамни юборганлар. Кўплари тўғри НКВДга боришган. Аммо қайси бирларидир ишга сингиб кетганлар. Узоқ бўлмаса ҳам, лекин ишлаганлар. Эҳтимол, янкилар ҳам шу принцип бўйича ҳаракат қилаётгандирлар. Очиги, Жлук буларнинг барига тупуради. Ҳозир унинг энг асари гапи ўзи қутулиб чиқиб кетиши керак. Аммо икки қўлни бурунга тиқиб қайтиб бориш бу — тугаш демакдир.

Хаёл суриб кетаётган Жлук ўзига келиб, радиоприёмникнинг қулоғини буради.

— Тўғрига юрамизми?— дея сўради Роберт.

Жлук тасдиқлаб бош силкиди. Бугун у синов сафарига чиққан эди. Энг охириги репетиция ўтказмоқчи, ҳамроҳлари ўзларини қандай тутишини билмоқчи йўл-йўлакай Пярну яқинидаги ўрмонга яширишган баъзи буюмларни олиб қайтмоқчи эди.

Уч кундан кейин эфирга қайта чиқадилар. Роберт уларни керакли жойгача элтди қўяди. Кейин ўрмонда яшириб қўйилган велосипедларга минадилар. Бу уларнинг сўнги радиоалоқалари бўлади. У ёғига радиостанциядан фойдаланиш хавфли. Уларни алоқа-почта қутилари ва алоқачилар орқали боради. Шартлашилган куни улар Таллинда оқиш костюм кийган одам билан учрашишлари лозим. Унинг бошида мовий беретка, қўлида чарм портфель бўлади. Ўша алоқачи учун маълумот тўплаб қўйилган. Бир неча ҳарбий қисмларнинг жойлашиши, темир йўл бўйлаб олиб ўтилаётган баъзи юкларнинг рўйхати. Улар яна икки аэродромни ҳам кўришди. Шартнома бўйича уларнинг Эстонияда бўлиш муддати тўрт ой. Қайтишаётганда битта-битта бўлиб кетишади. Жлук Норвегия чегарасидан, Поомл Финляндия орқали.

Кетиш — айтишгагина осон! Совет контрразведкасининг кучли эканлигини Америкада уларга тез-тез эслатиб турардилар. Ҳа, буни эслатишсиз ҳам улар жуда яхши билардилар. Нега деганда деярлик тўрт йил жанг қилишган коммунистларга қарши. Афтидан кўп нарсани кўришган, турли воқеаларни бошларидан кечирган. Лекин Совет Иттифоқига яна келиб оғир аҳолга тушиб қолганликларини англадилар. Жлук Россияга агентлар ёллаш бўйича қўлланмалардан бирини ёддан биларди. Унда шундай талаб қилинар эди: «Таниқли, машҳур, барчанинг ҳурмати-ни қозонган кишиларни, масалан, лауреатлар, стхановчилар ва шу сингарилар ишга тортилмасин. Ялқов ва ишбузармонларни ёллаш ҳам тавсия этилмайди, чунки бундайлар уларга қарши кураш олиб бораётган совет органлари ва маъмуриятига отнинг қашқасидай маълум бўладилар. Уртамиёна, ҳеч нимаси билан ажралиб турмайдиган одамларни ёллаш керак. Лекин уларнинг ўз хизматлари вазидан бизни қизиқтирадиган махфий ҳужжатлар билан танишиш имкониятлари бўлиши лозим.

Ёллашдан олдин иш учун мўлжалланган бир қатор одамларни ҳар томонлама ўрганиб, қулоқларини советларга қарши гаплар билан пишита бориш ва моддий томондан қўллаб туриш лозим. Яхшиси, моддий томондан қийналган кимсаларни ёллаш керак. Айни чоқда бундай одамларга пул пора тариқасида эмас, балки ёрдам кўрсатиш, одамгарчилик ва ғамхўрлик қилиш юзасидан берилиши керак бўлади.

Бундай йўлланма фақат Совет Иттифоқида эмас балки ғарбдаги барча мамлакатларда ишлаш учун ҳам яраса керак. Албатта, бу ерда пулдан қийналмаётган одамлар ва пул деса жонини берадиган очкўз, зикналар бор. Аммо ёрдам ҳақида оғиз очиб кўрчи, оёғингни ерга теккизмай тегишлар жойга олиб бориб топширишади. Ажойиб мамлакат! У АҚШда бир йигит билан учрашганини эслади. Уни Уругвайга ташлашган эди. У оғзидан мой томиб ўз сафари ҳақида гапириб берувди. У гўё курортда яшаган. Ресторан ва жононлар, қиморхоналар, шаҳардан ташқаридаги сайлгоҳлар... ва бу орада ишинг ҳам битаверади.

«Улар буюқда бўлиб қолсайди», — дея жаҳл билан кўнглидан ўтказиб қўйди Жлук.

Хамберг соатига қаради. Ҳозир, муюлишдан кейин темир йўлдан кесиб ўтилади. Ишқилиб йўл очиқ бўлсин-да. Йўл ёпиқ бўлса, камида ўн беш-йигирма

минут кутишга тўғри келади, лекин ярим соат қолиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Уйлаганидай бўлди, иш ўнгидан келмади. Бир талай машина тизилиб турарди. Хамберг ҳам тўхтатади. Жлук норозилик билан афтини бужмайтиради — жин чалсин, шуниси етмай турувди ўзи. Уларнинг олдида тўқ қизил рангли «Победа» турибди. Унинг эгаси эшикни очиб, самосвал шофёри билан бир нималарни гаплашди.

— Қараб келайчи, бу ғавғо қанча давом этаркин.

Хамберг машинадан чиқади, йўлакай бир оз толиққан оёқларининг чигилини ёзади.

Жлукни уйқу босди. Кечалари у яхши ухламайди, ҳар бир шарпа, ҳар бир шитирга қулоқ солиб ётади. Кўзлари юмилиб-юмилиб кетяпти. Жлук кафтлари билан чаккасини ишқалайди.

Эшик ёпилади. Роберт ўриндиққа ўтиради. Ранги оқариб, пешонасидан тер чиқиб кетган.

— Сенга нима бўлди?

— У ерда ҳужжатларни текширишяпти. Чегарачилар, — деди у, эшитилар-эшитилмас пичирлаб.

— Оғир бўл, — дея пичирлашга ўтди Жлук. — Орқага ҳайда. Эҳтиёт бўл, орқада машина бор. Ханс, айт унга, орқароққа юрсин.

Поомл машинанинг орқа ойнасига ўгирилиб, шофёрга имо-ишора қилади.

— Агар бизни сезиб қолишса, бу ердан чиқиб кетолмаймиз, — дея ғудра-нади Хамберг.

— Юм оғзингни! — дея қатъий буюрди Жлук.

Хамберг чаққонлик билан рулни буради. Сафдан четга чиқиб, орқага қайрилиб олишди.

— Жойингдан бирдан сакрама. Шошма.

! Улар иккинчи тезликда жилишади.

Хамбергга кимдир унинг орқасига ўқланиб, отишга шай қилиб қўйилган автомат тираб тургандай туйғу пайдо бўлади.

— Энди тезликни ошир, — деб буюради Жлук.

Хамберг газни босади. Тезлик кўрсаткичи кескин 80 рақамига чиқиб кетди.

— Қаёққа, Таллингами?

— Йўқ, асло. Сен Кайстава кўлига борадиган йўлни биласанми?

— Албатта.

— Уша ёққа борамиз. Бизни ўрмонда қолдириб, ўзинг Таллинга қайтасан. Эртага белгиланган жойга келасан. Озиқ-овқатни иложи борича кўпроқ олиб кел. Тушундингми?

Хамберг бошини силкиб, рулни қаттиқроқ сиқади.

«Бу текширув бежиз эмас, — деб ўйлади Жлук. — Улар бизни излашяпти. Ўрмонда ўн кун пусиб ётиш керак. Кейин марказга радиограмма бериб, сўнг жўнаб қоламиз. Алоқачилар билан учрашувга Роберт борсин. Бундан буён Таллинда юришимиз мумкин эмас».

— Поомл, «дум-пум» йўқми?

— Йўққа ўхшайди. Орқада фақат автофургон билан мотоцикл минган қизалоқ кўриняпти.

— Фургонни кузатиб тур. Роберт, тезликни ошир.

Тўппонча дастасини ушлаб турган кўли терлаб кетди. Тер томчилари бармоқлари орасидан сизаётгандек туюлди. Йўқ, тўппончалардан наф йўқ. Кўйлаги ёқасига цианли калий солинган ампула тикилган. Грэмс билан Поулсон уларнинг кўлига тушмасликни насиҳат қилганлар. Насиҳат қилиш осон. Уладиганлар булар бўлгач, уларнинг нимаси куяди?!

Поомл гоҳо-гоҳо орқа томонга кўз ташлаб қўяр, сигарета кетидан сигарета чекарди. Бугун яна бир бор омадимиз келди. Эртага охири вой бўлса керак. Бизни излашаётгани энди аниқ. Биз ҳалқа ичидамиз. Жон ғаниматида жўнаб қолиш керак. Наҳотки Жлук бирон нимага умид қилса?

Машина қишлоқ йўлига бурилди, орқада тирик жон йўқ. Кўлга тезроқ етиб олишсайди. Ўрмонда ўзингни ҳар қалай хотиржам ҳис қиласан.

Унинчи боб Эгасини йўқотган ит

Хамберг калитни ҳеч ҳам қулфга сололмасди. У дағ-дағ титрарди. Ковшан-доз, назарида, оёғи остидан гўё бир томонга оғиб кетаётгандай бўлар, кўзлари олдида ранг-баранг ҳалқачалар сузарди. У анчадан бери бунақа ичмасди. Уйига

қандай етиб келганини билмайди. Қаергадир суйкалиб, уст-бошига бүйек юктирибди. Умуман, у — чўчка. Хамбергни қаттиқ ҳиқичоқ тутди. Уша заҳоти орқа томонидан эшик очилганини эшитди. Аранг бошини буриб қўшни аёлга кўзи тушди.

— Роберт Робертович, сизнинг олдингизга хизматдошингиз келган эди. Узоқ кўнғироқ қилди. Ўзини Фролов деб танитди.

— Мерси, мадам — деб ғудранди Хамберг ва ниҳоят қулфни очди.

Даҳлизда у кайфи тарқаб, ҳушёр тортиб, эси жойига келаётганини сезди. Оббо, ўша Фролов етмай турувди. У эртагаёқ ишга боради ва бетоб Хамбергнинг уйида йўқлигини бутун бўлим билиб олади. Бу жуда ҳам бемаврид. У аҳмоқ эса, арақхўрлик қилиб юрибди.

Эртага кечки пайт у ўрмондаги қўлга, Жлукнинг олдига бориши лозим. Яна аллақанча майда-чуйда харид қилиши ҳам керак. Фақат шунинг ўзига ярим кун кетади. Лекин ишхонадан кўнғироқ қилиб қолишар балки. Ёки хизматдошларидан биронтаси келар. Бирон чора кўриш керак. Касаллик гувоҳномасидан ташвиши йўқ. Бундай оқлов қоғозини у топади. Унча-мунча танишлари бор. Аммо ўзининг уйда йўқлигини қандай тушунтиради. Врачга борганми? Ёки ухлаб қолиб, кўнғироқ овозини эшитмаганми? Кейинги баҳонаси ҳақиқатга яқинроқ, шекилли.

Агар қўшниси «лоп» этиб гуллаб қўйса-чи? У зағизғондек қақиллагани-қақиллаган. Буни ҳам ҳисобга олиб қўйиш даркор.

Энди ваннахонадаги душ тагига, кейин бир чашка аччиқ қаҳва ичади.

Эрталаб у телефон кўнғироғидан уйғонди. Соат беш минути кам ўрни кўрсатиб турарди. Ишхонадан кўнғироқ қилаётган бўлишса керак.

У ўрнидан ирғиб турди, шу ондаёқ телефон жим бўлиб қолди. У халатини елкасига ташлаб, оёғига шиппагини кийди. Кечаги торт-тортдан боши торс ёрилай дерди. Бош оғриғи дорисини топиб, икки донасини тилига ташлади-да, шундоққина графиннинг ўзидан сув ичди. Телефон ҳамон жим эди. Мен ўзим уларга кўнғироқ қилишим керак, — у шу ўй билан бўлим бошлиғининг номерини тера бошлади.

— Эштаман.

— Николай Алексеевич, салом. Сизни Хамберг безовта қияпти, — деди у нимжон овоз билан.

— Соғлигингиз қалай, Роберт Робертович?

— Яхши эмас. Кеча доктор келган эди. Упка яллиғланган, деяпти.

— Биз сизнига Фроловни юборган эдик. У роса кўнғироқ қилибди.

Кўшнингиз сизни уйда йўқ дебди.

— Етавба, бу хотинлар доим гапни чувалатиб юришади. Мен уйда эдим. Утган кунни тун бўйи мижжа қоқмай чиққанман. Кеча кечқурун люминал ичган эдим. Ётдиму тиррақдек қотиб қолибман. Фролов ўша пайтда келган бўлса керак. Жуда ноқулай иш бўлибди. Мен учун ундан узр сўраб қўйсангиз.

— Хижолат чекманг, қўйинг. Биз сизни кўргани борамиз, ташлаб қўймаймиз.

— Фақат бугун эмас. Мени кўриб қўйгани бугун профессор келади.

— Яхши бўлиб кетинг, азизим Роберт Робертович. Упка билан ҳазиллашманг.

Жумаларда ўтиб қоламиз. Уша кунни борсак бўладими?

— Албатта-да. Катта раҳмат. Учрашгунча ҳайр.

— Тезроқ соғайиб кетинг.

У трубкани қўйиб, енгил нафас олди. Ғамхўрликларинг бошингда қолсин! Кийиниш керак. Кеч соат саккизда у кўл олдида бўлиши лозим. У ёққа бориш учун эса деярлик 80 километр йўл босиш керак.

* * *

... Бу жойларни у дарров таниди. Шу ерда, Кайстава кўли яқинида қирқ иккинчи йили улар ўрмонни титкилаб чиқишган. Партизанлар қароргоҳини излашган. Жлукнинг овчарка ити бўларди. Унга Герта деб ном қўйганди. Ит ўз ўлжасининг фақат томоғидан оларди. Шунга ўргатилган эди. Жлук Герта билан фахрланарди. Эсида, ит бир большевикни, партизанларнинг алоқачисини йиқитиб олган. У йигит нимжонгина экан, Герта унга тишларини салгина ботирган экан, бечора жон бериб-қўяқолибди. Ҳа, итмисан ит эди. Улганда ҳам солдатлардай партизанлар ўқидан ҳалок бўлди. Уқ шундоқ пешонасига тегибди. Жлук унинг тепасида йиғлаб юборди. Ўзи гўр қазиб кўмди. Бу ҳодисалар шу яқин атрофда бўлиб ўтган эди. Ҳозир ўша жойларни топиб бўлармиди? Орадан неча йил ўтиб кетди!

Поомл дарахтга суяниб ўтирар, қаламтарош билан ёғоч йўнарди. Жлук у ўтирган томонга қаради.

— Ҳа, намуноча тикилмасанг?

— Нима қипти, ўзимнинг жанговар ҳамкасбимга қараяпман. Сен бирор нарсадан хафамисан?

— Менми? Йўқ, ўзим шундоқ. Ҳаёт гўзал... Тез орада бизни чекистлар тутиб олиб, деворга турғизишади.

— Яна ўша гапми?

— Ҳа, ўша гап. Наҳотки бир оёғимиз жаҳаннам лабида турганини сезмаётган бўлсанг? Биз энди қатъий қарорга келиб олишимиз лозим.

— Менга қара, Ханс. Ўз қароримни мен қирқ биринчи йилдаёқ қабул қилиб бўлганман. Сенга шуни айтишим керакки, бундан кейин ҳам қўрқоқлик қиладиган бўлсанг, мен чора кўришга мажбур бўламан.

— Отиб ташлайсанми?

— Керак бўлса отаман ҳам.

— Агар мен олдинроқ отиб қўйсамчи? Қўрқмайсанми?

— Бас қил! — Жлук сапчиб ўрнидан турди. Унинг башараси ғазабдан бужмайиб кетган эди.

Поомл ерга қаради. «Чамамда ошириб юбордим, Жлук билан ҳазиллашиб бўлмайди. У кечирмайди. Елғиз ўзим бу ердан қутулиб кетолмайман».

— Жаҳлинг чиқмасин, мендан ўтди, — деди Ханс, қовоғини солиб. — Шуни ҳам билгинки, сен менинг бошлиғим эканлигингни унутмайман.

— Мени юпатишнинг ҳожати йўқ. Ойимча эмасман. Аммо, охириги марта огоҳлантираман. Сени ҳеч ким бўйнингга арқон солиб, судраб келмади. Ун минг долларни сен ўз номинга қўйиб бўлгансан. Бу пуллар бекорга берилмаган, оқлаш керак уни. Ёки сўнгги умрингни гадоликда ўтказмоқчимисан?

«Ўз умримни мен шу ерда тамомлайман» — деб кўнглидан ўтказди Ханс ғамгин, кейин овозини чиқариб, деди:

— Ҳамберг қачон келади?

— Саккизда келиши керак. У вақтида келади.

— Уруш даврида Роберт сенинг қўл остингда бўлганми?

— Ҳа, у менинг взводимда унтер-офицер бўлиб хизмат қилган. Биз дўст эдик.

— Эҳтимол, биз ҳам сен билан Таллинда, бирор майхонада учрашган бўлсак керак! Мен Таллинда тез-тез командировкада бўлиб турардим.

— Бўлиши мумкин. Эсингдами бармен Макс?

— Анави малла сўлақмонми?

— Худди ўзи. Мен уни Стокгольмда учратиб қолдим. Хусусий ресторан очибди. Бизнинг ҳамёнларимизни қоқиб, йиққан ақчаларини олиб кетолган, чоғи.

— У пайтда биз пулнинг бетига қараб ўтирмас эдик. Яхши даврлар эди, тўғрими?

— Агар биз ютиб ҳам чиққанимизда эди. Большевиклардан қай аҳволда қочганимизни сира унутмайман. Ўзимни пешонамдан отиб ташлай деганман. Улар бизни худди йиртқиқ бўриларни қувгандек ҳайдаганлар.

— Мен Эстонияда яна бир йил қолганман. Капитан Варнинг отрядида бўлганман. Коммунистларни шунақанги осганмизки? Кейин бизни чекистлар босишган. Икки юз кишидан саккизтамыз қочиб қутулганмиз. Атиги саккиз киши! Швецияда эса бизга тескари қарашди. Ҳолбуки бизни ўлимга юбора туриб бир қоп ваъда берган эдилар. Эстония ҳукуматининг вакиллари аталмиш ўша хомсемиз аблаҳлар кейин эса шведларнинг ҳожатхоналарини тозалашни таклиф қилишди.

— Мағлубларга доимо қийин.

— Лекин улар мағлуб бўлдилар. Биз эса охиригача солдат бўлиб қолдик.

Жлук жавоб бермади. Қандайдир товуш уни ҳушёр торттирди. У Хансга «жим» деб ишора қилди-да, теварак-атрофга диққат билан қулоқ солди.

Эшакнинг ғичирлашига ўхшаган овоз. Худди ўзи! Сув ҳам шалоплапти. Товуш борган сайин яқинлашаяпти. Қайиқ бўлса керак. Қўлдан уларни дарров пайқаб бўлмайди. Мох босган катта харсанглар — ишончли истеҳком. Харсанглар орасида торгина пана жой бор. Уни бир бўлак брезент билан ниқоблаб қўйишган, устидан эса янги чим бостиришган. Пана жой кичик бир блиндажга ўхшарди. Бир оз торроқ, лекин дўппи тор келган пайтда икки киши бемалол яшаса бўларди.

Тез орада қайиқ кўринди. У аста сузиб келар — қирғоққа жуда яқин қолган эди. Эшак эшаётган қотмадан келган одамнинг юзини кема капитанлариникидай қора соқол босганди.

Қайиқнинг орқа томонида боши тақир қирилган, кўзойнакли семиз киши ёнбошлаб ётарди. Тумшугидаги рюкзакларга иккита милтиқ суяб қўйилибди. Бирдан Жлукнинг қоп-қора, қулоқлари узун итга кўзи тушди. Ит харсанг тошлар томон бошини буриб, бўғиқ вовиллай бошлади. Жлук билан Поомл ерга ётиб олишди.

— Лаънати, наҳотки ҳид олди? — деб пичирлади Жлук.

Ит борган сари қаттиқроқ вовилларди. Поомл қулоқларини кафтлари билан беркитиб олганлигини Жлук кўрди. Ит кутилмаганда жим бўлди. Энди яхши мойланмаган эшакларнинг ғичирлашигина эшитиларди, холос. Бу овоз аста-секин

пасая борди. Жлук эҳтиёткорлик билан тош орқасидан мўралаганида, кўл бўм-бўш эди.

Жлук тошга суюниб қалтироқ бармоқлари билан сигарета олишга тутинди.

Поомл орқасига ўгирилди, қўлларини остига қўйиб, осмонга маъносиз қараб ётди. Аммо иккови ҳам бир нарсани ўйларди. Агар ўша қайиқдагилар қирғоққа чиқишганида, уларни отиб ташлашга тўғри келарди. Бошқа иложи йўқ эди. Улар учун ҳар қайси учраган одам хавфли гувоҳ эди. Фақат мурдаларгина гапирмайди.

...Хамбергнинг машинасини улар шартлашилган ерда, кўлдан бир ярим чақиримча нарида, қалин ўрмон орасидаги йўлда кутиб олишди.

Роберт кабинадан чиқиб, индамай Жлукнинг кўлини қисди.

— Яхши етиб келдингми?

— Кўриб турибсан-ку. Текширишмади, аммо йўлда икки марта чегарачиларнинг машинасини кўрдим. Биринчисини Таллиндан чиқаверишда учратдим. Иккинчиси мени ўрмонга бурилмасимдан олдин қувиб ўтди.

— Кўлга тўппа-тўғри келмагандирсан?

— Нима деяпсан! Мен ўрмон йўлларида роса айландим. Назаримда «дум» йўқ. Гарчи ҳозир ҳеч нарсага кафолат бериб бўлмаса ҳам.

— Овқат олиб келдингми?

— Ҳа, ҳаммаси жойида. Арақ ҳам. Рюкзак багажникда.

— Сен бу ерда узоқ қолишинг мумкин эмас, энди Таллинга қайтақол. Беш кундан кейин келасан. Шу ерда учрашамиз. Уқдингми?

— Менга қара, уйимга ишхонадан келишибди. Касаллигим узоққа чўзилмайди.

— Бирор чорасини ўйлаб топарсан. Агар пул керак бўлса, истаган миқдорда беришимиз мумкин. Энг асосийси — қадамнинг билиб бос. Бизнинг ҳар бир хатоимиз ҳалокатга олиб бориши мумкин. Ханс, нарсаларни туширишиб юбор.

Поомл машина олдига келиб, багажникни очди...

Роберт машинаси чиққларини ёқмасдан буриб олди.

Улар «Москвич» кўздан ғойиб бўлгунча йўлда турдилар.

Ун биринчи боб

Зангори «Москвич»

Мен эрта уйғондим. Ҳали соат олти ҳам бўлмаган эди. Пардани сурдим. Ташқарида ёмғир томчилар, асфальтда кўлмакчалар ялтирарди. Рўпарадаги уйнинг пештоқида ҳурпайиб олган кабутарлар ўтирибди.

Меҳмонхонада яшовчи одам кунни нимадан бошлайди? Энг аввало бадантарбиядан. Кейин ювиниб, тараниб кийинади. Буфет ҳали очилмаган, лекин менинг холодильникимда кефир билан творог бор эди. Ажойиб парҳезли нонушта. Ҳозир шкафдан яна кулча олсам, қарабсизки, ҳамма нарса бут бўлади.

Қизиқ, менинг ҳам уйда ўтириб қоладиган пайтим келармикан? Ҳозирга қадар бутун умрим блиндаж, окопларда, ертўлалар, ётоқхона ва меҳмонхоналарда ўтарди. Уйда ҳам худди, меҳмондайман. Очиғини айтсам, уйда фақат оқшом ёки тунда бўламан. Онда-сонда дам олиш кунларим бўлиб туради. Ушандай кунларни ғойибдан марҳамат кутгандай кутаман. Бундай пайтларда китобга шўнғиб кетаману, мен учун бошқа нарсанинг аҳамияти қолмайди. Теварак дунёни бутунлай унутаман.

Таллиндаги командировкам чўзилиб кетди. Биз душман айғоқчиларини излаётганимизга бир ойдан ошди. Ҳозирча деярлик ҳеч қандай натижа чиқмади. Уртоқларим асабийлашяпти. Иложи борича вазиятни энгиллатишга ҳаракат қиляпман, лекин, менимча, бунга ҳаммавақт ҳам эришаётган бўлмасам керак. Кўнглим нотинч.

Аммо бугун кайфиятим яхши, фикрларим равшан ҳолда. Шу яқин орада биз учун жуда муҳим бўлган қандайдир ҳодиса рўй беришини кўнглим сезиб уйғондим. Мен иримчи эмасман, лекин кўнглим сезган нарса кўпинча тўғри чиқади. Буни ҳам тушунса бўлади. Ҳар бир ихтисос кишида маълум кўникма, муайян ҳодисага нисбатан унинг ўз одати ва ички туйғусини пайдо қилади. Бизнинг ишимизда ҳам худди шундай. Сен танангдаги ҳар бир ҳужайранг билан жумбоқнинг ечилиш фурсати етганини ҳис этасан.

Мен бизга номаълум бўлган радиостанциянинг эфирга қайта чиқишига негадир аминман. Кеча биз қизиқ бир маълумот олдик:

«12-июнда темир йўлдан кесиб ўтиш жойларидан бирида чегарачилар шофёрларнинг ҳужжатларини текширганлар. Тўсиқ олдида ўттиздан зиёдроқ

машина тўпланиб қолган. Тўсатдан зангори рангли «Москвич» орқасига бурилган, тезликни ошириб, тош йўл билан изига қайтган. «Москвичда» шофёрдан ташқари яна икки киши бўлган. Хужжат текшириш-группасидагилар машинанинг кетганини пайқамаганлар, чунки «Москвич» қаторнинг энг охирида бўлган. Аммо бир самосвал шофёрига бу ҳол ғалати туюлган. Шлакбаум олдида келиб, офицерга у ўз гумонини айтган. Бироқ вақт бой берилган эди. Зангори «Москвич» ғойиб бўлган. Самосвал шофёри машина номерини аниқ эслаб қолмаган. Тахминан рақамларни айтган 21—15 ёки 21—75.

Хужжат текширишдан оддий ўғрилар, чайқовчилар ҳам қўрқишлари мумкин. «Москвич»нинг шофёри ичган бўлиши ҳам мумкин ёки жуда шошилиб турган бўлса, бошқа йўлдан кетишини ўйлаган. Бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бари бир биз «Москвич»ни ҳозир излаяпмиз. Ортиқча текширув зарар қилмайди. Ушанда қабристонга кетаётган таксида ҳам иккита йўловчи бўлган.

Парҳез нонушта кўп вақтни олмайди. Шу туфайли менинг кечаги газеталарга кўз югуртириб чиқишим ва бир вақтнинг ўзида радиодан сўнги ахборот тинглашим учун имкониятим бор. Динамикни ёқаман. Биринчи газетани очаман. Кечаги кун ахбороти ва бугунги янгиликлар оқими.

Уқияпман, дикторни тинглаяпман, хаёлим эса бутунлай бошқа томонда. Зангори «Москвич» хаёлимдан ҳеч нари кетмаяпти. Самосвал шофёри йўловчиларни пайқамаган, лекин рулда ўтирганини яхши эслаб қолган. У машинадан тушган экан. Унинг тасвирашича, ёши ўттиз бешларда, думалоқ юзли, бурни гўштдор, бошида тепакали бор. Дид билан, ҳатто башанг кийинган. Жигарранг костюм, оқ кўйлак, тўқ сариқ галстук. Шофёр, баракалла унга, шундай деталларни эслаб қолган, фақат номерни кўздан қочирган. Тўғри, унинг тушунтиришича, номерга қараётганида, «Москвич орқага бурилиб олиб кетаётган бўлган.

Ташқарида ёмғир тинди. Ана кўёш ҳам мўралаб чиқди. Бошқармага борадиган вақт ҳам бўлибди. Ҳозир машина келиши керак. Пиджагимни елкага ташлаб, стол устидан хонамнинг калитини оламан. Бу кун бизга нима каромат кўрсатар экан?

Бу кун бизга мутлақо ҳеч қандай каромат кўрсатмади.

Кечки пайт ўз хонамга киришим билан орқамдан эшик тақиллади.

— Кираверинг, эшик очиқ.

Вадим Николаевич Нестеров кирди. У билан бошқармада ярим соатгина бурун хайрлашгандик. Демак, нимадир бўлган.

— Безовта қилганим учун узр.

— Нималар деяписиз! Утиринг, ҳозир қаҳва дамлаймиз.

— Ҳозиргина ГАИдан дастлабки рўйхатни бериб юборишибди,— Нестеров чўнтагидан буклоғлик бир варақ қоғоз олди.— Бунда рақамлари ўхшаш бўлган олтита машина ажратиб олинган.

Хўш, кўрайликчи. Дорихоналар бошқармаси, инженер Тауеберг, уйсозлик комбинати, телеателье ходими Салюс, бошқарма экономисти Хамберг, киностудия.

Шунисига ҳам шукр, булардан бирортаси биз излаган калавининг учи бўлса ажаб эмас.

— Эртага эрталабданоқ, Вадим Николаевич, ГАИ билан шуғулланинг, ёрдамга одамлардан олинг. Бир кун етадимми?

— Ҳаракат қиламан.

— ГАИ ходимларини огоҳлантириб қўйинг, ғоят эҳтиёткорлик билан иш кўришин, машина эгаларида уларни шахсан текшираётганларига заррача шубҳа туғилмасин.

— Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Энди бориб бир овқатланайлик. Ҳар қалай икки киши зерикарли бўлмайди.

...Нестеров роппа-роса бир кеча-кундуздан сўнг бошқармага кириб келди. Юзлари сўлгин, бурни гўё яна ҳам қирра тортгандайроқ эди. Шубҳасизки, у жуда ҳолдан тойган эди. Тушунаман. Аммо ҳозир дам олиш ҳақида ўйлайдиган пайт эмас. Лекин Вадим Николаевичнинг кўзлари кулиб турибди. У қуруқ қўл билан қайтмаган.

«Хамберг Роберт Робертович, ўттиз олти ёшда, партиясиз, планэкономист, бўйдоқ. Ҳозир бетоб. Бўлим бошлиғининг гапига кўра, ўпкаси икки томонлама шамоллаган».

Машинада босилган бир варақ қоғоз менинг олдимда ётибди. Унинг ёнида экономистнинг шахсий делосидан катталаштириб олинган сурати. Юмалоқ юз, бурни катта, бошида тепакали бор. Самосвал шофёри тасвираб берган портретнинг ўзгинаси.

Ўпкаси шамоллаган? Бундай дард билан машина ҳайдашга унча-мунча одам журъат этолмайди. Буниси етмагандек «Москвич» Таллиндан юз километрча узоқда бўлган.

Гражданин Хамберг ҳақида бизга яна нималар маълум?

«Иш жойида ижобий характерланади. Интизомли, огоҳлантириш олмаган. Пул мукофотлари, ёрликлар билан тақдирланган. Бошқармада олти йилдан бери ишлайди. Маълумоти ўрта махсус. План-иқтисод техникумини битирган. Уруш пайтида фронтда бўлган. Оддий аскар, пиёда. Яраланган, Смоленскдаги госпиталда даволанган».

Оддий характеристика, бунақаси минг-минг.

Нестеров стол устидан фотосуратни олиб, кўздан кечира бошлайди. Мен ички телефон трубкасини кўтардим.

— Карл Карлович, олдимга бир киринг, Мальцевни ҳам бирга олакелинг.

Бир неча минут ўтмаёқ Хелемея билан Мальцев кабинетга кириб келишди, рўпарадаги креслоларга ўтиришди. Карл Карловичга фотосуратни узатдим.

— Бу «Москвич» шофёри.

Хелемея суратни қўлига олади, Мальцев унга энгашиб тикилади.

— Биз бу кимса билан танишмоғимиз керак, иложи борича тезроқ, — дейман мен.

— Шошманглар, мен ҳозир, — дея Хелемея кутилмаганда ўрнидан ирғиб туриб, кабинетдан учиб чиқиб кетди.

— Унга нима бўлди, — деб ҳайрон бўлиб сўради Мальцев.

Нестеров елкасини қисди. Мен ҳам ҳеч нарсага тушунмадим. Оғир карвон Хелемея учун бундай ҳовлиқиш — тушуниб бўлмас ҳол эди.

Эшик очилиб, Карл Карлович кириб келди. Унинг қўлида яна бир сурат бор эди. Мен уни дарҳол танидим. Сурат уруш йилларида олинган. Эсэсчилар формасидаги учта хоин бир шиша шампан виноси ушлаб ўтиришибди.

Биз иккала суратни ёнма-ён қўйдик. Хелемеянинг бармоқлари бир оз қалтирар, ҳатто овози ҳам ўзгариб қолганди.

— Сизлар буларда ўхшашлик кўрмаяпсизларми? Юз, бурун, қошлари.

— Ҳали севинишга шошманг, Карл Карлович...

Лупани олиб, фотосуратларни қиёслайман. Ўхшаш, жуда ҳам ўхшаш, гўштдор бурни ҳам, қошлари ҳам. Албатта, бу икки нусхани айнан бир шахс дейишга ҳали эрта. Суратлар орасида 11—12 йил вақт бор, яна улар турли шароитда олинган Бунинг устига, унтер-офицернинг уч киши бўлиб тушган суратидаги юзи тирноқча ҳам келмайди, яна шапкасининг соябони пешонасини ёпиб турибди. Лекин, ҳар қалай, бу суратлар ўхшаш. Аниқ жавобни фақат махсус экспертиза бериши мумкин.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, ўртоқ полковник! — деди Карлович. Унинг овозида унча яришилмаган қувонч садоси янграб кетди. — Қаранг, яқинда архивдан нима топиб олдим.

Майор менга бир варақ қоғоз узатади. Хат — имзосиз, имзо ўрнида биргина «К» ҳарфи. Тўрт йил аввал ёзилган.

«Гражданин терговчи, сизнинг исм-шарифингизни билмайман, лекин бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Олдиндан айтиб қўяй: мен ўзим бошқинчиларда полициячи бўлиб хизмат қилганим учун жазо муддатини ўтаганман. Аммо суд ва граждандар терговчилар менинг ишимга ғоят самимийлик билан ёндошдилар. Полицияда мен бор-йўғи тўрт ой хизмат қилганман. Фашистларга ҳам бир ишда ёрдам бермаганман, ҳеч кимни асир олиб, ҳеч кимни сотмаганман. Бу борада виждоним пок. Полицияга эса, оиламни боқиш учун кирганман. Соқчилар взводида хизмат қилганман. Бамисоли бир қоровулдай эдим. Суд буларнинг ҳаммасини ҳисобга олди. Мен маълум муддат ахлоқ тузатиш лагерида бўлдим. Аммо ёзишдан мақсадим мана бунақа: Мени шу нарса ҳайратга соладики, Таллинда ҳозирги кунда Совет Иттифоқининг ҳақиқий душманлари, фашистларнинг содиқ малайлари яшаб юрибди. Бир неча кунгина аввал мен кўчада СС унтер-офицери Тарсни кўриб қолдим. У бизнинг полициямизда тез-тез бўлиб турарди. Тўғри, миямда балки Тарс Совет разведкачиси дидир, бошқинчилар ичига атайлаб юборилган бўлган бўлса-чи, деган бир гумон туғилди. Лекин яна бир нарса ёдимга тушди. Бошқа полициячилардан ўша Тарс жуда баджаҳл ва зolim эканлигини, партизанларни шахсан ўзи отишини эшитганман. Бир текшириб кўринг. Яна ўзингиз биласиз. Ўз имзоимни қўймайман. Терговчи ва бошқа бошлиқларнинг кабинетларида гувоҳликка ўтиб ўтиргим келмаяпти».

Хатга нима деб имзо чекилган? — дея сўрадим мен Хелемеядан.

— Имзоми? Жуда қисқа: текширилсин.

— Ҳа, ҳамкасбларимиздан бири, аниқ кўриниб турибдики, ўз ўрнини бекорга банд қилиб ўтирган. Текширишга шошилмаган.

— Сиз мутлақо ҳақсиз... Уша одамни органдан бўшатиб юборишган.

— Жуда тўғри қилишибди. Сизни эса тарбрикламоқчиман.

— Нима билан? Орадан тўрт йил ўтиб кетди, — деди Хелемея, маънос бўлиб.

— Ҳар қалай, сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз. Хатнинг конверти сақлаб қолинганми?
— Ҳа. Аниқланишича, хат Бошпочтаamt атрофида ташланган. Имзосиз хат ҳам мужмал. Ҳеч бўлмаса Тарсни қаерда учратганини ёзмайдими?

Индамай Хелемеяга қарайман. Майор гўё унга топширадиган ишим қандайлигини олдиндан сезгандек тасдиқ ишораси билан бош силкийди. Унга топшириладиган иш қизиқарли деб бўлмасди. Тарсининг уруш давридаги фаолияти ҳақида кўшимча материаллар топиш керак. Яна архивни кўтариб, ўнлаб папкалардаги қоғозларни кўлдан ўтказишга тўғри келади. Ҳа, мушкул вазифа, аммо начора?

«Телетайп. Ғоя шошилинич. Барча ГАИ постларига, милиция патрули постларига чегара текшириш пунктларига, чегара комендатураларига.

21—75 номерли зангори «Москвич» қидирилмоқда. Машинада икки ёки учта йўловчи бор. Қўлга олишда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрилсин. Шофёр ва йўловчилар қуролланган бўлиши, қаршилиқ кўрсатиши мумкин.»

...Бу фикр унинг миясини кемирарди. Хамберг креслодан ирғиб туриб, хонани айлана бошлади. Хўш, у нимадан хавфсираяпти? Жлук уни излаб юрмаса керак. Ўзларининг аҳволлари ҳалигида-ю, шундай бепоён мамлакатда қандай топади. У бўлса узоқ бир хилват ерга кетади. Икки-уч ойни ўша томонларда ўтказадди, кейин яна Эстонияга қайтиш қочмайди. Бирон колхозда оддийгина ҳисобчи бўлиб ишга жойлашиб олади. Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, таваккал қилса бўлади. Лекин ўйлаб ўтиришга фурсат борми? Режасининг кўп жойлари ҳали хом. У ишдан бўшаши, ҳарбий комиссариатдан ҳисобдан ўчиши керак. Машинани сотиш лозим. Буларнинг ҳаммасига камида ўн кун кетади. Агар бирдан ғойиб бўлса-чи? Бу дарров шубҳа туғдиради. Уни излай бошлашади. Эртага у қўлга бориши керак. Агар бормаса, Жлук шубҳасизки, уни топишнинг йўлини қилади. Поомлни юборади. У ўз ишини пухта бажаради. Эҳтимол, Жлукнинг бошқа одамлари ҳам бордир. Улар Хамбергни истаган пайтларида бир ёқлик қилишлари мумкин. Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Эртага, Жлук билан учрашганда, касаллик варақасининг муддати тамом бўлаётганини айтади. У ишга чиқиши лозим. Акс ҳолда унинг хатти-ҳаракатлари хизматдошлари орасида шубҳа туғдириши турган гап. Кейин у гўёки шошилинич командировкага кетади. Бошлиқ билан гаплашиб кўриш керак, у ҳақиқатдан ҳам ўн-ўн беш кунга уни бирон ёққа юбориши мумкин. Шунда вақтдан бир оз этади.

Нега Жлук билан ишлашга розилик берди? Катта пулларга учди. Лекин бошқа чораси ҳам йўқ эди-да, ахир. Америкаликлар унинг турар жойини билардилар, агар у рози бўлмаганда, Жлук уни тутиб бериши мумкин эди. Ип чигаллашиб кетди. Уни аллақандай ёпишқоқ қўрқув чулғаб ола бошлади. Аввал ҳам бир шундай бўлган эди.

Уч йил бурун Хамберг кўчада ўзининг собиқ ўйнашини учратиб қолди. У Хамбергни дарров таниди, қўлига ёпишиб олиб, ўзларининг ўтмишдаги муносабатлари ҳақида аллақандай аҳмоқона гапларни валдирай бошлади. Хамберг қотиб қолган, лом-мим демасди. У фақат бир нарсани, ҳалок бўлганини тушунарди. Марта (ўша аёлнинг исми шундай эди) жуда оғзи бўш, ҳиссиётга берилган аёл эди. Бир кун ўтмаёқ Хамберг билан урашганини бирор дугонасига мақтаниши аниқ эди.

Хамберг зўрға ўзига келди. У Мартани деярлик бўм-бўш бўлган қаҳвахонага олиб кирди. У ерда арақ ичишди. Марта ғирт маст бўлиб қолди. Қаҳвахонада Хамберг қиладиган ишининг режасини тузиб қўйди. У Мартага ҳозир бир дўстиникига боришларини, у ерда ётиб қолишлари ҳам мумкинлигини айтди.

Хамберг уни кимсасиз кўчалардан олиб кетди. Ҳаммаёқ қоронғи эди. Хамберг шу яқин орада авваллари ўтин омбори бўлган бўш ҳовли борлигини биларди. Ҳовлида у Мартани кучоқлади. Марта лабларини севгилиси томон итоаткорона чўзди. Шу пайтда Хамбергининг қўллари аёлнинг томоғига ёпишди... Мурдани канализация қудуғига ташлаб юборди.

Деярлик бир йил у дуч келган милиционердан ҳадиксираб, кечалари салгина шовқиндан ҳам қўрқиб юрди. Кейин ҳаммаси унутилиб кетди.

Мана, у қўрқувнинг совуқ тўрига яна чулғаниб қолди. Йўқ, ўзимни қўлга олишим керак. Жлукнинг бу топшириғи охиргиси бўлади. Кейин эса ҳеч иккиланмай жўнавориш керак...

...Майор Хелемея билан иккита оператив ходим Хамбергнинг уйга санитар машинасида етиб келдилар.

Карл Карлович участка врачни ролини ўйнаши лозим эди. Улар узоқ вақт кўнғироқни босиб турдилар. Хона ичи жим-жит эди. «Наҳотки хавф-хатарни сезиб, қочиб қолган бўлса?— хаёлидан ўтказди Хелемея.— Қўшнилари билан гаплашиши керак. Балки улар бирор нимани пайқашгандир.

Оппоқ сочли қўшни кампир қўлларини ёзиб гапира кетди:

— Унинг олдида ишхонадагилар ҳам бир келишувди, уйдан топишолмади. Кеча оқшомда мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Балким, яна у ёқ-бу ёққа юборишгандир.

Хелемея кампирга миннатдорчилик билдирди, ичидан эса зил кетди: «Қўлдан чиқариб юбордик».

У зинапоядан аста туша бошлади. Шу ернинг ўзида ўз ходимларидан бирини учратди.

— Ўртоқ майор, ҳозиргина қоровул билан гаплашдим. У Хамбергнинг уйдан чиқаётганини кўрган. Ҳатто, қаёққа кетяпсан, деб ҳам сўраган. У дорига кетяпман, деб жавоб берган.

— Машинага чиқинглари,— деди майор ҳорғинлик билан.

Ун иккинчи боб

Кузатиш бекор қилинади

Грэмс ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳозиргина унга радиоохизмати бўлиמידан кўнғироқ қилишди. Жлук билан Поомл иккинчи радиошифровка юборишибди. Текст тоза қабул қилинган. Станция устидан совет контрразведкасининг кузатуви бекор этилади.

«Нима қилардик, бугун бошлиқнинг бурнига бир чертиб қўямизда,— дея кўнғилдан ўтказиб қўйди Грэмс, мамнун бўлиб.— Менинг агентларим Эстонияда бир ярим ойдан бери ишлаяпти. Бу мисли кўрилмаган узоқ муддат. Шундай экан, муҳтарам бошлиқ, энди менинг табригимни қабул этгайсиз. Мен ўз қўтловимни шундай шаклда сизга тортиқ этишга ҳаракат қиламанки, бурнингиз ачишиб, акса уриб юборасиз»...

Грэмс ўзи-ўзидан хурсанд бўлиб, кафтларини бир-бирига ишқалади. Ҳозир бир рюмка тоза джин ичсак арзиса керак. «Бу кичик муваффақиятни бир ювайлик».

...Поомл рацияни кўмиш билан овора эди. У тиззалаб олиб, кичкина сапер белкуракчаси билан чаққон ишлар, гоҳ-гоҳ юзидаги терни сидириб ташларди.

Жлук ўрмон сукунатига қулоқ соларди. Албатта, уларнинг алоқаларини пеленгатор орқали қайд қилган бўлишлари мумкин.

Лекин бу ерлар хилват жой, яқин орада йўл ҳам, бошқа нарса ҳам йўқ, теварак-атроф ботқоқлик. Хамберг ташлаб кетган жойдан улар бу ерга икки соатда юришган.

— Мен бўлдим, — деди Поомл, ўрнидан туриб, шимини қоқиб.

— Белкуракни бирон ерга, ботқоққа ташлаб юбор. Кетдик.

Энди улар тўрт чақиримча йўл юришлари керак. У ерда ўрмондаги йўл ёқасида велосипедларни ва яна баъзи бир нарсаларини яшириб қўйишган. Кўлгача велосипедда етиб оладилар, у ерда беш кунча бўладилар. Алоқачи билан учрашувга Хамберг боради. Гарчи у ишини баҳона қилиб, ўзини четга олишга ҳаракат қилган бўлса-да, Жлук уни кўнишга мажбур этди. Хизмат пули сифатида эса яна беш минг берди. Пул деган жойда Роберт доим ўзини томдан ташларди.

Менинг телефоним роппа-роса 16.00 да жиринглади.

— Ўртоқ полковник, номаълум станция эфирга 14,35 да чиқди, 14 дан

49 минут қадар ишлади. Район маълум. Оператив группалар йўлларни тўсиб қўйдилар.

— Топшириқ тушунарлими, ўртоқлар?

— Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант.

— Ундай бўлса тезда машинага чиқинглар.

Катта лейтенант Скворцов кабинага ўтирди. Ун нафар чегарачи кузовга чиқди.

Скворцов ўзининг янги либосига ҳеч ҳам кўника олмасди. Китель ўрнига ямоқ солинган пиджак. Галифесини почаси чанғичиларнинг кирза этик қўнжиги тикилган шимига алмаштиришга тўғри келди. Унинг йигитлари ҳам ҳар хил кийиниб олишган. Бири бошида кепка, эғнида чий духоба куртка. Бошқаси бошига беретка, эғнига кенг кўйлак кийган. Вазият шуни тақозо қилгач илож қанча.

Скворцов чегарада тўртинчи йил хизмат қиляпти. Аммо ҳақиқий чегарабузарлар билан тўқнашиш ҳозирча унга насиб этмаган. Тўғри, у билим юртида ўқиб юрган даврида, практикада чет элга қочиб кетмоқчи бўлган бир жиноятчини қидиришда иштирок этган, лекин уни қўшни заставадаги йигитлар ушлашган. Бугун эса унга ўрмон йўлларидан бирини қўриқлаш топширилган. У ерда душман пайдо бўлиши мумкин.

Гриша Скворцов бугун омади келишига гумон қилар, жосуслар, албатта, бошқа оператив группага дуч келади, деб ўйларди. Уларнинг кетидан яна бир машина келяпти, уларни пана қилиш учун. Оралиқ тахминан икки километр.

Бугун кун худди буюртирилгандай, ҳаво очик, осмонда бир парча булут йўқ. Енгил шабада очик кабинага уфуриб кириб, юзларни ёқимли сийпалайди. Йўл анча текис, ғилдираклар худди асфальтдагидек текис айланади. Ишқилиб, ёмғир қуйиб юбормасин, ёғадиган бўлса бу ердан тракторсиз чиқиб кетолмайсан.

— Ўртоқ катта лейтенант, қаранг,— деди шофёр, кейин тезликни камайтирди.— Олд томонда иккитаси велосипедда келишяпти.

— Икки минутдан кейин тормоз берасан, лекин кескин бўлмасин.

Машина кузовига махсус гаплашиш мосламаси ўрнатилган эди. Скворцов тумблерни улади:

— Қуролларни тайёрланг!

Скворцов кабинадан сакраб тушди, қўлидаги новдани силкитиб, этиги билан олдинги ғилдирак баллонини тепиб кўрди.

— Дами чиқиб кетганга ўхшайди,— деди у.— Қани, йигитлар, ёрдамлашиб юборинглар.

Велосипедчилар шундоқ ёнларига келиб қолган эдилар. Григорий улардан бирининг ҳадиксираб уқрайиб қараганини сизди.— Скворцов олдинга қадам ташлади.

— Ошна, тўхтаб тур!

Поомл хавфни ич-ичидан ҳис қилди. У велосипедни кескин буриб, кучининг борица педални босди.

Лекин у кечиккан эди. Шундоққина рўпарасида берет кийган йигитни кўрди. Поомл тўппончасини олиб, ўқ узди. Бироқ шу заҳоти оёғида қаттиқ оғриқ сезиб, велосипеддан йиқилиб тушди. Қандайдир бақувват одам унга ташланиб, қўлларини орқасига қайирди.

Уни машина олдига олиб боришди. Бу ерда у Жлукни кўрди. Жлук қўллари кўтарилган, ранги докадек оқарган ҳолда турарди.

Скворцов тўппончаси қинининг тугмасини ҳеч сололмасди. У жилмайиб кулдида, негадир овозини чиқариб деди:

— Ҳаяжонланиб кетганимдан бу, йигитлар.

— Сиз уни мерганчасига бопладингиз, ўртоқ катта лейтенант, бўлмаса сиз асфаласофилинга кетган эдингиз.

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида. Уларни машинага босинглар.

Скворцов соатига қаради. Наҳотки шу билан иш тамом бўлди. Атиги ўн минут вақт кетибди.

...Хамберг йўл ёқасидаги қаҳвахонада тўхтади. Моторни ўчирди. Сигарета харид қилиб, қаҳва ичиб олиш керак. Бу оғир кун ниҳоясига етса керак. Бир соатдан кейин у уйда бўлади. Жлукка у энди фақат ўн беш кундан кейин керак бўлади. Бу унинг ғойиб бўлиш учун тайёргарлик кўришига етади. У «Москвич»нинг эшигини очди-ю, кўзи иккита эркак кишига тушди. Улар тўғри машина томон келишарди. Хамберг юраги уриб кетганини туйди. У дарров эшикни ёпиб, моторни ўт олдирмоқчи бўлди.

— Ошиқманг,— деган бўғиқ овозни эшитди.

Кимнингдир қўли машина калитини зажиганиедан тортиб олди.

— Тушинг, Тарс, сиз қамоққа олиндингиз.

Оператив маълумотдан: «Қўлга олинган жосуслардан автомат, учта тўппонча, кўп миқдорда ўқ-дори, заҳарли ампулалар, фотоаппарат, топографик хариталар

топилди. Улар билан бирга бошқа жосуслар ташланган-ташланмаганлигини аниқлаш ҳамда улар бошқа анжомлар ва асбобларни яширган жойларини топиш мақсадида асирлар ўша жойнинг ўзидаёқ сўроқ қилинди. Жосуслар америка разведкасининг агентлари эканликларини, 7 майга ўтар кечаси парашютларда Эстония ССР, Клинги-Нимер районининг Луксаэре қишлоғи атрофида ташланганликларини айтдилар ва бошқа анжомларни яширган жойларини кўрсатдилар. Ярадор жосусга медицина ёрдами кўрсатилганидан сўнг, госпиталга ётқизилди, иккинчиси эса нарса қўядиган хуфия жойларини кўрсатди. 20 дан 29 июнгача иккита парашют, иккита ихчам радиостанция, иккита радиоприёмник, «Минокс» фотоаппарати, махсус шифрлаш блокнотлари ва жадваллари, Эстония ССРнинг топографик хариталари, катта миқдорда совет пуллари ва чет эл валютаси, қалбаки ҳужжатлар, штемпеллар, тамғалар, турли ҳужжатларнинг бланкалари топилган».

* * *

Уттизинчи июнда полковник Стив Кирпатрик Вашингтондан Таллинда давлат хавфсизлиги органлари томонидан 306 ва 312 рақамли агентлар билан алоқа боғлаш учун келган турист қиёфасидаги шахснинг қўлга олинганлиги ҳақида расмий хабарнома олди. Алоқачининг қамоққа олиниши юқоридаги агентларнинг ҳалокатга учрагани ва қамоқда эканлигини тахмин этишга асос берарди.

Хабарномани ўқиб чиқиб, Кирпатрик зудлик билан Грэмсга қўнғироқ қилди.

— Қария, назаримда сизни истеъфога чиқаришимни сўраган эдингиз. Мени рози деб ҳисоблайверинг. Ҳа, сиз дам олишингиз лозим. Штатларда ҳозир об-ҳавони жуда яхши дейишяпти.

* * *

Мен Таллиндан ҳаво булут, ёмғир шивалаб турган бир пайтда кетмоқда эдим.

— Мана, яна бир командировка ҳам ниҳоясига етди,— деди хайрлашаётиб майор Хелемея.

— Бизнинг томонларга дам олгани келиб туринг, шундай бир балиқ ови уюштирамизки,— деб гулдиради Мальцев.

Нестеров индамай қўлимни қисди.

Бу сафар мен самолётга вақтида етиб келдим. Трап олдида менга таниш само париси мовий ранг либосда турарди. «Ола, яна ўша қиз-ку», дея кўнглимдан ўтказиб қўйдим мен.

— Лекин мен энди ўзимни одобли йўловчилардай тутаман, ҳатто камарни ҳам ўз вақтида тақиб оламан.

Русчадан Ҳайдарали НИЕЗОВ ва
Мухтор НИЕЗОВ таржимаси.

Гафур Гулом

Энг расво намози аср

Тошкентнинг Қоратош ва Қўрғонтеги маҳаллалари бир-бирининг давомидай ерлар. Аслида-ку бу дўппидай ер бир маҳалла бўлиши лозим эди. Уша замонда, ҳарна битта элликбоши кўпайсин, битта камбағалга қоровуллик тегиб қолсин, деб бўлишган бўлса керак. Бўлмаса нима эмиш, биз ёшлигимизда яқтагимизнинг этагини тугиб дум қилиб, иккита дўппидан қулоқ қилиб яланг оёқ пиёда пойгага чопганимизда Қоратошу Қўрғонтеги у ёқда турсин, шунақасига Ялангқари, Эшак маҳалла, Тиконлимозор, Қўғирмоч маҳалла, Девонбеги — ҳаммасини бир зумда, «туф» деган тупукнинг кўпиги ўчгунча айланиб келар эдик. Паккамиз ҳам, маррамиз ҳам Лайлак мачитда бўларди. Ҳай, бу гаплар ўз навбатида яна айтилар...

Биз жуда ёш вақтларимизда, бундан эллик, эллик беш йиллар илгари Қоратош маҳалласида Мўмин сурнайчи, Қўрғонтеги маҳалласида Толиб сўфи ота деган икки чол яшар эди. Мўмин ота 1923 йилда бир юзу беш ёшида вафот қилган. Ўз сўзи билан айтганда, у Нодирабегим, Маъдалихонлар Бухоро амири томонидан сўйилганда гўёки «ғолиб» амир Насруллонинг пароканда қўшинини Уратепагача мажбуран кузатиб қўйган созандалар ичида сурнай чалиб борган экан...

Хулласи, бу икки чол бир-бирларига замондош, кадрдон дўст, жўра эдилар. Мўмин ота ўз ҳаётида ўн минглаб тўйда сурнай чалган киши. У мунгли «Наво»ни бутун савту тароналари билан чалганда не-не қизлар эриб кетиб, йигит қўйнига кирганини сезмай қолишган. У «Сувора»ни янграганда жанг майдони қизиб кетган, не-не паҳлавонлар, ботирлар от ўйнатиб ёвга босирик қилганлар. У сурнай чалмагунча бирор уйда чақалоқ туғилганига ҳеч ким ишонган эмас. Ҳатто шундай воқеа ҳам бўлган экан. Мўмин отани кимдир жанозага айтиб кетибди. Унинг қулоғига: «Фалончининг хотини туғибди», деб эшитилибди. Бир маҳал десангиз, ўғиллари Болтабой, Тешабойларни бошлаб қўш чилдирма, қарнай, бир жуфт бачча билан кўча-кўйни шовкин-суронга тўлдириб «балибал-е-е-е»лаб қичқириб, жанозанинг устига

кириб боришибди. «Ҳай-ҳай»га қулоқ солиш қаёқда! Яхши ҳам шу ерда Наби миршаб турган экан, «чур-р-р» этиб ҳуштагини чалибди-да, қиличини яланглатибди.

— Бас, падарлаънат меҳтарлар! Ҳаммангни қаматаман!

Ана шунда десангиз, Мўмин ота тушмагур сурнайчи «ғийқ» этиб тўхтатибдию кавушини қўлга олиб, чилдирма қўлтиқлаган ўғилларини олдига солиб жуфтакни ростлаб қолибди. Бўлмаса маҳалла йигитлари, ўлик эгалари оқ калтак-қора калтак қилишига сал қолган экан.

Тўй-ҳашам деган ҳар куни бўлавермайди, бола ҳам ҳар куни туғилавермайди, сурнай ҳам ҳар куни чалинавермайди. Агар сурнайчи узоқ вақт сурнай чалмай қўйса лунжи тортишиб, қаришиб, дами қалта бўлиб қолиши мумкин. Паҳсачининг оёғи ишлайдю сурнайчининг лунжи. Сурнайчи-қарнайчиларни боқадиган мучаси ахир лунжида! Лунжи қанча кенг бўлса, ҳар бир лунж ҳўкизнинг пуфагидай шишолса, унда сурнайдаги узун авж ўзини кўрсатади. Шишиб турмаган лунж нимаю сувга ташланган қозон нима. Ана шу сабабдан Мўмин ота миққий боқар эди. Кўп одамлар Мўмин отага тўхмат қилиб, «Бу чол қўш гўштига ишқибоз, овга чиқиб туради. Бедана уролма келганда ғуррак бўлса ҳам еяверди», дейишса ҳам, бу бўлмаган гап. Мўмин ота миққийни камоли касби важҳидан боқади. Бўлмаса, томошага лайлак боқибди, дегандек, Мўмин отага миққийнинг нима кераги бор? Кераги шуки, ана шу миққийни ҳам боқиш керак. Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув, деб бекорга айтилмаган. Хўш, миққий нима еб, нима ичади? Гарчанд миққий соҳибчангал ов қўшлари ичида қирғий, қарчигайдан орқада турадиган, беданадан бошқасини ололмайдиган кичик қўш бўлса ҳам, ўз чамасида илвасин ейди. Миққийнинг илвасини — тухуминг қурғур чумчуқ бўлади.

Хўш, Мўмин ота чумчуқни қаердан олади? Мачитдан. Тузоқ қўядими? Йўқ, бу муғамбир, ўғри чумчуқ тузоққа илиниб бўпти. Мўмин ота чумчуқларни туппак билан овлайди. Туппак деганимиз — бир қулочдан узунроқ ёғоч, ичи ҳавол найсимон асбоб бўлиб, ковагига ёш



боланинг чимчилоғи аранг сифади холос. Мўмин ота бир кафт тоза соғ лойга қўлида ўбдон ийлов бериб, ундан хом олчадай зувалак узиб, оғзига солиб, оғиз нами билан лў-лў-лў қилиб ғўлак ясайди. Ғўлак тайёр бўлиб оғзида туради, кейин чумчуқ мўлжалга олинади. Ғўлакни туппакиннг тешигига қўйиб, лунжини шишириб, бор кучи билан «Пуп!» деб отилади. Қарабсизки, чумчуқ оёгингизнинг тагига қулаб тушибди. Ана шунда Мўмин отанинг лунжи ҳам машқидан қолмайди, сурнай чалиш учун доим шай бўлиб тураверади, уйда эса миққий ҳам тўк. Ана — ҳамма сир шу! «Мўмин ота қуш гўштига ишқибоз», деган одамлар бекор айтибди.

Қўрғонтегин маҳалласида бир қричик, деворсиз ғариб мачит бўлгучи эди. Мачитнинг ўзига ярашиқ хонақоси, каттакон ҳовузи, ҳовуз атрофида икки юз чоғлик ар-ар тераги, бир ярим одам бўйи келадиган, хом ғишдан ясалган мезанаси, мезанасининг бош томонида ўйик дарчаси бор эди. Мақташга арзиганда минора деб айтардим, аммо бу минора бўп бўпти, мезана эди, холос. Мачит ёнида эски мактабхонаси ҳам бор эди — мен шу ерда ўқиганман. Маҳалланинг имоми ва бизнинг домламиз Ҳасанбой номли ўттиз ёшли чиройли бир киши эди.

Толиб сўфи ота лой ишларида узоқ вақт ишлаб, чарчаб қолди-ёв. У кунига икки мингдан ортиқ ғишт қўйишга кучи келмай қолганда маҳалланинг катта-кичиклари ўртага олиб:

— Толиб ота, қўйинг энди, бас қилинг, қариб қолдингиз. Ғишт қўйиш, иморат кўтариш ёшларнинг иши. Сиз мачитимизга сўфилик қила қолинг, бир кунингиз ўтиб қолар, — дейишди. Бундан аввалги сўфи Исломбой ўта диндор ва нашаванд киши бўлиб, ўтган рамазонда намозшомга азон айта туриб мезанадан мункиб кетган, жаннати бўлган эди.

Шундай қилиб, Мўмин ота ва Толиб сўфи ота бир-бирлари билан тотув, баҳамжиҳат, сирдош, улфат, бир қовокдан нос отишиб, бир қумғондан чой ичишиб — биттаси сурнайини чалиб, чумчуқ овлаб, биттаси сабаби тирикчилик — намозга, жанозага азон айтиб яшаб келардилар. Аслида-ку Мўмин отанинг боши саждага теккан эмас, намоз ўқимас эди. Қайси сурнайчи намоз ўқибдики, Мўмин ота ўқисин? Баъзи-баъзида дўсти Толиб сўфини тўйга олиб бормоқчи бўлиб қолса, узоқдан туриб, мезанадаги сўфига имларди.

— Толиб, Толиб, — деб қўлини лагандан ош егандай қилиб кўрсатиб, «тўйга борамиз» деган ишорани қилар эди.

Унга жавобан Толиб сўфи овозсиз кулок қоқиб, бир қўлини силтаб, узоқни кўрсатарди. Бу: «Шошмай тур, мана буларнинг азонини айтиб берай, намозига турмайман, бирга кетамиз», дегани бўларди. Бирга тўй оши ейишга кетар эдилар. (Нафсамбирни айтганда, қиз тўйининг оши бошқа ошлардан ширин бўлади-да!)

Афсус, афсус... Ҳамма ишга шайтон аралашмай турмас экан. Уртада балойи нафс деган нарса бор. Балойи нафс бўлмаганда Мўмин отага лунжу миққий, туппагу чумчуқнинг нима кераги бор эди? Балойи нафс деган шайтон ўртада бўлмаганда Толиб ота «Толиб сўфи» деган ном олмай тинчгина ғиштини қуйиб юравермасмиди!

Агар шайтон ўртага тушмаганда бу икки чолнинг тотувлиги ҳалигача чўзилиб келиши мумкин эди. Битта расво намози аср сабаб бўлдию бу икки дўст ўртасидан қора мушук ўтди, ит оралади, пахса урилди, икковларини иккита олабуқа икки томонга қараб сузиб ажратди.


Воқеа бундай бўлган эди.

Қўрғонтеги ўттиз чоғли хонадонга эга кичкина бир маҳалла. Шунинг учун ҳам Толиб сўфининг минғир овози маҳаллага кифоя қилар эди. Унинг айтадиган азонини аслида азон деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Шунчаки бир ундов. Чунончи унинг: «Ҳайю алас салот», деган товуши узоқдан «Ҳайнан ханан ханоо», бўлиб эшитиларди.

Бу кеч маҳалладаги намозхон хонадонларда намозхонлар таҳорат янгилаб намози асрга азон кутиб турардилар. Бирданга Толиб сўфи отанинг одатдагидан кўра бақирганроқ овози чиқиб қолди. Азон сўзлари ичида «астаъфирулло-о», «наузанбилло...» ва яна аллақандай азонга бегона сўзлар ҳам эшитилар эди. Дадам:

— Ие, нима гап бўлди! — дедию таҳоратини чала қолдириб, саллани қирғин қўйиб, мачит томонга югурди. Акам, мен ҳам унинг орқасидан чопдик. Йигирма-ўттиз чоғли одам, мезанада — Толиб сўфи, қуйида Мўмин сурнайчини ўртага олиб хаҳолашарди. Толиб сўфи ота ғазаб билан сурнайчига ўдағайлаб азон айтишда давом этарди.

— Ҳу, қуш гўшти еган онангни... оллоху акбар! Оллоху акбар! Ҳу, шиган лунжинг-



га... Муҳаммадун расулилло-о! Падар лаънат миққийбоз... Муҳаммадун расулилло-о! Пастга тушганимда кўрасан... Хайю ҳанан ҳано-о!.. Қари эшак... Муҳаммадун расулилло-о... Қўшмачи, ғурракхўр... оллоху акбар...

Толиб сўфининг сўкишларига Мўмин сурнайчи ҳам бўш келмас эди. Ҳар бир сўкишга ўрни-ўрнида жавоб қайтариб турарди:

— Бўкираверма аблаҳ! Тўшолмасанг ...еб чикарминдинг? Сурнайчини қўшмачи деб сенга ким айтди? Толиб — урис қолип! Энди сўфи бўлиб қолдингми, ароқхўр!

Ажойиб азон ўртасида хонақоҳдан югуриб чиққан Ҳасанбой домланинг «ҳай-ҳай»ига Толиб ота қулоқ ҳам солмас эди, қайтага азонга яна гап қўшилиб кетган эди:

— Сен аралашма бесоқол... оллоху акбар!..

Хайр, бир амаллаб Толиб сўфи отани оёғидан тортгандай қилиб мезанадан тушириб олдилар. Ха-ха-хо, тарала ичида воқеани суритгирдилар.

Маълум бўлишича, Мўмин сурнайчи мачит теракларига ин қўйган чумчуқларни овлаб юрар экан. Битта полопон чумчуқни мўлжалга олибди. Эндигина туппагини «пуп» дейман деганида ғирром чумчуқ «пир-р» этиб аввал мезананинг бошига қўнибди. У ерга мўлжал олганда мезананинг дарчасига қўнибди. Шундан бошқа чумчуқ куриб қолгандай туппак шу ерга тўғриланибди. Мўмин ота ғўлагини «пуп»лаганда Толиб сўфи «Хайю алал фалоҳ», деб ўнг томонга бурилиб, тишсиз оғзини карнайдай очган экан, туппакнинг ўқи сўфи отанинг лак-луқини уриб қўйибди. Чумчуқ эса аллақачон яна терак бошига қочган экан. Сўфи ота ғўлакни «ғўлт» этиб ютиб, азонни қайта бошдан юқорида айтганимиздек «чиرويلى» сўзлар билан безаб қичқирмоқда экан.

Уша куни шу ҳангома, гангур-гунгур билан овора бўлиб намози аср ҳам, намозшом ҳам қолиб кетди. Фақат у кунгина эмас, маҳалламизда намози аср, намози шом ўқишмайдиган бўлиб кетди. Пешинни-ку ҳеч ким ўқимасди, чунки ҳамма ишда бўларди.

Эртасига дадам нонушта вақтида хабар топиб келдилар, Қўғирмоч маҳалланинг имоми Ҳозгон тўрам айтибдиларки: «Қўғонтегида бўлган бу воқеадан кейин кечаси билан китоб кўриб чиқдим, аммо Абомуслими Соҳибқирон, Аҳмад замчи Қулоҳдароз замонларидан то ҳанузгача намози асрлар ичида ҳеч бундоқ расво намози аср ўтмаган экан».

Мана энди шу воқеага эллик йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳали ҳам йигит-яланг ўртасида бирортаси сўкиниб сўзланса, оғзи шалоқлик қилса:

— Нима бало, бу ҳам расво намози асрда туғилганларданми? — деб қуядилар.

Тошкент.

1965 йил, 7 июнь.

Рассом табассуми



Сўзсиз сурат.
Расмларни Ш. СУБХОНОВ чизган.

Конвертларни қайчилаганда

Баланд-паст эгри тишлари тиржайиб, оғзидан арақ ҳиди шундоққина гуркираб турарди.

* * *

Юриш-туриши ярашўғлик, ғўе товус юргандай қомат тўқади.

* * *

Танклар сумбаларини кўтариб, хўроздай савлат тўкиб, бежирим йўрғалаб боради.

* * *

Юзидан бўртиб чиққан номус тер маржонлари унинг бетини чўтир қилиб кўрсатарди.

Жанг майдонида душманга оқ ем бўлди.

* * *

Ҳанимнинг қора ниятини кўз олдида келтириб, кўнглида данакдай муз бўлиб турарди.

* * *

— Ассалому алайкум! — деди у гурзинча лаҳжа, озарбайжон шеваси аралаш ўзбек тилида.

* * *

Олапар ичдан инграб йиғларди. Унинг ярасини боғлаб қўйиш бечора кучукнинг кўлидан келмасди.

ҲУРМАТЛИ УҚУВЧИЛАР!

*Журналимиз саҳифаларида
қуйидаги асарларни ўқийсиз:*

ҲАМИД ҒУЛОМ. Қорадарё. Роман.
ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ. Авлодлар до-
вони. Роман.

ЎТҚИР ҲОШИМОВ. Икки эшик ораси.
Роман.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ. Ширин
қовунлар мамлакати. Роман.

УКТАМ УСМОНОВ. Олис манзиллар.
Роман.

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИЯ МАРКЕС. Юз
йил танҳоликда. Роман.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 6

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1985

Расом Х. Лутфуллаев.

Техник редактор М. Аҳмедов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига
қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 4.04.85 й. Босишга рухсат этилди 20.05.85 й. Қоғоз формати $70 \times 108 \frac{1}{4}$
Р—09265. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 156784. Заказ 527.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1985.